



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

12

1987

56 -йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Мурод МУҲАММАД ДУСТ
(бош редактор ўринбосари)

Омон МУҲТОРОВ
(проза бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТУЛА

УЙҒУН

Улмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул секретарь)

Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Навр



Машраб БОБОЕВ
НОМСИЗ ЮЛДУЗЛАР

Қисса

Уруш биздан анча олисда ўтгани билан, бу ерда ҳам у ўзининг мудҳиш изини қолдирган. Вайрон иморатлар тарзида бўлмасада, вайрон диллар тарзида. Бизнинг авлодимизнинг урушга алоқаси йўқдек: у бошланганидан кейин туғилганмиз. Бироқ, бизнинг умримизда ҳам уруш билан боғлиқ хотиралар бор...



Меросимизни ўрганимиз

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ
ЗОТИ ҚУЛЗУМ ТУРДИ

Эссе

Стол устида Турдининг мўъжазгина шеърий китоби... Баайни гулга кирган чоғида синдирилган мевали дарахтнинг шохи мунғайиб ётгандек бўлади. Тарих куллийти саҳифалари орасига солиб қўйилган, унутилаёзган — бу гуллаб турган новда...




Шеъримиз



Александр ТВАРДОВСКИЙ
ХОТИРА ҲУҚУҚИ

Достон

Унутилмас ҳар не, ҳар қачон,
Епиқ қозон эмасдир хилқат,
Бизга зарар ҳатто бир ёлғон,
Бизга зарур ёлғиз ҳақиқат!



Ҳамид Олимжон

Янги турмушга

*Амаллар кулганда юлдузлар янглиғ,
Кўлларда машғаллар, курашга бордик.
Булутлар кўкларда чодир қурганда,
Чақмоқлар сингари кўксини ёрдик.*


*Мотамлар тарихи ўтда ёнганда,
Ишчилар: — Зафар! — деб сигналлар чалди.
Ариқлар қон билан тўлиб тошганда,
Йўқсиллар қўлларга байроқлар олди.*

*Ишчиларнинг темир, пўлат қўллари
Энг юксак тоғларнинг бағрини ёрди,
Лавалардек қайноқ, ўтли йўллари
Йўқсиллар қалбига чечаклар тақди.*

*Қизил ўлка қўйнида биз эркинлар,
Чин турмушга солдик туганмас йўллар,
Сафимизга кирди миллионлаб кучлар,
Тонгдаги гудокдан олдик илҳомлар.*

*Биз олов, ўт каби кураш севамиз,
Янги турмуш, улуғ жаҳон қурамиз.*





Ҳаср



Машраб Бобоев

НОМСИЗ НОЛДУЗЛАР

Қисса

Бу хабарни Сафарали ака олиб келди.

Қишлоғимизга ҳамма гапни Сафарали ака олиб келади. Ҳар доим. Яхши гапни ҳам, ёмон гапни ҳам.

Сафарали ака — муаллим. Урта қишлоқдаги мактабда бизни ўқитади. Биз деганим — Кичкина қишлоқ, Урта қишлоқ, Катта қишлоқ деган учта қишлоқнинг болалари — биринчидан тўртинчи синфгача битта синфхонага (мактаб деганим ҳам шу синфхонанинг ўзи) йиғилиб, ўқиймиз. Битта синфда, бир вақтнинг ўзида...

Сафарали ака қандай дарс ўтган, қандай ўқитган — ҳозир ўйлаб кўрса, ҳайрон қолади, лекин ўшанда шундай бўлгани рост.

Сафарали акани ҳамма яхши кўради. Болалар-ку, муаллимлари бўлгани учун яхши кўришарди, бошқалар — катталар эса, эҳтимол, қишлоқни ташқи олам билан боғлаб турган ягона одам бўлгани билан яхши кўришгандир. Ҳарҳолда, у пайтда қишлоқларига газета келармиди-келмасмиди — аниқ билмайди, бироқ радионинг йўқлиги аниқ эди...

Сафарали ака асли Эски Жомбой деган жойдан. Урта қишлоққа душанба куни келиб, шанба куни уйига қайтиб кетар эди. Чиройли велосипеди бор эди. Ҳаммамиз ҳавас қилардик. Кундуз кунлари дарсдан кейин қишлоқларни айланиб юрар, ишнинг бошига борар, одамлар билан гаплашар, кечаси келиб синфхонада ётар эди. Бизникига кўп келарди. Отам билан алламаҳалгача гаплашиб ўтирарди-да, кейин отам қанча зўрламасин, ётгани синфхонага кетар эди.

Ўзи муаллимлар бизникига кўп келади. Сафарали акадан олдинги Нурия опа деган татар муаллим энам билан яхши, шунинг учун тез-тез келиб турар, кўпинча ётиб ҳам қолар эди. Ҳар келганида менга биронта китоб берарди. Мен эсам, китобнинг расмларини қайта-қайта кўриб, кейин варақма-варақ йиртиб ўйнардим. Шу тариқа саводим чиқиб қолган экан, етти ёшга тўлиб мактабга борганимда Сафарали ака (у Нурия опанинг ўрнига келган эди) синаб кўриб, бирданига иккинчи синфга қабул қилган эди...

Эҳтимол, бугун бу гапларга унча ишонгингиз келмас. Майли, ихтиёрингиз. Лекин шуни унутмангки, у асосий гапдан чалғиётган бўлса чалғиётгандир, бироқ ҳеч нарсани тўқийётгани йўқ. Ҳозир тўқийдиган ҳолда ҳам эмас.

Ҳар доим шундаймиди ё ўшанда шундай бўлганми, ишқилиб, қизиқ бўлган эди...

...Сафарали ака мендан бошқа яна бир бола — Катта қишлоқлик Бектемирни ҳам бирданига иккинчи синфга олди-ю, ўтган йили биринчи синфда ўқиган Саодат деган қизни синфида қолдирди. Саодат: «Мен ҳам иккинчига ўтаман», деб роса йиғлади. Орага катта болалар тушиб...

...синфхонадаги синфларгина эмас, ёш жиҳатидан ўқувчиларнинг ўзлари ҳам олақуроқ эди ўшанда. Айрим ўқувчилар муаллим билан тенгдош бўлган бўлса ҳам ажаб эмас...

...орага катта болалар тушиб: «Қишда ялангоёқ қор кечиб келарди, муаллим, ўтказа қолинг», деб илтимос қилишганидан кейин, Сафарали ака: «Ҳа, майли», деб уни ҳам иккинчи синфга ўтказган эди.

Сафарали акани ҳамма яхши кўради. Фақат мен ёмон кўраман. Тўғрироғи, яқиндан бери ёмон кўриб қолганман. Сабаби...

У бир гал келганида отам билан суҳбати илгарилардагидай бўлмади. Иккаласининг ҳам аллақандай машқи паст эди. Ҳар замон-ҳар замонда отам Сафарали акага ғалати, савол назари билан тикилар, ниманидир сўрар, Сафарали ака жавоб берганидан кейин ерга қараганча жим қолар эди. Улар айвонда ўтириб суҳбатлашишарди. Энам ичкарида, мен отамнинг ёнида эдим. Сафарали ака нималарнидир узоқ гапирди, ниманидир анча таранг, деди. Бу гапларига-ку, тушунганим йўғ-а, бироқ «ишқилиб, уруш бошланиб кетмасайди», деган гапини эшитиб, бу гап отамга ҳам ёмон таъсир қилганини кўриб, қўрқиб кетдим.

Ушанда кўрқиб кетдимۇ бироқ эртасига эрталаб, хўрсанд ҳолда болалардан суюнчи олишга югурдим:

- Болалар, болалар! Уруш бўларкан!
- Ким айтди?
- Сафарали ака!
- Ур-рэ!

Урушнинг қанақа бўлишини ҳозирги болалар билишади. Улар билишмасди. Лекин роса хўрсанд бўлишган, у ёқдан-бу ёққа югуриб, тоза қийқиришган. Уша куни хўрсандчилик билан ўтди-ю, эртасига...

Отам — ҳар доим суйиб-эркалайдиган, бирон марта қаттиқ гапирмаган одам, эрталаб дағдаға билан уйғотди-ю, ўрнимдан туришим билан қулоқ-чаккамга тортиб юборди:

— Мана сенга уруш, аҳмоқ!

Ушандан бери Сафарали акани ёмон кўраман. Узи отамга айтган гапни мен болаларга айтсам нима қипти!

Лекин ғалати одам Сафарали ака!

Муаллим бўлгани, шу сабабдан ҳам кичкинтойларга қўл етмас даражада катта одам бўлиб кўрингани билан, аслида у ёш йигит эди. Ун саккиз-ўн тўққизларда бўлгандир, эҳтимол. Жуда мулойим гапирарди. Кўзлари кулиб турарди. Ҳали умуман қирдирмаганми ёки атайлаб шундай қўйганми, сийраккина барра мўйлови ҳам ўзига ярашган эди. Одамлар уни муаллимлиги учун ҳурмат қилишгани-ку, турган гап, бошқа жиҳатлари: турқи-таровати, камтарлиги, лафзининг ширинлиги учун ҳам яхши кўришар эди...

Ғалати одам!

— Муллаларга ўхшаб, юзидан нур томади-я, — дерди энам.

— Ўқиган одамлар шунақа бўлади, — дерди отам. — Зиёли одамлар. — Кейин менга қараб давом этарди. — Худо хоҳласа, Эшматвойимиз ҳам Сафарали акасига ўхшаб юради ҳали! А?

Менинг-ку, Сафарали акага ўхшагим келарди-я, бунинг учун тинмай ўқиш кераклиги унча ёқмасди...

У пайтлар зиёли нима-ю, одамнинг юзидан нега нур томади — бунинг маънисига етмасди, аммо энди биладики, Сафарали аканинг зиёлилиги, «юзидан нур» томиши унинг кўп ўқиганидангина эмас экан. Шу ёшга етиб, ўқиган кўп одамларни кўрди, бироқ уларнинг ҳаммасини ҳам зиёли деб бўлмади. Сафарали ака эса, бор-йўғи ўрта маълумотли — еттинчи синфни, кейин Самарқанддаги жисмоний тарбия педбилим юртини тугатган бўлиб, унинг «юзидан томган нур» ҳам билимидангина эмас, юрагидаги зиёдан эди шекилли. Одамнинг юрагининг ўзида нур бўлмаса, ҳеч қандай нур уни зиёли қилолмас экан...

* * *

Бу хабарни ўша, ҳамма яхши кўрадиган Сафарали ака олиб келди.

Аслида мактаб аллақачон тугаган, ҳеч ким ўқимас, лекин Сафарали ака ҳар икки-уч кунда келиб турар эди. Дастлаб қишлоғимизнинг тик кўчасида велосипед миниб келаётганини кўриб, хафа бўлганмиз: «Ўқиш бошландими, муаллим?» «Йўқ, — деган у. — Уйнаб юраверинглар. Ўқиш тирамада бошланади. Тирамага ҳали анча бор. Мен агитаторман, шунинг учун келиб юрибман».

Унинг «агитатор»лик сирини бир куни Санам айтиб берган...

Санам — ён қўшнимиз, мендан бир ёш кичик. Бу йил биринчини битирди. Бир куни мактабга бораётганида уни Розия опа тутиб олибди-да, қўлига буқланган қоғоз тутқизиб: «Ҳеч кимга билдирмай муаллимга бер», дебди. Санам унинг айтганини қилибди. Сафарали ака хатни олибди-ю, индамабди. Ҳатто ўқиб ҳам кўрмабди. Уч-тўрт кундан кейин у ҳам Санамнинг қўлига буқланган қоғоз тутқизибди.

Сафарали аканинг Розия опа билан гаплашиб турганини ҳеч ким кўрган эмас... Кеча Қўчқор аканинг тўйи ҳам жуда қизиди, йигитлар ҳам, қизлар ҳам роса яйрашди, лекин Сафарали ака билан Розия опа бир-бирига яқин келгани йўқ. Улар фақат Санамнинг кўлига тутқизиладиган буклоғлик қоғозлар орқалигина гаплашишган, холос...

Сафарали ака шунча жойдан Қўчқор аканинг тўйига келди, кечаси яна велосипедини миниб қайтиб кетди-ю, эртасига шу хабарни топиб келди.

Кеча Қўчқор ака келинчак олиб келди. Катта қишлоқдаги Сулув деган қизни. Кеча мен ҳам... Санам билан...

Мен нимагадир болалар билан унча кўп ўйнамайман. Яхши кўрганим — энам хотинлар билан гаплашиб ўтирганда уларнинг орасида бўлиш, кейин — Санамнинг жиғига тегиш. Кеча ҳам, қарасам, Санам бир ўзи тўйхона томон кетяпти. Шартта деворнинг устига чиқдим-да, кўлимдаги ҳар доим олиб юрадиган ойначани қуёшга тўғрилаб, унинг кўзини қамаштира бошладим. Санам олдин кўзини нурдан олиб қочишга уринди, иложи бўлмагач, «Эш-ша-а-ак!» деб бақирди. Девордан сакраб тўшиб, йўлини тўсдим.

— Нима дединг?! — дедим дағдаға билан.

Санам вазоҳатимдан қўрқиб кетиб, ўзини йўқотиб қўяр, энди, бундай қилмайман, деб ялинишга тушар, деб ўйлаган эдим, йўқ, аксинча, вазоҳатим ҳам, дағдағам ҳам зигирча таъсир қилмабди.

— Эшшак дедим! — деди кўзимга тик қараб.

Қайтанга, ўзим бирпас довдираб қолдим.

— Эшшак қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! — дедим кейин. Овозимда пўписа, дўқдан кўра алам кучлироқ эди.

— Кўрсатиб бўлдинг-ку! — деди Санам.

— А? — дея кўзига қарасам, кўзи... шўх чарақлаб турибди!

— Бундан ортиғи бўлмайди! — деди у яна.

Уни ҳеч ўз ҳолига қўймасдим. Подага чиққанида сигирини бошқа томонга ҳайдардим, чўмилаётганида кийимларини олиб қочардим, қўғирчоқларини синдираддим... хуллас, кўлимдан нима келса қилиб, жонига тегардим. У «эшшак!» деб қарғанарди-ю, олдига борганимда кўрқарди-да, ялинишга тушарди.

Бу гал эса... Яна нима қиларимни билмай қолдим. Кейин кўлидаги тугунчани юлиб олиб ерга отдим. Тугунча ечилиб, бир неча чўпдан қилинган қўғирчоқ, калава ип, машина ғалтак сочилиб кетди. Қўғирчоқларни олиб, майда-майда қилиб синдирдим-да, ҳамма нарсасини тепкилаб, эзгилаб ташладим:

— Мана сенга! Мана сенга!

— Эшшак!

Унинг овози бу гал ҳаддан ташқари аччиқ эшитилди. Қўғирчоқларни тепкилашдан тўхтатиб, ўгирилиб қарасам... ёш тўла кўзлари... нима десам экан... аллақандай... ғалати эди. Илгари ҳам неча марта қўғирчоғини синдириб ташлаганман, қарғаган, йиғлаган, лекин бу қадар аччиқ йиғламаган, кўзида ҳам бугунгидай ифода йўқ эди. У қўғирчоқларининг «мажруҳ» бўлганидан ҳам кўра, менинг «ёвуз»лигимдан кўпроқ даҳшатга тушганга ўхшарди. Нигоҳидаги ҳайрат, илтижо шуни кўрсатарди чамамда. Минг жонига тегмай, у барибир мени ёмон кўрмас эди. Ўзи яхши кўрган одамнинг бу қадар ёвузлик қилишини ҳеч қачон ўйламаган шекилли...

Менинг бояги қаҳримдан асар ҳам қолмади. Бир зумда!

— Нимага йиғлаяпсан, Санам, — дедим ёнига келиб, мулойим, — Кўй...

— Йўқол! — деди у. Кўзларида нафрат барқ уриб турарди.

Орадан бир оз вақт ўтди ҳам, Санам йиғисини бас қилмади. Илгарилари йиғлаганида мазза қилиб кулардим, бу гал негадир, кулиш ўрнига йиғлагим келди.

— Кўй энди, Санам, йиғлама, — дедим ялиниб. — Майли, мен эшшакман. Эшшакман, майли. Йиғлама.

Санам менга ялт этиб қаради. Лекин, йиғлайверди. Кўриниб турибди: энди ўзи ҳам йиғламоқчи эмас, бироқ йиғисини тўхтатолмаяпти.

— Кел, ҳамма қўғирчоғингни бошқатдан ясаб бераман, — дедим-да, унга бошқа қарамасдан ҳамма қўғирчоқни йиғдим. Ипларини тарқатиб, буздим. Ариқ бўйидаги толлардан чўп синдириб олиб, янгитдан ясай бошладим. Санам

секин ёнимга келиб томоша қилишга тушди. Учала қўғирчоғини ҳам янгитдан, ўзиникидан каттароқ, чиройлироқ қилиб ясаб бердим. Умримда қўғирчоқ ясамаган бола (қиз боламидим!) қўғирчоқларимнинг бу қадар чиройли чиққанига ўзим ҳам ҳайрон эдим.

— Ия! — деди Санам. Энди у йиғидан тўхтаган, лекин ҳамон ҳиқиллар, қўғирчоқларга ҳайратда тикилиб қолган эди.

— Ҳа?

— Чиройли бўпти, — деди Санам. — Узимникидан ҳам яхши бўпти... Бу гапдан дарҳол ҳамма нарса унут бўлди-ю, керилиб кетдим.

— Ана шунақа-да аканг!

Санам ҳам жилмайди.

— Керилмай ўл, — деди кейин ҳамда чеккага қараб секин, кулги аралаш шивирлади: — Эшшак!

Яна ҳаммаси бошидан бошланди!

— Нима-а?! — дедим ўдағайлаб.

— Эш-ша-а-ак-к! — деди Санам. Энди у ўрнидан турган, қочишга шай эди.

Мен ташландим, у қочди. Шуниси қизиқки, у қочиб уйига ёки тўйхонага кетгани йўқ. Шу ернинг ўзида айланарди, холос.

Тутиб олдим.

— Энди нима қилай?

— Қўйвор! — дерди у тинмай юлқинаркан.

— Энди нима қилай? — дедим яна. Ҳақиқатан ҳам нима, қилишимни билмасдим. Шунча қувлаб, тутиб олгандан кейин бекордан бекорга қўйвориш ҳам... Ҳа-а, эсимга тушди. — Менга қара, нега мени доим эшшак дейсан?

Санам ялт этиб қаради. Кўзида шўх ёлқин чақнарди.

— Қўйворсанг айтаман.

Қўйвордим.

— Айт қани.

Санам қўлимдан чиқди-ю, хаҳолаб кула бошлади. Боя қандай ўзини тутолмай йиғлаган бўлса, энди шундай ўзини тўхтатолмай куларди.

— Эшшаксан-да, эшшак! Бўлмаса қўйворармидинг!

Бирдан ғалати бўлиб кетдим! Ҳа-а... Ҳақиқатан ҳам...

Санам кулганича атрофимни айланар, лекин мен индамай, унга қараганча турар эдим. Менинг жим турганимни кўриб, у ҳам бирдан кулгидан тўхтади-да, олдимга келди.

— Ҳа?

Индамай, унга қараб туравердим. Ростини айтсам, нима дейишимни билмасдим-да.

— Хафа бўлдингми?

Хафа бўлдимми? Билмадим. Индамай турибманми, демак хафа бўлган эканман-да. Лекин қиз болага: «Сендан хафа бўлдим» деб ўтириш... Уни уриш ё бир бало қилиб йиғлатиш керак. Аммо уришга қўлим бормаяпти. Яна боягидек йиғласа...

— Санам, боя нега йиғладинг?

У ғалати бир қаради-ю, индамади.

— Энди унақа йиғлама. Хўпми?

Санам энди ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— Нега?

— Билмадим. Ишқилиб, унақа йиғлама-да... Майли, энди тегмайман. Яхши-яхши қўғирчоқлар ясаб бераман. Фақат ўшанақа йиғламасанг бўлди. Хўпми?

Санам индамади. Худди катта одамлардай, кулимсираб қараб турар, лекин индамас эди.

— Юр энди, ўйнаймиз.

— Йўқ, — деди у. — Тўйга кетяпман.

Бу гапи яна асл ҳолимга қайтарди. Хаҳолаб кулиб юбордим.

— Тўйга?! Чоп, чоп, ж-жа, сенга қараб турибди ўзиям!

— Ишинг бўлмасин! Қизлар бор. Уйнаймиз.

— Тўхта, Санам, — дедим у юра бошлаганида. — Тўхта. — У тўхтади.

Олдига бордим. — Сен ҳам менга тегасанми?

— Нима?

— Менга тегасанми, деяпман. Мана, Қўчқор ака келинчак олиб келяпти-ку. Мен ҳам сени келинчак қилиб олиб келаман.

— Қачон?

— Катта бўлганимизда-да. Мана шундай тўй қиламиз, — Санамнинг индамай турганини кўриб, илҳомим жўшиб кетди. — Кейин мен урушга кетаман!

— Урушга?! — Санамнинг нигоҳи, овозида қандайдир қўрқув бор эди.

— Ҳа! — дедим ундаги ўзгаришга ҳайрон бўлиб. — Сафарали аканинг гапини айтган эдим-ку!

— Мен-чи?

— Нима сен?

— Мен нима қиламан?

— Сенми?.. Юрасан қизлар билан қўғирчоғингни ўйнаб!

Санам пиқ этиб кулди.

— Эш...

— ...мат! — дедим олдини олиб. — Ҳа?

— Йўқ! — деди Санам яна кўзларида шўхлик чақнаб. — Эшшаксан!

Келинчак ҳам қўғирчоқ ўйнайдими бўлмаса? — Мен яна ўсал бўлиб жим қолган эдим, у ўрнимдан қўзғатиш учун қоча бошлади. — Мен сенга тегмайман! Билдингми!

Беихтиёр уни қувлашга тушдим. Лекин, ҳаракатимда на завқ, на рағбат бор эди. Шунинг учун ҳам Санам кўп айланмай, тўйхонага ўтиб кетди.

Эй, тўй зўр бўлди-да лекин!

Кечаси келинчакнинг йўлига бақан тутиб, биттадан рўмолча олдик. Кейин ҳовлида гулхан ёқилиб, келинчак айланиб, уйга кириб кетганидан кейин роса ўйин бўлди. Биз болалар ҳам йигит-қизларнинг ўйинини томоша қилдик, ҳам ўзимиз мириқиб ўйнадик.

Эртасига уйқудан турсам, келиннинг юзочари ўтиб кетибди. Барибир куни бўйи тўйхонага одамлар келиб турди, биз мазза қилдик.

Кечга томон, тўйхонадаги одам тарқаб бўлай деганда велосипедини миниб Сафарали ака келди. Ушанда шу хабарни олиб келган эди.

Бу — уруш хабари эди...

Сочлари оппоқ бу одам сой бўйида, майда кесакларни сувга ташлаганча, хаёлга ғарқ бўлиб ўтирибди. Нарироқдан келаётган музика товуши, гап-сўз ҳамда бошқа шовкинлар қулоғига кирмайди, бугунги воқеа билан боғлиқ бўлган болалик манзаралари бутун борлигини қамраб олган...

Унинг лойиҳаси ўтмади. Ҳеч жойдан. Анчадан бери ўтмайди. Қарғага ўхшаб, бир чўкишдан олдин қирқ марта атрофга қараб оладиган, ўзининг соясидан ҳам ҳадиқсирайдиган мансабдорларгина эмас, ўзининг ҳамкасб дўстлари ҳам маъқуллашмаган ишини. Ун-ун беш йилдан бери шу гап. Орада қанча бошқа ҳайкаллари ўрнатилиб, яхши баҳо олган, лекин бу ҳайкаlining лойиҳаси ўтмайди. Лойиҳа аслида ҳаммага маъқул, аммо бундай ҳайкални ўрнатиб бўлмайди, ўзбекчиликка тўғри келмайди, дейишади. Пардалаш керак, дейишади. Бундай ҳайкални ўрнатиб бўлмаслигини, пардалаш кераклигини ўзи ҳам билади, бироқ бошқачасини ясай олмайди. Жуда кўп мавзуларда, жуда кўп ҳайкал ясаган. Ҳаммасининг шакли алоҳида, ўзига хос. Лойиҳаларини муҳокамага кўйганида ҳамкасблари билдирган яхши фикрларни олиб, ишига дарров ўзгартишлар киритади... Фақат мана шу мавзуга келганда хаёли, идроки, зеҳни ўтмаслашади-қолади: кўз олдига болалигидан ўрнашиб қолган суратдан бошқа нарсани келтиролмайди...

Ҳозир у буни ўйлаётгани йўқ. Бу ерда унинг суратигина бор, холос. Сийрати эса, бутунлай бошқа оламда. Сурати билан сийрати ўртасида қирқ йилдан ортиқ вақтдан иборат масофа ётибди...

У бу ерга, ўзининг туғилиб ўсган юртига Ғалабанинг қирқ йиллиги муносабати билан ўрнатилган Ёдгорликнинг очилиши маросимига таклиф этилган. Республикада кўзга кўринган шу ерлик одам сифатида (эҳтимол, «бу Ёдгорлик аслида сизники бўлиши керак эди, шундай бўлганида яхши бўларди, чунки сиз ўзимизнинг одамсиз, лекин нима қилайлик, лойиҳангиз ўтмади-ку,

шундай бўлса ҳам биз сизни ҳурмат қиламиз, кўрдингизми» деган андиша ҳам бордир бу илтифотнинг тагида) таклиф қилинган.

Бу ер умуман юрти бўлгани билан ўзининг қишлоғи эмас. Колхозлар бирлашиб-бирлашиб, катталашиб-катталашиб, ҳозир совхозга айланган. Қишлоқлар ҳам марказлашиб кетган. Уларнинг қишлоғи ўзи кичкинагина — йигирмата хўжаликдан иборат эди. Бошқа шундай қишлоқлар қаторида бузилиб кетган. Одамлар марказга яқин томонга кўчишган...

Келди, Ёдгорликни кўрди. Кўрмаса ҳам қанақалигини билади — лойиҳаси билан таниш. Аслида бу Ёдгорлик ҳам ҳозир республикада ўрнатилаётган юзлаб эгизакнинг бири: ўртада боласини бағрига босиб турган Она, унинг олдида Мангу олов ёниб туради, орқада эса, лойиҳа муаллифининг истеъдоди, диди тақозо қилган даражада бир манзара.

Унинг бундай Ёдгорликларга эътирози йўқ. Бир хил бўлса нима — ҳаммаси ҳар жойда-ку. Эгизаклиги билинмайди. Умуман олганда, ёмон эмас-ку. Бунинг устига, агар салбий фикр билдирадиган бўлса, фикри одамларда «бу — аламзадалиқдан, ўзининг иши ўтмаганидан кейин, бошқа ҳамма нарсани инкор қилади-да», деган таассурот уйғотишини билади. Шунинг учун, айниқса бугун ўзининг юртида профессионал талабчанликни сал йиғиштириб қўйиб, ҳамма нарсага бир оз бағрикенглик билан муносабатда бўлишга аҳд қилган.

Мана, келди, кўрди. Авторни, совхоз раҳбарларини, бошқа мутасадди-ларни табриклади. Узида ҳам яхши деб қабул қилишга майл борлигиданми, ҳайкал ҳам ланж таассурот уйғотмади. «Бу аёл — онам, бағридаги бола — ўзимман, — деб ўйлади ҳатто ҳайкалга қараб тураркан. — Ҳайкаллар одатда марҳумларга қўйиларди. Бу гал тирикларга ҳам қўйилибди. Буям яхши. Тирикларга ҳам ҳайкал қўйилиши керак-да, ахир. Агар шу тириклар, уларнинг бардоши бўлмаганида, онам билан менинг бардошимиз бўлмаганида шу кунларга етиб келармидик! Ҳа, бу — Бардошга, инсоннинг бардошига қўйилган ҳайкал!»

Ҳайкалдан олган таассуротига қаноат ҳосил қилиб, орқадаги манзарага ўтди. Манзара ҳам ёмон эмас: эгилган байроқларга урушдан қайтмаганларнинг фамилиялари ёзилган эди. Лекин қурбонларнинг фақат фамилиялари ёзилгани, исмларнинг бош ҳарфигина қўйилганидан хафа бўлди. Ўзбеклар қадимдан бир-бирини отидан билади. Шунинг учун, фамилиянинг ёнида ҳар доим исми тўла ёзиш керак. Мана бу Ёдгорликда ҳам қурбонларни фамилиясидан фақат қариндош-уруғлари танийди, холос. Шунча куч, шунча маблағ сарф қилинган-у, оддий нарсага эътибор берилмаган. Бу — ўша қурбонларнинг руҳига нисбатан таҳқир эмасми?! Тўғрилаш керак! Ҳа, тўғрилайсан-а! Энди тўғрилаб бўлармиди! Хафалиги жаҳлга айланди. Яна ўзини босишга тушди. Ҳарҳолда катта байрамни бузмаслик керак. Бирон нарсанинг асл моҳиятини ўйлаб кўрмайдиган, ҳамма ишни фақатгина хўжакўрсинга қиладиган бу бефаросатлардан ниманиям кутиб бўларди ўзи!

Фамилияларнинг ҳаммасини ўқиб чиқди. Таниганини таниди, танимаганини — йўқ. Кутганидай, бир одам — болалигидан бери хаёлини банд қилиб келган, сурати доимо кўз олдидан кетмайдиган, уруш мавзусида ҳайкал ишлашга келганда бутун идроки, зехнини ўтмаслаштириб қўядиган одам, яъни Сулув янгаси йўқ эди рўйхатда. Шафоат янгаси, Розия опаси ҳам йўқ. Эҳтимол, улар тирикдир. Тирик бўлса нима қипти! Мана, тирикларга ҳайкал қўйилган-у, номи ёзилса нима қипти! Бунинг устига, бугун тирик бўлгани билан эртага... Улар қачон ўлса ҳам, фақат уруш туфайли ўлган бўлади! Сулув янга-ку, ўшандаёқ кетган, Шафоат янга, Розия опаларнинг умрини оладиган бўлсак, ўша, урушгача яшаган кунларигина умрга киради. Бу ёғи...

Сафарали ака ҳам йўқ. Тўғри, у киши бошқа қишлоқдан эди. Рўйхат Қишлоқ советидан олиб ёзилган. Сафарали аканинг номи, эҳтимол, ўзининг қишлоғида ўрнатишга Ёдгорликка ёзилгандир. Лекин бу деган гап — бу ерда ёзилмаслиги керак, дегани эмас. У бу ерда ҳам яшаган. Бу ерда, шу ерлик одамларнинг хотирасида, юрагида изи бор-ку... Шу ерлик Розия опанинг тақдири у билан боғлиқ-ку...

Ҳа-а... Шунчалик лоқайд бўлиб кетибмиз-да, а... Ҳар қандай иш қилиндими, қилинмадими — шунга қараб баҳоланади, қандай қилинганига қараб эмас! Бир

ишниги, қилиш лозим бўлса, тўқис, нуқсонсиз қилиш керак, деган гапни унутиб юборибмиз шекилли... Кимни алдаяпмиз... Ўзимизни ўзимиз алдамаяпмизми... Наҳотки, ўзимизни — бировнинг ҳам эмас, ўзимизнинг ёлғонимизга ишонтирмоқчи бўлсак... Қизиқ...

Байрам бошланиб кетган эди.

Ёдгорлик супаси саҳнага айлантирилиб, олдиндаги майдонга тахтадан скамейкалар қоқилган. Пионерлар, мактаб ўқувчилари, райондан келган ҳаваскорлар эрталабдан шеърхонлик, концертни бошлаб юборган, лекин район ташкилотларидан келган уч-тўртта одам, шу ерлик мутасаддилар, бир-иккита меҳмонни ҳисобга олмаса, каттакон «зал»да деярли ҳеч ким йўқ эди. Иш қизгин пайти ҳозир. Ҳамма далада. Йиғилиш тушда бошланади. Одамлар сал ишдан бўшаган, овқатланиб, дам оладиган пайтда...

Қишлоғига бориб келмоқчи бўлди.

«Қишлоғи» ҳозир денг, теп-текис пахтазор эди. Қарта четида туриб, ўзларининг уйи қаерда эканини аниқламоқчи бўлди — аниқлаёлмади. Уйлари-нинг орқасида салдан кейин тўқайзор бошланар, тўқайзор у тенги болалар учун сирининг тагига етиб бўлмайдиган, кўрқинчли бир дунё эди. Кейин қир бошланарди. Қирга бориб келишга бир кун кетар, қирга бориб келган киши кўзларига ҳажга бориб келган одамдай кўринар, унга ҳавас билан қарашар эди. Кейин ўзлари ҳам чиқишди. Ўзлари чиқишганда, тўқайзордан ўтаётгандаги ваҳимани ҳисобга олинмаса, бу сафарларнинг сир, саргузаштидан кўра машаққати кўплиги маълум бўлди...

Мана, ҳозир қараб турибди-ю, мийиғида кулиб қўяди. Болалик ғалати экан-да. Аллақандай сир, саргузаштларга майл кучли бўларкан. Бўлмаса, мана, теп-текис жойлар экан-ку... Бироқ кўнглини бир ғусса кемирарди. Мана шу теп-текис жойлар улар учун бир олам эди. Сирли бир олам! Энди эса, оламлиги қолмаган. Оппа-очик, теп-текис... Уфққача ҳамма нарса бемалол кўриниб турибди. Эндигина тухумини ёриб чиққан жўжалардай тизилган олди тўрт, орқаси икки қулоқ ғўзалардан бўлак ҳеч нарса йўқ...

Йўқ, мана шу жажжигина ғўза ниҳоллари майин шабадада майин жимирлаб турган ерларда ҳеч нарса йўқ деб бўладими! Бу ерда олис болалигининг излари бор. У ҳаёт экан, бу излар ўчмайди. Бу излар ердагина эмас, унинг юрагида, хотирасида ҳам қолган. Бу ерда не-не гаплар, не-не ишлар бўлмаган! Бу ерларда кўзи ҳам, лаблари ҳам, лаблари устидаги сабза мўйлаби ҳам табассум қилиб турадиган Сафарали аканинг изи, унинг зиёси, юрагида Розия опага нисбатан уйғонган мана шу ғўзалардай навниҳол туйғулари... қолган. Розия опанинг ҳам ҳеч кимга ошкор бўлмаган, учирма даражасига келган учирма бўлмасдан ҳалокатга учраган қушчалар синғари, туғилар жойи — юрагидан ўчиб кетолмай, она гўшаси қабрига айланган туйғулари... Шафоат янганинг авжига чиққанда узилган сержаранг тори... Сулув янганинг...

Сулув янга!

Номи тилга олиниши биланоқ нигоҳида тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган бир ёруғлик пайдо қиладиган, бироқ шу пайтнинг ўзидаёқ томоғини ғиппа бўғадиган, энтиктириб, кўзидан марвариддек тиниқ ёш оқизадиган, бутун ҳаёт йўлини, касбини белгилаб берган, бутун вужудига, бутун онги, идроки, зеҳнига ҳоким бир сиймо!

Бу сиймони кўз олдига келтиргани замон бутунлай мувозанатини йўқотади, юраги ўйнай бошлайди, фикрларидаги изчиллик, муфасаллик йўқолиб, ўрнини аллақандай алғов-далғовлик эгаллайди, зеҳни ўтмаслашиб қолади!

Бу сиймо — бисотидаги энг ноёб, энг бебаҳо мулки!

Бу сиймо — йўлини чароғон қилиб турган офтоб!

Бу сиймо — қирқ уч йилдан бери юрагини секин-аста, лекин мунтазам кемираётган ойдин бир азоб!

Бу сиймо — қирқ уч йилдан бери елкасини эзиб келаётган юк!

Бу сиймо...

У ўзини бу ерга олиб келган машинага жавоб бериб юборди. Тантанали йиғилишга ҳали вақт бор. Секин пиёда кетади. Ҳеч кимга кўринмай, ҳеч ким билан гаплашмай... Токи, турмуш ташвишлари туфайли бўлак-бўлак бўлиб кетган, ҳар бўлаги ҳар жойда ётган, мана ҳозир, шу ерда жамланиб, тўла

жомдай бўлиб турган дунёси бирон эҳтиётсиз шарпадан яна пароканда бўлиб кетмасин...

Қайтиб келганида одам анча кўпайиб қолган эди. Районнинг бутун савдо, овқатланиш муассасалари кўчиб чиққан шекилли, асосан шу расталарда одам гавжум. Ёдгорликни кўраётган одам битта-иккита, холос. Яна тўрт-беш киши «зал»да гаплашиб ўтирибди. Қўлбола сахнада ҳаваскорлар концерт беришяпти.

Одамлар негадир ҳаддан ташқари беғам, ҳаддан ташқари хушчақчақдай кўринди. Тўғри, бугун байрам, лекин қанақа байрам ахир! Таъбир жоиз бўлса, қурбонларнинг байрами-ку! Наҳотки, шу қадар оғир жароҳат шунчалик тез битиб кетган бўлса? Наҳотки, хотирамиз шунчалик заиф бўлиб қолган бўлса? Бу ҳодиса хотирагагина боғлиқ эмас-ку! У хотирамизгагина эмас, бутун жисмимиз, руҳимизга сингиб кетган эмасмиди?

Ҳаддан ташқари инжиқ бўлиб кетмаяптими ўзи? Одамларда нима айб? Ишдан келишган! Магазинларни кўрса, бугунги маросим туфайли чиқиб қолган айрим ноёб нарсалардан харид қилса, иккита кабоб еб, бир шиша сув ичса нима қипти! Одам ҳар доим одам, ҳар доим ўзига яраша эҳтиёжи бўлади! Юракни кенгроқ қилиш керак!

Лекин минг уринмасин, «юрагини кенг» қилолмади. Тантанали мажлисга ҳам қарамай, кетди. Бир пайт қараса, мана шу ерда — сой бўйида, сувга майда тош, қесакларни ташлаганча ўтирибди...

Сафарали ака шу хабарни олиб келди-ю, қишлоқда ваҳима бошланди. Ҳамма бирданига саросимага тушиб қолган эди. Биз ҳам, ҳеч ким ҳеч нарса демаганига қарамай, ўйинни бас қилдик. Ҳозиргина тўй тантанаси ҳаволаб турган қишлоғимизга бирданига аза сукунати чўкди-қолди.

Сафарали ака Қўчқор ака билан ҳовли чеккасига чиқиб узоқ гаплашди. Кейин бизникига кирди. Отам, энам билан хайрлашди, менинг бошимни силаб кўйди-да, велосипедига миниб, кетди.

Мен унинг орқасидан узоқ, то кўринмай кетганича қараб қолдим...

Қишлоқдан чиқадиган йўл тўппа-тўғри эди. Қачон Сафарали акани эсласа, у кўз олдига икки ҳолда: қийиқроқ кўзлари, сабза мўйлаби, лабларида табассум билан қараб турган ҳамда велосипед минганча узоқлашиб кетаётган ҳолда намоён бўлади. Назарида, худди бугун ҳам велосипедда кетиб бораётгандай...

Уч-тўрт кун ичида қишлоқ ҳувиллади-қолди. Отаси ҳам, Қўчқор ака, Болтабой ака, Санамнинг отаси билан икки акаси ҳам... хуллас, ҳамма кетди. Урушга бораман, деб керилиб юрган ўзи тенги болаларнинг ҳам бирданига нафаси ўчди. Отасининг ўшанда нима учун урганини ҳам энди тушунди. Сафарали акани ёмон кўриб юргани учун ўзини кўп қийнади. «Мен унчалик ёмон кўрмаганман, сал жаҳлим чиққан, холос, мени кечиринг, сиз яхши одамсиз, сизни яхши кўраман!» дейин деса, энди кеч, энди Сафарали ака йўқ. Велосипедини миниб, жўнаб кетган. Ҳў, ана, ҳамон кетиб боряпти. Минг уринмасин, унга етиб ололмайди.

Кичкинагина қишлоғимизнинг ярмидан кўпроғи урушга кетди. Пахта билан бўғдойнинг иши хотинлар билан бизга қолди. Отам, Қўчқор ака, Санамнинг отаси билан акалари аёллару қизлари билан битта звено бўлиб, даштдаги ерга қарашар эди. Энди ўша звено одамларидан битта энам қолди. Санамнинг энаси қандайдир оғир касал, олдин қишлоқда анча ётган, кейин аравага солиб Самарқандга, касалхонага олиб кетилган эди. Раис бобо уйимизга келиб, энам билан узоқ гаплашганидан кейин биз ҳам — энам, мен, Санам, Қўчқор аканинг келинчаги Сулув янга энгил кўчни кўтариб даштга чиқиб кетдик...

Дашт дегани, яъни Қирдала — уйларининг орқасидаги тўқайзордан ўтиб, кетилаверса, пиёда уч-тўрт соатлик йўл эди. Илгари ҳам, куннинг ярми йўлга кетмасин, деб одамлар, асосан эркаклар ётиб қолиб ишлашарди...

Туш бўлай деганда чарчаб-ҳориб етиб келдик. Қозон, кумғон, ёғоч товоқ, чойнак-пиёла, егулик, тўртта кўрпани шунча жойга кўтариб келишнинг ўзи бўлармиди. Юкни асосан энам билан Сулув янгам кўтаришди. Санам билан мен энгил нарсаларни олдик.

Сулув янганинг юзини бугун кўрдим. Ҳақиқатан ҳам сулув экан! Лекин жудаям ғамгин эди!

Куёви билан уч-тўрт тунгина бирга бўлган келинчакнинг бирданига бундай ҳолга тушишининг даҳшатини ўшанда яхши билмас, шунинг учун унинг ҳаддан ташқари тундлиги, очилиб гаплашмаганига ҳайрон бўлган эди-я! Бечора Сулув янга...

Санам биз билан чиқмаса ҳам бўларди, чунки саккиз яшар қизнинг қўлидан нимаям иш келарди дейсиз! Бироқ унинг уйида ҳеч ким қолмаган, шунинг учун энам уни ишлатишга эмас, ҳувиллаган уйда ёлғиз қолмасин, деб олиб олган эди.

Сулув янгамнинг уйида қайнонаси Бувиш момо қолган. Нимжон, кекса кампир биз билан даштга чиқолмас экан. Энам айтди. Келолганида олиб келардик, деди...

Бугун ўйлайди: йигирма яшар йигитнинг онаси қандай қилиб кекса, кампир бўлади? Одамнинг ишонгиси келмайди. Бугунги кунга солиштирамиз-да. Уша пайтларда эса, турмушнинг оғирлигиданми, қирқдан ошган одам кўпинча меҳнатга ярамай қолар, шунинг учунми, кекса ҳисобланар эди...

Хуллас, ишни бошладик. Беш-олтита қартадаги пахтани чопишимиз, сугоришимиз керак экан. Юқорида пахта майдонимиздан уч-тўрт баравар катта буғдойзор бор эди. Буғдой ҳам ҳадемай пишаркан, униям ўришимиз керак экан.

— Иш кўп, болаларим, — деди энам. — Ҳаммасини ўзимиз қилишимиз керак. Тўртталамиз.

Кўчада шаталоқ отиб юрган тўққиз яшар боланинг бирданига оғир меҳнатга тушишини бир тасаввур қилинг! Санам, энасининг йўқлиги учунми, индамай ғўза чопяпти, лекин менинг сира тоқатим йўқ. Кун иссиқ. Урган кетмоним кўпинча катта кесакка тегиб қайтиб кетади... Шу ҳолда йигирма-ўттиз марта урганимдан кейин кетмонни отиб юбордим.

— Боринг, керак эмас! Чопмайман! — дедим энамга йиғи аралаш қичқириб.

Энам ишдан тўхтади. Сулув янгам билан Санам ҳам. Энам менга бир оз қараб турди-да, бориб кетмонимни олиб келди.

— Чарчаган бўлсанг, дам ол, болам, — деди. — Лекин йиғлама. Кейин, кетмонниям бунақа отма. Қара, бир-иккита ғўзанинг шохини узиб кетибди.

Жаҳлим ҳам, йиғим ҳам эсимдан чиқиб кетди. Энамга қараганча туриб қолдим.

— Ҳа, — деди энам. — Нега бундай анграйиб қолдинг, болам?

— Ҳеч... — дедим секин. Кейин кетмонни олиб ишга тушдим.

Боя кетмонни улоқтириб ташлаб, йиғлаганимда энамдан бундай мулойим муомалани эмас, келиб, юзимга шапалоқ тортиб юборишини, қарғашини кутган эдим. Ҳар доим шундай қиларди-да. Сал кўзига кўринмай қолсам, инжиқлик ёки бир гапини икки қилсам, ёнида бўлсам-ку, шапалоқ тортиб юборарди, узоқроқда бўлсам, йўқ жойдаги қарғишларни топиб қарғарди. Сайидкул бобонинг дoston, эртақларини кўп эшитган эмасманми, шундай пайтларда кўпинча «энам ўгай шекилли», деган гумонга борардим. Буни бир гал Санамга айтганимда, «тентак», деб кулган. Ҳозир мени ҳайрон қилган нарса ҳам энамнинг бирданига бошқача бўлиб қолгани эди.

Энам урганида, қарғанида яна хархаша қилсам бўлаверарди, энди эса... Санамга қарадим. Индамай ғўза чопяпти. Менинг ҳам индамасдан ишлашдан бўлак чорам қолмаган эди.

— Эшмат, — деди энам анчадан кейин. — Сен сатилни олиб, Полвон-ариққа бориб кел. Санам ўтин-пўтин йиғсин. Чой қўямиз. Туш бўлиб қолди.

Тўрт қартанинг ўртасида бир туп тут бор. Уша тутнинг ёнига қамишдан қалин қилиб чайла, чайланинг ёнига икки сўрилик чортоқ қурилган. Чайла билан чортоқ анча олдин қурилган, лекин ҳар йили янгиланади. Бу йил ҳам отам янгилаган. Уша жойга тушганмиз.

— Сулувой, — деди энам чой ичиб ўтирганимизда Сулув янгамга. —

Тирамада совуқ эрта тушиб қолиши мумкин. Кейин, ҳали бу ерда анча қолиб кетишимиз ҳам ҳеч гап эмас, — Санам билан менга ишора қилиб қўйди. — Мана булар билан... Шу, сал бўшасак, фишт қуйиб, чайланинг ўрнига бир чалдевор қилиб қўйсакми, дейман. Ҳарна қамишдан иссиқроқ бўладими, дейман-да...

— Майли, — деди Сулув янгам. У ҳали бу ерларда янгилиги учунми, ўзининг дарди оғирлиги учунми, умуман ҳеч нарсага аралашмас, гапга «ҳа» ёки «йўқ» дебгина жавоб берар, ҳар бир айтилган ишга рози бўлаверар эди.

Энам ҳеч кимга тинчлик бермади. Бир ойнинг ичида ғўзаларни чопиб, суғориб олдик.

— Энди пахта очилгунча буғдой ўрамиз, — деди энам.

Сулув янгам Бувинг момодан хабар олгани қишлоққа тушиб кетди-ю, ғалати бўлиб қайтиб келди. Бир қараганда, энди илгариги одамовилиги йўқдай, кўзларида аниқ бир шуъла, ҳаракатларида бир шошқинлик бордай эди. Биз билан ҳам анча гаплашадиган бўлиб қолди. Лекин гоҳи-гоҳида Санамга тикилиб қоларди-да, ғалати бўлиб кетарди. Анчагача яна илгаригидай тунд ҳолда юрарди.

Бунинг сабабини кейин билдим.

Хурсандлиги эса... Қўчқор акадан хат келибди. Қишлоқдан кўтариб келган бўғчасини очиб, келинлик либосларини кийди, бўйнига мунчоқларини, сочига попугини тақди. Ўсма, сурма олиб келган экан, энам билан биргалашиб; қошларига ўсма, кўзларига сурма қўйишди. Санамнинг қошига ҳам ўсма қўйишди. Энам Сулув янгамнинг зулфини ҳам яхшилаб чиқариб қўйди. Тушдан кейин ишламадик.

— Майли, бугун дам олайлик, — деди энам. — Ўроққа эртага тушамиз. — Кейин Сулув янгамга қараб кулди. — Бугун қайта бошдан бир келинчак бўлайлик!

Сулув янгам ҳам кулиб қўйди.

— Шундайку-я, янга, — деди кейин. — Лекин келинчаклигимизнинг кимга кераги бор?! Куёвларимиз у ёқда юрган бўлса...

Унинг кўзи ғалати: ҳадсиз-ҳудудсиз ғусса, изтироб, илтижо, аламга тўла эди.

— Ҳа-а, — деди энам ҳам ғамгинлашиб. — Начора. Чидаймиз-да. Кўпга келган тўй бу...

— Қирилиб кетсин тўйиям! — дея қичқириб юборди Сулув янгам. Овози ниҳоятда аччиқ эди.

— Қўйинг, ўзингизни босинг, келин, — деди энам. — Барибир фойдаси йўқ.

— Ун кун олдин бошланса бўлмасмиди уруши!

Ҳаммамиз Сулув янгамга ҳайрон бўлиб қараб қолдик.

— Нималар деяпсиз, келин? — деди энам жаҳли чиқиб.

— Ун кун олдин бошланганида, тўй бўлмас эди! Мен ҳам ҳеч нарсани билмасдан юраверардим! Сиз тушуниб турибсиз-ку ахир, янга!

— Ҳа-а... — деди-ю, энам индамай қолди.

Санам иккаламиз ҳайрон эдик. Сулув янгам нега бундай деди? Энам нимага тушунди-ю, нега индамай қолди экан?

Сулув янгам қанча вақт сарфлаб кийган кийимлари, тақинчоқларини ечиб улоқтирди-да, ерга юзтубан тушганча ҳўнграб йиғлай бошлади. Энам уни овутокчи бўлар, лекин ҳаракатлари беҳуда эди.

Яхши бошланган «келинчаклик байрами» шундай кўнгилсизлик билан тугади.

Ўримга тушиб кетдик.

Сулув янгам энди бошига тушган кунга ҳам кўниккан, биз билан ҳам эл бўлиб қолган эди...

Вазият минг мудҳиш бўлмасин, ҳаёт давом этаверар экан. Энди дастлабки пайтлардаги кўнгилхиралик, тундлик ўрнини турмуш ташвишлари билан боғлиқ гап-сўзлар, ҳазил-мутойиба эгаллай бошлади...

Лекин энам — илгари мени урмаса ё қарғамаса туролмайдиган энам,

даштга келганимиздан бери бирон марта ҳам урган ё қарған эмас. Бир неча марта, жуда ҳаддан ошиб кетган пайтларимдагина: «Тентак!» деб қўйди, холос. Шундаям, сезардим, ичида кулиб қўярди.

Ҳаддан ошадиган пайтларим — ростини айтсам, бўлиб турарди. Бир куни кечаси ой ёруғ эди, одатда дарров ухлаб қоладиган одамлар анчагача гаплашиб ўтирдик. У ёқ-бу ёқдан.

— Катта бўлсангиз кимни оласиз, укатой? — деб сўраб қолди Сулув янгам.

Санам, оининг ёруғида бўлсам сезиб турибман, қизариб кетди: Менга: «Шарманда қилма!» дегандай огоҳлантирувчи назар билан қаради-да, нигоҳини ерга олди. Уни безовта қилган нарсалар (эҳтимол, ўзимнинг «менга тегасан» деган гапим ҳам) менинг хаёлимда йўқ эди...

Эсида: ўша пайтларда қишлоқда аёллар йиғилиб ўтиришганда, атрофларида ўйнаб юрган болаларига эркалатиб шундай саволлар беришар эди. У уч-тўрт яшарлик пайтларидаям шундай бир ғалати иш бўлган. Аёллар Гулзамон янганикида йиғилишган эди. У энасининг елкасига осилиб, аёлларнинг гапига қулоқ соларди. Энаси сўраб қолган эди:

— Сен кимни оласан, ўғлим?

Атрофда даврада ўтирган аёлларнинг ўғил-қизлари ўйнаб юришарди. У айтиши лозим бўлган, онаси яхши ният билан кўз остига олиб қўйган қизча ҳам, эҳтимол, ўша ерда бўлгандир. У «фалончини оламан», деса, эҳтимол, энаси билан ўша қизчанинг энаси совчилик «савдо-сотифи»ни бошлаб юборар, янги мавзу гурунгни янада қизитармиди...

У қўлини энасининг бўйнидан олиб, қаддини тиклаган-да, Гулзамон янгага қараб жавоб берган:

— Гулзамон янгани!

Аёллар бир зум ҳанг-манг бўлиб қолишган. Қулоқларига ишонгиси келмай, бир-бирига қарашган.

— А? — деган энаси.

— Гулзамон янгани! — деган у ҳеч нарса бўлмагандай.

Қаттиқ кулги кўтарилган, аёллар узоқ, мазза қилиб кулишган эди. Фақат Гулзамон янга кўп кулмаган. Жилмайганича, меҳр билан қараб тураверган. Аёллар кулиб бўлиб, кўз ёшларини артишгандан кейин энаси ярим ўгирилиб, кучоқлаганча сўраган эди:

— Нега ундай дейсан, ўғлим?

У Гулзамон янгасидан кўз узмай, хотиржам жавоб берган:

— Гулзамон янгам яхши-да. Яхши кўраман!

Бу гапидан кейин, нимагадир кулги кўтарилмаган. Гулзамон янгаси туриб ёнига келган-да, елкасига қоқиб қўйган эди:

— Айланайин ўзимнинг укажонимдан!

Қучоқлаб ўпишини кутган эди, ундай қилмаган.

Гулзамон янга бир йилдан кейин ўлди. Кейин билса, у анчадан бери сил экан. Ўшанда кучоқлаб ўпмагани ҳам шунинг учун бўлса керак.

Гулзамон янгасини нима учун яхши кўрганини билмайди. Улганида садр тепиб, қий-чув қилиб йиғлаган хотинларнинг оёқ остида ўралашиб юриб, роса йиғлагани эсида, холос...

...Санамнинг нега қизариб кетгани-ю, нима деб қарагани, назарини олиб қочгани билан ишим йўқ, Сулув янгамга бир оз қараб турдим-да, жавоб бердим:

— Сизни!

Санам ялт этиб менга, энам билан Сулув янгам эса, бир-бирига қараб қолишди. Бирпасдан кейин Сулув янгам қотиб-қотиб кула бошлади. Энам жилмайганича дам унга, дам менга қараб турарди.

— Нега ундай дейсан, болам? — деди энам Сулув янгам кулишдан тўхтагач.

— Янгам яхши-да! Яхши кўраман.

Сулув янгам келиб бағрига босди-да, икки юзимдан ўпиб қўйди:

— Айланайин ўзимнинг укатойимдан!

Санам ҳам энди ўзига келган, ўзи ўйлаган хижолатпазлик юз бермаганидан хурсанд эди шекилли, жилмайиб турарди.

— Янгамнинг эри бор-ку, эш... — одатдагидай «эшшак» демоқчи эди шекилли, энам шу ердалиги эсига тушибми, бир оз чайналиб туриб, гапини тўғрилаб кетди: — Эшмат!

— Эри бўлса нима қипти!

— Кўчқор аканг келади-ку, болам, ўшанда нима қиласан?

— Кўчқор ака келганча мен яхши кўраман, кейин Кўчқор акамнинг ўзи яхши кўраверади!

— Кўчқор аканг келганидан кейин яхши кўрмайсанми?

— Йўқ.

— Нега? — бу саволни Сулув янгам берди.

— Нима қиламан, — дедим-да, нима учундир Санам томонга ўгирилдим. — Унда бошқани яхши кўраман.

— Айланайин ўзимнинг бевафо, беқарор укатойимдан! — Сулув янгам яна кучоқлаб, икки юзимдан қаттиқ-қаттиқ ўпди.

— Ул, каллаварам! — деди Санам секин кулиб.

— Нима дединг?

— Каллаварам дедим! — Санамнинг шўхлиги тутиб кетган, ҳар ҳолда энам — ҳимоячим ёнимда эканини ҳам унутган эди.

Мен унга ташландим, у энамнинг биқинига ўтди.

— Қаранг, хола!

— Ўтир! — деди энам олдинга ҳангоманинг таъсирида жилмайганча. — Ҳаддингдан ошма, бола!

— Нега каллаварам дейди бўлмаса! — дедим жўжаҳўрозлик қилиб.

Санам энамнинг биқинидан чиқмай, яна «пиқ!» этиб кулди.

— Ҳалиги гапингни айтиб берайми?

«Менга тегасанми?» деганим энди эсимга келди. Қўрқиб кетдим. Лекин бўш келмадим:

— Қайси гапимни?

— Энам ўгай деганингни!

— А? — энам бу гапни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди. Кейин Санамдан сўради: — Энам ўгай дедими? Қачон?

Санам энамнинг пинжида, кўзлари йилтираб, мушукнинг ҳужум қилолмаслигини билган сичқондай менга қараб турарди.

— Қачон айтдим?! — дедим ўдағайлаб.

— Ҳа, эсингдан чиқиб кетдими? Елғон! Бир эмас, бир неча марта айтгансан!

Энамнинг жуда жаҳли чиқиб кетса керак, олдин урмай, қарғамай қўйган бўлса ҳам, энди урса, қарғаса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ундай қилмади. Ғалати жилмайиб, олдин Сулув янгамга, кейин менга қаради.

— Нега ундай дединг, болам?

Уришганида ё урмоқчи бўлганида «айтганим йўқ!» деб туриб олардим, лекин ҳозир, яхши гап билан, мулойим сўраётгани учун, айбимга иқрор бўлишдан бўлак чорам йўқ эди.

— Ўзингиз... ҳеч... қўймасдингиз. Уни қил, буни қил, деб... Уришиб... қарғайверардингиз. Шунда бир жаҳлим чиқиб... — Санамга ўқрайиб қараб қўйдим.

— Ҳа, шунгами... — деди энам маъюс кулимсираб. — У кунлар ҳам бир давлат экан-да, болам... — Кейин Сулув янгамга қараб давом этди. — Худойим биз хотинларни оғзимизда қарғиш билан яратган-да ўзи. Боламизниям ўл деб яхши кўрамыз... — Бир оз жим қолиб, яна давом этди. — У кунлар барибир давлат экан... — Кейин менга қаради. — Мана, энди қарғамаямман-ку, болам.

— Ҳа, қарғамай қўйдингиз, — дедим мен.

— У кунлар бир давлат экан-да, — деди энам яна. — Одам яхши кунларининг қадрига етмас экан. Мана, бошимизга қора кун тушувди, яхши бўлдик-қолдик.

— Қора кун нима, хола? — сўради Санам.

— Уруш-да, қизим.

— Уруш нега қора кун бўлади? — сўрадим мен.

Энам нима дейишини билмай, Сулув янгамга қаради.

- Қара, — деди кейин менга. — Сенлар олдин шундай ишлармидинглар? Шаталоқ отиб юрардинглар. Оталаринг уйда эди. Энди йўқ...
- Келмайдими? — деб сўрадим шошиб.
- Ҳа, нафасингни ел олсин, — деди энам. Кейин ёқасини очиб, кўксига туфлаб қўйди. — Келади. Келади, болам!
- Қачон? — бу саволни Санам иккаламиз баравар бердик. Сулув янгам ҳам энамнинг оғзига тикилиб қолган эди.
- Уруш тамом бўлганда-да.
- Уруш қачон тамом бўлади?
- Билмадим, болам... — деди энам. Кейин овозини кўтарди. — Ётинглар энди. Кеч бўлиб кетди. Эрталаб эрта турамиз. Салқинда ишлаш керак.
- Кеч бўлгани тўғри эди. Лекин, ҳеч ким қимирламади. Энамнинг ўзи ҳам зўрламади. Иш оғир, кун бўйи қаттиқ чарчардик, шунинг учун кечкурун овқатни еб бўлиб, у ёқ-бу ёқдан сал гаплашардик-да, ухлаб қолардик. Бугун нимагадир ҳеч кимнинг уйқуси келмас, ҳамманинг қандайдир бир-бири билан дардлашишга майли бор эди.
- Совқотиб кетдим, — деди Санам.
- Минсагингни кийиб ол, — деди энам. — Ё кўрпага кириб ёт.
- Салқинни мен ҳам энди сездим. Этим жунжикиб кетди.
- Мен ҳам совқотаяпман, — дедим. — Санам, менинг чопонимниям ол... — Санам чопонимни олиб келди. Кийдим. — Юлдузнинг совуғи уряпти-да.
- Нима деб алжираяпсан! — деди энам.
- Алжираётганим йўқ! — дедим кескин. — Ҳар доим шу-ку, юлдуз чиқса одам совқотади. Совуғи уради.
- Ундай дема, болам, — ўзига гапиргандай, секин деди энам. — Юлдузни ундай дема. Юлдуз яхши.
- Юлдуз нур-ку. Нур иситади қайтага, — деди Сулув янгам.
- Нега иситмаяпти бўлмаса?
- Кечаси салқин бўлади-да ўзи. Юлдуз яхши, Укатои. Юлдуз — ёруғлик.
- Шунинг учун ҳам одамлар осмонга қараб, юлдуз танлайди.
- Юлдуз танлайди?
- Ҳа.
- Нима қилади танлаб?
- Битта юлдузни белгилаб қўяди-да. Шу меники, деб. Кейин доим ўша юлдузга қараб юради.
- Кейин нима бўлади?
- Сулув янгам гапни бошлашга бошлаб қўйиб, энди нима деб жавоб беришни билмай қолди шекилли, мадад сўрабми, энамга қаради.
- Ҳеч нарса бўлмайди, — деди энам.
- Ҳеч нарса бўлмаса белгилаб қўйишнинг нима кераги бор! — дедим мен хафа бўлиб.
- Осмонда ҳар кимнинг юлдузи бўлади, Укатои, — Сулув янгам менинг хафалигимни тарқатиш мақсадида, тушунтира бошлади. — Шу юлдузига қараб юради. Юлдузи турганча яшайди. Учиб кетганича...
- Учиб кетса нима бўлади?
- Учиб кетсами... — Сулув янгам энамга қараб олди. Хато қилганини англади-ю, уни тузатиш вақти ўтгани учун гапини охирига етказди. — Ҳади.
- Келин! — деб ўшқирди энам.
- Одам ўладими? — сўрадим мен.
- Ҳади-ми? — қўшилди Санам.
- Йўқ! — дея жеркиди энам иккаламизни ҳам. Кейин яна Сулув янгамга қараб олди. Бирпас индамай турди-да, босиқ, мулойим тушунтира бошлади. — Янганлар ҳали ёш-да, болаларим. Янганлар айтаётган юлдуз — одамнинг бахти. Бахти бор одамнинг осмонда юлдузи бўлади.
- Пешонасидаям, — қўшилди Сулув янгам.
- Ҳа... Пешонасидаям... — Энам шундай деди-ю, Сулув янгамга яна норози қараб қўйди.
- Сизнинг бахтингиз борми? — сўрадим энамдан.
- Ҳа, бор.
- Қани, пешонангизда юлдуз йўқ-ку бўлмасам?

Энам бирпас жим қолди. Кейин мени бағрига тортиб, пешонамни силади.

— Менинг бахтим ҳам, пешонамдаги юлдузим ҳам сенсан, болам!

Мен бирон нарсага аниқ тушунганим йўқ, лекин барибир, ниманидир тушунгандай эдим. Ғира-шира. Шунинг учун, бу гапини тўла тушунган одамдай:

— Осмондаги юлдузингиз-чи? — деб давом этдим.

— Осмондаги юлдузим ҳам сенсан, болам... Кейин... отанг...

Ортиқча саволга ҳожат йўқ эди. Ҳозирги ғира-шира тушунча вақт ўтгани сари ойдинлаша борса керак. Энамнинг тиззасига бош қўйиб, осмонга қараб ётдим. Энам бошимни силаб ўтираверди. Мен тингандан кейин савол сўраш навбати Санамга келди.

— Сиз белгилаб қўйганмисиз? — дея сўради у Сулув янгамдан.

Сулув янгамнинг бир оз хаёли қочиб ўтирганмикан, сўради:

— Нимани?

— Осмондаги юлдузингизни.

— Ҳа.

— Кўрсатинг-чи!

Сулув янгам кулди:

— Қўл билан кўрсатиб бўлмайди-да, Қизалоқ! Ўзим биламан.

— Пешонангизда йўқ-ку?

— А? — Сулув янгам бирдан сесканиб кетди. Ҳақиқатан ҳам пешонасида юлдуз осилиб турган бўлиши керакдай, қўли билан пайпаслаб кўрди-да, сўради. — Йўқми? Пешонамда юлдузим йўқми?

— Йўқ, — деди Санам хотиржам.

— Унақа, дема! — жеркиб берди энам. — Кимнинг пешонасида юлдузи кўриниб турибди?! Қўчқордай эри бор пешонасида!

Сулув янгам энамга миннатдор қараб қўйди.

— Ана, билдингизми, Қизалоқ, — деди Санамни бағрига босиб. — Фақат осмондаги юлдуз кўринади.

— Унда одамнинг юлдузи бор-йўқлиги қандай билинади? — сўради Санам хафа бўлиб.

— Билинади, — деди Сулув янгам уни бағрига янада қаттироқ босиб. Сухбат ўз-ўзидан тунги салқинга ўхшаб ғалати, ҳовуридан тушиб борарди. — Билинади, Қизалоқ. Мана, сизнинг отангиз, акаларингиз — юлдузингиз бўлади.

— Энам-чи?

— А? — Сулув янгам бирпас саросималаниб, энамга қаради. Энам гўё бу саволни эшитмагандай, Сулув янгамнинг саволли назарини кўрмагандай бўлиб ўтираверди. — Энангиз ҳам... — Сулув янгамнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Энам қачон келади, хола? — деди Санам энамга.

Қутилмаган саволдан энам сесканиб кетгандай бўлди.

— Келиб қолар, қизим, — деди секин.

— Бориб кўриб келмаймизми? — деди Санам бир оз жонланиб.

Овозида илтижо бор эди.

— Қандай қилиб борамиз, қизим? — деди энам. — Шаҳар аравада бир кунлик йўл бўлса. Одам бўлмаса, улов бўлмаса... Ҳали мана бу ғаллани қандай ташиб кетади колхоз, билмайман!

— Соғиниб кетдим, энажо-о-он! — Санам бирдан ўкириб юборди. — Қачон келасиз, энажо-о-он! — Бу йиғиси, нимагадир, хў, ўша, Сулув янгамнинг тўйи кунигаги йиғисига ўхшаб кетди. Хавотирга тушдим. — Қачон келасиз, энажо-о-н-н?! Келиб мени олиб кетинг, энажо-о-н-н!

— Учир овозингни! — энамнинг важоҳати ёмон эди. Мени уриб, қарғаб юрган пайтларидаям овози бундай кескин чиқмаган, важоҳати бундай қўрқинчли бўлмаган эди.

Санам ҳақиқатан ҳам овозини ўчирди. Овозини ўчирди-ю, хў, ўшанда мен йиғлатганимдагидай, ўзини тўхтатолмай ҳиқиллар эди.

— Олиб ётинг! — деди энам Сулув янгамга. — Булар билан эжакила-шишнинг оқибати шундай бўлади!

...Бугдойни ўриб, янчиб бўлдик. Колхоз ташиб кетди. Ғўзанинг иши орасида анчагина бошоқ ҳам тердик. Икки қоп бугдой бўлди. Пахта йиғиб-териб бўлинганидан кейин кўсақлар терилди, бор кўсақни ҳам аравага ортиб жўнатдик-да, қишнинг бошида қишлоққа қайтдик.

Қишлоққа қайтиб, уйга кирсак, айвонимиз тўла кўсак уйилган эди. Даштдан ортиб юборган кўсакларимиз тўппа-тўғри уйимизга туширилган экан. Энди бу кўсакларни чувиб беришимиз керак эди.

Кўчқор акалар билан ён қўшни эдик. Сулув янгам Бувиш момони олиб чиқади, Санам, энаси бўлмагани учун, тўғри бизникига тушган, олдинги тўрт киши энди беш киши бўлиб, яна бирга ишлай бошладик.

Энам, Сулув янгам, Бувиш момо суҳбатлашиб ўтиришади, Санам иккаламиз уларнинг суҳбатига кўп аралашавермаймиз, тўғрироғи, улар аралаштиришмайди, лекин «гап ўғирлаймиз». Ана шу «ўғирлик» туфайли олган маълумотларимга қараганда, қишлоқда тинчлик, ҳамма аскарлардан хат келиб турган экан.

Орада отамдан ҳам уч-тўртта хат келди...

Отасининг хатлари ҳамон эсида. Бу хатлар кейин улғайиб, китобларда ўқиган аскарларнинг хатларига сира ўхшамас эди. Ҳар доимги салому аҳвол сўрашлардан кейин, «энди биздан сўрасанг, уришиб ётибмиз», деган гап бўларди, холос. Лекин уни кўп ёзарди: «Эшмат қалай?» «Эшмат катта йигит бўлиб қолдими?», «Эшмат жанжал қилмаяптими?», «Эшматга эҳтиёт бўл!» ва ҳоказо...

— Худойим, ишқилиб, ўз паноҳингда асра, — дерди ҳадеб Бувиш момо. — Елғизимни эсон-омон бағримга қайтар! Мени қон қақшатиб қўйма!

— Яхши ният қилинг, янга! — деди энам.

Аёллар ҳар куни такрорлашдан эринмайдиغان воқеалардан бири шу эдики, аввал Розия опага Сафарали акадан хат келибди. Кейин хат мунтазам келиб турадиган бўлибди. Биз даштдан қайтишимиздан сал олдин Розия опа Сафарали акага унаштирилибди. Сафарали ака уйидагиларга хат ёзиб, Розияни унаштириб қўйинглар, деганмиш. Совчилар келишибди. Розия опанинг энаси: «Қандай бўларкин, урушда юрган одамга...» деган экан, совчилар: «Яхши ният — ярим давлат, яхши ният билан унаштириб қўяверайлик, зора уруш тезроқ тамом бўлиб, келиб қолса», дейишибди. Хуллас, нон синдириб кетишибди:

— Иши бўлса-бўлмаса нимага қишлоқдан чиқмай қолди, десам, гап буёқда экан-да, — дерди Бувиш момо Сафарали аканинг кунда-шунда бўлганига ишора қилиб.

— Лекин ҳеч ким икковининг гаплашиб турганини кўрган эмас, — дерди энам.

— Мен ўзини бир марта кўрганман, — дерди Сулув янгам. — Узоқдан. Юз очди куни. Ойда йигит экан.

Бироқ одатда йигитнинг қиз билан гаплашиб юриши ҳар хил, асосан ёмон талқинларга сабаб бўлса ҳам, бу уч аёл на Сафарали акани, на Розия опани ёмонлаб гапиришарди. Аксинча, бу савдога учаласида ҳам эҳтиром, хайри-хоҳлик борлиги аниқ кўриниб турарди.

— Ишқилиб, Розия шўрликнинг бахти очилсин, — дерди Бувиш момо. — Сафарали тезроқ қайтиб келсин.

— Ҳа, — дерди энам. — Бир-бири билан қўша қаришсин.

— Тўйларини кўрайлик, — дерди Сулув янгам.

Бир куни кечқурун Сайидқул бобо кириб келди...

Қишлоқлари кичкинагина бўлгани билан, унинг бошқа катта-катта қишлоқлар ҳам ҳавас қиладиган бир афзаллиги бор эди.

Сайидқул бобо ҳам, Сафарали ака сингари қайси бир уйга бормасин, хурсандчилик билан кутиб олинадиган одам эди. Сафарали ака одамлар қалбини зиёси билан ёритган бўлса, Сайидқул бобо ўлан, дostonлари билан ром этган эди.

У қишлоқларига асли Булунғур томондан келиб қолган экан. Ҳамма қатори колхозда ишлар, кечқурунлари ё одамлар уникида тўпланар, ё биронтасиникида йиғилиб, Сайидқул бобони чақириб келишар эди. Сайидқул бобо дўмбира чалиб, дoston, ўлан айтиб берар эди. Ўзи ҳам кўп эшитган Сайидқул бобонинг дostonларини. «Алпомиш», «Рустамхон», «Интизор» одамларга деярлик ёд

бўлиб кетган, лекин барибир, тўртта одам йиғилиб қолса дарҳол Сайидкул бобо айтиб келинар эди. Колхозда иш бўлмайдиган қиш кунлари, тўйларда-ку, кечаю кундуз тинмасди унинг дўмбираси. Яқин-атрофдаги бошқа қишлоқларнинг одамлари ҳам уни ўз ҳолига қўйишмас, тез-тез олиб кетишар эди.

— Мен отанинг ўнгсиз¹ шогирдиман, — дерди у ҳар доим. — Фақат отанинг тўқиганларини айтаман. Узим тўқиёлмайман. Кейин, отанинг ўзидай қилиб айтолмайман ҳам. Отанинг ўзидан эшитсаларингиз эди буларни!

У доим: «Қишлоққа отанинг ўзини бир олиб келаман», деб юрарди. Лекин олиб келгани йўқ.

«Ота» дегани отаси деб юрарди ўшанда. Шундай чолнинг ҳам отаси бор экан-да, деб ҳайрон ҳам бўларди. Улғайганидан кейин билдики, «ота» дегани — унинг устози Фозил Йўлдош ўғли экан...

Сайидкул бобо келиши билан аёллар типирчилаб қолишди. Энам сакраб туриб, тўрга қалин кўрпача ташлади. Мен чой қўйдим. Дастурхон ёзилиб, нон, ўрик, қанд қўйилди.

— Чарчамай, хафа бўлмай ўтирибсизларми ишқилиб, — деди Сайидкул бобо юзига фотиҳа тортиб.

— Шукр, — деди энам. — Узингиз бардамгинамисиз? Келинг-э, бобо, одамнинг юраклари қон бўлиб кетди-ку!

— Ўғилчадан хат келиб турибдими, бўйинса?¹, — Бувиш момодан сўради Сайидкул бобо.

— Шукр, — деди Бувиш момо кўзига ёш қалқиб. — Ишқилиб, эсон-омон келсин-да, болагинам.

— Келади, худо хоҳласа, — деди Сайидкул бобо. — Исми жисмига муносиб, қўчқордай йигит бўлган-да ўзиям! Раҳматлик жўрамнинг қуйиб қўйган ўзи-я! Ишқилиб, умри ўхшамасин!

— Илойим! — дейишди аёллар.

Сал чой-пой ичилганидан кейин Сайидкул бобо дўмбирасини қўлга олди...

— Сизлар ишдан қолманглар, кўсак чувийверинглар, — деди аёлларга. Кейин Санам иккаламизга қараб қўйди. — Яшанглар, болаларим. Шу, ҳар куни бир уйга кириб турибман. Достон-постон айтиб берсам, одамларнинг дарди сал енгиллашадими, жиндай мадад бераманми, деб. Даштдан қайтганларингни эшитиб, бу ерга кирдим.

— Яшанг, бобо, — деди энам.

— Барака топинг, бўйинса, — деди Бувиш момо.

Сулув янгам индамасди. У асли Катта қишлоқлик, Сайидкул бобо билан таниш бўлса ҳам, бу ерда ҳали янги келинчак, шунинг учун одоб сақлаб, индамай ўтирар эди.

— Нимадан айтай? — сўради Сайидкул бобо дўмбирасини созларкан.

— Нимадан бўлсаям майли, — деди энам.

— Ишқилиб, айтсангиз бўлди-да, — деди Бувиш момо. — Сал юрагимизни бўшатсак бўлди-да.

— Алпомишдан айтинг! — дедим мен.

Сайидкул бобо менга мамнун қараб қўйди-да:

— Йигит-да бу! — деди фахр билан. — Йигитлар Алпомишни яхши кўришади-да!

Кейин, бошлади!

«Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот деган томонда Добонбий деган бий ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттақонининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсарни қўйди. Бойбўри билан Бойсарни иккови катта бўлди. Бойбўриси, бой эди, Бойсариси шой эди...»

Кетди!

Ака-ука фарзандсизлиги учун бир тўйдан изза бўлиб қайтишади. Кейин

¹ Ўнгсиз — ношуд дегани.

¹ Бўйинса — тенгдош йигитлар, ўртоқлар бир-бирининг хотинини, хотинлар ҳам эрларининг ўртоқларини, тенгдошларини шундай деб аташади.

фарзанд кўришади. Барчин Алпомишга бешиккетти қилинади. Лекин Бойсари акаси билан аразлаб, Қалмоқ элига кўчиб кетади. Ниҳоят, Алпомиш билан Барчиннинг муҳаббат савдолари, саргузаштлари бошланади...

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин!

Сайидкул бобо дostonни ҳақкалаб, кўп ўринларини бир-икки сўзда баён қилиб, керакли жойларини батафсил айтди:

То ўлгунча сўйлаб қолган тил бўлсин,
Ғанимнинг шавкати кўйиб кул бўлсин,
Кўрар кўзим, болам, сенга йўл бўлсин!
Бировлардан бирор сўзни билдингми,
Йўқса, болам, овни талаб қилдингми,
Олис юртга, болам, борар бўлдингми,
Хабар бер, жон болам, қайда борасан!..

У папирос тутатди...

Не-не одамлар бор эди-я! Ким эди ўзи Сайидкул бобо?! Оддий бир одам эди, оддий бир меҳнаткаш. Катта ҳисоб билан ўлчанадиган бўлса, саводсиз бир одам. Лекин шу «саводсиз» одам урушгача йигирма йилдан ортиқ вақт давомида не-не одамларнинг юрагига нур бахш этмади! Уруш давридаги хизмати-чи? Қайси бир агитатор, қайси бир лекторниқидан кам? Ким унга айтган уйма-уй юриб дoston айт, одамларнинг руҳини кўтар, деб?! Ҳеч ким! Бундай қилиш лозимлигини қайси қўлланмада ўқиган у?!

Дарвоқе, рўйхатда бормикан? Фамилиясини билмайди — бор-йўқлигини билиш қийин. Йўқ! Аниқ билади — йўқ! Рўйхатни военкомат билан қишлоқ совети берган. Урушга борганларгина кирган рўйхатга. Сайидкул бобо урушга бормаган. Лекин ғалабада, Буюк Ғалабада урушга борганлардан унинг ҳиссаси камми?

Қачон ўлган эди? Уруш тугаганида бор эди. Кейин... Узи ўқиш билан бўлиб кетди. Тошкентда қолди. Эсидан ҳам чиқиб кетибди... Бир келганида нимадир бўлиб гап очилиб қолганида, сўраган эди, эҳ-ҳе, ўлганига анча йиллар бўлиб кетди, деган жавоб олди. Уғли йўқ эди раҳматликнинг. Қизлари, ким билади — қаёқда. Суриштирай десан, отлариниям билмайди.

Ҳа-а... Ҳаёт ғалати экан-да! Одам фақат керак бўлиб турганидагина кадрланаркан. Бошқа пайти... Сайидкул бобо ўттиз-қирқ йил давомида одамларнинг хизматини қилди. Кўнглини ёзди, дилига завқ, қувонч солди, дардини енгиллатди. Ҳамма миннатдор эди. Сози тинган кунидан бошлаб, ҳеч кимнинг иши бўлмай қолган. Мана, кейин нима бўлган-нима қўйганини ўзи ҳам билмай ўтирибди-ку.

Бир ҳалол одам яшаб ўтди дунёдан. Умри бўйи одамларга хизмат қилди. Яхши хизмат қилди! Наҳотки, шундай одам ном-нишонсиз кетсан...

Ҳа, оддий одам эди Сайидкул бобо. Минглаб оддий одамларнинг бири эди. Бироқ, бугунги, профессионал тил билан айтганда, истеъдодли эди. «Отамнинг ўнгсиз шогирдиман» дегани билан, шубҳасиз, истеъдодли эди. Бир нечта дostonни, қанчалаб ўланни ёд билиш, оҳангга солиб айтишнинг ўзи бўладими ахир! Агар шароит тақозо қилганида, ўқиганида, эҳтимол, катта шоир бўлиб кетармиди!.. Ҳар бир нарсага бир туртки, бир хайрихоҳлик керак. Узи ҳам, эҳтимол... ўша, Сулув янгаси воқеаси бўлмаганида, бугун ким бўлиши номаълум эди-ку... Бугунги кунда ҳам бир шароит, бир сабаб, бир хайрихоҳ бўлмагани учун юзага чиқмай ўтиб кетаётган истеъдодлар йўқмикан чекка-чеккада...

Кечиринг, Сайидкул бобо...

Эй, нима қилиб юрибди ўзи? Нима ишлар қилиб юрибди?! Узи таниган, яхши билган одамлар, уларнинг тақдири қолиб, нималар билан шуғулланиб юрибди? Нега Сайидкул бобонинг ҳайкалини ишламайди? Нега Сафарали ака билан Розия опанинг ҳайкалини ишламайди? Болтабой ака билан Шафоат янғачи? Сулув янгасининг ҳайкали ўтмаси ўтмабди, бунга қисман ўзи айбдор. Бунақа ҳайкал ўтмаслигини била туриб, барибир ишлади. Йўқ, ўжарлик қилмай, тузатиш керак. Жиндай пардалаш керак. Кейин... Сайидкул бобонинг ҳайкалини ишлайди! «Оддий одам» деб қўяди номини, «Оддий одам!» Дўмбирасини чали-

иб ўтиради Сайидкул бобо! Афсуски, ҳайкалтарошликда рассомларникидай фон бўлмайди. Қилинса, катта комплекс қилиш лозим. Бироқ бу комплексни ҳеч ким олмайди. Ҳеч кимга кераги йўқ бундай комплекснинг! Лекин барибир, ишлайди. Фақат ҳайкални. Фонсиз бўлса ҳам. Битта ҳайкалнинг ўзида ифода қилади ҳамма нарсани!..

Сайидкул бобо «Алпомиш»ни айтяпти...

Кексалигиданми, чарчаб, тез-тез тўхтаб олиб маҳорка тутатар, гоҳ-гоҳида йўтали тутиб қолсами, жуда қийналар, кўзларидан дув-дув ёш оқиб, юзи олдин қизариб, кейин кўкариб кетар эди. Йўтал тўхтагач, анчагача гапга ҳам ҳоли келмай, ерга қараганича жимгина ўтирарди. Кўпинча шу билан ўланбозлик ҳам тугарди.

Бугун нимагадир Сайидкул бобо чарчамади, маҳорка ҳам тутатмади, йўтали ҳам тутмади. Тўхтамади. Бувиш момонинг таъбири билан айтганда ҳаммамизни «эритиб, сел қилиб оқизиб» кетди.

Қишлоқдаги биринчи кунимиз, тўғрироғи, биринчи кечамиз шундай яхши ўтди-ю, эртасига эрталабданоқ кўнгилсизликлар бошланди.

Санам кўчага чиқиб, қизлар билан кўришибди-ю,.. Унинг уйга қай ҳолда қайтиб келгани, энамнинг бағрига отилиб, хўнрагани, уни юпатаман деб энамнинг қилган уринишларини... тўғри гап, айтиб беролмайман. Юрагим чидамайди. Хуллас, тушларгача бақириб-чақириб, ўкраб, энамга нималардир деб ётди-ю, кейин тинчиб қолди. Ҳушидан кетганми, ухлаяптими — билмадим. Улар уйнинг ичида, мен — ташқаридаман, ичкарига кириш-ку, у ёқда турсин, бундай қарашга юрагим бетламас эди.

Унинг энаси... ўлганига... анча бўлган экан!

Сулув янгам биринчи бор қишлоққа тушганида ғалати бўлиб қайтиб чиққани, Санамга узоқ, унсиз қараб қолишлари шундан экан. Ушанда касалхонадан ўлигини олиб келиб кўмишган, Санам билмай қўя қолсин, отаси, акалари қайтиб келишганида билса, дарди енгилроқ кўчар, дейишган экан. Қизлар — ёш болалар бунақа нарсани билишармиди — эҳтиётсизлик қилиб айтиб қўйишибди.

— Шу нотўғри бўлган экан-да, — деди энам Бувиш момога. Бувиш момо ҳам энди Сулув янгам билан доим бизникида, нонуштадан тортиб кечки овқатгача ҳаммаси бир, ўртада, битта оиладай яшар эдик. Фақат ухлашга уйларига чиқиб кетишар эди. Энам шунча айтди, нима қиласизлар бориб-келиб юриб, шу ерда бирга ёраверамиз, деб — кўнишмади. «Ўғлимнинг чироғи ўчмасин», деди момо. — Болага оғир бўлди. Нима бўлсаям, кўриб қолгани яхши эди, — давом этди энам. — Ўртада мен гуноҳкор бўлиб қолдим. Нега айтмагансиз, деб домангир бўляпти...

Санам бир ҳафталардан кейин ўрнидан турди. Касал эмас, бошқа эмас, лекин жудаям нимжон бўлиб қолган, зўрға юрар, сал тегиб кетсангиз қулаб тушадигандай эди. Мен илгари унинг жиғига тегиб завқлансам, энди аҳволига қараб, ўзимни йиғидан зўрға тутардим. Имкон қадар унга ёқадиган гапни топиб гапиришга, кўнглини олишга, чалғитишга ҳаракат қилардим, бироқ у барча уринишларимга лоқайдгина қараб тураверарди...

Номард курашчи доимо номардлик қилади. Кураш қондасини бузади. Қоидага зид ўлароқ, рақибининг ҳимоясиз, шунинг учун ҳам тегиш маън қилинган жойига зарба беришга, шу билан уни заифлаштиришга ҳаракат қилади.

Уруш ҳам — ўзи номардликдан туғилгани учун, биринчи зарбани қишлоқнинг энг нозик, энг ҳимоясиз жойига — энг кичкина одамига берди. Санамнинг энаси урушда ўлмаган бўлса ҳам, Санамга урилган зарба урушники эди. Уруш бўлмаганида, отаси, акалари ёнида бўлганида, Санам бу ҳолга тушмаган бўларди...

* * *

Кўсакнинг ҳаммасини чувиб бўлдик. Айвондагисини ҳам, кейин олиб келинганларини ҳам. Энди иш қолмади. Қишнинг кун-ку, қисқа — тез ўтиб

кетади, лекин кечалари узун, жудаям узун эди. Энам, Бувиш момо, Сулув янгам у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришарди, бироқ гаплари кўпинча тугаб қолиб, янги гап топилгунга қадар орага чўккан сукут ғалати, оғир бўларди. Санам иккаламиз эса... катталарнингки, ҳоли шу бўлганидан кейин бизники қандай бўларди! Сайидқул бобонинг баъзан келиб-кетишларигина қоронғи, узун кечамизни нурафшон, қисқа қилар, лекин бу жуда кам насиб этар, чунки бизга нари борганда ойда бир марта навбат тегар эди.

Иш оғир бўлса ҳам, қийналсак ҳам, дашт яхши экан. Ҳарҳолда, дала кенг эди, иш билан овунардик. Бу ерда — қишлоқда, қиладиган ишимизнинг тайини йўқ, совуқ, уйга қамалиб олганмиз. Устимиздан нохуш бир юк босиб туради. Бутун ҳаёт дилгир бўлгани учун болаларнинг ҳам энди илгариги ўйинлари йўқ.

Қиш чиқар-чиқмас қишлоқда «Аввалбой келаётган эмиш!» деган гап ўрмалаб қолди. Икки кун шу хабар, унинг муҳокамаси билан ўтди. Учинчи кунги ҳамма ҳовлиқиб кўчага отилди. Санам иккаламиз ҳам югурдик. Ҳамма йиғилиб, мен Сафарали аканинг орқасидан қараб қолган, тикка кўчага қараб турардим. Ниҳоят, кўчанинг бошида бир шарпа кўринди. «Сафарали ака!» деб ўйладим ҳовлиқиб. Худди у велосипедини миниб қайтиб келаётгандай эди. Аввалбой ака ўзимизнинг қишлоқдан, Сафарали ака бегона-ю, бироқ юрагимга у кўпроқ ўрнашиб қолган экан шекилли-да.

Шарпа яқинлаша бошлади. Одамлар қимирламай туришарди. Ҳамманинг юзида қандайдир бир таҳлика бор, кўпчилик аёлнинг кўзи ёш эди. Бироқ урушдан келяпти-ю, нега булар йиғлайди, нега бу ерда туришибди, нега чопишмайди, деб ўйлайман.

Шарпа яқинлашиб, унинг Аввалбой ака эканлиги аниқ бўлганидан кейингина, одамлар ҳаракатга келиб, олдинга қараб юра бошлади. Олдин унсиз йиғлаётганлар энди овозларини қўйиб юборишди. Аввалбой аканинг энаси Карам момо билан хотини Шарбат янга олдинга чиқди. Карам момо югуролмади. Йиқилиб бораётган эди, одамлар ушлаб қолишди. Шарбат янга югуриб бориб, Аввалбой акага етай деганда тўхтади. Аввалбой ака ҳам. Иккаласи бир оз бир-бирига қараб қолишди. Шарбат янга орқага, одамларга кўз ташлаб олди-ю, Аввалбой аканинг бўйнига осилди. Биз болалар уларни қўраб олгандик. Иккаласининг ҳам кўзи тўла ёш эди. Бизнинг қувончимиз ичимизга сиғмас, шаталоқ отиб, у ёқдан-бу ёққа югурардик, лекин одамларнинг, айниқса, Шарбат янга билан Аввалбой аканинг йиғлаётгани, Карам момонинг ўтириб олганига ҳеч тушунолмас эдик.

— Болам! — деган аччиқ чинқирик эшитилди. Шундагина Шарбат янга Аввалбой акани қўйиб юборди. Иккаласи олдинга юра бошлади. Кейин Аввалбой ака югуриб кетди. Бориб ерда ўтирган энасининг ёнига чўкди. Карам момо қўлини ўғлининг бўйнига ташлади. Аввалбой ака уни суяб, турғизди. Момо ўғлини қучоқлаб олган, юзидан, бўйнидан, елкаларидан, хуллас, дуч келган жойидан ўпар, кўзидан тинмай ёш оқар, «болам, болам»дан бошқа сўз айтмас эди.

Орадан анча вақт ўтганидан кейингина одамлар Аввалбой акани Карам момонинг қучоғидан ажратиб олишди. Эркаклар у билан қучоқлашиб, аёллар эса, ўзларини унинг бағрига босиб кўришишар эди. Ниҳоят, навбат болаларга етди. Битта-битта бориб, кўриша бошладик. Менинг қўлимни Аввалбой ака чап қўли билан тутди. Унг қўлининг тирсагидан пасти йўқлигини, енгининг тепага қайтариб қўйилганини энди билдим.

Аввалбой аканикида тўй бўлди. Уруш бошланганидан бери биринчи марта одамларни очиқ чеҳра билан кўришим. Ўзимиз ҳам биринчи марта мириқиб ўйнадик.

Урушнинг ёмон нарса эканини билардиг-у, лекин аслида у нима, ёмонлиги нимада эканини билмасдик. Аввалбой акани кўргандан кейингина билдим урушнинг нима эканини.

Уруш дегани — душманлар бизнинг одамларни чақираркан-да, бир кўрага қамаркан. Кейин битта-битта қўлини кесиб (эҳтимол, бошқа жойларини ҳам кесар?), уйига жавоб бериб юборар экан. Ёмон экан-да немислар! Нега ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ — бировнинг қўлини кесади ахир? Бизникилар ҳам уларнинг одамларини чақириб, шундай қилишяптимики?

Бу гапни Санамга айтган эдим, у ваҳимага тушиб қолди.

— Отам, акамларнинг ҳам қўлларини кесадиими? — деди ранги ўчиб.

— Билмадим, — дедим унга. — Келишганида кўрамиз-да. Менинг отамчи?

Шунда хаёлимга бир нарса келди: Сафарали аканинг ҳам қўли кесилса, велосипедни қандай ҳайдар экан?

Авалбой аканинг қайтиб келиши — қишлоқдаги мен кўрган яхши воқеалардан эди. Унинг бир қўлсиз келганини мен ўзимнинг уруш тўғрисидаги мулоҳазамдан келиб чиқиб, тўғри, табиий бир ҳол деб билардим. Одамлар ҳам:

— Бир қўлидан ажралсаям эсон-омон келибди-ку, — деб Карам момога таскин беришарди.

Одамларнинг «эсон-омон келибди-ку», дегани нима экан, деб ҳайрон бўлиб юрардим, кўп ўтмай бу саволга ҳам жавоб топилди.

Бир куни, ҳали кўклам ўнганганича йўқ, анча совуқ, уйда ўтирган эдик, йиғи овози эшитилиб қолди. Энам, Бувиш момо, Сулув янгам бир-бирига қарашди. Ранглари оқариб кетди. Энам шартта туриб, ҳовлига отилди. Орқасидан Санам иккаламиз югуриб чиқдик. Бувиш момо билан уни суяб олган Сулув янгам охирда чиқишди.

Бизнинг ён қўшнимиз — Сулув янгамлар, уларнинг ёнида Санамлар туришар эди. Чап томонимизда эса, Болтабой акаларнинг уйи. У пайтларда ҳовлилар девор билан ўралмас эди. Қарасак, Болтабой аканинг ҳовлисида Шафоат янгам билан Болтабой аканинг энаси тикка туриб олган, овозининг борича йиғлашар, Шафоат янганинг иккита кичкина боласи уларнинг атрофида изиллашар эди.

— Болтабойдан қорахат кепти! — деди энам.

Буриш момо ҳам, Сулув янга ҳам энамнинг гапига ажабланишмади. Учаласи гап-сўзсиз Болтабой аканинг уйи томон юра бошлашди. Санам билан мен ҳам эргашдик. Бирпасда ҳовли хотин-халажга тўлди. Кечгача қий-чув, йиғи давом этди. Кечқурун Бувиш момо билан Сулув янгам Шафоат янгамларникида қолишди; энам Санам иккаламизни эргаштириб, уйга келди. Шошиб-пишиб овқатга уннади.

— Нима қилди, эна? — дедим.

— Кўриб турибсан-ку, — деди энам. — Болтабой акангдан қорахат кепти.

— Қорахат келса шунақа йиғлайдимми?

— Ҳа, йиғлайди! — энам жеркиб берди. — Одам ўлгандан кейин йиғлайди-да!

— Болтабой акам ўлибдими?

— Ҳа! — деди яна жеркиб энам. — Улган! Улмаса қорахат келадими!

— Ўзи қани бўлмаса? — дедим ўжарлик билан.

— Ниманинг ўзи?

— Болтабой акам!

— Айтдим-ку, ўлган, деб!

— Улган бўлса, ўзи келмайдими ахир!

— Улган одам қандай қилиб келади, нодон бола!

Жуда ғалати бўлди-ку. Илгарилари биров ўлса, одамлар йиғлашар, кейин бориб кўмиб келишар эди. Бугун эса...

— Ахир, одамлар ҳеч кимни кўмиб келишмади-ку! — дедим йиғламоқдан бери бўлиб.

Энам боя бемаъни бўлиб туюлган саволларимнинг маънисига энди етди шекилли, жаҳлидан тушиб, бошимни бағрига босди.

— Ҳа, болам, — деди секин. — Энди гўр ҳам фойдага қолди. Урушда ўлган одамлар кўмилмайди. Фақат аза очилади, холос. Шўрликларнинг жасадиям ким қаёқларда қолиб кетади! — Бу гаплари менинг саволимга жавобдан ҳам кўра, ўзининг хаёли эканини сезиб қолди шекилли, бошимни кўтариб, тушунтирди. — Болтабой аканг урушда ўлган, болам!

Овқат пишганидан кейин Санам иккаламизга солиб берди-да, ўзи битта товоққа олиб, Шафоат янгамларникига чиқиб кетди.

— Урушмай, қўрқмай ўтириб туринглар, — деб тайинлади кетаётиб.

Санам билан уришмай қўйганимизга анча бўлган-ку. Билмайди шекилли.

Лекин қўрқдик. Илгари қўрқмасдик, ёлғизлигимиз хаёлимизга ҳам келмасди, бугун эса қўрқдик. Аллақандай даҳшатли, сирли нарсалар бостириб келаётгандай бўлаверарди.

Энамлар кеч қайтишди.

— Уйи мозор бўлди-қолди, — деди Бувиш момо. — Шу кунларинг ҳам бормиди, худойим! Уликсиз аза қиладиган кунларинг ҳам бормиди! Ҳеч бўлмаса ўлигини қайтарсанг бўлмасмиди! Ишқилиб, уйимни мозор қилма! — У энамга, менга, Санамга бир қараб олди-да, қўшиб қўйди. — Уйларимизни мозор қилма!

Эртасига энамлар Шафоат янгамникига яна чиқиб келишди. Шафоат янга ҳам, Болтабой аканинг энаси ҳам ётиб қолишганмиш. Келди-кетди тугаганидан кейин ҳам ё энам, ё Сулув янгам чиқиб, овқат-повқат қилиб бериб туришди.

Энди қишлоқда туриш оғир бўлиб қолган эди. Бу ёқда аза бўлса, бошқалар ҳам бу кун ўзларининг бошига ҳам тушиб қолиши таҳликаси остида яшашарди.

— Даштга кетайлик, эна! — дедим тоқатим тоқ бўлиб.

Энам нимага бундай деяётганимни тушунди шекилли, гапимнинг сабабини сўрамади.

— Ҳали эрта, болам, — деди фақат. — Яна бир ойлардан кейин чиқамиз. Бир ой! Бир ой туришга чидармиканмиз бу ерда?!

У — уруш пайтида қишлоқларида почтачи бормиди, йўқмиди, хатларни ким олиб келарди — эсламайди. Бугунги кунга келиб, ўша пайтдаги почтачининг сиймоси, шакли-шамойилини ўзича ясаб олган. Узун, икки одамнинг бўйича келадиган даражада узун иккита қўлтиқтаёқ. Боши почтачи сумкаси билан бирлашган. Ана шу бесўнақай Почтачи қўлтиқтаёқ ҳар замон-ҳар замонда қишлоққа кирадиган тик кўчанинг бошида пайдо бўлиб турган. Одамлар унинг йўлига чиқиб туришган. У секин, тўқ-тўқ қилиб келган-да, халтасидан учбурчак хатлар ташлаб ўтиб кетаверган. Одамлар хатнинг устида ўрмалашиб, кимга хат келган бўлса суюниб, бошқаларининг ҳафсаласи пир бўлиб тарқалаверишган. Ҳар замон-ҳар замонда эса, унинг халтасида каттакон Қора конверт ҳам бўлган. (Улим тўғрисидаги хабар қорахат деб аталгани учун, бундай хабар битилган қоғоз унинг тасавурида каттакон Қора конверт шаклини олганди). Қора конверт кимга аталган бўлса, ўша одам Почтачи қўлтиқтаёқнинг ёнига бориши билан, халтадан чиқиб, ўша одамнинг бошига урилган. У одам қулаб тушган. Ҳар доим шундай бўлаверган. Почтачи қўлтиқтаёқ илгари тез-тез келиб, учбурчак хат ташлаб ўтаверган бўлса, кун сайин унинг келиши, шу билан учбурчак хатлар ҳам камайиб кетаверган, халтасида эса, учбурчак хатларнинг ўрнини Қора конвертлар эгаллайверган. Ҳақиқатан ҳам, битта Қора конвертнинг ўрнига нечта учбурчак хат сиғади ахир! Демак, ҳар битта Қора конверт беш-олтита учбурчак хатни сиқиб чиқараверган. Нақадар мудҳиш манзара: мана, тикка кўчадан тўқ-тўқ қилиб, баҳайбат, бесўнақай Почтачи қўлтиқтаёқ келяпти. Одамлар умид, қўрқув, таҳлика ичида уни кутиб туришибди. Мана, у келиб, халтасини бир очади-да, ўтади-кетади. Орқасида битта-иккитаси хурсанду йигирма-ўттизтаси юраги вайрон бўлган аёллар, чоллар қолишади. Улар ҳам тарқалганида эса, боши каттакон Қора конверт тагида ётган, нафаси бору жони йўқ жасад кўзга ташланади...

Бир ҳафталарда Шафоат янгам ўрнидан турди. Олдига бордим. Ҳовлида юрган экан. Мени кўрди-ю, илгаригидай югуриб келиб, бошимни силамади, уйга олиб кирмади. Кўрди-ю, кўрмагандай бўлиб тураверди. Ҳайрон бўлдим. Яқинлашиб, сўлом бердим. Бепарвогина алик олди.

— Келинг, ука, — деди кейин.

Мен индамадим.

— Нимага келдингиз, ука?

Мен елкамни қисдим.

— Ўзим-м...

— Ҳа-а...

Шафоат янгам бутунлай бошқа одам бўлиб қолган эди. Наҳотки, ҳамма нарсани, орада ўтган воқеани ҳам эсидан чиқариб юборган бўлса?!

Қайтиб кетишим керак эди. Аммо атайлаб келиб, индамасдан қайтиб кетавергим келмади. Эсига солиб қўяй дедим.

— Ҳеч кимга айтганим йўқ, янга.

Шафоат янгам ҳақиқатан ҳам гаранг бўлиб қолганми дейман.

— А? — деди холос.

— Ҳеч кимга айтганим йўқ.

— Нимани?

Шафоат янгам менга қараб қолди. Гап нимадалиги бир оздан кейин эсига тушди шекилли, олдинги ҳамма нарсага бекфарқ юзи бирдан ўзгарди, лабида сезилар-сезилмас табассум пайдо бўлди.

— Ҳа-а, шунақа денг... — деди. Кейин бирданига кўзида ёш пайдо бўлди. Келиб, бошимни бағрига босди. — Вой, айланай укажон! — яна анча жим қолди. Йиғлаётганди шекилли. — Бахтли кунларимнинг ёдгори!

— Болтабой акам ўлдими?

— Ҳа, укажон, — деди у. — Акангиз... ўлди... — Яна анча жим қолганидан кейин давом этди. — Улигиям... насиб қилмади... Мен бу ерда.. Иккита норасида билан... — Шафоат янгам шу пайтгача секин, жуда секин, худди ўзига гапираётгандай товуш чиқараётган эди, бирданига ўкириб юборди. — Энди мен нима қиламан?

Ҳақиқатан ҳам...

Менинг бу ерга келишим... Бир неча йил бурун рўй берганди бу воқеа — энам нимагадир Шафоат янгамникога юборди. Қоқ туш, кун иссиқ, ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Дахлизнинг икки томонидаги хоналарнинг бирида Болтабой ака билан Шафоат янгам, иккинчисида Болтабой аканинг энаси набиралари билан турарди. Болтабой акалар турадиган хонанинг эшигини очдим. Қоп-қоронги эди. Аёл кишининг кулгиси эшитилди. Одам борлигини билиб, ичкарига кирдим. Салдан кейин қоронгига кўзим ўрганди. Тўрда, қалин кўрпачанинг устида Болтабой ака Шафоат янгамни тиззасига олиб ўтирар, уни силаб-сыйпалаб юзидан муччилар эди. Улар ўзлари билан шу қадар банд эдиларки, эшикнинг очилиб-ёпилгани, менинг кирганимни ҳам сезишмабди. Бир оздан кейин Шафоат янгам ўгирилиб, иккала қўли билан Болтабой аканинг бўйнидан кучоқлаб олди. Болтабой ака шу заҳотиёқ уни ерга ағдарди.

Қараб тураверай десам, ғалати...

— Янга, — дедим секин.

Овозим бўғиқ, паст чиқдим, улар эштишмади.

— Янга! — дедим кейин баландроқ.

Иккаласи сакраб туришди. Мени кўриб, ҳайрон бўлиб қолишди. Шафоат янгам очиқ жойларини беркитиб, кўкрагига туфлаб қўйди.

— Ҳа, Эшмат? — деди Болтабой ака.

Мен нимага келганимни айтдим. Иккаласи бир-бирига қараб, кулиб юборишди.

— Топган вақтингни қара-ю! — деди Болтабой ака.

— Ҳозир, укажон, ҳозир, — деди Шафоат янгам. У дарров кўрпачани қайтадан ёзди. — Утиринг. Утиринг. — Деразага илиниб қўйилган шол рўмолни олган эди, уй ёришиб кетди. Уртага дастурхон ёзиб, қанд-қурс ташлади. Ҳамон нима қилишни билмай, тикка турганимни кўриб, деди. — Утиринг, укажон! Нима қилиб турибсиз?! Утиринг, уялманг!

— Утир, — деди Болтабой ака ҳам хотинининг ҳаракатларини кузатиб тураркан, менга жилмайиб қараб.

Мен умримда бунақа иззат-икромни биринчи бор кўришим эди. Нима қилишимни билмай турибман. Кейин ўтирдим. Болтабой ака билан Шафоат янгам икки томонимга ўтиришди. Қанд-қурс, мева-чева билан роса сийлашди-да, бу ерда кўрганларимни ҳеч кимга айтмасликни тайинлаб, чиқариб юборишди.

Шундан кейин иккаласи ҳам қачон, қаерда кўришмасин, бошимни силаб қўйишар, ҳеч кимга айтганинг йўқми, деб сўрашар эди. Ўзим ҳам ҳар замон-ҳар замонда иззат-икром кўрганим келиб колса, секин уйларига кириб келардим...

Энди Болтабой ака йўқ...

Кейинги бир ой мобайнида қишлоқда бир соат ҳам туришга тоқатим қолмади. Шафоат янгамнинг доим ёш оқиб турган, Санамнинг мунгли,

бошқаларнинг таҳликада кўкариб, қорайиб турган юзини кўришдан оғири йўқ эди.

— Кетайлик! — дердим энамга нуқул. — Тезроқ кетайлик, эна! Даштга бўлмаса, бошқа жойга кетайлик!

— Ҳа, болам-а, — дерди энам. — Бошқа жойда бу гаплар йўқ деб ўйлайсан-да, а? Узга жойни қилма орзу, ҳамма жойда бордир тошу тарозу...

Ниҳоят, даштга ҳам чиқдик. Лекин бу ерда бултур кўрганларимиз ҳолва экан. Ер шудгор қилиниши-ку, у ёқда турсин, ҳатто ғўзапоя ҳам юлинмаган эди. Ўзимиз юлиб, ерни ўзимиз чопишимиз керак экан. Омоч, ҳўкиз ҳам, ишлатадиган одам ҳам йўқ эмиш. Ғўзапояни-ку, бир амаллаб юлдик. Ерни чопиш эса... Энам, ҳўкиз бўлмаса ҳам майли, ўзимиз тортамиз, деб омоч олиб чиқди. Сулув янгам иккови ҳўкиз ўрнида омоч тортишди, мен дастасини ушлаб, бошқариб турдим. Шу тариқа бир амаллаб ерни ҳайдаб олдик. Кейин мола тортдик. Ишқилиб, май ойларига яқин ерни тайёрлаб, чигитни ҳам эдик.

Кунлар исиб кетган, чигит униб чиқиб, чопиқ муддати етганча дам олиш имкониятимиз бор эди. Сулув янгам қишлоққа тушиб, Бувиш момодан хабар олиб чиқди. Яхши экан. Яна иккита одамдан қорахат кепти. Энди кимга хат кепти, деб қизиқмасдик, кимга қорахат кепти, деб қизиқардик.

Тушлик қилиб ўтирган эдик. Сулув янгам ёқасини сал очиб, энамга кўрсатди.

— Қаранг!

Унинг икки бўйнида кўкимтир-қора рангда ботиқ бир из бор эди.

— Энди кўрдингизми? — деди энам.

— Уйда кийим алмаштираётиб кўриб қолдим, — деди Сулув янгам.

— Мен атайлаб индамай юрувдим, — деди энам. — Кейин ўзининг бўйнидаги изни кўрсатди. — Қаранг. Ҳа, айтгандай, мой суртиб қўйишимиз керак. Яллиғланган жойлари битмаса, яғир бўлиб кетади. Ҳали яна тортамиз-ку.

Иккаласи бўйнидаги изларга Сулув янгам қишлоқдан олиб келган сариф ёғдан сурта бошлашди.

Ишнинг ҳар қанақасига кўниккан, ҳамма нарсага чидардик, лекин омоч билан оқучка тортишга келганда энам билан Сулув янгамни-ку, қўяверинг, бизнинг ҳам юрагимиз увишиб кетарди. Бечора энам, бечора Сулув янгам!..

У пайтлар Сулув янгасининг-ку, энди ўн саккизга кирган навниҳол эканини қўяверинг, энасининг ҳам ҳали ўттиздан ошмаган дуркун жувон эканини билишармиди улар! Энаси — оддий она, Сулув янгаси — оддий янга эди холос, улар учун! Иккаласининг ҳам ҳали жудаям ёш эканлиги, иккаласининг ҳам ҳали ўн гулидан бири очилмаганлиги, иккаласиям Ҳаёт деган бир неъматнинг устида туриб, бу неъматдан бебаҳра эканлиги етти ухлаб тушларига ҳам кирмас эди! Дунёга келиб кун кўрмай кетиш нима эканлигини ўйлаб кўришибдими ўшанда!

Сулув янгаси-ку, ғунчалигидаёқ ҳазон бўлиб кетди. Энаси эса — ҳаёт. Бироқ нима кўрди? Ҳўкиз ўрнида омоч тортишдек инсон номини таҳқирлайдиган меҳнат билан, эрининг жувонмарг бўлган жонига, қаерлардадир қолиб кетган жасадига қуйиб, сағир боласининг келажаги таҳликасида титраб, энг муҳими — энди парваришталаб пайтига етганда боғбонидан айрилган ниҳол сингари қуриб-қақшаб, тул ўтказган умрни умр деб бўладими? Одам дунёга шундай умр кўриш учун келадими? Энасининг ҳам, ўша — ўттиз ёшгача кўрган умри — умр, бу ёғи...

Болалигида кўпича кўчадан келганида уйнинг ичида энасининг қўшиқ айтиб ўтирганини эшитарди. Бир қўшиқ айтарди энаси, бир қўшиқ айтарди! Ташқарида туриб эшитишга сабри чидамай, уйга отилиб кирарди. Отилиб кирарди-ю, энасининг юзи жиққа ёш эканини кўрарди! Энаси қўшиқ айтмас, йиғлар экан! Ҳарҳолда бола эмасми, бу дарров эсидан чиқиб кетарди. Янаги гал эна... Катта бўлганидан кейингина ичкарига отилиб кирмайдиган, ташқарида турибгина тинглайдиган, энаси йиғисини тугатиши билан, эшитганини билдирмаслик учун нари кетадиган бўлди. Энаси отасини йўқлаб, ўзининг умрини қарғаб, ёлғиз боласининг камолини тилаб.. «қўшиқ» айтарди. Бу «қўшиқ»-йиғи

¹ Оқучка — ғўзани суғориш учун жўяк оладиган ускуна.

маълум бир шеърга қурилмаган, системасиз эди — энаси тилига келган сўзни айтиб, нола қилгани учун, бу сўзлар «қўшиқ»қа айланиб кетарди. Энаси ҳар замон-ҳар замонда ана шундай, бутун умрини қайтадан яшаб, кўз ёшларига чайиб оларди.

Боя ҳайкални кўриб, ёмон демаслик учун: «Аёл — энам, бағридаги боласи — менман», деган, шу билан ўзини юпатмоқчи... йўқ-йўқ, юпатмоқчи эмас, алдамоқчи бўлган эди. Энди ўйлаб қараса... бу ҳайкал энасининг шу изтиробларини бера оладими? Йўқ! Бунинг устига, йигирма йилдан бери шундай ҳайкалларни учратамиз. Фақат гоҳ-гоҳида орқадаги фон бир-биридан сал фарқ қилади, холос. Бундан йигирма йил илгари, Ғалабининг йигирма йиллигини нишонлаш пайтида Алиев деган бир ҳайкалтарош шундай ҳайкал ишлаган эди. Уша пайтда бу янгилик эди. Энди-чи? Наҳотки, гапда, баҳс-мунозарада ҳеч кимга сўз бермайдиган, ўзимизни сираям доҳийдан кам ҳисобламайдиган одамлар йигирма йилдан бери бировнинг ишидан нусха кўчириб келишга уялмасак?! Иқтидорсизликми бу ёки фикрий ялқовликми? Иккаласиям! Уларга яна мешчанлик ҳам қўшилади. Ёшлигимизда кўпинча қорнимиз оч, устимиз юпун бўлишига қарамай, тинмай ўқирдик, изланардик, куйиб-ёнардик, унча-мунча нарсадан қаноатланмас эдик. Бугун қорнимиз тўқ, устимиз бут, машина миниб юрамиз, шаҳар марказида, яхши уйларда турамыз, телефону рангли телевизорга маҳлиё бўламыз, бутун ўлка танийдиган одам бўлганимиздан фахрланамиз. Ҳеч нарса бизни безовта қилмайди. Безовта қилади, ишдан чалғитади, деб мажлислардан нолиймиз, аслида эса, бу мажлисларнинг бўлиб туришидан хурсандмиз, ҳатто, ичимизда уларни янада кўпроқ бўлса эди, деб ҳам қўямиз. Чунки бу мажлисларнинг президиумида савлат тўкиб ўтирамыз, президиумга чиқмасак ҳам, ҳамкасбларимизнинг: «Фалон ишингизни кўрдим, браво!» деган лутфларини эшитамыз. Хуллас, ҳамма нарсамиз бор, ҳамма нарсадан розимиз. Фақат безовталиқ йўқ. Безовталиқ эришган шуҳратимиз, мартабамиздан қочиб кетган. Ҳеч қайсимиз фалон нарсани чиқаролмаяпман, деб қийналмаймыз, изтироб чекмаймыз, кечалари уйқумиз қочиб кетмайди. Бирон киши ишимиздан камчилик топмаса (мабодо биров камчилик топса ҳам, «энди, оғайни, сиз бу соҳани тушунмайсиз!» деб ўтиб кетаверамиз), бирон киши мушугимизни пишт демаса, нима қиламыз жонимизни қийнаб?!

Яшанглар, замонавий классиклар!..

Даштдаги ҳаётга бутунлай кўникиб кетдик. Иш оғир бўлгани билан, бу ер қишлоқдаги ғамли, таҳликали ҳаётдан узоқда. Сулув янгам ҳам биз билан эл бўлиб кетган, битта оиланинг аъзоларидай, еяр-ичаримиз-ку, майли, бутун сирасоримиз ҳам ўртада эди. Бир-биримиздан уялиш, тортиниш, ҳайиқиш йўқ, бемалол ўйнаб, олишиб-тортишиб юрадиган бўлдик. Энди ҳаётимиз изга тушганда...

Қишлоқнинг узун кўчасида баҳайбат, бесўнақай Почтачи қўлтиқтаёқ кўринди. У ёғоч оёқларини тўқ-тўқ босиб келар, одамлар эса, не-не умид, не-не... таҳлика билан кутиб туришар эди. Мана, у одамларнинг олдига етиб келиб, халтасини очди. Одамлар садақа сўрагандай қўлларини чўзиб, олдинга интилишди. Бир нечта қўлга учбурчак хат келиб тушди-ю, битта Қора конверт Сулув янгаси билан Бувиш момосининг бошига урилди. Иккаласи ҳам, қўллари ўша чўзилганича, қулаб тушди...

— Ялангларнинг ҳам юлдузи учди, болаларим, — деди энам.

Ҳаммамиз қишлоққа жўнадик. Энам Санам иккаламизни ташлаб кетишга кўрқди. Бунинг устига, иккаламиз нима ҳам қила олардик...

Қорахат туфайли очилган аза бу гал ўликсиз бўлмади. Одамлар Бувиш момони қабрга қўйиб келишди. Уғлининг ўлимини кўтаролмаган эмиш. Ўзи айтиб юраркан. Қорахат келганда дод-вой қилмабди, «шилқ» этиб йиқилибди-ю, бир-икки соат кўзи очик, лекин овоз чиқармай, гапга жавоб ҳам қилмай ётибди. Кейин: «Йиғлаб-сиқтаб тилаб олган боламни шундай қиласанми, худойим! Ундан кўра бошдаёқ бермай қўя қолсанг бўлмасмиди!» дебди. Бу гапниям жуда секин айтибди. Кўзидан ёш ҳам чиқмабди. Шундай жон берибди.

Боласи тириклигида ҳар куни кўз ёшини дарё қиладиган кампир, ўлганида йиғламабди-я!

Шўринг қурғур Сулув янгам! Гўрдай ҳувиллаган уйда ёлғиз ўзи қолди!

Уша куни хотин-халаж кетганидан кейин энам, Санам учаламиз Сулув янгамникида ётдик. Эртасига энам: «Энди фақат иш билан овунмасангиз бўлмайди», деб Сулув янгамни даштга олиб кетди.

Шўринг қурғур Сулув янгам!

Даштдаги ҳаётимиз ҳам ўзгариб кетди. Энди олдинги ўйин-кулги, кўнгил очишлар йўқ, даштнинг кенг, баланд осмони эса тор, бошимизни кўтарсак тегиб қоладиган даражада паст бўлиб қолган, аллақандай кўзга кўринмайдиган бир нарса елкамиздан босиб тургандай эди. Сулув янгам талқон ютгандай, дами чиқмайди. Энам нимани буюрса, индамасдан қилади. Бирон нарса сўрасангиз, ҳа ёки йўқ деган жавобини зўрға эшитасиз.

Сулув янгамнинг бошига тушган кулфат шу пайтгача ўзини бардам тутиб келган энамни ҳам карахт қилиб қўйган: у эсини йўқотгандай, гаплари узуқ-юлуқ, паришонхотир, бир борадиган жойига икки-уч бориб келадиган бўлиб қолган эди.

— Ишқилиб, навбат энди бизларга келмаса эди, — деди бир кун Санам иккалаамизни елкамиздан қучиб. Бизга бу гапни айтиш яхши эмаслигини ҳам унутган эди шекилли.

Лекин энамнинг шу гапи етмай турган эканми, навбат бизга ҳам келди. Тўғрироғи, Санамга...

Қишлоқнинг тик кўчасидан тўқ-тўқ қилиб баҳайбат, бесўнақай Почтачи қўлтиқтаёқ кела бошлади. Бу гал унинг халтасидан тушган Қора конверт Санамни уриб қулатди...

— Санамнинг ҳам юлдузи учди, — деди энам.

Маърака тугагунча Санамнинг мазаси қочиб қолди. У кўзи очиқ, ҳаракатсиз ётар, гап-сўзларга жавоб бермас, лекин ўзидан ўзи гапириниб қўяр эди. Кечаси қишлоқда қолдик. Эртасига энам Санамни аравага ортиб шаҳарга олиб кетди. Сулув янгам иккалаамиз даштга қайтдик...

Ёзнинг охирлари эди шекилли. Иш унчалик тиқилинч эмасди. Пешинларгача бошоқ тердик. Азадан қайтиб келган бўлса ҳам, Сулув янгам аллақандай хушчақчақ кўринарди. Ўзича қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб юрди. Бу қўшиғи — олдинги қўшиғига сираям ўхшамас эди.

Олдинги қўшиғи...

Кўклам пайтлари эди. Қўчқор акадан қоракат келганидан кейин бир ойлар ўтган, орада ҳаммамиз икки марта қишлоққа тушиб, Бувиш момонинг маъракаларини ўтказиб келган эдик. Энам чигит олиб келаман, деб қишлоққа тушиб кетди. Сулув янгам, Санам учаламиз қолдик.

Ёр чигит экишга тахт қилиб қўйилган, чигит келгунича қиладиган ишимизнинг тайини йўқ эди.

— Юринглар, қирга чиқиб ўйнаймиз, — дедим мен.

— Бўпти, — деди Санам. — Гул терамиз!

— Мен бормайман, — деди Сулув янгам.

— Нега?

— Боргим келмаяпти.

— Юра қолинг, жо-он янга!

— Йўқ, Укатоё, — деди янгам менга ўтинч билан қараб. — Ўзларингиз бориб кела қолинглар. Мени зўрламанглар. — Кейин жилмайди. — Бўлмаса уришиб бераман.

Ноилож ўзимиз кетдик. Қир деганимиз аслида буғдойпоя, буғдойпоянинг тепасида Полвонариққача анчагина кўриқ жой бор эди. Ана шу кўриқда, Полвонариқнинг бўйларида бир оз ўйнаган бўлдик. Бир оз гул тердик. Сулув янгам чайлада қолгани учун сайр иккалаамизга ҳам унча татимади. Тез қайта қолдик.

Чайлага яқинлашай деганимизда қўшиқ саси эшитилди. Кимдир йўғон овозда қўшиқ айтарди. Бир-биримизга қарадик. Ким келди экан? Қишлоқда қўшиқ айтадиган, унинг устига, бунақа йўғон овозли одамнинг ўзи қолмаган-ку?

Эҳтиётлик билан. (худди эҳтиётсизлик қилсак биров сезиб қоладигандек) яқинлашиб келавердик. Энди қўшиқнинг сўзлари аниқ эшитила бошлади:

Қўлингдаги оғуми-эй, шаробми-эй!
Ишқ деганинг рўёми-эй, саробми-эй!
Не йўлларга солдинг мени, девонани,
Эргашганинг ҳоли шундай харобми-эй!

Шу пайтгача бунақа овозни эшитмаган бўлсак ҳам, у аллақандай таниш эди. Ким бўлди экан-а? Ё тавба!

— Таниш, таниш! — деди Санам ҳам. — Тилимнинг учида турибди!

— Менинг ҳам тилимнинг учида турибди!

Эслашга шунча уриниб, барибир эслай олмадик. Бу орада чайлага жуда яқин келиб қолган эдик.

— Ие, Сулув янгамнинг ўзи-ку! — деди Санам.

— Йўғ-э!

— Ҳа, ўзи! Яхшилаб қулоқ сол!

Ҳақиқатан ҳам, овоз Сулув янгамники экан. Бу йўғон овоз биз билган Сулув янгага сираям мос тушмас, Сулув янгам нозиккина, чиройлигина, мулойимгина, яхшигина, овоз эса, унинг акси — йўғон, бесўнақай, кўпол, дағал эди. Лекин шу йўғонлик, шу бесўнақайлик, шу кўполлик, шу дағалликда Сулув янгамнинг нимасидир, бизга жудаям қадрдон бўлиб қолган нимасидир бор эди!

Сизларга қадрдон дарди бор эди Сулув янганинг!

Биз ана шу қадрдон нимадандир танидик Сулув янгани!..

У ҳамон қўшиқ айтарди:

Анов тоғлар бошидаги қормиди-эй!
Менинг ёрим сормиди-ей, нормиди-эй!
Муҳаббатни бир кишвари беҳишт десам,
Бу ўтларга отмоғи ҳам бормиди-эй!

— Қизиқ, — деди Санам. — Эри ўлган хотиннинг қўшиқ айтишини қара!

— Нима қипти!

— Нима қипти эмиш! Яқин одами ўлганда қўшиқ айтмайди!

— Нима қилади бўлмаса?

— Йиғлайди!

— Ҳа-а... — дедим бир оздан кейин. — Айтгандай, Бувиш момоям ўлган-ку!

— Ҳа, — деди Санам. — Ҳам Кўчқор акам, ҳам Бувиш момом ўлган-ку, бу киши қўшиқ айтяпти! Йиғлаш ўрнига... — У бирдан тўхтаб, жим қолди. Анча жим туриб деди. — Менинг йиғлагим келяпти-ку!

Шунда билдим: менинг ҳам томоғимга нимадир тиқилган, ҳозир бўғзимдан йиғи отилиб кетадигандай бўлиб турган экан.

Чайланинг оғзига келиб қолган эдик. Сулув янгам ичкарида экан. Уз-ўзидан тўхтаб, индамай қўшиқни эшитавердик:

Юлдузим-эй, учдингми-эй, учдингми-эй,
Қаро ерни кучдингми-эй, кучдингми-эй!
Пешонамини ярқиратар деб уйласам,
Менга кафан бичдингми-эй, бичдингми-эй!

— Бўлди! — деб қичқириб юборди Санам.

Мен сесканиб кетдим. Қарасам, кўзидан дув-дув ёш оқарди.

— Бўлди! — деб қичқирди у яна ичкарига юзланиб.

Ичкаридан Сулув янгам отилиб чиқди.

— Нима бўлди? — деб сўради ҳовлиқиб — Нима қилди, Қизалоқ? Нимага йиғлаяпсиз? — У кўрқиб кетган эди. Менга ўғирилди. — Нимага йиғлаяпсизлар?

Менинг ҳам кўзимдан ёш оқаётган экан, энди билдим.

— Узингиз-чи?! — деди Санам аччиқ.

— А? Менми? — Сулув янгам қўлини кўзи, юзига олиб борди. Кўзидан оқаётган ёшдан у ҳам беҳабар экан. Артиниб, жилмайган бўлди. — Йиғлабманми, а?

— Биз сизни қўшиқ айтяпти, десак! — деди Санам яна аччиқ билан.
— Қачон келдиларингиз?
— Боя, — дедим мен. — Яхши қўшиқ айтаркансиз, янга!
— Шунақами? — Сулув янгам боз жилмайди.
— Керак эмас! — деди Санам. — Қўшиқ шунақа йиғлатадиган бўлса, керак эмас! Айтманг!

— Вой, жигарларим-эй! — Сулув янгам иккаламизни қучоқлаб, нам юзимиздан ўпа бошлади. — Шунақа денглар-а! Вой, жигарларим-эй!

У чўккалаб ўтирганча иккаламизни қучоқлаган, юзимизни юзига босган ҳолда йиғлар эди. Биз ҳам, албатта. Бу ҳолат бизни янада жипслаштириб, бир жону бир тан қилиб қўйган эди...

Бугунги қўшиғи бошқача — одамни йиғлатадиган эмасди.

Бошоқ териб юриб, қўриққа чиқиб қолибмиз.

— Юринг, Укатой, чўмиламиз, — деди Сулув янгам Полвонариқ томон ишора қилиб.

Кун иссиқ эди. Полвонариқ ёқасига келиб, ерга чўзилдик.

— Мацца қилиб чўмиламиз! Кейин чайлага бориб, қотирма пиширамиз-да, мацца қилиб урамиз! — деди Сулув янгам завқ билан. Негадир унинг кайфияти бугун жуда яхши: кўп гапирар, кўп кулар, кўзлари шўх-шўх чакнаб қўяр эди.

Мен ҳам хурсанд эдим. Ҳам Сулув янгамнинг кайфияти яхшилигидан, ҳам қотирма ейишимиздан...

Қотирма — чорасизликдан, нон пиширишга кетадиган вақтнинг йўқлиги туфайли, заруратдан, хамир қора солиб, қозонда пиширилиб олинадиган нон. Уни катталар унча хуш кўришмайди. Болалар яхши кўради. Ҳозир ҳам оғзида таъми қолган: иссиққина, ширингина, шўртакқина...

Осмонга қараганча бир оз ётдик. Сулув янгам ҳам негадир индамай қолди.

— Янга, — дедим анчадан кейин.

— Ҳа, Укатой?

— Бу... уруш... нима ўзи?

— А?.. — Сулув янгам яна индамай қолди. Ниҳоят жавоб берди. — Билмадим, Укатой... — сал туриб деди. — Нимага сўраяпсиз?

— Узим... — дедим. Ҳақиқатан ҳам, нега сўраётганимни аниқ билмасдим. Сулув янгамга қарадим. — Нега одамлар ўляпти ахир?

Сулув янгам туриб ўтирди.

— Ўляпти, дейсизми? — унинг кўзларида бояги шўхликдан асар ҳам йўқ, аллақандай маънос бўлиб қолган, гапларимни ҳам яхши эшитмаётганга ўхшар эди. — Ўляпти, дейсизми? — қайта сўради у. — Ҳа-а... Билмадим, Укатой! — У яна ётиб олди. — Боринг энди, чўмилиб келинг, — деди сал туриб.

Мен нарироққа бориб, ечина бошладим.

— Иштонни ҳам ечаверинг, мен қарамайман! — деди Сулув янгам.

У томонга қарадим. Ҳақиқатан ҳам, битта ўтни оғзига солиб, осмонга қараганча ётарди. Барибир уялиб иштоним билан сувга ташладим. Чўмилиб бўлиб иштонимни сиқиб, қўйлагимни кийиб, Сулув янгамнинг ёнига келдим.

— Бўлдингизми? — деди у туриб ўтираркан. Энди кўзлари кулиб турарди. — Бўлмаса, энди нарироққа кетинг. Ё дўстаман¹ ётинг!

Мен нарироқдаги толнинг тагига бориб, тескари томонга қараб ўтирдим. Сулув янгамнинг сувга шалоп этиб ташлагани, қўли билан сувни чалоплатгани эшитилди. Кейин анчагина ҳеч қанақа овоз чиқмади. Бўлдимикан? Бўлса, нега чақирмаяпти? Ё... Хавотир олиб, секин ўгирилиб қарадим. Сулув янгам соҳилда қип-яланғоч ўтирарди. Дарров назаримни олиб қочдим...

Ўтирибман, ўтирибман... Вақт ўтяпти. Қорним ҳам очиб кетди. Сулув янгам эса, чақирай демайди. Тоқатим тоқ бўлиб, яна ўгирилиб қарасам, ҳалиям ўша ҳолича ўтирибди. Нима қилишимни билмайман. Чақирай десам, қип-яланғоч. Уяламан. Чақирмай десам... Барибир, ўзи чақирмагунича ўтиришдан бошқа иложим йўқ эди.

Ниҳоят, чақириб қолди:

¹ Дўстаман — юзтубан.

— УкатоЙ!

Сакраб ўрнимдан турдим. Лекин Сулув янгам... ҳамон яланғоч ўтирарди!
Дарров тескари ўгирилдим.

— Келаверинг, УкатоЙ!

Мен жойимдан қимирламадим.

— Буёққа келинг деяпман! — Сулув янгамнинг овозида қандайдир буйруқ оҳанги бор эди.

У томонга ўгирилдим. Лекин кўзим ерда.

— Менга қаранг, — деди Сулув янгам. Қарадим. У энди тикка турган ҳолда кўли билан бўйинини силар эди. — Келинг. Уялманг. Келаверинг.

Мен яна ерга қараганча, у томонга юра бошладим. Яқинлашиб, тўхтадим.

— Энди қаранг! — деди Сулув янгам. У рўпарамда қўлларини туширган ҳолда турарди. — Яхшилаб қаранг!

Во ажабо!..

У бола эмасми, уйланаман, фалончини оламан, деб юргани билан, ҳали эркагу аёлнинг фарқига бормас, эркакнинг эркаклиги-ю, аёлнинг аёллиги нимадан иборат эканини билмас, эркак билан аёлни одамнинг шунчаки икки кўриниши, деб ўйлар эди. Қишлоқ аёллари эгнига узун кўйлак, оёғига узун лозим кийиб, бошига рўдаподай рўмол ўраб юргани учун, уларнинг юзи-ю, кўли билан оёғининг учи кўринарди, холос. Бу қопнинг ичида табиат яратиб кўйган олий бир неъмат, олий бир мўъжиза пинҳон эканини ўйламас ҳам эди. Сулув янгамнинг яланғоч баданини кўрди-ю... сеҳрлангандай, кўзини ололмай қолди. Энди бояги уят туйғуси ҳам кўтарилиб кетган эди.

Унинг қаршисида оппоқ, гўзал, мукамал бир ҳайкал турарди.

Ҳайкал оппоқ, пахтадай оппоқ, йўқ, пахтадай эмас, пахта оппоқ-ку, лекин нурни ютади, шунинг учун бу қадар тиниқ эмас, бу ҳайкал эса, ичидан нур ёғиб тургани учунми, ниҳоятда тиниқ, кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ эди. У инсоннинг шу қадар оппоқ бўлишини биринчи бор кўриши эди.

Ҳайкал гўзал, ниҳоятда гўзал, оёқдан бошлаб, сонун сел, кўкракдаги муштумчасидай маммалар, нозик бўйин, ақиқдай ёниб турган лаблар қалин кўрнинг тагидан кўриниб турган чўғдай кўзлар, энг чиройли сурат сингари, энг чиройли гул сингари, юлдуз сингари бутун диққат-эътиборини тортиб олган эди. У инсоннинг шу қадар гўзал бўлишини биринчи бор кўриши эди!

Ҳайкал мукамал, жуда мукамал, гавданинг ҳар бир қисми, ҳар бир аъзонинг катта-кичиклиги, жойлашган ўрни, бир-бирига мутаносиблиги, бири тугаган жойда иккинчиси бошланиши шу қадар гўзал, шу қадар табиий, шу қадар меъёрида эдики, бу қадар гўзаллик, бу қадар меъёр, бу қадар табиийлик ҳар қандай кишини ҳам сеҳрлаб қўяр эди. У инсоннинг танаси кишини сеҳрлаб кўйишини биринчи бор кўриши эди!

Бунинг устига, бу ҳайкал жонсиз, совуқ эмас, жонли, жозибаси, гулхандай ёниб, олови, ҳарорати, жимирлаб турган сароби билан ўзига имлагани имлаган, чорлагани чорлаган, тортгани тортган эди.

Унинг қаршисида Мўъжиза турарди.

У шу Мўъжизага сеҳрланиб қолган эди.

Бироқ бу Мўъжизанинг катта бир нуқсони бор эди. Тўғриси айтганда, бу нуқсон Мўъжизанинг айби эмас, пешонасидаги шўр эди.

Оппоқ, мулойим, нозик бўйиннинг икки томонидан маммаларнинг юқори қисмига келган қизғиш-қора чизиқ, ҳар жой-ҳар жойида қонталаш яллиғлар кўриниб турган жароҳат — яғир, бу рангга бу жисмга, бу гўзалликка буткул ёт, унга Т а ҳ қ и р бўлиб кўринар эди...

Унинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Яна папирос тутатди.

У бор эди бу ерда, ҳаёли бор эди, папирос бор эди, холос. Бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Тантана-ю байрам ҳам, олам ҳам, соҳилида, сувига тош ташлаб ўтиргани сой ҳам. Ҳеч қайсиси йўқ эди...

Во ажабо!

— Кўрдингизми?! — Сулув янгамнинг овозидан ўзимга келдим.

— Ҳа, — дедим секин, бўғиқ. Энди кўзим унинг кўзига қадалиб қолган, ажратиб ололмас эдим.

— Чиройлиманми? — деди Сулув янгам.

— Ҳа, — дедим унга сеҳрланиб қараб турар эканман.

— Жудаямми?

— Ж-жудаям-м!

— Энди мана бунга қаранг, — деди Сулув янгам қўли билан бўйнидаги яғирни кўрсатиб. — Ярашадими?

— Й-йўқ-қ...

— Энди қулоқ солинг, — деди Сулув янгам. Унинг овози қандайдир ҳорғин эшитилди. — Мана шу чиройли бадан гулга ўхшайди. Гулни қанча парвариш қилсангиз, шунча гўзал бўлиб очилаверади. Парвариш қилмасангиз, олдин сўлийди, кейин қуриydi. Кейин... чирийди. Бу гул — бадан ҳам парваришсиз сўлиб, қуриб боряпти. Унинг устига, — яна яғирини ушлади. — Мана бу моховни кўряпсизми? Энди бу мохов иритяпти ҳам! Кўрдингизми, гулдай, чиройли бадан сўлиб, қуриб, ириб боряпти... — У бирпас жим қолиб, яна давом этди. — Боя уруш нима деб сўраётвдингизми?

— Ҳа, — дедим секин, бўғиқ.

— Уруш дегани — мана шу, Укатой!

Сулув янгам бирданига ўкириб юборди. Шу ўкирганича, кўзидан шашқатор ёш оқизганча бирпас менга қараб турди-ю, ўзини ерга ташлади. Юзтубан ётганча йиғлайверди, йиғлайверди. Яланғоч елкаси, бутун бадани силкинар, оёқлари, типирлар эди. Анчадан кейин ўзимга келиб, кўйлагини устига ёпиб қўйдим. Елкасидан тиззасигача яланғоч жойини беркитдим.

— Қўйинг, янга, — дедим ёнига ўтириб. Ўзимнинг йиғлаётганимни билмас эдим.

Сулув янгам шу ётганча узоқ ётди. Ялиндим, ёлвордим, елкаларидан силкидим, йиғладим — бўлмади. Охири ўзидан ўзи йиғидан тўхтади. Яна анчагача индамай ётди-да, туриб ўтирди. Бирдан менга ўгирилди. Кўзлари ғалати, аллақандай бежо эди. Мени шартта қучоқлаб йиқитди-да, юзимдан, пешонамдан, оғзимдан қаттиқ-қаттиқ ўпа бошлади. Бу ҳодиса шу қадар тез юз бердики, мен нима бўлаётганини англаёлмай, ўзимни ўнглай ололмай қолдим. Сулув янгам илгари ҳам эркалатиб кўп ўпган, юзимдан, пешонамдан ўпиб қўяр, лекин, бу ўпиши бошқача эди. Упишгина бўлса ҳам майли-я, қаттиқ қучоқлаб олган, ағанатар, гоҳо устимга ўзи чиқиб олиб, гоҳида мени устига чиқариб қўяр, гоҳо кўкрагимни, гоҳо бошимни эғиб, кўксига қаттиқ босар эди. Ўзим ҳам ғалати бўлиб кетдим...

Ана шундай ағанаб-ағанаб, иккаламиз ҳам ариққа тушиб кетмаганимизда нима бўларди — билмайман. Сувга шалоп этиб тушдигу иккаламиз ҳам ўзимизга келдик. Бир-икки сузиб, ташқарига чиқиб ўтирдик. Ёнма-ён. Сулув янгам менга қараб, кулиб турарди. Мен кўзимни ерга олдим. Энди унга ҳадеб қарагим келаверар, лекин журъатим етмас эди.

— Вой, шарманда-а! — Сулув янгам бирданига ўрнидан туриб кетди. Ҳайрон бўлиб қараган эдим, қичқириб юборди. — Қараманг! — У шошиб бориб, дарров кўйлагини кийди. — Вой, шарманда бўлмай ўлай! Шарманда бўлмай ўлай!

Кийиниб бўлиб, олдимга келди. Кўйлак-иштоним ҳўллигини кўриб, Ҳайрон бўлди.

— Нега кўйлак-иштонингиз ҳўл? Шу туришда чўмилдингизми?

Ҳайрон қараб қолдим! Ҳаммасини ўзи қилди-ку, яна сўраётгани нимаси?! — Боринг, кийимларингизни сиқиб олинг, — деди у. Овози паст, маъюс эди.

Толнинг тагига бориб, кийимларимни сиқиб қайтиб келдим. Сулув янгам ўша жойида хомуш ўтирар эди.

— Ўтиринг, — деб ёнига ишора қилди.

Мен ёнига, унга суйкалиб ўтирдим. Бадани ёқиб кетди. Илгари ҳеч бунақа бўлмасди. Яна қаттиқроқ пинжига кирдим. Сулув янгам бунга эътибор бермади.

— Укатой, — деди бироздан кейин. Менга эмас, узоқ-узоқларга қараб ўтирарди. — Мендан хафа бўлманг, Укатой. Мен шармандаман, ифлос, ёмон одамман, лекин барибир мenden хафа бўлманг, — у энди менга ўгирилди. — Майлими? Хафа бўлмайсизми?

— Сиз ёмон эмассиз, — дедим кўзига қараб. Кейин эгилиб, бошимни

кўксига, маммасининг устига қўйдим. Бироқ Сулув янгам бу ҳаракатларимга ҳам мутлақо эътибор бермади. — Сиз яхшисиз, — дедим ўша ҳолатда.

— Вой, Укатойимдан айланай, — деди Сулув янгам. Бошимни кўксидан олиб, пешонамдан, икки юзимдан ўпди. Бу ўпиши илгариги ўпишларидан, боягиларига ўхшамас эди. — Укатойимдан айланай! — Бирпас жим қолди-да, давом этди. — Сиз билмайсиз-да, Укатой! Мен ёмон одамман. Жудаям ёмон! Ифлос одамман!..

«Йўқ! Йўқ! — деб қичқиради у бугун ҳам. — Сиз ифлос эмас эдингиз! Сиз яхши одам эдингиз, янгажон! Покиза эдингиз! Сиз бу дунёга ҳур келиб, ҳур кетдингиз, янгажон! Сиз бир мартагина юз берган озгина заифлигингизни кечиролмай кетдингиз! Мен биламан-ку, ахир, ўшанда нима қилаётганингизни ўзингиз ҳам билмагансиз! Кейин қанчалар қийналдингиз, қанчалар изтироб чекдингиз! Мен ҳеч қачон сиз тўғрингизда ёмон гап ўйламаганман! Фақат ўзингиз ўйлагансиз! Яхши одамларгина ўзини ёмонман деб ўйлай олади, янгажон, ёмон одам ҳеч қачон ёмонман деб ўйлай олмайди! Уйлай олмайди, янгажон! Буни сиз билмай кетдингиз, ёш кетдингиз-да, мен бугун сиздан қарийб уч баравар каттаман, демак, биламан! Яна шуни биламанки, мен сизни гапириб берганимда кўпчилик ишонмаган! Кап-катта, зиёли одамлар ҳам ишонмаган, янгажон! Чунки бугунги кунда биз катта, оламшумул туйғулар, катта, оламшумул қайғулар билан яшаймиз, бинобарин, сиз яшаган садоқату хиёнат бизнинг миқёсимизга майдалик қилиб қолган, янгажон! Биз нарсаларнинг ичидан энг муҳимини ажрата оламиз! Биз фақат битта нарсада: Ватанга садоқатда, Ватанга хиёнат қилмасликдагина устивормиз, янгажон! Бошқа масалаларда бу гапларга эътибор бериб ўтирмаймиз! Суюкли ёрга, қиёматли дўстга, мухтарам устозга хиёнат қилдик дейлик, хўш, шу билан бирон нарса ўзгариб қолармиди! Улар бирон жабр кўрармиди! Йўқ! Бу — нуқсон деймизми, фазилат деймизми, ҳар қайсимиз ўзимизнинг тушунчамиздан келиб чиқиб, нима деб атасак атайверамиз-да — хусусиятлардан камина қулингиз ҳам холи эмас, янгажон! Сизни ўйлар эканман, бугунги, дарсдан бир амаллаб қутилиб, кўпроқ роҳатижон ейиш, кинога бориш, ўғил болалар билан ўйнашдан бўлак ташвиши йўқ қизлардан, иложи бўлса кеча-ю кундуз ойна олдида ўтириб пардоз қилишдан эринмайдиган, юзининг табиий рангидан қониқмай, ранг суришга, қошидан қониқмай, не-не азобига чидаб тердиришга, кипригидан қониқмай, сунъий киприк ёпиштиришга, кўзининг шаҳлолигидан қониқмай, сунъий равишда шаҳлороқ қилишга, яхши кўриб теккан эридан қониқмай... унинг кўзини шамғалат қилишга ўч жувонлардан нима фарқингиз бор эди, деб ўйлайман, янгажон! Булардан сизнинг нимангиз кам эди, деб ўйлайман, янгажон! Мен сизни жуда кўп эслайман, янгажон, сизни кўп соғинаман! Гўзалликдан гап кетганда, муҳаббатдан гап кетганда, садоқатдан гап кетганда, эътиқоддан гап кетганда — сизни соғинаман, янгажон! Мен ношудман, мен нодонман, мен истеъдодсиз одамман, янгажон! Бўлмаса, шу пайтгача ҳайкалингизни ўрнатмасмидим, ҳамма кўрадиган жойга, жуда баланд, жуда улуғвор қилиб ўрнатмасмидим!

Энам: «Энди бизга навбат келмасайди ишқилиб», деганида башорат қилганмиди, билмайман, Санамдан кейин...

...бизнинг ҳам юлдузимиз учди!

Энди ҳаммамиз тенг эдик. Бир-биримиздан устун ё кам, бир-биримизни раҳм қиладиган ё аяйдиган жойимиз йўқ эди. Лекин энам... »

Бугун у ўйлайди: қишлоқдан нари чиқмаган, эрга хотинлик, болага оналик, рўзғорга бекалик қилишдан ўзга нарсани билмаган, меҳнат билан суяги қотган, ўзини меҳнатдан ташқарида тасаввур қилолмайдиган, ниҳоят шу меҳнатнинг тегирмонникидай оғир тоши остида қақилиб кетган ёшгина аёл бунчалик бардошни, бунчалик тадбиркорликни қердан олди экан!

Қорахат келиб, отасига аза очилган кунни энаси йиғлади-сиқтади, кўк кийди, барча расм-русмларни адо қилди-да, эртасига Сулув янгаси иккаласини

бошлаб, даштга чиқиб кетди. Санам ҳали Самарқандда, касалхонада эди. Одатдагидан қаттиққўлроқ, одатдагидан бағритошроқ кўринарди. Энди билади: агар энаси дарҳол ўзини қўлга олиб, ўша «қаттиққўллик»ни намоён қилмаганида, булар бундан кейинги ҳаётга бардош беролмас экан!

Ўшанда: «Энам жудаям бағритош экан-а, отам ўлди-ю, ҳеч нарса бўлмагандай юрибди», деган ўй ҳам кечган эди ҳаёлидан. Энди биладики, энаси саводсиз бир аёл, ғамни ғам билан енгиб бўлмаслигини, ҳаётнинг доим ўлим билан ёнма-ён юриши, ўлим содир бўлгани билан ҳаёт тўхтаб қолмаслиги лозимлигини билган, Сулув янгасининг, Санамнинг ўзининг бундан буён ҳам яшаши учун қаттиқ туриш керак, деб ўйлаган. Тўғри ўйлаган!

Энаси темир эмас эди, албатта. Кейин, ёлғиз қолган пайтларида уйга қамалиб олиб «кўшиқ» айтганларини кўп кўрган-ку. Аммо ўшанда, ҳаммаси бир силтанса дув тўкиладиган бўлиб турган бир пайтда ўзини тутган. Тута олган!

Энасининг иродаси, матонати, бардоши туфайлигина етиб келди бу кунларга. Лекин бу ирода, бу матонат, бу бардошнинг юки ҳазилмиди! Бу юкни кўтариб юриш осонмиди!

«Фил экансиз, энажон, фил экансиз!»

Пахта теримига тушиб кетганмиз. Кунни бўйи белимиз, бўйнимиз толиб, бошимизни кўтармасдан пахта терамиз. Бошқалардан кўра менинг ишим кўпроқ. Этакларимиз тўлиб, чайланинг олдига қеламиз-да, пахтани катта-катта қанор қопларга бўшатамиз. Бошқалар-ку, бир оз дам олади, мен этакни ағдаришдан олдин ҳам, ағдаргандан кейин ҳам қанор қопнинг ичига кириб, пахтани тепкилаб, яхшилаб жойлаштираман. Тўртталамиз кечгача етти-саккиз қоп пахта терамиз. Қишлоқдан арава келиб, олиб кетади. Арава гоҳ кечқурун, гоҳо ярим кечада, гоҳ эса, тонг отганда келади.

Шундай кунларнинг бирида ногаҳон Қўчқор акадан... хат келиб қолди. Ҳаммамиз девонага ўхшаб қолган, хатни бирма-бир қўлимизга олиб кўриб, бир-биримизга қарар, қўлимизда турган нарсанинг ҳақиқий эканига ишонгимиз келмас, уни очиб кўришга журъатимиз етмас эди. Сулув янгам титраб-қақшаган, изиллаб йиғлаган ҳолда ҳар биримизнинг олдимизга келади, мадад сўрагандай илтижо билан қарайди. Хурсанд бўлишини ҳам билмайди, бўлмаслигини ҳам. Хатни очиб, ўқишга кўрқади. Бирданига... ёлғон бўлиб чиқса-чи?! Биров ҳазиллашган бўлса-чи?! Ахир, ўлган одам қандай қилиб хат ёзади? Ҳатто доим ўзини тута оладиган энам ҳам бир оз довдираб қолган.

— Ростданми? — деймиз ҳаммамиз. — Ростданми?

— Манг, — деди энам анчадан кейин Сулув янгамга хатни узатиб. — Очинг энди. Ўқинг.

— Йўқ-йўқ! — деди Сулув янгам, худди хат қақиб оладигандай, чекиниб. — Йўқ! Инонмайман! — салдан кейин менга қараб илтижо қилди. — Укатоӣ, сиз ўқий қолинг!

Учбурчак хатни очиб, ўқий бошладим.

— «Соғинчлик салом хат... — Сулув янгамга қараб олдим. У нафасини ютиб, қотиб қолгандай бир ҳолатда, «ҳа, ҳа, қани, ўқинг!» деяётгандай эди. — Ул гўзал Ўзбекистоннинг, ул гўзал Самарқанд областининг, ул гўзал Кичкина қишлоғида яшаб турган меҳрибон энам... — томоғимга бир нарса тикилиб, сал тўхтаб қолдим. «Оҳ!» деди энам. «Энажон!» деди Сулув янгам. Фақат Санам индамади. У нимадандир ҳурккандай, менга қараб турарди. — ...суюкли келинчагим Сулувжонга табиатнинг энг нозик жойларидан салом йўллаймаман...»

— Эҳ-ҳе-ҳе-ей-й! — Сулув янгам хатни қўлимдан қандай тортиб олганини билмайман. У ҳозир мен шунча пайтдан бери биладиган Сулув янгамга сираям ўхшамасди. Бир бошқача, кўзлари ҳаддан ташқари ёниқ, шўх, шаддод қизалоққа айланиб қолган эди. — Эҳ-ҳе-ҳе-ей-й! — деди у яна хатни баланд кўтариб, отда чопиб кетаётган одамдай. Кейин ҳақиқатан ҳам чопиб кетди. Хатни ўшандай кўтарганича чопиб кетди. — Эҳ-ҳе-ҳе-ей-й! — Ёш бузоқлар сигирни тўйиб эмиб олганидан кейин югуриб кетади. Бўйинини сал буриб чопганича анча жойни айланиб келади. Сулув янгам ҳам ана шундай, анча жойни айланиб келди. У ҳеч нарса демас, фақат: — Эҳ-ҳе-ҳе-ей-й! — деб қичқираб эди, холос. Айланиб келди-ю, мен билан Санамни кучоқлаб, юз-кўзларимиздан ўпди. — Кўрдингизми, Укатоӣ! Кўрдингизми, Қизалоқ! — Кейин икки қўли

билан иккаламизнинг қўлтиғимиздан ушлаб, кўтариб, айлантира бошлади. — Укатойимдан айланай! Қизалоғимдан айланай! — Кейин бизни ерга қўйди-да, ўзини энамнинг бағрига отди. — Янгажон! Қаранг, янгажон! — У кўзларида ёши шашқатор, хурсандлигидан ҳеч жойга сиғмас эди.

— Бахтингиз бор экан, айланай, — деди энам жилмайиб. Хурсандлигидан унинг кўзига ҳам ёш қалққан эди. — Хатни ўқинг энди.

Хатнинг ҳали ўқилмагани Сулув янгамнинг энди эсига келди.

— Ие, ҳа-а... — деди энамга қараб кулиб. Сал четроққа чиқиб, чанқоқлик билан хатни ўқий бошлади. Жуда узоқ ўқиди. Беш-олти марта ўқиб чиқди шекилли ўзиям. Кейин бизга ўгирилди. — Мана, кулоқ солинглар. «Тўрт ой бир белорус кампирнинг подвалида ётдим. У мени ҳам душмандан яширди, ҳам даволади...» — Сулув янгам тўхтаб қолдида, хатни менга узатди. — Сиз ўқий қолинг, Укатой. Мана бу еридан.

Хатни Сулув янгам кўрсатган жойидан бошлаб ўқишга тушдим.

— «...ҳам даволади. Энди буёғини ичингда ўқи, Сулувжон. Энам эшитмасин... — Энам билан Сулув янгам яна оҳ тортиб олишди. — Сени жудаям соғиндим, Сулувжон. Жудаям соғиндим. Кеча-ю кундуз сенинг хаёлинг билан яшайман. Эҳтимол, мени ҳаётга қайтарган ҳам сенинг хаёлингдир. Энди ўлмайман, Сулувжон. Бир марта ўлиб тирилдим, бўлди. Энди ўлмайман. Сен бор экансан, сенинг хаёлинг бор экан, ўлмайман. Билдингми?»

Шу ерга келганимда Сулув янгам хатни қўлимдан тортиб олди.

— Ана! Билдингизми! — деди шўх, мақтаниб. Кейин ўзича гапира бошлади. — Улмайсиз, тўрам! Улмайсиз, тўражоним! Илойим ўлмагайсиз!

Сулув янгамнинг байрами ҳаммамизнинг байрамимиз эди. Менинг отам, Санамнинг отаси билан энаси ҳам тирилиб келгандай бўлди. Шу куни жуда яхши ишладик. Терган пахтамиз ўн қоп бўлди...

Лекин бора-бора Сулув янгам ғалати бўлиб қола бошлади. Кўпинча уни жўякнинг ўртасида Қўчқор аканинг хатини тутганича йиғлаб ўтирган ҳолда кўрардим. Мен уни кўрардим у мени кўрмасди. Сезиб қоладиган бўлса, ўзимни пахта тераётган қилиб кўрсатиб, ўтиб кетардим. У шундай, хилватда хатни ўқиб, йиғлаб-йиғлаб оларди-да, яна ишга тушиб кетарди. Энам, иш билан банд, Сулув янгамни дам олиб ўтирибди-да, деб ўйлармиди, аҳамият-бермас эди.

Бир куни...

Тушлик қилиб бўлганимиздан кейин Сулув янгам хат ёзишга тушди. Қўлидаги қимически¹ қаламни лабига ҳўллаб олиб ёзарди. Сал дам олдик. Энам Санам иккаламизни кўзгади:

— Қани, юринглар. Янганглар хатини ёзиб бўлиб чиқар.

Учаламиз чиқиб кетдик. Пахта теряпмиз, теряпмиз, Сулув янгам кўриная демайди. Ҳар қайсимизда учтадан этак бор эди. Тўлганини ўша жойга ташлаб, бошқасига териб кетаверар, учаласиям тўлганидан кейингина чайланинг олдида олиб келиб, қанор қопларга бўшатар эдик. Уч этагимиз тўлди ҳамки, Сулув янгамдан дарак йўқ.

— Янгангларга нима бўлди, — деди энам. — Ухлаб-пухлаб қолдимикан? Ҳеч бунақа одати йўқ эди.

Энам иккита, биз биттадан этакни кўтариб, чайла томон кела бошладик.

— Сулувой, — деб чақирди энам чайлага яқинлашганимизда. — Ҳо, Сулувой!

Жавоб бўлмади.

Етиб келиб, қарасак, Сулув янгам бояги хат ёзиб ўтирган жойида — чайланинг ёнидаги сояга шолча тўшаб қўйганмиз, ўша ерда дам олар, овқатланар эдик — ҳам йўқ эди. Мен югуриб, чайланинг ичига кирдим. Кирдим у...

— Эна! — деб қичқирдим. Овозим чиқмади. Яна қичқирдим. — Эна!

Овозимни эшитдимми ёки ўзимни, энам отилиб кирди, унинг ортидан — Санам. Учаламиз ҳам қотиб қолдик.

Сулув янгам чайланинг ўртасида, болорга осилиб турар эди!..

¹ Қимически — сиёҳ қалам.

Уша манзарани ҳозир ҳам кўз олдига аниқ, бемалол келтиролмайдди. Бутун зеҳни, бутун шуури ўтмаслашиб, томирларигина эмас, бутун вужуди тортишиб қолади. Ушанда худди шундай бўлган, ҳатто жағи жағига қапишиб қолган эди. Энаси ҳам анчагача нима қиларини билмай, серрайганича қолган. Кейин ўзига келиб, у билан Санамга буурган:

— Пичоқми, ўроқми, кетмонми, нима бўлсаям олиб келинглар!

Иккаласи кўз олдига турган нарсаларни узоқ излашди. Кейин қайсинингдир кўзи ўроққа тушиб, олиб келди. Ичкарида энаси Сулув янгасининг жасадини кўтаринқираб, ушлаб турарди. Ҳали жони бўлса, омон қолишидан умид қилган шекилли.

— Кесинглар, — деди энди салқироқ бўлиб турган арқонга ишора қилиб. У оёғининг тагига бир-иккита фишт қўйиб, арқонни кесди. Энаси Сулув янгасини секин олиб, ётқизди. Кейин буларга қараб, кайфи учиб кетди. Иккаласининг ҳам ранги оппоқ, жағи жағига тақиллаб урилар, ўзлари титрар эди. Қўлларидан ушлаб, ташқарига олиб чиқди-да, пақир билан қумғондаги сувни юзларига сепди. Кейин кўрпача тўшаб, ёнма-ён ётқизиш қўйди.

Кейин нима бўлганини билмайди. Энаси чопиб қишлоққа борибди, арава топиб келиб, Сулув янгасини ортиб жўнатибди. Кечаси буларнинг ёнида ётибди-ю, эртасига қишлоққа бориб Сулув янгаларини кўмиб, қайтиб келибди. Келса, булар ҳалиям ўша ҳолда ётган экан. Уч кун шундай ётишибди.

У буларни билмайди. Билгани: Сулув янгаси пайдо бўлиб, оппоқ баданини кўрсатади.

«Қалай чиройлиманми?» — деб сўрайди.

«Ҳа», — деб жавоб беради у.

«Жудаямми?»

«Жудаям!»

«Энди мана буни қаранг, — дейди Сулув янгаси бўйнидаги яғирни кўрсатиб. — Ярашадими?»

Бу манзара кўз олдига кўп такрорланган. Жуда кўп. Шундай деб ўйларди. Кўп деб ўйларди. Ҳали бутун умри давомида такрорланишини билмасди бу манзаранинг...

Санам иккаламиз ўзимизга келиб, туриб ўтирганимиздан кейин энам кўлимга учбурчак хат тутқазди.

— Уқи қани.

Бу — Сулув янгамнинг ўша куни ёзган хати эди. Энам кеча кўрибди. Ёзиб ўтирган жойида турган экан.

— Шу пайтгача кўрмаганимни қаранглар, — деди энам.

Хатни ўқий бошладим. Олдин одатдаги дуойи салом, кейин...

У бугун хатда айнан нималар дейилганини эсламайди. Эслаши қийин, кўп гапларга тушунмаган ҳам эди. Лекин иккита сўз эсида қолган. «Хиёнат», «фикран» деган сўзлар... Энди ўйлаб қараса, Сулув янгаси ўшанда иккаласи ёлғиз қолганларида хаёли қочгани учун ўзини кечиролмаган бўлиши мумкин... Ҳақиқатан ҳам... «Мен сизга фикран хиёнат қилдим, фикран бўлса ҳам хиёнат қилдим ахир», дегандир... Ҳақиқатан ҳам, хиёнат энг аввало фикрда туғилади-ку... Янгаси ўшанда «хиёнат фикримда туғилди-ку, имкони бўлганида қилмасмидим» деб ўйлагандир, шу хиёнатнинг уруғи туғилгани учун ҳам кечиролмагандир ўзини...

Эҳтимол, шундайдир...

Хатни ўқиб бўлдим. Анчагача индамай, бир-биримизга қараб қолдик.

— Бечора, — деди энам кўзига ёш олиб.

— Нима депти, эна?

— Ўқидинг-ку.

— Унча тушунмадим.

— Кейин тушунарсан, болам.

— Хатни Кўчқор акага юборамизми?

— Йўқ, — деди энам ўйчан. — Бу хатни юбориб бўлмайди. Сақлаб қўямиз. Қўчқор аканлар келганда берамиз...

Энам билан мен отамдан, Санам отаси билан энасидан, Сулув янгам Қўчқор ака билан Бувиш момодан, ҳаммамиз бир бўлиб Сулув янгамдан айрилдик. Энди нима қиламиз? Кимдан айриламиз? Айриладиган одамимиз қолдими ўзи?

Кечалари ухлаёлмайман. Кўзим юмилди дегунча Сулув янгам пайдо бўлади. Оппоқ баданини кўрсатади. Сакраб туриб кетаман.

Энам ухлаб ётади-ю, ҳар сакраб турганимда уйғонади. Санам эса... Бундай беозор зот йўқ дунёда. Бор-йўқлигим билинмайди. Индамай ишлайди, индамай ўтиради. Мушукка ўхшабгина ётади. Қимирламайди ҳам. Ухлайдими, ухламайдими — билмайман, аммо қимирламай ётади...

Бир тун ҳеч кўзим юмилмади. Энам бошимда ўтирибди. Пешонамни ушлайди. Муздай. Ўзим ҳам биламан — касал эмасман.

— Нима бўляпти ўзи сенга, — дейди энам саросималаниб. — Ҳар нарсани ўйлайверма-да, болам.

— Ўйлаётганим йўқ, — дейман.

— Ҳеч нарсани ўйламай, кўзингни юмиб ётсанг, ухлаб қоласан, — дейди энам. Билмайдик, кўзимни юмдим дегунча Сулув янгамни кўраман.

Совуқ тушиб қолгани учун чайланинг ичида ётардик.

— Эна, — дедим, — ташқарига чиқиб ётайлик.

— Ташқари совуқ, болам, — деди энам.

— Совуқ бўлсаям майли, — дедим. — Ёруғ. Юлдузлар бор.

— Ҳа, майли, — деди энам. — Санамни нима қиламиз? Ҳа, майли, ўзим кўтариб чиқарман.

Учаламиз битта ўринда, энам ўртада, Санам иккаламиз икки томонида ётардик. Энам туриб, устимиздаги кўрпани олиши билан Санам ҳам турди. Индамай, кўрпа-ёстиқларни кўтаришиб чиқди. Энам жой солиши билан ётиб олди.

— Эна, — дедим осмонга қараб ётарканман. — Ҳали юлдуз кўп-ку.

— Ҳа, кўп, болам, — деди энам. Кейин сўради. — Ҳа?

— Ўзим... Қанча одам ўлди. Юлдуз ҳали кўп. Ҳали тирик одам ҳам кўп экан-да, а, эна?

— Ҳа, кўп, болам. Ҳамма ўлиб кетаверармиди ахир!

— Ўляпти-ку! Қанча одам ўлди! Сулув янгам...

— Сулув янганг ўлгани билан, мана, биз бормиз. Мен, сен, Санам...

— Биз ҳам ўлсак-чи?

— Оғзингни ёп! — энамнинг жуда жаҳли чиқиб кетди. — Ёт энди, ухла!

— Эна, — дедим анчагача индамай ётгач.

— Ҳа?

— Отамдан келган қорахат ҳам ёлғон бўлса-чи?

— Қанийди, болам!

— Қўчқор акамга ўхшаб-а!

— Ҳа. Энди ухла, болам. Отангни ўйлаб ёт. Келинг, ота, де. Зора сенинг илтижонг ижобатга ўтса. Ҳали бегуноҳсан.

— Гуноҳ нима, эна?

— Гуноҳ... ёмон иш.

— Ёмон иш?

— Ҳа.

— Мен ёмон иш қилганим йўқми?

— Йўқ.

— Сиз-чи?

— Менми? Мен ҳам ёмон иш қилганим йўқ, болам.

— Унда нега ўзингиз отамга келинг, демайсиз?

— Дейман, болам. Кўп дейман.

— Нега келмаяпти бўлмаса?

— Ким билади, болам... Гуноҳим кўпдир-да...

— Ҳозир ёмон иш қилмаганман, дедингиз-ку?

— Катталар ёмон иш қилганини ўзлари билмай қолишади, болам. Гуноҳим йўқ деб юришади-ю, аслида гуноҳи кўп бўлади.

Анча жим қолдик. Энам ухладимикан? Кўз қиримни ташлайман. Ухлаяпти. Секин шивирлайман:

— Эна...

— Ҳа, — дейди энам. Ҳар доим шу. Ухлаб ётади. Қимирласам ёки секин шивирласам, «ҳа?» дейди.

— Сизнинг баданингиз ҳам... оппоқми?

— А? — энам сакраб туриб ўтирди. — Нима дединг?

Мен саволимни такрорладим. Энам яна пешонамни ушлаб кўрди. Нимадандир хавотирлангандай сўради:

— Қаердан олдинг бу гапни?

— Сулув янгамнинг бадани оппоқ эди-да... Оппоқ, чиройли эди.

— А? — энам менга ҳанг-манг бўлиб қараб қолган эди. Мен унга бўлиб ўтган воқеани айтиб бердим.

— Ҳа-а, — деди энам анчадан кейин. — Шунақа де... — У яна менга узоқ тикилиб қолди. Кейин ўзига гапиргандай давом этди. — Ҳали сенмидинг шу... Мен бўлсам, кимга хаёли қочди экан, деб юрибман-а... Ҳа, шўрлик-а! Сени... Шунни гуноҳ деб, шу гуноҳни кўтаролмай кетдим-я! — Яна жим қолди. — Энди ухла, — деди охири. — Ахир эртага куни бўйи ишлашимиз керак. Иккаламиз ҳам тунни бўйи ухламай чиқсак, эртага иш нима бўлади! Пахтани ким теради?

Ҳа, эртага иш. Куни бўйи пахта терамиз. Ҳақиқатан ҳам, кечаси кам ухлаганимдан энгашганча, этакка қорнимни тираб пахта тераётиб ҳам ухлаб қоламан. Гоҳида уйғониб ишни давом эттиравераман, гоҳида эса, олдинга қулаб тушаман. Лекин уйқу... Уйқунинг ўрнига... Сулув янгам кўз олдимга келади. «Чиройлиманми?» — дейди жилмайиб.

«Ҳа».

«Жудаямми?»

«Жудаям!»

— Эна, — дейман анчадан кейин.

— Ҳали ухламадингми?

— Нега одам ўлса қорахат келади?

Энам анча ўйланиб қолди.

— Ўлимнинг ранги... қора-да, болам, — деди кейин.

— Ўлимнинг ранги қора?

— Ҳа.

— Оқ ранг-чи?

Энам яна ўйланиб қолди.

— Оқ ранг... тирикликнинг, яхшилиқнинг ранги, — деди кейин.

— Эна, — дедим яна.

— Ҳа?

— Отамдан келган қорахат ёлғон бўлса... сиз... осилиб қолмайсизми?

Энам ҳам осмонга қараб ётган экан, яна сакраб турди.

— Нима деяпсан? — деди жеркинқираб.

— Сулув янгам осилиб қолди-ку.

— Ҳа-а... — деди энам бир оздан кейин. Яна анча сукут сақлаб, давом этди. — Сулув янгамнинг боласи йўқ эди, болам. Мен ўлсам, сен билан Санам кимга қолади? Кимга ташлаб кетаман сенларни? Сенлар оёққа туриб, ўзларингни тиклаб олмаганларингча мен ўлмайман, болам. Улолмайман. Улмаслигим керак! Энди ухла. Қара, тонг ёришиб келяпти...

Яна икки йил шу тариқа ишладик. Санам иккаламиз анча каттариб қолган, Сулув янгамнинг ишини ёлар, йўқлигини билдирмас эдик. Ишда-ку, билдирмас эдиг-а, бироқ қаерда бўлмайлик, жўяк орасидами, уйдаими, чайладами — унинг йўқлиги билинар эди...

Бу орада баҳайбат, бесўнақай Почтачи қўлтиқтаёқ ёғоч оёқларини тўқиллатиб, қишлоқнинг узун кўчасидан жуда кўп марта ўтди. Не-не умид, не-не таҳликада қўл чўзиб турган одамларнинг анчасини Қора конверти билан уриб қулатди. У фақатгина Кичкина қишлоққа келиб тургани йўқ. Ҳамма қишлоққа... Анча узоқдаги Эски Жомбойга бир гал келганида халтасидан тушган Қора конвертнинг шамоли Кичкина қишлоққача етиб келиб, уй ичида ўтирган Розия опани ҳам қулатган...

Кўлам, кунлар исиб кетган, ер чигит экишга тайёрлаб қўйилган, энам одатдагидай чигит олиб келишга қишлоққа тушиб кетган эди. Даштда Санам иккаламиз қолган эдик.

Энам одатдагидай эрталаб кетган, келса одатдагидай кечқурун, чигит ортилган арава билан келар эди. Лекин бу гал...

Тушга яқин қишлоқ томондан, тўқайзордаги сўқмоқдан чиқиб келаётган шарпа кўзга ташланди. Шарпа қоқилиб-суринар, йиқилиб қолар, яна туриб юра бошлар эди. Унинг жуда тез келаётгани сезилиб турарди. Санам иккаламиз ҳайрон қараб турибмиз. Тўрт йил давомида ҳеч ким бундай, шошиб келган эмас олдимизга. Шарпа одамни таниш даражасида яқинлашганда билдикки, у — энам экан. Энди ҳайронлигимизга хавотир қўшилди. Гарчи оладиган хабарларимизни олиб бўлган, энди ҳар қандай хабарга кўникиб кетган, ҳар қандай хабарни бамайлихотир кутиб олишга одатланган бўлсак ҳам, юрагимизга таҳлика тушди. Бунинг устига, тўрт йил давомида бошимизга не кунлар тушмади, бироқ энамни ҳеч қачон бундай ҳовлиққан ҳолда кўрмаганмиз. Нима бўлди экан?

Энам ҳамон ҳовлиқиб, шошиб, югуриб, йиқилиб-сурилиб келарди.

— Болаларим! — деган овози етиб келди ниҳоят.

Яна Санам билан бир-биримизга қарадик. Нима бўлди экан?

Энам анча яқинлашиб қолди.

— Болаларим! — деди яна. Овози бўғилиб қолган эди. Қишлоқдан чиққанидан бери бақириб келяпти шекилли.

Бир пайт Санам энам томон югура бошлади. Ҳақиқатан ҳам, серрайиб тураверибмизу у томон юриш эсимизга келмабди. Мен ҳам югурдим. Энам билан юзлашдик.

— Болаларим! — дерди энам бизни қучоқлаб олганча. Кўзларидан дув-дув ёш оқар, ҳансирар, фақат шу битта сўзни такрорлар эди. — Болаларим!..

Баҳайбат, бесўнақай Почтачи қўлтиқтаёқ қишлоқнинг тик кўчасидан тўқ-тўқ қилиб келар, одамлар унга не-не умид, не-не таҳлика билан қараб турар эди. Почтачи қўлтиқтаёқ уларнинг олдига етиб келди, тўдани ёриб, ичкарига кирди-да, халтасини ағдариб юборди. Халтадан учбурчак хат ҳам, Қора конверт ҳам эмас, энди қип-қизил қоғозлар туша бошлади. Қоғозлар шу қадар кўп эдики, одамларнинг чўзилган қўлларига, елкалари, юзларига келиб урилади. Одамлар умрида кўрмаган бу қизил қоғозларга ҳайрон бўлиб қараб турар, нима қилишини билмас эди. Почтачи қўлтиқтаёқ бўшаган халтасини четга улоқтириб ташлади. Халта унинг танаси, боши бўлгани учун, энди бирдан аввалги савлатини йўқотиб, оддий бир жуфт қўлтиқтаёққа айланди-да, худди кўзга кўринмас бир кудратнинг қўли билан ҳаракат қилаётгандай, шу жуфтлигича чеккага улоқди. Бир оз ётгач, яна ўша, кўзга кўринмас кудратнинг иродаси билан олдин бири, кейин иккинчиси турди-да, ёнма-ён бўлди, халтанинг чарм тасмаси билан боғланди-ю, тўқ-тўқ юриб кетди. Бутунлай кетди... Одамлар эса қизил қоғозларга бурканиб, бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришар, бир-бирларига нималарнидир маъқуллашар, бақиритиб-чақиритиб, йиғлашар эди...

— Болаларим! — дерди энам овози хириллаб, бизни қучоқлаб олганича. Кўкраги кўтарилиб-тушиб, ҳансирар, кўзларидан дувиллаб ёш оқар, тилига бошқа сўз келмас эди. Ниҳоят, анчадан кейингина тили бошқа гапга ҳам айланди: — Уруш тамом бўпти, болаларим!

Улар нимани кутса кутгандики, бу хабарни кутмаган эди. Нима? Уруш тамом бўпти? Тўрт йилдан бери бир маромга тушиб қолган ҳаётлари яна ўзгарадими? Нима бўлади энди? Нима қилишади? Ҳарҳолда иккаласи ҳам бу хабарни онаси ўйлаганчалик ҳовлиқиб, хурсанд бўлиб эмас, лоқайдгина кутиб олишди. Энди ҳамма нарсага лоқайд бўлиб қолишган эди шекилли-да. Энди ҳеч қандай хабар уларнинг мувозанатини бузолмас эди шекилли. Ҳатто, уруш тугагани тўғрисидаги хабар ҳам...

Биз энамни, энам бизни елкамиздан қучоқлаб, чайлага етиб келдик. Энам ҳамон йиғларди.

— Уруш тамом бўлган бўлса, нимага йиғлаяпсиз, эна?

— Тўрт йиллик қирғин тамом бўлади-ю, йиғламай бўладими, болам! Не-не одамнинг ёстиғини қуритган, не-не одамни тириклайин ютган аждаҳонинг боши янчилади-ю, йиғламай бўладими, болам!

— Чигит олиб келмабсиз-ку?

Энам кўзларини катта очиб, менга қараб қолди.

— Сен болага бирон нарса бўлганми ўзи? — деди кейин. — Мен нима деяпман?! Уруш тамом бўлди, деяпман!

— Ўзингиз экиш кечикиб кетяпти, дегандингиз-ку...

— Кечикса кечикар! — энам энди жаҳл билан бақирди. — Сенга нима? Нима ишинг бор экишнинг кечиккани билан?! — энам ўзи олиб келган хабарнинг маъноси ҳали Санам иккаламизнинг онгимизга етиб бормаганини тушунди шекилли, бизга қараб туриб, яна йиғлаб юборди. — Вой, болаларим-эй! Вой, жигарларим-эй! — Кейин ўтирган жойида иккаламизнинг елкамиздан тутиб, мулойим тушунтира бошлади. — Уруш тамом бўлди. Тушундингларми? Энди бу ерда ишламайсизлар. Энди ўйнайсизлар. Ҳали бола экансизлар, ўйнаб қолинглар, болаларим! Қани, боринглар, бир ўйнаб келинглар, қани!

Санам иккаламиз бир-биримизга қарадик. Лекин кимирламай туравердик.

— Боринглар, — деди энам. — Ўйнаб келинглар деяпман!

Санам иккаламиз бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаб, нари кетдик. Бир оз юрдик.

— Нима ўйнаймиз? — дедим мен.

— Билмасам, — деди Санам.

Хуллас, ўйнаёлмадик. Энамнинг олдига қайтиб келдик.

— Ўйнаёлмадик, — дедим.

— Қандай ўйнашни билмадик, — деди Санам. Энамга қўшилиб мен ҳам унга ҳайрон бўлиб қарадим. Кейинги икки йил давомида Санам бундай узун гап гапирмаган, «ҳа» билан «йўқ»дан нари ўтмайдиган бўлиб қолган эди-да!

Энамнинг кўз ёши қуриган, унинг ҳам бояги ҳовлиқиши, бояги қувончи йўқ, аллақандай хомуш бўлиб қолган эди.

— Ҳа-а, — деди у анчадан кейин, иккаламизнинг бошимизни кўксига босиб, елкаларимиздан силар экан. — Уруш не-не умрларнигина эмас, сенларнинг болаликларингни ҳам ебди...

Шу ҳолда анчагача жим ўтирдик.

— Ие! — деди бирдан энам.

Санам иккаламиз бошимизни кўтардик.

— Сочинг оппоқ-ку, — деди энам Санамга.

Қарасам, Санамнинг сочи ҳақиқатан ҳам оппоқ эди!

* * *

Бечора Санам! Жони тош Санам! Сен — саккиз яшар қизалоқда тақдирнинг нима қасди бор эди?! Инсоннинг бардошини синайдиган бўлса, бошқа, каттароқ, кучлироқ одамда синамайдими! Тўрт одамнинг ўлими сен-ку, сен, филга ҳам оғирлик қиларди-ку, Санам! Қандай кўтардинг бу юкни, Санам, қандай кўтардинг!

Мен безори эдим, лекин сен ҳам мендан қолишмас эдинг, Санам! Тиниб-тинчимеган қиз эдинг! Қани энди ўша шўхликларинг, Санам?! Улимларнинг юки эзиб, йўқотиб юбордим, Санам!

Ун ёшингдан бошлаб, индамас бўлиб қолгансан. Ҳозир ҳам, тўртта фарзандга она, учта набирага бувисан, лекин бирдек индамассан. «Ҳа» дейсан, «йўқ» дейсан, холос. Тилинг бор-ку, бироқ гапирмайсан. Турмуш қурганимизга неча йил бўлди? Уттиз йилдан ошдимми? Индамайсан. Гапир, десам ҳам жим кулиб тураверасан.

Сен ҳаётсан, турмушингдан розисан, бироқ сен урушнинг қурбонисан-ку! Рўйхатда нега сенинг номинг йўқ? Уша мудҳиш ажал домидан ўлмади чиққан бўлсанг, сенинг айбингми? Тўғри, бунинг сенга кераги йўқ. Бирон рўйхатда номинг бўлди нима-ю, бўлмади нима! Мен фақат адолат юзасидан айтяпман-да!

Маили, номинг ҳеч қандай рўйхатда бўлмасин, ўзинг омон бўл, Санамжон! Сен ҳам минглаб, миллионлаб номсиз юлдузнинг бирисан. Менинг бахтимга,

энамнинг бахтига, фарзандларимиз, набираларимиз бахтига омон бўл, кечалари чарақлаб, хаёлларни чорлаб тур, Санамжон!

Санам менга қараб кулиб турарди:

— Сеникиям, — деди секин.

Энам дўппимни олди.

— Ҳа, сеникиям оппоқ, — деди хомуш.

Мен энамга қараб кулиб юбордим.

— Нимага куласан? — деди энам.

— Сизникиям оппоқ! — дедим хаҳолаб.

— А? — деди энам сочини қўлига олиб кўрарқан. Кейин у ҳам кулди. —

Ҳа, меникиям оқариб кетибди!

Учаламиз кула бошладик. Роса кулдик. Мириқиб кулдик! Тўрт йил давомида бунақа кулганимиз йўқ эди!

— Кампир бўп қопсиз! — дедим кулишиб бўлганимиздан кейин.

— Мени-ку, қўяверинглар, — деди энам. — Ўзларинг чол-кампир бўлиб ўтирибсизлар-ку. — Яна кулишга ҳаракат қилди, лекин бўлмади.

Кулгимиз негадир тугаб қолган эди. Томоғимга нимадир тиқилиб кела бошлади.

— Йиғлагим келяпти, — дедим энамнинг кўксига бошимни қўйиб.

— Менинг ҳам, — деди Санам. У ҳам бошини энамнинг кўксига қўйди.

— Майли, болаларим, — деди энам иккалаамизни бағрига босганча. —

Ҳали кўниколмаяпсизлар. Майли, йиғлаб олинглар. Охирги марта. Қолган умрларингни кулиб яшаш учун...

Шу манзара унинг хотирасига ўрнашиб қолган: энаси Санам иккаласини бағрига босиб турибди. Шунинг учун ҳам, Мотамсаро она ҳайкалини кўрганида: «Аёл — энам, бағридаги бола — менман», — деб ўйлади. Ҳайкалда Санам йўқ. Ҳайкални ясаганлар Санамни билишмайди. Санамнинг борлигидан хабарлари ҳам йўқ!..

Учаласи ҳозир ҳам бирга. Қўни-қўшнилари ҳазиллашиб, уларни оқсочлар оиласи деб аташади. Учаласи ўша мудҳиш офатдан омон чиқди, омон яшашпти. Сулув янгаси...

Сулув янгаси воқеасига ишонмаганларга яна бир дакки: Сафарали акадан қорахат келганидан кейин Розия опага кўп совчи келган. Ҳаммасини рад қилган. «Унаштирилганман, фотиҳани қандай бузаман», деган. Ҳозир ҳам бор. Нуроний кампир. Сулув янгаси воқеасига ишонмаганлар келиб, кўриб кетсин. Куладигани, майли, кулиб кетсин...

Сафарали ака ҳалиям қишлоқнинг тик, узун кўчасидан велосипед миниб кетиб боряпти...

Шафоат янга уч йил бурун вафот қипти. Бечора уч марта эрга тегибди, лекин турмушидан ялчимабди...

Булар — ўзи яхши билган, ўзига қадрдон кишилар. Билмаганлари, хотирасидан кўтарилганлари қанча. Уларнинг ҳаммаси — ҳозирги кунда яшаб турганлари ҳам, ҳаётдан кўз юмганлари ҳам, ҳаммаси қурбон. Уруш қурбони. Бинобарин, ҳеч қайсининг номи ўчмаслиги керак.

СУЛУВ ЯНГАСИ...

САФАРАЛИ АКА...

САЙИДҚУЛ БОБО...

БУВИШ МОМО...

ШАФОАТ ЯНГА...


РОЗИЯ ОПА...

ЭНАСИ...

САНАМ...

ЎЗИ...

1986 йил



Александр Твардовский

ХОТИРА ҲУҚУҚИ

Достон

Русчадан Рауф ПАРФИ таржимаси

Ўз-ўзимдан ўйлай бошлайман
Англаб йиллар сабоғин бир-бир.
Кимлар билан қадам ташлайман,
Тириклар ким, шахидлар кимдир?

Бу ўй мени тутар бехато,
Икки карра кесарман пухта.
Тириклардан бўлмагач садо,
Марҳум зотлар дер менга:
— Тўхта!

Ўтганларни ўйласанг бу кун,
Риё қилма, ўртанган бағир,
Ҳақ тўладик хотира учун,
Энг катта ҳақ тўладик, ахир!..

Тақиқловчи белги ва қўрғон
Менга бўлсин, айтурман баланд,
Ҳақ сўзимни, тиламай омон,
Хотирамнинг ҳуқуқи билан.

1. Учиш олдидан

Едингдами, куз, кеча эди, —
Ун йилларча бўлибди бунга, —
Пичанзорда биз чекар эдик,
Парво қилмай бу тақиқ тунга?

Кўз юммадик тонг оқаргунча
Гарчи пичан туфайли эмас.
Июлнинг дим тунлари унча.
Узоқ ухламакка йўл қўймас.

Узгалардан шеър ўқирдик гоҳ,
Гоҳ суҳбатнинг чўғин йўқотиб, —

Олис йўлга отландик шундоқ,
Илк ёшликни мўлжалга олиб.

Бунда шеър ва фикр гулшани,
Қўл бермайин таму фиғонга,
Ўзимизнинг қора гўшани
Алмаштирдик ёруғ жаҳонга.

Эзгу ўйлар билан яшардик
Бўлмак учун олиму комил.
Ҳар нарсани очиб ташлардик
Ҳар нарсадан излардик омил.

Шубҳа руҳи ёт эди бутун
Бу кон узра биз қулоч кердик.
Оталару боболар учун
Яна қўшиб оламиз дердик...

Такрорлардик, кўргилик, кулфат,
Қанча бўлсин, чидар бошимиз.
Аммо биз бахт кутардик фақат,
Ўрганганди шунга ёшимиз.

Билардик бахт кўнар барига,
Рози қилар, топар ахтариб.
Тафаккурнинг кириб қаърига
Тубигача чиқар ағдариб.

Сафарга шай эдик. Бу осон:
Сўзламаслик ҳеч қачон ёлғон.
Қўрқмаслик ва элга садоқат,
Онамиз — шу ерга садоқат,
Ўзни ўту сувларга урмоқ,
Керак эса бўлмоқлик қурбон.

Осон! Шундай бўлсин бу қарор,
У кунларнинг даъвати ахир.
Яна битта мулоҳаза бор,
Осонми? — Ҳа.
Мушкули надири?

Шундай эди бизнинг манзиллар
Ва бошвоқсиз ғулув, эҳтирос
Билан қаттиқ сўзлардик бизлар,
Лекин баҳсга йўқ эди асос.

Баҳсларимиз — билиму ирфон,
Толар эдик бир қизиқ ўйга.
Эҳ, қандайин шимда бир замон
Кириб келар эканмиз уйга.

Ким етқирди бундай кишини,
Лол бўл, отам, йиғлаб ол, онам.
Масков тамакисин исини
Анқитиб ул кезармиш хона.

Масков, пойтахт — олисдаги бахт,
Сен эса, эй қадрдон диёр,
Қандай эдинг; соқов ва қархат
Бизни кутиб яшашинг даркор.

Бизни кутар тўй йиғинлари,
Базмларга барча келсинлар.
Загорьенинг нозанинлари
Кўзлари-ла бизни есинлар.
Қўл узатар қимтиниб қизлар,
Қулоққача кетар қизариб...

У томонда эҳтимол излар,
Бизни ўқсиб пойтахт қизлари.
Кўзларида таъна, андиша,
Қаватларга парчин хонадон.
Биз ўшанда тузардик режа
Учмоқ учун сомонхонадан.

Биз беҳабар, не ҳоллар бўлган
Она-юртда нелар кечгани.
Ортимизда судралган кўлка,
Даврасига тортмиш барчани
Қора куюн — бузилган ўлка...

Ёдингдами, саҳар вақтида
Икки дўстни қилдилар огоҳ?

Ўтаётган бу ёз ҳақида
Жўжахўроз қийқирди ногоҳ.

Жўжаларнинг зўриққан саси
Эшитилар ғарам ортидан.
Болақайнинг гўё йиғиси,
Гўё шўх-шан туюлар бир дам.

Аллақандай алам қуйилар,
Бўғизлари кўрсатар кучин.
Аза очган каби туюлар
Адо бўлган болалик учун.

Аллақандай куй эди, титраб
Куйлашарди дoston — тўла ғам.
Бизларгача бўлган хотира,
Биздан кейин не бўлишин ҳам.

У чоғларни сен энди эсла.
У пайт парво қилмай эҳтимол,
Ширингина ётардик эснаб,
Тонг отди деб бўлар эдик лол.

Биз сафарга чиққан маҳали,
Йўқ эди ҳеч белги, ҳеч нишон.
Не солишни билмасдик ҳали
Бошимизга қисмат беомон.

Кимга, қай йил, қай ерда энди,
Хирқираган хўрознинг сасин —
Кечган ёшлик хотирасини
Тингламоқлик қиларкин насиб?

Пешонада не бордир, бот-бот
Кўражакмиз, қисмат сарсари,
Бизни чорлар ирода, сабот,
Бизни чорлар нону тузлари.
Қачон? Қачон? Бир умр нари...

2. Ўғил ота учун жавоб бермайди

Ўғил ота учун бермайди жавоб,
Жами бўлиб бешта сўз тайин,
Нелар қамраб олган бобма-боб,
Ёшлар, бирдан англамоқ қийин.

Александр Твардовский ҳақиқий маънода ва ҳамма маънода халқнинг шоири эди. Узи деҳқон оиласдан чиққан, шеъри раво, содда, халқона бўлган бу забардаст шоир халқ кўнглидаги гапни **ТОПАОЛАР** ва **АЙТАОЛАР** эди. «Муравия мамлақати», «Василий Тёркин», «Олис-олислар» каби дostonлари халқ қалбига сингиб кетган, халқнинг ўз мулки бўлиб қолган асарлар.

Александр Твардовский умрининг сўнгига, айниқса, жасоратли фаолият кўрсатди. У адабиётга баҳор тошқинидай ҳайқирик билан кириб келган ёшларнинг энг қобилиятлиларига ҳомийлик қилди, кўллаб-қувватлади, журнал муҳаррири сифатида энг дадил асарларни, очигини айтганда, бугунги қайта қуришни тайёрлашга хизмат қилган асарларни нашр этди.

Катта шоирлар одатда ўз давридан бир мунча олдинда юрадилар. Александр Твардовскийнинг ижодий мероси кўрсатиб турибдики, у, айниқса, сўнгги йиллардаги асарларида йигирма йил илғариеқ, биз эндигина баралла айтаётган ҳақиқатларни баён қилган экан. Мана энди, замон бошқа кўп ёзувчилар қатори А. Твардовскийнинг ҳам ўз даврида матбуот юзини кўролмай қолган асарларини халққа тақдим этди. Унинг «Хотира ҳуқуқи» дostonини қардош адабиётлар орасида биринчилардан бўлиб ўзбек тилига ағдарган шоир Рауф Парфи жуда савобли иш қилган, негаки, Иттифоқимиз адабиётдаги илғор жараён бизда ҳам акс-садо топмоғи лозим. Улуғ рус шоири Александр Твардовский мероси совет кишиларининг умумхалқ бойлиги ҳисобланади.

Эркин ВОҲИДОВ

Айтди-қўйди Кремлда У,
Барча учун танҳо муҳаққак,
Тақдирларнинг ҳаками мангу,
Туққан отам дерди уни халқ.

Балки сизга қийинлик қилар,
Тубигача тушунмак тиник.
Айбсиз айбдор бўлганлар билар
Бу сўзларнинг кашфиётини.

Сизни мулзам қилмас зиёда
Қачонлардир ёвуз бу сўрок.
Отангиз ким ўтган дунёда
Сизгача ё сиздан кейинроқ.

Мажлисларнинг қумғони қайнаб,
Сизни сарсон қилмас у савол.
Ахир бўлмас отани танлаб,
Жавоби ҳам оддий, бемалол.

Лекин қора йиллар беомад,
Шу сурада куйганда кўнгил.
Ювиб булмас бир белги, бир хат
Кундасига бошингни қўйғил.

Изтиробда, уятда адо
Бўлиб юрмак — қонундир бари.
Қўл остида турмак, мабодо
Камлик қилса халқ душманлари.

Тайёр турсанг, тазога банди,
Бадтарига тайёр, алҳазар,
Ҳатто яқин дўстинг ҳам энди
Ташламаса сенга бир назар...

Ў. ёшлиқнинг кунлари бешаён,
Гирдибоди унинг бебунёд.
Ота эди — дафъатан — душман.
Она ҳақда сўз йўқ. Паст тушма.
Айтилди, бас: Бу — икки дунё.

Тўлқинларга уриб кўксингни
Оёқяланг чопмассан энди.
Безот дея аташар сени,
Бир паноҳни топмассан энди...

Қандай юрсин, бу лақаб оғир,
Қандай ўтсин номаълум муддат.
Миш-мишларга суянмай охир,
Китоблардан ўқимай, фақат.
Кўрганини ёзмоқда шоир...

Юртдасан-у, шу юртлик эмас,
Ўғлим, сўрма бунинг исботин.
Гар отангнинг, тушган бўлса бас
Ўша қора рўйхатга оти.

Журъат этдинг, ахир, қандайин
Таъқиқ ерга бурдинг йўлингни.
Сенинг дўстинг, қалин оғайнинг
Ўғиринча қисди қўлингни

Ва деди у дафъатан: Ўғил.
Ота учун бермайди жавоб.
Энди тамға йўқдир, ўйна, кул,
Энди яна сен тозасан, соф.

Сен эмассан энди айбдор,
Кулфатларда қолиб куймассан,
Ўзингни тут, кўрсатгин дийдор,
Энди Уни тилдан қўймассан.

Миннатдор бўл, халқлар отаси
Отанг учун сени кечирди.
Қоврилмассан энди ўтда сен,
Лаънат тамғасини ўчирди.
Билиб бўлмас ғалат қонунни,
Англади-ю ман этди уни.

(Ҳа, биларди айёр барини,
Дўпписи тор келганда бирров,
Бир ғарам ўз хатоларини
Ўзгаларга тўнкарди дарров.

Ўгитларин қилувчи хабар
Ғаним бўлгай ишоратидан.
Гўё биров боши айланар
Унинг ғолиб башоратидан.)

Ўғил — ота учун? Бермайди жавоб!
Айтди-қўйди. Омин. Инчунин.
Ҳақ олса-чи ўғлони шу тоб
Жавоб берса отаси учун?

Майли бўлсин жавоби қўпол,
Илмий эмас гап усуллари.
Хотирига келар эҳтимол
Қандайлиги ота қўллари.

Пай ва чигил томир асаби,
Бармоқлардан эшилган даста.
Ўз қўлларин бегона каби
Тахта узра қўярди аста.

Чангал ташлаб гўёки ғажир,
Пайпаслайди қошиқ сопини,
Қошиқ жиккак ва шундай абжир
Бирдан тутиб ололмас уни.


Ёзилмайди ва мушт тугилмас,
Бу қўлларнинг ихтиёри кам.
Айри-айри қадоқлар эмас,
Ёппа қадоқ муштум — чинакам!

Нияти пок, ҳиммати баланд
Йиллар бўйи ерга эгилди,
Ювди текин терлари билан,
Тонгни тонгга етқариб келди.

Мен ўзимдан қўшсам гар яна,
Елғиз бошга тушганда савдо,
Унинг деҳқон ғурури қайнаб,
Жунбушини кўрдим, ё худо!

У томонда барак сув ютиб
Девор, шифтга илашган қиров.
Бирдан кулоқ ўрнига ўтиб
Фахрланиб қўйгандир бирров.

Хатоликми? Гапирманг асти —
Инонтирди ўзини бешак;
Шундай экан — мен ернинг дасти,
Хўжайини бу ернинг демак.



Рисом Х. ЗИЕХОНОВ.

Балки буюк ғамлар-ла, ахир,
Ташлаб кетган уйни, кўрғонни.
Рад этгандир ёввойи, басир
Рақам тўғри келган фармонни.

У қайгадир, билмасди отин,
Уралдан ҳам узоқ бир ерга,
Бўлишганлар билан қисматин,
Ўзни тутиб борарди бирга.

Аравадай вагон тўла жон
Дилдирайди бир илинж кутиб.
Болакайлар келар бу томон
У йўл қўймас кўзёшин ютиб...

(Сирқиб кирар товуш жонига —
Раҳмдилсан қандай, қараб тур,
Яна душман тегирмониға,
Яна муштумзўрлар зангин ур!

Бу қадим гап маҳв бўлур қачон,
Токай тангрим, бошимда хода:
Аллақачон йўқ-ку тегирмон,
Зангхона ҳам йўқдир дунёда.)

Ўзгаларнинг захрин, шафқатин
Букриси-ла қилгай ҳимоят —
У шарафлар Шўро Давлатин,
Душман бисёр — бир ўзи фақат,

Бу — Давлатнинг ишонган тоғи,
Курашчиси — ялангоёққа
Насиб қилди бу ер тупроғи,
Давр сурди, аммо у ёқда,

Маҳкум эди, кўчган эди фишт,
Лек фикр йўқ унинг бошида:
Ҳеч гап эмас, бу — кичик оғиш,
Буюк Бурилишлар қошида...

Ишонарди, етарди кўзи,
Қайта кўрар шошқин, уст, тубин,
Кремлда Сталин ўзи,
Ўқиб кўргач унинг мактубин...

(Деҳқон билмас, тингловчи токи,
Ленин эмас, бундан буюғи,
Калинин ҳам эмас ҳаттоки
Бутун Руснинг энди паноҳи.

Аммо Ўша, коммуна мақсад,
Иш юргизар — ўзгартиб барин:
Бори газет бетларин албат,
Бутун жумҳурият хатларин
Ўқир насрий, ҳатто назмий хат.)

Бошқачароқ қилгандир-ку ҳал
Тақдирини эҳтимол деҳқон;
Қайтишга йўл бўлмаса агар,
Ўзга юртда топилар макон.

Таваккал деб иш кўрамиз бир,
Тўқиймиз ўз фармонимизни.
Эй Магнитка, сенга ташаккур,
Ишчи синфи, қабул қил бизни...

Лек отага йўқ қўним, маъво,
Нима қилсин жигари — ўғил —

Ота учун бермайди жавоб —
Ўғил учун йўл кўрсатсин ул.

Жуда қисқа бешта сўз — калом...
Лекин йиллар уни ўчирди.
Халқ душманин ўғли деган ном
У вақт қонун кучига кирди.

Сарҳадида қонун нокомнинг.
Бори қисмат бўлурди тўғри.
Қулоқ ўғли ёки наркомнинг,
Попнингми ё кўмондон ўғли...

Туғилару тамға босилар.
Душман қони бўлган гўдакка.
Худди камлик қилгандек бўлар
Тамғаликлар бу мамлакатга.

Бежиз эмас, қонли уруш кун,
Ахир фатво берилди ўзга,
Юракларни куйдирган мальюн —
Ул гуноҳлар солинмас юзга.
Берди ўлим ҳуқуқин уруш,
Ҳаттоки шон-шухратдан улуш,
Она ернинг аскарин, Сизга.

Ҳарбий қисм ўғли деган' от
Мумкин эди фарзандга бермак.
Лекин кўрқинч бу қисмат ҳайҳот:
Йўқолмаклик жангда бедарак.

Тирик юрмак ундан-да оғир,
Бу лаънати жабҳани босиб.
Ғалабанинги бонгида — асир,
Асир — икки тамғани осиб.

Она-Ватан, поки имоним,
Кўрмагансан тушда ҳам сира,
Йиғилишин шунча ўғлонинг
Магаданнинг тупроғи узра.

Билмагансан, бу не ҳол, ахир,
Қайда боши, қайдадир поён?
Тиканли сим ортида сағир
Болаларинг тани, онажон!..

Эслаганнинг нечадир жони,
Ташвишлару байрамлар аро,
Улим — ҳукм бўлган барчани
Сўраб келди бир куни худо.

У дедик: Ортимдан юргил,
Ташла ота-она ҳиссини,
Ўткинчидир, юзингни бургил,
Ташла, жаннат кутмоқда сени.

Биз эса-чи, худо йўқ дедик,
Кўпирдик кўз юмиб имондан.
Талаб қилиб яна қурбонлик,
Кечгин дедик ота-онангдан.

Унут, наслу насабинг ўчир,
Гап қайтарма, билиб кўй фақат,
Халқ отасин қошида пучдир
Ҳар қандайин ўзга муҳаббат.

Аъмол тайин, топширик қўлда,
Мақсад сари ургил ўзингни,

Сотгил, туққан акангни йўлда
Ва пинҳона яқин дўстингни.

Ҳеч қийнама жонингни бироқ
Одамийлик ҳислари билан.
Доҳий учун бўл сохта гувоҳ,
Ваҳшийлик қил унинг номидан.

Тақдирингга тан бергил ҳар дам,
Улуғ деб айт, ул қуёш янглиғ,
Гарчи қрим-татар бўлсанг ҳам,
Ингуш ёки саҳройи қалмиқ.

Ҳар фармонни чапак чалиб кут,
Бошқа ўйни бошингдан қувгин.
Халққа бўхтон лойин чаплаб ўт,
Шу халқ билан бўлсанг-да қувгин.

Сўрма надир охир-оқибат,
Инжилдамас, бу бизнинг замон.
Алқа халқлар отасин фақат,
У улуғдир, унгадир аён.

Аён барча ибтидо — бўғиқ,
Бешак барча интиҳо — абас.
Шундай қонун ёзмиши — ўғил
Ота учун бермайди жавоб.
Боши билан отаси аммо
Жавоб берар ўғил учун, бас.

Бироқ бир Тун айлади савоб,
Қонунларни ўчирди. Не ғам —
Ўғил учун бермайди жавоб,
Жавоб бермас қизи учун ҳам.

Кремлнинг соқов девори.
Ҳеч нарсани билмас бахтига.
Қандайн шум толе ғубори
Уртик тортди охиратиға...

Ота ўша болалар лекин
Биз барчамиз бўлдик жавобгар
Умумота қилмиши учун.
Ун йилларки суд давом этар,
Ҳеч кўдинмас охири букун.

3. Хотира ҳақида

Буюрарлар, фақат унутсин,
Истар — ютсин унут дарёси,
То устидан тўлқинлар ўтсин,
Чўксин тирик ўтмиш дунёси!

Қисмат йўли мушкул, машаққат,
Унут яқин, жигар дийдорин.
Бу шайтоний кўргилик, ваҳшат —
Қадим туш деб қабул қил борин,
Ҳар неки бор — унутгил фақат.

Аммо умри битганлар учун
Бу кўргилик ошкор ва аён,
Булар турма хокидир бутун —
Кимдир айтган каби бир замон.

Унут бўлсин, о, йўк, йўк, марҳум —
Ё жанг аро қолганлар, ҳайҳот,

Ҳатто аччиқ шарафдан маҳрум
Бўлганларни унутсак наҳот?!

Унут — буйрук, унут — илтимос,
Муҳрлансин мутлақ хотира. —
Ғофилларни бу гаплар бехос
Хижолатга қўймасин сира.

Унут бўлсин онанг, аёлинг
Ўз айбини ўзи билмайин.
Недир етим болалар ҳоли,
Урушгача, урушсиз, кейин.

Дарвоқе у, ғофиллари ким?
Қани улар? Ҳамма ҳам воқиф,
Халқ бошига тушди қора кун:
Ё отадан билиши мумкин,
Ёки она томондан боқиб,
Бирор белги топмаса агар,
Кўрганлардан билгай муқаррар...

Қадр қилмас хотира ўзин —
Уйлар эмиш баъзилар бироқ,
Вақт пардаси ёпармиш юзин —
Ниҳон кор-ҳол, ниҳон изтироб;

Айланади замин дастгоҳи,
Йиллар, кунлар ҳисобин қилиб.
Шоир куяр, юракда оҳи,
Беғуноҳдир — таъқиб арвоҳин
Оёғида турар эгилиб...

Йўк, йўк, барча чала сўзингга
Бордир сенда имон калитинг.
Комсомолка зийрак қизингга
Қани англаб ўз главлитинг;

Бошига қўй, кимнинг имоси,
Ул оти йўқ асрнинг ўчин,
Хотирасин, қаттиқ имлосин
Берк моддага дуч қилди, нечун,

Кун тартибга кирмади бутун,
Бизнинг учун ҳал қилди ўзи,
Махсус съезд кесди ўша кун
Уйқусиз ўл хотира юзин.

Ким айтди, биз — ўқисак агар
Мумкинмас деб бошқа бетларни?
Шавқатимиз наҳот камаяр,
Ёки биздан обрў кетарми?

Ё ўтмишдан кетса сўзимиз
Ғаним хурсанд бўларми фақат?
Бу ғалаба учун ўзимиз
Тўладик-ку уч баравар ҳақ.

Ғанимларнинг мазоқи кушод,
Янгиликми — куч-омонимиз?!
Биз яратган бори кашфиёт,
Ёки тўккан теру қонимиз
Қадр топмай бўлдимиз касод?

Бизнинг юмуш — хомхаёл фақат,
Наҳот шухрат — бўш шов-шув, каср?
Агар шундай — индамаслар ҳақ,

Унда бир пул, шеърият, наср,
Бари ўйлаб топилган матаҳ.

Ҳайрат эмас, мўъжиза эмас,
Қилмас бизни кулфатдан огоҳ
Хотиранинг ҳақиқати. Бас,
Ким кечмишин қизганса ногоҳ,
Келажак-ла келиша олмас...

Ким билар бу чархнинг ижодин,
Лекин гиёҳ эмасдир одам
Ки, унутсин бутун аждодин —
Эвирилмас издиҳом бирдан.

Бу авлодга шоҳиду гувоҳ
Майли аста чўксин беимдод,
Унутишнинг рағбати бироқ
Бизнинг ўжар феълимизга ёт.

Таъкид қилар баъзилар такрор, —
Гуё қора кунларни ҳамон
Эсламаклик ярашмас зинҳор,
Соя ташлар дея ногоҳон.

Унутилмас ҳар не, ҳар қачон
Эпиқ қозон эмасдир хилқат,
Бизга зарар ҳатто бир ёлғон,
Бизга зарур ёлғиз ҳақиқат!

Оҳ, мен эса ёшимни яшаб,
Ҳаққим йўқдир ўзимга ҳуқуқ
Таъмин этсам, елкадан ташлаб
Ғам таъмини улгурсам ёвуқ,
Сўзга дўнса бу соқов оғриқ.

Ушал оғриқ кўрсатиб кучин,
Рухимизни қисганда бешак,
Босар эдик биз ота учун
Уриб чандон гулдурос қарсак.

Бу гулдурос, бу якрагг ғулув,
Авжга чиқар ҳар бир машварат,
Фуруримиз бизнинг доим У —
Ота учун эмасди фақат.

Ёнимизда турар доимо,
Топширгандек ўтаб навбатин,
Хушламасди олқишни, аммо
Билса ҳамки бунинг қимматин.

Ул абадий сиймо очунни
Асраб қолди жар ёқасидан.
Устозим деб атарди уни
Умумота тавозе билан...

Гуё бир деб шиор осардик,
Қўшар эдик улар отини,
Лавҳаларга ўйиб ёзардик
Бир дер эдик моҳиятини.

Шум замона кўйди бош уза
Қўрқув деган қаттиқ меҳробни,

Сукунатни ўргатди бизга
Қуршаганда шумлик атрофни.

У буюрди — толе безабон;
Фикр учун ҳақ бермас ортиқ
Махсус сектор ва шундан буён
Садо берар қадимий оғриқ.
Еткар бизга меҳробдан баён,
Кўрсат, худо бўлсин намоён.

Бўғзимизда хўрсиниқ ўтдан,
Биз сабрнинг ҳаддида бедор.
Кошки Ленин туриб тобутдан
Не бўлганин кўрсайди бир бор...

Ҳар нимарса унга бемалол
Англатарди эни, бўйини.
Теваракка боқиб аҳтимол, —
— Чатоқ! — дерди қисиб бўйини...

У деб, бу деб очардилар фол,
Таҳмин қилиб, ҳукм айтишиб.
Ўйнаб тўйган болалар мисол
Катталарнинг кутар қайтишин.

Ҳар не ўтди, ҳар неки, ўзни
Қайга олиб қочар неққадам.
Ленин келиб суд қилмас бизни:
Худомасди — тиригида ҳам.

Сиз эса, сиз неларга ундаб,
Соғинасиз неларни букун?
Сталинини чақиринг унда,
Худо ўтган — келиши мумкин.

Енгил бўлар тупроғи яна,
Бу дунёда недир ғуссаси,
Бунга тирик гувоҳдир, мана,
Хитойдаги унинг нусхаси...


...Не ҳам дердик, сомонда гизлаб
Тонларгача ётардик уйғоқ,
Ўзга эди бизнинг манзиллар, —
Афсусланиш ярашмас бироқ.

Етти ўлчаб бир кесдик ҳарвакт,
Ҳақиқатдан тушмадик олис.
Ҳар ёқлама синовдан барҳақ
Ўтиб келдик, умримиз холис.

О, тажриба — табиб муқаддас,
Бизга шундай кескин ва ғалат,
Аср амри билан басма-бас
Тутар эди шифобахш шарбат.

Энди майли, гурласин бўрон,
Қолажакмиз шундай бир умр.
Инсон бўлиб Келажак — Инсон
Кўзларига боқармиз мағрур.

1966—1969 йиллар.



Рассом **Ф. АЛИМОВ**



Асқад Мухтор

КУМУШ ТОЛА

Қисса¹

25

Эрталаб раис келди. Тожихоннинг заъфарондай рангига боқиб бирдан ўзгариб кетди-ю, буни билдирмаслик учун, букчайиб ўтириб Қоразовурдан гапираверди.

— Танимай қолибман Қоразовурни. Капалар, ўчоқ, от-арава, мотор гувиллаган; илгари бу ерлардан ўтганда тизгинни маҳкам ушлаш керак эди-да, от хуркарди! Қаранг-а...

Тожихоннинг юзида йиғига ўхшаш заиф жилмайиш сезилди.

— Ойим билан дадамларга айтинг шу гапни, раис бова. Ташлаб кетайлик, дейишяпти.

— Энди, қизим, улар бири — ота, бири — она... Сенинг тобинг қочганига шундай дейишгандир. Илло мен сенга шундай дори олиб келдимки, дик этиб ўрнингдан туриб кетасан.

Мадраим ота қўйнидан уч бурчак хат чиқариб берди. Тожихон уни икки қўллаб аста олди-ю, раис чиқиб кетганидан кейин юзларига босди.

Раис эгардан катта хуржун билан қопни тушираркан, кўзлари чақчайиб қолган Тожихонни хаёлидан кетказолмай, ичи ачишди: «Шўринг курғур келин... ўсма қўйиб, сурма тортиб ўтирадиган пайти-я...»

Бу орада Икрома буви билан Дадаали ака ҳам лойга беланган этикларини судраб келиб қолишди. Дадаали ака ислиқи чопонини ечиб ташлаб қулоч ёзди. Тўн кийишган жўралар қучоқлашиб кўришишди.

— Қалай, Қўзи телпак? — сўради раис.

— Юрибмиз: қўтир эчки далада...

— Чекинга тушган, чекчайма.

— Чайнаса юмшайдиган нарсанг борми?

— Мана, жиндак арпа уни, қопда лавлаги...

— Тошни сиқсанг сув сирқийди... Ҳай, шунга ҳам қуллуқ. Яхши кунга ҳамма ярайди, ёмон кунга жўранг ярайди, деганлар. Омон бўл.

— Нима ҳам қиламиз, тирикчилик тошни ёраркан... Чидаш керак. Илло келинни урунгириб қўйибсанлар... Хат олиб келдим, киринглар ёнига, — деди раис қошидаги ун гардини артиб.

Икрома буви билан Дадаали ака қапага кирганларида Тожихон сарғиш бармоқлари билан хатни юзига босганча ҳали ҳам ётган экан. Икрома буви ивиб кетган хатни олди.

— Турғуналидан! Уч бурчак!.. Уқидингми?

Тожихон очилиб жилмайди:

— Йўқ, ойижон!

Хат Дадаали акага эди. У «Уч бурчак» хатни ҳадеб қошларига, юзига, соқолига ишқар, ҳидлаб яна юзига босар эди.

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

— Уқисангизчи уни, айланай қуда!

— Нима ёзган бўлса ҳам болагинам тирик! Уч бурчак-ку бу, солдат хати! — дея у тўйиб яна юз-кўзларига суйкади. Кейин ўқиди.

Турғунали бу ердаги барча ишлардан хабардор экан, Тожихоннинг ҳамма хатларини олибди. Тўрт ойдан буён хат ёзмаганига сабаб — уч марта сурунка-сига госпиталга тушиб қолибди. «Сизлар менадан қандай жанг қилаётганим ҳақида хабар кутасизлар. Мен бўлсам... фронтга етдим дегунча бу ерга қайтиб келяпман. Уқ менга ўчакишиб қолди. Госпиталдан биринчи чиққанимда иккинчи жангдаёқ... иккинчи чиққанимда эса дастлабки куниёқ... Охирги бор у ердан хат ёзишга улгурмадим. Бу ерда бўлса, вақт кўпу, ёзиш... Ноладан иборат бўлиб қоладими деб кўрқаман. Мана, шундай бўляпти ҳам. Оёқ чатоқ. Тўрт яранинг учтаси бир, оёқда, бирини ҳали эплашолмаяпти, нима бўлади — билмайман. Фронтда бўлса, биласизлар, ҳали иш кўп... Тожихон, жонгинам, мен энди жуда бошқачаман, ранги-рафторим ҳам, кайфиятим ҳам... Оёққа қўёлмасалар, борадиган жойим йўққа ўхшайди. Бу ер бўлса — атрофда, ҳавода, вужудингда ҳар зум дард, азоб. Ҳам ўзингники, ҳам ўзганики...

Тожихон, жонгинам...»

Дадаали аканинг кўзини парда босгандай бўлди, ўқиёлмай қолганидан баҳона қилди:

— Бу ёғи сенга тегиш экан, келин... — У хатни Тожихонга тутқазди. Ёлғиз кўяйлик, деган ўйда чолу кампир бирин-кетин чиқиб кетдилар.

Тожихон гўё Турғунали билан танҳо қолган эди. Хатдаги ҳар бир сўзни алоҳида-алоҳида ўқиб, уларнинг ҳар бирида Турғуналини, унинг қўлини, кўз қарашларини кўргандай, ҳар бири билан пичирлаб гаплашар эди. «Мен касал эмасман, Турғунали ака. Кечиринг, мен билмабман... Сиз кўраётган азоблар олдида менинг бу ётишим... Турғунали ака, бу шунчаки... Зинҳор кечиринг. Иккинчи бундай қилмайман. Мен билмабман... Ўзингиз хат ёзмадингизда... Ёзганингизда мундоқ ўйламас эдингиз... Нега борадиган жойингиз бўлмас экан?»

Тожихон ўзининг ҳам тўрт кундан бери қимирламай ётганини эслади. Икки қоғоздаги акрохинни каппалаб, косадаги сув билан ичиб юборди. Юзини буриштириб, туришга интилди. Туролмади, бўғинларида дармон йўқ, қулоқлари шанғиллаб кетаяпти...

Ташқарида Турғуналидан хат келганини ҳамма эшитган эди. Раис у-буни тайинлаб, жўнаб кетганидан кейин, қапага бир-бир келиб Тожихонни табрик-лашди.

— Мен билан бир кунда ариза берган Саидолимга повестка келибди, — деди Ҳасан, — менга ҳам келиб қолади.

Тожихоннинг сарғайган кўзлари дардли йилтиллаб, дўстона жилмайиб турарди.

— Аравакаш, менга қара... Мен жудаям хунук бўлиб кетибманми?

— Йўқ, хат олиб, жудаям очилиб кетибсиз! — дея зарда қилиб чиқиб кетди Ҳасан.

У кўнглидагини, тўғриси айтди, унга шундай бўлиб кўринганди. Аслида Тожихоннинг аҳволи яхши эмас. Ҳаяжонли ўйлар, уйқусиз тун бадтар мадорсизлантирди. Эрталаб эса авжи титроқ тутганда каппалаб дори ичиб ўрнидан турди. Ажабки, қаттиқ ўчакишганда, қолган-қутган бор куч жамланиб, одам юриб кетса бўлар экан. Ҳай-ҳайларга қарамай, бориб ҳамма билан бирга нонушта қилди, Икрома буви товлаб пиширган лавлагидан тотинган бўлди, Ойхонни гапга солиб кулишдилар.

— Ойхон, нега лавлагидан емадинг?

— Емайман. Есам қорним очади, — деди қизча.

Аслида ҳам шундоқ эди, лекин бу гапни бола топганидан Тожихон ҳам кулди. Унинг ўжарлигидан биров хавотирда, биров ҳайратда, биров ҳавасда эди. Дастурхон юпун бўлса ҳам, ўтириш ширин туюлиб узоққина гаплашдилар, звеновой ҳозир йўл-йўриқ кўрсатади-ю, ўзи кириб ётади деб ўйлашган эди. Тожихон:

— Қани, кетдик! Ун марта шап-шап дегандан, бир марта шаптоли еган яхши! — дея ҳазиллашиб ўрнидан турди-да, ўзи йўл бошлади.

Ҳар сафаргидай, Тожихон олдинда, Қоразовур томон юрдилар. Оқ

туманда зовур ўпқондай қорайиб кўринар, эллик метрчаси бутунлай тозаланиб, тагида сизот сув яримлаб қолган эди. Тожихон кийимлари шалвираб қолган кичик жуссасида куч сезгандай бўлди. Ҳамма қатори тахта йўлдан лойга тушиб белни қўлига олди. Унинг соғайиб кетганлиги бугун ҳашарга бошқача тус берган эди. Қариялар ҳам лаънати кечаги кунларни эсга солмаслик учун Тожихонни «Қайтинг, болам, узилиб қоласиз» дея ялинмай қўйдилар. Туманли қирғоқда мотор гувиллаи бошлади. Белда, кетмонда, кавшда лой ағдарилар, баландлашиб, қора суви оқиб ётган соҳилларга лоч-луч этиб балчиқ лўмбозлари тушар эди. Балчиқ ағдарилганда ачимсиқ ҳиди анқиб, қамишзор ёнғинидан қолган куюк ис билан қўшилар, кўнгилни беҳузур қилар, лекин энди бунга димоғлар кўникиб қолган эди.

Суронли иш қизиғида, ҳеч ким пайқамай қолибди, қарашса — Тожихон, бир оёғи лойга ботиб, тахта устида кўндаланг ётибди. «Йиқилибди!», «Қоқилиб тушибди!» дейишди, йўқ — ҳушсиз экан. Ҳасан югуриб келиб уни ердан кўтарди. Икки қўлига олганча тахтадан физиллаб чиқди-ю, қирғоқда ҳаммага бир қайрилиб қараб, боладай кўтарган кўйи қапага олиб кетди. Қиз чиндан ҳам боладай энгил, кийими шалоббо, бутун вужудидан ҳовур чиқиб тургани билинар эди. Тожихоннинг билагини бир ушлашни пинҳона орзу қиладиган Ҳасан ҳозир гўё ҳиссиз қизнинг сариғ юзига қараб йиғлагудек бўлиб борарди. Бақувват қўллари шу энгил юкдан ҳам толиб кетди, зўрға етиб бориб тўшагига ётқизди. Ойхон қичқириб йиғлар, одамлар ҳансираб қапа томон югурар, узоқда мотор товуши ҳам тинган: тумандан ариган Қоразовур ерлари сурмаранг бўлиб кўринар эди.

Тунги шамолнинг эпкини қаттиқ совуқ олиб келди. Эрталабдан майда шакар қор ёғиб, узоқдаги теракларнинг шохлари булдуруқдан эгилиб қолган эди. Оқ далага йўл солиб райондан доктор аёл, у билан бир аравада етти эркак, халталарида оз-моз ризқи-рўзлари билан етиб келишди. Бу ғўзапоясини юлиб бўлган олдинги бригаданинг аъзолари — иккитаси чол, бири инвалид, қолганлари Ҳасандан ҳам кичик ўспирин болалар эди.

Улар ертўла ёнига ўчоқ қазиб, дарров тўнғак ёқиб юборишди, ҳаммаёқ исиб кетгандай бўлди.

— Баракалла, менинг жўрам гапга тушунадиган одам-да, отанга раҳмат... — деди Дадаали ака қудаси билан келинини йўлга шайларкан. Доктор хотин беморни шу аравадаёқ олиб кетишини айтиши биланоқ шошиб қолдилар. Фақат Ойхон «Сўпи» билан шошмасдан, соқолларини силаб-силаб, «гаплашиб» хайрлашди.

Тўртинчи боб

26

Тақдир одамларни не кунларга солмайди: баъзан уни масхаралаб, ҳис-туйғуларини таҳқир этгандай...

Турғуналининг қайтиши Иномжондан қорахат олинган кунга тўғри келса бўладими! Энди Икрома бувининг аҳволини айтинг: йиғлаши керакми ё қувонсинми? У худди ҳиссиз эди, карахт, довдирайди, ивирсийди. Аксига олиб Ҳасан аравакаш ҳам уч кунгина олдин армияга кетиб қолган эди. Турғунали билан кичкина Ойхонни уйда қолдириб, қўшни қишлоққа пиёда жўнадилар.

Турғунали ҳувиллаб ётган ҳовлида совуқ хабардан ҳали ҳам қалтираб турган юпунгина Ойхонни пинжига олиб, фишти кўчиб кетган пиллапояга ўтирди. Энди ўлдим деган пайтларида ҳам умид узмай, туғишганлари бағрига қайтишни кун-тун орзу қилган, энди бунга эришган солдат азага дуч келса-я! Йўқ, уруш хуни қўйиб юбормаяпти: госпиталда уйга жавоб берганларида жангда полкдошларини бир-бир кўз олдига келтириб хаёлан кучоқлашди, йиғлаб хайрлашди, узр сўради, вагонда ўзидан бадтар оғир ярадорлар билан дардлашиб, ўзининг ўша қонли жанглардан узилиб кетолмаётганини сезди: бу ерда эса — яна урушнинг давоми. Унинг қонли қора этаги, мусибатларининг кўланкаси бу ерда ҳам судралиб юрибди...

— Ака, сиз урушдингизми?

— Урушдим, Ойхон... — бу жажжигина жуссани шинелига ўраб бағрига

босгани билан илиғи вужудини иситолмаяпти. — Сен мактабга бормаяпсанми? — деди, қишдан энди чиқиб қорайиб ётган сўрига, нураб қамиши осилиб қолган бўғотларга, чопилмаган гулзор жўякларига бир-бир кўз соларкан.

— Етти мартагина бордим. Ковушим йўқ-да, титилиб кетган. Кун исиб қолса ҳар кун бораман. Сизнинг ботинкангиз ёғочми? Милтиғингизни нега олиб келмадингиз? Энди бормайсизми урушга?

Ойхоннинг саволлари туганмас, уларга жавоб бериш ҳам шарт эмас эди.

— ...Келинойингни яхши кўрасанми?

— Ҳа, бирга ётамиз. Сизни туш кўрганимни айтсам, қучоқлаб оладилар. Иссиққина бўлади.

«Иссиққина... қаровсиз, юпун бўлиб ётса ҳам, ҳовли ҳовли-да. Уз уйинг — ўлан тўшагинг. Илиғи бор...» Урнидан туриб, Ойхонни икки қўллаб баланд кўтарди. Шинель елкасидан тушиб кетди. Кейин жимитдайгина сочпопуги силкиниб турган Ойхонни гўдак бола сингари зинапояга, шинель устига ўтқазиб, болдирига галифе шим устидан ўралган дағал пайтаваларини тузатди.

— Сен билан биз ҳозир обед қиламиз.

— Учоққа ўт қалаймиз, чой кўямиз. «Бойчечак» айтгани бормайман! — деди Ойхон чапак чалиб ўчоқ бошига югураркан.

Турғунали юришга ҳали унча ўрганмаган, қуймучидан ҳам яраланган бўлгани учун, ёғоч оёғини кериброк ташлаб, оғир қадамлар эди.

— Бойчечагим тилло-лик...

Қаттиқ ердан таталаб чиққан

бой-чечак!... —

дея хиргойи қилганча сўрига бориб, гимнастержаси рангидаги сафар халтасидан консерва билан нон олиб келди.

— Вой, ундоқ эмас, билмас экансиз! — деб кулди Ойхон. — Мана, эшитинг: —

Бойчечак, бойчечак!

Бойчечакни боласи!.. —

деб, тузатиб айтабошлади. Акаси алюмин косага жиндак гўшт солиб ўчоқда иситди. Ака-сингил шинель устида ўтириб маишат қилдилар.

Азадан кечкурун келишди.

Кечаси солдат билан келинни меҳмонхонада холи қўйдилар. Ажабки, қисматни қаранг, бу тун ҳам, худди ҳов ўша биринчи кечаларидек, ўтирган кўйи уйқусиз ўтди. Азадан келган кун бошқача бўлиши эриш эди-да. Тавба, уларнинг қовушадиган кун борми ўзи? Неча йиллик келин-куёв ҳисобланишади, бир-бирларига тўйиш тугул, яқинлашганлари ҳам йўқ. Биров билса сира ишонмайди.

Аввал бир-бирларига айтгали гап тополмадилар. Ахир ҳали улар тузукроқ кўришиб гаплашганлари йўқ. Гаплари сира тугамайдигандек эди. Лекин нимадан бошлаш керак?

— Кутдим сизни, Турғун ака... — деди паст овозда Тожихон ўша икки кишилик баланд симкаравотнинг бир четида оёқларини осилтирганча ўтириб, анча жимликдан кейин.

— Ҳа, Ойхон айтди... — деди Турғунали ҳам каравот четида кўйлакчан ўтирганча, сал жилмайиб.

— Узоқ... жуда узоқ кутдим.

Жимлик чўкди.

— Мен қаттиқ ўзгарганман, Тожихон, бутунлай... Кўриб турибсиз... Лекин сиз ўша-ўша...

— Мен ҳам ўзгардим...

— Биладан. Орден олгансиз.

— Сизда ҳам иккита медаль бор экан, кўрдим. — Тожихон ноз билан қиё боқди.

Лекин гап бу ҳақда эмасди. Улар иккаласи ҳам чиндан жуда ўзгарган эдилар. Икки йил олдинги дуркун ёшлик, ловуллаган гўзал эҳтирослар энди йўқдай. Атиги икки йил-а... Турғуналига оғриқ азоблари, зах окоп, дала госпиталларининг дардчил руҳи нуқс урган, дағал юзиде бевақт ажинлар. Тожихон ҳам, юз-кўзидан сарғиш ранг ариган бўлса-да, озғин, қорайиб кетган, аза йиғисидан мижжалари қизил, қўлларини яшириб ўтирарди.

— Кўйлагингиз ўшами? — деди Турғунали унинг ёрилиб кетган қўлларини кафтига олиб.

— Янгиси ҳам бор. Ўтган йили пиллага олдик. Бу шунчаки... Мен қарғашойини эскитиб кийишни яхши кўраман, биласиз. Ойим пиллага товар келганда сизга костюмлик олиб қўйганлар. Сандиқда.

— Чатаноқ отиб юришларимга янги костюм запар ярашса керак...

— Ярашади. Ўз ерингизда ўз оёгингиз билан юрасиз, шукур денг. Ана, Иномжон тоғам... — Тожихон рўмолини кўзига босди. Турғунали унинг бошини кўксига тортди. Ҳақиқатан, у шукур қилса ҳам бўлади. Госпиталда қўл-оёғи кесилиб, келига ўхшаб қолган шўрликни ҳам кўрган. Қанчаларнинг гўри ғариб бўлди...

Иккаласига ҳам бир хил ўйлар келар эди. Шу ҳолатда улар яна узоқ ўтирдилар.

Азонда ташқарида ҳам хотинларнинг овоз солгани эшитилди. Жигаридан айрилган Икромга буви бирдан тоб ташлаб, кичкинагина бўлиб қолган эди, ҳамон қандайдир қарахт, кечадан бери на йиғлайди, на жилмайдди. Куни билан кўни-кўшни, қариялар, хотин-халаж қатнаб, уни бадтар чарчатишди. Меҳнат чарчатмайди, кулфат чарчатади, деганлари рост. Икки йил аввал гуркираб юрган бақувват кампир энди оқ рўмол остидан оқ соч толалари тўзғиб, азага келган аёллар орасида жиндаккина бўлиб ўтирибди, Турғунали унга «она» деб бир оғиз сўз билан тасалли беролмайди.

Кечқурун ўйни даладан қайтган эркак босди, улар жанг-жадалдан эсон-омон қайтган ҳамқишлоқларини кўргани келгандилар. Бу қатнов ҳам ярим кечагача бориб, фронтдаги аҳвол билан узоқ қизиққан сергапроқлари ундан ҳам узоқ ўтириб қолдилар.

Турғунали азонда меҳмонхонага кирса, икки кеча мижжа қоқмаган Тожихон чарчаб ухлаб қолибди. Уйғотгани кўзи қиймади. Уйғотмади-ю, ёнига ўтириб, юз-кўзларини узоқ тамоша қилди.

«Кутдим сизни...»

«Раҳмат, жоним. Шунинг учун мен омон қайтдим-да. Биз ҳали чиройли бўлиб кетамиз, сен оқариб тўлишган жувон бўласан. Катта оила, катта рўзгор қураммиз...» Ширин уйқуда Тожихон сал жилмайгандай тамшанди. Тонг ёруғида унинг юзи шу қадар жозибали кўришиб кетдики, Турғунали ҳамма ғаму дардларини унутди. «Болаларимиз ҳам сендай чиройли бўлади, хўпми, Тож?»

Бу маҳал деразалар тумандай оқариб, узоқ-яқинда йўтал, оёқ товушлари эшитилди, қишлоқ уйғонган эди.

27

Баҳор илиқ келадиганга ўхшайди. Ҳали дарахтлар куртак ёрмагану, ондасонда лаб очган олча гулига асалари ёпирилиб, кечгача ғувиллаб ётади. Турғунали авваллари ҳавога тўймай, тиниқ осмонга қараб сўрида узоқ-узоқ ётар, Ойхон мактабга, бошқалар далага кетгандагина, ўзи ёлғиз нонушта қилгач, кўлига ё болта, ё болға олиб, ўзига яраша иш топар, куймичида оғриқ сезганда дуч келган жойда яна нафаси ғижиллаб узоқ ўтирар эди. Бу чалабекор ёлғизлик уни эзабошляди, гоҳида қаттиқ зерикади, ўзини қаёққа қўйишини билмайди, ҳар нарсага асабийлашади, кўнгли ғаш.

Бир куни Мадраим ота хабар олгани қелиб, «Қалай, солдат?» деди-ю, Турғунали ёрилди:

— Иш бермасангиз бўлмайди, раис бова. Қайнана-келин қоронғида даладан ҳаллослаб келиб таппи ёпади, мен анграйиб тураман...

— Тан-сиҳат қалай?

— Катта иш кўрсатолмайман албатта. Очиғини айтсам, икки юз қадам юраоламан, ортиғи — ортиқ, кейин оғриқ тутади. Ҳозирча аҳвол шу.

Раис уни овутиб, анча гаплашиб ўтирди-да, кетаётиб, дарвозага етганда бир нима ёдига тушгандай энсасини қашлаб орқага қайтди:

— Менга қара... Почта бўлимидаги қизимиз сиртдан агрономликка ўқияпти. Шуни ҳозир колхозга агрономликка ўтказиб қўймасам, тақсимотда бошқа хўжаликка олиб қўяди. Шунинг жойи бўшаяпти.

— Ўша қизалоқ ўрнида конверт ёпиштириб ўтиришга ҳам розиман, раис.

— Ундай дема, бутун бошлиқ агрономга алмаштирмоқчиман сени. От ҳам бераман.

Турғунали отдан воз кечди, боқишдан ташқари, уни минишнинг ўзи бир муаммо эди. Бозоркўмнинг ҳангисини олиб бердилар. Уни миниш Турғуналига жўн бир иш — соғ оёғининг учида туриб, майиб оёғини шундоқ кўтариб ташласа, эгарга жойлашади-қолади. Қарабсизки, ўн минутда почтада ўтирибди.

Лекин почта иши у ўйлаганча осон бўлиб чиқмади, одам йўқ, битта анқов болаю битта кампир: қишлоқма-қишлоқ юриш керак, Турғунали фақат қорахатми ё бошқа жиддий хабар келгандагина ўзи бориб топширар, бошқа вақтда почтага кўмилиб ўтирар, хат, газета, телеграммаларни саралаб, кундалигини кунда ерига етказиб улгуролмай қоларди. Кейинроқ у ҳангини «иш»га ўргатиб олди. Эшак жонивор эсли чиқиб қолди: почта ташийди денг! Аввал хуржун тўла газетани қишлоқ Советига, колхоз идорасига элтадиган бўлди (Турғунали эрталаб кетишда дарвозаларнинг тагига ем ташлаб кўярди). Кейинроқ, тўғрими-йўқми, шундай гап чиқди: Турғуналининг ҳангиси қишлоқма-қишлоқ юриб ҳангрармиш, унинг овозини эшитган одамлар югуриб чиқиб, хуржунидан хату газеталарни ўзлари олармиш...

Бу лофда жон бор... Турғунали шалпанқулоқнинг парваришига ўзи қарайди. Ишдан кейин жингилзорга ўтиб, чўккалаганча унга ўт ўради, дарвоза-хонага боғлаб, эгарини қозиққа илади. Нафаси ғижиллаб хашак кўтариб келганида қайнана-келин ҳам иш билан банд: Икрома буви ўчоқ бошидан кўмир-кукун ташиб, таппига қориб бераётган, Тожихон оташ пуркаб турган тандирдан наридаги молхона деворига тап-тап ёпаётган бўлади... Энди улар хушчақчақ, кулишиб саломлашадилар, энди бекорчи йўқ, хижолат ҳам йўқ, ҳамма баробар чарчайди.

Кўзи телпагини бостириб кийиб Дадаали ака азонда чиқиб кетади.

— Ҳамал кирди, ер тобига келиб ҳансираб ётибди, одам йўқ...

Хуфтонда қайтиб келса, Икрома буви жиғибийрон: ола говмишнинг елини қотиб сут бермай қўйибди. Шунинг думига тикилиб тут пишиғига етиб оламиз, деб юрган эдилар, буёғи нима бўлади?

— Буёғи баҳор, — деб ҳеч гап бўлмагандай таскин моқомида гап бошлайди Дадаали ака. Ўзи биладики, арпага ўроқ тушмагунча қаҳатчиликнинг дами қайтмайди. Ҳеч вақо қолмаса ҳам, шу қарияларнинг сабри-тоқати бор-да.

Баҳор звенони ҳам шошириб қўйди. Хашаки тут шиннисини ялаб ўтирган хонадонларда барг кесиш кони жанжал. Хайриятки, кузда Мадраим ота мурувват, кўрсатиб, кўчат топдириб келди, яна япон тути эмас, ўзимизнинг тўйимли, сернак баргли «Мирзачўл» навидан уланган кўчат. Тожихон билан Дадаали ака бунга севиниб кетганларидан, изгирин кеч куз демай, суви қочирилиб бир ҳайдовдан чиққан Қоразовур ерларига олти қатор қилиб ўтқазиб олишди. Мана энди, эрта баҳорда кўчатларга бир-икки сув бериб, кўкартириб олиш керак. Тожихон икки куннинг бирида Қоразовурдан хабар олади. Бунинг устига, жўякларда кўчирилмай қолган қари тутлар икки-уч барг чиқариб қолди, инкубация даври бошланган. Баҳор илик, қуруқроқ келяпти — барг дағал бўлади, ҳар ишни куни-соатида қилмаса, тола чиқими тушиб кетади. Шунинг учун Тожихон ҳар куни жўда чарчаб, шомдан сўнггина қайтйпти, кечалари эрига унча очилолмайди. Шундай бўлса ҳам, дарров ухлаб қолмай, Турғуналининг ўринли-ўринсиз бошлаган суҳбатларига қўшилади, улар ҳали бир-бирларига тўйганларича йўқ.

Бир куни ярим кечага бориб Турғунали ўрнидан турди. Унинг туриши осон эмас, доим каравот тагида ётадиган «оёқ»ни «кийиши» керак, тиззадан пастда калтакдеккина болдирга чарм қопланган, унинг устидан ёғоч ботинканинг узун кўнжи кийгизилиб сонга боғланади.

Ётоққа чарм ҳиди тарқади. Негадир уйқуси қочган Турғунали ғирчиллаган оёғини кериб ташлаб, дераза ёнига борди. Хонага осмоннинг сутдек шуъласи тушиб турарди. Бу ўша — биринчи кечалари ўтган кичик меҳмонхона. Тожихон бир гап кутгандай, бош-оёқ ўраниб индамай ётибди. Эри томоқ қирди, яна жимлик.

— Тожи... — деди пастроқ овоз билан, дарпардани ушлаб туриб. — Чимилдиқни сақлаб қўйганмидинг... Говрапўштга?

Тожихон бошини очиб, анча ётгандан кейин жавоб берди.

— Ҳа... Тахлаб қўйганман... Сандиқда.

Турғунали полос устидан тўқ-тўқ босиб, бериги дераза ёнига келди. Бу ёруғ тушмайдиган, айван томон, қоронғида унинг узун-калта нафаси эшитилди.

— Шу дейман, Тожд, турмушимизда... нимадир бежо бўляпти.

Тожихон қандайдир нохуш гап бошланаётганини сезди-ю, уни сал энгиллатмоқчи бўлиб, ваҳимасини яшириш учун, мавзунини чалғитди:

— Сиз келиб ишимиз анча изга тушиб қолди-ю, фақат, мана ҳозир сезон... вақт зиклиги... эртага ишдан қайтаётиб оҳақ олакелсангиз, катта меҳмонхонани бўшатиб оқлаб олардик.

— Сен яна ишдан сўзлаяпсан. Гап ундамас... Мана, менинг келганимга тўрт ой бўлиб қолди. Индамайсан... Сан... ҳеч нарса сезаётганинг йўқми?

Тожихон индамай қолди, нафаси тезлашди. Бу гапни кутган эди, лекин барибир жавобига тайёр эмас. Жимлик чўзилиб кетди. Турғунали оёғини гичирлатиб бориб, унинг ёнига ёнбошлади.

— Сени номаълум... ноқулай бир ҳолатда ташлаб кетдим. Қайтиб келмасман деб қўрққан эдим. Мана, шуқр. Сенга ҳам раҳмат, минг раҳмат. Бундай садоқат, бундай бардош кам бўлади. Сендан розиман, — деди бир қўли билан хотинини қучиб. — Лекин, Тожд... сандиқда ётаверадими? Фарзандсиз оила оила бўлмайди-я.

Тожихоннинг вужуди қалтираб кетди. Турғунали ўпаман деса хотинининг юзлари нам. Қоронғида унинг аҳволини кўролмай, бағрига тортди.

— Тожихон, нима гап? Хафа қилдимми? Сени ранжитгунча тилларим...

— Хафа қилганингиз йўқ, — деди Тожихон қафти билан унинг оғзини тўсиб. Эри қафтларидан ўпди. — Турғун ака... Сиз энди гапиряпсиз. Мен икки ойдан бери азобдаман, — деди у эрининг кўксига бош суқиб, унсиз йиғларкан. — Мен ҳам сизга ўхшаб болаларни орзу қилардим, тушларимда кўрардим уларни. — У ҳўнграб юборди. Турғунали нима қилишини билмай унинг бошини силар, юзини юзига босиб юпатишга уринар эди.

— Бас, бас, Тожд, мени кечир...

— Келганингиздан кейин уч ой ўтиб докторга бордим. Икки марта бордим. Қоразовурда безгакка чалинганимда акрохинни кўп ичиб қўйибман, қаёқдан билай, бахтиқаролик экан. Турғунали ака... Пуштинг куйган, ҳомила бўлмайди, деди доктор. Ойимга айтганман, у киши ҳам ўшандан бери шамдай сўниб юрибди.

Турғунали, бирдан бадани совиб, йиғлаётган хотинини бағридан қўйди-да, шилқ этиб ёнига чалқанча тушди: бошида калтак сингандай, кўзи тиниб, қоронғида учқунлар чарх уриб ўйнади.

Тожихоннинг кўз ёшлари бирдан қуриб қолди. У ҳозиргина янгиланган эски ярасига анча кўникиб қолган эди, уни эрининг шу топда бирдан совиб кучоғидан қўйворгани чўчитди. Нима бўлади? Нима дейди? Бир нарса чирс узилгандай эди, наинки шугина боғлаб турган бўлса?

— Ўшанда аяганимни елга берибсан-да...

Бу тўнг овоз бегона эшитилди. Тожихон вужуди ўт олгандай эрига осилди, бўйнига қўл ташлади, йиғлаб шивирлади:

— Ахир ўзингиз ўшанда... Ўзингиз ўшанда... — бирдан ўзини четга олди, — боринг... ёмон ният қилгансиз. Қайтиб келмайман деб ёмон ният қилгансиз. Ёмон ниятни оқибати шунақа бўлади!

— Умримнинг энг катта хатоси ўша куни содир бўлган экан, нима қилай. Сен ҳам...

— Вей, мен нима... — Тилини қисди Тожихон, «йўқ» деганмидим, деворишга сал қолди.

— Э мундоқ бўлишини билсам, «йўқ» деганингга қарармидим!

Меҳр тобланиб улар жиндак иноқлашгандек бўлдилар, лекин ҳалиги кулфат тепаларидан қора тундай ҳамон босиб турарди.

— Бу... оёқни фожиа десам, бу ерда ундан каттасини тайёрлаб турган экан-ку... — деди Турғунали анчадан кейин дардчил овозда.

— Уруш...

— Ҳа, урушни айтаман-да. Бўлмаса биздан бахтли одам бормиди. Туғилмаган болаларимизни ҳам домига ютди. Орзу-ҳавасимизга, эртанги кунимизга ҳам зомин бўлди.

Турғунали йиғлаб юбормаслик учун, мукка тушиб ётиб, юзини ёстиққа яширса-да, унинг сўнги сўзлари тонг олди қоронғилигида хонани янғратиб, тепаларида узоқ турди.

Лекин энг катта бахтсизлик олдинда эканини иккаласи ҳам ҳали билмас эди.

Шу кечадан кейин Турғунали қаттиқ ўзгарди: дилининг чироғи ўчгандай, кўзлари хира тортиб, ёлғизликни ёқтирадиган, одамови, камгап бўлиб қолди. Ишга боради, ишдан келади, эшагини дарвозахонага боғлаб, ичкарига кириб кетади-да, хотинини холи топса, тагин қайта сўроқлайди.

— Докторга яна бир кўринмадингни?

Икрома буви бунинг ҳаммасини сезиб-билиб, ноилож, ич-этини еб юрибди. Илгарилари сигир соғаетганида куёви: «Пақирни ялаган сигирдан нима сўт!» деб беда боғлам ташлаб кетарди. Ҳозир у ҳам йўқ, куни билан бир оғиз гап қотса-чи! Ўзига қарамай кўйди, овқат ейишининг тайини йўқ, қуймичига оғриқ тушишини ҳам унутиб, энг нобон жойлардан ўтириб қолгунича пиёда юради.

Кейин-кейин бориб, ичиб келадиган бўлди. Отасининг ҳам, хотинининг ҳам дашномлари қор қилмади. Нафаси қисиб, томоғи ғижиллаб қолса ҳам аламини ароқдан олади. Маст келиб, униққан беқасамини ечмай меҳмонхонада ухлаб қолади, соқоли патак боғлаб кетган. Кечқурунлари Тожихон келиб уни узоқ уннаб ечинтиради, ётоқхонани кунжарадан қилинган қўланса ароқ ҳиди аралаш янги ошланган кўн ҳиди тутиб кетади.

— Илойим-эй... — деб ўнсиз нола қилади Тожихон ранги оқариб ётган эрининг аҳволига қараб, — ўқлардан, яралардан йиқилмаган йигит...

Иномжоннинг йили келиб қолди. Қўшни қишлоққа фотиҳага кетган Икрома буви билан Тожихон ўн икки-ўн уч ёшлардаги бир болани етаклаб қайтишди.

— Ким бу? — деди соқолини қиртишлаётган Турғунали.

— Саттор бу, Сатторжон.

Пешонасида ёнғоқдай ғурра, кепчик юзли, пойма-пой ковуш судраган, бўйни ипдай арвак бола ҳадеб бурнини тортарди.

— Бор, болом, ана, Ойхон билан ўйна, — деди Икрома буви, — танишиб олдингларми?

— Уйнамайман, хунук бола экан, — деди Ойхон ётсираб, — ғурраси бор.

Акаси бир ўқрайиб қараганди, Сатторни етаклаб полиз орқали ўтган сўқмоқ йўлдан болалар ўйнайдиган «сада майдон» томон кетди.

— Йили ўтишини пойлаб, типирчилаб турган эканда ўзи ҳам, танноз! — деб Иномжоннинг хотинидан ҳасрат қилакетди Икрома буви. — Бошидан маълум эди, Зоғара ундай бир-бирига қовушмаслиги. Итни қопмайди дема, эшакни тепмайди дема.

— Таннозлиги бошидан қолсин, турки совуқ! Эркакларнинг дидига ҳайронман, — деди Тожихон, — боласини етакласак, хўжа кўрсинга бўлса ҳам: «ҳой, қаёққа?» демаса-я!

— Унга керак эмас бола, фарзандни қадрига етадимми унақалар?

— Аллақачон битта олифта буғалтирни топганмиш, хотинларнинг гапига қараганда. Эрининг йилини ҳам кутган эмас, бола халақит берган унга, пайқамадингизми?

Бу йўл-йўлакай узоқ давом этган дарғазаб суҳбатнинг совиброқ қолган оқаваси эди шекилли.

— Э, унақанги оналарни!.. Бир куни уволига қолади, боланинг қадрига етмаса бадтар бўлсин, ўзим боқаман етимчамни! — деди Икрома буви чой дамлаб, — Саттор, ҳой, Ойхон! Қани, келинлар!

Болалар югургилаб етиб келишди.

— Буёққа қара-чи, — деди Турғунали Сатторни ариқ бўйига чақириб. — Бу нимади?

— Буми?... — деди манглайини ушлаб Саттор, — буғалтир амаки келганларида ойим унга дадамни ёмонлаб «сўхта эди» дедилар. Ёлғон, мени дадам гирой, дедим. — Сатторнинг оғзи доим очиқ, сал димоғи билан гапирар эди, — шунда итариб юбордилар, эшикнинг қабзасига урилди пешонам.

Турғунали тишини ғижирлатиб хотинларга қаради, кейин чўккалаб

боланинг кўзига ҳасратли-тикилди, мияси ғовлаб, бир «бош-оғриқ» қилгиси ҳам келиб кетди-ю, тийилди.

— Анов халтани ол-чи! — деб сўридаги солдат бўғчасини кўрсатди. Кейин ариқда Сатторнинг юз-қўлларини, бўйнию оёқларигача ювди-да, бўғчадан йод олиб, ғуррасига қалин қилиб суркаб қўйди.

— Ана энди қўзи кўчқорнинг шохига ўхшайди! — деб кулди Ойхон.

— Сен жим тур, — деди акаси беозор оҳангда, — одам адолат йўлида жабр тортибди, ахир. Лекин зиёни йўқ, уч кун сурункасига мана шуни суйкасанг, битиб кетади. Сен ҳунук бола деб юрибсан, кўрдингми ювингандан кейин қандай чиройли бўлиб кетди. Отаси бўлса гирой! Қани, ўтир!

Тожихон товоқларда қаймоқ келтириб, кулча синдирди. Меҳмон баҳона, анчадан бери биринчи марта сўрида жам бўлиб ўтириб чой ичдилар. Ҳамма-нинг эътиборини сезган Сатторга бу ер анча ёқди. Айниқса мана бу чўлоқ амаки... Ота меҳрига тўймаган Саттор Турғуналини ҳали амакими, аками, поччами, нима деб аташни билмасди-ю, лекин унинг эркакча дағалроқ муомаласини ёқтириб қолди.

Саттор бешинчи синфда ўқир экан. Тожихон мактабга обориб ёздириб ҳам келди. Ойхон билан икков бир сменага қатнай бошладилар. Ҳар куни қовоқ-тумшуғи осилиб келадиган Турғунали ҳам энди хомушу безабон эмас, ширакайф бўлса-да чиройи очиқ, келасолиб Сатторни сўрайди:

— Қалай?

У болага қаттиқ илашиб, уни еру кўкка ишонмай қўйди. Бутун бўш вақти ўша билан банд. Қайчи билан сочини текислайди, эшакка мингаштириб айлантиради, ўтириб лойпўрсилдоқ ўйнашади, айри йўниб резинкадан сопқон қилиб беради. Пенсияга борса, бир қарич келадиган қизил обакидондон, ё бир дўппи пистачка олиб келади. Ойхонга ҳам эрмак топилди, уларнинг қилиқларига қараб қаҳ-қаҳ уриб кулгани кулган. Тожихон зимдан кузатаркан, тўрт ишкали бут бўлгандай, ич-ичидан қувонарди: зора шу билан андармон бўлиб, ўша ер юткурни оғзига олмай қўйса...

Дадаали ака ҳам худди неварали бўлиб қолгандай:

— Оти ўлса тойи бор, нўхтаси ерда қолмайди! — деб ҳавас билан қараб қўяди.

Бироқ, Турғуналининг асабини қақшатадиган тушкун изтироблари бироз юмшаган бўлса ҳам, ичкиликни ташлай олмади. Кайф қилиб келиб, ишдан чарчаб қайтган Тожихоннинг ҳаловатини бузар эди.

— Менга қара... Сатторни одам қиламан. Сен унга она бўл. Энди бизнинг ўғлимиз бор, билдингми?

— Бўпти, Турғун ака, мен хурсандман. Сатторнинг энди биздан бошқа меҳрибони йўқ. Фақат... фақат, сиз энди ичманг, Турғун ака.

— Яна ўша гапми? Мен нима деяпману...

— Бир-бирига боғлиқ-да...

— Ўғлимизга оталик қилсам бўлдимми? Ўзинг эрта кетиб кеч келасан.

— Нима қилай... Сизга ишонаман.

— Ишонавер, — деб, кайфдан толиққан Турғунали ухлаб қолади.

Турғунали билан Саттор чиндан ҳам ота-бола бўлиб кетдилар. Бола Тожихонни ҳам «ая» дерди-ю, лекин аясининг унга қарагани вақти йўқ, гоҳ пахтада, гоҳ пиллада. Бунинг устига, ипакчилик факультетига сиртдан ўқишга кириб қўйган. Келган икки катта конвертдаги материалларни ҳали очиб кўргани ҳам йўқ. Дадаали ака бўлса уйда кам ўтиради, Қоразовур тутзорларининг парвариши у кишининг қўлида. Бу массивдаги тут плантацияси — колхоз пиллакашларининг келажаги эканлиги ҳаммага кўриниб қолди: шунга ишониб пахтазорлардаги қари тутлар кундаков қилиниб, қарталар кенгайтирилиб текисланяпти: пахтага катта техника келади. Иш қизғин, иш оғир.

Шунинг учун Сатторнинг етимлигини билдирмайдиган бирдан-бир ҳомийси Турғунали эди. Биронтаси «балли» деса ҳам унга келиб айтади, болалар хафа қилса ҳам.

— Сен бошингни кўтар, мишиқилар билан пачакилашма! — дейди Турғунали, — катта одам қиламан сани, кимсан — Саттор Иноғомов бўласан! Бир айтиб ўн куладиган Ойхонга қўшилиб, учалалари ҳам қаҳ-қаҳ урадилар.

Олтинчига ўтганда Саттор бир куни жуғрофиядан «бир» олиб келди, «икки» ҳам эмас, «бир».

— «Қозиқ!» Юмронқозиқ! — деди Ойхон кулиб, ҳазилкаш ўқувчилар тилида.

— «Бир?» Нега «бир» бўларкан? — деди Турғунали худди ўзи «бир» олгандай жуда хафа бўлиб. Оёғини ғирчиллатиб у ёқ — бу ёққа юрди, қоронғи даҳлиздаги тахмондан бир пиёла «отиб» ҳам чиқди шекилли, яноқларидан ранг қочди. — «Бир»и нимаси, охирги чоракда-я?! Ҳечам билмадингми? Нимани билмадинг?

Саттор бош солиб, шумшайиб турарди.

— Украинанинг областларини санаб бер, деган эдилар, мен...

Турғунали бу хафагарчиликдан кайфи бадтар ошиб, кимгадир ғазаб сочгандай, қош чимириб бироз қараб турди-да, дук-дук босиб бориб, айвондаги эски сандиқдан тунука қутичани олди.

— Бери кел-чи! — деди Сатторга.

Кейин Иномжоннинг қутичада сақлаб қўйилган «Қизил юлдуз» ордени билан битта медалини енгига ишқаб ялтиратди, шошиб, қўллари қалтираб, Сатторнинг кўкрагига тақиб қўйди. Ичкарига кириб «дадиллик учун» яна бир пиёла ичиб чиқди, тезлашган нафаси ғижиллаб эшитиларди.

— Қани, юр! — деди, боланинг қўлидан етаклаб диканглатганча олиб чиқиб кетди.

Улар тўғри мактабга бориб, жуғрофия кабинетига кирдилар. Сочлари оқарган, кекса, юпунроқ кийинган муаллима битта қиз бола билан пачоқ глобуснинг икки палласини елимлаётган экан. Солдатга разм солиб тинглади. Турғуннинг асабий талабларидан ҳам кўра, ўқувчисининг кўкрагидаги ордену медалларга қараб ҳайрон эди. Қўпол солдат ботинкасини қўлонтаёқ кийиб олган арвак Саттор эскидан ямаб тикилган кир кўйлагида беўхшов осилиб, ялтиллаб турган орден-медалларни кўрсатгани келгандай, куйган кулчадек кепчик юзида маъно йўқ, қотиб турарди.

— Бунинг отаси, ўртоқ муаллима, — деди Турғунали кўрсаткич бармоғи билан яниб, — Украинанинг ҳамма областларини аввал ғарбдан шарққа, кейин шарқдан ғарбга жанглари билан пиёда кезиб ўтиб, охири шу тупроққа бош қўйган! Сиз бўлсангиз... «Қозиқ!» «Юмронқозиқ!»

Муаллима инвалиднинг ширакайф эканини фаҳмлаб, хафаҳол жилмайиб турарди.

— Хўп, ўртоқ... Баҳони-ку тўғрилаймиз...

— Тўғрилаш керак, ҳа, — деди Турғунали.

— Лекин мана бу... — Муаллима Сатторнинг кўксига қаради, — бу яхши эмас, иним... Бола ҳар нарсага ўз кучи, ўз ақли билан етишиши керак. Педагогикага тўғри келмайди бу ишингиз.

— Узиники. Ўз отасиники. Истаса тақаверади. Баҳони тўғрилаб қўйинг, хайр.

Улар ушлашиб, медалларини жиринглатиб чиқиб кетишди. Кўкракларини кериб қайтиб келар эканлар, Турғунали хурсандчиликдан қуймичидаги оғриқни ҳам писанд қилмай, оёғини кериб ташлаб, уқтирарди:

— Истасанг тақиб, керилиб юр! Қандингни ур! Урушни кўрмаган, қонни кўрмаган бу оймчаларинг жағига зўр бераверади.

Бу орада Ойхон — чақимчи, албатта, келинойисини ҳамма воқеадан хабардор қилиб улгурган эди. Тожихон уйга келса, эри «ордендор»ни олдига ўтқазиб қўйиб, дастмолқовоқ билан тўсилган айвонда хурсандчиликка битта «Жамбул» шишасини, иккита пиво очиб олибди. Йўл-йўл кўйлагини ёчиб қозиққа илган, кўзларининг бурчи оқ-сариг, вужудидан пиво ҳиди келарди. Стакандан кўпигини пуфлаб ташлаб, оғзини билаги билан артаркан, остонада бир қошини паст, бир қошини баланд қилиб турган Тожихонни кўрмади ҳам, ҳамон гапирарди.

— Мен ўлгандан кейин-чи, Саттор, мана буларни ҳам тақиб оласан, — деди шинелидаги медалларни жиринглатиб. — Ҳаққинг бор! Жигаримсан, ўғлимсан! — кўп юрганда қуймичидан бураб тутадиган оғриқнинг аламига яна

бир пиёлани «прицепи» билан кўтарди. — Нима, мен буни сандиқда ётсин деб олибманми! Оёғим эвазига келган. Сеники!

Тожихон ловуллаб кетди-ю, тилини тишлади, на отага, на болага бир нима деёлмади — фойдаси йўқ эди. Дадаали ака ҳам дили хуфтон, ўғлига гапи ўтмагандан кейин, норозилигини заифлик билан изҳор этарди:

— Биз ҳам ғанимат, бугун бормиз, эртага — йўқ... Тагин ўзига тан, ўзи билади.

Лекин кичкина Сатторни бундай пайтда у ҳам қаноти остига олади:

— Майли, ўкситма. Бовласанг ботир бўлар, тергасанг тентак бўлар, деган гап бор. Бола меҳрсизликни дарров сезади-я. Ургандан туртган ёмон. Ундан кўра, қўлинг юрса ур, аламинг чиқади. Урсанг эти қотар, сўксанг бети қотар. Тарбия қил, кунинг шунга қолади, худо хоҳласа.

— Қўйинг, қандоқ ураман, отасининг арвоҳини чирқиратиб-а! — дерди Тожихон.

Фақат, эри ётоқда чўзилиб ётиб қолганидан кейингина, устида куймаланиб, муштини тишлаб, йиғи товушида шивирлади.

— Нималар қилиб қўйдингиз?.. Бутун қишлоққа шарманда қилдингиз-ку!..

У ижирғаниб, маст эрини яна ўзи ечинтирди. Кунжара ароғи билан ачимсиқ кўн ҳиди анқиб, яна дилини беҳузур қилди. Бу ҳидга у сира ўрганолмади. Баъзан шундай хафақонлик вақтларида эрининг ёғоч оёғига қўли тегса, сесканиб, тани жимирлаб кетади. «Илойим-эй, туппа-тузук одам-а... Ҳаммасига ўзим айбдорман. Вақтида маҳкам турмадим, йўлига ётиб олишим керак эди. Дадамнинг айтганлари тўғри: Қамишни бўш ушласанг, қўлингни кесади».

Изтиробда шундай дейди-ю, Турғунали эрталаб тиниқ овозда:

— Саттор, сабоғингни пишитдингми, ўғлим? — деб ўғит мақомида гап бошлаганида хотин яна юмшайди. Оналикнинг сарфланмаган сирли туйғулари кўзгаб, жилмаяди-да, қўл силтайди: майли-да, ахир, болага ўзи қараёлмаганига яраша...

Баъзан ота-боланинг эркакларча шўх, дағал қилиқлари, мағрур суҳбатлари уни эритиворади. Яна ўзларига қўйиб беради.

Бир неча ойдан кейин Сатторнинг исми газетага чиқиб қолди. Район газетасининг «Еш ватанпарварлар» деган мақоласида «ўз жамғармаларидан мудофаа фондига баҳоли-қудрат ҳисса қўшган мактаб ўқувчилари» сирасида Саттор Иноғомов ҳам бор эди. «Унинг ҳам икки юз эллик сўми жанговар танкнинг бирон мурватига айланиб, манфур фашистни янчиб ташлашга мадад бўлади!» деб хитоб қилинганди мақолада.

— Икки юз эллик сўм? — деди Тожихон Сатторга савол назари билан қараб, севинишни ҳам, ҳайрон бўлишни ҳам билмай, Сатторнинг ўзи ҳам гаранг, оғзи очиқ эди, Турғуналига боқди.

— Жанговар танк бўлади! Сенинг танкинг! — деди Турғунали қўлини баланд кўтариб.

У ўтган сафар ортопедия институтига «оёғи»ни янгиллагани борганида пенсияга олган икки юз эллик сўмини Саттор номидан Мудофаа Комитетига юборворган экан. Айтиб бериб кулдирди.

— Яшавор, аканг қарағайни ўғли! — деб, ўтирган жойидан Сатторнинг елкасига қўлини ташлади. У ҳам мақоладаги ўз номига кўзлари чақнаб тикилиб қолган эди. Тожихонга бу аввал иноқ ота-боланинг беозор бир иши бўлиб кўриниб, иккаласига оналарча койиш билан қараб қўйди-ю, кейин Турғуналининг мана бу гапини эшитиб ҳушёр тортди, хавотир олиб қолди.

— Ана, газетани ўқиб кўришсин, ўша оймтиллаларинг!

Ҳақиқатан ҳам, кейинроқ эшитса, Турғунали кайф билан бориб яна муаллимларига тикилинч қилган экан.

— Битта «беш»га арзимайдими? Гиройни боласи-я? — деб газетадан қирқиб олинган мақолани ҳам пеш қилибди. — Хўш? — дебди.

Тожихон жонини қўйгани жой тополмай, пешонасини шаппатилаб қолди. Мактабдагиларга кўринишга юзи йўқ, ҳаммасини ичига солиб, енгига йиғлаб юрди. Бари ароқ ўлгурнинг иши! Ҳаммаси шунинг касофати! Шу туфайли эрининг қайғуси қайғу эмас, қувончи қувонч эмас. Почтадан ҳам бўшатишди. Ҳозир салт юрибди. Албатта, у-бу дейишгани йўқ, нима ҳам дейди: оёғи йўқ, ўпкаси чала, хафа қилиб бўладими бундай одамни. Энди, қийналиб қоласиз,

Турғунали ака, дамингизни олинг, сизга жавоб, дейишди. Аммо қанча сийпалаб гапиришса ҳам, бу — ишдан бўшатилиши эди, тушунмайди дейсизми? Алам қилади-да. Аламига ичди. Кўча-кўйда учиб қоладиган қилиқ чиқарди.

Ғалаба куни бўлса... ўзингиз биласиз. Бутун дунёда одамлар бир-бирини кучоқлаб, бахту кулфат кўз ёшларига эрк бериб, куйлаб, йиғлаб, қувончдан жинни бўлгудай бақириб-чақириб, кўчаю майдонларга сиғмай юрганда ким ичмайди! Хўжайини борми! Топилса бўлгани, бундай кунда гуноҳ эмас.

Гузарда митинг бўлиб ўтди, жангчи ҳамқишлоқларнинг исмлари харсанг тошга зар билан ёзиладиган бўлди. Эҳ, йигитлик! Эсиз йигитлик! Лекин ҳаёт барибир енгиб чиқаркан, ғовуру сурондан қулоқлар битиб кетган эди, дармони қуриб зўрға судралиб юрганларга ҳам жон кирди, бир ҳовлида аза, дод-фарёд, бир ҳовлида ўйин-кулги, бака-банг — бари аралаш. Эртага нима бўлади — ҳали буни ҳеч ким ўйлаётгани йўқ, бугунги ҳиссий туғуёнларни эплаш керак. Фронтчилар, айниқса инвалидлар уч кунгача тўда-тўда бўлиб юриб, гоҳ у муюлишда, гоҳ бу муюлишда тўпланиб ичишди. Турғунали биринчи кеча уйга қайтгани ҳам йўқ. Иккинчи кеча уни улоқчи ўсмирлар ипподром буфети ёнидаги ўрадан топиб, кўтариб келишди. Беҳуш, уст-боши лойга беланган, тиланган, кўкарган юзлари қарайдиган ҳолатда эмасди.

Тожихоннинг ичидан қиринди ўтиб, ғалаба кунлари бева хотинлар қатори овоз солиб йиғлади. Эрини бегона одамлар олиб келиб ташлаб кетадиган бўлгандан кейин, баъзан жонидан ўтиб кетиб соч юлиш даражасига борганида бир қатъий аҳдга келиш учун шомлари ёлғиз кўчага чиқиб кетар, асабий ўйлари қарор топмай, жиндак совиб қайтиб келарди. Бир оқшом шундай, қаёққа бош олиб кетишни билмай изтиробда кўча кезаркан, гузардаги харсангга кўзи тушди. Қайрағочлар ортидан зўриқиб, қондай қизариб ой чиққан эди. Тошга ўйилган зарҳал номларга ёруғ тушди. Тожихон тўхтаб қараб қолди. «Шулар қаторида бўлса ҳам майли эди...» дегандай бўлди қулоғига кимдир. Бу ўз миясининг қаеридадир пайдо бўлган машъум шивир эди. Кўнглига беихтиёр келган бу фикрдан чўчиб тушиб, сочларининг томирларигача музлаб кетди. «Илойим-эй... ахир, ахир...» деб кўксини ушлаганча ҳовлига қараб шошди.

Борса, Турғунали ювиниб оқ кўйлак кийган, чопонини елкасига ташлаб чой ичиб ўтирибди. Юзи нимранг бўлса ҳам, чиройи очиқ. Ёпирай! Бу қанақа сеҳр? Ё Тожихоннинг кеча кўрганлари тушмиди? Бу яна ўша Турғунали-ку!

— Тож... менга қара, — деди у. Таниш, қадрдон овоз. Тожихон ҳалигина кўнглига келган хунук ўйларидан изза бўлиб, юзига қон тепди, виждон қийноғидан сим-сим терлаб кетди. — Энди нима қиламиз?

— Нимани?

Турғуналининг рангпар юзида унинг ўша таниш, майин жилмайиши нурулиб кетди. Бу ўша — Тожихон севган Турғунали-ку! У қаёқда қолган эди?

— Сен ҳеч нарса сезмадингми? — дея жилмайиб давом этди Турғунали.

— Пенсиянгиздан совға олиб келгандирсиз-да? — деди Тожихон товуши товланиб. Эрига илгаридай эрқалик қилабошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Урин сол, ётайлик, гап бор.

— Уринсиз айтақолинг.

Турғунали қандсиз чойни қошиқ билан қовлаб туриб, бир пас ўйланди.

— Сатторингга қарамай қўйдинг.

Яна Саттор, фикри-зикри ўшанда.

— Нима гап ўзи?

Турғунали яна кенг жилмайиб, у ёқ-бу ёққа ўғринча қараб олди-да:

— Ойхонни қизғанади... — деди нафаси ичига тушиб. — Сал бўлса қўлини ушлаш пайдан. Ишонмасанг, «Ойхон!» деб кўргин-а, кўзи ёнади.

— Қўйсангизчи, нима экан дебман. — Тожихон, қўл силтади. — Топган гапингизни қарангу...

— Тушунмас экансан-да. Мактабдан бирга келишларига бир разм сол.

— Бирга ўқигандан кейин, бирга келади-да.

— Илгарилари, эсингдами, апил-тапил кийиниб, ким улгурса олдин, ким ухлаб қолса кейин, алоҳида-алоҳида югуришарди. Ҳозир-чи? Бир-бирини кутади, дарвозанинг орқасида кутади, пайқамаддингми?

— Жинни бўпсиз. Ойхон ўн бешга ҳам тўлгани йўқ.

— Тўлмаса ҳам, юм-юмалоқ бўлиб қолибди, ғунчадек очиляпти. Сен просто эътибор қилмайсан. Сатторнинг диди ёмон эмас, молодес.

— Саттор, Саттор... Сатторингиз жимитдай нарса. Ҳали битирсин.

— Битиради! Обрўли одам бўлади. Иккаласи бир-бирига муносиб, юлдузлари тўғри келса, тўй қилиб, уйлантириб қўямиз, худо хоҳласа. Қарабсанки, неваралар югургилаб юрибди. Қани, буёққа кел.

— Вой... Ростмикан шу?.. — Тожихон бўшашиб кетди: Кечаги изтироблар гўё бўлмагандай. Эрининг олдига борди. Турғунали ҳар галгидай пенсия олганида шаҳардан келтирадиган совғаси — бу гал шапалоқдай-шапалоқдай катта қизил гулли озарий рўмол эди — елкасига ёпиб, белидан қучди.

Тожихон «ростмикан шу?» дегани икки маънода чиқиб қолганини ўзи энди пайқади. У Турғуналидаги бу ўзгаришнинг яна вақтинча бўлишидан қўрқар эди. Мана шундай кечалар... қандай яхши! Ўзи ҳеч гап эмас, кечасиги оддий тинч суҳбат... Наҳотки худо шу бахтни ҳам кўп кўрса?! Наҳотки ўша азоблар яна қайтиб келса? Турғуналининг сочи ҳам сийраклашибди, мана оқ толалар... Қаттиқ гапиролмайди унга, аяйди. Қандоқ қилиб қаттиқ гапирсин, нима илинжи бор унинг бу дунёда. Балки бирдан-бир кўнгил чироғи шу Тожихондир. «Тож...» деганида ичидан ёришиб кетади. Тағин мана бу кулгилар, орзулар. «Неваралар...» эмиш. Ойхоннинг ўзи бола-ку!

30

Бироқ унинг гапларида жон бор экан, Тожихон энди пайқай бошлади. Илгари бир-бирларини калака қилиб, тегажоқликдан бўшамайдиган болалар энди пайт пойлаб ёлғиз қолишга ҳаракат қилишади. Ойхон-ку ўша-ўша шўху шаддод. Лекин мўйлаби сабза уриб, яноғи чиқиб кетган, суяги синиқ Саттор жуда ўзига оро берадиган бўлиб қолди, ғижим кўйлакни киймайди, ботинкасини узоқ ишқалаб тозалайди. Бўйи чўзилиб кетган ўсмирларга хос хунук афтини ҳеч ким йўғида тош ойнага солиб, узоқ тикилади, бўйсунмаган сочларини қандли сув билан тараб ялтиратиб, пешонасига тошган бужмасини ситади.

Тожихон авваллари буларни кўриб, кулиб қўяр, эрига ҳикоя қилиб овунишар эди-ю, кейинроқ хавотир олиб қолди: Мактабдан кеч келишади, дарс тайёрлаш ўрнига пичир-пичир, қиқир-қиқир... Ойхонни айтмайсизми, шумтака, акаси бир ёқда сал ушланиб қолса, жонини қаёққа жойлашни билмай қолади, келса — яноқлари ёниб, яшнаб кетади.

Саттор ўнинчига чиққанида эса уйқуни тамом унутишди. Гоҳ равоч баҳона, гоҳ лола сайли, аллақаёқларга кетиб қолишади. Шомлари уларни Садамайдондан чақириб келишади. Узлари ухламагани бир нав, бошқаларни ухлатмагани-чи!

Тожихон дам ич-ичидан қувонар, дам қўрқар эди. Нима бўлади? Улар ҳали ўқишлари керак. Ойхон — майли, лекин Саттор ўқиши шарт.

Икромга буви ҳам уйдаги бу руҳий товланишларнинг барини зимдан кузатиб, билиб-тушуниб ўтирар эди. Кечалари у, этагида дўппи кизаги, тиззасига кийгизиб тагдўзи тикади. Кемшик лабини тишлаб, кўзларини қисиб, бўғинлари йўғонлашган бармоқлари билан игнага ип ўтказаркан:

— Қўйиб бер, қизим, — дейди, — Иномжон тоғаннинг руҳи шод бўлсин...

— Тоғамнинг хотиралари олдида жавобгармиз, — дейди Тожихон ҳам эрига қараб.

Кейин бундай гапни айтганига минг пушаймон еди. Сатторни катта одам қиламан деб юрган Турғунали гапни ўзича тушуниб, яна мактабга борибди. Одатдагидай ширакайф экан. Сатторнинг қўлидан маҳкам ушлаганча, ёғоч оёғини дук-дук босиб илмий мудирнинг идорасига кирибди. Илмий мудир ўша жуҳрофия муаллимасининг ўзи эди, эвакуация билан келиб қолган, чўзинчоқ оқиш юзли, ҳамма вақт майин гапирадиган осетин хотин.

— Олтин медални Хатча — дастурхончининг мишиқи қизига беринг, гиройнинг етимчаси ўқиб қолаверсин, шундайми? — деди Турғунали. — Ўқиш, раҳбар бўлиш буларнинг вазифасига кирмайди, булар алоҳида сорт, булар кетмон чопиши, ер ковлаши, бошқаларни боқиши, зарил бўлса халқ учун жон бериши керак, пешонамизга ёзилгани шу. Шунақами? Бажардик барини! — деб ёғоч оёғига тақиллатиб урди таёғини, нафаси ғижиллар, ранги оқариб кетган. —

Бунинг отасининг номини гузардаги тошда кўргандирсиз, ўйиб зарҳал билан ёзиб қўйибди, сиздайлар кўрсин деб! — Турғунали кайф вақтида тутадиган асабини босолмай узлуксиз гапирди, мудира ҳам сўзини бўлиб бир нарса деёлмади. — Уни кўрган бўлсангиз, мана, буни ҳам кўриб қўйинг! — деб Турғунали кўйнидан қоғоз чиқариб, бармоғига туфлади, букланган жойлари титилиб, сўғайиб кетган «қорахат»ни очди.

— Ўқи! — деди Сатторга тутқазиб. Саттор бир муаллимасига, бир Турғуналига қараб, аввал ўнғайсизланиб турди, лекин тутунган адасининг бундай пайтлар доим енгиб чиқишига ўрганган, ҳозир ҳам у тарафда эди, тутилиб-тутилиб ўқий бошлади, кейин овози бироз дадиллашди ҳам: Буни сезган юмшоқ кўнгил муаллима ўзининг ожизлигига жуда ачиниб кетса-да, барибир оғиз очолмади. Отанинг ўлими ҳақидаги машъум сўзлар ғам-ғусса ёки дард-алам билан эмас, маст-алас бақириққа қўшиб орсизлик билан ўқилмоқда эди. Ота раҳматлик буни билганида яна бир марта ўлиб, қора ерга қириб кетармиди...

— Қаҳ-қаҳрамонларча ҳалок... — деб Саттор чўзиб ўқирди.

— Қаҳрамонларча! — деб, баланд овоз билан кескин таъкидларди Турғунали кўрсаткич бармоғини ҳавога санчиб. — Сизлар бу ерда юриб унинг жигарини ким билан тенг қилаяпсизлар!

Бу можаро ўша кунлари мактабда суронли тортишув, хунук гап-сўзларга сабаб бўлди, Тожихоннинг қулоғига етди. Тожихон ўз «ғалаба»сини байрам қилиш учун Сатторни ароққа югуртириб, маст бўлиб ётган эрига айтадиганни айтиворди, бутун дағдағаю дийдиёсини тўкиб, биринчи марта аямай қаттиқ ранжитди. Турғунали ҳам жағлари асабий қимирлаб, томирлари бўртиб, ўзини эпложмай қолган эди.

— Ўзинг туғмаганга яраша, буни менга қўйиб бергин-да энди, зурри-ётсиз! — деди ранги бўздай оқариб. — Мендан шу қолади!..

У яна тўлатиб ичиб юборди.

Тожихон нариги уйда ўзини диванга отиб, сочларини юлгудай ўқрик солиб йиғлади. Иззат-нафси таҳқир этилганидан, ўзини тутолмай, биринчи марта эрини қарғади. Ёшлар шу хунук шовқиндан ўзларини олиб қочиб, аллақаяқларга чиқиб кетишган эди. Икрома буви билан Дадаали ака саросимада келиб юпатишга уринишди-ю, бунинг оқибати бадтар бўлди: Тожихон югуриб чиқиб кетганча, тонггача қайтиб келмади. Эрининг ноҳақ сўзи кўксига наштардай қадалган эди. Қўшалоқ ҳовли азали жойдек ҳувиллаб, хоналарга кўрсиз-қутсиз бир жимлик чўкди.

Ёзнинг кечалари бир тутам. Қоронғи тушди дегунча бу ёқдан уфқ оқаради. Унинг битирувчиларнинг тунги сайрида тонг оттирган болалар ҳовлига қайтиб кириши билан ғайри-табиий хунук жимликдан юраклари орқага тортиб, қотиб қолишди. Тунни сада тагидаги харракда ёлғиз ўтириб ўтказган Тожихон ҳам қизарган кўзларини яшириб кириб келди-ю, болаларнинг савол назари билан тикилиб турганини кўриб, сесканди. Онасининг олдига кирди. Икрома буви ҳам мижжа қоқмаган, нимадир кутгандай, ўрнида ўраниб ўтирар эди.

— Кўнглим ғаш, болам... — деди ялингандай қараб.

Бу эрта уйда ҳамманинг дили ғаш, бир нимани сезгандай бесаранжом бўлганича бор экан.

Дадаали ака кўзи теллагини қўлига олиб ўғлининг ётоғидан чиқиб келди. Серажин юзлари тупроқ рангида, кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётгандай, букчайиб бориб зинапоя ғиштига ўтирди, кўксидан бир нима кўтарилиб, сиқиб келди-ю, оғриқдан лолу маълул, жағлари титраб, бир нима деёлмади, атрофига тўпланганларга жовдираб ичкарини кўрсатди.

Ичкарида Турғунали қазо қилган эди.

Тожихон тилини тишлаб қолди. Дунёнинг заррача роҳатидан бенасиб, айбсиз айбдор, нотавон эрини ранжитган тилини... хунук фарёд кўтармаслик учун қаттиқ тишлади. Кўнгил сўрагани келганларнинг таскин-тасаллилари, қандайдир бари бир хилда, ўрганиб қолинган гаплардай бефарқ эшитилар, гўё қулоғига ҳам кирмас эди. У ҳиссиз, қотиб қолгандай ўтирибди, қаёқдаги,

воқеага алоқаси йўқ нарсалар хаёлига келади. Мактабнинг илмий мудираси, ўша осетин хотин келганида ўзбекчани жуда келиштириб: «Айтганларини қилдик, ортиқча куюнаверманг, тасаддиқ, хафа қилмаймиз...» деб кетди. Тожихон эса унинг ўз онасига, Икрома бувига ўхшаб кетишини ўйлаб ўтирарди. Овози майин, юзи ҳам узунчоқ, оқишроқдан келган... Кейин бирдан хаёлига шундай фикр келдики, бу таъзияга кирганларнинг ҳамма гапидан: хафа бўлманг, кутилмаган ҳодиса эмас, ўзи шундай бўлиши тайин эди, дегандай оҳанг эшитилапти. Жуда алам қилиб кетди. Уч кунгача зўрға ўтирди уйда, келганларнинг сўзига эмас, нуқул гап оҳангига қулоқ солади.

Бардоши чидамади, қорасини ечмай, кержасини судраб далага чиқиб кетди. Гап аламини меҳнатдан олишда ҳам эмасди, Турғунали кейинги вақтларда хонадонга бир нарса топиб келолмай қолган бўлса-да, нимаси биландир суяб турган эканми, ҳозир Тожихонни бирдан беваликнинг ваҳимаси босди. Бутун бошлик оила бир ўзига қараб қолди, ахир. Онаси кўпдан буён уйда ўтирибди. Қайнотаси ҳам ўғлини бериб қўйгандан кейин силласи қуриб, «уй қизи» бўлиб олди. Ойхон мактабда. Саттор ўқишга кетмоқчи, унинг ҳам белига у-бу тугиб бериш керак. Тожихон қараса — бир ўзи, ҳозир учинчи-тўртинчи чопиқда бир нима ишлаб қолмаса... Кейин колхозни учувчию «зангори кема» капитанлари, ҳашарчилар шилабошлайди.

Турғуналининг гўрига бориб йўғлаб келди-да, далага чиқди. Саратон ҳам нақ тандирнинг яллиғини уфурарди. Баданларни тер ачитади. Ҳозир сувчилар ким — бола-чақа, қари-қаранг, кўллатиб суғоради-да, кейин, чопсангиз қатқалоқнинг юзаси кетмондай-кетмондай бўлиб кўчаверади. Қуёш мияни қайнатворгудай қизитарди, қатор ораларидан кўтарилган чанг қора рўмол остида Тожихоннинг нафасини ғиппа бўғиб қўйди. Қийналиб кетганидан, онда-сонда кетмон ураётган хотин-халажга бир қараб қўйиб, рўмолининг ярмини шартта йиртди-да, соч ўрими аралаш бошига танғиб олди. Иккинчи ярми билан ғубордан оқарган қош, кўзларини артиб, қўйнига солди. Зайифона кетмон кичик бўлса ҳам, ёниб, чанги чиқиб ётган далада кечгача ураверганиндан кейин, дармондан қоласан киши. Қаторни юмшатиб қарта бошига ҳар чиққанида шийпон орқасидаги ариқча ташлаб қўйилган хумдан косалаб яхна ичади — фойдаси йўқ: бадан худди элак бўлиб кетгандай, сув турмайди — чиқади-кетади, яна томоқ қақраб силла қуриydi, шунинг учун тушликда иштаҳа ҳам йўқ. Шабадада ҳансираб ўтириб, суянган жойида мудраб қолади.

Кечаси бўлса, аксинча, баданлари зирқираб уйқу ололмайди. Ноилож ўрнидан туриб кетиб, кир-чирга қўл уради, столда қалашиб ётган китоблари ёнига боради. Район марказида, бир вақт Икрома буви қатнаб юрган инкубатория қатида грензаводнинг кутубхонаси бор, ўша ердан бориб китоблар, дарсликлар, қўлланмалар олган. Олгану ёлчитиб ўқиёлмайди, мана ётибди, ҳаммаси институтнинг сиртки бўлиmidан келган программалар, тавсия рўйхатлари билан бирга аралашиб. Фурсат борми ҳозир, вақт топилганда ҳам мияга кирадими?

Шундай кечалардан бирида ташқари ҳовлида шарпа эшитилди, кўча эшикка тамба тушди. Саттор бу, Ойхон ўлгур ёнида. Тожихон уларни эҳтиёткор қадамларидан танийди. Кеч келишадиган бўлди, ойдin дала йўлларида юришади, сада тагидаги харракда ўтиришади, гаплари тугамайди омон бўлгурларнинг, нимани гаплашишаркин? Ана, ҳали ҳам ажралишолмай, шивир-шивир, қиқир-қиқир... Охири баҳайр бўлсин...

Тожихон даҳлизга чиқадиган эшик томон келиб, бетихтиёр қулоқ солади. Ташқарида машмаша, дам тинчиб қолишади, дам нафаслари тезлашиб...

— Хайрлашмаймизми?.. — дейди Саттор тикилинч қилиб.

— Боринг... ака ҳам шунақа бўладими...

— Ойхон...

Йигитча унинг юзидан ўпиб олмоқчи бўларди шекилли, қиз бўлса ўгирилиб бошини елкасига қисади.

— Кейин ўзинг пушаймон ейсан, узоқ кўришмаймиз.

— Кетаверинг, у ёқда мендақалар кўп.

— Ойхон... сен биттасан.

Яна машмаша, яна жимлик.

Тожихон қизиб кетган пешонасини ушлаб, эшикдан узоқлашади. Ўзининг

чала-чулпа. ёдда қолган қисқа ёшлиги ҳақидаги аччиқ ўйларини кўнглидан қувишга уриниб, «мен онаман, мен уларга она тенгиман...» дея такрор-такрор шивирлайди ўзича. Юз-кўзига тепган йиғи таптини босиш учун хандақда чўккалаб совуқ сувда юзини ювади. Утаётиб тошойнада ўз аксини кўриб тўхтади.

Кўпдан ойнага боққани йўқ. Очиғи, қўрқиб, уялиб юрар эди ўзини ойнага солгани. Ҳозир юраги сесканиб кетган бўлса ҳам, ўрндан жилмай, таваккал, ҳақиқатнинг юзига тик қараб қолди. У энди, чиндан ҳам, ёшлигини эслайдиган аҳволда эмас, ҳамма қишлоқи бевалардай, кечаси ҳам иш кўйлагида, кўкраклар осилган, офтобда қорайган юзларида, ёпирай, майда ажинлар, уйқусиз кўзлари киртайган, лаблари қуруқшаб...

У бармоқлари билан кўз тагидаги кўкимтил салқиликни текислаб кўраётганида ёрилиб кетган кўлларига кўзи тушди. «Тожихон! Тож... қани сенинг кечалари Турғунали шивирлаб мақтагани қизлик ҳуснинг? Қани жувонлик латофатинг, Тожихон, қаёққа кетди бари, ким ўғирлади?»

Тожихон столи ёнига ўтириб, уйилиб ётган китобларига бош қўйди.

— Ая! — деди ташқарида Саттор, — ҳали ётганингиз йўқми?

Ўзингни эплаб ол, Тожихон, сен онасан. Кимнинг бошига тушмабди бу кўргуликлар, бу кунлар ҳаммага баробар. Турқи-тароватингни кўргин, бу нимаси, ўзингни эплаб ол ахир.

— Ая!

Сен онасан. Ёлғиз эмассан, теварагингда сенга таянган одамлар бор.

У апил-тапил кўйлагини алмаштириб, юз-кўзини артди, ойнага қараб сочларини тартибга солди-да, стол ёнига ўтириб, чироғининг пилигини кўтарди, кўлига китоб олди.

Саттор оёқ учида кириб, уни елкасидан аста қучди.

— Аяжон, нега ётмадингиз?

— Тайёргарлик кўряпсанми, болам?

— Ҳа, тайёрман. Шу кўйлагингиз ярашади ўзингизга.

Тожихон елкасидаги унинг иссиққина кўлини сийпади. Саттор энди арвак эмас, бўлиққина йигитча бўлиб етилган эди. Кечагина от йўлакда ёнғоқ ўйнаб юрган бола!

— Ёшликда ўқиш керак, болам, мана кўрдингми кейин қандай қийин бўлади?!

Саттор унинг елкасидан туриб очиқ китобга тикилар эди.

— Ойхон синглингни хафа қилмаяпсанми?

— Хафа қилиб кўрсин-чи! — деб қичирди ташқаридан Ойхон. Қулоқ солиб турган экан шумтака.

Кулдилар.

— Қачон кетмоқчисан?

— Дарров жўнамоқчилар! — деб аччиғланиб қичқирди яна Ойхон, — Турғунали акамнинг қирқига ҳам қолмасдан...

— Турғунали акамнинг қирқини кутсанг бўларди, — деди Тожихон секин.

— Ая...

Ташқаридан Ойхон гапни бўлди:

— У кишига олтин медални ким довлаб берган, эсларидан ҳам чиқиб кетибди.

Тожихон бош эгиб, ерга қараб қолди. Бу кўнгилсиз мавзу эди.

— Аяжон, гап медалда эмас... Ҳужжатларни ой охиригача...

— Ҳа, тезроқ Тошкентга кетиш зарил бўп қолган у кишига, ўзларини ўйлайдилар... — бу сафар Ойхоннинг овозида йиғи тавсири аниқ сезилди. Сатторни кеткизгиси йўқ. Айниқса акаси ўлгандан кейин Сатторга қаттиқ ўрганиб қолди, изидан қолмай юради, гапида кесатиқ кўпайган.

Аслида-ку, уларнинг беғуноҳ иноқ муносабатлари харобадай бўлиб қолган бу қайғули хонадонда бирдан-бир илиқлик, бирдан-бир қувонч. Уларни кўриб кексалар ҳам дардларини унутадилар, Тожихоннинг ҳам гоҳ тош қотиб қоладиган кўнгли юмшаб кетади. Аммо, иккинчи томонини ўйлаганда, уларни ҳозир, эҳтиёт шарт, ўз вақтида бир-биридан ажратиб турган ҳам маъқул, ёш болалар ҳали.

Шуларни хаёлидан ўтказиб, ҳозир Тожихоннинг раҳматли Турғунали

ҳақида, медаль ҳақида гап очишга тили бормади. Чиндан, гап медалдами, ҳозир медалга ҳам қарамайди, ҳамма институтларда биринчи навбатда коридор тўла фронтчилар турибди... Уқишга кириб олсин ишқилиб. Тожихоннинг бошқа нима орзуси ҳам қолди. Ойхон бўлса кутади, аяси — ёнида. Қайтага, интизорликда бўйи чўзилиб, эси кириб, Саттор акасининг қадрига етадиган бўлиб қолади бу пичингчи пучук.

Тутунган адасининг қирқига уч кун қолгада Саттор унинг фронт кезиб келган фанер чамадонини кўтариб, Тошкентга жўнади.

Ойхон дастлабки ойларда зерикиб, гоҳ асабийлашиб, ўзини қаёққа кўйишни билмай юрди. Кечкурунлари ҳеч қаерга бормаи, эски пластинкаларни кўйиб ўтиради. Сатторга ҳуда-беҳудага тегажоқлик қилиб ранжитганларини, яхши гапирса ҳам кожбахслик қилганларини эслаб, афсусланади. Бирга ўйнаб, қўл ушлашиб юрган беташвиш кунларининг қадрига етмаган экан. Мана энди, қачон қайтиб келади-ю, қанақа бўлиб қайтиб келади...

Унинг кечалари уйқу ололмай, ўрнида тўлғаниб ётганларини пайқаган аяси ички кўйлакда каравотга, унинг ёнига келиб ўтиради. Ойхон ундан ҳеч нарсани яширмайди, бесабр интиқликдан туманлашган кўзлари билан тикилиб туради-да, белидан кучади аясининг. Яширишнинг ҳам кераги йўқ, аясининг ўзи ҳаммасини билади. Зимдан кузатади. Ойхоннинг қучоқлаши унинг ҳам бутун вужудини илтиб, меҳрини товлаб юборади. Қиз тўлишаяпти. Бу кутишлар, бошига тушган биринчи ҳасратлар уни улғайтаяпти. Шўх-шаддодлиги йўқолиб, эс-ҳуши кириб қоляпти.

— Мен ўқишга кетмайман, хўпми, ая. Сизнинг ёнингизда бўламан. Қурт боқамиз, пахта терамиз.

— Бўпти, болам, — дейди аяси жону жаҳони ёришиб. — Саттор аканг ўқиб келса бизга шу етади. Шундай эмасми?

Сатторни аянинг ўзи ҳам соғинади. Унинг ҳам бошқа кутадиған одами, кутадиған бошқа қувончи йўқ. Бу соғинишлар Ойхон билан иккаласини яна ҳам яқинлаштириб, дугоналардай сирдош қилиб қўйди. Шунинг учун улар уйда ҳам бирга, далада ҳам, қуртхонада ҳам бирга: ҳамма ишда бир-бирларига сўяниб қолдилар.

Бу йил баҳор шошиб келди. Томларда лолақизғалдоқлар гўё бир лов этиб ёндию ўчди. Боғлар кечагина қийғос гул эди, қаранг, ўриқлар чигитдай-чигитдай ғўра тугибди. Пилла фасли апрель охиридаёқ бошланиб кетди. Қоразовур тутзорларидан биринчи марта барг кесилди, бу Тожихон ая билан Ойхонга оғир ва аждойиб йилларни эслатиб, уларга ички бир ғурур, куч-қувват бағишлаб юборди. Иккала «меҳмонхона»ни ҳам бўшатиб, шикаст-рехтини тузатиб оқладилар, кўни-қўшни ҳам ғайратга кирди. Ҳатто Икрома буви билан Дадаали ака ҳам инқиллаб уйдан чиқиб, катта сада соясида барг саралашга қарашардилар.

Пилла шундай бўлиб бердики, кўз тегмасин, шохлаб кетган дасталарда маржондай терилиб турар, чойшабларда, саватларда тиллаю кумушдай товланиб уййлиб ётар, соя-салқиндаги қиз-жувон давраларида учуриқ гапу қийқириқлар тинмас эди. Тожихон аянинг уйини узоқдан ҳид оладиган мухбирлар босиб кетди. Бири бу мўл ҳосилни кўкламнинг эрта келишидан кўради, бири янги тутзорларнинг парваришидан, лекин ҳаммаси нишондор пиллакор Тожихон аяни тилга олади.

— Бу йил пилладан даромад катта, айтинг-чи, Тожихон ая, нимага сарфлайсизлар бу бойликни?

— Тўй қиладиган қизларимиз бор, ҳаммаси ўшаларнинг сепига кетади, — деб ҳазиллашади Тожихон, — яхши йигитларингиз бўлса, айтинг, келишсин колхозимизга!

Бу ҳазилнинг чини ҳам бор эди. Бу йил пиллага келган кўп асил моллар, камёб товару бежама матоҳ, кўрпалик атлас дейсизми, дарпардага духоба, кўйлаклик сатину крепдишин дейсизми, бутун ласу либос саралаб-тахлаб кўйилди. Тожихонни-ку қўяверасиз, ҳатто Икрома буви ҳам, Дадаали ака ҳам топганини Ойхоннинг сепи деб сандиққа босди. Уйда, бутун қўш ҳовлида

эртанинг руҳи, орзу-ҳавас туйғуси, бўлғуси суронли катта хонадоннинг қувончлари ҳавода кезиб юргандай эди.

Куз келиши билан Тожихону Ойхон иккаласи бригада шийпонига кўчиб чиқиб, пахтанинг биринчи сара теримидан ҳам анчагина ишлаб олдилар. Ҳали яккам-дуккам бўлса ҳам, тикка турганча ҳовучни тўлатиб олинадиган лўппи-лўппи оппоқ пахталар тўппа-тўғри биринчи сортга ўтарди. Бундай меҳнат толиқтирмайди. Кечалари бўлса, шийпонда эрта кузнинг ғир-ғир шабадаси ариқ четидаги райхонларни тебратиб ўтса ҳавода хушбўй анқийди, шапалоқдай-шапалоқдай гултожихўрозлар оидинда қорайиб кўринади. Қаёқдадир какликнинг ҳаққувоғи эшитилади, олис қишлоқда сурнай хониш қилади...

Бир куни шийпоннинг очиқ айвонида ётганларида тонготарга бориб Ойхон аясини туртиб уйғотди.

— Ая, ая, туринг, нима бўлди сизга?

Тожихон уйғонганми, уйқудами, ҳадеб ўқчир эди. Туриб ўтирди ҳам, ўпкаси оғзидан келгудай қийнағиб ўқчийверди. Ҳавода ёқимсиз ҳид: шабада юрганда ҳам аримай, бадтар кўнгил ағдариб, қўлансиб келди. Ойхон аясининг пешонасини ушлади.

— Аяжон, уйга кетақолайлик... — деди Тожихоннинг бир вақт Қоразовурдаги аҳволини эслаб.

— Вой, самолёт ўтгандир-да, дори ҳидини биринчи кўришимизми, ётган жойда нафасим қайтиб қопти... — деди Тожихон яна ўқчиб.

— Ҳов, эсингизда борми, безгак тутганда... — деди Ойхон кўрқиб. Тожихон, кўп гапларни эслади шекилли, ўйчан жилмайди.

— ...Энди менинг дорилардан кўрқадиган жойим йўқ, пучуқвой...

Шундай деса ҳам, дала шийпонига қолишнинг иложи бўлмади, қўланса ҳид димоқларга сингишиб, чой ичганда чойдан ҳам, гул узганда гулдан ҳам анқиб тураверди. Еппа дефолиация даври бошланган эди.

Гарангсibroк уйга қайтиб келишди, кўрпа-тўшакни бошга кўтариб. Машина орқасидан тўкилган, чаноқларда чала қолган чимди'м пахтани териш учун уйдан қатнаб юришди. Бу беварака иш эди. Унинг устига, ҳашарчилар босиб кетган, сурон кўпу кўр оз. Шунинг учун ҳамманинг машқи паст. Тожихоннинг баъзан боши айланади.

— Саттор акам ҳам чиқармикин пахтага? — деди Ойхон райондан чиққан техникум болаларини кўриб.

— Саттор акангга бу ойда пул ҳам юборолмадик... — деди Тожихон. — Степендияга қараб ўтиргандир.

Ишлаш керак эди, пахтанинг борида ишлаб қолиш керак эди. Совуқлар тушгунча далага қатнадилар, дийдираб қайтишарди. Иккаласи ҳам қорайиб, қўллари ёрилиб, маддалаб кетган. Тожихоннинг-ку кечкурун сигир соғаман деса бармоғи эгилмайди. Шунда ҳам кулишадилар «икки дугона». Айниқса, Ойхон, ишда чиниқиб, бақувват бўлиб кетган, бекордан бекорга кулиб, кучли қўллари билан аясини қучоқлаб гир айлантиради — чарчаб келган жойларида яна очилиб кетадилар. Оиланинг жони бўлиб қолди бу ўт-олов Ойхон! Келинойисининг имосига маътал: гуппи уради, қийматахтада исмалоқ майдалайди, шилпилдоқ пиширади, хамир кесса кокил қилиб ташлайди, ишқилиб, келин бўлса бўлгудеккина! «Насиб қилса, яқинда бунинг ҳам ҳолвасини еймиз!» дейишади қўшнилар.

Фақат, қишга бориб, тиқилинч ишлар сал камайганда Тожихон аяси қандайдир сўлинқираб қолди. Дарсларига ўтирганида сафроси қайнаб, биқинини ушлаб, туриб кетади. Авваллари Ойхон буни совуқдан, эшик тирқишидан урадиган изғирин елвизакдан кўриб, ёзда қуртхонага қўйиладиган катта тунука печкага кунжараю шелухани зич қалаштириб роса ёқди. Уй исиб кетди-ю, лекин бу аясига бирибир кор келмади, қайтага истимаси чиқиб ётиб қолди.

Доктор келди. Бу ўша — Турғунали вафот этганидан кейин келиб, «сердечная недостаточность» дея диагноз қўйиб кетган семиз ўрис хотин эди. Қўлларини икки томонга ташлаб, панжаларини йириб, шох ташлаб юради. Тожихонни дам бу ёнбошига, дам у ёнбошига ётқизиб, тарвақалайган бармоқларини қорнига, биқинларига ботириб кўрди. «Жигарда ўзгариш бор» деб, бир нималарни узоқ ўтириб ёзди. Ундан кейин кунора ҳамшира келиб, аянинг

томирига дори томизиб турди. Тожихон туриб юрар, лекин чарчаб қолар эди. Ойхон доим унинг ёнида, кўзларининг оқи сарғайиб, қолганини кўриб юраги орқага тортиб кетади-ю, буни аясига айтмайди. Эплаганча ўзини қувноқ тутишга, кўчага чиқса албатта бир яхши хабар олиб қайтишга ҳаракат қилади.

— Ая-чи, ая! Аравакаш кепти! — деди бир куни югура кириб.

— Аравакаш? — Тожихон олдин тушунмади. Кейин... ўрнидан туриб кетишига сал қолди. Ойхон уни елкасидан қучиб, секин ётқизиб қўйди. — Ҳасан, дегин!.. Соғ-саломат эканми?

— Соғ бўлганда қандай, мўйлов қўйиб, катта амакилардай бўлиб кетибди. Тобингиз йўқлигини айтдим, ҳали келади, кўрасиз.

Тожихон ҳаяжонда, бироз бесаранжом бўлиб, ўтирган жойида у ёқ-бу ёғини тузатди-ю, кейин бўшашиб, лоқайд ётиб қолди.

— Келса келар... Лекин сен уни «аравакаш» демагин, бўлаликдаги гап, уят бўлади, — деди сарғиш кўзларига ғусса тўлиб.

Ҳасан тушдан сўнг келди. У урушдан кейин Узоқ Шарққа кетиб, кейин бир неча йил ғарбда хизмат қилган эди — буни қишлоқда ҳамма қатори Тожихон ҳам билади. Лекин унинг бу хил норғул йигит бўлиб кетганини ўйлаган эмас. Мана у рўпарасида: узун оёқлари, сал кам икки метр бўйига этик ҳам, галефе шим ҳам ярашмаган, кенг яғрини эски гимнастерткани йиртай деб турибди. Мўйлов-чи (мўйловга нима бор-а!), қорайиб кетган дағал юзида гўё ортиқчадай, бевақт қарилик аломати бўлиб осилиб туриши Тожихоннинг кулгисини қистатди. Латта кепкани дол кийиб, «сўпи»ни етаклаб юрган «аравакаш» эди ахир!

— Эсон-омон кепсиз, Ҳасанжон, хурсандман, — деди Тожихон ётган жойида жилмайиб. Унинг сарғиш юзидаги ўзгариш Ҳасаннинг баданини жимирлатиб юборди. У Тожихоннинг бошидан ўтган барча воқеалардан хабардор эди. Аммо кетишда ҳам уни худди мана шундай аҳволда, безгак иситмасида босинқираб ётган ҳолда қолдириб кетгани учун, назарида у ҳали-ҳамон ўрнидан турмай, ўшандан бери шу алфозда ётгандек туюлди. Кўришни орзу қилиб, ўйлаб қўйган солдатча қувноқ гаплари уни тарк этди. Наинки шундай оқила, дилбар жувонни бахтиёр қиладиган битта мард топилмас дунёда!

— Бахтлисиз, Ҳасанжон! Бу дўзахдан бутун чиққан кам... Эндиги режаларингиз қалай?

— Янаги ёздан ўқишга кетаман, келинойи...

Уларнинг суҳбати қуруқроқ чиқди. Буни иккаласи ҳам кутмаган эди. Илгариги шўх-шалола тегажоқликлар, ёшликнинг беғаму беғубор, сирли, ширин дилкашликларини кимдир ўғирлагандек... Алам ўтиб кетди Тожихонга, Ҳасан чиқиб кетганида йиғлаб юборишига сал қолди: «Келинойи...» эмиш, даванги. Эндими!...

Лекин Ойхон йиғлагани кўядими. Яна ўтдай сачраб кириб, суюнчи сўрай бошлади. У сакраб ўйнар, қўлидаги газетани бошида айлантирарди:

— Суюнчи! Суюнчи! Сизни газетага ёзишибди, мана!..

Тожихон унинг кўнгил кўтариш учун атай бақириб-чақириб қилган шўхликларига ўрганиб қолган эди, ўрнидан туришга ҳам ҳаракат қилмади. Газетани қўлига олди.

— Мана, сарлавҳаси: «Тожихон ая!» Менга ая десам, энди бутун республикада ҳаммага ая бўпсиз! Тошкан газетаси бу: кўряпсизми? Мана, «Пиллачиликда янги маёқ» депти сизни!

Тожихон лавҳани кўздан кечирди. Ҳов ёзда келган мухбирлардан биттаси ёзган бўлса керак, катта саданинг тасвирию Қоразовур тутзорлари, сават-сават пиллалар, Тожихоннинг ҳазил-ҳузул гапларигача қўймабди.

— «Маёқ» эмиш. «Маёқ» бу ёқда сўниб ётибдию... Шу мухбирлик ҳам осонгина ишми дейман-да. Келдинг, кўрдинг, тасвирадинг — олам гулистон!

— Тўғриси янги ёзган-да, мана, ҳаммаси шундоққина...

Ойхон аясининг чуқур хаёлга ботган ҳасратли кўзларига қараб, бирдан тўхтаб қолди.

— Ая, сиз-чи, сиз мухбир бўлсангиз нимани ёзардингиз?

— Менми?.. Мен ёзишни билмайман-да, — анча жим ётгандан кейин тўзатдан сўради: — Менми? Мен ёзишни билганимда... бир ажойиб, софдил

йигитнинг қисқа, фожиали умрини ёзардим... Турғунали акангнинг фожиасини!

— Бу сизнинг тўғрингизда-ку?

— Уша фожида мен ҳам борман-да.

Шундан кейин Ойхоннинг атай қиладиган шўхликлари камайди. У зўраки энгилтакликларидан ўзи ҳам уялиб, хомушроқ бўлиб қолди. Аясини энди таниётгандек эди. Унинг кўнглида бунақанги зил-замбил ўйлар ётган экан-ку...

Аммо бир куни яна чидай олмади. Дарвозаданоқ бақириб-чақириб, оёғидаги, елкасидаги қорни ҳам қоқмай, ўқдай отилиб кирди.

— Ая, ая, хат! Сизнинг номингизга, лекин...

Гапи оғзида қолди: уйда доктор билан ҳамшира ўтирган экан, Тожихон ҳам негадир кийиниб олган, шол рўмолини қидираяпти.

— Эшикни ёп, қор-бўрон ўйнадингми нима бало! Устингни қоқиб олсанг-чи!

— Нима ҳам қиламиз, бундай касалларни аслида уйда боқиб бўлмайди, жоним, — дея доктор хотин чамаси узилиб қолган гапини давом эттирди. — Энди сизни касалхонага олмасак бўлмайди. Нима ҳам қиламиз, жой бўлса бўшади, отлана қолинг, ҳозир машина келади.

Ўзи нимадир ёзишга ўтирди. Бу вақт Ойхон аясига хатни тутқазди.

— Саттор акамдан... Сизнинг номингизга экан.

Тожихон хатни деразадан тушиб турган оппоқ қор ёғдусига солиб ўқиди. Ўқиб, ташқарига бирпас қараб турди-да, ташвишланиб қолди.

— Айланай, доктор, мен боролмайман касалхонангизга.

— А?

— Боролмайман, ўғлим чақираяпти.

— Нима бўпти, ая?

— Билмайман, мени чақирибди.

— Йўқ, бемор жоним, сиз ётишингиз керак, нима ҳам қиламиз, ўғлингиз, зарур бўлса, ўзи келар.

— Нима бўпти ўзи, ая?

— Йўқ, доктор, айланай, мендан хавотир олманг, мен...

— Гап битта, нима ҳам қиламиз, рухсат йўқ, ўртоқ бемор!

— Доктор, ахир, ўғлим «келмасангиз бўлмайди» деб турса-ю, мен балнисангизда чўзилиб ётаоламанми, ўзингиз айтинг!

— «Келмасангиз бўлмайди»? Нима учун экан, аяжон?

— Менга қаранг, ўртоқ бемор... — доктор панжаларини тарвақайлатиб бир нима дегунча, саросимада қолган Тожихон гапни илиб кетди.

— Хатнинг ўзи мужмалроғ-у, лекин «келмасангиз бўлмайди» дептими, демак бормасам бўлмайди, доктор, эҳтимол касал бўлиб ётиб қолгандир, бордию бошига бир савдо тушган бўлса-чи... Йўқ, йўқ, мен бораман, сиз хавотир олманг.

Доктор ёйилиб ўтириб яна бир нималар ёзишга киришган эди, энди Тожихонни ҳамшира тарғиб қилабошлади.

— Қандоқ борасиз ахир...

— Аста-секин бораман...

— Доктор рухсат бермаяпти-ку... Йўлда йиқилиб-нетиб қолсангиз...

— Болам, «келмасангиз бўлмайди» деб турса, мен...

Бу маҳал доктор ҳамширани чақириб, бир нималарни тушунтирди. Ойхон унинг: «Майли, нима ҳам қиламиз, кўп қистамай қўяқолинг, ўзи ҳам бу статистикани бузадиган касаллардан. Нима ҳам қиламиз, статистика!» деган сўзларини эшитиб, сўради:

— Қанақа касал?

— Болаларнинг касали, тузалиб кетади, нима ҳам қиламиз... — деди доктор.

«Узоқ йўл, қандай бўларкин-а?» деб жовдираб турган Ойхоннинг гапини ҳам эламади. ая. Дил тортган жойнинг узоғи йўқ.

Шу билан Тожихон касалхонага эмас, Тошкентга борадиган бўлди. Бугун энди кеч эди, доктор билан ҳамшира кетгандан кейин, бу ҳаяжонлардан, бу баҳслардан, айниқса Сатторнинг хатидан кейинги саросимадан жуда толиқиб кетган экан, ечиниб ёнбошлади. Кечаси билан улар Сатторга нима бўлиши мумкинлиги ҳақида минг хил тахминларга бориб, ухламай, тонг оттиришди.

Эртасига Тожихон биқинини эҳтиёт қилиш учун белига ичидан жун рўмол бойлаб, ўраниб-бурканиб йўлга тушди. Уйда узоқ ётиб қолган одам, тоза, совуқ ҳавода дафъатан бироз боши айланди-ю, тишни тишга қўйиб, тийғаноқ йўлдан майда-майда босиб, автобус бекати томон юрди.

Таксичи бола ёш экан. Шелковичная деганда елкасини қисди: унақа кўча йўқ. Нега бўлмасмиш, Тожихон ахир ўзи ёзги сессияга келганида икки марта ўша кўчада турган. Шундоқ гавжум, сердарахт маҳалла...

Таксичи тахминлаб, меҳмоннинг эслаган белгиларига қараб, узоқ айланиб бўлса ҳам топиб борди.

— Лапатин кўчаси-ку бу, опа, сиз бўлсангиз одамни... — деб хафа бўлди у.

Тожихоннинг ўзи ҳам ҳайрон эди, кўчани, ундаги эски ётоқxonани зўрға таниди. Такси кетгандан кейин, топиб келганига хурсанд бўлиб, чеккароқда ўтириб нафас ростлади. Вагонда фақат дармонсизлиги билинган эди, манов машина сал силкитиб ташлади шекилли, биқинида оғриқ қўзғалди. Майли, бу гўрға — бир оғрийди, бир қўяди, Сатторга бир нима бўлмаган бўлсин ишқилиб. Катта шаҳар, тумонат одам, ёш-яланг...

Тожихон бир қўлида тугун-турмак, бир қўли билан биқинини ушлаб, институт ётоқxонасига кириб борди. Коридордаги деразада оёқларини осилтириб гаплашиб ўтирган иккита қишлоқи қиз унга Сатторнинг хонасини кўрсатиб қўйди. Саттор учта ўртоғи билан тураркан, ўзи ҳозир, қаёққадир кетган, йўқ. Излаб кетишди. Тожихон оғриғини ҳам унутиб, уни ҳозир қандай аҳволда кўраман, дея, тугунини этагида ушлаганча, ташвиш тортиб, каравотнинг бир чеккасида ўтирди.

Саттор роса югурганга ўхшайди, халлослаб кириб, «Аяжон!» деганча қучоқ очди. Хайрият-эй, хайрият-эй... соғ-омон, хушчақчақ. Тожихон қувончидан йиғлаб юборгудай, бўшашиб ўша жойига яна ўтирди. Дармони йўқ эди.

— Болагинам, нима бўлди?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, аяжон! Нега рангингиз... тобингиз йўқми? Тузалиб кетасиз, чарчагансиз, ҳозир чой қиламиз, ҳой болалар!

Она-бола ҳол-аҳвол сўрашгунча щериклари чой дамлаб, Сатторнинг қулоғига «Ойинг ёш эканлар, во!» деб чиқиб кетишди.

— Ўртоқларинг яхши экан... — деди Тожихон тугунини ечиб дастурхонга у-бу қўяркан.

— Бўлмаса-чи! Ҳа, мана бу пиёзди қатламани яхши кўраман, — деди Саттор қўл чўзиб. У ориқламаган, қайтага, кепчик юзи тўлишиб, кўзи яна ҳам қисилиброқ қолибди. — Яхшироқ кийиниб келмабсиз, ая, орденларингизни ҳам тақмабсиз...

— Ҳай, ўзингдан гапир.

— Ишим жойида, қишлоқда нима гап?

— Қишлоқда ҳам бари эсон-омон. Дадаали буванг билан Икрома бувинг қариб қолишди, ўтиришибди, Ҳасанг аканг армиядан қайтди, Ойхон ҳам юрибди югургилаб, салом деди.

— Зўр бўпти-да, ая келганингиз! — Саттор қатлама билан яхшилаб чой ичиб олди. — Дам оласизми?

— Вой, шу ердами? — деди боши ёстиққа тортиб турган Тожихон.

— Бемалол, бу хона ўзимизники, болалар келмайди, мен уларга катта залдан жой топиб бераман.

— Қандай бўларкин, болам... — деди Тожихон яна. Деди-ю, силласи қуриганидан ёнбошлашга мажбур бўлди. — Хурсанд бўлдим, ўғлим, танжонинг соғ, ишларинг жойида экан... Бир кор-ҳол бўлдими деб хавотир олган эдим... Ё бир гап бору айтмай турибсанми?

— Ҳеч гап йўқ, нима бўларди, ая... — Саттор аясининг юз-кўзи сарғайиброқ турганини, сўлғинлигини пайқаб кунгли хира бўлди-ю, эътибор бермади: қишлоқчилик-да...

— Шундай бўлса ҳам, айт, болам... нега чақиртирган эдинг?

— Соғиндим-да, ая, нима бўларди... Ундан кейин... Очиғи — стипендиядан маҳрум қилишди.

— Во-ой, шугинами, болам! Энди кўнглим тинчиди-я... Энди мана чўзилиб дам олсам бўлади. Хайрият, хайрият... Нималарни ўйламабмиз. Ойхон иккаламиз, э болам-эй... Стипендия бермаса, ўзим юбориб тураман, айланай. Ҳар ойда! Сен ўйлама, жоң деб юборамиз. Биз Ойхон билан яхши топаёмиз ҳозир. Ҳеч ҳаёлингни бўлмайд ўқийвер.

— Қизиқсиз, ая, гап пулниги ўзида эмас-да. Кечагина келган қишлоқи, оддий кетмончининг болалари олиб турган нарсани... Стипендия олганнинг мавқеи бўлак, гапи гап бўлади, ая.

Тожихон пешонасини тириштириб, дардчил кўзларини бир нуқтага тикиб, узоқ ўйлаб қолди. Бу унинг учун кутилмаган гап эди. Балки Сатторнинг фикри тўғридир, иззат-нафс пулдан афзал... Лекин у ўғлига пул юбориб туришдан бошқа нима қила олади? Ёш нарса, балки ўртоқлари олдида ори келиб... ўксиб қолганида ёзган-да. Бўлмаса кимга ҳам маслаҳат солади, кимга ҳам ёзади.

Тожихон шундай чигал ўйлардан толиқиб, кўзи кетиб қолди. Хўп чарчаган экан, биқинида санчиқ сезмаса эрталаб ҳам балки тез уйғонолмасди.

Сатторларнинг бу эски ётоқдаги хонаси баланд, баҳаво экан. Ҳовли томондаги катта деразадан юмшоқ қиш эртаси чорлаб турибди. Совуқнинг захри кесилган пайт. Узоқда ёш-яланг намчил қорни юмалоқлаб, бир-бирини дўппослаб қий-чув соляпти. Саттор ҳам азонда аллақаяққа чиқиб кетибди.

Тожихон юз-қўлини юваётганда йўлақда ҳам товушлар эшитилди. Бирпасдан кейин эшик ғирчиллаб, соддагина бир қизнинг рухсори кўринди.

— Бардамсиз, ая, яхши ухлаб турдингизми?

«Ая»?.. Қаёқдан билақолишибди «ая»ни ҳам! Студентчилик-да, ким келди — ким кетди, дарров хабар тарқайди... Кейин яна бир қиз кўринди.

— Саттор ака қаёққа кетибдилар меҳмонни ташлаб?

— Келинлар, қизлар, кирақолинглар. Саттор ҳозир келиб қолади.

Сатторни излаган бўлиб яна бир қиз, бир йигитча келди.

— Тожихон ая, яхши келибсиз-да, ҳали бир-икки кун бўласизми?

— Сизлар мени қаёқдан биласизлар?

— Вой, сизни нега билмас эканмиз! Уша донгдор пиллачи Тожихон аясиз-да? Газетада ҳам чиққансиз-ку. Кеча эшитганмиз келганингизни.

Булар — бири нимча кийган, бири жиякли лозимда, ҳаммаси Ойхонга ўхшаб сочларини силлиқ тараган қишлоқ қизлари эди.

— Сизлар... биринчи курсдамисизлар? — деб сўради Тожихон бу содда ёшларни ҳавас билан кузатиб.

— Ҳа. Биз ипакчилик факультетида ўқиймиз.

— Э-ҳа... — деди Тожихон буларнинг қизиқишини тушуниб. — Қалай, ҳамманглар шу ётоқхонада турасизларми? Қаерликсизлар?

— Биз Сурхондан.

— Биз Наманганданмиз.

— Мен Ултармадан...

— Бизга ўзингиз ҳақда гапириб бери-инг, Тожихон ая...

— Вой, ширин қизлар экансизлар, лекин мен нимани ҳам гапираман сизларга?

Бу вақт тўр халтада сут, иссиқ нон, қатиқ кўтариб Саттор келди-ю, қизлар чиқиб кетишди. Чой тайёр эди, нонуштага ўтирдилар.

— Бунақа чиқимдор бўлма, болам, ўзингни кўрганим кони давлат.

Чой ичиб бўлмасданоқ қизлар яна эшик очишди.

— Қани, қани, жўнаб қолинглар, чип-чип-чип, жўжаларим, чип-чип! — дея қулочларини ёйиб қизларни ҳайдай бошлади Саттор. Қизлар кетишмай чуғурлашаверишди, қайтага, шовқинга одам кўпайиб, йўлак тўлиб кетди.

— Гапириб беринг?..

— Вой, айланиб кетайлар, мен гапиришни билмайман, нимани...

— Ҳа, қандоқ қилиб орден олганингизни... Масалан...

— Гапириб беринг, ая!

— Чой ичгани қўясанларми-йўқми! Аям касаллар, жўналаринг! — Саттор чиндан ҳам жўжаларни киш-кишлагандай икки қўллаб эшик томон сурар эди. Кейин аясига қаради:

— Ҳали ўқийдиган корпусимизни, деканатни кўрсатишим керак сизга.

— Майли, болам, гапирсам гапирақолай, қизлар бўлғуси ипакчилар экан.

— Биз кўпчиликмиз-да, ая. Мана бу катта хонага чиқайлик. — Улар Тожихонни кўярда-кўймай, икки қўлтиғидан олиб, ёруғ залга бошлаб чиқишди. У ерда супадеккина саҳн бор экан, курси қўйиб беришди.

— Ҳай, жон қизлар, мен маъруза қилармидим, мундоқ ўрталарингда ўтирақолай, — деб Тожихон залдаги қатор курсилардан бирига чўкди. Қизлар, йигитлар стулларни тарақлатиб, сурон билан уни қуршаб ўтиришди. Тожихон ўзини йўқотиброқ қўйгандай, нафас ростлолмай, атрофидаги йилтиллаган синчков кўзларга бир-бир қараб, бироз ўтирди.

— Ўзим ҳақимда... ҳеч қизиқ гап йўқ, қизлар... — деди ўйланиб. Зал жимжит бўлиб қолди. — Бобомнинг бир ҳикоясини айтиб берақолай... Айтгандай, бу... кўчаларинг нима учун Лопатин номи билан аталади, биласизларми? Илгари Шелковичная дейиларди.

Ёшлардан овоз чиқмади.

— Билмайсизлар, шундайми?

— Лопатин Маркснинг дўсти бўлган... — деди кимдир.

— «Капитал»ни таржима қилган.

— Тошкентга ҳам келган.

— Тошкентга сургун қилинган.

— Тўғри... ҳа майли, бу ҳақда кейин... — деди Тожихон. — Бобомнинг даврида биз томонларда Шалғомбой деган одам ўтган экан.

Ёшлар зални янградиб кулиб юборишди. Тожихон ўзи ҳам қўшилиб кулди-да, тушунтирди:

— Аслида у рус бойларидан бўлган. Фамилияси Шагалов экан. Степан Шагалов. Унинг корхоналарига пилла етказиб берадиган менинг бобом сингари авом деҳқонлар «Шагалов-бой»ни ўз тилига мослаб «Шалғомбой» қўйиб олишган экан.

Шалғомбойнинг Сир бўйида пилла қайнатиб, ипак чувийдиган корхоналари бўлади, уруғни ҳам ўзи тарқатиб, атроф қишлоқлардан пилла ҳосилини ҳам бутунича ўзи йиғиб оларкан. Бойиб кетиб, корхоналарини кенгайтириб юборибди. Бутун фикри-зикри, кун-тун ўйлагани Фарғонадаги, Хоразмдаги рақибларини синдириб, оёққа чўктириш, пилла етиштиришдаги кўпроқ районларни ўзига қаратиб олишдан иборат экан. Бунинг учун Европани кезар, Италияга борар, уруғнинг энг асил навларини топиб келиб, тарқатар, унган сари бойир экан...

Бир баҳор ипак қуртига қора ўлат келади. Даҳага кирди дегунча зулукдай қорайиб тап-тап ўзини ерга ташлайверар экан. Деҳқонлар гаранг, бу кулфатнинг сабабини биладиган бор дейсизми у замонларда! Иккинчи йили ҳосил бутунлай бўлмабди. Куни шунга қараб қолган пиллачи оилалар саросимада, очлик, ғурбат дағдаға қилиб босиб келяпти, қаёққа бош олиб кетиш керак? Бу Шалғомбойни ҳам таҳликага солади, қараса-рақибларини ботираман деб юриб ўзи ботиб қоладиган. Шаҳарга югуради, Тошкентга боради, бу қора ўлатдан губернаторни ҳам хабардор қилади.

Узун гапнинг қисқаси, бу хавфли касалликни ўрганиб, яна ҳам кенг тарқалишининг олдини олиш учун марказдан мутахассис келади. Бу, бобомнинг айтишига кўра, кичкина йилтироқ соябонли тик картуз кийган, ўрта ёшларда бўлса ҳам сочига оқ оралаган хипчагина бир зиёли, рус кишиси экан. Деҳқонлардан сўраб, текшириб юриб, бир ой деганда ҳамма нарсани аниқлайди. Бу — уруғдан тарқаган, кўпроқ Италиядан келадиган навларда учрайдиган хавфли касал бўлиб, кейин пилланинг ўзидан ҳам, уни қайнатилган сувдан ҳам юқаверар, бу ерда ҳатто барғни, тутзорларни ҳам зарарлантириб улгурган ёмон ўлат экан. Мутахассис ҳамма қуртхоналарни, ускуналарни, айниқса тутзорларни икки-уч мартадан дорилаш, камида бир йилга карантин эълон қилишни маслаҳат беради. У жуда мулоим, катта-кичик демай ҳурматини жойига қўйиб гапирадиган, қашшоқ деҳқоннинг юпун дастурхонидан ҳазар қилмай, самонхонада ҳам тунаб кетаверадиган камтар, ақлли, бечорага қайишадиган одам эди. Деҳқонлар уни яхши кўриб қолишади. «Домулла» деб аташади. Фақат Шалғомбойгина уни «барин, барин» деб атрофида гирди-капалак бўлса ҳам, ҳар бир ялангоёққа кўл бериб кўришгани учун унча хуш кўрмасакан.

Шу бойни «Шалғом» деганларича бор экан-да. Бобомнинг айтишича,

у худди шалғомдек япасқи, эти оппоқ, хомсемиз бўлишига қарамай, жуда серҳаракат, ингичка оёқларида худди урчқдай гир-гир айланаркан... Деҳқонлар даласини дориласа дорилайверсин, мен корхонамни тўхтатмайман деб, карантинга кўнмабди. «Домулла» бечора неча марта кўрасига бориб соатлаб ўтириб тушунтирибди, йўқ дермиш-да, менинг икки йиллик запас хомашём бор, бунақа чиқимга тобим йўқ, корхоналаримни тўхтатмайман, дермиш зиқна, Корхона тўхтамаса ҳеч қандай дори-дармоннинг фойдаси йўқ, бойнинг хўжалиги сувнинг бошида экан, оқоваси барибир келади, касал тарқайверади. Энди нима қилиш керак? «Домулла» бойнинг олдидан ҳар сафар қора терга ботиб, юзи ғазабдан тупроқдай қорайиб, картузининг гардишини рўмолча билан артаркан, чакка мушақлари асабий тортишиб қайтиб келаркан. Бойдан муруват тилама, толдан зардоли тила, деганлар.

— Хўжайинларинг ўликнинг ёғини, тирикнинг тирноғини ейдиган қурумсоқ экан. Нима қиламиз? — дерди «Домулла» яна қишлоққа келиб.

Деҳқон бечора қаёқдан билади нима қилишини? Офатни Италиядан ўзи олиб келиб, ўзи яна пул қопчиғини қучоқлаганча, «йўқ, сенлар ўлсанг ўлавер» деб турган ўша очкўзга нафратдан бошқа унинг нимаси ҳам бор! Бойнинг сўзи бой, йўқнинг сўзи лой.

— Нима қилайлик, ўзингиз нажот йўлини кўрсатинг, Домулла! — дейишади ғазабланган деҳқонлар.

— Мен нима ҳам дердим, тутзорларга ўт қўйиш керак, бошқа йўл йўқ, — дейди «Домулла». Шу билан жўнаб кетади.

Шу уч кундан кейин Тошкентда уни генерал-губернатор ўз ҳузурига чақиртиради.

— Сиз нима деган эдингиз деҳқонларга? — деб сўрайди.

— Тутзорларга ўт қўйиш керак, бошқа йўли йўқ дедим, жаноби олийлари.

— Ахир у лаънати фитначилар Шағаловнинг бутун мулкани ёндириб юборишибди-ку?!

Мутахассис кўзи билангина жилмайиб қўяди.

— Афсус...

«Ўт қўйиш керак, деганимни жуда тўғри тушунишибди азаматлар!» дейди ичида «Домулла».

Губернаторнинг қабулидан индамай чиқиб кетади...

Залда жонланиш, ёшларнинг «қойил!», «ўзи ҳам азамат экан!» деган шавқли хитоблари эшитиларди. Бу кичкинагина ҳикояни айтиб бўлгунича толиқиб, лаблари қуруқшаб кетган Тожихон ҳорғинликни сидириб ташламоқчидай, сарғиш юзини сийпаб, яқун ясади:

— Ана ўша камтар зиёли, ўша, «Домулла» — сизлар билган Лопатин эди. Герман Лопатин. Унинг бир касби энтомология бўлиб, ўша вақт сургунда сиёсат билан шуғулланолмай, мана шу Шелковичная кўчасида биринчи ипакчилик лабораториясини очган. Бу ёғини мен китоблардан ўқиб билиб олганман, болалар.

Бу маҳал орқа эшик остонасида бир кексароқ одам билан ёнма-ён турган Сатторга кўзи тушди. Тингловчилар ҳикоя таъсирида ҳали ҳам жим ўтиришарди.

— Энди мен чарчадим, қизлар... — деб ўрнидан турди ая.

— Раҳмат, Тожихон ая, раҳмат сизга! — деб тарқалабошлашди.

— Саттор тез келиб, аясини ётоққа бошлади.

— Яхши гапирдингиз, ая. Шунчаки оддий суҳбат бўлса ҳам... Қаёқдан топақолдингиз бу ҳикояни?

— Топдим-да, билган ўқийди, билмаган тўқийди, болам. Ҳалиги ёнингда турган ким эди?

— Бизнинг ташкилий-иқтисодий факультетнинг декани. Ўзи келиб қолди. Жуда ёқди унга ҳам гапингиз...

Қишлоққа қайтганидан кейин Тожихоннинг биқинидаги оғриқ қаттиқ тутиб қолди. Унинг дармони қуриб, ётгиси келаверса ҳам, унча билдирмай, атрофида кўзлари яшнаб парвона бўлган Ойхонга Саттор акасида, унинг ўртоқларию

ётоқдошларидан, Тошкент хабарларидан ҳадеб ҳикоя қиларди. Ойхонга қанча гапирса ҳам оз, янгиликларга тўймай, «яна, яна» деяверди. Аям Саттор акамнинг олдидан келади, деб роса орзиқиб кутган экан, келинойисининг аҳволини ҳам пайқамай, ҳар куни гапга солаверди.

Кўп ўтмай, Сатторнинг ўзидан ҳам хат келиб қолди: ҳамма ишлари жойида экан, аяси кетган кунлариёқ дарров степедияга ҳам тиклашибди. Ойхон сакраб-сакраб қувонди. Шундай қувондики, аясининг аҳволини ҳам кечаси қаттиқ инграб қолгандагина пайқади.

Эрталаб доктор чақирдилар. Бу — яна ўша, оқ халат кийиб олиб, қўлларини икки томонга ёйиб, панжаларини кериб юрадиган семиз хотин эди.

— Нима ҳам деймиз... Даволашнинг вақти ўтинқираб қолибди, — деди у. — Нима ҳам қиламиз, энди ўзингизга эҳтиёт бўлиб юрасиз, шу. Пахтада ишлашни ман қиламиз сизга.

— Ман қиламиз?

— Ҳа, пахтада ишламайсиз, мумкин эмас, сизга бу хавфли, нима ҳам қиламиз, ҳазиллашиб бўлмайди, сира ҳам мумкин эмас. Ҳар замонда жигар оғриқ бериб туради, дори ичасиз, нима ҳам қиламиз... Шу.

У ўзининг қоғозларига нималарнидир узоқ ўтириб ёзиб, дори буюргандан кейин, қўлларини ёйиб чиқиб кетди.

Бу гап Тожихонга «инвалидсан» дегандай эшитилди. Ундай сўз айтилагани йўғ-у, лекин шунинг кўланкасини солди дилига. Шунинг учун авваллари жуда руҳи тушиб, Ойхоннинг шўхликлари ҳам татимай, қўли ишга бормаё эзилиб, пачоқ бўлиб юрди. «Вақти ўтинқирабди...» дея шивирлаб, докторнинг сўзларини эсларди. Наҳотки... наҳотки ҳаммасининг вақти ўтиб кетган бўлса... Сарғайиб турган юзларини яна ойнага солиб, узоқ тикилиб турарди. «Тавба, юрагингни торлиги ойнадаги нусхангдан ҳам кўриниб туради-я, Тожи-тажанг!»

Лекин йўқ, кўзининг оқи анча тиниқиб, ўз ҳолига келиб қолганди. Хўш, у нега тушкунликка берилиши керак экан? Уйда унга қараб қолган қариялар бор, ахир. Пахтада ишламаса ишламабди, бу ёқда гулдай касби турибди, шундан ном топган, нега ич-этини еб, шалвираб юриши керак экан? Бу ёқда Ойхон...

Унни битириб, етилиб, ўт-олов бўлиб қолган, барги карам кўйлақда дуркунгина бўлиб юрган Ойхоннинг қилиқлари, очиги, уни бу руҳий тушкунликдан олиб чиққан бирдан-бир сабаб эди. У энди эркакнинг суқи кирадиган қиз, катта-катта кўзлари қора учкун сочиб, йилт-йилт этади. Дам ўтдай чақнаб, дам сабабсиз ўйга толиб, сирли бир ҳаяжонда эртасини кутиб юрган бу қиз — Тожихоннинг гўё ўз дунёси. Тожихон уни ифодасиз бир меҳр билан севар, «иккаламизнинг тупроғимизни бир жойдан олган» дер эди. Қизнинг ҳамма ҳолатлари уни қизиқтиради, унда ўз ёшлигини топгиси келгандай, севиниб кузатади.

Гоҳида кўққисдан шўхлиги тутиб, келинойисининг белидан қучоқлаб гир айлантираркан, Тожихон кулганча биқинини ушлаб қолар, кейин Ойхон докторнинг қилиғини қилиб, қўлларини, панжаларини ёйганча, «Нима ҳам қиламиз!» дея шох ташлаб юраркан, Тожихон яна қотиб-қотиб кулар, оғриқ ҳам эсидан чиқиб кетар эди. Еки Ойхон ишқий шеърлар ёдлаб, малика қиёфасига кириб, саҳнадагидай ифодали ўқиркан, аяси шеърдаги «Шаҳзода»нинг ўрнига «Сатторжон»ни қўшиб такрорласа, иккаласи ҳам шарқираб кулиб юборишарди. Баъзан узоқ шўхлик, жинниликлардан кейин иккаласи ҳам жим бўлиб қолишади. Тожихон бувисидан қолган кўҳна, садафкорли дуторини қўлга олади, узоқдан келгандай заиф, ҳазин оҳанглар мунгида Сатторни ўйлайдилар. Йиллар ўтапти, у ҳам битириб келиб қолар. Қандай бўлиб келаркин?

Тожихон дуторнинг қорнига бармоқ чертади, куй асабийлашади. Қандай бўлиб қайтаркин? Шу саволга келганда уларнинг ўйлари бир-биридан ажралади. Тожихоннинг хавотирлари, ўз иштибоҳлари бор. Лекин бу гумонгирлик шунчаки бир сезим, гоҳ ичида ғимирлаб қўядиган шайтон пичирларигина бўлгани учун, ташига чиқармайди. Бу эса унга осон эмас, ичига ютгани сари, беихтиёр, қўли биқинига бориб қолади. Қизиқ бир одат: баъзан дилхираликдан, кўнгил ғашлигидан, жигари оғримаса ҳам, қўли ўз-ўзидан биқинига борадиган бўлиб қолибди. Буларнинг нима боғлиқлиги борикин? Алоқаси бўлса, керак-да. Чиндан ҳам, жигардан, юракдан ўтиб кетадиган

дилғашлик эди бу. Тожихоннинг оналик кўнгли сезарди, сезганича бор экан, икки йилдан кейин маълум бўлди.

Сатторнинг бошқа бировга уйланганлиги ҳақида хабар етди.

Шу камлик қилиб турувди бошига!

Буни эшитиб бутун қишлоқ афсус тортди: бирини бирига бичиб тиккандай эди-я, аттанг!

Аммо Сатторнинг бу қилмишини таҳлил этиш; сабабини суриштириб билишга вақт ҳам бўлмади. Энди бунинг фойдаси ҳам йўқ эди чоғи. Тожихон бу кунларда бутунлай Ойхон билан банд бўлди. Унга кўз-қулоқ бўлиши зарур эди. Қиз бу хабарни умрининг энг мудҳиш фожиаси деб қабул қилди. Йиғламас-сиқтамас, каравотга ўзини юзтубан ташлаб, соатлаб ётар, Тожихон яқинлашганидагина елкалари титраб, ўша бир вақт ёд олган шеър сатрларини телбадек такрорлар, товуши хунук эди.

Сатторнинг номини тилга олмас эдилар. Қиз жуда ўзгариб, чақчайган кўзлари ғалати, бежо бўлиб қолди. Кечқурун бир ёқларга кетиб қолади. Тожихон хавотир олиб бориб, хилватда бирон дарахтга суянганча-ёлғиз ўтирган жойидан топиб келади.

Бир куни шомдан сўнг Тожихон унинг упу қутичасидан чой қоғозга ўралган маргимуш топиб олиб, яноқларига тарс-турс, тарс-турс шапатилаб юборди. Қони қизиб кетиб, ўзини тутолмай, яна бир неча тарсаки тортди. Қиз бояқиш биринчи марта хўнграб йиғлаб, ҳўл юзларини аясининг тўшига босди.

— У сенга ҳеч қандай ваъда берган эмас, билдингми, эсипаст! Нима қилса ўзининг ҳадди!

— Тарафини оляпсизми?! — деб келинойисининг кўзларига тик қаради қиз. Еш тўла кўзлари ола-кула, тарсаки еган ёноқлари қонсиз эди. Тожихон кўрқиб кетди. Энди буни қандай тинчитади, қандай қилиб йўлга солади?

Икромма буви санаб-саралаб йиғган сепларини, кафанликларини қутисандиқларини очиб, шамоллатиб яна қайта тахлади-да, ўтирганча қолди. У кўпроқ Дадаали қудасининг аҳволидан хавотирда эди. Дадаали ака Ойхоннинг қилмишларини, жонига қасд қилмоқчи бўлганини эшитгач, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Ҳар нарсага бир сабаб, дейдилар. Бу балки сабаб ҳам эмас, бир турткигина бўлгандир. У кўпдан буён «у дунё — бу дунёлик»дан гапириб, «катта марака»нинг тадорикини кўриб қолган эди. Чоллар ўзи бир нарсани сезади, шекилли. Ё ўзини шунга ишонтириб, пешонадагини бўйнига олиб, этини ўлдиради, даҳшатининг тигини қайиради. Дадаали ака ҳеч кимни безовта қилмай, беозоргина, афтидан, ўзи ҳам унча қийналмай, оламдан кўз юмди.

«Деворни нам йиқади, одамни ғам йиқади» деб келинини юпатиб юриб, ўзи ўлиб кетди бечора. Бундай кунларда Саттор ҳақида ўйлаш унинг «қилғилиги» борасидаги баҳсларга фурсат ҳам йўқ, ноқулай ҳам эди. Шунинг учун бу қандайдир ўз-ўзидан совиди, унутилди. Фақат ярим йилдан кейингина, ҳар хил миш-мишлар етиб келиб, бу ҳақда яна ола-шовур гап кўзғалди. Саттор институтни битириш олдидан қандайдир қаттақоннинг синглиси билан юриб қўйиб, кейин ўшанга уйланишга мажбур бўлганмиш. Хотини ўзидан анча катта, бегонадан боласи ҳам бормиш...

Ераб, энди бу шармандалик қолувди! Этагида ҳаромиси билан келган келин... Тожихон боладан гап очилганда бундай сўзларни тилга олмайди-ю, аммо элнинг оғзига элак тутиб бўладими! Миш-мишларга расо либос кийгишиди. Биров: «Келиннинг уруғ-аймоғи дастурли, оғзи билан юрт сўрайдиган акаси ҳам бормиш» деса, яна биров: «Вой, яна юкли эмишми, ҳомиласини нобуд қилдирганмишми-ей...» дерди. Ишқилиб сўз кўп, тешик қулоқ элда гап ётмайди. Овулга айтсанг ошади, қўшнига айтсанг қўшади...

Ҳаммасидан ҳам Ойхоннинг аҳволи... У яна ўзгарди, кўчага чиқишга юраги бетламай қолди. Иззат-нафси, қизлик ғурури, соф орзулари оёқости бўлганини сезар, ўзиними, Сатторними, бир нимани тушунмоқчи бўлиб, ўй-хаёли патдай, кечалари ойдин дераза ёнида лолу маълул ўтирар, гоҳида эса ўзидан-ўзи тутақиб: «Бораман! Топаман! Иккаласининг ҳам афти-башарасини таталаб келаман! Туфлаб келаман ўша мегажиннинг рухсорига!» деб бақириб қолар эди. Тожихон қараб турса, энди у уятчанг қиз бола эмас, ҳамма нарсани биладиган етук аёл, катта хотинлардай очикчасига гапиради. Энди уни алдаш, юпатишнинг ўзи бўладими!

— Менга қара, орсизнинг юзига туфласанг, «кўклам ёмғири» деркан. Бу мушкул савдо... — дерди Тожихон бундай пайтларда унинг шаштини босиб, — Шаҳарчилик, ҳар хил одам кўп, бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор, икки яхши қовушгани қайда бор, деганлар. Балки Саттор аканг...

— «Аканг» деманг! Охурдаги нишхўрдни топган акам йўқ!

— ...балки алданиб қолгандир. Тажрибасиз, ёш нарса, эҳтимол битта-яримтаси ҳар хил йўллар билан бошини айлантириб, қўлга олиб...

Тожихон қайинсинглисига тасалли учун шундай гапиради-ю, ўзи бунга ишонмаётганини, бу гаплари қизни овутиш учунгина топилган қалбаки гаплар эканини сезиб қолади. У ўзи Сатторнинг унча содда-баёв эмаслигини пайқаб юрарди. Аяси оғир касал бўлиб ётган вақтида тўсатдан чақиртириб, унинг номидан, обрўсидан фойдаланиб ўз ишини тўғрилаб олганини ҳам энди тушунаяпти. Фақат бир нарсани тушунмайди: қачон, қайдан юқтирди бунинг барини?..

Тожихон унинг бутун умрини, болалигини кўз ўнгидан ўтказмоқчи, таҳлил қилмоқчи бўлади. Қараса, кўп нарсани билмас экан. Уша оғир йиллари иш билан бўлиб, Турғуналига ишониб, унинг кўп йилларини кўздан қочирибди. Уша йиллари мактабда ота хизматларини пеш қилиб баҳо талашиш, медаль довлash можароларидан бошланмадимикин бу иллат? У-ку, раҳматлик, бир ногирон, ҳамма нарсасини урушда қурбон бериб изтиробда қолган бир бахтиқаро, ношуд-нотавон эди, сен-чи? Сенинг кўзинг, сенинг эсинг қаёқдайди, Тожихон? «Худойим-эй, ҳали бундан бадтар доғда қолдирмасайди. Бола берса суйгудек, ўлса бағринг куйгудек, деб бекорга айтмаган...»

У ўзини шундай ғазабга олиб турганида, Ойхон, аксинча, бир нималарни ўзича ўйлаб, лаҳмдек юмшаб келади:

— У аслида унақамас, ая. У барибир мени унутмайди, мана кўрасиз...

Ойхоннинг ғазабдан юзини юлганлари ҳам тузук: ғурур чақнаб туради кўзида. Мана бундай, тақдирга тан бериб, маънос умидворлик билан ёлвориб турган пайтлари эса, унга Тожихоннинг раҳми келиб, юраги ачишиб кетади.

Уларнинг гоҳ ундоқ, гоҳ мундоқ келиб ўртайдиган ғуссаларига Ҳасан шерик бўларди. Ҳасан ўқишда-ю, арзимас баҳона билан, ўн-ўн беш куннинг бирида лип этиб қишлоққа келиб қолади. Тожихонга «тузалиб қолибсиз!» «тўлишиб кетибсиз...» деб хушомад қилади. Унинг келиши эркаксиз қолган бу кўшалок хонадонга бир илиқликми, қувноқликми, ҳар қалай жон киргизади. Ҳатто баъзан ҳазиломуз гаплар ҳам бўлиб ўтади.

— Тож демай, келинойи деб гапиринг, аравакаш! — дейди сал очилганида Тожихон унга ҳазиллашиб.

Учалалари ҳам маза қилиб куладилар. Шундай пайтда Ойхон ҳам сал ўзига келади. Шунча таҳқирланган бўлса ҳам, ҳамон дилбар, ерга топталган олтиндай ярақлаб туради. Оёққа чулғов қилсанг ҳам асил ипак бўз бўлмас, деб шуни айтади.

— «Аравакаш»ни-ку кўтараверамиз, лекин келинойи демайман, — деди солдат кепатасини ҳали ҳам йўқотмаган Ҳасан мағрур туриб.

— Нима бало, болали хотинларга хушомад қилиш ҳозирги ёшларга одат бўлганми? — деди Тожихон. Унга Ҳасаннинг хушомадлари ёқар, ҳар қалай ўксик кўнглини кўтариб турар эди.

— Биз қари студентлар-ку, майли, нима деса ҳам, уруш кўрган, дунё кўрган, дегандай, нима қилсак ўзимиз биламиз. Сиз баъзи мишиқи болаларни айтинг! — деворди Ҳасан. Хона жим бўлиб қолди.

Ҳасан ўзи ҳам ўнғайсизланиб, шу гапдан кейин бир-икки кунча буларниқига қатнамай кўйди: Кейин маълум бўлишича, Саттор ўша «каттакон» қайнағасига бўйсунадиган қўшни районга ишга келиб қолганмиш: оиласи билан кўчиб келибди дейишди. Мажлисларда уни ёш раис, райондагина эмас, бутун областда энг ёш раис деб тилга олишармиш... Бу хабарни ҳам Ҳасан етказди.

— Ёшлиқдан бўлак фазилатини топишолмапти-да ҳозирча, — деб теша тегизди ўтди Ҳасан. — Кейин топишади, каттанинг куёви ахир...

Бу кесатиқлар жигарига бориб санчилгандай, биқинини ушлаб қолган Тожихон қўшни районга бориб, Сатторни, унинг оиласини кўриб келишга аҳд қилганди ўшанда...

Тожихон ая кун тиф тортмай туриб қуртхонани яхшилаб шамоллатди-да, офтоб тушадиган деразаларга нам пардалар осди. Ташқаридан қари сада соясида барг саралаётган хотин-қизларнинг қувноқ гурунги эшитиларди. Баргдан ҳозир ташвиш йўқ, агроном Ҳасан хотин бола-чақаси билан Тожихон аянинг бригадасида. Раҳматлик Дадаали аканинг қўлидан олган «боғ»и — Қоразовур тутқаторлари эндиликда унинг парваришида. Қоразовур тутқаторларини уруш йиллари зап етилтириб олишган экан, бутун колхоз пилланиларига татиб турибди. Устига устак, Тожихон аяга эрта кузда иккинчи ҳосил олишга ҳам имкон туғдирди.

Сада тагига ҳозир ўша ердан баҳорда даскана тегмаган бу йилги ёш новдаларнинг тўйимли барглари машинада етиб келиб турибди. У ерда аёллар даврасига Ойхон бош. Шунинг учун Тожихон ая хотиржам, кенг-қовул қарғашойи кўйлагининг тўшбурмасидан чимдиб ушлаб елпинди-да, лапанглаб бориб пастак курсига ўтирди, сўкчакларига тикилди.

Одатдагидай эшик ғирчиллаб, Гулзира кириб келди. Ҳали ўқишлари бошланмаган, шунинг учун эрталабдан пайдо бўлади.

— Келдингми, Гулзира? — деди Тожихон ая қайрилиб қарамаса ҳам, эшикнинг аста ғирчиллашидан уни таниб.

— Келдим, ая, — деди Гулзира ҳали бир-биридан ажралмагандай ёппасига носранг бўлиб ғимирлаган қуртларга ишчанлик билан қараб.

— Давомини айтиб берасизми?

Кеча бу носранг уруғларнинг қаёқдан пайдо бўлганини сўраб қолган эди. Аяси аниқ жавоб беролмадию Гулбозор кампирдан эшитган бир эртаги ёдига тушди.

— Қаерга келиб тўхтовдик?

— Хитой маликасининг Хоразм шаҳзодасига совға танлашига келгандик.

— Шундай қилиб... — Тожихон ая яйраброқ ўтирди-да, ғимирлаган паҳмоқларини сеҳрламоқчи бўлгандай сирли, майин овоз билан давом этди. — Малика оламда йўқ, ҳеч ким кўрмаган-билмаган ноёб совға олиб бормоқчи бўлади. Жуда ҳам яхши кўрар экан-да шаҳзодани. Уйлаб-уйлаб, мана шу тасқара қурт уруғини совға қилиб олиб боришга аҳд қилибди. Уша вақтда Хитойдан бошланадиган ипак йўли Хоразм ерларидан ўтса ҳам, бу ерда қимматбаҳо нафис ипакнинг нимадан бўлишини билишмас экан. Аммо малика билардики, бу совғани чегарадан олиб ўтиш осонмас. Хитой хоқонлари бу мўъжизанинг сирини минг йиллардан бери ҳеч қаёққа чиқармай яширин сақлаб келар эканлар. Сирни бировга билдирган ҳар қандай одамнинг боши кундага қўйилар экан. Аммо муҳаббат кундадан кўрқадими! Одамни дадил, ўлимдан ҳам тап тортмайдиган, тадбиркор қилади у. Малика, таваккал деб, бир чимдим қурт уруғини узун сочлари орасига яширади-да, йўлга чиқади.

— Вой, айёр экан малика! — деди Гулзира қувониб.

— Айёр эмас, оқила, чиройли... Лекин, — Тожихон ая ўтирган жойида сўридаги майда қирқилган барглари ғимирлаб илашган қуртлари билан бирга кўтариб, ёйиброқ қўйди. — Лекин хоқоннинг исковуч айғоқчилари маликанинг ҳийласидан хабар топиб, изидан тушадилар. Қувиб етганларида малика асилзода ҳамроҳлари билан қайиқда Жайхун дарёсидан ўтиб кетаётган экан. Ёйдан тўхтовсиз ўқ ёғдирадилар. Малика ҳам, ҳамроҳлари ҳам, кемалари ҳам сувга чўкиб кетади. Ёвузлар маликанинг чўкишини, сув устида охириги марта сочлари ёйилиб, кейин ном-нишонсиз ғарқ бўлишини кўргач, қаноат ҳосил қилиб, қайтиб кетадилар.

— Вой ўлай... бечора малика... Шуми?

— Йўқ. Хоқоннинг ёвуз айғоқчилари ҳам воқиа шу жойда тугади деб ўйлашган эди. Аслида ундоқ эмас, аслида бу эртақ ипак толадай чўзилиб, то сен билан бизгача келиб уланади.

— Қўйинг, қандоқ қилиб?

— Малика ғарқ бўлганида унинг қимматбаҳо совғаси, мана бу мўъжизакор

қурт уруғлари сувга чўкмади, Жайхун тўлқинларида қирқ кечаю қирқ кундуз тебраниб суза-суза, олис Хоразм элига етиб борди.

Кунлардан бир куни... Гурганж қалъасининг соқчилари мис қалпоқларида дарёдан сув олиб ичаётган пайт... Тўхта-чи! — Тожихон ая гапини бўлиб, қўққис ўрнидан турди. Қизариб ёнаётган голландка ёнига бориб, унинг қора сиртига кафтини қўйди.

— Вой, ая, шу иссиқда ҳам печка ёқасизми? Яна бу катта-катта лампочкалар?..

— Бу йил паҳмоқларни бошқача боқамиз, қизим, — тушунтирди ая, — ҳозир баҳоргидай барг етилишини кутиш йўқ, у қанча десанг тайёр, мечкайларинг тўйиб еб, тез ўсаверади. Бунинг учун иссиқ керак: намлик унча зарур эмас. Кузги барг ҳам серсув бўлмайди ўзи. Хонада ҳаво қуруқ — ҳар хил касаллик ҳам илашмайди. Лампочкаларни айтдингми? Улар ҳам намликни қочиради, ҳам кеча-кундуз бир хил ёруғда мануларинг равон бўй чўзади.

«Мануларинг» деганда қувонган Гулзира кулиб сўради:

— Буларни алдар эканмиз-да?

— Роса лақиллатамиз! — деди Тожихон ая, — қарабсанки, бир ой эмас, уч ҳафтада етилиб, катта калласини сарак-сарак қилиб даста қидириб тентийди. Ярим баробар арзон тушганини ўзи ҳам билмай қолади!

— Вой... бу ҳаммаси янгича-ку, ая! Ўзингиз ўйлаб чиқардингизми?

— Бугина эмас. Шу гал уруғнинг Боғдод навидан олдиқ. Тез жонланади, ўлғудай беор. Бошини еб оқ пилла қилади! Энди бутунлай шу дурагайга ўтаман. Ипаги кўп, боқими кузда йигирма кун! Билдингми?

— Вой, ая, хўп топасиз-да... Сизни ҳали яна газетга ёзишади. Сура-тингизни ҳам беринг.

— Қўй, мани сариғ башарамни нима қилади.

— Йўқ, энди сариғ эмас, юзларингиз оқариб тўлишган, чиройлисиз. Ану галги газетадагисини дадам қирқиб олиб қўйганлар.

Тожихон унга кўзларини катта очиб қаради, кейин киприклари пирпираб, яноқлари қизиди.

— Йўғ-э... нима қиладилар...

— «Чиройли аянг» шу ерда турсинлар, деб, китобларига солиб қўйдилар. Энди эртаннинг уёғини айтасизми, ая?

Тожихон сал ҳардамхаёл бўлиб ўтириб, ўзини бироз эплаб олгач, мавзу чалғиганига шукр қилиб, давом этди:

— Хўш, иннайкейин, мис қалпоқларида сув ичишаётган экан...

Эшик тарақлаб очилиб, ваҳимали хунук товуш эшитилди. Булар аввал гапга тушунишмади. Остонада туриб бақираётган Ҳасан-аравакашнинг хотини Момохол эди. Бодом гулли лас кўйлагини липпасига қистирган, кир рўмоли бўйнига тушиб ётибди, туташ қошларини хунук чимириб, сочи тўзғиганини ҳам билмай, чинқирар эди:

— Бугунги баргни солдингизми? Солманг! Солманг бугунги баргни! Бу ёққа юринг, бригадир, ҳамма жойда қуртлар эриб ётибди!

— Нима?

— Эриб кетди!

Тожихон тўшини ушлаганча, ковушини судраб, лапанглаб югурди.

— Ҳи... важоҳатинг қурсин, эртаннинг белига тепди. Қурт эрир эмиш... — деди Гулзира.

Тожихон аввал Момохол билан бирга уникага югурди. Қуртхонасига кирса, ўлик чиққан жойдек совуқ жимлик. Сўриларда угра қилиб қирқилган бугунги барглар устида қорамтил елимдек ёпишиб, чиндан ҳам, қуртлар «эриб», ёйилиб ётибди. Тожихоннинг миясига бир фикр келмай ҳанг-манг бўлиб қараб қолди. Мунақасини сира кўрган эмас.

— Агроном қаёқда эди?!

— ...билардима, эримга осиласиз деб. — Изтиробда қолган Момохол эшикнинг иккала табақасини ҳам тарақлатиб очиб чиқиб кетди: мана, энди бу қуртхонада авайлайдиган ҳеч вақо йўқ! дегандай. Ташқаридан қичқирди: — Агрономнинг нима дахли бор, ҳамма қуртхоналар шундай шилта бўлиб ётибди. Бугунги баргдан. Теримчи қизлар айтди: Қоразовур тепасида самолёт учганмиш, заҳарли этагини судраб.

Тожихоннинг юраги орқага тортиб кетди. Момохолни ҳали ҳам эски рашки кўзгаб ачитаяпти деса, йўқ иш мушкулроққа ўхшайди. Бригадасига қарашли хонадонларга югурди. Кўпида шу аҳвол. Фақат бир нечтасигина эрталабки баргни ювиб, шамоллатиш учун қўйишган, ҳали қуртларга бермаган экан. Бригадир қичқириб юборди:

— Қоразовурнинг баргини тўхтатинглар! Бугунги баргни бермай ту-ринглар! — У томоқлари қирилиб бақирарди. — Бошқа бригадаларга хабар қилинглари!

Ранги қочиб, биқинини ушлаб қолган жойида, Ойхон келди, Гулзира қўлтиғига кирди. Уйга бошладилар.

— Ая, кўйинг... куйса куйибди бу йилги ҳосилимиз, — деб овулар эди Ойхон, — мана иссиқ чой ичинг. Жа... катта кулфат бўлсаям... Баҳорда ҳиссасини чиқарамиз, соғлик керак.

— Кулфат қуртхонада эмас, Ойхон, — деди ая, аста ёнбошлаб, ўйга толди.

— Қуртхонада эмас?... Ҳа, ҳа, албатта... Қоразовур тутзорларига дори тушган бўлса...

— Тутзорларгагина тушган бўлсайди... Одамларга, виждонларга... Саттор... Саттор аканг.

— Қўйинг, ая, унинг нима алоқаси бор?

— Қоразовур унинг ерларига туташ. Унинг пахтазорлари ичида.

— Ичида эмас, у томони, бу томони...

— Ўзимизнинг оиламиздан чиққани алам қилади. Бу қуртнинг касали эмас, ўзимизнинг касалимиз.

— Қўяверинг, ая, мен тушунмаяпман... Шундоқ ҳам касалсиз.

— Касалмиз... болам. Сен ҳозир қуртхонага бор. Мен бирпас дам олай. — Тожихон гўё куйиб жизғанақ бўлган, юраги увишиб, мияси чатнаб турган бўлса ҳам, ўзини мажбур қилиб, бироз чўзилди. Лекин ором топмади. Ойхон чиқиб кетиши билан, чаён чаққандай сапчиб туриб, кийина бошлади. Иссиқда, ғазаби қайнаган ҳозирги тажанг ҳолатда ноқулай бўлса ҳам, шаҳарлик костюмини кийди, сочларини тузатиб, тош ойнага боқди. «Ўзингни бос, Тожи-тажанг, ўзингни бос...» У оғир бўлишга урунар, шошмас, лекин барибир нафаси тез, қўллари енгил қалтирар эди.

36

Тожихон ая ўтирмақчи эмасди. Кирасолиб, тикка турганча айтадиганини айтмақчи бўлиб, саломсиз-несиз паркет полни дук-дук босиб стол ёнига келди. Келди-ю, қараса гапиролмай, нафаси тикилиб қоладиган: «Т» ҳарфидек қўйилган катта йилтироқ стол ёнидаги яшил креслога ўтириб, сумкачасини тақ этиб қўйди. Раиснинг кабинети кенг, баланд, баҳаво. Лекин Тожихон аяга ҳаво етмаётгандай туюлди.

— Деразаларни ҳам очмабсиз...

Унинг авзойи бузуқлигини кўриб, бир кор-ҳол юз берганини ҳис этган Саттор аянинг «сизлаши»дан яна ҳам саросимага тушиб қолди. Ҳамиша болам-бўтам қилиб юрган, бунга нима бўлди? Уйга борган бўлса, Каромат эсипаст яна остонани кўрсатганга ўхшайди. Таъби тирриқ аясининг...

— Аяжон-эй, зап кепсиз-да! — деб ўрнидан турган Саттор қулоч ёзиб келаркан, қучишга улгурмади, Тожихон ўтириб олган эди. Графиндан пиёлага қилқиллатиб заъфарондай яхна кўкчой қуйди. — Уйга кирмай, нега идорага... зап кепсиз лекин! Бугун ҳеч қаёққа чиқмай бекиниб ўтирувдим, келишингизни кўнглим сезган эканми... — У бир нимадан чўчиб хавотир олса шунақа сергап бўлиб кетарди. — Уйга кириб Кароматга бир оғиз айтсангиз, шундоқ телефон қиларди, фир этиб борардим-да, машина эшикнинг оғзида турибди, овора бўлибсиз, ая. О, аяжоним-эй, соғ-саломатликми?

— Момиқ билан бўғизлашнинг ҳам машқини олибсиз. Деразани очинг, мумкин бўлса.

Яна «сиз».

— Очиб бўлмайди, ая. Ўзингиз биласиз, дефолиация. Ҳиди жуда ёмон. Хонада ўзи ҳаво яхши, нафасингизни ростлаб олинг, — Саттор унинг кайфияти-ни тушунмай қаттиқ хавотирда, ўзини қандай тутишни билмас, юз ифодалари гоҳ сунъий, гоҳ табиий, тез-тез ўзгариб турар эди.

— Узингизни-ку, ҳидига тобингиз йўқ... — деди ая, — у ёқда бўлса... У ёқда қирилиб ётибди...

— Қирилиб? Ким қирилади?

— Ипак курти қирилиб ётибди! — деди Тожихон ая унинг кўзларига тик қараб. Саттор «енгил тортиб» кулимсиради.

— Қўйинг-э, ая... кўрқитвордингиз. Одам қирилаётгандай гапирасиз-а! Қуртлар... Айтгандай, нима бўпти қуртларга? Шу... қуртларингиз ҳам омон бўлсин, рангингизга қаранг, ая!

— Боғни қуритадиган бузоқбоши ҳам — қурт, ҳаводан тилла қилиб берадиган пилла курти ҳам — қурт. Одамлар ҳам шунақа ҳар хил бўлади!

— Ая, нима гап ўзи, тушунмаяпман...

Лекин у масалани тахминан тушунган эди, ҳозир, нима бўлса ҳам, аяни жаҳлдан тушириш керак, шунинг учун саволи саволга ўхшамай, охирида оҳанги тушиброқ кетди.

— Қоразовур устида, тутзорлар атрофида самолёт учирмасликка келишмаганмидик сен билан? Райкомда бўлган эди бу гап, эсингдами?

Саттор аянинг «сен»лай бошлаганидан сал ўзига келди-ю, лекин барибир дарров жавоб тополмади, одатича «болам» деворса эди.

— ...

— Бундай тутуруқсизликни кимдан, қаердан ўргангандинг! Бутун бригадаларда қуртлар сўри билан бир бўлиб ёлимдек эриб ётибди! Бу — жиноят! Ким жавоб беради?

— Ким учибди? Қачон учади? Мен ундай топшириқ берганим йўқ.

— Сенинг хабаринг йўқ! Сенинг ерларингда учади-ю, сенинг хабаринг йўқ! Рўдаподай сарғиш этагини судраб тутзорлар устидан учиб ўтганини ўз кўзи билан кўрганлар бор. Бунга нима дейсан? Ҳеч бўлмаса бир даладан иккинчи далага боғ-роғ устидан ўтганида «этаги»ни йиғиштирсин эди, қанақа безориларни топгансан ўзи? — Тожихон ая тутатқанидан пиёлани тўлатиб яна яхна ичди.

Саттор шошиб пиёлани яна яхнага тўлатди. У ўтга ёғ пуркамаслик кераклигини биларди, шаштини қамчиламади, ёввош тортиб энса қашиди.

— Вой, аяжон-эй... қанақа «безорилар»? Учувчилар умуман тутзорга яқинлашмаслик кераклигини жуда яхши билишади. Қоразовур атрофини бўлса, ўзингиз биласиз, ҳар йили трактор пурковучлари билан чанглаймиз. Кейин, менга қаранг, ая, менинг меҳрибон аяжоним, сизга бу кузги қурт боқишнинг ўзи нима даркор? Ҳеч ким қилмаган ишни қилиб юрасиз. Мен сизга бир статистикани кўрсатайми? — димоғида қулиб, тортмасидан қандайдир қизил рисола олди, — мана, бу рақамларни кўринг: ипакчилик саноатида уч йиллик хомашё уюлиб ётибди экан: корхоналар дақи-юнусдан қолган технологияси билан дуларни қайта ишлашга улгурмаяпти; меҳнатингиз зое бўлиб, пилла омборларда чириб кетади-ку! Сиз бўлсангиз, баҳордагисига қониқмай, яна кузда ҳам... Кимга керак?

Тожихон ая ҳақиқатан ҳам сал бўшашди, бошини қуйи солди.

— Лекин бу сенинг ишинг эмас. Сенинг ишинг тутзорларни заҳарламаслик, сендан шуни талаб қиляпмиз халос, — унинг овози яна баландлашди. — Саноат, хомашё... Унақа давлат миқёсида ўйлайдиган арбоб бўлсанг, гапни чалғитмай, қилган ишингга жавоб бер!

— Тутзорга дори сепилмаган, ая, ишонинг менинг гапимга.

— Ишонмайман. Дори сепилган.

— Сепилмаган.

— Сепилган!

— Йўқ, ахир. Қасам ичайми?

— Оқ бўлсанг онт ичма, деганлар. Бирга бориб кўрамиз.

— ...Ишим бошимдан ошиб ётибди, бизникига қиринг, ая, аzza-баzza келиб қолибсиз, Кароматга телефон қилиб кўяман. Илҳом билан бир гурунглашиб, кўнглингизни ёзинг. Ҳамкасбингиз ўлгудай билимдон бўлган. Анчадан бери кўришганингиз ҳам йўқдир?

— Йўқ, ҳозир Қоразовур массивига борамиз, ўз кўзинг билан кўришинг керак.

— Ая...

— Пастда машинанг турибди. Кетдик.

Тожи-тажанг гапидан қайтадиган эмасди, раис ўрнидан туришга мажбур бўлди. Тожихон уни қўярда-қўймай, ёш боладек билагидан ушлаб зинадан олиб тушиб кетди.

Раиснинг «Волга»си уларни икки томони пахтазор, сув илоннинг пўстидай буралиб ётган чанг йўллардан дингиллатиб олиб кетди. Машинанинг ҳамма даразалари тақа-тақ берк бўлишига қарамай, кўзга кўринмас тўзон, ғубор аралаш қўланса ҳид димоққа урилиб, кўнгилни беҳузур қиларди. Қоразовурга етганда машина тўхтади, тутзорлар ёнидаги ялангликка тушдилар.

Мана ўша тақир тепалик, Дадаали акаларнинг куз аёзида дийдирашган ертўлаларидан билинар-билимас чуқурча қолибди, холос. «Сўпи! Сўпи!» деб, Ойхоннинг оёқяланг югургилаган юлғунзорлари... Тожихон ая, безгак терламаси хуружида босинқираганлари зеҳнида қалқиб, бадани жимирлаб кетди. Кўзини юмди. Изғиринда шовуллаган сариғ қамишзорлардан курум хиди келгандай бўлди. Унинг ҳамма кўргиликлари ўшандан бошланган эди...

Қовоғини кўтарганида ёруғ осмон кўзини қамаштиради. Энди бу ер машиналарга барг юклайдиган майдон бўлибди, тупроқда ғилдирак излари, шох-шабба, эски болта, занглаган дасканалар сочилиб ётибди. Енгил шовуллаб турган дуркун тутқаторлар Тожихон аянинг кўзига оловдек кўринди. Нима бўлса ҳам, раҳматли қайнотаси айтгандай, шу кўклам «боғлар» қолди-ку, унинг кечирган уқубатларидан!.. Бу — унинг фарзанди. Энди заҳарланган фарзанди...

— Мана, кўрдингизми! — деди Тожихон ая Сатторни яна «сиз»лаб. Бу баъзан Сатторнинг нимасидир бегоналашгандай туюлганда ўз-ўзидан, беихтиёр оғзидан чиқиб кетарди. — Сиз... мени ишонтирмоқчи бўласиз, қани яқинроқ борайлик.

Улар қалин тутзорга яқин келдилар. Саттор истар-истамас, мажбуран эргашарди.

— Нима? Нима бўпти тутзорингизга, ҳеч гап йўқ.

— Ҳидини қаранг.

— Бу ҳид ҳозир ҳамма жойда бор. Бутун республикада далалар биқисиб ётибди. Юртга келган тўй! Лекин тутни нима қилади дорилаб!

Унинг бақрайиб туриб ёлғон гапиргани Тожихон аяга жуда алам қилиб кетди. Дашномларига киприк қоқмайди-я! Ая куйиб, бадтар ўжарлиги тутиб, ўғлининг қилмишларини бўйнига қўйишга қасд қилди.

— Ҳеч гап йўқ дегин? Қуртлар бекорга қорайиб қотибди-да?! — шилта бўлиб ётган сўрилар кўз ўнгига келди-ю, доғланган ёғдай тутаб, олдинга интилди. — Қани, бир ичкарироққа кириб исбот қилгин-чи, ҳеч гап йўқ бўлса! Мен баргнинг ранги заррача ўзгарса ҳам сезаман.

— Баргга ҳеч нарса бўлмаган, қуртларингизнинг ўзи... минг бир хил касали бор.

— Қани, киринг бўлмаса тутзорга, нега қараб турибсиз!

— Бола бўлмайлик, қўйинг... — қайрилиб машина томон кетмоқчи бўлганида, Тожихон ая енгидан ушлади.

— Киринг деяпман, қани, киринг!

— Бақирманг, шофёр бола қараб турибди.

— Обрўйингиз тўкилмайди, киринг!

— Бас қилинг.

— Кирмайсанми?

— Бачканалик бу...

— Кирмайсанми? Номардман дегин? Номардман десанг, мана, мен кираман бўлмаса! — деди ая ғазабдан вужуди қақшаб.

— Сизга нима бўлди... — уни ушлади Саттор.

— Қўйвор, мен кираман! Мана, сен қараб тур! — деб шартта тутзорга қараб юриб кетди. Афтода юрак ғазабини тизгинлаб ололмади.

— Ая!

Тожихон тўхтамай, тут шохларини оралаб, ичкарилаб борарди. Сатторнинг кўзи соққадай ирғиб чиқди. Ўлганнинг кунидан, сабрини ичига солиб, зўрға чидаб турган жойида, ишнинг жиддийлашганини сезгач, ранг-кути ўчди.

— Ая, қайтинг! Ая, нима қилаяпсиз, — деб қичқира бошлади, — қайтинг, ая, бутифос ахир! Бутифос! Ая!

Тожихон ҳали намчил, сассиқ, сал оқаринқираб турган қуюқ кўкалам тутзорлар ичига кириб йўқолди. Бетоқат типирчилаб, тилини ташлаб қолган Сатторнинг овози янграр эди ҳавода. Баҳорда каллакланиб, ёшариб қолган пастак тутзорлар ялангликдан яхши кўринарди: бутун Қоразовур массиви қора, тўқ яшил рангда товланиб жимжит бўлиб қолди. Аяни у гўё ютиб юборгандай. Саттор шофёр боладан мадад сўрагандай дам машина томон қарар, гоҳи яна тутзор сари асабий юрарди. Сал нари бориб, тутқаторларни ёқалаб ҳам келди. У ёққа аланглади, бу ёққа қайрилди, баргчилардан қолган бир пой эски қўлқопни негадир оёқ учи билан титиб кўрди, юмалаб ётган сув қовоқнинг бир палласини тепиб учирди ҳам, жаҳлини босолмади. Дефолиантнинг қўланса ҳидиданми, асабданми, кўнгли айнаб, кимгадир ғазаб сочиб, ерга туфлади.

Бир вақт қараса, қуюқ тутзорнинг ўқ ариқ ўтган томонидан аяси чиқиб келяпти. Бошига танғиган рўмолини кўлига олиб, костюмидаги оқ доғларни арта-арта, ариқ ёқасига келди. Уша ерда бир портлаш бўладигандек, Саттор ваҳимада қараб турарди. Портлаш бўлмади, ая чўкка тушиб ариқ сувида юз-қўлини чайгач, яқинлашиб келабошлади.

Саттор аллақачон машинасига чиқиб олган. Тожихон ая ҳам этигини қоқиб, ўрнига кириб ўтиргач, машина юриб кетди.

— ...Шу билан нимани исбот қилдингиз энди? — деди Саттор анча жим юришгандан кейин, бошини кўтармай. — Ўзингизнинг ўжарлигингизними?

— «Бутифос! Бутифос!» деб қичқирдинг-ку?.. Бундан ортиқ исбот бўладими! Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар...

Саттор эшитмагандек гум-гурс, анчагача индамай ўтирди. Орадаги тундлик чўзилиб кетганидан шофёр ҳам, нима бўлди, дегандай орқасига қайрилиб қараб қўйди.

— Энди мен шу ишни учувчиларга ўзинг буюрганлигингни ҳам исбот қилишим керак, — деди Тожихон ая катта йўлга чиққанларидан кейин. — Бунисини энди ўзинг буйингга оларсан деб ўйлайман. Лекин асосий гап эртага райкомда бўлади, ўша ерда ҳаммасини ўзинг гапириб берасан. — Автобус бекатига яқинлашганларида Тожихон ая машинани тўхтатди, эшикни очиб, тушабошлади. — Эртага райкомда! Гапингни ўйлаб қўй.

Саттор ҳам унинг орқасидан машинадан тушди.

— Ая, сиз жаҳл устида қаёқдаги гапларни ўйлаб топаяпсиз. Мен қанақа буйруқ берибман. Нега мен буюрар эканман? Уйга юринг, шу ердан қайтиб кетманг, уят бўлади. Уйда она-бола бафуржа, оғирроқ бўлиб гаплашайлик. Ғалати бўлиб кетибсиз...

— Ҳа, бир-биримизни тушунмай қоляпмиз. Эртага келаман, райкомда гаплашайлик, мен қанақа ўғил ўстирганимни билмоқчиман.

Тожихон ая кўксини ушлаб, бир-икки марта қийналиб ўқчиб қўйди.

— Ая... ақлдан эмас-ку бу... Нима қилиб қўйдингиз? Бир қўртни деб, жирканч ҳашорат деб... Эриб елимдай ёпишганмиш, дунёда бутунлай уруғи қуриб кетмайдими!

— Қўртни деб эмас, сени деб.

— Ая, аямсиз-ку! Бундай доим ўртаниб, жон-ҳалак, беҳаловат яшай олмайсиз ахир, оғир бўлади. Сиздайлар доим букилиб, мунгиб қолади, ая.

Тожихон кетаётган жойидан ялт этиб қайрилиб қаради.

— Лекин... ҳақиқат букилмайди!

— Ҳақиқат... ҳақиқат юқорироқда бўлади. Битта қўртга ҳам ҳақиқатни суқиштирасиз...

— Эртага, эртага... Уша «юқори»да гаплашамиз, — Тожихон, бу мушкул гапларга ҳоли келмай қолдими, бекатга энди келиб тўхтаган автобус томон майда қадам билан йўрғалади.

Автобусда у лўли хотин билан ёнма-ён ўтириб қолди. Қат-қат этакларини ёйиб ўтирган сертақинчоқ лўли хотин ҳамманинг кўз олдида қопқора сўлқилдоқ боласининг оғзига кўкрак тикиштирарди. Шу ҳолатда ҳам ишлаб қолиш пайида: Тожихон ая кириб ўтириши билан бобиллай кетди:

— Сиқилманг, пошшо! Чехрангиз очиққина экан, қўлингиз ҳам очиқ бўлсин илоё! Қани, кафтингизни беринг, жоним, кўрмаганингизни мен айтай. Билганингиз ўзингизники, билмаганингизни мен айтай.

Диққат бўлиб, юрагига қил сиғмай турган Тожихон синиқ кулиб, бош

силкиди. Билмаганини ҳам билиб келяпти ҳозир. Қачондир, умрида биринчи марта кимгадир кераклигини ҳис этган эди, у ҳам пучга чиқиб утирибди.

Љули хотин нариги қўшнисига шилқимлик қилабошлади. Бақалоқ боласи ёш онанинг тўла кўкрагига қопқора жажжи бармоқларини ботирганча биқирлатиб сўрар эди. Она сути... Фарзандга ҳаёт беради. Онага-чи? Онага — ҳуқуқ. Сут берган қарздор қилади, сут берганнинг тили узун. Тожиҳоннинг нима ҳаққи бор, у судда ҳукм қила олади, уйда эса...

Боласининг машмашасига эътибор бермай ҳадеб бидиллаётган ҳаёсиз лўлига қараб, хўрлиги келди...

Саттор уйга қайтиб, шляпаси билан пиджагини ечиб диванга улоқтирди, «ада-ада»лаб келган Тўлқинни ташқарига икки қўллаб итариб, «вертолёт»ини тутқазди-да, эшикни ёпди: «Ўйна!» Эрининг тўқими тескари бўлиб келганини пайқаган Каромат ўсма аралаш терларини оқизиб ошхонадан чиқди, бошини баланд кўтариб синовчан қаради. У бағбақаси уч қават бўлиб кетмаслиги учун бошини кўтариброқ юрарди. Индамай яна ошхонага қайтди, бир зумдан кейин патнисда чой-нон, майиз, бодом, юпқа парракланган қази, ликобчада асал олиб чиқиб, эрининг олдига қўйди. Саттор индамай ўтирди-да, бир нима татмай ўрнидан турди.

— Нима гап тагин?

— Ҳеч гап йўқ. Ая келувдилар...

Каромат сонини шапатилаб курсига чўкаркан, афти-ангорини бужмайтириб, дабдурустан бутун дардини дастурхон қилди:

— Узим ҳам ўйловдим-а, шунақадир деб! Нима керак экан яна? Шу келди дегунча ичингизга зардоб тўлиб қайтасиз! Неча марта айтдим: нервинни бўлиб қоласиз, еттиёт бегона ишингизга аралашмасин деб! Ая эмиш яна... Нимаси ая? Ўғлим-ўғлим қилиб, сизни лой хуштакка ўйнатиб юрибди! Сизда нима иши бор экан тагин?!

— Бас қил. Қуртларга ўлат кепти, бизнинг дефолиантлардан кўраяпти.

— Илоё ўзига келсин... — Келин минғиллаб кириб чойнакни янгилаб чиқди. — Чойингизни ичинг, худойим-эй, шунга шунча вовай-лоҳ!

— Райкомга борамиз деяпти.

Каромат хо-холаб кулиб юборди, жиякли лозимда яланг оёқларини кериб босиб, шоколадранг «стенка»дан коньяк олди.

— Утиринг! — деди столга тақ этиб қўйиб. — Ҳозир гўшт қовуриб чиқаман. Кўпқак югуриб този бўлмас, деганлар. Райкомга деса, обкомгаёқ бошлаб боринг! Нима қипти, Ғулом акам сизни шунга талатиб қўярмиди. Пичоқ ўз сопини кесмайди!

— Йиғиштир, ҳеч нима керак эмас, дам оламан, — деди Саттор. Илҳомнинг дарсхонасига кириб, деразаларни қоронғилатди-да, диванга чўзилди.

Лекин бундай вазиятда дам олишнинг ўзи бўларканми! Аянинг бегонасираб қарашлари кўз ўнгига келаверди: «Қуртларни эмас, сени деб...» «Қандай ўғил ўстирганимни билмоқчиман...» Бу гаплар қаеригадир тигдай санчилиб турар эди. «Гапга устаю... ийллаб қуртхонасида ўтиравериб, давр нишоналаридан, район, областдаги аҳволдан беҳабар, орқада қолиб кетибди ая». Областда Саттордай раис неча? Балки эртага обкомга борса, «қандай ўғил ўстирганини» яна бир марта тушунтириб қўйишар. «Сени деб... Сатторни деб ўтга киришга эҳтиёж йўқ эди...» Чўкиб кетаётган одаммидики... Аксинча! Нималар бўлаётганидан беҳабар-да. Очиғини айтишнинг ҳозирча иложи бўлмаса. Муддаонинг кўланкаси кўриниб қолди ахир, яна жиндак...» Шунгача ая билан муомаланинг посонгисини тўғрилаб турса, кейин ўзи тушунади, хурсанд бўлади. «Энг бахтиёр онасиз, ая!..» Бунинг олдига қурт нима деган гап экан! Ё эртага сал учини чиқарсаммикин? Посонгини тўғрилаб туриш «учун...» Йўқ, ая жуда синчков, барибир охиригача олиб бормаса тинчимайди.

Бу ўйлар билан Саттор ўзини овутолмади. У ниятини эслаб қувонар, ҳовлиқар, ўзини кучли сезар, лекин вуситаларни таҳлил қилгиси келмас, улар ҳақида ўйласа руҳи тушиб, хаёлини чалғитишга уриниб қолар эди. Уларни

бошқалар ўйласин, Саттор ўзига эмас, ўшаларга керак. Аяни ҳам Ғулом акага қўйиб бергани маъқул. «Афкори омма» қандайлигини бошлаб тушунтириб қўяди.

Ғулом ака ҳар ишда «афкори омма»га таянади, бу иборатни у ўзи ясаб қўйгандай яхши кўради. Афкори омма доим унинг назарида, керак бўлса уни ўзи ҳам вужудга келтира олади ва афкори омма кучи билан ҳар ерда ҳақ, ҳар ишда енгиб кетади. У обкомнинг ташкилий бўлим мудирини, кимдан сўрасангиз, минг йилдан бери шу ишда ишласа керак, дейишади. Ҳамма районларда отнинг қашқасидай таниқ, одамлар уни узоқдан, сохт-сумбатидан танийдилар. Тажрибаси катта, алоқалари кўп. «Минг йилдан бери» кимлар билан тўқнашмайсан, кимларга яхшилигини тегмайди, кимлар билан қаймоқлашмайсан киши...

Ғулом аканинг бўйи пастак бўлса ҳам, қўллари узун, бармоқлари тиззасидан пастга тушиб туради. Бундай одамлар одатда жуда серҳаракат бўладилар. Унинг қўли узунлиги ҳақидаги гап кўпинча ҳам тўғри маънода, ҳам кўчма маънода ишлатилади. Яъни, ўзига ишончи ҳам, бировларга таъсири ҳам чексиз, райком уёқда турсин, ҳатто обком секретарларини ҳам оғзига қаратади. Гапига қулоқ соладилар, лекин негадир ўзини кўтармайдилар, ҳар сайловда ҳамма уни ана кўтарилади, мана кўтарилади, деб туради-ю, у яна ўрнида қолаверади.

Саттор унинг синглизига уйланганида яна ҳам «катта» бўладиган турки бор эди, лекин бўлмади. Энди қариб ҳам қолди шекилли. Уюштириш, ундириш билан унча шуғулланмайди. Аксинча, уюштирадиган, ундирадиганларни ўзи тергаб туради, оталарча. Болали синглизини ҳам қиличдай йигитга ўшалар узатворишган. Ғулом аканинг бу ерда деярлик қўли йўқ, у «афкори омма»нинг қай томонга оғаётганинигина тушунтириб турган, холос.

Саттор депутатликка сайланганида-ку «афкори омма» бус-бутунича олий маълумотли ёш раис томонда бўлган эди. Кандидатликни ёқлаб олганидан кейин эса «афкори омма»да сира шубҳа қолмади: ким қайта сайланиши керак раисликка — ёш олимнинг ўзими, ё бошқами?

Эндиликда бундан ғам йўқ: «афкори омма»ни Сатторнинг ўзи яратади.

Саттор қоронғи хонада одатдаги тушлик уйқусини ололмай ётар экан, хотини «Ғулом ака» деганида ўтган йилги қурултой ёдига тушди.

Ғулом ака бўйнига илон пўсти галстук таққан, гавдаси гирдиғум, юзи жувозкундадек ялтираб турадиган, тепакал, шунинг учун «бош»дан гапиргани бир умр хушламай қўядиган одам эди. Кулганида силкинадиган дамбиқ қорни ўзидан олдинда юрарди. Ўзи жуда сўзамол, доим илҳоми қайнаб, гапиде шоирлардан ҳикматли сатрларни ёд айтадиган ажойиб улфат ва тажрибали ташкилотчи киши.

Уша қурултойда Сатторни сўзга чиқасан деб оёқ тираб туриб олди... ўзининг ўшандаги қуйма гаплари бир-биридан совуқлигини энди эслапти. Танаффусда ойнагулчин бухор залида айланиб юрарканлар, Ғулом ака куёвининг қўлтиғидан олиб аврайберди: афкори оммани бошқариш керак, катталарда жозибали таассурот туғилсин, бунинг учун аввало қўшимча мажбурият олиш, эл олдида юксак ваъда бериш ярашади ғайратли ёшларга!..

— Областга машъаллар, улуғларга эса обрў керак, иним, юрт бошида турибмиз. Сув келтирар мард киши, экин экар ҳар киши.

Саттор сўзни қандай бошлайман, демоқчи бўлиб, «бош»ни айтишга қўрқиб турганида.

— Мана сенга рақамлар, — деб қолди Ғулом чўнтагидан қоғоз чиқариб, — бу шунчаки рақам эмас, лауреатлик нормаси!

— ...Гапириб қўйган билан, буни бажариш... ўтган йилги қарз ҳам бор.

— Сен... нон узатганининг қўлини тишлама. Ё бирон гапим елга учувдими? Мен айтгандан кейин ҳаммаси тўғри бўлади. Сен катта гапиравер, тоққа қоқинмайсан, харсангдан эҳтиёт бўл, деганлар. Бизга ҳам бир лауреат мана мундоқ керак бўлиб турибди! — деб бўйинини қирққандай қилиб кўрсатди у. — Ёш, билимли раис, колхозинг обод. Ҳосилми? Ҳосилни ҳосил қиламиз, — деб, сўз ўйини қилганига яйраб бир кулди, — улуғларнинг бир сўзи тошни кимё айламай, лаббай?

Ғулом аканинг кўзи қизиқ: алоҳида. Ўзи кулганда ҳам, кўзи кулмайди. Бурун бундайларни «юзиде фарштаси йўқ» деб таърифлар эдилар.

— Ҳаммаси қўлимизда. Шоир айтгандай, тақдирин ўз қўлда яратур инсон! А? Е чаккими? Шундай бўлгандан кейин, ўзимиздан чиқса ёмонми, қаеринг кам, куёв! Омад келса ён-ёнда келаркан. Омадинг келиб турибди, бу ёғини пишитганман. Шунга эришсанг, буёғи — Юлдузга ҳам бир қадам. Сеники нима — нутқ айтсанг бўлди, қолганини биз қиламиз. Аҳди улуғнинг бахти улуғ, деб ёзаяпти газеталар. Катта айтабер. Музокарага ёздириб қўйганман. Бўлдимми?

— Гапирмасдан ишни қилаверсак-чи?

— Йўқ, бунга афкори омма... яъни, ҳозирдан замин тайёрлаш керак. Нутқ, газета, ном... кутилмаганда гап бўлмасин-да. «Э, бу киши ҳалиям лауреат эмасмиди?» деб ҳайратда қолсин одамлар. Мана, афкори омма дегани шу бўлади!

Саттор ўшанда шу юксак гапларга учиб, оғзига катта сўз олиб қўйди. Энди буни амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтиш мумкин эмасди. Эллик фоиз пахтани биринчи машина теримида олиш — ишнинг ярми ўн кунда тугайди деган сўз. Кейин ҳашарчилар келади. Шунинг учун раис ҳаммадан олдин авиаторларни чақириб, жиндак у-бу ваъда қилди-да, ишга солди.

— Ёппасигами?

— Ёппасига!

Ҳамма иш мўлжалдагидай кетятувди-я, мана бу даҳмаза тишга тегиб қолди-да. Тўғри уч йил аввал Қоразовур тутзорлари атрофини дефолиация қилмаслик ҳақида райкомда қаттиқ гап бўлган. Лекин уруш йиллари бир бало бўлиб колхоз территориясига тушиб қолган бегона ерларни ўйлаб ўтиришнинг мавридими ҳозир? «Э, ая-эй, на миқёсларни билади, на истиқболни...»

Саттор шундай дейди-ю, лекин аянинг келишидан кўрқади, у билан баҳслашиш қийинлигини ич-ичидан сезади. Эртасига орденлару депутатлик нишонлари тақилган янги костюмини кийиб, ўзини дадил тутишга уришиб, лекин юрагининг бир четидаги ўша ҳадик билан, гоҳ ташқарида, гоҳ уйга кириб, аяни кутди. Уша кунни Тожихон ая келмади.

Сатторнинг кўнглида «чекиндимми?» деган қиттак умид билан тобора кучаяётган ҳалиги хавотир олишар эди. Унга раҳми келгандай бақрайиб турган Кароматга дуч келди-ю, бадтар асаби кўзғаб, янги костюмини жиринглашиб диванга ташлади.

Тожихон ая ундан кейинги кунни ҳам келмади.

— Ана, айтмадимми? Бузоқни югургани сомонхонагача! Сизнинг таъбингизни хира қилишга етади кучи! Райкомга борармиш!..

Хотинининг бу гапидан кўнгли тинчимади. Таъб хиралик бадтар эзаверди Сатторни. Уйда ҳам, идорада ҳам ўтиролмай, машинага чиқди.

— Ушаққа! — деди шофёрга.

Сочи ўсик, жуссаси кичик, камгап, лекин ичидан пишган шофёр бола «ўшаққа»ни яхши тушунар эди, «хўжайин» кечқурунлари Ойхонни кўргани борганида ҳам, уёқдан келишда ҳам ҳаммиша шунақа қовоғи солиқ бўлади. Шунақа экан, қатнаб нима қилади, ҳайрон. Болалигидаёқ ўша қишлоқи қиз жигаридан урган дейишади, тўғри экан-да.

Саттор кириб борса, кўш ҳовли ҳувиллаб ётибди. Йўл бўйи ичида совуқ бир нарса фимирлаб безовта қилган эди, сезганича бор экан. Тожихон аяни касалхонага олиб кетишибди. Ойхон ҳам кечадан бери ўша ёқда экан. Қуртхонадан чиқиб келган бир холдор хотин гапириб берди: Тожихон аввал ўғли ўлган онадай узоқ-узоқ айтиб йиғлабди, қайин синглиси нима қилишини билмай унинг бошидан совуқ сув қуйибди. Уша кечаси шўрлик, жигарим деб додлаб, ғужғанак бўлиб олиб ётаверган экан, эрталаб келиб олиб кетишибди.

Саттор зинапоянинг кўчиб кетган фиштига ўтириб қолди. Ҳамма нарса очиқ-сочиқ, долонидан илон кўчиб эгаси кўчиб кетган ҳовлидай кутсиз, эшиклар сал шабадага ғирчиллаб очилиб-ёпилиб ётибди. Сўри тагидан ўғри мўшук ўтиб, аллақайёқда ваҳима билан товуқ қақоғлади. Ариқ тўла сув, кузги гуллар эса очилмай сўлган... Сатторнинг етим болалиги меҳр топган жойлар, илк ҳаяжон, илк қувончлар... У нам парда босган кўзларини юмса, қаердадир Ойхоннинг кўнғироқдай шўх кулгиси эшитилади, очса — ҳеч нарса йўқ. Қаёқда қолди у серташвиш, ғам-ғуссасию шодликлари билан қайнаб яшаган катта оила? «Ҳаммани боғлаб турган у ришталарни ким узаяпти, ая? Йўқ, улар ҳали сизнинг иссиқ қўлингизда, кетманг, ая, кетманг!..»

Шофёр бола уни уйга олиб бораркан, чироқда тунги капалаклару ҳар хил ҳашоратлар ғужғон ўйнаган дала йулидан зўрға кўз узиб, орқасига қараб кўярди. «Хўжайин» мўмиёдек бўлиб ўтирибди, уйга етгунча ҳам бир оғиз гап қотгани йўқ, судралиб кириб кетди.

Шу билан уч кунгача уйга ҳам, идорага ҳам машина чақиртирмади.

Шифохона район марказининг анча қаровсиз қолган қадимий боғлар билан туташ бир чеккасида, қуриб бораётган эски ўрикзорда жойлашган эди. Атрофи яшил темир панжара билан ўралган яланглик. Унда ёйилиб ётган бир қаватли бу колхозлараро диспанцерни қуришга Саттор ҳам бир вақт ўз улушини қўшган, лекин келиб кўрмаган эди, унда қандай касалликлар даволанишини ҳам билмайди.

Ҳозир кўнгилсиз учрашув олдидан нохуш хаёлларини чалғитиш учун шуларни ўйлаб келаётган Саттор қабулхонада кўпгина одамларга дуч келиб ҳайрон бўлди. Деярлик ҳаммалари Тожихон аяни сўрашар, афтидан, киришга рухсат йўқ эди шекилли, норози қиёфада кетишни ҳам, кутишни ҳам билмай, ғовур-ғувур қилиб турардилар. Шунинг учун бир кишига, Сатторга рухсат бўлганидан ҳам сал жонланиб, эшик томонга дарров йўл бушатишди: «Ўғли экан», «Раис экан», деб бир-бирларига шивирлаб қолишди.

Тожихон аянинг палатаси уч кишилик экан, фаросатли ҳамхоналари бирпасдан кейиноқ халатларини ёпиниб аста чиқиб кетишди. Тожихон ая бир қарашда унча ўзгармаган, лекин кўзи сўник, овози хаста эди.

— Келдингни, болам... — деди қуруқшаган лабларини қимтиб.

— Аяжон... қалайсиз?

— Ҳозир жуда яхшиман, ўғлим... Дард меҳмон: ўзи келиб ўзи кетади, — деди синиқ кулимсираб. — Бу эски касал, ўзинг биласан, бир тутди-да. Қаттиқ тутди.

Кечасиги оғриқларни эсладими, қошлари чимирилиб, сарғишроқ юзида ажинлар тиришди. «Ҳозир жуда яхшиман...», яхшиси шу бўлса... Ажабо, бир ҳафта ўтмай, одам шундай ўзгариб кетса-я...

— Бекор қилдингиз-да, ўзи ўша куни... Сизга пахтада ишлашни бекорга ман этишмаган докторлар, сиз бўлсангиз...

Тожихон ичида ўт бордай қийналиб, бир тўлғанди.

— Виждонни, ҳақиқат ташналигини ман этолмас экан-да улар.

— Боринги, ҳақиқат деб ҳам... ўлиш керак эканми? Баҳоси борми ўзи ўша ҳақиқатнинг? Бўлса, қанча? Одамдан ҳам қимматми?

— Бу гапнингда жон бор, болам. Чиндан ҳам, ҳақиқат барибир юзага чиқади-ю, лекин умр етмай қоларкан... — деди ая секин.

Саттор беихтиёр овози бироз баландлашганини пайқаб, тилини тишлаб қолди. У йўл бўйи юмшоқ, беозор гаплашишга аҳд қилиб келган эди. Лекин Тожихон ая унинг бу ҳолатини кўрмади, у сўниқ кўзларини шифтга тиккан эди.

— Шундай бўлса ҳам... — деди яна секин, — ҳозир мен очмасам, кейин ким очади сенинг кўзингни...

— Яна «сени деб...» — Саттор овозини зўрға пасайтирди. — Керак эмас менга ҳеч қанақа қурбон, ая! Дадам халқ учун ҳаётини берган, мен ҳам тайёрман, биласиз...

— Йўқ, йўқ, жон болам... — дармонсиз қўлларини силтади ая, — сенинг ҳаётинг... Йўқ, йўқ, илоё омон бўл. У уруш вақти эди... Ҳеч кимга, ҳеч қачон кўрсатмасин... Узингга ҳам, болаларингга ҳам. Қанчаларни ютди у қаърига... Мана энди мени ҳам тортиб кетяпти...

Сўнги сўзларида ҳадсиз бир дард, умидсиз, заиф ғазаб эшитилди. Сатторнинг бу аҳволга тушган аясига раҳми келиб, кўксидан кескир бир нарса кўтарилиб келди — аламми, пушаймонми; пушаймон бўлса қилган ишларига-ми, айтган гапларига-ми — ўзи билмайди.

— Ая... агар очиғини айтсам, кечирасизми...

Тожихон ая эшитса ҳам, эламади шекилли, кўзларини шифтга қадаб ётаверди. Сатторга гўё бу барибир, ўзига ўзи гапиргандай, бўлган воқеанинг барини, сира ўзини оқламай, рўй-рост тизиб солди. Ғулом акани ҳам, унинг

ваъдаларига учганини ҳам, ҳамма нарсани йиғиштириб, қандай йўл билан бўлмасин, «лауреатлик нормаси»ни ўташ учун шошиб ёппа дефолиацияга тушганини, учувчиларга ўзи буйруқ берганини... ҳаммасини батафсил гапирарди-ю, ичида «тўғри қиялпман, очигини гапириб тўғри қиялпман» дея ўзига ўзи таъкидлаб қўярди.

Бутун гуноҳларини, ярамас ишларини гапириб бўлди-ю, ичи бўшаб енгил тортмади. Аянинг ҳукмини кутиш бундан оғирроқ эди чамаси. Тожихон бўлса, эшитдими-эшитмадими, ҳайрон ҳам бўлмади, ўзгармади ҳам. Анчадан кейингина секин:

— Билардим... — деб қўйди, — ҳаммасини билардим...

Бу заиф овоз қаттиқ ҳукм кутиб ўтирган Сатторни бошига тўқмоқ тушгандай гангитди.

— Қаёқдан?

— Тахминлаб, болам, тусмоллаб билардим. Ичимни зулукдай сўриб юрган нарса шу эди. Мен сени бир кун эмас... бир кун сендан бутунлай жудо бўладиган даражада қаттиқ хафа қилишим кераклигини сезиб, кўрқиб юрардим. Хайрият... воқеаларнинг ўзи сени огоҳлантирдими, ўзингда, кўнглингнинг бир четида бор эканми, уйғонибди, болам...

— Мен фақат бировларни айбламоқчи эмасман, ўзим ҳам... Ишни ҳаммадан олдин бошлаб, қойил қиламан деб...

— Гап унда ҳам эмас...

Тожихон ая нафас ростламоқчидай, бироз жим ётди. Кейин бадтар ҳорғин товуш билан мулоҳаза оҳангида бошлади:

— Ўз районларида обрў учун «машъал»лар, бўрдоқи боққандай махсус етиштирилган раҳбарлар чиққан. Сен ўшаларга қўл келиб қолгансан...

— Гапга тиканак боғлаб гапирасиз-да, ая... — деб Саттор ерга қаради.

— Ёглаб гапирсам ҳам, тиканак боғлаб гапирсам ҳам, мазмуни шу... — деди Тожихон ая, уёғини гапиролмайди-ю, ўйлади. Ўйлаганда одам аниқ сўз билан, жумлама-жумла ўйламайди. Унинг ўйларида бу сўзлар бормиди-йўқми, лекин, ўзи айтмоқчи, мазмуни шу эди: «Боланинг давр иллатларидан бўлган, инсонда инсонийликни нуратадиган шўҳратпарастлик ширасига ёпишиб, текинхўр ҳашаротга айланишига сал қолибди... Ёраб, мен нима қилиб қўйдим? Қаёқдан илашди бу? Шўҳратпарастлик нима ўзи? У жуда ҳам пинҳона иллат эмас-ку? Бундай қарасанг, очиқ кўриниб ҳам туради. Лекин қандай қилиб гуллаб-яшнади?.. Усталари бор. Бир мудҳиш иллатни бошқа бир иллат остига яширабладиган усталари кўпайган. Устки ялтироқлик, дабдабазлик остига яширадилар. Улар шундай тилёғламалик қиладилар: «Мана, кўрдингизми, ҳаммаси қандай яхши! Жамият учун жон куйдирдим. Шунинг учун ҳам шон-шўҳратга муносибман!»

Тожихон ая кўзини юмиб, алам билан ўйлар, гўё ёнидаги меҳмонни унутган эди. Шунинг учун Саттор ҳам, чарчатиб қўйдим, уйқуга кетди шекилли, деб, қўзғалишга мажбур бўлди. Кўксида оғир тош билан ўрнидан туриб, оёқ учиди ташқарига чиқди.

Шундан кейин у шифохонага бир неча кунгача боролмай юрди. Бориши кераклигини билладую оёғи тортмайди, у ерда ўз гуноҳи, ўз жинояти олдида ҳимоясиз, ожиз ўтиришдан юраги безиллаган.

Хафта охирида бир борганида беморнинг қон томирига гемодез томизish учун ётқизишган экан, киргизишмади, қайтиб келди. Яна бир борганида Тожихон ая деворга қараб ғужанак бўлиб ётганича оғриқ хуружи билан олишаётган экан, туриб-туриб, бир оғиз гап айтолмай чиқиб кетди.

Сўнгги боришида одам кўп экан, ўша кунни умуман рухсат бўлмади. Саттор иморатни айланиб ўтиб, ўрикзор томондаги эшикдан кириб бош врачга йўлиқди. Бу, бошдан оёқ оқ кийган, кўзи ғамгин, кексароқ одам эди. Иккаласи ҳам бу учрашувни илгаридан кутгандай, кабинетга кириб, индамай тикилишиб ўтиришди. Врач бошидан оқ қалпоғини олиб, вентилятор тугмасини босди. Кейин яна босиб, ўчириб қўйди.

— Доктор, бизнинг аяни биласиз... Қалай, нима дейсиз?

Доктор ғамгин кўзларини аста кўтариб, уни энди кўраётгандай ғалати боқди.

— Афсус, ҳеч нима деёлмайман... — деди кейин мужмал қилиб.

— Биздан нима ёрдам керак бўлса...

Доктор бош чайқади.

— Йўқ, сиздан ёрдам... керак эмас. Биз медицинанинг қўлидан келган ҳамма чораларни кўряпмиз.

— Узгариш борми?

Доктор узоқ индамай ўтирганидан кейин, Саттор бош эгиб чиқа бошлади.

— Раис... — деди бош врач уни тўхтатиб. — Беморнинг аҳволини ўзига айтиб бўлмайди... Агар... хўш... сизга, фақат ўзингизгагина айтиш мумкин. Фикримиз шуки, уни энди уйга олиш керак.

— Уйга?

— Ҳа. Ўзига ўнғайи билан тушунтирамиз, буёғидан ташвиш тортманг. Яъни, шундоқ-шундоқ... хабар олай деб бу ерга қатновчилар жуда кўпайиб... Ўзи рости ҳам шу — дунёга келиб нуқул одам овлаган эканлар, қаранг, одам босди. Районнинг ярми келиб кетди десам, лоф эмас. Қадрдонлари бирам кўп экан, омон бўлишсин, жуда қийналдик. Бу вазиятда шифохонадан кўра уйда қулайроқ бўлар ва ҳоказо...

— Бу — баҳона... Доктор, менга очиғини айтаман деяпсиз-ку?

— Очиғи... энди даволашнинг нафи йўқ. Вақти ўтган. Цирроз, ўзингиз биласиз...

Саттор суҳбатнинг аввалидаёқ бир нимани сезган бўлса ҳам, докторнинг сўнгги гапини эшитиб, бадани жимирлаб кетди. Пешонасини ушласа — муздек. Тилдан қолгандай, узоқ турди, қалтираган қўлларини чўнтагига яширди.

— Майли, уйга беринг... — деди дудуқланиб.

Докторнинг доим ғамгин кўзлари, узр сўрагандай бир нималар дегани ёдида, бошқасини билмайди, уйда, диванда ўтирган ҳолича ҳушига келди.

— Ада, ада... — дер эди Илҳом ўз дарсхонасидан. Саттор қимирламади. Дераза оғиб кетаётгандай қорайиб кўринди: тунми-кунми?..

— Ада, менга қаранг, — қўлида дарслигини очиб тутганча Илҳомнинг ўзи чиқди. — Бир масалани ечолмаяпман. Имтиҳонда шу савол чиқиб қолиши мумкин, деяпти ўртоғим.

Саттор асабини зўрға босиб ўтирарди: «Имтиҳон, савол... Ераб, дунёда нақадар бачкана гаплар бор-а?» Ҳаммаси бачкана: президиумлар ҳам, чапаклар ҳам... Яна мукофотлар, мансаблар, унвонлар...

— Бувимдан сўраб олмоқчи эдим, у киши бизникига келмай қўйдилар, — деди Илҳом.

Қоронғи бурчакда дадаси диванни ғирчиллатиб безовта қимирлаб қўйди. Илҳом унинг юзини кўраётгани йўқ, остонада, у хонадан тушаётган ёруғда китобини ушлаб турибди.

— Масала мана бундай: бир кекса одам бор, касал. Юраги касал. Эшитяёпсизми, ада? Қарайдиган одами йўқ. Кўпинча дори ичиб туради. Бир қўшниси доим уникага кириб гаплашиб ўтираркан. Бир куни беморнинг юрак ўйноғи тутиб қолибди. Токчада дори бор, мумкин бўлса олиб беринг, депти қўшнисига. Қўшниси қараса, қариянинг аҳволи мушкул. Токча томон борибди-да, дорини қидириш ўрнига, касалнинг қони қочган юзига қарармиш. «Жон қўшни, ўша ерда, тезроқ олиб берақолинг...» дебди касал. Қўшниси шошмабди. Дорини қидиргандай бўлармишу нуқул афтига қарармиш. Шундай қилиб, анчадан кейин чол «жон қўшни...» деб ялинганича ўлиб қолибди... Тушун-япсизми, ада, вазиятни? Қонунда «Қасддан қилинган жиноят», «Беихтиёр қилинган жиноят» деган модда бор. Мана бу қайсинисига киради? Тўғри, қўшниси унга қўл текизгани йўқ, лекин одам ўлгандан кейин, барибир эмасми, десам, «икки» оласан дейди ўртоғим. Айтинг, дада, ахир иккала модда ҳам...

Саттор чаён чаққандай ўрнидан сапчиб кетди. Рўпарасида «дада, дада» деб турган бола уни қасддан калака қилаётгандай, кўзига шундай бегона кўриниб кетдики:

— Тур-э, нобакор! — деб жеркиганча гандираклаб бориб, Илҳомни силтаб ташлаб чиқиб кетди. Бола, китоби қўлидан учиб; эшик кесакасига қаттиқ урилган яноғини ушлаганча, қулоғи шанғиллаб ҳанг-манг бўлиб қолди.

Саттор ўша кечаси уйга келгани йўқ.

Нимадандир қочаётгандай кетиб борарди, қочган йўл танламайди: қаёққа бораётганини ўзи ҳам билмасдан, кимсасиз дала йўлларида ёлғиз тентирарди. Далада нохуш ҳидлар босилган, ғўза барглари чала тўкилиб ётар, қатор ораларида одам йўқ, онда-сонда шийпонларнинг чирроғлари милтиллар эди.

Ярим кечага яқин шофёр йигит раисни Қоразовур ёнидаги шўрхоқ ялангтепада ломакон бир ғарибдек ёлғиз ўтирган жойидан топиб келди.

— Идорага... — деди Саттор. Оғзидан бошқа сўз чиққани йўқ. Уша ерда ётиб ҳам қолди чоғи.

Олтинчи боб

40

Тожихон аяни ўша ўзи бир вақт чимилдиққа кирган кичик меҳмонхонага ётқишиди. Олди айвон, кейин меҳмонхонага туташ бир ёғочликкина вассажуп уйга кирилади. Саттор келганда бу уйда, ташқарида ҳам анча одамлар бор экан. Улар ўзаро шивирлаб, ниманидир кутгандай, ҳар жой-ҳар жойда тўп бўлиб туришар эди. Бу босинқи ғовур Сатторни сал эсанкиратди. Унга агроном Ҳасан, унинг холдор хотини, яна қандайдир нотаниш одамлар индамай бош қоқибгина салом беришди.

Тожихон ая ҳеч кимни қабул қилаётгани йўқ, дейишди. Ёнида фақат Ойхон. Баъзидагина тузук бўлиб, истаган биронта одамни йўқлаб қоларкан. Бугун, Ойхоннинг гапига кўра, ҳуши жойида, машқи ҳам тузук бўлишига қарамай, эрталабдан бери ҳали ҳеч кимни чақиртиргани йўқ.

Одамлар бир-бирларига зимдан қараб қўйишар, зерикарли, оғир, нохуш жимликни бузишга ҳаддилари сиғмагандай, товушсиз нари-бери юриб туришар эди. Булар беморнинг маҳкумлигини билишмайди, деб ўйлади Саттор, ё билишармикин? Бош кўтариб одамларнинг юзига тик қарашга юраги дов бермайди.

Бирпасдан кейин идиш кўтариб Ойхон чиқди. Ундан бирин-кетин шивирлаб сўрашди:

— Кимни йўқладилар?

— Ҳеч кимни.

Ойхон ўтиб кетмоқчи эди, Саттор йўлини тўсди.

— Ойхон...

Ойхон шиппақда, бўйи қандайдир пасайиб, жуссаси ҳам кичрайиб қолган кўринди. Рўпарасида турган Сатторга уйқусизликдан жияклари қизарган кўзларини кўтариб, мунғайиб боқди.

— Кирсам бўладими?

Ойхон «йўқ» деб бош чайқади, кейин чап бериб ўтиб кетди. Тагин қандайдир идишлар, пиёлада сув, янги сочиқ, дорилар кўтариб қайтиб кирганида Саттор йўлини тўсолмади. Ҳадди сиғмади. Яна жимлик. Кимдир келди, кимдир кетди. Ташқарида барглари саратондаёқ қовжираган шотут дераза олдида дардчилдай мудраб турар, ҳар замонда олтинранг барг чирт узилиб, пилдираб учарди. Саттор ўзига жой тополмай қолди. Эшикни шартта очиб ичкарига кирса ҳам бўларди, лекин негадир журъати етмаяпти, нимадан кўрқади — ўзи ҳам ҳайрон.

Тушга яқин Ойхон яна чиқди.

— Ким? Кимни сўрадилар? — қизиқди хотин-халаж.

— Гулзира, — деди Ойхон аланглаб. — Гулзира қаерда? — дея қидириб чиқиб кетди.

Хонада шивирлаб қолишди:

— Гулзира? Гулзира ким экан?

— Ким у?

— Билмасам. Мутлақо бегона...

Қизча кирди. Мактаб формасида, оёқлари узун, одам кўплигидан ўзини йўқотиб, остонада турди. Ойхон уни ичкарига олиб кириб кетганида, ҳамма ҳайрон, уларга тикилиб қолишди. Сатторнинг ичини бир нима таталади. Бу ерда нима қилиб турибди ўзи, ё кириши керак, ё кетиши керак... Қанақа қилиб кетади?

Хотинлар ҳамон қизчани муҳокама қилишарди.

— Бу анов Гулзира-ку!

— Вой, муаллимнинг қизчасида.

— Ҳа-я.

Бу вақт муаллимнинг ўзи остонада турарди, қизини қидириб келганга ўхшайди, саломлашибоқ уёқ-буёққа разм солиб чиқди.

Саттор муаллимни кўриб тош қотгандай безрайиб қолди. Четга ўгирилди. «Нега бу ерда? Қаердан келиб қолди? Танидимми — танимадимми?..»

Энди бу ерда туриш унга бадтар азоб бўлиб қолди. Муаллимга зимдан қараб қўяр, уни гўё танимаганга олиб, алоҳида саломлашмаётгани аламини қўзғарди. Бетоқатлиги ошди, бадани қизиб кетди. Бу пайт меҳмонхонадан Гулзира чиқиб, югурганча бориб дадасини қучди. Муаллим узун гавдасини эгиб, ундан секин сўради:

— Аянг нега қақирган эканлар, расида қизим?

— Кўргилари келибди, — деди Гулзира.

— Нима дедилар?

— Эртанинг давомини қачон айтиб берасиз, десам, бобомнинг эртагини сенга етказдим, энди буёғини ўзинг тўқиб оласан, дедилар...

Шунда юзига қандайдир бесаранжомлик сояси тушган муаллим меҳмонхона эшиги томон одимлади, буни кўриб ичи ўт олгандай типирчилаб қолган Саттор атрофдаги совуқ жимликка ярашмаган дағал қадамлар билан кўча эшигига қараб юрди.

41

Муаллимга дуч келганида доим кўксига жиндак сирли ҳаяжон сезадиган Тожихон бу гал уни ортиқча ҳиссиётсиз кутиб олди. У ётган меҳмонхона, тоқчаю тахмонлари бўм-бўш бўлса ҳам, файзлигина, каравот тепасида дастагул сўзана, дераза ёнидаги бир стол, кираверишда кийим шкафи, Ойхон ўтирадиган (гоҳо мудраб дам оладиган жойи ҳам шу бўлса керак) эски юмшоқ креслодан бўлак нарса йўқ: очик деразадан девор ортидаги қўшниларнинг чарвоғи кўриниб, ундан эрта куз нафаси иниб турарди.

— Келинг, муаллим, ўтиринг, — деди бемор оғир аҳволини яширмай, очикқина. Чипта шляпасини қаёққа қўйишни билмай турган новча, жир битмайдиган қоқчакка бесўнақайроқ муаллим унинг каравоти ёнидаги кичик курсига икки букилиб ўтирди.

— Бу алфозда сизга кўрингим йўқ эди... — деди Тожихон унга қарамай, — начора, энди барибир шекилли, эҳтимол бундан кейин гаплашишимизга имкон ҳам бўлмас.

— Аксинча! Энди гаплашамиз, Тожихон, — деди муаллим, — мен шундоқ ҳам ортиқ узоқ ўйладим, етар... Ўйлаб-ўйлаб шунга аҳд қилдим...

— Нимага аҳд қилдингиз, муаллим?

— Ҳамма гапни айтишга. Сизни чарчатмайман, майли, сиз гапирманг. Бугун фақат мен гапираман. Билиб қўйишингиз керак, мен сиздан қизчамга она ўрнида меҳрибонлик қилганингиз учунгина эмас, умуман... дунёда борлигингиз учун миннатдорман.

— Муҳаббат изҳор қиляпсиз чоғи?

— Ҳа, шундай! Мен дарбадар, сиз туфайли шу қишлоққа муқим тўхтаганман. Мен сизни...

— Шу вазиятда ҳам одамга ёқадиган гапни топса бўлар экан, қаранг.

— Сиз... сиз буни психотерапияга йўйманг, илтимос, Тожихон, сизни орутгани келганим йўқ. Икки йил ўйлаган гапим бу! Мен сизни худди шу аҳволингиздан фойдаланиб айтаяпман. Бошқа вақтда бўлса сиз қочиб кетардингиз... — у сал кулимсираб, ени билан пешона терини артди.

Тожихон ҳам маъюс жилмайди. Муаллим унинг ориқлаб, сарғайиб кетганини ҳам, қандайдир ички дарддан манглайи терчираб турганини ҳам сезмади.

— Билиб кетинг... демоқчисиз-да, — деди Тожихон маъюс жилмайиши бирдан сўниб. Муаллим сабрсизлик билан дарров эътироз билдирмоқчи эди,

кўрпа устидаги қўлини заиф силкиб қўйди. — Ҳа, майли, айтинг-чи, муаллим: нега илгарироқ... шу гапларингизни... ўша келганингизда мен сезган эдим, ўзим учун ҳам энди тан оляпман — кейин кутдим сизни... Келмадингиз...

— Менинг ҳам сизга саволим бор, Тожихон. Нега кейин... эрга чиқмадингиз? — Муаллим бугун бундай журъатли бўлиб кетганига ўзи ҳам ҳайратда эди.

— Оилада... учта девдай эркакдан ажрагач, онам шамдай сўнабошлади. Кейин қазо қилди. Лаънати уруш туфайли... бутун оила йўқ бўлди. Мен уларнинг ёдини қилмасам кўр бўлардим, муаллим.

— Мен ҳам шуни билиб... Йўқ, гап унда ҳам эмас. Мен тўрт кишининг олдидан қоқинмасдан ўтолмайдиган бир журъатсиз, ўлгудай кўрқоқ одамман, Тожихон. Лаб-даҳан деган ҳам йўқ, очиғи. Журъат бўлганда ўша йиллари чекинмаган, қочмаган бўлардим. Бари Гулзира туфайли, ёлғиз етимчам туфайли. Қамаб қўйишса, ё менга бир нима бўлса, у битта ўзи қаёққа борарди, нима қиларди? Етти яшар пайти ўшанда...

Тожихоннинг киприкларини пирпиратиб тушунмай турганини пайқагач, давом этди:

— Ҳали кираверишда тутинган ўғлингизни кўрдим...

— Саттор?

— Уғлингиз борлигини эшитганман. Лекин унинг шу киши эканини... Ҳозир билиб турибман. Ва жуда ҳайронман сизнинг ўғлингиз эканига...

— Бу топишмоқни, қимматга тушса-да, ўзим ҳам энди ечяпман, муаллим... Биласиз, оила боқдим. Чол, кампир, инвалид эр, болалар... Бир ўзимга қолган эди. Тарбиясига вақтим ҳам, қурбим ҳам етмади шекилли, ишқилиб... Ҳаммасига яна — уруш... Ҳадеб нолияпти деб ўйламанг, сиз билан шундай очилиб гаплашганимга... Худойим-эй, илгарироқ учрашганимда балки ҳаммаси бошқача бўлармиди... Тақдир.

— Сизни чарчатмасам девдим... Мен ўзим гапирай, сиз фақат қулоқ солинг. Ўша тақдир ҳамма нарсани чалкаштириб, мени мана шу ўғлингизга дуч қилган эди.

— Унинг колхозида ишлагансиз, эшитган эдим... Мен, муаллим, Саттор ҳақида ўзим ҳам кўп нарсани энди билияпман. Аммо бир нарсани ҳали-ҳамон тушунганим йўқ. У қандай қилиб шунча вақтдан бери раҳбар бўлиб юрибди? Мен уни болалигидан биламан ахир. Билими ўртача, мактабда ҳам, институтда ҳам «тирговуч» билан бир амаллаб ўқиди. Ярқ этган бирон фазилати, бошқалардан олдинда бўлган деб интилишини айтмасангиз, бирон бир қобилияти ҳам йўқ. Борди-ю, раҳбар бўлмай, ўзига яраша бошқа бир жўнроқ ишда ўтирса, ўзини эплаб, ўртамиёнагина одам бўлиб юрармиди, ундайлар кўп-ку. Табиатида меҳр-оқибат бордек эди ахир, бир қарасанг эслигина...

— Буни мен сизга ўзим айтиб берардим у чарчатиб қўяман.

— Йўқ, гапиринг, мен фақат тинглаб, дам олиб ётаман, гапиринг, муаллим, энди гапирмасангиз бўлмайди, мен буни билишим керак.

— ...Хўп...

Муаллим галстугининг учини ғижимлаб, гапини бошлолмай қийналиб ўтирди. Уртада жимлик осилиб қолган, нариги хонадагина босиқ йўтал, оёқ шарпалари эшитиларди.

— Бир сайладик уни... Икки сайладик, уч... Инструктор олиб келади, тавсия қилади, биз қўл кўтариб овоз берамиз. Жўнгина одатга айланди: райкомнинг ҳурмати — нуқул бир овоздан сайлаймиз, бирон фазилатини билмасак ҳам. Уртачагина ишлаб турган бўлса бўлди, яна сайлайберамиз. Қўл кўтариш бизга эрталабки бадан тарбия ҳаракатидай осонгина иш. «Тавсия қилинди» дейилди-ю, аслида тайинланади. «Тайинлаб сайланган» бошлиқ... Айтишга тил келишмайдиган ғалати бир айқаш-уйқаш сўз келиб чиқади... Шундай эмасми?

Сатторингиз ўзини бир умрлик раҳбар деб ҳисоблай бошлади. Подшолар, қироллар бир умрлик бўларди... Буниси майли, энг ёмони шуки, ўртамиёна иш олиб бориш — халқ бошида туришнинг гарови бўлиб қолди. Шу тарзда, ўша сиз айтган ўртамиёналикни мезон қилиб олганмиз. Бу вазиятда Сатторлар ёмғирдан кейинги гўнгамбуруғдай бодраб чиқаверади, кўпаяверади. Уларнинг иш услуби — коллектив иродасини эмас, юқоридан айтилганни бажариш. «Бажарамиз!» деган сўзнинг қулгига айланганини биласиз. Саттор тушунадики,

унинг тақдири коллектив қўлида эмас, у ундан ажралиб чиққан. Узи тавсия қилган раисни райком ҳар қандай вазиятда ҳам ҳимоя қилади. Бордию ҳаёто ёки жиноят қилганида ҳам, бу — халқнинг иши эмас. Жанжал райком — раис — ревизор орасидаги шахсий ишга айланади. Коллектив бир чеккада, хўжаликда у хўжайин эмас, у қўл-кўтаради холос: у лоқайд, даромадни ҳам у тақсимламайди, у ишлайди холос: унга ҳеч ким ҳисоб ҳам бериши шарт эмас. Раис райкомга ёқса бас, «Менинг колхозим», «Менинг коллективим» деб юраверади. Сатторнинг иши сайланганлар билан эмас, «юқори» билан битади. У одамларни ўйлашдан, ташаббусдан маҳрум, уни «юқори»дан ажратиб турувчи шахс. Ҳамма нарсани ўзи билади. Шунинг учун калондимоқ, унинг сояи давлатида биз ҳам жуда «бир тийин» бўлиб қолдик.

Зардобга тўлиб юрган эканман, олтинча марта етаклаб келганларида мажлиснинг бошидаёқ шартта тўкиб солдим захримни. Ўзим ҳам билмай қолибман, ишонасизми, ҳеч қачон бундай гапирган эмасман, кесакдан ўт чиқди.

Узи ҳеч ким ҳам бундай гапирган эмас-да. Шунинг учун колхоз клуби аввал сув сепгандай жимжит бўлиб қолди. Менинг: «Ахир сайлов нима? Орамиздан энг инсоний инсонни сайлаб олиш деган сўз эмасми? Бу оддийгина гап-ку, ўртоқлар!» деган сўнги сўзларим ҳавода ҳали ҳам янграб, муаллақ тургандай эди. Кейин бирдан зилзила вақтидагидай ваҳима, саросима бошланди. Сайлов менинг ҳақимдаги мажлисга айланиб кетди. Инструктор жуда нотик экан, гапимни ҳам, ўзимни ҳам бир пул қилди: «Ифвогар» деган бадномликни шу ердан олиб чиққанман.

Шундай қилиб, ҳаммага чап бўлиб қолдим. Кейин партком бюроси, комиссия устига комиссия, облоно, райком бюроси... Бу ғоявий тутруқсиз зиёли болаларга нима деркин, деб дарсларимга одам қўйиб, конспектларимни текшириб, хуллас, икки ойча судрашди. Социалистик демократия асосларига болта урмоқчи бўлган, уни «эрталабки бадантарбия» деб масхаралаган, колхозчи меҳнат аҳлини ҳақорат қилган одам болаларимизга тарбия берадими, деб партия сафидан ўчиришди. Асабларим жуда қақшаган эди, йиқилиб қолмайин деб, кўндим. Шунда ҳам қутулмадим, бошқа колхоз мактабига ўтиб, атиги бошланғич синфни олганимда орқамдан «сигнал»лар етиб борди. Қизчамни етаклаганча районма-район, мактабма-мактаб дарбадар юриб, сизнинг қишлоғингизга келиб ўрнашганим эди. Тожихон, менинг ҳам, Гулзиранинг ҳам сиздан бўлак яқинимиз йўқ. Ўғлингиз ҳақида очигини айтдим, сизга ёқмаган бўлса яна ўша киши туфайли дарбадармиз, начора... Лекин, илтимос, кўкрагимиздан итарманг, Тожихон, биз сизни яхши кўрамыз.

Бу пайт Тожихоннинг аҳволи оғирлашган эди. У зўрға куч йиғиб, кўзлари билангина «хўп» дегандай бўлди. Кейин яна гапиришга қандайдир куч топди:

— Биламан, энди гап муҳаббат ҳақида эмас... Шунчаки яхши кўриш ҳақида, муаллим. Кетадиганлар қоладиганларни, қоладиганлар кетадиганларни яхши кўрса...

— Ундай деманг...

— Мумкин бўлса гапимни бўлманг, дармоним тугаяпти, муаллим... Шундай ип узилмаса, одам бу дунёдаёқ боқий сезарди ўзини.

Ойхон кириб, ўзи тушунмаган бу гапни алаҳлаш деб ўйладими, кўрқиб муаллимнинг ориқ елкаларига кафтини қўйди. Муаллим тушуниб, айбдордай мунғайиб қаради-да, саросимада чиқиб кетди.

42

Саттор хилват дала йўлларида довдираб юриб, кечаси келди-да, уст-бошини, ботинкасини ҳам ечмасдан ётиб қолди. Анчадан кейин уйғонган Каромат ички кўйлақда чиқасолиб бобилаб берди:

— Қаёқда юрибсиз, телвагезак бўл қолдингизми? Бу қанақа ётиш? Худойим-эй, энди шу кўргилик қолувди, бир кун жинни қилади сизни у хотин! Подумаешь, етим боққанмиш, ордона қолсин, нима кўп — етимнинг онаси кўп...

«Бошланди, — деди жонидан тўйган Саттор ичида, — битта апатига битта шапати...» Эсанкирагандай ўрнидан турди-да, ботинкасини ечмади, оқ чойшаб ёпилган тўшак устида оёқ узатиб ўтираверди.

— Ечиниб ётинг, лунжингизни осилтирмай! — деб бақирди сочлари тўзғиб, ўсма-сурмасиз хунук бўлиб кетган Каромат. — У ажува онаман деб сизни ёш боладай сиқувга олади, кейин сиз келиб аламини уйдагилардан...

— Бўғилма! Бас қил... мен уни... ўлдириб қўйдим... — деди Саттор ҳеч нарсани кўрмаётган хира кўзлари билан полга тикилиб.

— Вой, шўрим!! — Каромат кўзининг пахтаси чиқиб кароватга ўтириб қолди. — Нималар деяпсиз! Ростдан ўлиб қолдими? — деди нафаси ичига тушиб.

Саттор узоқ индамай бақрайиб ўтирди.

— Уладигаң бўлиб ётибди... — деди кейин соқоли ўсиқ иягини эзғилаб.

— Вой, ўлма-ай ўлсин! Одамнинг капалагини учиривордингиз-э... — дея хотини тунги қўйлак ичига кўкракларини селкиллашиб ўрнидан турди, — ўлса ҳам қутилмайсиз, сизга нима даҳли бор экан, ётган бўлса? Неча йилдан бери эшитаман дардчил экан деб. Дард тутган бўлса ичсин дори зормандани, доктор бор, сизга нима? Дори қор қилмаса илми-амал бор. Қурумсоқлик қилмай, пилладан олган пулига ис чиқарсин, аврод олиб бошига қўйсин. Нафаси ўткир азойимхон бўлса, чилёсин ҳам ё уёғлик — ё буёғлик қилади...

— Учир...

— Нега ўчирар эканман? Нега ўчирар эканман-а! Шуни деб менга кун йўқ, ўйнинг файзу ҳаловати йўқолди, заққум ютиб келасиз, у ёқда Фулом акам катта бошини кичик қилиб...

— Э, ўша Фулом акаңгизиям!.. — деб, Саттор аввал хотинининг авлодини чангитиб сўқди, кейин шалоқ сўз билан қайнонасини гўрига ҳам ёишт қалаб, ўрнидан туриб кетди.

— А? Ҳали шунақа бўлдими? Энди шунақа бўлдими-а! — эрининг юзига қия қараб, атрофида гир айланарди Каромат. — Кўзингизни ёғ босиб, кимлигингиз эсингиздан чиқиб қопти-да? — Эри индамаганига ўти ёрилиб, жазаваси тутди, сенлаб юборди: — Кўчада қолган сен етимчани одам қилган ким? Бу уй-жою, бу мансаблар, бу машинаю, бу мартабалар осмондан тушдими сен асрандига?! Гапир! Мен билан Фулом акам бўлмаса, қаёқда эди сенга бу ҳаю-ҳавас, ўша қишлоқига уйланиб, мишифинг оққанча кетмон чопиб юрардинг қуртхонасида сасиб ётган ўша ажувани ая-ая қилиб...

— Учир овозингни деяпман! Шармандага шаҳар кенг, иштонингни бошингга кийиб ол, олқинди!

— Мени ҳам ур, ўғлингни урганинг етмаса! Биратўла қамалиб кетасан! Ана кўзи кукариб ётибди, шу ҳам етади далилига!

— Э... қанақасига менинг ўғлим бўлар экан ўша сенинг ҳароминг...

— Ким ҳароми, ким ҳароми, онкўр! Узинг ҳаромисан ўша пандавақиға! Ҳў, аянг бошингни есин, қўшмозор бўл ҳамманг!

— Йўқол!

— Узинг йўқол! Бу уйда тирноқчалик ҳаққинг йўқ! Минбад ҳаром сенга бу жойлар! — Каромат хезланиб, қўлини белига қўйганча, эрига эгилиброқ пастдан қиё боқиб, бақирар, овози хунук бўлиб кетган эди.

Шу пайт иккаласи ҳам дарсхонасининг эшигини очиб остонада трусикчан турган Илҳомни кўриб, қанотли туя пайдо бўлгандай, қотиб қолдилар. Илҳом кўкарган кўзи билан дам унисига, дам бунисига ғазаб сочиб тикилди-да, бу гапларга юзи чидамади чоғи, ораларидан тез ўтиб ташқарига отилди.

— Ана! Ана нима қилиб қўйдинг, нонтепки! Бир асранди гадога хотин бўлганнинг жазоси шу! Раҳм қилма етимга, етим телар кетингга, деб шуни айтади. Шўрингга шўрва тўкилгур Каромат! — деб гиламга ёйилиб ўтирганча хунук хўнграб юборди. — Эсиз умр, нима ҳам кўрдим!

— Нима, тағин тувагингга тилла сумак керакмиди?

— Маслиққан итдай ҳит олиб келиб, чакачарвидай илашавермаганингда бир мишиқи студентга тегармидим ўшанда мен эсини еган!

Саттор ўзини тутишга чандон уриниб, сенинг гапинг шўрва менинг қулоғим тўрва, қабилида босилиброқ турди-ю, шу жойга келганда чидамади:

— Нимангга илашаман, исқирт! Нима қиласан эски гапни ижикилаб? Ҳа, майли, ит деганингча бор. Кўчада ётган суяқни қайси ит ғажимайди!

Бу маҳал даҳлизда бир нима тарақлади.

— Ким? — деди Каромат чаққон туриб эшик томон юраркан. Чироғни

ёкса — ўғли. Кийиниб олибди. Эшик тепасидаги чамадонни ерга қўйиб, ичидаги лаш-лушларни сочиб ташлабди.

— Ким бўларди... — деди, — туғилган куниданоқ ёлғоннинг жирканч ботқоғига ботган бадбахтман.

Кейин очиқ чамадонни қопқоғидан судраб ўз дарсхонасига кирди, дарсликларини, икки гантель, жун кўйлак, магнитофон қасеталарини битта-битта қарсиллатиб чамадонга ота бошлади.

— Нима қилаяпсан, ўғлим? — деди онаси сочини юлғудай сачраб.

— «Ўғлим» деманг. Ёлғончилар билан турадиган аҳмоқ ўлди!

— Нега ундай дейсан, болам, тушунтираман...

— Тушундай ёлғончилигингизни! — деб бақирди онасига. Бўйин томирлари бўртиб кетган эди. Кейин Сатторга қаради: — Сиз ҳам ёлғончи! Уялмасдан, ўн тўрт йилдан бери алдаб келасиз мени! — деб чамадонини ола эшикка отилди.

— Илҳом, қаёққа?.. Кечаси... — ер бўлиб ялиниб қолди Каромат.

— Аммангизникига анжир егани! — деди Илҳом онасига тиржайиб. Кейин отасига қаради. — Мени изламанглар! Сизларнинг виждонсизликларингизга ниқоб бўлиб юришни ор деб биламан! — эшикни тарақлатиб ёпиб, жўнаб қолди.

Каромат яна ялпайиб ўтириб:

— Оғриғим битта эди, чикди чипқон устига-е! — дея бўкириб хўнграй-бошлади.

Саттор бепарво, шкаф тортмасини очиб, қандайдир ҳужжатларни қўйин чўнтагига солди:

— Ўзимга шу болачалик ақл битмаганига ҳайронман...

— Сен ҳам бор, жўна, ақл битган бўлса! — деб чинқирди хотини бурун карраклари кенгайиб, — эр бўлмай, қора ер бўл!

Саттор ҳар кун ишга кетаётгандагидай, шовмай чиқиб кетди. — Елкамнинг чуқури кўрсин бу касофат уясини... — деди секин.

Зинапоядан тушар экан, шовқинга уйғониб чироғ ёққан, дераза очиб бош суққан кўшнилари кўриб, букчайганча юриб кетди. Ичкаридан хотинининг тинмай шанғиллагани эшитиларди:

— Кетиб бўпсан бу моли-дунёнгни ташлаб! Сен мени ҳам мана шу мансабу мартабаларга эришиш учун олгансан. Қаёққа ҳам борардинг? Қайтиб келмайсан-а!..

Хотин уни тупроққа қордим, бошидан ювинди тўқдим, мулла бўлиб қайтиб келади, деб ўйларди. Саттор эса оёғига солинган кишанлар бир-бир парчаланганини сезарди.

У тўғри идорага борди.

«Икки ёмон қўшилса кенг дунёга сиғишмас. Ўзи ҳам жуда таранг тортиб қолган экан, барибир узиларди» деди ўзи ўзига. Саробни қувлаб келаётган одам бирдан қум устига юзтубан тушгандай, ўзини диванга ташлади. Сўнгги вақтда у кўпинча шу ерда тунаяпти, яхши ҳам шу жой бор экан, охириги бошпанаси. Нажот излагандай, кечалари шу ерга келиб, асабини босади, ҳаловат, осойишта топади, виждон азобидан қутулгандай, қаёқдаги бегона одамларнинг ҳиди келиб турган шу диванда жиндак ётади-да, яна ўйлар орқасидан қувиб етиб қийнай бошлайди. Ёлғизликда бундай қийноқ — энди унга бирдан-бир нажот эди.

Калласида яна ғала-ғули ўйлар. Бу сафар улар хотинининг қулоқда шанғиллаган овози тарзида етиб келди. Саттор сесканиб туриб ўтирди. Қандай бадтарин овоз, гапларига илон пўст ташлайди! Бу хонадондан қочиб қутилганидан кейин ҳам ўзини енгил тортишга қўймапти. Унинг товушига акасининг шипишлари келиб қўшилди: «Она сути оғзидан кетмаган қишлоқини бошингга урасанми, қадрингга етадигани қўйингга туриб...» Мана, қўйнидан илон чиқди. Кўнглига биргина тиргович шуки, расмий югур-югурлардан холи: Каромат билан ЗАГСдан ўтмаган. Уша вақтда унинг ўзидан катта болали хотинни ЗАГСга бошлаб боришга бўйни ёр бермаганини ҳатто қайнағаси ҳам, унинг югурдаклари ҳам тушунган эди. Ғулом аканинг ол деса ола қопни олиб қочадиган ихлосмандлари кўп. Мурид кўпайса эшон қутуради дегандай, «падар оши» баҳонаси билан барини йиғиб («падар оши»га бало борми!), ҳамма ишни

ўшаларга топширди. Пихини ёрган амалдор «бола»нинг шуҳратпарастлигини ички бир дард билан сезиб, унга кўчадан этагида бола олиб келган тасқара синглисини узативориш учун югурдакларини сафарбар этиб, ўзининг гапи билан айтганда, «камерний тўйча» ҳам қилиб берди. «Уша тўйдан тобутим чиққани дуруст эди!» деди Саттор кўнглида. Ичи тушган қовундай ийиди ўшанда, дум берди. Кўзини шиллиқ босган ўша аҳмоқ куёвни кўриш, учратиш мумкин бўлса, қулочкашлаб тарсаки қўйворарди...

Ташқарида тонг отади. Тўққиз тўлғоқ бир келиб, ҳасратидан аланга чиққан раис мияси чарчаганидан баъзан хаёллари қаёққа оғиб кетаётганини ҳам назорат қилолмай қоляпти. Кўксида икки киши, уч киши талашаётгандай. «Айбим нима? — дейди бири ичини мушукдай таталаб. — Усти бутун, ичи тутун, дегани шу бўлса керак-да. Нега мен, ишини зимдан пишитиб юрган қобилиятли бир одам, ҳаётдан оладиганимни ололмай, узлатга чекинишим керак? Ҳамма ўз ўрнини топишга интилади. Биров қарашиворган бўлса нима бўпти? Одамлар бир-бирига суянади, инсонгарчилик раъйини қилиб баъзи иллатлардан кўз юмади, дунё шунақа. Эҳ, ая, сиз-ку... мен ҳали яшайман ахир! Ё яшаб бўлдимми мен ҳам? Унда... нимади у менинг ҳаётим? Бормиди у ўзи?.. Бор эди... йўқ бўлди. Кимнинг айби билан?»

«Тушуниб турибсан, муғомбирлик қилма, — дерди яна бири ачитиб. — Баланд учмоқчи бўлдинг. Чумоли қанот чиқарса ўлими яқин, дейдилар. Аянг барини юзингга солди, раҳмат де. Балки фалокатлардан қутилганинг шудир, номард!»

«Қаёққа бораман, бир бошдан нураб кетяпти-ку қурган иморатим?.. Ая?» «Қанақ иморат? Қум устига қурганингми? Энди... Энди қурбинг етса, ҳаммасидан, кўзни чирт юмиб, ҳаммасидан кечасан-да, илож топсанг, пок-покиза бўлиб, умрни бошқатдан бошлайсан!»

«Шу ёшда-я?»

«Покиза бўлишнинг ўзи бўларканми? Жиноят учун жавоб бериш, ўтга кириб софланиш керак. Бўлмаса, ўзинг топ бошқа йўлини!»

Ўтирганни ўй ер экан. Боши чатнаб кетяпти. Ташқарида эса янги кун туғилмоқда. Кимлар учун, қандай ишлар учун?..

Саттор уйқусизликдан шишган кўзлари қамашиб, тонг нуридан юзини кафти билан бекитди-да, яна диванга ағдарилди.

43

Муаллим кетгандан сўнг Тожихон ая ҳушини йўқотдими, чарчаб уйқуга чалиндими, жимиб қолди. Ойхон креслода ўтираркан, ундан кўзларини узмас, бирон сўз айтса эшитмай қолишдан кўрқарди. Лекин аяси ярим кечагача тинч ётди, фақат тонг олдидагина уйқуда оғриқдан тўлғаниб, бир нарсалар дея ингранди. Ойхон «Ёнапти...» деган бир сўзни уқди, холос. Нима ёнапти, қаерда — буни англай олмас эди.

Эрталаб Тожихон ая азоб исканжасидан бутунлай қутулгандек, қандайдир ёришиб, чехраси очилиб уйғонди. Унинг юзида кўпдан йўқолган ним шуълани пайқаган Ойхон дарров ёстиғини баланд қилиб қўйди. Тожихон ая бошини кўтариб, дераза томон қараб ётди.

— «Биз сизни яхши кўрамиз...» дейишади-я... — кечаги гаплар эсига тушди, кулимсиради. — Яшаш яхши, Ойхон... Қандай яхши! — рўпарасида қизи, ёки қайинсинглиси эмас, худди дугонаси ўтиргандай очилиб гапирди: — Гоҳо сенга қара-аб туриб, ҳайрон бўламан: кўзи қаёқда экан бу йигит ўлгурнинг...

Бу, кеча оқшом муаллим қолдирган кайфият эди. Тожихон у одамнинг исмини ҳам сўраб олмади. У шунчаки суҳбатдош эмас, ҳаётга бўлган туганмас муҳаббатининг рамзидай бир зот эди чамаси. Кейин бир умр шуғулланган кундалик икир-чикир юмушларини эслади. Қуртхоналар ҳақида, Ҳасан «аравақаш» ихтиро қилган янги дасткана ҳақида суриштирди.

— Айтгандай... ўтган ой охирида коллегия мажлиси халқ маслаҳатчисининг ана у масала ҳақидаги «Алоҳида фикр»ини муҳокамага қўйиши керак эди, нима бўлдийкин, хабар қилишмадимми?

— Хабар қилишган, — деди Ойхон аянинг бундай одатдаги ишлардан гап кўзгаганига нафаси ичига тушиб. — Касалхонада эдингиз, безовта қилмадик.

Уша Бойбўсин деган боланинг иши бошқатдан кўриляпти экан, тажрибали терговчига оширилибди.

— Хайрият... — деди ая. Хаёли бировнинг боласидан ўз боласига ўтди шекилли: — Саттор келмадими? — де сўради.

— ...бир неча келиб... чақирмаган қуноқ — йўнилмаган таёқ... йўқламаганингиздан кейин, қайтиб кетди.

«Чақирмаганим учун эмас... юрак йўқ», деб ўйлади ая ичида, Ойхонга талмовсираб бошқа гап айтди:

— Менга эмас, сенга келмадими, деяпман.

Ойхон хўмрайди.

— Ҳа, майли, майли... Қани қарашвор.

У, Ойхонни ҳайратга солиб, ўрнидан турди. Ойхоннинг ёрдами билан уст-бошини алмаштирди, тоза кўйлақ, пайпоқ кийиб, Ойхоннинг ўрнига ўтиб ўтирди. Унинг гавдаси кичкина бўлиб қолган эди: креслога чўкиб кетди.

— Энди сенга жой йўқ. Чой дамла, ўзингга қара, ҳали-замон келиб қолади.

— Ая! — деб зарда қилиб чиқиб кетди Ойхон.

Тожихон ая ўринсиз гап билан қизнинг дилини оғритаётганини билади. Лекин кўнглининг бир четида «Ойхонни олганида бу кунга тушмасди» деган фикр, аламзада бир ўй яшар, тилини қичитарди. Шунинг учун Ойхонга Саттор ҳақида гапириб қўяди-да, кейин ўзи пушаймон ейди. Биладики, бу энди фойдасиз, бари кечикди, Саттор фожиасини ҳам тузатиб бўлмайдди, Ойхоннинг бахтсиз тақдирини ҳам. Шундай бўлса-да, ўша бадбахтнинг яна бир келишини зимдан кутар эди. Унинг қилмишларини эслаб, қўли ўз-ўзидан ўнг биқинига боради.

— Ажаб бўпти! Ўзим тарбиялаганман! — дейди кескир оғриқни ўзига ҳақли жазодай билиб.

Бу вақт ташқарида кўча эшикнинг табақалари қаттиқ тарақлади, шовқин эшитилди. Дерзада қақиллаб учган товукларнинг тўзиган патлари кўринди. Кетидан, айвонда дукурлаган оёқ товуши...

Сатторни кутиб ўтирган Тожихон ая остонада унинг ўрнига рўмоли елкасига тушиб сочлари тўзиган Назмини кўрди. У ҳозироқ кимнидир гирибонидан тутиб ёғимлаб ташлайдиган бир важоҳатда отилиб кирди. Оғзидан пештахам сўзлар чиқар, тўхтатишга уриниш беҳуда эди. Кўпик сочиб нималарнидир деб бақирар, йўлини тўсмоқчи бўлган Ойхонни итариб, ўшқирар эди.

— Биламан, шу ерда ўтирибди, ана! Ҳа-а, қочади-я мендан! — дея довул қоқиб ичкарига кирди-да Тожихон аяга қўлларини пахса қилди:

— Ниятингизга етдингиз, аяча! Боламга қўшиб ўзимни ҳам судга оширяпти! — кўзи кинидан чиқиб, ғўдайиб келаркан, яна бақирди: — Лекин ҳали кўрамиз — бола онага жавобгар эмас, она — болага! Зақунчи битта сиз эканми, биз ҳам биламиз! — дея аччиқ-тиззиқ гапини тугатмай макка донидай сариғлишларини кўрсатиб, хунук товуш билан йиғлаб юборди. Илкис ҳаракатлари, овози, келвати хотин кишиникига ўхшамас, қандайдир чиркин эди. «Зақунни биз ҳам биламиз» дея ўзини овутиб туриб, бадтар авж қилиб, «сен»лаб ташлади: — Келиб-келиб сенга айтаманми-я додимни мен лодон. Она-бола дардини тушунармишми бир безурриёт!

Бу сўз зўрға ўтирган Тожихоннинг бошидан кириб товонидан чиқиб кетдиёв! Унинг оқариб кетганини кўриб Назми жиндақ тинди-ю, бир чўчонглаб яна бобиллай кетди. У сидирғасига эмас, дам олиб-олиб бидилларди.

— Сенга ҳам боққан бало бордир, кўкрагингдан кўк тош боссин илоё!

Тожихон ая бу таҳқиру қарғишлардан ранжиш ё бир жавоб бериш ўрнига, нафаси титраб, креслога таяниб турди-да, каравотига бориб йиқилди. Чексиз изтироб юзига сарғайиб қалққан эди.

— Мени қарғама... ўзинг яратган бола бошингни ебди, — деди-да тинчиб қолди. — Оналар... — деди анчадан кейин шифтга қараганча ётиб. Шифт чайқаларди. — Оналар...

Бу вақт Назми, кўзлари шосоққадай отилиб, қути учганча қочиб чиқиб кетганди. Ойхон билан Гулзира кириб, аянинг бош остига болиш қўйиб, лабига сув томизишди. Тожихон ая буни билмади, қонсиз лабларини ялаб ҳамон Назмига гапирарди.

— Менга қара... мен-ку лаънати уруш туфайли боламга қарай олмай... нобуд қилдим. Сен-чи? Сенга нима бўлди?.. Узилаяпти-ку...

Нима узилаяпти — унисини ё тополмади, ё айтолмади.

— Лекин... мен ҳам сендан беш бадтарман... Сендан ким қолди-ю, мендан ким қолди... Она? Бир ипак қуртичалик ҳам бўлолмадик.

Буёғига гапи бўғзига тиқилгандай, нафаси қисди. Шифт яна чайқалди, тоқилар иккига ажралди. Муаллим кириб, остонада донг қотган эди. Уйдагилар кўз қарашлари билан, ишора билан бир-бирларини англар эдилар.

Тожихон ая ёнида уларнинг борлигини билмас, вужуди ловуллар, тилидаги сўзини айтолмас, лекин миясининг қайси бир бурчаги ишлаб турарди. Қаердадир босиқ бир куй, дутор чертими, гоҳ гур-гур кулги эшитиларди. Тўйми, нимайкини? Дераза томондан ҳандалак ҳиди келгандай бўлди. Тожихон бор кучи билан интилди, туролмади. Ҳандалак ҳиди! Мана бу қўшни боғда бўлса керак. Тожихон сўзанага, одатда дутор осиглиқ турадиган жойга кўз солди, дутор йўқ эди... Шунча ғурбат билан ҳам одамнинг яшагиси келади. Ая дунёга тўймай қолаётгандек хира кўзларини деразага тикди. Унинг дилидаги айтолмаётган чалкаш ўйларини шу куй, ўша дутор чертими айтаётгандай эди. Улар — дам куй, дам... дуога ўхшайди. Азобли ўйлар... сиз, чекининг. Одамга куй керак... дуо керак. Одам... ўлади-кетади... эмас ахир... У яшайди. Фожиалари, дарди, орзулари яшайди. Одам ўз фожиаларини дилдан сезади шекилли-да, шундай куйлар, дуолар яратади. Мана Тожихоннинг ўйлари ҳам кетди олисларга... Улар ҳам ўша куйдай қолади ўша ерларда, ўлмайди.

У бирдан тилга кирди. Лекин гаплари чалкаш. Дам тузуқкина сўзлар, гоҳ алаҳлагандай адашиб кетар, ёнига кимни чақирганини эсидан чиқариб қўяр эди.

— Назми... Гулзира!. Оналар... болаларим... Ҳаётим хато бўлди. Эпполмадим. Энди... Ўлим қолди. Балки ўлимим уни ҳушига келтирар. Ҳа, муаллим, ҳамма вақт фақат «йўқ» деганлар ўлади...

Шифт қаттиқ чайқалар, кўз ўнгида гўё деворлар қуларди.

— Оналар... болаларим... Эсингизни йиғинг. Ипак толаси нозик...

Шунда бирдан бутун борлиғи софлангандай, фикр ва ҳислари уйғунлашди. Кўзи ҳамма нарсани, турган қадрдонларини равшан кўрди. Ёнидаги Гулзирани қўлидан ушлади, лаблари секин қимирлади.

— Гулзира... кумуш толамиз... — дедию тишини тишига босди. Жағи қотиб, уёғини айтолмади. У энди оғриқни сезмай қўйганди. Ҳалигина чеҳраси очилгани шамнинг сўниш олдидан липиллагани экан, шу гапидан кейин шифт яна бир чайқалди-ю, нимадир пастга, қора ўпқонга зил торта туриб Тожихон аянинг жонини узди...

Уч минутлик карахт, қутсиз сукутдан кейин улар бир-бирларининг тупроқдай қорайиб кетган юзларига қарадилар. Қарашларида жавобсиз, мудҳиш бир савол бор эди. Биринчи бўлиб Ойхон сал ўзига келиб ўрнидан турди. Аясининг ҳали совумаган сап-сарик юзига титроқ қўлини узатмоқчи бўлиб, беихтиёр кескин тортиб олди. Яна узатаркан, яна тортиб олиб, ўз кўксини чангаллаб, ўнсиз йиғлади. Унинг эпполмаганини кўрган муаллим ўтирган жойидан узун, қоқсуяк қўлларини чўзди, қалтираган бармоқлари марҳуманинг қовоқлари устидан аста сирғалиб, кўзларини ёпди. Қизнинг ич-ичидан қуюндай хуруж қилиб келган аччиғ фарёд бўғзида пихиллаб тинди, йиғисини босиш учун лабларини қаттиқ тишлаб бориб, бўйнидаги рўмолини тошойнанинг устига қолади.

Гулзира ётган аясининг юзига ҳадеб қараб, тилдан қолгандай жавдирай-берганидан, отаси уни аяб қўлидан ушлади-да, ташқарига етаклаб чиқди.

— Дада, чиройли аямларга нима бўлди?

Муаллим ўз ўйлари билан бўлиб, эшитмади чоғи, жавоб бермади. Узун оёқларини осилтириб айвоннинг четига ўтирди. Тиззасига тирсақларини тираб, бошини кафтларига олди.

— Дада...

— Катта фожа майда одамларнинг бу дунёдаги бачкана ёвузликлари устидан тантана қилди.

— Нима қилди?

— Бундай ишларни сўз билан рад қилиб бўлмас экан шекилли-да... Улар билан ҳаётни ўртага қўйиб олишиш керак экан. Ҳақиқат... энг юксак баҳо эвазига.

— Дада... чиройли аям...

Муаллим ҳушёр тортди, қараса қизи билан эмас, аллакимлар билан гаплашяпти..

— Аянг сенга нима деди, қизим? Охирги марта.

— «Кумуш тола...» дедилар.

— Яна?

— Шу.

— Уша тола узилмасин, демоқчи бўлганлар. Аянинг ишини давом эттириш керак, қизим.

— Мен пиллачи бўламан, дада.

Муаллим унинг бошини бағрига босди, қизининг йиғламаганига ҳайрон эди. Ё тушунмаяпти, ё йиғлашни билмайди бола бояқиш.

— Гап ипак толанинг узилмаслигидагина эмас, оппоғим. Аянгдай одамларнинг руҳияти, маънавий дунёси давом этиши керак. — У яна пайқаб қолдики, қизига эмас, эртага юқори синфдаги болаларга айтадиган гапларини гапиряпти. — Ерга тушган уруғ ҳалок бўлади, шундагина ҳосил етилади...

— Аямга нима бўлди, дада?

— Аянг, ўлиб қолдилар, расида қизим.

— Нега ўладилар, ким ўлдирди? — киприк қоқиб ёшини ютди бола.

Қизчанинг саволлари муаллимнинг ўз саволлари эди. Шунинг учун у аввал ўз-ўзига жавоб берар, қизча эса тушунмас эди.

— Қилган яхшиликлари ўлдирди. Сатторга қилган яхшиликлари, Назмига қилган яхшиликлари...

— Яхшилик ўлдирадими?

— А?.. Йўқ, ёмонлик ўлдиради, касаллик ўлдиради, қизим...

Бу вақт лабини тишлаб, юзлари кулранг тусга кирган Ойхон чиқди, муаллим тўсатдан ақли равшан тортиб, мусибатли куннинг оғир, кўнгилсиз юмушларини эслади:

— Сиз, синглим, докторга югуринг, — деди Ойхонга маъюс боқиб, — мен эса...

Ойхон карахт эди. Назарида ая осон узилди, у кутган даҳшат юз бермади. Лекин кўзига ҳамма нарса совуқ, қорайиб кўринар, осмон ҳам кўк эмас, ўпқондай қора эди, боши айланди, ичи бўм-бўш...

Саттор дафн маросимидан кейин кечга яқин яна шу ерга қайтиб келди. Узи ўн икки йил ўтирган раис столига мукка тушиб, ўзоқ йиғлади. Қоронғи тушиб, ташқарида, йўлакларда оёқ товушлари тингач, чарчаб, шу ўтирган кўйи мудраб қолди.

Кўзини юмганида қабристондаги жимжит оломон, одамларнинг елкасида лопиллаган тобут кўз ўнгига келаверди. Қаёқдаги юзлаб кишилар, танишлар йўқ ҳисоб. Шундай бўлса ҳам, Саттор жуда яқинлашиб боришга юраги дов бермай, чеккароқда туради. Қаёқдадир тийиқ йиғи эшитилди, кураклар, беллар тақиллади, тупроқ шувиллади. Епирай... Наҳот яқинлашолмас! Оёғи тортади, юролмайди, еттиёт бегоналар кафтига тупроқ оляпти... Саттор изтиробда нафаси сиқилиб бир интилдию... уйғониб ўрнидан туриб кетди.

Тушимиди, ўнгимиди — билолмади. Ташқарида тун, шифтда беш лампали қандилнинг иккитагина чироғи негадир зириллаб, қизариб ёнарди. Саттор бошини кўтариб қаради, жимликда ғашига тегаётган бу зириллашни тинчитиш керак, лекин иложи йўқ. У асабини босишга ҳаракат қилиб, стол ёнига ўтирди-да, қоғоз, қалам олди. Бу ерга аслида иш билан келган — ариза ёзиши керак.

Ариза...

Ариза? Ариза ёзиб нима қилади? Хўш, ишдан бўшатдилар дейлик, кейин қаёққа боради? Гарданида бу юк билан-а? Бу тавқилаънат билан-а? Виждонидан қаёққа қочиб қутилади? Йўқ, ариза эмас, хат ёзиш керак, муфассал тушунтириш

хати! Ундоқ бўлди, мундоқ бўлди, бутун умрим ёлғон, мен одам ўлдирдим... ҳаммасини, ҳаммасини бир-бир ёзиш керак.

Саттор қоралаган уч-тўрт қоғозини ғижимлаб ташлади. Яна ариза ёзди, кейин уни йиртиб тагин хат ёза бошлади. Ҳаммасини... бу ўзи бўлар эканми! Қачон бошланди ўзи, у қандай қилиб бу ботқоққа ботди? Нима учун ҳамма бир хил қонунга бўйсунуши керак? Барчанинг имкони бир хил эмас-ку. Ҳамманинг ҳадди ҳар хил ахир. Сатторнинг ҳамма ишларини ёмон деб бўладими? Бажарди... «Неча йиллар!.. Бажар. Бажару ол, президиумда керилиб ўтир, яна бир амаллаб бажар!...» Уйда ҳеч гап йўқ, юракда ҳеч гап йўқ, на меҳр, на самимият... Бари ёлғон! Ёлғон қувончлар билан овуниб, бир умр яшаб ўтиши ҳам мумкин эди. Даҳшат... Гоҳ бесабаб сиқилиб кетиб, Ойхонни излаб борганларини айтмаса, ҳаётининг бирон куни меҳрдан илимаган, муҳаббат ҳақида эса тузукроқ хаёл ҳам сурган эмас.

Ахир бир вақтлар севар эди, ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган содда-беаёв, шўх-шатири Ойхоннинг товушини эшитса бутун вужуди жимирлаб, кечалари билан уйқуси қочар эди.

Саттор шаррос терини артиб, янги қоғоз олди. Одамнинг умр ҳақида ёзиши шунақа азобми? Ўйлаб қараса, ўзи ҳақида, ҳов студентлигида бир аясини чақириб ёзган хатини ҳисобга олмаган, ҳеч қачон бир нарса ёзмаган экан. Нуқул бировлар ёзган, юзлаб характеристикалар, мақолалар, очерклар... Энди ўшаларни кўз олдига келтирса — бари тутун, бари ёниб кетибди... Нақадар катта, нақадар даҳшатли ёлғон!

Энди у бутун мана шу ёлғонни бир қоғозга сиғдирмоқчи.

Энди у бутун мана шу ёлғонни биратўла, ўзи билан бирга, йўқ қилмоқчи. Қўли қалтираб қаламни ташлаворди.

«Хўш, дейлик, мен — йўқ. Тақир бош, қўли узун, пакана, муғамбир Фуломчи? Фулом қолади-ку? Хўп, майли, у ҳам кетди. Кетса бошқа Фулом келади...

Ҳей, сен, Саттор, жуда чуқур кетмаёсанми? Хўкизнинг шохига урса туёғи зирқираркан. Бу тарзда хаёлинг райком, обком секретарларига бориб туташади-ку! Улар эса...

Райкомимиз секретари, масалан, биринчи орденини урушда олган, Олтин юлдузни бўлса кўриқ ерларда... Қайси районга юборса ҳосилдорлик ортган, янги «машъал»лар, янги қаҳрамонлар... Хўш, майли, балки айби ҳам бордир. Лекин уларнинг айбини айб деб бўладими?

Йўқ, сен ўзингни ўзинг чалғитяпсан, Саттор. Хаёлингнинг кетишида атрофингдигилар ҳаммаси, бутун муҳит, барча тартиб-қоидалар айбдору, сени шу шароит кўкартирган, сен фақат қурбон. Яъни жиноят бор, айбдор йўқ. Ундай бўлмас... Ҳеч қачон ундай бўлмаган. Ҳар ким ўз мошхўрдасини ўзи ичади. Сен ўзингни, ўз ҳаётинг, ўз қилмишларингни ўйла! Барибир бу азобларни ичингда бир умр олиб юролмаёсан-ку!»

Саттор бу гапларни ўрнидан туриб, уёқ-буёққа асабий одимлаб, бошқатдан ўйлашга уринди. Қараса, ҳалиги фикрларига тамоман зид ўйлар судраб кетяпти. Гангиб, чарчаб, яна ўтирди. Ҳовур чиқиб турган пешонасини ғижимлади, боши қўрғошиндай оғир, пастга тортарди.

Уйлайверган билан жинни бўлиб қоладиган. Ўзини зўрлаб, «хат»ни амаллаб ёзди. Нима бўлса бўлгандир, кулгими, фожиалими, ҳамма гап бор, ишқилиб, ичида.

Тонг ёришганда бир қўлига шляпасини, бир қўлига «хат»ни олиб, йўлакка чиқди. Ғира-шира жимликда полнинг ғирчиллаши, пошнасининг тўқиллаши гумбурлаб эшитиларди. Партком кабинети олдида тўхтаб, жигарранг дермантин қопланган эшикни ўз калити билан очди. «Хати»ни партком секретарининг столига, телефон дафтари билан бурчагидан бостириб қўйди.

Боши ғувиллаб ташқарига чиққанида тонгнинг соф ҳавосиданми, юрак ютиб қилган ишиданми, бироз енгил тортиб, дуч келган сўқмоқ йўлга тушиб юриб кетди.

...Уша куни, балки бошқа кунидир — ўзи ҳам билмайди, кечга яқин, чарчаб қалтираган оёқлари уни ўзи ўсиб-унган хонадонига олиб келди.

Катта хонадонда селдай шовуллаб оққан ҳаёт сўнган эди. Кенг ҳовлини тўлатиб турган — ая экан. Энди ҳамма нарса ер қаърига кириб кетгандай, тик этган товуш йўқ, ҳувиллаб ётибди. Саттор, аймоқи тоқдаги чумчуқ галасини ҳуркитиб, ичкари кирди. Бўм-бўш уйларда шом қоронғиси. Стул суянчиғида Ойхоннинг минг ювилган ўша эскимас баргикарам кўйлаги осифлиқ турарди. Юраги шув ётиб кетди. Қачонлардир унга қадрдон бўлган буюмлар етим қолгандай, кимдир таҳқир этгандай мунғайиб туришарди.

Лекин уйда кимдир борга ўхшайди. Саттор, кутилмаганда юрагини ваҳима босиб, «Ая!» деб юборишига сал қолди. Унинг шарпасини сезиб қоронғи бурчакка пусган Ойхон нимагадир қоқилиб кетиб, ўзини билдириб қўйди.

— Ойхон... — деди Саттор секин.

Жавоб бўлмади. Қиз бадтар ғужанак бўлиб, тил-жағига қулф солгандай, бурчакда қалтираб турарди.

— Ойхон... — Саттор уни кўрмаса ҳам, шу ердалигини аллақандай ички бир туйғу билан сезди. Кичкина чамадонини ерга қўйди.

— Ойхон... мен уйдан кетдим. Сенга қайтиб келдим, Ойхон. Бутунлай.

Қиз яна индамай, қаттиқ қўрқувдан, югуриб бир нималарни суриб-йиқитиб, нариги хонага ўтиб яширинди. Саттор, беихтиёр, орқасидан кирди.

— Мен уйда ёлғизман, кетинг, — деди қиз лаблари пирпираб.

— Ойхон, мен ҳамма нарсадан воз кечдим. Мен ҳам энди бутунлай ёлғизман. Бу учрашувга-қийноққа келдим, Ойхон: Мен энди... мен эмасман. Ҳаммаси бошқатдан бошланади.

— ...Осонгина «ҳамма нарса»дан воз кечибсиз... Барини осон топгансизда, — деди Ойхон ерга қараб. Кейин бошини дадил кўтарди: — Бошқатдан... болаликка қайтиб бўлмайди.

— Қиттак бир илинж билан келдим, Ойхон. Ҳиссиёт бўлмаса бахт ҳам бўлмас экан...

— Бахт бўлмагани бир нав, бахтсизлик келтиргани ёмон.

— Ойхон, сен мени яхши кўрардинг... Ҳаммаси кечагидай эсимда... Кейин неча йиллар тушларимда... Иллатни кесиб ташлаш мумкин-ку. Мен кесдим... ёндирдим қайтадан ҳамма кўприklarимни. Ойхон, кечир, бошқа ҳеч ким кечирмайди, биламан, сен кечир хатойимни.

— Қайси бирини? Бошқаларини қўйинг, мен шу келишингизнинг ўзини ҳам кечиролмайман!

— Ахир... Аямизнинг орзуси эди — бирга бўлишимиз.

— Сиз ўлдирдингиз... у орзуларни.

Саттор гапни охиригача эшитдим-йўқми, «ўлдирдингиз»дан кейиноқ юзидан қон қочиб гарангсиз турди-да, чамадонига қоқинганча тезлаб чиқиб кетди.

Ойхон тишлаб турган бармоғини оғзидан олди, вужудига титроқ кириб, йиғлаб юборди. Ая ўлгандан кейин кўзимда ёш қолмади, деб ўйлаган эди, қизариб ичига чўккан кўзлари яна жиққа ёшга тўлди. Юзини кафтларига яшириб, остонада тиззалаб қолди. Қараса, олдида очиқ чамадон. Саттор қоқинганида очилиб кетган экан. Иккита пайпоқ, битта ғижим кўйлак, битта рўмолча... Ойхон қўли куйгандай тортиб олди. Кейин қўлини яна чўзиб, рўмолчани чимдиб кўтарди. Бурчига «С» ҳарфи яшил ипак билан чекилган катта рўмолча. Уша. Саттор ўнинчини битирган куни оқшом катта саданинг тагида унинг чўнтагига солиб, қочиб кетган эди. Кейин уч кунгача кўзига кўринмай юрди...

Ойхон ўз рўмолчасини олиб, икки қўллаб юзларига босди. Рўмолча бирпасда ивиб кетди.

...Саттор кечаси билан хилват йўлларда юриб-юриб, аввал қандайдир полизга кириб қолди. Катта бир пўрсилдоқ кадига қоқинди-ю, ташналикдан кўкси ёниб кетаётганини сезди. Нарироққа бориб бир хамакни марзага уриб, ютоқиб еди-да, кимсасиз бир шийпоннинг тахта сўрисида ётиб қолди.

Азонда аёздан қалтираб, қаттиқ бош оғриғидан уйғониб кетди. Шийпон устунда бўш тўрқовоқ чайқалар эди. Узоқларда яланғоч Қоразовур тутзорлари кўринар, ора-чора кузги ҳайдовдан чиққан ерларда олақарга галалари бир шудгорга ёпирилиб, бир кўтарилиб учарди. Саттор дейдираб бўлса ҳам, шийпон ортида қандайдир бочкадаги совуқ сувга юзини чайди. Борадиган жойи

йўқ, боши чатнаб оғрирди. Нарироққа юриб, суви тортилиб қолган анҳор ёқасидаги қанақадир сассиқ алаф устига ўтирди. Озгина сув бир қиёмда жимирлаб оқар, сал нарида сувнинг шовчасига булутлар синар эди. Ариқ лабида ўтиру умрнинг ўтганини кўр, деганлар. Саттор мутлақо бегона жойларга келиб қолгандай, яланғоч тутзорларга, қарға галаларига маъносиз тикилиб, бошини ушлади. Бу қанақа бедаво оғриқ! Бошдами ўзи, ё бошқа жойдами? Наҳот энди ҳар бир янги куни шундай бошланса?!

Бу маҳал орқасида шарпа сезиб, худди ажина кўргандай кўрқиб, бадани совиб кетди. Кейингина ҳушига келиб заҳарханда қилди ўзига: «Аҳмоқ, нима, бу ерда одам бўлиши мумкин эмасми!»

— Шу атрофда айланиб юрибди, дейишди. Изингдан келдим, болам...

— А?

— Саттормисан?

Саттор қайрилиб кўзларини катта очди, уни таниш қийин, кўзлари киртайган, қовоқлари салқиб, соқоллари ўсиб кетган эди. Дакана рўмол танғиб, бачкана маҳсиси лойга беланган кемшикроқ хотин уни танимагандай қараб турарди.

— Саттормисан ахир?

Саттор ўтирган жойида орқасига тисарилди.


— Онангман, болам.

— Йўқ!

— Онангман, танимадинг, болам.

— Йўқ! Йўқ! Йўқ! — деб бақириб икки қўли билан бошини ушлади Саттор, яна орқароққа чекинарган. Боши ёрилгудай лўқиллаб оғрир, бошигина эмас, лоҳас бир зирқироқ бутун вужудини қамраган эди.

— Онам ўлган... — деди ўзича бақириб, кейин овози чиқмаётганини пайқади. — Менинг онам ўлган, — деди жон-жаҳди билан шивирлаб.



Тоҳир Қаҳҳор

КЎЗИМДАН УНАР ГУЛЛАР

Бир кун ўтди

Тонгдан то шом сафарда бўлган,
бағри башар дардига тўлган,
замин узра очилиб, сўлган
күёш менинг бағримга ботди...

Бир кун ўтди.
Ўтди бир олам.
Зулм ўқидан учди кўп одам.
Отганининг ҳам,
отилганининг ҳам
ғами мени ғамларга отди...

Инсонларнинг ҳақ сўйларида,
шимол, жануб, шарқ ўйларида,
ғарбнинг машҳур музейларида
фикрим,
руҳим мени уйғотди.

Боқдим, кафтдай экан ер юзи,
беш қитъаси — беш бармоқ ўзи.
«Бирлашинг!» — дер одамлар сўзи —
бу акс садо,
бу бир кун ўтди.

Сирлар кўп экан

Очунда одамлар, ерлар кўп экан,
инсонлар ғамини ерлар кўп экан.
Замин ўрмонида арслонлар оз-у,
тулкига маслақдош шерлар кўп экан.

Жаҳолат аҳлига бурсангиз юзни,
қоронғилар босар юракни, кўзни,
англаган оз экан айтилган сўзни,
қалблардан оққан қон, терлар кўп экан.

Ўзидан бошқага номаълум номи,
номард бўлмаса-да, нодон ва оми,
қорин тўйдирарга ярар каломи —
ночор, дил ойнаси кирлар кўп экан.

Ўтар кунга қараб кийимин бичган,
ичкилари билан ичкилик ичган,
кимлигин унутган, ўзидан кечган,
тубдан тубанлашган «эрлар» кўп экан.

Аср ўтар, асрлар ўтади, дилим,
аммо ўтармикин асирлик, зулм?
Биз ҳам у кунларга етайлик, гулим,
деб ёнган шоирлар, шеърлар кўп экан.

Нечун бундай, дея сўрасам, Тоҳир,
барча тушунмаган нарсангни охир
ўлимнингнинг тили тушунтирадир,
ҳаёт — мангу жумбоқ, дерлар кўп экан,
хуллас, мен билмаган сирлар кўп экан...

Бирлашган одамлар

Бир киши курашса ҳақиқат учун,
заволли қаҳрамон ўша одамдир,
умри ёвузликка бўлажак тутқун,
у қишда гуллаган бир туп бодомдир.

Ун киши курашса ҳақиқат учун,
эзилгай, бор буди бўлгай таламон.
Занжирбанд даҳолар ҳолига беун,
томоша кўргандай боқар оломон.

Юз киши курашса ҳақиқат учун,
юз очар ҳақиқат,
уйғонар халқ ҳам —
денгиздай тўлғаниб, ҳис этар кучин,
тўлқинга айланар унда кўп одам.

Бутун халқ курашса ҳақиқат учун,
букилар ҳар не куч, ҳар не мухолиф —
улар билан бирга
боражак Ленин,
бирлашган одамлар бўлажак ғолиб.

Ўтмиш ва келажак қуёши

Қартайган дунёнинг, эй ёш боласи —
кун ваҳми сочларин оқартган гўдак,
айт, хаста дилингни ким даволасин?
Билмасам, мени ҳам уволинг тутар.

Умид, эътиқоддан шифо топсам ҳам,
сендай фонийона бу умрим ўтар.
Шифо — ёруғ хаёл, у — мангу олам,
унга бок, умидсиз бошингни кўтар.

Жоҳилми, оқилми, ғофилми, ҳушёр —
ҳаётда барчасин ўрни бор, лозим:
кичик одаммиз-у, қадримиз бисёр,
буюк дунёларга биз ҳам мулозим.

Қаддингни букма, бас, бошингни кўтар,
не-не замонларнинг эгма бошини!
Тирикмиз — бил, бизнинг бош узра тутар
ўтмиш ва келажак ўз қуёшини!

Викингларнинг кашфиёти

Исландлар — оқил халқ, қадим-қадимдан
«саводсиз» деган сўз йўқдир тилида.
Сабаби — ҳеч қачон,
ошкор ё зимдан
имло ўзгармаган исланд элида.

Дўстларим, тарихга бир кўз тикинглар:
Колумбдан тўрт юз йил аввал викинглар
Америка қитъасин кашф этган, аммо
бу ҳақда овоза солмаган асло.

Исланд тупроғида олтин тоғлари,
«Аждаҳо ётоғи»¹ кўп экан жуда.
Маълумки, қай юртда кўп бўлса зари,
У ерда фожиа бўлмай зиёда.

Шу боис кашшофлар тилини тийган,
халқ ўз маҳсулини ўзи еб-кийган.
Бу ерда даҳшатлар солса-да вулқон,
тўқсон тўққиз фоиз эл исланд ҳамон.

Мабодо... тарихга бир кўз тикинглар,
кашфин фош этганда агар викинглар,
қитъага йўл солган жамики зобит
исланд тупроғин ҳам топтаб ўтарди...

Исландлар жим қолди,
эл қолди собит,
минг йиллар
соф тилин бошга кўтарди!..

Юлдузларга нола қилар бир гўзал махлуқ

Дилга яқин гап кўп
узоқ тарихда,
Қошғарий ёзгандек, туроний шарқда
хотинлар мамлакат қурган эканлар,
бир давру давронлар сурган эканлар.

¹ Исландлар тиллани шундай ибора билан ҳам аташади.

Бойиш маън этилган экан ҳаммага.
Бўлинмас экан халқ
кибор, оммага.
Бир куни у тахтга завол етибди,
аёллар ҳар томон тарқаб кетибди...

Олтой даштларида
бир гўзал ҳайвон
юлдузларга қараб увлармиш ҳамон —
тунларда ноласи нурдай порлармиш,
ўша малакларни ерга чорлармиш...

Кимса билмас ўша
махлуқ отини,
дунё унутмишдир насли, зотини,
фақат у аёллар уни билармиш —
шу боис-у махлуқ нола қилармиш...

Шундай бир ўлкалар бордир дунёда

Шундай бир ўлкалар бордир дунёда:
одамлари содда,
яшаши содда,
тўкин бир,
эркин бир ҳаётлари бор,
жисму жонларини тарк этмас виқор,
у ерда инсондир энг азиз, қиммат,
у ерда арзони — мурувват, ҳиммат.

Шундай бир ўлкалар бордир дунёда:
зиёлар риёдир,
риё зиёда,
у ердаги ҳаёт —
айни фожиот,
беқадр, энг арзон — инсон деган зот,
инсонга керакли ҳар нарса қиммат —
ҳаво ҳам, ажал ҳам сотилар фақат;

шоир айтган каби, олимлар — золим,
жаҳолат илмида бари халқ олим,
ҳатто дафн устида солурлар ғавғо,
тобут кўтаргани қилурлар иғво,
ноаҳил
ва жоҳил бўлганларидан
улар кун кўрарлар ўлганларидан...

Шу боис имондан айрилган улар,
замину замондан айрилган улар —
ёмон кўрадилар замондошларин,
қавмдош,
қариндош,
бор жондошларин,
у ерда бир-бирин ҳеч ким суйганмас,
одамнинг одамга зулми туганмас!..

Шундай бир ўлкамиз бордир дунёда,
ҳаётимиз содда,

халқимиз содда,
ёт бир тупроқларда сиғинди эмас,
биз ўз еримизда оляпмиз нафас —
шукр этиб,
шу учун кўтаринг бода!

Ҳе, ажаб ўлкалар бордир дунёда.

Эгасиз боғлар

Бир қишда ёзувчи Зоҳир Аълам билан Хўжакентдан Чорвоққа пиёда чиқдик: қадим ва юксак тоғ ёнбағирларида эгалари қишлоғга кўчиб кетган кимсасиз чорбоғларни кўрдик...

Қорлар ўзгачасиз, феълингиз ўзга,
рангин ерни бир хил рангга қорасиз.
Одамлар қораси кўринмас кўзга —
эй боғлар, сиз мунча бахти қорасиз?

Бунда қолмиш фақат ўлик дарахтлар,
кўринмас равшандил япроқлар, гуллар.
Қани баҳор аҳли, қани бараҳдлар,
қани у шиддатли, нурли довуллар?

Хувиллаб ётибди боғлар эгасиз.
Бўш шишалар...
Боғлиқ итлар вовиллар.
Итлар, сиз ҳатто қиш бўйнини эгасиз —
дарёмас, ваҳший бир жимлик шовиллар.

Бир садо эшитдим, ишондим унга:
«Фасллар, замонлар елдай елади,
сен инон муҳаққақ баҳорий кунга
бу боғлар эгаси қайтиб келади!..»

Қуёш — биз илк туғилган уй

На ердир, айт, қуёш асли?
Ёниб ётган заминдир у!
Самовий саждагоҳинг у,
қувончинг у, ғамингдир у!

Қуёш — биз илк туғилган уй,
одамнинг илк ватангоҳи,
юрақ, илк бор сенинг аршда
ёниб, учган дамингдир у!

Бу зулмат коинот ичра,
ҳаёт ичра ёниб ўтган,
ёниб турган жамий инсон,
сенинг сўнмас жамингдир у!

У жаннатдир башар ўтган,
башар ўтларга отган ер,
фалак, сен руҳи инсонга
ёқиб қўйган шамингдир у!

Бил, эй инсон, тагин ёқсанг
самовий хонадонингни,
куёш мотам тутувчингдир,
оловли мотамингдир у!!!

Кўзимдан унар гуллар

Қорачиқ тўла ерни
бефаросат бир деҳқон
омоч солиб ҳайдади.

Билмам, у кўзни ерми?
Энди кўринмас осмон.
Қорачиқлар қайдадир?

Деҳқон, эшит сўзимни:
ол-да менинг кўзимни,
бу сўқир заминга қўй —

у кўкка очар йўллар,
кўзимдан унар гуллар,
таралар қадим хушбўй...

Овчининг пушаймони

Тубанлигим шу қадарки,
ризқ истадим итдан ҳам,
мени кўрса, қочар бўлди
бор ҳайвонот, бор одам.
Қонин ичдим, отдим, едим
жондорлару қушларни,
унутдим тинч хаёлларни,
унутдим тинч тушларни.

Ўқ отиб, гоҳ осмондаги
булутларни тарқатдим,
онам меҳрин, болам меҳрин,
уйим меҳрин тарк этдим,
оқар сувни тўхтатдим гоҳ,
қумликларга бошладим,
ернинг у шоҳ томирини
кешиб-кешиб ташладим,
балиқларнинг тухумини
йиғдим, ўзин қовурдим,
дарёларнинг,
қуруқликнинг
неъматларин совурдим...

Бу кун қариб,

ўтирибман
қоя узра, сўққабош.
Остимда тош,
устимда тош,
кўксимда ҳам қонли тош!..

Англадимки, шууримда
зилзила бўлиб ўтди,
сўнг тўфон ҳам бўлиб ўтди —
бор нарса йитди, кетди.
Англадимки, онгсизларнинг
онги кирмиш онгимга,
ҳар кун ҳайрон қарайдурман
шомга ўхшаш тонгимга.

Мен ақлимдан озаяпман...
бўлаяпман савдойи,
ич-ичимдан эшитилар
тоғларнинг акс-савдойи...

Кел, ақлимдан озганимда
сўзларимни тингласанг,
донолар ҳам айтолмаган
ҳақиқатни англарсан.

Сурурларга берил, инсон

Сурурларга берил, инсон,
суронинг титрасин, тинсин!
Қирилмасдан жаҳону жон,
қиронинг титрасин, тинсин!

Адоватларни қўй, инсон,
разолатларни қўй, инсон,
жаҳолатларни қўй, инсон,
гумонинг титрасин, тинсин!

Саноксиз мазҳабу дининг,
худойинг, авлиёнг, жининг,
тугарму интиқом, кининг —
имонинг титрасин, тинсин!

Фалак, тўрт ён ёнур ўтда,
у тўрт унсур, китоб зидда,
башарни ўртадинг — тўртта
томонинг титрасин, тинсин!

Замон сайёдлари, бу дам
олинг дам, овламанг одам,
тин, эй соҳибзамон, сен ҳам,
замонинг титрасин, тинсин!

Ривоятлар тўқинг менга,
эшитгайман, ўқинг менга,
ажал, узма ўқинг менга —
камонинг титрасин,
тинсин!..

У кун келажакдир

— Эй дўст, бу баҳор гуллари бир кун
сўлажакми?

— Ҳайҳот, сўлажакдир!

— Инсон-чи, яшаб бир куни албат ўлажакми?

— Ҳайҳот, ўлажакдир!

— Дилдан хабарим бор, ажалимдан хабарим
йўқ.

Ҳар лаҳза — ажал ўқ.

Инсон-да қачон ўлмагин олддан билажакми?

— Билгай, билажакдир!

— Эй Нух, на замон аҳли у — ғафлатда
қотарми?

Имон йўқотарми?

Музлар эрибон, ер уза сувлар тўлажакми?

— Тўлу тўлажакдир!

— Зулмат ва зиё ичра одам мазлуму золим
ҳам омию олим,
бир кун бу сифатлар била комил бўлажакми?
— Комил бўлажакдир!

— Ҳар дилда ўсар хайру баду меҳру муҳаббат,
ҳар қаҳру қабоҳат,
қалбларда фақат ишқ бўлажак кун келажакми?
— У кун келажакдир!



Убайдулла Ғалатов жуда яхши йигит эди — ўйли, фикрли, маданиятли. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига кечқурунлари ўқирди, кундузлари эса республика журналларидан бирида хизмат қиларди. Бугун у орамизда йўқ. Афғонистонда интернационал бурчини ўтаб юрган жойидан қайғули хабар келди.

Журналимиз бу ажойиб йигитнинг қогозда қолган бир ҳикоясини нашрга тайёрлади. Ниятимиз — шу ҳикояча ундан бир хотира бўлса...

Убайдулла Ғалатов

ТЎТИ МОМОНИНГ ЎҒЛИ

Талаба аҳли — маъмурчилик барометри. Талабанинг еб-ичиши, кийиниб-таранишига қараб, йил қандай келганини айтиб берса бўлади. Баҳор қурғоқчил келса, чорвадорнинг пўрим ўғли кузга бориб шалпайиб қолади, сабаби — яйловда барақа йўқлиги. Баҳорда ёгин-сочин кўп бўлса, бу тарафи жавзога ҳам уланиб кетса, чорвадорнинг ўғлига жон кириб, пахтакорнинг ўғли шалвирай бошлайди. Ишчининг ўғли доимо бир хилда юради. Бунинг ҳам сабаби бор — отаси билан онасининг маоши доимо бир хил.

Мен ўзимни қайси тоифага қўшишни билмайман. Отам — қишлоқ мактабида қоровул. Сувчиликда юриб, бод деган ёмон бир дард орттирганидан сўнг шу ишга ўтган. Онам касалхонада фаррошлик қилади. Укаларим ҳали кичкина, рўзғор катта, топадиган қўл қисқа, хуллас, тўнғич ўғилга, шаҳардаги «катта ўқишда ўқийдиган» Раҳматиллага, яъники менга дурустроқ харж юборишолмайди.

Ётоқхонада, тўрт кишилик хонада тураман. Кундузлари ўқийман, кечалари ота касбини қилиб, атеизм уйини кўриқлайман. Атеизм уйи — жуда тинч жой. Деворларига муллаю эшонларнинг ярамас кирдикорлари шунақанги ваҳимали қилиб чизиб ташланганки, ўғирликка тушган одам юраги ёрилиб ўлади.

Ётоқхонадаги шерикларим Тошкент биқинидаги районлардан келишган. Ҳар шанба пешиндан сўнг уйларига кетишади. Менинг қишлоғим узокда. Андижонга етиб, кейин яна икки-уч автобус алмаштириш керак.

Ҳолимга қараб юраман — кун оралатиб кинога тушишга ёки ҳафта оралатиб чойхонапаловга боришга вақтим ҳам, имконим ҳам йўқ. Шу боис, айрим жўраларим мени хасисроқ деб ўйлашади. Еқмайди, лекин начора... Ахир, бир кун минг кун эмас, вақти-соати келиб мен ҳам тузукроқ топадиган бўларман, ўшанда жўраларнинг кўнглидан чиқарарман, деб ўзимга ўзим таскин бераман. Айтиш ўзи кулгили, айтсам балки сиз ишонмасиз, лекин менинг чиноқлигим шунчаликки, ошна-оғайниларнинг адреслари туширилган махсус дафтарим бор. Қараб турасиз, келажакда улар мени унутса унутар, лекин мен зўр-зўр совға-саломлар олиб, ҳар бирини алоҳида сўроқлаб бораман.

Шундай дейман-у, лекин дафтарни бемалол ёқиб юборсам ҳам бўлавершини кўнглим сезади. Негаки, унда дўстларимдан кўра, мени менсимайдиган бойваччароқ йигитларнинг исмлари кўп. Ориятбозлик қилиб, ўшалардан кам эмаслигимни исбот этиб юришим шунчалар шартми?..

Рости, кўнглига яқин ошнам, бор-йўғи битта. Исми — Султон. Чиноздан келиб ўқийди. Камсуқум йигит.

Мурод ака деган ёш домламиз бор. Ҳикоялар ёзиб туради. Баъзида қизиқиб кетиб,

дарс пайтида битта-иккитасини ўқиб ҳам беради. Ҳикоялари анча заиф, лекин биз юрак ютиб танқид қилолмаймиз. Ҳақиқатгўйлигимиз тутади-ю, олдинда имтиҳон борлигини ўйлаймиз. Гарчи ҳикоялари зўр бўлмаса-да, домламизнинг битта яхши фазилати бор: бизларга ҳам «ёзинглар» деб ташвиқот қилади. Аслида-ку, шундоқ ҳам ёзиш-чизишни ўрганиш учун бу ўқишга кирганмиз, лекин Мурод ака бошқалардек ёзишга ундаш билан чекланиб қолмайди, балки тазийқ қилиб ёздиреди: Унга қолса, биз мақола ёки лавҳа ёзадиган журналистлар эмас, ҳаммамиз баробар ёзувчи бўлишимиз шарт.

Бир куни дарсга кирди-да, томдан тараша тушгандай қилиб:

— Бир пара муҳлат, керак бўлса, нариги парани ҳам сўраб оламиз, шу орада биттадан ҳикоя ёзишларинг шарт,— деди. — Энг яхши ҳикояларнинг авторларига бугуноқ заҳёт қўйиб бераман, энг ёмон ҳикоя авторидан имтиҳонда биргина балл қирқилади. Ҳикоя сарлавҳаси умумий — «Она».

Ҳикоя ёзиш осон эмаслигини билардиг-у, лекин «заҳёт» деган нарса кўзимизга чўғдек кўриниб, жамики истиҳолани йиғиштириб қўйиб, секин қалам қитирлата бошладик.

Мурод ака аудитория тўрида ҳурпайиб ўтирибди. Юзида чексиз мамнунлик ифодаси, гўёки унинг талабалари мўъжиза кўрсатади, икки соат вақт ўтиб, у янги туғилган Толстой ёки Қодирийнинг номини оламга овоза этади.

Ҳикоя ёзишда қизларимизнинг омади келди. Вафодор она, меҳрибон она, оҳанрабо, меҳригиё, деб ёзишиб, деярли барчаси Мурод аканинг мақтовига сазовор бўлишди. Мадамин деган йигитнинг отаси қўшхотинли экан, онаси иккиталигини ёзиб, «ростгўйлиги учун» у ҳам «заҳёт» олди. Мен бечора Мурод акадан сукиш эшитдим. Қизларимизга ўхшаб нуқул онамни мақташдан уялиб, бор-йўғи унинг касалхонада фаррош бўлиб ишлашини, баъзида писта чақишга ўч беморлар билан «жанг» қилишини ёзувдим, домламизга маъқул келмади.

— Майнавоз экансиз, Худойбердиев, — деди у. — Она — улўф зот. Онадан кулиб бўлмайди.

— Кулганим йўқ, домла, — дедим ўзимни оқлаб. — Ростини ёздим, истаган фаррошингиздан сўраб кўринг, пистафурушга қирғин келсин, деб қарғанади.

Курсдошларим кулиб юборишди. Битта-иккитаси, ҳа, тўғри, худди шундай, деб тасдиқлаган бўлишди. Лекин Мурод ака барибир жаҳлидан тушмади.

— Аҳволингиз оғирлашди, Худойбердиев, — деди у. — Энди имтиҳонга жиддийроқ тайёрланмасангиз бўлмайди.

Шалпайиб қолдим. Мурод аканинг кенгфеъллиги ҳам, «тутиб қолганида» қиладиган беҳад қаттиққўллиги ҳам факультетимизда дoston бўлиб кетган эди. Жимгина ўтириб, бошқалар ёзган ҳикояларнинг таҳлидини эшитдим. Курсбошимиз, армияни битириб келган Сулаймон ака шу ернинг ўзидаёқ «беш» баҳо олди. Мурод ака унинг синов дафтарчасига баҳо кўятуриб, ҳикоянинг сарлавҳаси зўрлигини таъкидлади:

— Авторнинг мардлиги шундаки, у асосий ғояни тепага чиқаришдан қўрқмаган. «Пахтакор она!» Бу ном мағрур жанглайди!

Аудитория бир карра энтиқиб олди. Сулаймон аканинг онаси қишлоқ магазинида сотувчи эканини ҳаммамиз билардик. Сотувчилик ҳам яхши касб-у, лекин Сулаймон ака домламизнинг кўнгли учун онасини «пахтакор» деб эълон қилгани бирортамизга ҳам ёқмади.

Онасини мақташга журъати етмаган яна бир-икки студент Мурод акадан койиш эшитди. Лекин калтакнинг зўри Султоннинг бошида синди. Унинг ҳикоясини Мурод ака атай таббостига олиб қўйган экан, қаттиқ койиди:

— Ўв, Ҳайитбоев ука, инсоф борми сизда? Сиздаги фарзандлик меҳри қани? Одам она ҳақида ҳам шунақа ёзадими? «Мен Тўти момонинг ули бўламан» эмиш! Нега фарзанд ўз онасини «момо» деб аташи керак? «Ўғли» деган сўз ўрнига «ули» деб хато ёзганингизга ўлайми, укажон?..

Мурод аканинг одати шу — сал қизишиб кетдими, кейинроқ ўзи ҳам пайқаб, дарров охирини «укажон» ёки «сингилжон» деб юмшатади.

Султон қизариб ўрнидан турди.

— Домла, ҳамма уни Тўти момо дейди-да... Тўти момо асли жуқчилардан, Форишдан кўчиб келишган. Бизлар эса Зоминдан кўчиб келганмиз...

Мурод ака бақрайиб қолди. Мантиқ фани бўйича Зухра опа Мўминовадан «нуқул «беш» олиб юрадиган икки-учта билафон қизимиз пиқ-пиқ кула бошлади.

— Тўти момо — ўзбек, — деди Султон баттар мулзам бўлиб. — Менинг онам — тожик, отам — ўзбек, уям Тўти момога ўхшаган жуқчилардан...

— Шошманг, шошманг, укажон, — деди Мурод ака Султоннинг гапини бўлиб. — Тўти момонинг улиман, деб ёзган ким, сизми?

— Мен...

— Бас, укажон, яна гапирсангиз жинни бўлиб қоламан, — деди Мурод ака бошини чангаллаб.

Шу-шу, Султоннинг номи «Тўти момонинг ули» бўлиб кетди. Ҳеч ким уни исми билан атамай қўйди. Лақаби ўзига ёқармиди, йўқми — бунисини айтишим қийин. У жуда

оғир-босиқ йигит эди. Дўсти бўлатуриб, мен ҳам унинг кўнглидан нелар кечганидан беҳабар эдим.

Шанба кунларидан бирида, охириги лекция орасидаги қисқа танаффусда Султон ёнимга келди. Бир зум айбсингандай индамай турди, сўнг секин сўзлади:

— Меҳмонга эмас, ишга айтсам... борасанми?

— Қорнимни тўйғизсанг бас, — дедим мен, — кейин, майли, лўмбоз дейсанми, хари дейсанми...

Султон рад жавоб беришимдан чўчиган экан — қувонди. Елкамдан оҳиста қучиб, миннатдорлик билдирди, сўнг жойига ўтиб ўтирди.

Лекциялар тугади. Китоб-дафтаримизни ётоққа ташлаб, автостанцияга жўнадик. Одам тирбанд экан, бир амаллаб автобусга тиқилиб, бир ярим соат деганда Чинозга етдик, у ердан яна озроқ йўловчи машинада юрдик. Колхоз марказига тушиб, қолган жойга пиёда кетдик.

Ховли қишлоқнинг четроғида экан. Каттакон боғ, атрофи тераклар билан ўралган, ўртада — айвонли, икки хонаю бир даҳлизли чоғроқ уй.

Ёши олтмишларни қоралаб борган куйинчак бир кампир қарши олди.

— Эна, бу йигит менинг курсдошим Раҳматилла, — деб танитди мени Султон. — Ҳашарга опкелдим.

— Яхши қипсан-да, — деди кампир. — Ҳашарга иш қолмади, майли, озгина ўйнаб кетади-да...

— Нега? — деди Султон қоғоғини уйиб. — Узингиз лой қордингизми, эна? Неча марта айтаман сизга, уриниб қоласиз, деб?..

— Э, менинг лой қиладиган ҳолим қоптими, улим, — деди кампир. — Отанг келиб ёллашди, иккита жўраси ёнида экан, бир-бирига эш бўлиб, қумғон қайнагунча деворни битирди-қўйди. Сен бориб уларни кўриб келсанг бўларди...

Султоннинг кайфияти бузилди. Узимча, бунинг отаси билан онаси ажрашиб кетган экан-да, деган хаёлга бордим. Дўстим ҳовли тўрига — ҳали лойи қуримаган янги гувала деворга хўмрайиб тикилади. Гўё ҳозир бориб ағдариб ташлайдию кейин ўз қўллари билан қайтадан тиклайди — шунақа шашти бор...

Гапимиз ҳадеганда қовушмади. Кампир нон-чоё қилиб келди, овқатга уннади. Бир пиёладан чоё ичиб, ўрнимиздан кўзғалдик. Султон озгина каловланиб турди-да:

— Ҳашар «атмен» бўпти, — деди. — Энди, агар ҳазар қилмасанг, бостирманинг тагини мисранг билан қавлаймиз. Қишда қўйнинг қийи палахса бўп қотиб қолган. Қий нималигини биласанми?

— Қизиқмисан, — дедим, — бизам қий билан қумалоққа ағанаб катта бўлганмиз. Палахса бўлиб қотган бўлса, айни печкабоп экан-да.

Султоннинг юзи сал ёришгандай бўлди. Уйга кириб эски-туски кийимларидан кўтариб чиқди. Шаҳарбоп пўрим либосларимизни дарров алмаштириб, мисранг билан чўкичларни дўтариб, қўрага қараб юрдик. Энди иш бошлаган ҳам эдикки, ўн ёшлар чамасидаги дўмбоқина бир бола чақириб қолди:

— Султон! Менга нима опкелдинг, Султон?

— У ахлоқсиз! — деб қиқирди Султон. — Қачон ўзингдан катталарни «сиз»лашни ўрганасан?

Болакай пинак бузмади, тагин саволини такрорлади:

— Менга нима опкелдинг?

— Бор, бориб йўлхалтани титиб кўр, — деди Султон. — Салафанда турибди. Бир ўзинг йўлда еб қўйма, аҳмоқ, уйдагиларга ҳам озгина қолсин.

Болакай раҳмат айтишни ҳам унутиб, уйга қараб шитобли йўналди.

— Икков жуда қалин ошнамиз, — деб кулди Султон. — Лекин ичида мени кўп менсимайди, гапини кўрмайсанми? Шунча ўргатаман-у, номига бўлсаям «сиз»ламайди, номард! Опкелган хўрозқандимни паққос туширишни билади лекин!

— Қўшнининг боласими? — деб сўрадим.

— Э, қаёқда, ўзимнинг туғишган укам, — деди Султон. — Бундан катта яна иккитаси бор, бундан кейин яна иккита ўғил билан битта қиз... Сони кўп буларнинг, Раҳматилла, суяги қотганлари «сиз»лайди, аммо буни роса худо урган...

Баттар таажжубим ошди. Нима бало, отанг шунча болани ўзи билан опкетганми, сен энанг билан икковинг қолганмисан, деб сўрамоқчи бўлдим-у, бунинг ҳам иложини топмадим — боя бизни қарши олиб, энди қозон бошида куймаланиб юрган хушфеъл кампирнинг норасида фарзандлари бўлиши ақлга сиғмасди. Сездимки, бу ерда бошқача бир синоат бор.

Шу аснода ҳалиги «ахлоқсиз» болакай салафан ҳалтада конфет кўтариб келди.

— Кинога пул бермайсанми, Султон? — деб сўради ғоз туриб.

— Отангдан сўрайсан, — деди. Султон. — Конфетдан энамгаям қолдирдингми?

— Қолдирмадим, — деди болакай. — Барибир, тиши ўтмайди, кейин ўзимга беради.

— Ҳар балога ақлинг етади, — деди Султон. — Йўқол, текинхўр!

— Бақирма! — деди болакай. — Энамга новот опкелувдинг, тегмадим-ку? Конфет чойга солса дуруст эрмайди... Менга қара, Султон, агар мени десанг, сен анави Башоратга уйланмайсан!

Тирмизаккина боланинг бундай жиддий гаплашгани, рости, завқимни келтирди. Қарасам, Султон дўстим аввалги жаҳлидан тушган, бақиришни бас қилиб, ҳалимдеккина бўлиб турибди. Юзи ҳам андак қизаргандай... Уйладимки, «ахлоқсиз» болакай акасининг юрак сирларидан сал бўлса-да воқиф экан, ким билсин, ўртада хат-пат ташиганми ёки хилват гузарда буларнинг ўғринча гаплашиб турганини тасодифан кўриб қолганми... Ишқилиб, сал ошириброқ гапиришга ҳаққи бор экан унинг.

— Азим, ука... — деди Султон овози қалтираб. — Башорат... сенга нима ёмонлик қилди?..

— Башоратинг бўлмайди, — деди Азим жаҳлидан тушмай. — Синглисининг сочидан тортувдим, келиб қулоғимни чўзди.

— Айб ўзингда экан-ку? — деб гапга суқилдим мен.

Азимга гапим ёқмади, ўқрайиб қаради-ю, ҳар тугул, меҳмонлигимни иззат қилдими, индамай терс бурилди.

— Парво қилма, — деди Султон. — Бугун сочидан тортсанг, эртага сочини силайсан. Сен ўсадиган йигитсан, Азим.

Азимга акасининг мақтови ҳам ўтиришмади. Боя салом-аликни қандай нася қилган бўлса, хайр-маъзурни ҳам ўшандай қилиб, норози қиёфада нари кетди.

Султондан Башоратнинг кимлигини сўрамоқчи эдим, лекин у илдамлик қилиб, гапни бошқа тарафга буриб юборди:

— Уқишни битириб, кейин аспирантурага кирмоқчиман.

— Нима, аспирант уйланмаслиги керакми? — деб кулдим мен, унинг ҳийласини пайқаб қолиб.

— Бу гапларни қўй, Раҳматилла, — деди у. — Сенга айтгим келади-ю, лекин... Энди, ҳар кимнинг ўзига яраша сири бўлади-да... Энамга ўша қиз маъқул, лекин отам унинг отаси билан келишмас экан. Азимбой ҳам унинг гапини маъқуллаб юрибди, кўрдинг... Улғудай тақлидчи, — деди бирдан беозор кўлиб. — Чоллар билан ҳам бемалол гаплашиб кетаверади. Лақабиям зўр — «отаси туққан бола»! Отамга ўхшайди-да!..

Чет-чақадан гаплашиб, қўранинг ярмини тозалаб бўлганимизда ҳовли дарвозасидан хушмўйлов бир киши от миниб кирди.

— Мулла бўлясизми, Султонбой? — деб қичқирди узоқдан. — Даладан келяпман. Ишни битириб, кечроққа қараб ўтсангиз, шўрвани бирга ичамиз.

Отини ортга бурмоқчи эди, менга кўзи тушди. Салом бердим. Алик олиб, бояги оҳангда қўшиб қўйди:

— Жўрангизниям олиб боринг, Султонбой.

— Боролмаймиз, — деди Султон. — Иш кўп.

— Унда эртага боринг. Эрталаб бозорга тушаман, чошгоҳда қайтаман, шунга қараб, жўрангизни бирга олиб ўтаверасиз. Пул-мулдан қийналиб қолмадингизми?

— Пулим бор.

— Тортинманг, Султонбой, озроқ бўлса кўпайтириб берамиз. Куни кеча ойлик олганмиз.

— Бор, деб айтдим-ку, — зарда қилди Султон. — Анави мишиқига айтиб қўйинг, акасини «сиз»лашни ўргансин!..

— Э, Азимбой хафа қипти-да! — деб кулди суворий. — Энди, у кишининг ҳавоси сал баландроқ, тепадан келмаса бўлмайди. Эсдан чиқмасин-а, эрта чошгоҳга меҳмонга айтдим, — суворий шундай деб, ўчоқ бошидаги кампирга қараб қичқирди: — Тўти хола, буларни сал эртачироқ уйғотасиз-да, лаббай?

Кампир нимадир деб ваъда берган бўлди-ю, мен тузукроқ англамадим. Хаёлим оғди: бизнинг Андижон томонларда одамларнинг муомаласи сал бошқачароқ, сал лутфи мўлроқми-ей... ишқилиб, буларникидан фарқ қилади. Лекин буларники ҳам чакки эмасга ўхшайди, лутфи камроғ-у, лекин самимияти бизникидан заррача қолишмайди.

Суворий дарвозадан чиқиб кетди. Қотган қийни палахса-палахса қилиб кўчириб, бир чеккада тўплаб, кейин замбилгалтакка солиб, уй биқинидаги ўтинхонага навбат билан ташиб-тахлай бошладик. Иш билан овора бўлиб, қош қорайганини ҳам пайқамай қолибмиз.

Бир маҳал кампир келиб тиқилинч қилди:

— Бўлди, уларим, қолганини эртага тозалайсизлар. Тезроқ ювиниб олинглар, биргад болам меҳмонга айтиб кетди.

— Бормаймиз, — деди Султон. — Эртага ваъда бердим-ку, эшитмадингизми, эна?

— Хафа бўлади, бугун борақол.

— Гапни камроқ қилинг, эна. Овқатингизни сузаверинг. Борсак, қоринни тўйдириб борамиз...

— Қизиқ феълларинг бор-да, улим, — деб кулди кампир. — Ўзингнинг отанг бўлса, берган бир коса овқатини миннат қилмас энди?..

— Бунинг «сиёсий аҳамияти» бор, эна, — деб илжайди Султон.

Рости, буларнинг гапларига унча тушунмадим. Мисранг билан чукичларни жойига элтиб, ҳовли четидан оқиб ўтаётган ариқда яхшилаб ювиниб олдик. Яна ўша шаҳарбоп пўрим кийимларимизни кийдик. Келсак, супада ораста бир дастурхон ёзилиб, сергўшт қовурдоқ ҳовурланиб турган экан. Анчадан бери уй овқатини емаганим учунми, иштаҳам кўзиб, оғзим сўлакка тўлди. Уялдим, нафсимни тийиб, лагандан бир-икки чуқиланган бўлдим.

— Тубини кўрсатмасак бўлмайди, — деди Султон, кампир бўшаган чойнакни кўтариб ўчоқ бошига кетганида. — Энамнинг кўнгли нозик, зўр пазандасиз, деб мақтаб ўргатиб қўйганман.

Султон ҳазиллашяптими ёки чин гапиряптими — ажратолмадим. Лекин гапи фатво бўлиб, овқатни баҳузур едим.

Қоринларни тўйдириб, энди лўлаболишларга ястанмоқчи ҳам эдик, кампир тагин қистовга олди:

— Бўлди, Султон, энди у ёққа бор, отанг азза-базза айтиб кетди.

— Қорин дўмбира чалмаяпти-ку, эна, — деди Султон. — Эрталаб ширчойни ўша ёқдан ичсак маъқул.

Йўқ, кампир кўнмади. Ноилож кўчага чиқдик.

— Э, жура, менда ҳеч кўним йўқ, — деб нолинди Султон. — Бу ёққа келсам у ёққа қувишади, у ёққа борсам бу ёққа қувишади.

Меҳмонга айтилган жойга етиб, Султоннинг отаси ҳам, ойиси ҳам ўша ерда эканини билдим. Ортиқча манзират қилишмади. Оилага атаб пиширилган ёвғон шўрвадан тотиндик. Шаҳар қалай, деб сўрашди. Жуда зўр, деб жавоб бердик. Султоннинг ойиси фурсат топиб, қишлоқ қизларидан, хусусан, Башоратдан гап очган эди, отаси рағбат кўрсатмади. — бир ўкрайган эди, ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Укалари (Азим-бойдан бошқалари) эркаланиб сўйкалишган эди, бу гал Султоннинг ўзи рағбат кўрсатмади. Булар — бир ҳисса, лекин мени Султоннинг отаси ҳайратга солди. Гўё ўз фарзанди билан эмас, етти ёт бегона билан гаплашгандай — жуда сипо бўлиб сўзлайди, нуқул «сиз»лайди. Рости, бу хил муомаладан кейин ҳар хил хаёлга бордим, тезроқ туриб кетгим келди.

Ниҳоят, уй эгалари билан хайрлашдик. Султоннинг отаси бизни кўчага кузатиб чиқди.

— Султонбой, — деди овози сал бўғилиб, — бу, дейман, биздан ҳам озгина харж опкетмайсизми?..

— Керакмас, ота, — деди Султон. — Ёзда костюм оббердингиз-ку.

Шу билан ота-боланинг гапи тугади. Икков ғира-шира қоронғида, қишлоқнинг тўпроғи тўзғиган кўчасидан юриб, манзилга қайтдик. Келсак, Тўти момо жой ҳозирлаб, ҳар ёстиқ ёнига биттадан яхна чой қўйиб, кутиб ўтирган экан. Бизни қуюқ дуо қилиб, ўзининг хонасига кетди. Кун бўйи юриб, бу ёғи кўрада озгина меҳнат қилиб чарчаган эдик, ечиниб тўшаққа чўзилдик. Султон чироқни ўчирмоқчи бўлиб турди-да, девордаги каттакон сурат тагига етганида таққа тўхтади.

— Раҳматилла, — деди секин, — сен ҳеч балога тушунмадинг, жура. Тўти момонинг ули асли мана шу киши...

Аввал кўрсам-да, мундоқ диққат қилмаган эканман: девордаги суратда аскар кийимидаги ёш бир йигит кулиб турарди. Юзини ўхшатиш қийин, лекин кўзлари Тўти момонинг кўзларига жуда ўхшайди.

— Урушда ўлганми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — деди Султон. — Қамариддин акам урушдан кейин, қирқ тўққизинчи йилда туғилган. Армияга бориб келган. Энди уйлантирамиз деб туришганида нобуд бўлган. Ёлғиз ўғил, отаси ўлиб, уч ёшида Тўти момонинг қўлида қолган экан. Кейин йигит бўлган, армияга борган, армиядан қайтиб келиб, энди уйланман деб тарадди қилаётганида...

Султон чироқни ўчириб, жойига ўтиб ётди. Кейин яна гапира бошлади. Ҳамма айтаганлари бугун ёдимда йўқ. Ёдимда қолганини ўз тилимдан айтганим тузук.

У пайтлар Султон ҳам ёлғиз экан. Отаси билан онаси тилаб олган фарзанд. Олдингалари қиз экан, биттасиям турмабди. Султоннинг ҳам кун битган экан-у, лекин уни Қамариддин ака кўтқариб қолибди. Биргина уни эмас, шийпоннинг ички хонасида ётган етти гўдакни ҳам кўтқарибди. Боғча опа қайгадир кетган экан. Ташқарига қўйилган катта самоварга ўтин кўпроқ ташланганми, қувуридан ўт чиқиб, бўғотдаги похолга туташибди. Ёнғин чиқибди. Оёққа турган икки-уч бола ўзи қочибди, лекин Султонга ўхшаган нақ еттита мурғак беланчакка маҳкам бойлаб ташланган экан. Дала эса анча нарида, токи аёллар ёнғиндан хабар топиб келгунича... Қамариддин ака, раиснинг шопири, биринчи бўлиб етибди. Еттита чақалоқниям ташқарига опчиқибди. Охириги кўтариб чиққани менинг дўстим Султон экан. Етти чақалоқни опчиқибди-ю, ўзи нобуд бўлибди.

Ўғли ўлганидан кейин Тўти момо жуда чўкиб қолди. Султоннинг отаси ориятли одам эди, Тўти момо ёлғиз қолганидан сўнг ўз уйига кўчириб кетмоқчи бўлди, лекин момо унамади. Менинг ҳеч таъмаим йўқ, биргад болам, деб айтди, Қамариддиним учун пенса оламан, бу ёғи қўни-қўшнилар қарашиб турибди... Хуллас, унамади. Кейин Султоннинг отаси Султонни Тўти момога ўғил қилиб берди. Тўти момо қийналди, отанинг ўзи ҳам қийналди. Боланинг аҳволи уларниқидан ҳам баттар эди. Ҳар куни йиғлаб қочиб кетарди — отаси яна қайтариб опкелиб ташларди. Бола қийналганини кўриб, Тўти момонинг бир дарди мингта бўларди... Лекин Султоннинг ўз ойиси йиғламаган. Дардини ичига ютган.

— Баъзида отамнинг ҳам кўзларида ёш филтиллаганини кўрганман, — деди Султон ўшанда. — Лекин ойим ундан мардроқ экан — чидаган... Кейин укаларим туғилиб, уларнинг ҳам бағри тўлди. Мен эсам бу ёқда Тўти момога ўғил бўлиб қолавердим. Ўргандим унга, шу жойда яшашга ҳам кўниқдим. Рост, бир гал энамдан айниб, аразлаб кетишимга бир баҳя қолувди. Саккизинчи синфда ўқирдим. Мактабдан қайтиб келсам, энам Қамариддин акамнинг суратига термилиб йиғлаб ўтирибди. Ишонасанми-йўқми, лекин мен энамни Қамариддан акамга рашк қилдим. Алашим келди. Э, туғишган бошқа экан-да, деб ўйладиму шартта отам билан ойимнинг уйига кетвормоқчи бўлдим. Лекин... лекин мен кетолмадим, Раҳматилла жўра. Энамни ёлғиз ташлаб кетолмадим. Дардини тушунишга уриндим. Яқинроқ бориб, йиғламанг, эна, деб айтдим, мен борман-ку, дедим. Энам уввос тортиб бўйнимдан қучоқлади. Рост, болам, сен борсан-ку, деб йиғлади, йитганимнинг ўрнига етганим сен ўзинг-ку, деб йиғлайверди-йиғлайверди... Энди ўйласам, ўшанда бор-йўқ армонларини кўздан ёш қилиб тўкиб, кўнглида қаноат ҳосил қилган экан. Буткул ўргандим унга, бир кун келиб кўрсам, икковимиз бир жондай бўлиб яшайпмиз. Энг қизиғи шундаки, отам вақти-вақти билан у-бу нарсадан қарашиб турса, энамга қўшилиб менинг ҳам орим келяпти...

Хона тим қоронғи эди. Султоннинг овози бир маромда — сокин, осойишта. Фақат менинг кўнглим сал безовта: дўстимнинг ҳикояси таъсирида, бир тарафи — узоқ кишлоқда яшаётган ота-онам, укаларимни эслаб, эслаганим сабаб, йиғлагим келади.

— Султон, — деб овоз бердим озгина чалғиш учун, — Султон, шу гапларни ёзсанг бўларди-ку?

— Бўлмайди, — деди Султон. — Ёзсам, гўё «гирой»лик даъво қилаётгандай бўп қоламан. Индамай юрган маъқул.

— Ўша куни сендан бекор кулишди, — деб эсладим. — Тўти момо — тутинган онам, лекин туққандан ҳам афзалроқ, деб ёзсанг бас эди, ўшанда Мурод ака сени жуда тўғри тушунарди, ахир, у ёзувчи одам-ку...

— Мурод ака ёзувчимас, — деди Султон, — шунчаки маҳмадана одам, барибир тушунмайди. Ўлганининг кунидан домлачилик қилиб юрибди, бўлмасам, шунча савлат, шунақа ҳурпайган соч билан... эҳ-ҳе, аллақачон Ғафур Ғулом бўп кетарди.

— Ғафур Ғулом соч қўймаган, — дедим мен билағонлик қилиб.

— Бўлди, ухла, — деди Султон атай тўнғиллаб, лекин мен унинг қоронғида жилмайиб ётганини аниқ-таниқ тасаввур этдим. — Ухла, эрта туриш керак, иш кўп ҳали қўрада.



ҲАЁТДА ОРЗУЛАР ТИРИК ЭКАН ТО...

Жонибек Сувонқулов

Инсон

Шоирнинг соати энг камида бир
соат олдин юриши керак.
Шайхзода

Вақт учқурдир, гўё хаёл,
Утган умр — мисли туш.
Кун — бир бўрон, йил-чи — шамол,
Инсон унга дучор қуш.

У гоҳ отда, гоҳ осмонда
Тинмай қувар вақтини.
Қониқмаслик ҳисси қонда,
Доим кам дер бахтини.

Кимни армон, кимнидир ўк
Йиқитгувчи дунёда,
Имконини ҳисоблаш йўқ,
Уфқни қувар пиёда.

Қайларгадир уни қистар
Тиним билмас юраги,
Ҳатто, вақтдан ўзмоқ истар
Келажаkning сўроғи.

Вақт-ку, асов арғумоқдир,
У буй эгмас ҳаммага.
Жилов берса омад, тақдир,
Ана шунда ҳамма гап.

Келажаkning гурунгига
Инсон шунда мушарраф.
Англаш қийин: кимга, қачон
Насиб этар бу шараф?

Умр

Умр қуш уйқусидай титраб турар омонат,
Умр — икки калима битилган нодир бир хат.
Умр — бу таранг ёйдан нишонга учган шиддат,
Бориб тегарми, йўқми, бу ёғи гумон фақат.

У, болалик кўчасин чангитиб ўтган дамдир,
Ҳорғин юзни ёқимли саринга тутган дамдир,
Ноҳақликни кўриб гоҳ ичингга ютган дамдир,
Умр — киприк қоққунча лаҳзалик лутфу шафқат.

Усмирлик ёдидаги бир кокил жамалаги,
Ёки саврнинг бир дам товланган камалаги,
Дилдаги минг орзудан битта мақбул малаги
Сингари умр бизга табиатдан бир рағбат.

Умр — кимга шатранжда битта от сурганча зум,
Кимга юз йилдай узун — кимга оҳ урганча зум,
Айтинг, инсон идроки илғаб олди: қанча зум —
Дунё ташвишларига бизларда етар тоқат?

Ким ўтар ёзги дўлдай бир ола-тасир билан,
Ким сирлашур ҳаттоки келгуси аср билан,
Кимдир яшар бировга касофат-қаср билан,
Бир умрдан мингларга тегар гоҳо шафоат.

Умр ғар кўз-кўз учун олинар марра бўлса,
Инсон борлиқ мулкида бевазн зарра бўлса,
Замон чинорига ё қадалган арра бўлса,
Наздимда эгалларди бу дунёни қабоҳат.

Узунми, қисқадирсан, умрим, сақлан доғлардан,
Холи бўл ҳақ қошида мулзамлик, титроғлардан,
Ўзингни олисда тут турфа нопок зоғлардан,
Шунда ҳар дақиқангдан элга ёғар саховат.

Дунёлар

Ёнингда чарх урса, биз қарамаган
Дунёлар кўп экан кўҳна дунёда.
Биз сидқидил билан бир доримаган
Кутлуғ юраклар-чи, бундан зиёда.

Дўстларнинг қадами ҳеч аримаган
Даргоҳлар — дунёдир, бағри бус-бутун.
Шундай дунёларга бир доримаган
Юраклар — одамдан қочувчи тутун...

Юздан ошса ҳамки, ҳеч қаримаган
Нуроний — бир дунё, арзир тавобга.
Шундай табаррукка бир доримаган
Юрак дохил эмас хайру савобга.

Оталар юртида ҳеч қуримаган
Митти булоқча бор, зилол хотира.
Ўша пок булоқча бир доримаган
Юрак ҳақли эмас уришга сира.

Сену мени кутиб ҳеч ҳоримаган
Оналар нигоҳи йўлда нигорон.
Шулар ҳузурига бир доримаган
Ўғил бу дунёда қон йиғлагай, қон.

Дунё дардларига ким ярамаган —
Одамзот дардига ётдир бундай қас.
Имон дунёсига бир доримаган
Кимса инсонликка муносиб эмас...

Душан Файзий

Дақиқа хусусида

Дақиқалар от чоптириб ўтиб кетмоқда,
Япроқлар тўкилар — ҳаёт варақлари.
Лаҳзаларки, умрни таъқиб этмоқда
Ва умр қисқарар лаҳза ўтган сари.

Дединг:

«Лаҳза ҳам гап-у...

Шунга ҳам ташвишми?

Лип этди-ю, мана ўтди, кетди-да».

Унгингмиди ўшанда

ва ёки тушми?

Хушёр тортиб, ортидан боқмадинг нега?

Ўша лаҳза билан кетди мангуга
Дўстга айтолмаганинг бир лутф — эзгу гап.
Бир чақмоқ кўз нуринг олиб кетди бирга,
Сен, эй ғофил, турибсан бепарво қараб.

Умр қисқармоқда

лаҳза ўтган сари.

Сен айрилдинг...

Ўша оқшом кўзим тўла ёш эди,
Юрагимга қадалган бир тош эди,
Ўзилмаган умид ва бардош эди,
Сен айрилдинг.
Мен ҳам сендан айрилдим.

Гул кетди-ю, хувиллаган боғ қолди,
Хазон бўлиб ўзилган япроқ қолди,
Севги кетиб, қалбим аро доғ қолди,
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Бир жонингга, эй қиз, юзта жон эдим,
Ҳар лутфингга минг бора қурбон эдим,
Меҳр эдим, меҳр! Меҳрибон эдим,
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Билмадим, сен севармидинг, йўқмиди,
Манзилимиз яқинми, йироқмиди,
Толемиз қорамиди, оқмиди?
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Сендақасин балки топмасман энди,
Бағрим ёнди, қанотларим ҳам синди,
Йиғлаб-йиғлаб кўзёшларим ҳам тинди,
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Хўжабек Сеитов

Ўзбек қишлоғига борсанг кўноққа

Ўзбек қишлоғига борсанг кўноққа,
Ҳайратда боқасан мевазор боққа.
Ўқиб, назар солган каби ўйингга,
— Марҳабо! — деб таклиф қилар уйига.

— Тўрга ўтинг! — деб мурувват этади,
Ширин сўздан кўнглинг яйраб кетади.
Кўрпачалар тўшар уч-тўрт қаватлаб,
Ҳолу руҳинг, кайфиятинг сўроқлаб.

Пар ёстиққа ёнбош ташлаб ётарсан,
Энг содиқ дўст қўлидан туз тотарсан.
Нон синдириб, юзи яшнаб туради,
— Чой ичинг! — деб такрор қистаб туради.

Дейди: — Меҳмон ризқ-рўз олиб келади,
Хонадонга кут-барака знади:
Меҳмон келса, юрагидан берар жой,
Ҳар бир ўзбек қўли очиқ шунингдай.

Бунча иззат, бунча ҳурмат қайда бор?
Айтган сўзда ва узатган чойда бол.
Меҳр билан тутиб қаймоқ, гоҳ қимиз,
Ўтиради не бир жонон, не бир қиз.

Дастурхонда олма, узум, ёнғоқлар,
Қайсисидан ей деб кўзинг ўйноқлар.
Кишмиш, анор, ўрик, олмурт, шафтоли —
Таъмини айт, бир-биридан мазали.

Палов дамлаб, солиб катта товоққа,
— Сиз бошланг! — деб таклиф қилар кўноққа.
Бор топганин келтиради, сийлайди,
Меҳмон — шодлик элчиси деб ўйлайди.

Дўст деса, яйрайди жони ўзбекнинг,
Кўнглидай кенг дастурхони ўзбекнинг.
Кўноқ келган уйга улкан бахт келар,
Шунинг учун «Хуш келибсиз!» дер улар...

Қорақалпоқчадан таржима.

* * *

Деразам ортида бор туйғум, хушим,
Қор ёғар, ҳолимга парвосиз лоқайд.
Нима бу —
Оромми, озорми, тушми,
Ё ҳижрон эзганда ёзилган муз байт?..
Кутдим, қақирмадим шунда ҳам сени.

Баҳор меҳмон бўлди қалбимга яна,
Мудроқ туйғуларим кўтардилар бош.
Қушлар тош отдилар сабримга яна,
Яна қўшиқларим қўнимсиз, бебош...
Кутдим, қақирмадим шунда ҳам сени.

Тезпишар ўриқлар эгилди юкдан,
Райҳонлар ҳидидан эшиқлар обод.

Қуёш ўт пуркайди аямай кўкдан,
Тирикчилик билан қимирлаган зот...
Кутдим, қақирмадим шунда ҳам сени.

Чаноқлар жилмайди, илк, шўх кулгудек,
Чарослар тирсиллаб лаб ёрар бугун.
Баҳор, ёз сингари куз ҳам бир зумлик,
Қимдир тўй бошлади, кимдадир ўкинч...
Кутдим, қақирмадим шунда ҳам сени.

Боғлардан файз кетди, дарахтлар юпун,
Хайр-хуш демасдан учди турналар.
Тунлар изғиринли, ҳиссиз, тунд, узун,
Кўз юммай тонггача сабрим тирналар...
Кутдим, қақирмайман шунда ҳам сени...

Тўлибой Қобулов

Тошкент боғлари

Мафтунман юртимнинг чорбоғларига,
Тонгларни боғларда танҳо кутаман.
Гулларнинг қирмизи дудоқларига
Шайдо шабнам бўлиб сингиб кетаман.

Қулф уриб яшнаган Тошкент боғлари,
Субҳи шамолларда нафис чайқалар.
Кўҳна чинорларнинг ўйчан шохлари
Некбин ҳавасларни қалбимга солар.

Ҳар яшил япроқда бир умр янграб,
Гунчалар умиддек кулар очилиб.
Қушлар қанотига мингашган тонглар
Қўнар новдаларга, гулдай сочилиб.

Олисда ялтираб оппоқ булутдек,
Чотқол тизмалари жойланар кўзга.
Сойда кумуш сувлар ўзни унутиб,
Айланар навога йўғрилган сўзга.

Мажнунтол кузатар сувда аксини,
Сувмикан, хаёлми ҳушини олган?
Гуллар кун тиғига тутиб кўксини,
Турфа гилам янглиғ ерга тўшалган.

Ҳаво чинни каби тиниқ жаранглар,
Қалбга чуқур кирар ҳаёт томири.
Ҳар гал қўшиқ бўлиб туғилган тонглар —
Шеърим — ижодимнинг мағзи, замири.

Эркиндарё

Эркиндарё ёқдан эсган шамоллар,
Айтинг, соғ-омонми соҳибжамоллар?
Айтинг, лабларига қимтиб рўмоллар
Биздек ошиғига қиё боқсинлар.

Илк бор кўзим тушиб оҳуларимга,
Ҳаловат қолмади уйқуларимда.
Қизлардан қизганган туйғуларимга
Ойдин оқшомларда юлдуз тақсинлар.

Баҳор тошқинидек томирда қоним,
Мен қўшиқ қиламан ишқим, имоним,
Агар яҳши ёзсам, садқай жоним,
Зинҳор ўкинмайман, ўтда ёқсинлар...

Мен ойда кўраман жамолларини,
Тилайман ҳар ишда камолларини.
Айтинг, тоғдек юксак хаёлларимнинг
Қалдирғочи бўлиб қанот қоқсинлар.

Кўкларда инжулар турар ялтираб,
Қулунлар қирларда чопар гулдираб,
Тонги шамолларда майин шилдираб,
Эркиндарё каби эркин оқсинлар.

Қорақалпоқчадан Сулаймон РАҲМОН таржималари

Ой тўлган кеча

Кўкдан ёғар майин-майин нур,
Эркаланар сарин шабада.
Товланади чўққилар — биллур,
Шарқирайди шўх сой — хонанда.

Тилла кўлдай ярқирар анғиз,
Тоққа ўрлар булутдай пода.
Боғ шовуллар, шивирлар полиз,
Анвойи хид анқир ҳавода.

Чайқалади чексиз пахтазор,
Оқ гуллари дур каби чақнаб.

Ариқда сув айтади алёр,
Тебранади ўт-ўлан яйраб.

Мафтун боқар ҳаттоки фалак,
Ойдин олам нафосатга бой.
Ойдин олам — олтин беланчак,
Тепасида... маъюс тўлин ой.

Она ойнинг юзида ташвиш:
Чаман ичра сурса ҳам даврон,
Босинқирар кўриб ёмон туш,
Ғавғолардан

чарчаган

инсон...

Мукофот

Тер тўкиш — одатинг, ишинг — яратиш,
Қўлларинг қадоғ-у, тошдир товонинг,
Шу йўсин яшадинг, ўтди кўп ёз — қиш,
Ҳануз унвонинг йўк ва ё нишонинг.

Биродар, бу ҳолдан бўлмагин дилгир,
Сени тақдирлаган боқарам ҳаёт:
Дўстинг садоқати юксак унвондир,
Ёринг муҳаббати — олий мукофот.

Диллар

I
Диллар ёруғ бўлса, кўкраклар баланд,
Вужудлар енгилдир, мисоли қушдир
Оёқлар ўзғир-у, панжалар абжир,
Ҳар қандай оғир иш эмасдир писанд.

Қарашлар самимий, кўзларда шуъла,
Севинч оғушида чехралар хандон:
Якдил-у яксаф халқ аҳду жаҳд ила
Тоғни талқон қилур, саҳрони — бўстон.

Дўстлар, юксалишнинг қаноти кўшдир:
Бири ҳақиқатдир, бири — адолат.

II

Дўстлар, таназзулнинг қуйруғи қўшдир:
Бири жаҳолатдир, бири — разолат.

Диллар хира бўлса, бошлар кўкракда,
Ортиқча юк каби гавдалар вазмин.
Ҳасратлар қатланур мунис юракда,
Нигоҳлар мунг билан айтади арзин.

Ҳазил ҳам мазаҳдай тегади тишга,
Элга эл кўшилмас, чеккани чоғлар.
Қўллар қовушмаган, чопмагай ишга,
Ариқлар қақрагай, қуригай боғлар...

Бой бериш ҳақида

Тўплаган бўлса-да чекиб машаққат,
Йиллар мобайнида йиғиб ойликни,
Ё ҳавас зўр келиб, ё кетиб омад,
Бой бериши мумкин киши бойликни.

Юришмай қолганда раҳбарлик иши,
Сабаби биттами ёки бир талай,
Асалга ёпишган айикмас киши,
Амални бой бериш мумкин, ҳар қалай.

Интилиш бўлмаса илмий билишга,
Хурофот эгаллар қалбу шуурни.
Шу йўсин бағишлаб бесамар ишга,
Бой бериш мумкиндир ҳатто умрни.

Бой бериш мумкиндир кўп нарсани, бас,
Фақат бир имонни бой бериб бўлмас!


Нурхон монологи

Сўнги кўшиқларим бўғзимда қолди,
Шумиди тилагинг қизингга, ҳаёт?!
Наҳот орзум зулмат ичра йўқолди,
Ё айбимми сени суйганим, наҳот?!

Ҳали қуёш томон боқмаган кушод
Фунча эдим, дўстлар, очилмай сўлдим.
Пичоқни оғаммас, санчди хурофот,
Мен қаро бидъатнинг қурбони бўлдим.

Қирмизи қонимдан ранг олди шафақ,
Унсиз аза очди шу кеч Марғилон...
Ҳаттоки боғларда гуллар ҳам қарахт,
Бўзлади юлдузлар, тор келиб осмон...

Сўнг мени кўз ёш-ла кузатди дунё,
Бағрига армон-ла олди она-ер.
Ҳаётда орзулар тирик экан то,
Мен — мангу кўшиқман,
Мен — жарангли шеър!



Николай Шмелев

АВАНСЛАР ВА ҚАРЗЛАР

Экономикамизнинг аҳволи ҳеч кимни қаноатлантирмапти. Унинг иккита марказий, айтиш мумкинки, ички нуқсони — умумий дефицит шароитида ишлаб чиқариш монополия қилиб олинганлиги ва корхоналарнинг фан-техника тараққиётидан манфаатдор эмаслиги — афтидан, ҳаммага равшан бўлса керак. Лекин бу нуқсонлардан қандай қутилса бўлади, назарий жиҳатдан эмас, амалий жиҳатдан нима қилиш керак, — аминманки, бугунги кунда менга бунинг ҳаётий рецепти тўла маълум, деб айтишга журъат қила оладиган доно юқорида ҳам, пастда ҳам йўқ. Ҳозир барчамизда саволлар унга бериладиган жавоблардан анча кўп, Зарур жавобни топганимизча, ҳали биз кўп гапирамиз, баҳслашамиз, таклиф қиламиз ва уни инкор этамиз.

Йилтиллаб пайдо бўлган умидларга қараганда, муаммоларимизнинг чуқур, ошқора ва дадил муҳокама қилиниши жиҳатидан кейинги икки йил — бу бизнинг ижтимоий фикримизда, миллий ўз-ўзимизни англашимизда чинакам қайта туғилиш даври бўлди. КПСС XXVII съезди жамиятимиз ҳаётида чинакам революцион ўзгаришларни бошлаб берди. Мамлакатда етилган иқтисодий муаммолар бўйича бошланиб кетган очиқ, ҳалол мунозара — бу жараённинг муҳим кўринишларидандир.

Мамлакат хўжалигидаги томирларнинг тиқилиб қолиши ва қон айланишининг сусайишига олиб келган асосий сабаблар аниқланди. Бошқарувнинг маъмурий методлари иқтисодий, хўжалик ҳисоби омиллари ва ричаглари билан алмаштириш лозимлигини билдирадиган «озиқ-овқат тақсимотидан озиқ-овқат солиғига» принципи олға сурилди. Афтидан, ақлга мувофиқ қеладиган йўл, жила курси гоъвий-назарий жиҳатдан очилди, деб айтиш мумкин. Бироқ, шу нарса равшанки, биз ҳарқанча истамайлик; бундай миқёсдаги қайта қуришни бир силтов билан амалга ошириб бўлмайди. Бизнинг хўжалигимизда сўм ўрнига буйруқ жуда узоқ ҳукмронлик қилди. Бу шу қадар узоқ давом этди-ки, биз экономикамизда буйруқ эмас, кабинетда ўйлаб топилган, тажрибага асосланмаган зўравонлик эмас, балки сўм, яъни оқилона йўл ҳукмронлик қилган пайтларни унутиб юбора ёздик.

Мен қандай таъна-дашномларга қолишим мумкинлигини тушунаман, лекин масала жиддий ва ҳаётий муҳим, юмшоқ иборалар танлаш ва сукут сақлаш пайти эмас. Ленинча янги иқтисодий сиёсатдан воз кечиш СССРда социалистик қурилишни фоят мушуқул аҳволга солиб қўйганлиги фактини тан олмасак, биз яна ўзимизни худди 1953 йилдаги, худди 1965 йилдаги сингари, ярим-ёрти тadbирлар билан чеклаб қўямиз. Ярим-ёрти тadbир эса, маълумки, аксарият фаолиятсизликдан ҳам ёмонроқ оқибатларга олиб келади. Иқтисодий омиллар ва ричаглари бўлган НЭП ўрнини бошқарувнинг маъмурий системаси эгаллади. Бундай система табиатан маҳсулот сифатини ўстириш ҳақида ҳам, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўғрисида ҳам, оз харажатлар билан салмоқли натижаларга эришиш тўғрисида ҳам қайғуролмас эди. У керакли миқдорга — яъни маҳсулотга — объектив иқтисодий қонуният асосидан эмас, балки унга хилоф равишда эришди. Хилоф равишда деганимиз шуки, жуда катта моддий харажатлар билан, энг муҳими, жуда кўп одам кучидан фойдаланиш эвазига эришди.

Бизда ҳозирча мамлакатимизда таркиб топган хўжалик муносабатлари, хусусий мулк структураси (тузилиши)ни ҳам қўшганда, — бу марксизм-ленинизмнинг амалдаги ифодасидир, ижтимоий тузум сифатида социализмнинг табиатига жавоб берадиган ифодасидир, деган тушунча ҳукмрон. Гўёки, уни такомиллаштириш, тузатиш мумкин, лекин туб асослари эса даҳлсиз. Аммо илмий ҳулосалар чиқаришда кўрсатмаларга эмас, фактларга, яқин вақтлардаги ватанпарварликка эмас, моҳияти жиҳатидан чинакам революцион ўзгаришларни ҳалол исташимизга амал қиладиган бўлсак, у ҳолда иқтисодий моделимизнинг тарихий илдизлари масаласи ҳали ҳал этилмаганлиги маълум бўлади.

Маълумки, Россияда революция ғалаба қилган пайтда унинг танилган назариётчилари ёки энг обрўли амалиётчиларидан ҳеч бири социализмнинг бўлажак иқтисодий системаси шакли ҳақида у ёки бу даражада тугал тасаввурга эга эмас эди (эга бўлаолмас ҳам эди). Маркс ва Энгельс революциянинг назарий асосини ишлаб чиқдилар, унинг объектив муқаррарлигини асосладилар, бироқ ғалабадан кейин экономика қандай бўлиши тўғрисида уларда фақат тахминлар бор эди. Сўз асосан социализмнинг умумий социал-иқтисодий мақсадлари ҳақида борди. Улар аслида, бу мақсадга эришиш методлари бўйича амалий маслаҳат, деб қараш мумкин бўлган ҳеч нарса қолдиришмаган. В. И. Лениннинг революциядан аввалги ишлари революциядан кейин тўлақонли иқтисодий ҳаётни йўлга қўйиш учун аниқ нима қилиш кераклигига эмас, балки асосан соф сиёсатга (умри тугаган тузумни қандай йўқотиш мумкинлигига) бағишланган.

Шундай қилиб, революция бизни социализмнинг тугал иқтисодий назарияси билан қуролланмаган ҳолда кутиб олди. Бироқ, Октябрдан кейинги дастлабки ойларида, вазият имкон бериб

турганида, Ленин бу масалага жуда жиддий эътибор берди, деб ҳисоблашимизга асос бор. Айнан ўшанд у ўзининг социализм совет ҳукумати плус прусс темир йўл тартиби, плус америкача техника ва трестлар ташкил этилиши, Америка халқ маорифи ва бошқалар деган машҳур фикрини шакллантирганида. Социализмни трестларнинг ташкилотчиларидан ўрганиш керак, деб ёзган эди у ўша пайтдаёқ. Бундан ташқари у пул сиёсати ва соғлом, балансланган молия системасига катта эътибор берди. Кўришиб турибдики, Ленин бу билан революциянинг дастлабки даврида капитализм социализм учун барча зарур иқтисодий формаларни яратганлиги, фақат уларни янги, социалистик мазмун билан тўлдириш лозимлигини таъкидлаган.

Бироқ шундан кейин юз берган воқеалар ишлаб чиқаришни ташкил этишда фақат маъмурий, зўравонлик методларига асосланган «ҳарбий коммунизм»ни юзага келтирди. Бу ҳаёт-мамот курашига кўмилиб кетган Ленин маълум мuddат, буйруқ методлари — социалистик экономика асосий методларининг худди ўзгинасилигига ишона бошлаган бўлса керак. Бу ерда, шубҳасиз, Россия узоқ вақт ёлғиз бўлмаслигига, биз эмас, балки саноатлаган бой Фарб янги иқтисодий системага йўл очди, Фарбдаги революция энг кескин иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишга ёрдам беради, деган ишонч ҳам ўз таъсирини кўрсатган бўлса керак. Кронштад исёни, антоновчилик ва Европада инқилобий тўлқиннинг пасайиши, маълумки, бу нуқтаи назарлар ва мўлжалларни қайта қараб чиқишга мажбур қилди. НЭП яқин ўтмишдан кескин ўзо ўгириш бўлди. Бу иқтисодий тафаккурдаги ўзига хос революция эди. Фавқулодда ҳолларда эмас, балки инсоний нормал ҳолларда социалистик экономика қандай бўлиши лозим? Бу масала биринчи марта ростмана ўртага қўйилди.

Кўпчилик ҳамон НЭП фақат маневр эди, фақат вақтинчалик чекиниш эди, деб ҳисоблайди. Албатта, чекиниш бўлган: совет ҳокимияти шаҳарларда хусусий мулкчиликка маълум эрк берди. Лекин НЭПнинг асосий, ўзгармас аҳамияти бошқа. Биринчи марта социалистик иқтисодий қурилиш вазифаларига илмий, реалистик ёндашувнинг қатъий асослари шакллантирилди. Жўшқин, жонжаҳд билан (бунинг ўстига фавқулодда вазият туфайли мажбурий) зўр беришдан одатдаги, ўйлаб, чамалаб кўрилган, асосли ишга, меҳнат аҳлининг барча ижодий кучларини босиб йўққа чиқармасдан, жалб этадиган хўжалик механизмини яратишга ўтилди. НЭП, моҳияти жиҳатидан, «маъмурий социализм»дан «хўжалик ҳисобидаги социализм»га ўтишдан иборат эди. Мамлакат экономикасини нормал, соғлом шароитга ўтказиш бўйича ленинча планда учта амалий ғоя марказий аҳамиятга эга эди. Биринчидан, халқ хўжалигида товар-пул, бозор муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, ўз ҳаражатларини ўзи қошлаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг бошланиши, иқтисодий жараёнларда бошқарувнинг таннарх ричаглари: нарх, тўлақонли тилла сўм, фойда, банк кредити ва процентдан кўпроқ фойдаланиш. Бошқача сўз билан айтганда — юқоридан пастгача барча иқтисодий муносабатларда тўла, узлуксиз хўжалик ҳисоби. Иккинчидан, экономиканинг ташкилий структураси сифатида хўжалик ҳисобидаги трестлар ва уларнинг ихтиёрий бирлашмалари — синдикатларни тузиш. Учунчидан, кооператив мулкчиликни ва кооператив муносабатларни фақат қишлоқда эмас, балки шаҳарда ҳам — саноатда, қурилишда, савдода ва ҳозир маиший хизмат деб аталадиган соҳада ҳам ривожлантириш.

НЭП шароитида, — деб ёзган эди Ленин, трестлар (корхоналар бирлашмалари) «энг кўп иқтисодий ва молиявий асосларда, маҳаллий, сибирь, қирғиз ва бошқа ҳокимиятлардан мустақил ҳолда, бевосита Бутуниттифоқ Халқ Хўжалик Кенгашига бўйсунган ҳолда ишлаши керак.»

Ленин ва ўша пайтда бу йўлни амалга оширган кишилар ҳаддан ташқари марказлаштиришга, бюрократизмга, ҳар қандай идорани монополия қилиб олишга қарши аёвсиз кураш олиб борганликлари маълум. Трестлар ва синдикатларнинг иқтисодий ва ташкилий мустақиллигида монополияга қарши асосий гарантияни, ишлаб чиқаришнинг мунтазам ўзгариб турадиган бозор талабларига ўз-ўзидан мослашиш воситасини кўрдилар.

Лениннинг «хўжалик ҳисобидаги социализм»нинг ўзгартирилишини ҳозир ҳам фашизм пайдо бўлиши ва 30 йилларда янги уруш хавфининг кескин кучайиши билан боғлайдилар. Бу нотўғри: ўзгариш 1927—1928 йиллардан бошланган. Доннинг харид нархлари зўравонлик билан пасайтирилганлиги қишлоқни давлатга ғалла сотишни қисқартиришгагина эмас, балки ишлаб чиқаришни камайтиришга ҳам мажбур қилди. Шунда давлатга ғалла тайёрлашни мажбурий йўл билан таъминлашга қарор қилинди. Айнан шу пайтдан маъмурий иқтисодга, «ҳарбий коммунизм» методларига қайтиш бошланди. Бу аниқса коллективлаштиришда ошқора намоён бўлди. Бироқ худди шундай зўравонларча муносабат шаҳарга ҳам жуда тез ёйилди. Саноат теппадан план топшириқлари ола бошлади ва тасодифий эмаски, урушдан аввалги беш йилликларда уларнинг асосийлари бажарилмади.

Мамлакат 30-йилларга, ўз тарихида энг даҳшатли уруш, урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш билан боғлиқ қийинчиликларга зўр-базўр дош берди. Бу баҳо ва натижаларни бугун таққослаш бейфойда, деб ҳисоблайдиганларни тушуниш мумкин. Лекин бир нарса равшан: уни 50-йилларнинг ўрталаригача мавжуд бўлган фавқулодда, ғайриинсоний вазият оқламаса ҳам, маълум даражада изоҳлайди. НЭПдан воз кечишнинг оқибатлари баргараф қилинмадигина эмас, кўпайтириб борилди, халқ хўжалигининг хасталиклари даволанмади, аксинча усти ёпиб қўйилаверди.

Замонавий фан-техника тараққиётининг объектив талаблари, капитализм билан иқтисодий мусобақадаги янги шароитлар ва янги вазифалар экономикани бошқаришнинг бу волюнтаристик, шунчаки кабинетда ўйлаб топилган системасининг яшашга тарихан ноқодирлигини янада яққолроқ намоён қилди. Бошиданоқ бутун бу система иқтисодий чаласаводликка қоришган иқтисодий романтизми ва маъмурий, ташкилий омилнинг таъсирчанлиги ғоят ошириб юборилганлиги билан ажралиб турарди. Кўпчилик ҳамон ўйлаётганидек, бу система социализмга хос эмас, аксинча, нормал шароитларда унга зиддир.

Шуни ёрқин тасаввур этиш лозимки, қийинчиликларимизнинг сабаблари ҳарбий ҳаражатлар юки оғирлигида ва мамлакатнинг дунё миқёсидаги масъулияти ғоят катталигида ҳам эмас. Қоладиган моддий маблағлар ва инсон кучларидан оқилона фойдаланилса, улар балансли, техника тараққиётига ва аҳолининг аъъанавий камтароқа социал талабларини қондириш учун бемалол етади. Бироқ иқтисодий ҳаётнинг объектив қонунларини ўзгартиришга қатъият билан, узоқ вақт

уриниш, асрлар мобайнида шаклланган инсон табиатига мос келадиган меҳнатни рағбатлантириш омиллари назар-писанд қилмаслик охир-оқибатда кутганимиздан мутлақо тескари натижаларга олиб келди. Бугунги кунда биз дефицитли, аслида ҳар жиҳатдан балансланмаган ва кўп жиҳатдан бошқариб бўлмайдиган, очигини айтадиган бўлсак, қарийб планлаштириб бўлмайдиган, ҳамон фан-техника тараққиётини қабул қилмаётган экономикага эгамиз. Саноат бугунги кунда 80 процентгача маъқулланган янги техник хулосалар ва кашфиётларни қабул қилмаяпти. Бизда индустриалашган мамлакатлар орасида айниқса қишлоқ хўжалиги ва қурилишда меҳнат унумдорлиги энг паст, сабаби турғунлик йилларида меҳнаткаш аҳоли оммаси тўлақонли, виждонли меҳнатдан қарийб буткул манфаатдор бўлмаслик даражасига бориб қолди.

Бироқ «маъмурий экономика»нинг даволаш қийин бўлган натижалари фақат иқтисодий соҳада деб бўлмайди.

Иқтисодий муаммоларга маъмурий қараш одат тусига кирди, «ташқилотга ишонч»нинг қарийб илоҳий даражадалиги, экономикада куч, сиқиш, қақирқ, ниқталаш билан бирон-бир дурустроқ натижага эришиш мумкин эмаслигини кўра олмаслик чуқур илдиш отди. Бизнеснинг тажрибамиз ва жаҳон тажрибаси шунини кўрсатаётгани, мураккаб ижтимоий системаларнинг ҳаётлиги ва самарадорлигининг асосий шarti — бу ўз-ўзидан мослашиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришдир. Социал-иқтисодий «броун ҳаракатини» муқаррар, лекин охир-оқибатда мақбул сарф-ҳаражатлари билан қандайдир марказий бошқарув пунктига итоат эттириш бошидаёқ самарасиз бўлган ва бу тобора равшан бўлиб бораёпти.

Лоқайдлик ва бепарқлик, ҳалол меҳнатни ҳурмат қилмаслик ва айни пайтда кўп даромад қилаётганларни, ҳатто бунга ҳалол меҳнат билан эришилаётган бўлса ҳам, кўролмаслик оммавий тус олди. Ичкиликбозлик ва бекорчилик оқибатида халқнинг анчагина қисмининг жисмоний таназули белгилари сезилиб қолди. Ва, ниҳоят, эълон қилинаётган мақсадлар ва режаларга, иқтисодий ва социал ҳаётни оқилонороқ ташкил этиш мумкинлигига ишонч йўқолди. Академик Г. И. Заславский «Коммунист» журналарида (1986, № 13) одилона таъкидлаганидек, «турли кўринишдаги социал адолатсизликларга тез-тез дуч келиш, унга қарши шахсий кураш олиб боришнинг беҳудалиги меҳнаткашлардан бир қисмининг ижтимоий мақсадлар ва қадриятлардан бегоналашувининг асосий сабабларидан бўлди».

Афтидан, буларнинг ҳаммасини тезда бартараф қилса бўлади, деб ўйлаш хомхўелликдир. Бунинг учун йиллар, эҳтимолки, бутун бир авлоднинг умри керак бўлади. «Хўжалик ҳисобидаги социализм»ни қуриш айрим улкан бюрократик структураларни бартараф этишдан кўра анча мураккаброқдир. Бироқ, бу кўлни қовуштириб ўтиравериш керак, дегани ҳам эмас. Бугунги кундаги ички ва халқаро аҳволни ҳисобга олганда, «маъмурий социализм» томон тисарилиш учун йўл йўқ. Бир жойда депсиниб туриш ва ярим-ёрти тадбирлар билан чекланишнинг ҳам пайти эмас.

Бироқ бугун бизни оқилона йўл томон ҳаракатимиздаги қатъиятсизлик ҳаммадан кўпроқ ташвишлантироқда. Қуруқ маъмурий ва аппарат санъатини эгаллаб олган кўпгина раҳбар кадрларнинг дунёқарашини қақирқлар ўзгартира олмайди. Худди шу сингари, ҳеч қандай тушунтириш иши одамлардаги сўзга ишончсизликни, бошлиқлар ишга чинакамига киришганликларига ва белгиланган ўзгаришларни охирига етказишларига, ярим қадам олға юриб, яна икки қадам орқага юриб бўлмаслигига ишончсизликни бартараф эта олмайди. Одамларни фақат амалий иш билан ишонтириш мумкин. Экономика соғломлашувига ишонч ҳосил қилиш учун, яқин вақтларнинг ўзидаёқ муваффақиятга эришиш зарур, ҳаёт яхшиланиб бораётганлиги белгиларини ҳамма кўриши, сезиши лозим. Биринчи навбатда бозорни тўлдириш — иложи борича тезроқ тўлдириш керак. Бу осон эмас, лекин етарли қатъият кўрсатилса шунга эришиш мумкин. Бироқ, фақат «хўжалик ҳисобидаги социализм» йўлидан, бозорни ривожлантириш йўлидан борилсагина мумкин.

Изчил хўжалик ҳисоби катта капитал маблағларни талаб этмайди. Талаб қилинадигани экономиканинг ички қулашига эрк бериш учун зарур бўладиган нарса дадиллик, қатъият, изчилликдир. Бунга нима ҳалақат беради? Биринчи навбатда ғоявий ҳадиксираш, «кўза ичидан капитализмнинг ёвуз руҳини чиқариб юборамиз» деб хавфсираш. Ҳар қандай жамиятни ташкил этган синфлар халқ хўжалигини бошқариш билан боғлиқ у ёки бу қарор асосида пайдо бўлиб, яшаб, ўз умрини тугатмаслигини билган кишига бу хавфсирашнинг асоссизлиги тамомла равшан. Лекин ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда янги зиддиятлар, қийинчиликлар ва камчиликлар пайдо бўлиши хавфи бор. Шу билан бирга, маълум салбий томонлари ҳам муқаррар — тарихий жараён диалектикаси шундай. Олдиндан ҳаммасини зарарсизлантираолмайсиз. «Муштлашишни бошлаш керак, у ёғига — кўрамиз», — маълумки, Ленин шу фикрни такрорлашни яхши кўрарди.

Стихияли ҳодисаларнинг кучайиши ҳақида гапирганда, аслида ўзимизнинг иқтисодий тажрибамиз нимани кўрсатишини эътиборга олиб иш қилиш керак. Ҳамма нарса устидан юз процент назорат ўрнатишга уриниш шундай стихияга, шундай назоратсизликка олиб-келадиги, унга нисбатан ҳар қандай анархия афзалроқ бўлиб қолади. Тараққиёт, экономиканинг жонланишида стихиялилик элементлари ҳам муқаррар бўлади. Рўй бериши мумкин бўлган янги стихиялилик эскисидан, одатдагисидан, ҳамма кўриб ва билиб турган, кўпчилик ўзини сезмаганга олаётганидан шуниси билан фарқ қилади.

Бозор тўлдирилиши керак. Бу ерда энг тез самарани биринчи навбатда аграр сектордаги соғлом, нормал товар-пул муносабатларидан кутиш мумкин.

Совет Иттифоқида озиқ-овқат тақсимооти ўрнига озиқ-овқат солиғи жорий қилинганда ғалла ишлаб чиқариш уч йилда (1922—1925) 33 процентга, чорвачилик маҳсулотлари 34 процентга, қанд лавлаги 480 процентга ўсди, 80-йилларда Хитойда, маълум даражада озиқ-овқат солиғи қишлоқдаги иқтисодий муносабатларнинг ўзагига айланган Вьетнам қишлоқ хўжалигида ҳам худди шундай тез ва салмоқли ўсишга эришилди.

¹ Бир қатор рақамли маълумотлар ва баҳоларнинг манбаи муаллифнинг шахсий тадқиқотларидир.

Бизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши узоқ вақт бир процентдан камроқ бўлди, айрим йилларда эса манфий белги қўйишга тўғри келди. Бу бениҳоя катта давлат капитал маблағлари сарфланаётган шариотда юз берди. Амалда миллиардлар исзис, ном-нишонсиз қумга сингиб кетаяпти. Табиийки, шундай савол туғилади: шунча катта маблағни нима учун совураяпмиз? Наҳотки бозор муносабатларидан кўрққанамиз учун бўлса? Ёки аграр сектордаги раҳбар кадрларнинг жуда юпқа қатлами нима биландир шугулланиши ва шу билан ўзининг мавжудлигини оқлаши учунми? Қишлоқ хўжалигидаги янги хўжалик механизми ҳақидаги қарор ярим-ёрти, шунинг учун ҳам кам самарали. «А» дегандан сўнг «б» ҳам дейиш керак.

Биринчидан, қатъий қонунчилик асосида колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш ҳаётига ташқаридан ҳар қандай буйруқлар билан, ҳар қандай маъмурий йўл билан аралаштишга чек қўйиш керак. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари, масалан, чорвачилик ва картошкачиликни зарар келтирмайдиган қилиш учун барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини мувофиқлаштирмақ лозим. Бунинг учун маблағни эллик миллиард сўмдан ортиқ бўлган давлат озик-овқат дотациясини камайтириш эвазига олиш мумкин. Учинчидан, давлат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш коллективлари ўртасидаги муносабатларнинг оддий формуласига: даромаддан прогрессив солиқнинг қатъий ставкасига ва (жуда зарур бўлмаса) ҳеч қандай натурал солиқ бермасликка ўтиш керак. Колхоз ва совхозлар ўз маҳсулотини давлат ва кооператив ташкилотларга, истеъмолчиларга эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Тўртинчидан, томорқа хўжалигининг иқтисодий ва социал ҳуқуқларини коллектив хўжалик ҳуқуқлари билан тенглаштириш лозим.

Агар харид нархлари мувофиқлаштирилса, ҳеч ким дала экинларини ҳам, чорвачиликни ҳам қисқартирмайди. Фақат ҳосилсиз майдонлар ва маҳсулотсиз моллар қисқариши ва натижада хўжаликларнинг умумий маҳсулдорлиги ортиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида шу йўсинда пудратга замин яратса бўлади. У қандай бўлади — коллективми, бригадами, оилавийми — бу маҳаллий шариотларга боғлиқ бўлиши керак.

Колхоз ва совхозлар ҳамон давлатга маҳсулотни, пичан ва ҳатто уруғлик донни ҳам арзон баҳода сотиб, кейин бу маҳсулотнинг анчагина қисмини давлатдан бошқа, икки ва уч баравар қиммат баҳога сотиб олаётган шариотда қишлоқда реал хўжалик ҳисоби ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Қишлоқ хўжалик техникаси, ремонт, химикатлар ва бошқаларни зўрлик билан юқори баҳода сотиб, қишлоқдан даромадни тортиб олишга чек қўйиш пайти келмадимикан? Тўғри, бу маблағларнинг анчагина қисмининг ўрни қайтисиз моливий маблағ билан таъминлаш ва қарзларни мунтазам кечиб юбориш йўли билан тўлдирилади. Бундай нормал бўлмаган, носоғлом шариотда қандай қилиб хўжалик ҳисобини, тенг айрибошлашни йўлга қўйиш мумкин? Бугунги кунда кирим ва чиқимни, фойда ва зарарни хотиржам солиштириш ўрнига, эпчиллик, турли йўсиндаги «иқтисодий доғуллилик» хўжалик эгаси муваффақиятини таъминлаяпти. Бир қўл билан олинадиде, иккинчи қўл билан берилади. Бунинг нима кераги бор? Бу қайси иқтисодий қонунларга мос келади? Дунёнинг барча индустриал мамлакатларида қишлоқ хўжалиги аллақачаноқ давлатнинг маҳсус ва жуда салмоқли моддий ёрдамидан фойдаланади. Кўп жиҳатдан унинг муваффақиятини белгилайдиган бу ёрдам айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархларини белгилашда яхши ифодаланади.

Россиянинг ноқоратупроқ ўлкаси алоҳида тадбирларни талаб этади. Бу ерларда қишлоқнинг таназзули шу даражада чуқур илдиз отдики, афтидан, аграр муносабатларнинг мавжуд системаси доирасида ҳеч қандай тадбир ёрдам бермайди. Эҳтимол, фақат ҳар бир район, ҳар бир хўжаликка алоҳида ёндашиб, секин-аста ва хилма-хил даволал чоралари қўллашдан бирон-бир натижа чиқиши мумкин. Аллақачаноқ «ўтириб» қолган хўжаликларда кўпроқ оила пудрати ва бугунги кунда бекор ётган ёки ҳосилсиз ерларни (айниқса шаҳар атрофларида) қишлоқлик ёки шаҳарликлигидан қатъий назар, кишиларга ижарага бериш истисно эмас — буни истовчилар сўзсиз топилади.

Ҳозирги вақт бизнинг қишлоқ хўжалигимиз учун чинакам Буриллиш давридир. Агар бугун ҳам (нечанчи марта) одамларнинг ақлга мувофиқ йўлга ўтилишига умиди рўёбга чиқмаса, лоқайдлик ботқоғига ботиб қолиш мумкин.

Уз вақтида қулоқларни синф сифатида тугатиш ишлари эълон қилинган эди. Лекин, аслида, деҳқонлар синфи тугатилди. Ҳозирча, гарчи у қадар кўп бўлмаса ҳам, бу синфнинг, заминни ва деҳқон меҳнатини севувчи ер эгалари авлодининг сўнгги вакиллари сақланиб турибди. Агар бу авлод эстафетани ўзидан кейингисига узатмаса, тузатиб бўлмайдиган ҳодиса содир бўлиши мумкин. Одамларда ерга меҳр уйғотадиган, эгалик руҳини, коллектив фаолиятини тиклайдиган, хусусий хўжаликни рағбатлантирадиган бир қатор қарорлар сўнгги вақтларда қабул қилингани маълум. Лекин ҳозир яна шундай бўляптики, худди ўнг қўл чап қўл нима қилаётганлигини билмаётганга ўхшайди. Бирини иккинчиси инкор қилиб, бошқа йўналиш ўзига йўл очаяпти.

Социал адолат, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш байроғи остида ўтакетган сўлчилик ва каллаварамлик намоён бўлаяпти. Масалан, ҳосилдор томорқа хўжаликларига қарши кампания матбуотда яна пайдо бўлиб қолганини оқлаб бўладими? 1986 йилнинг ёзида пайдо бўлган томорқа теплицаларини, боғларни, шахсий бурдоқчилик хўжаликларини яна йўқ қилишга уриниш белгиларини қандай тушуниш мумкин? Наҳотки бу кампаниянинг мамлакатга душманликдан иборат бўлган, давлатга қарши характерли дарҳол кўринмади? Қолаверса, чет элдан қанчадан-қанча дон ва гўшт сотиб олинаётган шариотда айрим кишилар ортиқча даромад қилаётганлигидан кўрқиб, минглаб ва миллионлаб ўз граждандаримизнинг хўжалик ташаббусини бўғишимиз ақлга тўғри келадими? Олибсатарларга ёки маҳаллий маҳсулотни бошқа районларга олиб бориб сотишга қарши ибтидийи ва аҳмоқона курашни қандай тушуниш мумкин? Биз нима муҳимлигини қатъий ҳал қилиб олишимиз керак: ўзимизда етарли маҳсулотга эга бўлиш муҳими ёки ҳаммининг теппа-тенг қашшоқ бўлиши учун курашувчилар ва турли-туман масъулиятсиз бақироқларни мунтазам олқишлаш муҳими?

Ҳар бир нарсани ўз номи билан аташимиз: аҳмоқликни — аҳмоқлик, иш билмасликни — иш билмаслик, амалдаги сталинизмни — амалдаги сталинизм, деб аташимиз керак. Ҳаёт яқин йилларда озик-овқат бозоримизни таъминлаш учун ҳамма нарса қилишни талаб этаяпти. Акс ҳолда инсон омилини активлаштириш ҳақидаги ҳамма гаплар пуч бўлиб қолади, одамлар уни қўллаб-

қувватламайди. Биз газеталарнинг эртақ-бош мақолаларидагина мавжуд бўлган ғоявий поклигимизни йўқотсак ҳам майли. Бу покликни рўқач қилиб ҳеч бўлмаган ўғирликларни қилиш-аяпти ва бойиш-аяпти. Бу ерда гап ҳеч нарса яратмай, бирон нарса яратишни истамай ва ярата олмай пул топаётган кишилар ҳақида бораёпти. Бундан кўра жамиятга аниқ маҳсулот беришни ва хизмат қилишни, аниқ бойликлар яратишни истайдиганлар ва буни уддасидан чиқа оладиганлар раванқ топгани яхши эмасми? Биз фақат ўзимизни нон-насиба билан таъминлаш вазифасини ҳал қилиб олганимиздан кейингина — бундан аввал эмас, — энг меҳнаткаш ва ишбилармон кишиларнинг катта даромадлари хавфли капитал пайдо бўлишига олиб келмаслиги ҳақида ўйлашимиз мумкин. Бунинг учун оддий, таъсирчан восита — солиқлар ва молия инспекторининг тегишли (албатта, оқилона, ҳаммамизнинг фаровонлигимизга хизмат қиладиган, олтин тухум бераётган товўқни суйиб қўймайдиган) ваколоти бор.

Солиқ ричаглари озик-оқоқ бозорини бойитадиган, катта капитал маблағни талаб этмайдиган яна бир восита устидан оқилона назорат ўрнатиши мумкин ва лозим. Гап маиший хизмат кўрсатишда ва майда саноатда шахсий, оилавий ва кооператив ишлаб чиқариш ҳақида бораёпти. Афтидан, биз Лениннинг ривожланган кооператорлар тузуми — социализм ғалабаси учун бизга зарур бўлгани худди шудир, деган фикрининг аҳамиятини фақат бугун тўла равишда баҳолай оламиз.

Шаҳарларда шахсий кооператив секторнинг кенгайиши бозорнинг жисман бойишигагина олиб келмайди. Бугун бизнинг энгил саноатимиз, савдомиз ва маиший хизмат кўрсатиш соҳамиз ниҳоятда қулай шароитда ишлаяпти. Улар билан ҳеч ким рақобат қилмаяпти. Кенг истеъмол буюмлари импорти жуда оз, ташвишланишга мажбур эътадиган даражада эмас. Шахсий-кооператив сектор сингари рақобатчининг пайдо бўлиши, бозорда вазиятни тез ўзгартириб қўйиши мумкин. Давлатнинг саноат, савдо ва маиший корхоналари ёки ишларини кескин яхшилашлари, ёки ўз даромадларининг анчагина қисмини бошқа ишлаб чиқарувчиларга беришга, бунинг оқибатида эса иш ҳақини ва социал мақсадлардаги харажатларни камайтиришга, ходимлар миқдорини қисқартириб, брақчилар коллективини, ҳатто корхонани тарқатиб юборишга бориши мумкин.

Моддий рағбатлантиришнинг ҳозирги системаси ёмон бўлганлиги учунгина одамларни виждонан меҳнат қилишга одатлантиролмаёпти, дейиш у қадар ўринали эмас. Иш ҳақи ва муқофот шунинг учун ҳам керакли эффектни бермаёптики, кишининг толган пулига оладиган нарса йўқ. Халқ хўжалигининг истеъмолчилик секторини жонлантириш, бозорни тўлдириш, оммавий харидорга танлаш имконини бериш дегани — иш ҳақи тўла қувватда ишлаб бошлади, бизнинг кишилар ҳалол, зўр бериб меҳнат қилиб, яхши иш ҳақи олишни чинакамига истади, демакдир.

Мамлакатда шахсий-кооператив секторни ривожлантириш учун моддий шароит бор. Шаҳарларда бўш бинолар етарли. Давлат корхоналарида, қанча десангиз — миллиардлаб сўмлик! — ортиқча ёки эскиб қолган ускуналар, ҳар эҳтимолга қарши яшириб қўйилган хом ашё ва материаллар бор. Уларни эркин савдога қўйиб, айтиш мумкинки, майда шахсий ва кооператив хўжалиқда дастлабки, бошлама эҳтиёжларни оппа-осон таъминлаш мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, воқеаларнинг бундай тус олишида ўғирлик ва поражўрликнинг олдини икки шароитдагина олиш мумкин. Биринчидан — ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материалларнинг эркин улгуржи савдосини йўлга қўйганда. Иккинчидан — шахсий-кооператив сектор (харидор ҳам, сотувчи ҳам) ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларда давлат корхоналари ва ташкилотларига тенглаштирилганда.

Биз бугуноқ (саноат маҳсулотларининг асосий турларининг ортиқча қисми ёки фонддан ташқари савдоси қачон яратилишини кутиб ўтирмасдан) ишлаб чиқариш воситаларининг кенг улгуржи резерви қачон киришмоғимиз керак. Бунинг учун ҳозирча таъминотнинг фондли («карточка») системасини беқор қилишнинг ҳам ҳождати йўқ. Мамлакатда моддий бойликларнинг катта запаси бор. Улар стихияли равишда, корхоналарнинг «карточка» системаси инжиқликларни ва қўсурларидан ўзига хос сақланиш, ҳимояланиш тарзида пайдо бўлган. Бу корхона омборида ётган ва кўп ҳолларда керак бўлмаган ускуналар, материаллар, тайёр маҳсулотлар, комплектловчи буюмлардир. Уларнинг жами 450 миллиард сўмликдан ортиқ, шундан 170 миллиард сўмлиги — нормативдан ортиқча запаслардир. Корхона ва ташкилотларга ҳозирнинг ўзида бу бойликларни эркин сотиш, сотиб олиш, қарзга бериш имкониятини яратиш, бу демак, мамлакатда қудратли, гавжум товар бозорини яратиш, ўлик ҳолда ётган катта миқдордаги товар ресурсларини ишга, фойдага солиш, оғизда эмас, амалда хўжалик ташаббусини бошлаб юбориш бўлади. Табиийки, бундай бозор, агар омборларни тозалашдан келадиган даромад (солиқлар олинганидан кейин) тўла корхона ихтиёрида қолган шароитдагина, ётиб қолмаслиги мумкин. Ҳар қандай вазиятда уларга министрликларни ва идораларни йўлатмаслик керак. Планга қўшимча маҳсулотларга муносабатда ҳам шундай қилиш керак.

Афтидан, фақат улгуржи савдони кенгайтириш, запас ва планга қўшимча маҳсулотларни эркин сотиш орқалигина корхоналарнинг ҳозирги ҳаёти ва уларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш ўртасидаги зиддиятни бартарай этиш мумкин. Пуллар, қўшимча даромад ҳозир ҳеч кимга керак эмас. Хоҳ заводни, хоҳ савдо бирлашмасини, хоҳ колхозни олинг — улар ўз пулларига нимани сотиб олишлари мумкин? Агар даромадларни Москва орқали эмас, энг юқори идораларда ялиниб-ёлвориб орқали эмас, балки бозорда эркин, энгил, хотиржам сарф қилиш учун озгина имконият туғилса, у ҳолда пул яна салмоқли, аҳамиятли нарсага айланади. Бугунги кунда эса рағбатлантириш фонди ҳам, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ҳам, (агар уларни охири-оқибатда министрлик олиб қўймас) бу шунчаки ҳавоий гапдан иборат. Бу гаплар реал бойлик эмас, корхонани модернизациялаш ёки унинг хилма-хил эҳтиёжларига ишлатиш мумкин бўлган банкдаги пул, модер.

Саноатимизнинг 24 миллиондан ортиқ буюм бўлган номенклатурасини марказдан планлаштиришга беҳуда уринишга чек қўйиш, унинг ўрнини таъминотчи ва истеъмолчи ўртасида шартнома тузиш методи эгаллайди. Ортиқча ва планга қўшимча маҳсулот билан эркин савдонини йўлга қўйиш шартномани дарҳол ҳаётий мазмун билан бойитади. Бу планлаштиришни демократлаштиришда, фақат ишлаб чиқариш коллективлари жонлантириши мумкин бўлган бозорни ривожлантиришда биринчи, лекин муҳим қадам бўлади.

Маълум «Шкекин формуласи»ни ҳамма жойда дадил жорий этиш ҳам тез самара бериши мумкин. Эски, министрлик томонидан поймол қилинган тажрибага қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак,

у катта маблағ сарфламай туриб бор-йўғи бир ярим-икки йилда ишловчилар миқдорини 25—30 процент қисқартириш имконини беради. Бу айниқса бугунги кунда, кўпгина тармоқларнинг ишлаб чиқариш қувватлари 20—40 процентгача банд бўлмаган, кўпгина станоклардан фақат бир сменада фойдаланилаётган ва мамлакат қурилишларига ишчи кучи етишмаётган шароитда муҳимдир. «Шчекин формуласи»ни ҳамма жойда ёйиш ишсизликни келтириб чиқаради, деб хавфсизрош, жуда ошириб юборилгандай туюлади.

Биринчидан, иш қидираётган ва иш жойини алмаштираётганлар ўртасида табиий ишсизлик ҳозир ҳам mavjud: ҳар бир айрим ҳолларда у ишчи кучининг 2 процентидан, ҳеч ерда ишламайди-ган дайдиларни ҳисобга олганда эса, эҳтимол, 3 процентидан кам бўлмаса керак. Бу демак, муаммони, гўёки, бизда ҳеч қандай ишсизлик йўқ, деб хаспўслаш бошқа-ю; маълум даражада ишсизлик бор ва у бўлмаслиги мумкин эмаслигини хотиржам кўнгилдан ўтказиб, муҳокама қилиш бошқа нарса. Иккинчидан, банд бўлмаган ва мунтазам очилиб турган миллионлаб иш жойлари бор. Зарур уддабуронлик бўлса, улар ёрдамида вақтинчалик ишсизлик миқдорини энг кам даражага келтириш мумкин. Табиийки, бу давлат томонидан бўшаган ишчи кучларига бошқа касб ўргатиш, уларни бошқа соҳалар ва районларга жўнатиш, ташкилий кўчишни рағбатлантириш учун қўшимча анча-куч-ғайрат сарфлашни тақозо этади. Учинчидан, иш билан қатъий таъминланишга текинхўрларча ишонч экономикамизга етказётган зарардан ҳам кўз юммаслик керак. Утакетган интизомсизлигимиз, ичкиликбозлигимиз, бракчиликмиз кўп жиҳатдан, ҳаддан ташқари бандлигимиз оқибати эканлиги бугун ҳаммага маълум бўлса керак. Албатта, давлат томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган, унча катта бўлмаган резерв меҳнат армияси нима бериши мумкинлигини кўрқмасдан ва ишчанлик вазиятида муҳокама қилиш керак. Бу маъмурий мажбур қилишни иқтисодий мажбур қилиш билан алмаштириш ҳақидаги сўздир. Ишдан айрилиш, вақтинчалик нафақага ўтиш ёки қаерга юборса, ўша жойда ишлашга мажбур бўлишнинг аниқ хавфи — дангасалик, ичкиликбозлик, маъсулиятсизликка қарши чакки бўлмаган малҳамдир. Кўпгина экспертлар бундай вақтинчалик ишсизларга бир неча ой етарли нафақа тўлаш, ишсиз қолишдан кўрқмайдиган, ҳар қандай хўжалик ҳисобини йўққа чиқариши мумкин бўлган (ва йўққа чиқараётган), жамоат меҳнати сифати ва самарадорлигини ошириш учун ҳар қандай уринишни барбод этаётган кўплаб бекорчиларни тутиб туришдан арзонроқ тушарди, деб ҳисобламоқдалар.

«Социализм, — деб таъкидлайди таниқли совет иқтисодчиси С. Шаталин, — ҳали аҳолининг шунчаки тўла бандлигини эмас (бу экстенсив тараққиётнинг босиб ўтилган босқичидир), балки социал ва иқтисодий самарали, оқилона тўла бандлигини таъминлаш механизмини яратиши керак. Социализм принциплари — бу ишлай олиш қобилиятидан қатъий назар, автоматик тарзда ҳар бир кишини иш билан таъминлайдиган ҳайр-саҳоват принциплари эмас» («Коммунист» 1986, № 14).

Яна қайб этамиз: «Шчекин формуласи» натижа бериши учун, ундан келаётган даромаднинг асосий қисми коллектив ихтиёрида қолиши керак. Одамларни бир марта алдаш мумкин, гарчи қийин бўлса ҳам, икки марта алдаш мумкин, лекин учинчи марта алдаб бўлмайди. Агар корхона ўз пулига бирон нарса олиш имконига эга бўлмаса, яхшиси ўша пул банкдаги ҳисобда ётавергани маъқул. Коллектив эса бу пуллар ўзига ва фақат ўзига қарашли эканини, дарҳол бўлмаса ҳам, лекин албатта корхонанинг ишлаб чиқариш ва социал эҳтиёжларига ишлатилишини билади. Бу маблағлар учун рамзий эмас, балки сўмда бўлса сўмда, валютада бўлса валютада аниқ процент тўлаш керак.

Афсуски, бизда иқтисодий инсоф, иқтисодий ишонч каби тушунчаларнинг ғоят муҳимлиги умуман етарли баҳоланмайди. Бошқарадиган ташкилотларнинг иқтисодий инсофи бўлмаса, пасгадиглар уларга ишонмаса узлуқсиз хўжалик ҳисоби ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳозир биз ғоят масъулиятли даврни бошдан кечиряпмиз. Агар М. С. Горбачев Тольяттидаги нутқида айтиб ўтган одатлар яна давом этаверса, (у корхоналарга қарашли рағбатлантириш фондига, уларнинг валюта даромадларига министрликларнинг хўжаликни қилишидаги беандишалик ҳақида гапирган эди), иқтисодий ислохот ҳақида қай даражада бақириб гапирмайлик, буткул барбод бўлиши аниқ.

Бугун бундай ишларда давлатнинг ҳар қандай шароитда қатъий, бузилмас ваъдаси пулдан, ҳар нарсадан қимматлидир. Бу мамлакат тақдирини билан боғлиқ бўлган энг катта сиёсатдир. Ҳатто қийин, жуда қийин вақтларда ҳам давлатнинг қарори, ваъдаси бузилишига йўл қўймаслик керак: акс ҳолда бу кейинроқ янада қимматга тушиши мумкин. Кузатилишича, 1986 йилнинг ёзида, афсуски, худди шундай бўлди: ваъда қилинган «озиқ-овқат солиғи» ўрнига «озиқ-овқат тақсимоти» жорий этилиши қишлоқ хўжалигига, эҳтимол, ҳар қандай қурғоқчиликдан кўп зарар етказди. Ҳозир қайта қуришнинг тақдирини ҳақида ҳеч ерда қишлоқдагичалик ташвишланишмаяпти. «Озиқ-овқат тақсимоти»ни амалга оширишга мажбур бўлган райком ва обкомлар обрўсига зарба берилди, эндиликда уларнинг кўпчилиги ўзларини унглаб олишлари жуда мушкул.

Экономикамиз учун малҳам маъносида ташқи иқтисодий алоқаларга мурожаат қилмаслик мумкин эмас. Бу ерда гап, афсуски, экспортимиз структурасида ишлаб чиқариш мураккаб бўлган маҳсулотларни кўпайтириш ёки капитал қурилишининг ўртача муддатини ўн бир-ўн икки йилдан дунёда қарор топган бир ярим-икки йилга қисқартириш ҳақида бораётгани йўқ, гарчи «туя гўшти еган» қурилишларимиз чет эл инвестицион кредитини кенг жорий этишга халақат бераётган бўлса ҳам. Гап кўпроқ яқин вақтларда, шу беш йилликнинг ўзида аниқ бир нарса берадиган тадбирлар ҳақида борапти.

Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг биздан каттагина қарзи борлигини ва ўша қарзларни бир нима қилиш кераклигини ўйлаш пайти келмадимикин? Ҳозирча бу қарз бизга ҳеч нарса бермаяпти, уларга эса жуда оз нарса бераяпти. Албатта, қарз — кўп жиҳатдан сиёсий муаммо. Бироқ, афтидан, шундай қилиш мумкинки, биз билан секин-аста ҳисоб-китоб қилиб бориш қарздорларимизга нафли бўлади.

Бунинг учун уларнинг ҳар қандай маҳсулотига совет ички бозорини очиш керак. Агар СССРда яхши даромад қилишни истасанг — бу даромаднинг бир қисмини қарзинг тўлови сифатида қолдир. Совет Иттифоқининг аслида беқийс бозорига бир маромда ишлаш истиқболи — бу шундай насибани, уни назар-писанд қилмайдиганлар топилмаса керак. Биз кўрадиган билвосита, қўшимча фойда ҳам оз бўлмайди. Бозоримизда рақобат қиладиган чет эл товарларининг кўпайиши Ватан саноатини сифатли ишлашга, ўз истеъмолчиси учун курашишга мажбур қилар эди. Илгари шерикларимиз бу масалани бир неча марта қўйишган. Улар ўз маҳсулотларини мамлакатимизнинг

исталган жойида сотишгина эмас, балки бизнинг маҳсулотларимизни сотиб олишлари ҳам мумкин. Бу нарса фақат «Внешторг» орқали бўлиши шарт эмас, тармоқ идоралари, маҳаллий маъмурлар ва корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқалар бу муаммони секин-аста ҳал этиши мумкин. Ишлаб чиқариш воситаларининг эркин ички савдоси шароитида улар, сўзсиз, биздан сотиб олиш мумкин бўлган нарсани топадилар. Экспертларнинг баҳолашича, шерикларимиз биздан сотиб олиши мумкин бўлган товарлар совет саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг бир процентидан ортигини ташкил этмайди. Бу талабни (корхоналаримизнинг етарли манфаатдорлиги бўлганида) яширин резервлар ва планга қўшимча маҳсулот эвазига қондириш мумкин.

Табийки, совет бозорини очиб ва Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг «умумий бозори»ни яратиш сўмининг ҳозирги курсини ўзгартирмасдан ва унинг Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида эркин қайтарилишчанлигини таъминламасдан мумкин эмас. Бугунги кунда ҳаракатда бўлган ҳисобсиз тармоқ валюта коэффицентларидан секин-аста воз кечиб, сўмнинг ягона курсига ўтиш ва миллий валютанинг Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида эркин ҳаракат қилишини йўлга қўйиш лозим. Бу аллақачон етилган, бағоят зарур бўлган ва орқага суришнинг ҳожати бўлмаган ишдир. Нанки, бугунги кунда биз қарздор эмасмиз, биздан қарздорлар.

Социалистик ва ривожланаётган давлатларга иқтисодий ёрдамимизни маълум даражада қайта кўриб чиқиш вақти ҳам келди. Охир-оқибатда гап миллиардлар ҳақида бораяпти. Мамлакатимиз иштроки билан қурилайтган кўпгина объектлар ҳозирча бизга ҳам, шерикларимизга ҳам нақд фойда бермаяпти. Жумладан, улкан ГЭСлар қурилиши (катта маблағларни ютаяти, самарасини эса келаси минг йилликдан олдин кутиш мумкин эмас), хонавайрон қилувчи металлургия заводлари қурилиши ва умуман, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган майда ва ўрта корхоналарга кўпроқ зарурат сезилаётган жойларда оғир саноатга аҳамият бериш бунга мисол бўла олади.

Биз территориямизда чет эл иштроки билан корхоналар бунёд этишга қарор қилдик. «Эркин иқтисодий зоналар» яратиш устида ҳам ўйлаб кўрсатилди. Бу сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан осон иш эмас. Салмоқли чет эл капиталли жалб этиш қийин. Қўшма корхоналар бизнинг тартибимизга осон кўникиб кетишига, чет элликлар санотимизга биздан олган фойдани бемалол сарфлашларига эришиш янада қийин. Агар бу соҳада дурустроқ муваффақиятга эришсак, бозоримизни тўлдиришни тезлаштиришдан ташқари, мамлакатнинг экспорт имкониятларини ҳам анча мустаҳкамлаган бўлар эдик. Бугуннинг ўзида бизга қизиқарли таклифлар айтишяпти. Бироқ, янги қонун шартлари, жумладан, унда чет эллик шерик даромадига 45 процент солиқ солиш кўзда тутилганиги чет элда номақбул ҳисобланаётганлиги сергаклантиради. Уйлаймизки, бу ерда одатдаги, кам оқланган иқтисодий бир тахлитдалик ўз ишнини қилган, уни шак-шубҳасиз ўзгартириш керак.

Ички бозорни тўлдириш билан боғлиқ дастлабки вазифалар муҳимлигини ўйлаганда, бу бутун хўжалик ҳисобининг, «хўжалик ҳисобидаги социализм»нинг фақатгина энг долзарб, энг кечиктириб бўлмайдиган қисми эканлигини унутмаслигимиз керак.

Изчил хўжалик ҳисобини шунчаки эълон қилиш ёки бўйруқ чиқариш билан жорий этиб бўлмайди. У маълум шароитни талаб этади, бундай шароит ҳали яратилмаган.

Госплан назоратсиз самолётсозлик заводи, ҳэ йўқ, бэ йўқ, бирдан болалар аравачаси ишлаб чиқаришга ўтиб кетади, деб ўйлаш бачканаликдир. Бугунги кунда Госплан шу билан бандку: этикдўз этик тиқши, сомсапаз сомса пиширишини ўта ҳушёрлик билан кузатиб турибди-ку. Бизнинг марказлаштиришга ҳақдан ташқари берилиб кетганимизга қарамасдан, марказнинг стратегик роли арзимасдир. Бу шунинг учун ҳамки, унинг, яъни марказнинг бундан бошқа ҳам, стратегиядан бошқа ҳам ташвиши ошиб-тошиб ётибди. Изчил, қатъий хўжалик ҳисоби тарафдорларини ҳамон шунда айлашадики, гўё улар плани ишни бўшастириш учун курашаётган эмишлар. Аслида эса улар бутун қалблари билан чинакам плани ишнинг, чинакам марказлашган ишнинг тарафдорларидирлар. Улар Госплан ўз иши ва фақат ўз стратегик иши билан: натурада 250—300 хилдан ортиқ стратегик маҳсулотдан (эҳтимол бундан ҳам камроқдир) бошқасини планлаштирмаслиги, капитал маблағларнинг ижтимоий фондини соҳалар ва республикалар бўйича тақсимлаш ва шу асосда энг муҳим халқ хўжалиги пропорцияларини тутиб туриш, бюджетга фойдадан қатъий ставкаларни, амортизация нормаларини, баҳо ва даромадлар балансини, банк кредитини, ер, сув, фойдали қазилмалар учун тўловларни белгилаш билан шуғуллансин демоқдалар.

80-йилликлардаги янги иқтисодий сиёсат намунаси бизнинг министрликларимизни ҳам хотиржам қолдирмайди. Улар шу қадар кўп, аппаратлари шу қадар каттартириб юборилганки, оқибатда кўпинча ўзларига иш қидириб қоладилар ва шу билан ақсарият ҳолларда корхоналарга ҳалакат берадилар. Министрликлар ўз-ўзича, ҳеч муболағасиз, аллақачаноқ тезда қатъий чоралар кўришни талаб этадиган сиёсий муаммо бўлиб қолди.

Ўз даврида В. И. Ленин ёзган эди: «бизда ҳамма нарса «идорачилик»нинг ярамас бюрократлик ботқоғига ботиб кетди. Бунга қарши кун сайин курашиш учун катта обрў, ақл, маҳорат керак. Идоралар — нажосат, декретлар — нажосат. Одамларни қидириб топиш, уларни ишда синаб кўриш — ҳамма гап ана шунда».

Муастасно эмаски, биз халқ хўжалигини бошқаришнинг ленинча схемасига қайтармиз. У қуйидагича: Госплан (ёки Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Кенгаши) — синдикатлар — трестлар (ёки ҳозир қабул қилинган ибора бўйича бирлашмалар). Синдикатлар, масалан, бемалол ҳозирги министрликлар вазифасини бажариши мумкин, лекин битта қимматли, қатъий фарқи бўлади: синдикатлар — булар мустақил ишлаб чиқариш коллективларининг ихтиёрий бирлашувидир. У корхоналар олдида ҳисоб бериб туради ва уларнинг ихтиёрий бадаллари ёки ажратмалари ҳисобига яшайди. Синдикат ишлаб чиқариш устидан маъмурий устқурма бўлмаслиги мумкин ва лозим. Ўзи бошчилик қилаётган корхоналар олдида ҳеч қандай моддий масъулияти бўлмаган министрликлардан фарқли равишда, синдикат ўз коллективи аъзоларининг тўла розилиги билан, уларнинг ҳар бири ўзича қилишга қўрби етмайдиган ишларни зиммасига олади: буюртмалар қидиради, маҳсулот сотишни ташкил этади, кучсиз корхоналарни қўллаб-қувватлаш фондиди ҳосил қилади, тармоқдаги фан-техника тараққиётини рағбатлантиради.

Бугун хўжалик ҳисоби экономикасини тўла йўлга қўйишга халқ хўжалигидаги асосий нарх

нисбатини бараварлаш энг қийин муаммодир. 20-йиллардан бери тўпланиб келаётган волонтаристик нарх қарорлари — бу чинакам дахшатли меросдир. Уларни тугалламасдан, биз ҳеч қачон ишлаб чиқаришнинг ҳаражатлари ва натижаларини таққослашда одамларнинг ўзбошимчилигига боғлиқ бўлмаган, шак-шубҳасиз объектив таннарх йўналишларига эга бўлаолмаймиз. Бу демак, ҳеч қачон чинакам хўжалик ҳисобига эга бўлаолмаймиз. Ҳозир назарий мунозараларда нарх системасини ўзгартиришнинг турли лойиҳалари олдинга суриляпти. Бу лойиҳаларнинг битта умумий, ғоят ҳавфли нуқсони бор: тахминимизча, нархлар яна кабинетларда, яна ўйламай ҳал қилинади, ҳаёт билан, экономикамизда ва жаҳон хўжалигидаги аниқ жараёнларни ҳисобга олмай ҳосил қилинади.

Фақат капиталистик мамлакатлардагина эмас, балки кўпгина социалистик мамлакатларда ҳам нархнинг тахминан тенг нисбати мавжуд. Улар ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг умумий тенденциялари таъсирида объектив равишда юзага келган. Албатта, нархларнинг даражаси ва нисбатиди миллий, фарқлар бор, лекин, одатда, асосий нисбатлар қолади. Экономикамизни тез ва ишончли соғломлаштириш учун, дастлаб нархларнинг улгуржи, кейин чакана нисбатини дунёда юзага келган нисбатга секин-аста тенглаштириш керак. Бизда ёқилғи, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёси нархлари кескин пасайтириб юборилган, машинасозлик маҳсулотлари нархи эса кўтариб юборилган. Ҳеч бир асосиз равишда озиқ-овқат, коммунал хизмат нархи пасайтириб юборилган ва ҳеч бир асосиз равишда барча саноат истеъмоли моллари нархи кўтариб юборилган. Совет нархлари жаҳон нархларига иложи борича аниқроқ мос келиши керак. Сўнгра нарх ҳосил қилиш билан ким шуғулланади (Давлат нарх комитетими, саноат министрлигимиз ёки ишлаб чиқарувчи корхонами) — бу кейинги масала. Дастлаб биринчи қадамни қўйиш ва нисбатларни тенглаштириш лозим.

Нархларни мувофиқлаштириш — жуда нозик иш. Шунинг учун ҳам нозикки, озиқ-овқат маҳсулотлари ва коммунал хизмат нархини сезиларли даражада оширишга тўғри келади. Лекин қатъият билан, мунтазам, энг муҳими, ҳалол ва очиқ тайёргарлик ишлари олиб борилса буни амалга ошириш мумкин.

Ҳозир совет истеъмоличиси асосий озиқ-овқат товарлари ва хизматларнинг зиёни баҳолашга дотация тариқасида ҳазинадан 50 миллиард сўмдан кўпроқ олади. Нега у шу суммани асосий иш ҳақи, эҳтимолки; омонат кассадаги жамғармасига қўшимча тариқасида олиши мумкин эмас? Қолаверса, нега гўшга кам тўлаш ва айни вақтда газлама ва пойафзалга ортиқча тўлаш керак, нега унисини ҳам, бунисини ҳам ўз баҳосида сотиб олиш мумкин эмас? Албатта, одамлар бунга кўникишлари учун, уларда юзага келган бир тахлитдаликини ўзгартириш керак, уни ўзгартириш эса қийин бўлади. Экономикамизни соғломлаштириш учун фақат ҳалол, ҳаммага тушунарли бўлган интилиш оддий истеъмоличини ўз кўникмаларини ўзгартиришга ишонтириши мумкин. Одамлар билан, худди Венгрияда бўлганидек, очиқ-ойдин гаплашиш керак. Венгрияда катта тушунтириш ишлари 1976 йилда янги нархларни силлиққина жорий этишга ёрдам берди. Польшанинг ачинарли тажрибасини ҳам унутмаслик керак. Бу ерда ҳам 1976 йилда нархларни ўзгартиришга уриниб кўришди, кейин яна дарҳол чекинишга мажбур бўлишди.

Корхоналар ва бирлашмаларнинг иқтисодий аҳволи фойдага боғлиқ бўлиши керак. Ҳозирча биз улгуржи нархларни мувофиқлаштирмас эканмиз ва планли равишда пул билан ёрдам беришдан қўтилмас эканмиз, фойда мезони ишлаб олмайди. Фойда дам у, дам бу томонга чалгита бошлайди, у ё коллективнинг реал даромадларини кўпайтириб юборади, ёки камайтириб юборади. Биз қачонгача корхона ишининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаганда кўрсаткичларнинг катта, кўпинча бири-бирини истисно қиладиган йиғиндисидан: у ёки бу кўринишдаги ялли маҳсулотдан, товар маҳсулотдан, шартнома мажбуриятларининг бажарилишидан, таннархнинг пасайишидан, моддий ҳаражатларнинг камайишидан, натура, меҳнат унумдорлиги, янги техника бўйича планинг бажарилиши ва бошқалардан фойдаланамиз? Кабинетларда гўё шартли соф маҳсулот сифатида сунъий кўрсаткичларни ўйлаб чиқаришга қачон чек қўямиз? Нарсадарга тўғри кўз билан қараш керак. Кўп асрлар мобайнида инсоният самарали ишлашнинг фойдасидан бошқа мезонини топаолгани йўқ. Фақат угина ўзида иқтисодий фаолиятнинг миқдор ва сифат томонларини бирлаштираолади ва ҳаражатлар ҳамда ишлаб чиқариш натижаларини объектив ва бир хил маънода таққослаш имконини беради.

Лениннинг фикрича, фойда — хўжалик ҳисобининг асосий принципи. Экономикани маъмурий-натурал ричаглар билан бошқаришнинг ярим асрлик тажрибаси бу фикрнинг янада долзарб қилиб қўйди. Хўжалик ҳисобидаги экономикада фойда — бу ўз-ўзини созлашнинг, ўз-ўзини бошқаришнинг, корхоналар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг асосидир. Бугунги кунда мамлакатда бундай алоқалар ўнлаб миллиардлар билан ўлчанади. Бу алоқаларнинг ҳаммасини ягона тўғунга бирлаштириб, ягона бошқарув пултига итоат этказадиган ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) йўқ, афтидан, бўлмаса ҳам керак. Давлат, корхона ва айрим ходимлар ўртасида оддий, ҳаммага тушунарли бўлган муносабатлар системаси, фақат биз фойда мезонидан фойдаланганимиздагина пайдо бўлади.

Фойдага ғоят шубҳа билан қараш — ўзига хос тарихий англашилмовчилик, ҳамон социализм экан — ҳеч қандай фойда ҳам, ҳеч қандай зарар ҳам бўлмаслиги керак, деб ўйловчи кишиларнинг иқтисодий саводсизлиги учун ўзига хос жазодир. Аслида эса социализм шароитида фойда мезонининг ҳеч бир шубҳали томони йўқ, у фақат сиз яхши ёки ёмон ишлаётганлигингизни таъкидлайди.

Солиқлар чегириб ташланганидан кейин корхона ўз фойдасига тўла хўжайинлик қилиши керак. Лекин, иккинчи томондан, агар унинг фойдаси бўлмаса, бунинг оғирлиги ҳам коллектив елкасига тушиши лозим. Масалан, бир корхона ёмон ишлаши ва молиявий зарар кўраётганлиги учун ёпилиши мумкин. Бошқасига давлат страхования системаси ёки маълум мақсад билан бериладиган қарзлар ёрдам беради. Бироқ, давлатнинг «қутқарув операциялари» ҳамма корхоналарга нисбатан эмас, жуда танлаб, сиёсий ва иқтисодий манфаатлар ҳисобга олиниб амалга оширилади.

Яна бир таассуб — акционерлик шаклининг маъқул эмаслигидир. Гражданиримиз ва корхоналарнинг ортиқча маблағларини янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш ва эскиларини кенгайтиришга нима учун жалб этиш мумкин эмас? Бу ишга ётсираб ёндошишни ҳеч қанақасига дурустроқ изоҳлаб бўлмайди. Бу шунчаки сўқирлик ёки беҳуда ётган, мамлакатга жуда фойдали

хизмат қилиши мумкин бўлган нарсани кўтаришни очиқ-ойдин истамаслиқдир. Таниқли экономистларимиз П. Бунич ва В. Москаленко масалани жуда тўғри қўйишаяпти: маблағ сарфидаги ҳозирги етишмовчиликни эҳтимол «мазкур корхоналар ортиқча маблағи бўлган корхоналарга ўз облигацияларини сотиши билан қоплаш мумкиндир». Бизнингча, қўйидагича қўшимча қилиш маъқул: айрим шахсларга ёки бу маблағлар бир жойда бўлса, яхшиси давлатга ҳам облигациялар сотиш мумкин.

Соғлом молия ҳамisha соғлом экономиканинг асоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ва аксинча — фавқулодда ҳолларда (уруш, вайронгарчилик, социал силкинишлар) пайтида айнан молияда носоғлом, инқирозли ҳодисалар ҳаммадан аввал ва энг кучли намоён бўлади. Аминманки, бугунги кунда бизнинг экономикамиз 20-йиллардагидан кам бўлмаган теранликдаги ва миқёсдаги молиявий ислохотга муҳтождир. Пуллар, нархлар, даромадлар, солиқлар, кредит, бюджет, давлат олиши имкониятлари ва, шунга тегишли равишда, давлат қарзи — булар ҳаммаси биз ҳали жиддий муҳокама қилишга ҳам киришмаган масалалардир. Ҳозирги молия системасининг нуқсонлари эса равшан: аҳолининг тўпланиб қолган талаби миқёси, даромадларнинг турли бандлари бўйича бюджетдаги етишмовчиликлар, молиявий таъминотнинг бюджетга ҳали сотилмаган, эҳтимол, сотишнинг иложи бўлмайдиган маҳсулот даромадини киритиш сингари сиёқаси чиққан методлар, кредитнинг, аслида қайтмайдиган молия таъминотига айлангириш (қишлоқ хўжалигидаги қайтарилишдан умид бўлмаган қарзнинг ўзи 100 миллиард сўмга яқинлашди) ва бошқалар. Эртадир, кечдир бу муаммоларни ҳал этиш керак — улардан қочиб қутилиб бўлмайди.

Келажакда ташқи иқтисодий алоқалар тобора муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг машина-техника ва бошқа экспортимизнинг рақобатлашиш қобилиятини кескин ўстириш учун ташқи савдо фаолиятининг бир қисmini саноат министрликларига беришнинг ўзи етарли эмас. Ташқи ва ички баҳолар билан тўғридан-тўғри алоқани йўлга қўйиш керак. Бусиз, шунингдек банкда совет бериши чет эл валютасига эркин алмаштиришни йўлга қўймасдан (сотиш, харид қилиш, қарз сўмини), корхоналаримизда ташқи иқтисодий фаолиятга қизиқиш уйғотишимиз даргумон. Рақобатлаша оладиган буюмлар ишлаб чиқариш учун аниқ манфаатдорлик керак. Шу билан бирга жаҳон нархлари билан алоқасиз ва сўмини бевосита айрибошламай туриб, Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши мамлакатларидаги ва капиталистик дунёдаги шерикларимиз билан ҳамкорликнинг янги шакллари ни йўлга қўйишни жиддий режалаштириш бўлмаган гапдир. Мамлакат ичида улғуржи нархларни бараварлаштириб, биз айна пайтда сўмнинг аниқ ва ягона курсини белгиллашимиз ва секин-аста сўмимизни, худди доллар ва фунт стерлинг сингари, қайтарилувчан қилишимиз керак. Ҳозирча кабинетларда, гўё бундай муаммо йўқдай ўтиришган экан, умумий, узлуксиз хўжалик ҳисобини йўлга қўйиб бўлмайди.

Перевод сўмнинг тақдирини ҳал қилиш зарурати ҳам етилди. Бу ўлик туғилган чақалоқ алақачоноқ ҳисоб-китобнинг оддий кууролига айлиб қолган: У пулнинг бошқа ҳеч қандай вазифасини (мен Маркснинг тарифини назарда тутаяпман) бажармаяпти. Кабинетда ўйлаб топилган бу конструкция жонли, аниқ сўмдан, маркадан, крондан, левдан нимаси билан яхши? Ҳозир унинг ижодкори тирик эмас, ҳеч ким бу саволга аниқроқ жавоб бераолмас керак, деб қўрқаман.

Ва ниҳоят, сифат муаммоси. Ҳозир буюмларимизнинг сифати қандай муҳим роль ўйнаши ҳаммага тушунарли. Саноатнинг энг муҳим тармоқларида маҳсулотнинг давлат қабули тўғрисида қарор қабул қилинди. Шак-шубҳасиз, бу муҳим қадам ва биз ундан ижобий натижалар куттишга ҳақликимиз. Агар давлат органлари, хўжалик идоралари давлат қабули — бу маҳсулот сифатини яхшилашнинг бош, қатъий, ниҳоят аниқ топилган методи, деган қарорга келсалар, жиддий хато бўлади. Афсус, Давлат стандарти раиси «давлат қабули ташкил этилиши билан, аслида қайта қуришнинг, саноатни революцион тарзда ўзгартиришга даъват этилган архимедона ричага ҳаракатга келтирилди», деб ошқора айтишга шошилди. Давлат қабули муҳим, лекин чекланган самара беради. У шунинг учун ҳам чекланганки, сўнги босқичдаги назорат ишлаб чиқариш жараёнига озгина таъсир кўрсатади. Масалан, америка мутахассисларининг баҳосича, агар маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича ҳамма тадбирлар 100 процент, деб қабул қилинадиган бўлса, шундан 75 проценти конструктив хулосалар излашга, лойиҳалашга, макетга ишлов беришга ва тажриба намунасини маъромига етказишга, технологияни созлашга, 20 проценти ишлаб чиқариш жараёнини ўзини назорат қилишга ва фақат 5 проценти — буюмнинг энг сўнги қабулига тўғри келади. Японияда бу қўрсаткич янада паст — атиги бир процентни ташкил этади.

Яхши сифат — бу ишчининг виждонан меҳнат қилиши муаммосидан ҳам кўра, кўпроқ ишлаб чиқариш ва уни бошқариш муаммосидирки, бунда масъулият катта раҳбарлар зиммасига тушади. Америкаликларнинг ҳисобича, фақат 15—20 процент хато бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг айби билан юз беради, қолгани ишлаб чиқариш жараёни тепасида турган бошқарув пирамидасининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари оқибатида содир бўлади. Бошқача айтганда, бу нарса хўжалик механизми билан боғлиқ.

Шуни эътибордан қочирмаслик керакки, давлат қабули энг манфаатдор бўғин — истеъмолчини суриб қўяди, бунда маҳсулот аталган корхонанинг, ёки магазиндаги кишининг бўлиши муҳим эмас. Тайёрловчи-корхона ўз маҳсулотига қабул қилувчи тамғасини қўйдириб олгач, баъзида унисини ҳам, бунисини ҳам кучлироқ сиқувга олиши мумкин. Ҳозир мавжуд бўлган хўжалик системасининг асосий нуқсон — ишлаб чиқарувчининг зўравонлиги — аслида, даҳлсиз қолаяпти.

Ҳозирча, энг «ватанпарварона» баҳога қараганда, саноатимиз маҳсулотининг фақат 17—18 проценти, энг эҳтиёткорлик ва умидсизлик билан берилган баҳоларга қараганда эса 7—8 проценти жаҳон стандартларига жавоб беради. Бу қўрсаткични шу беш йилликнинг ўзида 80—90 процентга кўтариш вазифаси қўйилаяпти. Вазифа-ку қўйилди, уни бажара олармиканмиз? Бу муаммонинг илдиэлари жуда чуқур ва у бизда узоқ вақт иккинчи даражали вазифа бўлиб келди.

Кўпгина назарётчилар ҳам, амалиётчилар ҳам шу фикрга қўшмаладиларки, бозорнинг нақдлиги, маҳсулотларнинг «карточка бўйича» тақсимланиши, истеъмолчининг таъминотчига қатъий, аслида зўрлаб боғлаб қўйилиши, яъни ишлаб чиқариш монополия қилиб олинганлиги — булар бизнинг тармоқларимиздаги маҳсулотларнинг ҳеч нарсага ярамаслигининг оли сабабидир. Бунинг устига аман шу энг асосий иллат — ишлаб чиқариш монополиясига — давлат қабули тегмайди. Шундай бўладики, биз яна чидам, партиявий виждон, бошлиқдан кўрқиб, давлат қабули вакилининг шахсий

ҳалоллиги каби омилларга кўпроқ таянамиз. Давлат қабули вакилини эса, ҳадемай ҳаёт ўз назорати остидагилар билан «боғлаб» қўйиши мумкин.

Ҳа, давлат қабули дастлабки, шошилинч чора, вақтинчалик чора сифатида яхши, лекин у архимедона ричаг бўлаолмайди. Фақат экономикамизда ишлаб чиқариш монополиясининг секин-аста сусайиб бориши ва тўла бартараф этилиши, қандайдир мутлақ янгилик бериши мумкин. Истеъмолчи тақдим этилаётган нарсани олиш учун ҳам, олмаслик учун ҳам ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши керак. Бу демак, у танлаб оладиган бўлиши лозим. Ишлаб чиқарувчида эса агар маҳсулоти ўтмаса, чув тушиб қолиш, ҳатто инқирозга учраш хавфи бўлиши керак. Фақат шу йўл билангина оғизда эмас, амалда бугун ҳукмронлик қилаётган «ўзаро амнияти» яъни ишлаб чиқарувчи-корхона; қаердадир унинг маҳсулотидagi нуқсондан кўз юмиб олишларини ўйлаб, брак маҳсулот етказиб бергани учун таъминотчини кечиритишаверишини йўқ қилиш мумкин.

Биз ниҳоят, ўзимизни ўзимиз алдашга, кабинетдаги нодонларга ишонилга чек қўйишимиз керак, «истеъмолчи учун танлаш» муаммосининг, рақобат муаммосининг замирида ҳеч қандай яширин социал-синфий мақсад йўқ. Бундан идеологиянинг ҳиди келмайди. Бу соф иқтисодий, ҳатто, техник-иқтисодий муаммодир. Танлаш, рақобат — объектив шароитлардир, буларга риюя қилмасдан биронта ҳам иқтисодий система ҳаётий ёки етарли даражада самарали бўла олмайди. Умумий танқислик, ишлаб чиқарувчининг ҳукмронлиги — буни ишлаб чиқарувчилар янги техник хулосаларни тўқмоқ остида эмас, ўзларича қидириши мумкин бўлган шароит деб бўлмайди. Ҳар қандай монополия ҳеч сўзсиз турфунликка, мутлақ монополия — мутлақ турфунликка олиб келади.

Бу ўринда биз фақат биринчи қадамларни қўймоқдамиз, энди-энди бошлаяпмиз. Ҳамма нарса янги, одатдагидек эмас, ҳаммаси шаклланган тасаввурларимиз билан қовушмаяпти. Биз ҳозирча амалиёт у ёқда турсин, ҳатто назарий жиҳатдан ҳам дефицитсиз экономиканинг энг муҳим жиҳатини, энг муҳим асосий шартини — халқ хўжалигидagi исрофгарчиликни муқаррар даражасини, ташлаб юбориладиган, истеъмолчининг танлаш ҳуқуқи учун мажбурий тўлов сифатидаги бозорда ўтмаган маҳсулотни эътиборга олмаёпмиз. Кабинетдаги, тажрибага асосланмаган «юз процент мувофиқлик», маҳсулотлар ва маблағларимиздан юз процент фойдаланиш кетидан қувиш оқибатида биз кўпроқ нарса йўқотамиз ва бракни тугатишга, сифатнинг жаҳон стандартлари даражасига чиқишига ўзимиз халақит берамиз.

Ёки биз ишлаб чиқаришнинг асосий воситалари, хом ашё ва кенг истеъмол буюмларининг ортиқчасини яратиб оламиз-да, истеъмолчи ундан моддий асос, пресс сифатида фойдаланиб, таъминотчини сиқувга олади, — ёки биз ҳеч қачон бирон бир дурустроқ нарса ишлаб чиқара олмаймиз. Бошқа йўл йўқ. Бундай ортиқча маҳсулотсиз таъминотнинг ҳозирги «карточка» системасидан ишлаб чиқариш воситалари ва хом ашёнинг улгуржи савдосига ҳам ўтиб бўлмайди. Бу ортиқча маҳсулот икки тарафдан — юқоридан ҳам, пастдан ҳам, маъмурий усулда план белгилаш ва бозорни, халқ хўжалигида товар-пул муносабатларини кенгайтириш йўли билан ҳам яратилиши мумкин ва лозим.

Муаммо аниқ тушунилганда ва Госплан зарур қатъият кўрсатганида маҳсулот натураси бўйича планлаштирилаётган ишлаб чиқариш ҳажмини тақсимот системасига тушадиган фондидан йилига мунтазам 2—3 процент юқори бўлишини таъминлаш (ёки ишлаб чиқариш қувватларининг шунча резервига эга бўлиш) мумкин. Майли, корхоналар бу 2—3 процентни бозорда ўзлари улгуржи савдо йўли билан сотсинлар. Моддий рағбатлантиришни бундай савдодан тушадиган фойда билан боғлаш монополияни йўқ қилиш, истеъмолчи учун озгина бўлса ҳам танлаш имконини бериш томон биринчи ишончли қадам бўлади.

Майли, бу дастлабки давларда ялпи маҳсулот бўйича ўсиш суръатининг маълум даражада секинлашувига олиб келақолсин. Ҳаётда ҳеч нарса бекорга берилмайди, умумий дефицитнинг бўғувчи вазиятидан чиқиш ҳам ниманидир эвазига бўлиши керак. Бундай секинлашув ишлаб чиқарувчиларни силктиши, ўтмай босилиб ётган маҳсулотдан қутилиш, ниҳоят, ишлаб чиқарувчига, унинг маҳсулотининг юксак сифати — бу тентаклик ёки кимнингдир инжиқлиги эмас, балки унинг мавжудлигининг муқаррар шарт эканлигини англатиб қўйиш учун зарур, шундай бўлгач, суръатнинг секинлашувидан қўриқнинг нима ҳождати бор?

Саноатмизнинг асосий қисми учун кундулик ва ўртача муддатга планлаштиришнинг асосий методи бўлиб, афтидан, тайёрловчи-корхона билан истеъмолчи-корхона ўртасидаги бевосита алоқалар хизмат қилади. Корхона исталган пайтда ўз хоҳиши билан (агар лозим бўлса, ўзи инжиқлиги билан), вазиятдан қатъий назар, жаримани тўлаб ёки тўламай таъминотчини ўзгартириши мумкин. Шартномалар ҳар йили янгиланиши керак. Худди шундай ҳуқуқни кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи корхона билан муносабатда савдога ҳам бериш керак.

Бевосита шартнома алоқалари ва ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдоси — бир жараённинг икки ажралмас томонидир. Агар корхона ўзининг пландаги ва планга қўшимча оддий ва сифати яхшиланган маҳсулотини бозорда сотса, ишлаб чиқарувчиларда пировард натижа учун шундай қизиқиш уйғотадик, бундай қизиқиш ҳақида бугун «онглилик масалалари»га ихтисослашганларнинг биронтаси орзу ҳам қилиши мумкин эмас. Бозорнинг хўжалик ҳисоби омиллари «тадқиқот — конструкторлик ечимлари — маблағ сарфи — ишлаб чиқариш — сотиш — сотувдан кейинги хизмат» жараёнининг барча босқичларига ёйилиши керак. Бугун бу занжири истеъмолчи талабларига шунчалик маъмурий янгиликлар эмас, фақат бозоргина итбат етказиши мумкин.

Биз куч, бақир, дўқ билан бу борада бирон нарсага эришиш қийинлигини, сифат — бу иқтисодий алоқаларнинг бутун системаси якуни эканлигини қанча тез тани олсак, ишга шунчалик жадал қиришамиз. Совет бозорини «сотувчи бозори»дан «харидор бозори»га айлантириш учун биринчи навбатда бу бозорнинг ўзини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш лозим. Бунинг учун бизда катта имкониятлар бор. Гап яна ўша ҳақда: корхоналар нокерак ускуналари ва запасларини эркин сотаолишлари, колхоз ва совхозлар бозорга тўғри чиқаолишлари, шахсий-кооператив фаолият, биринчи навбатда Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши мамлакатларидан эркин импорт ҳақида борапти. Албатта, буларнинг ҳаммасига вақт талаб этилади. Лекин бу чинакам, кенг қамровли, ўз моҳияти жиҳатидан ишлаб чиқарувчининг мутлақ монополияси ва зўравонлигига зид бозор бўлади. Дарвоқе, мавжуд тасаввурларга зид равишда бозор фавқуллодда ҳолларни мустасно қилганда, ҳеч қачон, ҳеч ерда тўла монополияни билган эмас. У бизда ҳам буни билмайди.

Албатта, гап бозорда ҳам, корхона унда жой учун курашуви ёки курашмаслигида ҳам эмас. Сифат социал вазиятга ҳам боғлиқ. Ишлаб чиқаришда инженер ва конструкторларнинг мавқеи пайтириланганлиги, уларга малакасиз ишчидан анча кам ҳақ тўланиши яхшиликка олиб келмайди. Ҳал қилувчи бўғинда — фанда — аксарият ходимларнинг иш ҳақи озлиги оммавий лоқайдликни туғдираётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Фанда эндиликда олий маълумотли кишилар ҳужибидан ўзига хос «учинчи сорт» юзага келди. Касал тушунарли, давлош усули ҳам маълум, аммо шу пайтгача нимагадир бу ҳақда бор овоз билан гапиришга журъат этмаяпмиз. Шундай қилиб махсулотимиз сифати фақат қисман техник ва маъмурий муаммодир. Биринчи навбатда бу иқтисодий ва социал муаммо. Одамлар фан-техника тараққиётдан моддий манфаатдор бўлсалар, умумий дефицит ўтмиш бўлиб қолса — сифат ҳам яхшиланади. Агар биз ва вазифанинг уддасидан чиқаолмасак — чуқур иқтисодий ўзгаришларсиз нимагадир эришиш имконини берадиган «мўъжиза-таёқча»нинг топилиши даргумон.

* * *

Туб иқтисодий ислоҳот, табиийки, уни амалга ошираётганлар олдига ҳам тегишли талаблар қўяди. Афтйдан, содда қилиб айтиш мумкинки, илгариги шароитда турли даражадаги ҳўжалик раҳбари биринчи навбатда икки муҳим вазифани ҳал қиларди: у қандай қилиб бўлса ҳам планини бажариши ва ўз коллективини юқоридан белгиланган, кун кечириш учун зарур бўлган нарсаларнинг энг оз миқдори билан таъминлаши керак эди. Бунда бу оз миқдор иш натижаларига боғлиқ эмасди. Бу шундайлигидан, халқ ҳўжалигимиздаги жами корхоналарнинг «бегона» хом ашёни, энергия ва материалларни иложи борича кўпроқ истеъмол қилиши интилиши, сифатдан манфаатдор бўлмаслик, ишлаб чиқаришда фан-техника даражаси пастигига бефарқлик, умумий дефицит ва айни пайтда ўтмай қолаётган махсулотларнинг катта запаси, кераксиз ишларни бажариш (дарёларни буриш сингари), оммавий қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар ва бошқалар шундан гувоҳлик беради.

Ҳўжалик раҳбари ўз коллективи олдида ҳам, ҳўжалик бўйича шериги олдида ҳам жавоб бермасди (ҳозир ҳам шундай). У фақат юқоридаги бошлиқ олдидаги оддий, қўпол маъмурий масъулиятни биларди ҳолос. Шахсий муносабатлар ғоят катта аҳамиятга эга эди, бу нарса қарийб ҳамма нарсани ҳал қиларди. Айни вақтда раҳбарларнинг фаолиятини рағбатлантириш шакллари ҳам мутлақо алоҳида эди (ҳозир ҳам шундай). Раҳбар учун бугунги кунда ҳам катта муқофот — ўнинчи даражали нарсаси. Унинг касбдаги муваффақиятлари бошқа нарсалар билан — орденлар, депутатлик, президиумдаги ўрин, хизмат автомобилли, имтиёзли таъминот, давлатдан бериладиган квартира, чет эл сафари, янада обрўли кабинетга ўтиш билан ўлчанади.

Тўла, изчил ҳўжалик ҳисоби шароитида раҳбарнинг иши кескин ўзгаради ва мураккаблашади. У махсулот ишлаб чиқаришдан ташқари, уни сотишни ташкил этиши, юкни шунчаки ортиб жўнатмай, ўз мuddатида ва шартномада белгиланган бутун номенклатура бўйича ортиб жўнатиши, план-топшириқларини шунчаки бажармай, балки етарли фойдани таъминлаши, ҳар хил тўғри ва нотўғри йўллар билан, ялиниб, зўрлаб, авраб фонд ундирмай, бозорда бўлган энг яхши нарсаларни сотиб олиши, ўз министрлиги ёки банкидан капитал маблағлар учун қайтирилмайдиган пулни юлиб олмай, балки уни, ўзи ишлаб топиши, юқоридан қачон янги техник хулосаларни беришларини кутиб ўтирмай, уларни ўзи қидириши, фан-техника тараққиётдан қочмасдан, унинг ортидан қувиши, ишчиси ёки инженери, худо кўрсатмасин, жуда кўп ишлаб юборишни кузатмай, аксинча, уларни ҳар томонлама бунга рағбатлантириши, коллективнинг социал муаммоларидан турли баҳоналар билан бўйин товламай, уларни биринчи навбатда ҳал этиши талаб этилади... Ниҳоят, масъулиятни бошқалар гарданига, юқори идораларга юклаб қўймай, қарийб ҳамма нарса учун ўзи жавоб бериши керак. Равшанки, бу вазифаларнинг ҳеч бирини «савлат» билан ҳам, бақирш билан ҳам, дипломатик устамонлик билан ҳам ҳал этиб бўлмайди — улар мутлақо бошқача қобилятни, раҳбарлик методини ва ҳаёт услубини талаб этади.

Бу вазифалар «бўрибосар»ни эмас, муштурмзўрни эмас, шафқатсиз ва агар ҳақиқатга тик қараладиган бўлса, ўзини ахлоқан тийиб туриши қўйин бўлганларни эмас, балки тадбиркор, ишбилармон, иқтисодий саводли, амалий муносабатлар одобини муқаддас биладиган, ҳамisha ва ҳамма жойда ўз сўзида турадиган, одамларни ва уларнинг ташвишларини тушунадиган, оққўнгил, мустақил, ўз кучига ишонадиган ва айнан мана шу ишонч туфайли юқори идоралар олдида ҳам, ўз коллективи олдида ҳам, — буниси ҳозир айниқса муҳим, — демократик масъулиятнинг ҳар қандай шаклидан қўрқмайдиган кишини талаб этади.

Бундай шахсни ўстириш учун мамлакатга вақт ва маълум муҳит керак, лекин ҳозирдан, бугундан иш бошламас бўлмайди, акс ҳолда «ҳўжалик ҳисобидаги социализм»ни қўрадиган ва унда ишлайдиган одам топиламай қолади. Биринчи беш йилликлар даврида ва маълум вақт урушдан кейин ҳам ҳўжалик раҳбарларнинг асосий қисми биринчи навбатда ғирт маъмуриятчи эди, кўпчилигининг махсус маълумоти ҳам йўқ эди, фақат бир нарсани — раҳбарлик қилишни билишарди. Кейин бутун ҳўжалик занжирида цех бошлиғидан министрғача инженер (инженерлик тафаккурининг барча афзал томонлари ва камчиликлари билан) марказий фигура бўлди. Улар одатда ташкилотчилик ишида кўникма ва тажрибага эга бўлишар, лекин кўпинча иқтисодни ва иқтисодий қонунларни тушинмасди.

Ўйлаймизки, ҳўжаликни бошқаришнинг бутун системасида инженер эмас, балки иқтисодчи, эҳтимолки ҳам иқтисодчи, ҳам социолог бўлган киши бош фигура бўлиб қолади. Эҳтимол, инженер (ёки агроном) кўйи бўғинда — ҳеда, қурилиш бўлинимасида, колхоз бригадасида ёки совхознинг бўлимида, илмий-тадқиқот институтининг бўлимида бевосита раҳбар бўлиб қолиши лозимдир. Аммо корхона, бирлашма, трест, колхоз ва совхозни, илмий-тадқиқот институтини иқтисодчи бошқариши, бутун технология жараёнини беш қўлда биладиган қобилятли техник мутахассис унинг биринчи ўринбосари бўлиши керак.

Ғарбнинг етакчи мамлакатларида ҳўжаликни бошқаришда инженер бош фигура эмас. Масалан, АҚШда 80-йилларнинг бошида етакчи компаниялар ва фирмалар олий раҳбарларининг атиги 10 процентидан камроғигина технология соҳасида мутахассис бўлганлар. У ерда ҳўжалик раҳбарла-

рининг кўпчилиги инженерлик тайёргарлигига эга эмас, булар бизнес мактабини битирганлар ёки иқтисодчилар, молия бўйича мутахассислар ёки юристлардир. Японияда хўжалик раҳбарларини техник жиҳатдан тайёрлашга АҚШга нисбатан анча кўп эътибор берилади, лекин у ерда ҳам хўжалик раҳбари — кўпроқ бизнесмен, инженер эмас.

Ҳаётнинг ўзи — энг яхши мураббийдир. Агар иқтисодий ислоҳот етарли даражада изчил ва чуқур томир ёйса, тисарилма ҳаракатлар бўлмаса, одамлар бу жараён орқага қайтмаслигини билсалар, уларнинг ўзлари оғизда эмас, балки амалда ўзгара бошлайдилар. Ўз-ўзини сақлаш ва муваффақиятга интилиш туйғуси бизнинг кишимизга бошқалардагидан кам бўлмаган даражада хосдир. Лекин, ҳар қандай одамни сингари, уни ҳам алдаш мумкин эмас. Худо кўрсатмасин, ислоҳотнинг очиқ ва яширин душманлари секин-аста уни маълум «Шчекин тажрибаси»нинг ачинарли йўлига солиб юборишмаса бўлгани. Тегишли министрликлар ўзларининг иқтисодий фирромликлари оқибатида бу ишни таг-томири билан йўқ қилиб, мамлакатга етказган фақат иқтисодийгина эмас, балки соф маънавий, ижтимоий зарарни ким ҳисоблаб чиқолади? Уларни ҳалол топган валюта маблағлари мана бир неча ўн йилдирки, «Внешторгбанк»да қамалиб ётган корхоналар фаол ташқи иқтисодий алоқаларга журъат қилгунларига қадар яна қанча вақт ўтади? Ҳозир бу тақлиф этилаётганда, тижштирилаётганда, улар беҳудага қайсарлик билан бош тортишаётгани йўқ. Меҳнатсиз даромадлар тўғрисидаги ғўр қонун қабул қилиниши муносабати билан икки ойдан кўпроқ авжга минган «маъмурий телбалик» натижасида мамлакатга етказилган зарарни ҳозир ким ҳисоблай олади? Уни каллаварамларча ҳаётга жорий этганликлари учун аниқ ким жавоб беради?

Юқоридан пастгача барча хўжалик кадрларимизга, иқтисодий ҳаётни маъмурий бошқариш методлари даври ўтаётганлигини, экономиканинг ўз қонунлари борлигини, уларни бузиш худди Чернобилдаги ядро реактори қонунларини бузиш сингари, йўл қўйиб бўлмайдиган ва даҳшатли нарса эканлигини, ҳозирги раҳбар бу қонунларни билиши ва ишини бунга зид равишда эмас, аксинча мувофиқ ташкил этиши лозимлигини ким тушунтиради? Ахир, келажақда унинг фаолиятига маъмурий ва техник категориялар билан эмас, биринчи навбатда ўзи бошқараётган коллектив кўраётган фойда ва зарарга қараб баҳо берилади.

Бизнинг хўжалик ходимларимиздаги инсоний фаолият муаммоларини буйруқ, сиқув, зўрлик билан ҳал этишининг куч-қудратига ишончни ким йўқ қила олади? Агар буйруқ ўрнини моддий ва маънавий манфаатдорлик, бамаслаҳат ишлаш, иқтисодий компромисс, масала ва муаммоларни маъмурий эмас, балки ҳар томонлама иқтисодий келишув эгалламаса «хўжалик ҳисобидидаги социализм»ни тасаввур этиб бўлмайди. Бизнинг ҳозирги хўжалик бошқарув тартибимизнинг туб нуқсони — пирамида юқори қаватларининг тўла масъулиятсизлигида, «қарама-қарши томонга алоқа» учун қандай бўлмасин, узатманинг йўқлигида, ташқаридан кўзга чалинмайдиган, одатда, корхона ва ташкилотларнинг иш натижалари билан ҳеч боғланмаган, хўжалик ҳисоби идеологиясига зид бўлган рағбатлантириш усулларидадир.

Хўжалик кадрларимизга биз дунёда ёлғиз эмаслигимизни, маҳсулот сифати ва илмий-техника даражасининг халқаро мезони, халқаро мажбурий, ўзгармас талаблари борлиги ҳақидаги тушунчани ким сингдиради? Шу кунга қадар кўпгина хўжалик раҳбарлари учун бу хитой ёзуви, аллақердадир мавжуд бўлган, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам, бозордаги фаолиятига ҳам дахли бўлмаган нарса бўлиб келди.

Бизнинг хўжалик раҳбарларимиздаги, айниқса катталаридаги феодал психологияни, ўтакетган мақтанчоқлиқни, ўзининг фарқ бўлмаслигига, «худо берган» буйруқбозлик ҳуқуқига, у ҳар қандай қонун ва ҳар қандай танқиддан юқорилигига ишончни ким йўқ қилаолади? Бизнинг хўжалик раҳбарларимиз авлоди пастдан бўладиган хавфдан бошқа, ҳар қандай хавфга ўрганган эдилар. Ҳатто, бугунги кунда ҳам, уларнинг фаолиятига матбуотнинг, ёки сайловчиларнинг, ёки ўз коллективининг аралашуви — бу оддий воқеа эмас, фақат афсусланарли, тасодифий ҳодисадир.

Бу вазибаларнинг ҳаммасини бунга фақат қодир бўлган ва ҳаққи бўлганлар, яъни халқ, омма, қўйидагилар амалга оширади. Яна шу нарса яхши маълумки, ошкоралик, демократизм, пастдан юқоригача чинакам сайлов нари суриб қўйилган жамоат ҳаёти эмас.

* * *

Мамлакатимизни иқтисодий ва илмий-техник жадаллаштиришнинг асосий имкониятлари — бу фақат бир неча янги ва ўта янги соҳаларни: аэрокосмик саноатни, ядро энергетикасини, электроникани ва электрон ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқаришни, автоматикани, мослашувчан ишлаб чиқариш системаларини, микропроцессорларни, робототехникани, лазер техникасини, алоқа воситаларини, назорат-ўлчов аппаратларини, янги синтетик материалларни, нозик кимёвий технологияни, фармацевтикани, биоинженерияни биринчи навбатда ривожлантиришдангина иборат эмас.

Ўзимизда мавжуд бўлган нарсаларни модернизациялашда ва улардан оқилона фойдаланишда иқтисодий тараққиётнинг катта имкониятлари бор. Биз АҚШдан икки баравар кўп металл ишлаб чиқарамиз, энди у бизга ортиқ керак эмас — бизга бошқа, сифати ўзгача металл керак. Бизга ортиқ энергия керак эмас: миллий даромадимизнинг энергия билан таъминланганлиги кўпгина фарб мамлакатларидагидан 1,5 баравар кўп, энергияни тежайдиган илғор технологияни жорий этиш ўша самарани беради, аммо янги нефть қудуқлари қазилган 3—4 баравар арзонга тушади. Бизга ўрмонзорлар барпо қилиш учун янги майдонларнинг кераги йўқ: агар биз ҳозир ўртача атиги 30 процент ёғочдан фойдаланаётган бўлсак, АҚШ, Канада, Швецияда ўрмончилик саноатида хом ашёдан фойдаланиш даражаси 95 процентга бораёпти. Бизга ортиқча сувнинг кераги йўқ, мавжуд сўғориш тармоқларимиздан келаётган сувнинг йўқотилишига ва талон-тарож қилинишига чек қўйишимиз керак — айрим баҳоларга қараганда, бу борада исрофгарчилик 75 процентни ташкил этмоқда. Биз чет элдан ғалла сотиб олмағимиз ва шунингдек, шунча микёсда нефтни экспорт қилмаслигимиз керак: чет элдан сотиб олаётган ғалламиз миқдори аслида ҳар йили исроф қилинаётган ҳосилимиз миқдорига тенг. Бизга ортиқ тракторлар керак эмас, биз уларни АҚШдагига нисбатан 6—7 баравар кўп ишлаб чиқараямиз, — биз мавжуд трактор парки бекор турмай

ишлашига ва қарийб ҳар икки трактордан бири эҳтиёт қисм учун бўлакларга ажратилиб йўқ қилинмаслигига эришмоғимиз керак. Бизга ортиқ станоклар керак эмас, — улар ҳозирнинг ўзидаёқ АҚШдагидан қарийб 2,5 барабар кўп, — бизга сифати ўзгача станоклар керак ва улар бир смена эмас, уч сменани айтмаган тақдирда ҳам, камида икки смена ишлашига эришмоғимиз керак. Бизга ортиқча пойафзалнинг кераги йўқ: уни дунёда энг кўп ишлаб чиқараяпмиз, магазинларимизда эса оладиган нарса йўқ.

Академик А. И. Анчишкиннинг фикрига қўшилмай бўлмайди: бугунги кунда кўп дегани — ҳамма жойда оз дегани бўлиши керак. Бизга, ҳар ҳолда кўпчилик соҳаларда, миқдорий ўсишнинг кераги йўқ; у фақат «юксак технология», ва эҳтимолки, аграр-саноат комплексининг айрим тармоқларида зарурдир. Бизга миқдор эмас, сифат ўсиши керак, ҳар қандай маҳсулотнинг сеҳрли процент жодуси туфайли ўсиши эмас, ўзгача сифат ўсиши керак. Ялпи маҳсулот бўйича бу янги, техник илғор сифат ўсиши манфий бўлиши ҳам мумкин — бунинг ҳеч бир қўрқинчли жойи йўқ. Лекин бу сифат ўсиши — шунинг кафолати, металл станни янада оғирроқ қилиш учун эмас, янги, илғор профиллар учун, ботинкалар эса оморларда чириб ётиш учун эмас, одамлар уни кийиб юриши учун ишлаб чиқариладиган бўлади.

«Новий мир» журналининг 1987 йил 6-сонидан
Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ таржимаси.

Социализмнинг маънавий соҳаси — илм-фан ва маорифни, адабиёт ва санъатни, совет халқи социал ҳамда маънавий қадриятларининг бутун йиғиндиси ҳам ўз ичига олган кенг жабҳадагина совет жамияти сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши, келажакка ёриб ўтиш мумкин бўлади. Маънавий маданият жамиятнинг кўркигина бўлиб қолмай, балки унинг ҳаётини таъминлаш соҳаси, жамиятнинг интеллектуал ва маданий потенциалидир. Маънавий маданият жамиятнинг социал мустақамлигига жавоб берувчи материал ва жамият жўшқин ривожланишининг тезлаткичи деса бўлади.

Биз социалистик маданиятнинг обрў-эътиборини яна ҳам юқорироқ кўтаришимиз керак. Олимлар ва ихтирочилар, ёзувчилар ва журналистлар, рассомлар, артистлар, ўқитувчилар — маданият ва маориф турли соҳаларининг барча ходимлари қайта қуришнинг курашчилари бўлишга даъват этилганлар. Партия зиёлиларимизнинг фаол гражданлик ва социал позицияда бўлишларига умид боғлайди.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 70 йиллигига бағишланган кўшма тантанали мажлисдаги докладидан.



Абдулхамид Сулаймон Чўлпон

ШЕЪРЛАР

Қизил байроқ¹

(Низомиддин Асомий ўртоққа²)

Қизил байроқ! Ана, қандай селкиллайди шамолда,
Гўё уни саломлайди қибла ёқнинг шамоли.
Камбағалга на саодат уни кўрмак бу ҳолда,
Ҳам ҳаққи бор камбағалнинг, чунки ўзининг моли.

Уни олиб чиқмоқ учун қоронғидан ёруққа —
Дарёлардай оқмадими камбағалнинг қонлари?
Уни олиб бермоқ учун мазлум, ожиз бу халққа
Қолмадими Сибирларда ишчиларнинг жонлари?

Сиз буржуйлар, кибор синфлар, яқин келманг байроққа.
Сиз эмасми илгаридан унинг қонхўр душмани?
Энди қора яқин келмас нурлар сачраган оққа,
Кўпдан энди ўтиб кетди қораларнинг замони!

¹ Бу шеър апрелнинг 26 синда 1917 санада ёзилмиш ўлуб, биродар Низомиддинга бағишланмишдир... Бу биринчи мартаба Хўқонда чиқуб турган «Юрт» журналинда босилгон эди. (Муаллиф изоҳи.)

² Ўзбекистонда инқилобий ҳаракатнинг фаол иштирокчиси, 1918 йилдан Коммунистик партия аъзоси, биринчи ўзбек режиссёри Низомиддин Хўжаев (1886—1942)нинг ҳақиқий фамилияси Низомиддин Асомиддинхўжаев бўлган. Мазкур шеър шу кишига бағишлаб ёзилган. (Тўпловчи.)

Қизил байроқ — қип-қизил қон. У қон — ишчилар қони.
Кибор синфлар у қонларни тўккан золим жаллодлар.
Мазлумларнинг энг севгани — ишчиларнинг азони.
Қулоқларни бекитганлар кибор синфлар — қаллоблар.

Ай, ол байроқ, сен мазлумлар устларида селкилла,
Сенинг учун қонлар тўккан, жонлар берган мазлумлар,
Ишчилардан, аскарлардан мазлумлардан саломлар.
Фаришталар, малаклар ҳам ризвонлардан тақвият.
Золим бойлар, буржуйлардан — дардлар, ғамлар — аламлар,
Қаламимдан, қоғозимдан ҳам ўзимдан муҳаббат!

«Иштирокиюн», 1919 йил, № 74.

Уч йилдирки...

[Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг уч йиллигига]

Уч йилдирки, янги боғда булбул «Меҳнат» сайрайди,
Боғ кўрмаган йиртиқ тўнлар яйрайди.
Эски боғда қизил лочин занглик қиличин қайрайди,
У боғчанинг боғбонлари бўрон ҳайдайди...
Уч йилдирки, «бой»лар деган «олабайроқ» кўзғалишнинг қайчиси-ла қийилди,
«Бутун дунё йўқсиллари, яқинроқ келинг-да... бирлашингиз!» дейилди...
Уч йилдирки, дарё-дарё қон оқиб кўп ерларни қизил тусга бўяди,
Кўк юзида қизил чакмоқ кўп чақиб, мағрур бошни тойирларга суяди...
Пир-пир ёниб турғони чироғни «ана ўчар, мана ўчар» дедилар,
Куч етганда тош ўйнатиб, тоғларни бармоқлар-ла айлантирар эдилар...
Бироқ мунда Қизил байроқ кўтарган кўзғалончи йўқсил, қашшоқлар кўпайди.
Қашшоқларни бир-биридан аюрган кучи етса, урмасдан кўмарди.
...Кўзғалиш кучли, кўзғалон ўчли:
Бир болға эмас, милтиқ қиличли,
Пулемёт-да бор, тўп-да йўқ эмас,
Улар кутгандай тартибсиз эмас.
Қайтув йўқ йўлидан, кўркув йўқ ўлимдан!..

Уч йилдирки, чироғ ўчмайди,
Қизил карвон саҳродан кўчмайди!

7 ноябрь 1920 йил.

Галдир

[«Галдир» номли халқ қўшиғи йўлида]

Мен дутор бирлан туғишган, кўҳна бир девонаман,
Ул туғишганим билан бир ўтда доим ёнаман.

Дилларида ғам тўла бечораларга ёрман,
Вақти хуш, ғам кўрмаганлардан тамом безорман.

Мен дуторнинг ҳар ерига беркиниб олсам агар,
Пардаларнинг ҳар бири бергай бўлак ғамдан хабар.

Пардалар узра, юруб турган одам бармоқлари
Кўкрагимни кўп босар, шундан бўлур толмоқлари.

Икки торни қақшатиб, бармоқлар ўтса тўхтамай,
Ғамли ун чиқмас ўшал торларда «Галдир» йиғламай.

Аҳли ғамлар, мен каби Мажнунсифат «Галдир» бўлар,
Шул сабабдан, банданинг номини «Галдир» қўйдилар...

Йўқ ишим: ҳоким, амалдор, шоҳу ҳоқонлар билан,
Биргадурман доимо — ҳамдард бўлгонлар билан!..

1925 йил.

Бизнинг ватан

Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан,
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакан.

Ҳар томондан юксалиш сорига ташлаб зўр қадам,
Дашту саҳроси анинг гул-гул очилмишдир чаман.

Дарёси аввалгидек ердан олиб қочмас ўзин,
Чунки пойига анинг маҳкам урилмишдир кишан.

Мунда меҳнат, ҳурлик олган барча меҳнат аҳли ҳур,
Кимки меҳнат қилса қувноқ, кимки меҳнат қилса — шан.

Фан билан меҳнат иковлон қўл беришкан иттифок,
Эркин-эркин яйрашиб ижод этар меҳнат ва фан.

Янги жамият қуриб дунёга ибрат бўлгали.
Барча меҳнат аҳли бирга, ҳамма бир жон, бир бадан.

Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,
Кимки қасд қилса анга, кийсин пушаймондан кафан!...

1934 йил, август.

Ўн йил Ленинсиз¹

Ўн йилимиз, ўн йилимиз ўтди Ленинсиз!
Шу ўн йилда кемамизни шу очиқ денгиз
Ўз қаърига тортиб кўрди неча марталар!
Оҳ, нималар кечирмади бу буюк сафар!
Бизни очиқ денгизларга бошлаган Ленин,
Энг даҳшатли онларда ҳам гўзал ва майин —
Кулишини тарк этмасдан сурди кемани,
Ҳар этапда усталик-ла бурди кемани!
Энг биринчи тўлқинларни у билан енгдик,
У биринчи енгишларга қандай севиндик!...
Фақат мундан ўн йил бурун улуғ капитан
Кўзларини мангу юмиб кетди орадан...
Очиқ денгиз қўйнидайди ҳали кемамиз.
Кемамизга жон бағишлаб бизлар ҳаммамиз
Ундан сўнгги тўлқинларга мунтазир эдик!
Фақат бутун кўнгилларда бир алам сездик...
Шунда бизнинг энг яхшимиз ва энг сарамиз
Сўз олди-да, миллионларга юзланиб деди:
«— Улган одам ҳақиқатан зўр одам эди,
Кемамизни тўғри йўлга бошлаган эди,
Миллионларни зўр қурашга ташлаган эди,

¹ Партиянинг XVII курултойи чоғида ёзилган.

Унинг ўткир кўзларида даҳо порларди,
 У ҳар қандай оғирликни тинч қаршиларди.
 Бу бошлаган катта ишни битирмак учун,
 Кемамизни паккасига етирмак учун,
 Унинг улуғ тадбирига муҳтож эдик биз...
 Энди бизни қўллаяжак у қолдирган из!
 Биз бу издан кемамизни сура берамиз,
 У кўрсатган тўғри йўлдан юра берамиз!
 Унинг айтган сўзларидан машъал тутамиз,
 У машъал-ла оғир йўлни босиб ўтамиз!»
 Шундай дегач, энг яхшимиз ва энг сарамиз
 Кўзимизни унга томон тикдик ҳаммамиз...
 Орамизда қандай қувват борлигин сездик,
 Хотиржам бўл, эй кўзлари юмулган дедик.
 Энг сарамиз капитанлик рулини олди,
 Кемамизни яна оғир йўлларга солди.
 Тоғлар қадар тўлқинлар-ла олишиб ҳар кун,
 Кечалари кундуз каби чалишиб ҳар кун,
 Ҳар қадамда ўнгу сўлга зарбалар бериб,
 Бўронларга темирлардан қанотлар кериб,
 Ленин унга қўйиб кетган майин кулиш-ла,
 Бир мақсадда тоғлар қадар метин териш-ла,
 Кемамизни ўн йил бўйи сурди олдинга,
 Ўн йил бўйи тўхтамасдан юрди олдинга.
 Билаклари пўлат эди, кўкраги олов,
 Унинг қайтмас азми билан забун бўлди ёв.
 Оқиқ, денгиз ўртасида тагин кемамиз,
 Капитаннинг буйруғини кутиб ҳаммамиз,
 Улуғ Ленин чизиб кетган йўлларга содик
 Ўн еттинчи даврамизни яна қўрадик.
 Эй инқилоб кемасини олдин сурган эр!
 Қани, мана, бизлар тайёр: Буйруғингни бер! —

1934 йил.

Гўзал

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб
 Энг ёруғ юлдуздан сени сўрамен
 Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
 Айтадур: «Мен уни тушда кўрамен.
 Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
 Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!»

Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
 Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа,
 Ул-да айтадур-ки: «Қизил ёноққа
 Учрадим тушимда кўмилган оққа!
 Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
 Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,
 Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
 Айтадур: «Югуриб, йўлимдан озиб,
 Тоғу тошлар ичра истаб юрамен
 Бир кўрдим мен уни, шунчалар гўзал,
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»

Ул кетгач кун чиқар ёруғлик сочиб,
 Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.

Ул-да уятдан бекиниб қочиб,
Айтадур: «Бир кўрдим тушдамас, ўнгда.
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»

Мен Йўқсил на бўлиб уни суюбмен?!
Унинг-чун ёнибмен, ёниб куюбмен.
Бошимни зўр ишга бериб кўюбмен.
Мен суюб... Мен суюб... Кимни суюбман?
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал!
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!

1919.

* * *
Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асирлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим, на нозли тўлкини
бордир,
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку.

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Унинг гулзорида булбул ўқуб, қон айлади бағрим,
Кўзимдин ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Қаландардек юруб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай, ерга ботдим-ку.

1920.

Бинафша

Бинафша сенмисан, бинафша сенми —
Кўчада оқчага сотилган?
Бинафша менманми, бинафша менми —
Севгингга, қайғунгга тutilган?
Бинафша нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша нимага ҳидларинг сочилмай
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?
Бинафша,
Айт менга,
Кимлардир уларки,
Игнани бағрингга санчалар?
Бинафша
Бир сўйла
У қандай қўлларки,
Узалар, ҳидлайлар, янчалар?
Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор
Нимага узоқроқ кулмайсан?
Бинафша, шунчалар тортғувчи тусинг бор,
Кўнглимга исриклик тўкмайсан?
Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,

Қайғунгни қайғумга қўшғил!
Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери,
Бу ердан кўкларга учгил?
Бинафша гўзалим, қайғулим, келмайсан
Қайғунг зўр, қайғумни билмайсан
Менга бир кулмайсан!

Созим

Нафрат ўлкасидан ҳижрат қилганмен,
Улфат диёриға маскан қурганмен,
Юзимни ўт эмас, гулга бурганмен,
Самовий завқларга тўлиб турганмен.
Булбуллар севгини мақтаган дамда!

Чечаклар ўсгуси кўзёшларимдан,
Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан,
Қалблар юмшағуси сайрашларимдан,
Севги чаманида яйрашларимдан
Жаннатлар яратқай ташланган жанда.

Тилинган тилларга қон югургуси,
Бўшалган инларга жонлар киргуси,
Тиқилган боқчалар чечак кўргуси,
Ҳақ йўли, албатта, бир ўтулгуси
Жандалар танимга теккан кунимда.

Уш. 1924.

Ер асиралари

Ер асиралари, ер асиралари!
Олтин билакузуклар, ёқут маржонлар.
Садаф доналарми тасаллилари,
Қўрғонми, деворми насибалари,
Кун санаб ўтарми ою йиллари
Тилга келмасларми шу қадар жонлар?
Ер асиралари, гўзал тонгларнинг
Сочидан кўнгилга қувват олингиз!
Ўзингиз тиришиб, бевиждонларнинг
Кўнглига эрк учун илҳом солингиз!
Ер асиралари, ер асиралари.
Еш тўқиб йиғлашми насибалари?!

1924.

Куз ёмғири

Тўкилди томчилар...
Япроқнинг юзлари
Томчига ўпдириб
Хўлланди...
Чуқурча кўлланди
Томчини кўпдириб,
Бетида ўйнатди
Чуқурча,
У — жиндек кулча...
Томчилар — кўкларнинг сўзлари
Ерларни қамчилар...

1926.

Тўпловчи Сирожиддин АҲМЕДОВ.



Муҳаммадали Қўшмоқов

ЗОТИ ҚУЛЗУМ ТУРДИ

ЭССЕ

Ки, чархи мунқалиб давронни истар инқилоб ичра.
Алишер НАВОИЙ
Келтуран амвожга баҳри талотум Турдиман.
Турди (ФАРОҒИЙ)

Кўклам... субҳидам. Дераза ёнига борасиз, юқори қаватдан туриб, гуллаб турган гилосга, ҳув нарида, чаман бўлиб барқ уриб ётган — гул фаслидаги дарахтларга қарайсиз... Оламда баҳор. Ҳар бир дарахт бир оламга ўхшайди. Туби — замин, танаси атрофидаги муҳит — фазо, гулга кирган шохлари беадад юлдузлари чарақлаган осмон. Аммо бу дарахт — оламлар бири бирига ўхшамайди, гули бошқа, ҳиди ўзга, ёруғ дунёда қиладиган хизмати бўлакча... Ана, ёш бир йигит келди-да, у ёқ-бу ёққа ўғринча қараб, бодроқдай гуллаган ўрик шохини синдириди-ю олиб кетди... Эҳ, нодон йигит... Севгилингга гул тутмоқчи бўлсанг, мевали дарахт шохини синдириш шартмиди... Сен — бўлажак ота, ҳали ҳаёт қонунини билмайсан... Ҳаёт қонунига қарши борган нобуд бўлади. Бу синдирилган шохни тақдим этганинг қиз — севгилинг шу ўрик гули ғўрага, сўнг мевага айланиши кераклигини, ана шунда ўрик — олам умри тўкис бўлишини уйғониб келаётган она қалби билан сезади...

Шу кечинмалар билан қоғоз-қалам ёнига қайтасиз. Стол устида Турдининг мўъжазгина шеърини китоби... Баайни гулга кирган чоғида синдирилган мевали дарахтнинг шохи мунғайиб ётгандек бўлади. Тарих куллиёти саҳифалари орасига солиб қўйилган, унутилаёзган — бу, гуллаб турган новда...

* * *

Турди — гражданин исёнкор шоир, улкан адабий сиймо. Узида бутун бир даврнинг бош ҳақиқатини мужассамлаштирган ижодкор. Аммо унинг майдонга чиқиши тасодифий ҳодиса эмас. Турди шеърини муайян заминда туғилган маълум ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнларнинг табиий ҳосиласи сифатида вужудга келган. Замондошлари ижодида иккиламчи, ёрдамчи, жузъий ўрин олган даврнинг бош ҳақиқати Турди шеъринида яхлит, умумлашган тарзда намоён бўлди. Шунинг учун Турди ижоди тадқиқ этилар экан, уни бошқа адиблар — мазкур исёнкор шоирнинг замондошлари асарларидан ажратган ҳолда таҳлил қилиб бўлмайди. Турди ижодини ўша давр ижодкорлари фаолияти билан узвийликда ўрганиш ҳаётнинг бош ҳақиқати адабиётда қанчалик ўз бадий ифодасини топганлигини кўришга ёрдам беради.

Бу иш Абдулҳамид Мажидий, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Олим Шарафутдинов, Ҳомил Еқубов, Воҳид Абдуллаев, Абдуқодир Ҳайитметов каби ўзбек классик адабиёти билимдонлари тадқиқотларидан кейинги, яъни ўзбек адабиётшунослик фанининг 70—80-йиллар даври эҳтиёжлари асосида Турди ижодини ўрганиш ва муносиб баҳолаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан бири бўлиб қолишини истардик. Аминмизки, бу улкан шоир ижоди ҳали қайта-қайта ўрганилади ва унинг асрорлари очила боради. Абдурахмон Жомий «Саломон ва Абсол» достонининг ниҳоясида айтганидек:

Сенга мужмал айтдим барча асрорни,
Мухтасар келтирдим шундай гуфторни.
Муфассал истаса, фикр этар ҳар ким,
Шунда аён бўлур асрори қадим...

* * *

Асрлар қуюнида нест-нобуд бўлган осори-атиқаларнинг сонун саноғи йўқ. Офтобдай севинчининг вайронасига ўхшайдиган Бибихоним масжидини эсланг. Ушалмаган орзу каби киши кўнглига маъносиз чўқтирадиган бу бинони қурилиб битган ҳолда тасаввурингизга келтирсангиз, кўнглингиз ўсгандек бўлади.

Ҳақиқатбингадур ҳар жузв — кулл, ҳар зарра — бир хуршед, — дейди шоир Турди. Яъни ҳақиқатни кўра билувчи кишига оламдаги ҳар бир жузъий нарса унинг куллийси — бутуни ҳақида

тасаввур ҳосил қилишини уқтиради. Тақдирнинг ачиқ ҳазилини кўрингки, худди шундай деб айтган шоирнинг куллийсидан жузв, хуршедидан зарраларгина — 18 шеър, 5 мухаммас, 12 ғазал, 1 фард — жами 434 мисрадан иборат ижодий маҳсулигина омон қолди, асрлар куюни унинг ижод хирмонини совириб кетди.

Аммо унинг хирмонидан сақланиб қолган бўлуғ донларга қараб, шуни айтиш мумкинки, бу бетакрор шоир улўғ Алишер Навоийнинг шоирлик ва граждандлик анъаналарини давом эттира бориб, янги ижтимоий ўзгаришлар арафасида турган жамиятнинг илғор кучлари манфаатлари жарчиси сифатида майдонга чиқди.

Бу давр адабиётига умумий назар ташлаганда, Турди поэзияси кўзга яққол кўринади: у феодал-сарой гуруҳидан ажралиб чиқиб, фуқаро томонда туриб ижод қилади.

Биобарин, Турди адабиётга олиб кирган лирик қаҳрамон — фуқаро Шарқ адабиёти, хусусан, ўзбек классик адабиёти тараққиётининг қонуний вориси сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан Субҳонқулихонга қарши қаратилган ҳажвий достони эътиборга молиқдир.

Мухаммас шаклидаги бу асарининг кенг кўламлиги унинг сарлавҳасиданоқ аниқ кўриниб туради: «Субҳонқулихон асрида хон, унинг қуллари ва амирларининг бидъатлари ва золимлиги, Байлоқ қушбегининг иноқ бўлиши; Турдининг уларни ҳажв қилиб туркий мухаммас ёзгани».

Турди ўз ҳажвий мухаммасида, аввало, кўҳна равоқ — оламни кўз ўнгига келтиради:

Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу кўҳна равоқ.

Кўҳна равоқ тақдир тақозоси билан ҳеч кимга «жойи осойиш» бўлмайди:

Ёғдурур бошимиза санги жафо, гарди фироқ.

Шоир, шу тариқа, ҳажвий мухаммаснинг ғоявий-бадий йўналишини белгилайди; борган сари ўз мақсадини аниқлаштира боради:

Йўқалиб расми вафо, бўлди ҳама бош-оёқ,

Шундай қилиб «кўҳна равоқ» (умумий пландан) Субҳонқулихон асрига, мулкига (асосий планга) ўтилади, мазкур хон замонида ҳамма иш тескари — бош оёқ, оёқ бош (қабарик образ!) бўлганлигини таъкидлайди.

Шоир илк мисрасида кўҳна равоқ тирик жон учун жойи осойиш бўлолмаслигини айтиб, оламни кўз олдимишга келтирган эди, бешинчи — мухаммаснинг биринчи бандини якунловчи мисрада яна ўша умумий планга — олам образига қайтади ва унинг нима учун «жойи осойиш» бўлолмаслигини тушунтиради:

Яхшилиқ қилма тамаъ, зулм ила дўлди офоқ.

Модомики, шундай экан, кўҳна равоқ — офоқ — олам зулм билан тўлиб-тошганлиги учун ҳеч кимга жойи осойиш бўлолмайди. Биринчи банддаёқ шу қадар жонли, гўзал бадий тафаккур намунасини намоён қилган шоир чинакамига моҳир санъаткордир!

Турди кўҳна равоқ — офоқ — оламни кейинги банднинг биринчи мисрасида тагин муай-янлаштиради, бизнинг диққатимизни ундан рубъи маскун — ер юзининг одам яшайдиган қисмига кўчиради:

Фитнаю шўр ҳама рубъ ила маскун дутди.

Кейинги мисрада рубъи маскундан ҳам аниқроқ манзилга — хўблар маснади (яхшилар тахти, суянчиғи)га ўтади:

Хўблар маснадини сифла билан дун тутди.

Шоир ўз ғоявий мақсадини бадий изчиллик билан ёрқинлаштиришда давом этади ва энди ўзи яратган оламнинг марказига — «мен»га етиб келади:

Таҳ-батаҳ кўнглими бу фикр била хун дутди.

Фикр билан хун (қон). Кутилмаган, лекин табиий узвийлик... Турди (Фароғий)нинг лирик қаҳрамони воқеликка фикр, ақл кўзи билан қарайди, унинг қатма-қат кўнглига қон тўлади, чуңки:

Жойи шахбозлари қарғаву қузғун дутди.

Шоир мухаммаснинг биринчи бандида «бўлди ҳама бош-оёқ» деган эди, бу ерда ўша фикрни янада аниқлаштириб, шахбозлар жойини қарғаву қузғун эгаллаганини айтмоқда. (Бутун мухаммас давомида образлар бир-бирини ана шу тарзда тўлдириб, ривожлантириб боради, шоир ўз асари сюжетини комиллик билан тузади). Шунинг натижасида адолатсиз ишлар воқе бўлди:

Ҳамнишин ўлғали доим шунқор ила япалоқ.

Турди (Фароғий) ижтимоий ҳодисаларни ғоят ўткир кўз билан илғаб олади. У феодализм жамияти ичдан чириганлигини кўрсатувчи ҳаётий ҳодисаларни бадий тасвирлайди:

Шоҳ ҳамбазм ўлуб хожасаролар билан ёр...

Ичкиликка, айшга берилган шоҳ хотинларнинг чизган чизигидан чиқмайдиган бўлди:

Ҳукм баръакс сруб, бўлди хотунлар сардор.

Турди (Фароғий) хожасаро, бадраг, иноқларни куллар деб атайди. Бу разолат куллари зулмни авжига чиқаради. Раият тақдирига жавобгар шоҳ ўз вазифасини мутлақ унутган. У ўз ижтимоий мавқеига муносиб бўлмай қолган. Шунинг учун шоир «Аз забони хон» — «хон тилидан» деб сарлавҳа қўйиб, шундай деб айттиради:

Шукрим, дорул-амон манзилиму маъвойим...

Шоҳ манзили маъвойи доруламонлигига шукур қилмоқда. Бу ерда Турди замонавий адабиётшунослик термини билан айтсак, характер кулгуси яратади. Шоҳ давом этиб, яна шундай дейди:

Олами сел агар дутса, баланддур жойим...

Тарихчи М. А. Салоҳитдинова кўрсатиб ўтганидек, Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ал-мулук»ида ҳам хонлиқнинг зўравонлигини, халқ оммасининг ҳуқуқсиз аҳволини кўрсатувчи талай мисоллар бор. Чунончи, Субҳонқулихоннинг вазири Мирза Беклар солиқлару турли йиғимлар билан аҳолининг илгини қуриртган эди. У сув тақсимотида ўз мансабини шунчалик суйистеъмол қиладики, мамлакат хўжалиги барбод бўлади, «далалардаги экинлар қуриydi»; «Дастур ал-мулук»да Қарши ҳақими Муҳаммаджонбий юзнинг бу вилоят кишиларига нисбатан шафқатсизларча муносабати, тийиқсизлиги ҳақида ҳам ҳикоя бор. Шу ноҳақликларнинг бири оламни сел олса, тўпиғига чиқмайдиган хоннинг кўз ўнгида рўй берган. Аслида халқ тақдирига маъсул бўлган киши ўз ижтимоий, инсоний қимматини батамом йўқотган, унинг учун сичқон ини минг танга бўлиб қолган, чунки ҳаёт масалаларидан кўрқади, шунинг учун юқоридаги гапни айтади. У яна шундай деб оғиз кўпиртиради:

Давлати хожадиловардур мани ҳампойим...

Энди, турдишунослар: «котиб айби билан асосий мисра ўрнига шу бешликдаги иккинчи мисра қайта ёзилган» деб ҳисоблайдиган сатр келади; бизнингча эса, шоир шоҳ характерини — унинг худписанд ва қобилиятсизлигини яққол кўрсатадиган сатрни атай такрорлайди:

Олами сел агар дутса, баланддур жойим.

Бешлиқнинг яқунловчи мисраси нишонга теккан: хожасарога, бадрагга ҳамбазм, ёр бўлган, хотунларни ўзига сардор деб билган шоҳнинг нақадар ожиз, бачкана, ноқобил эканлигини намоён қила олган:

Арк ичин маҳкам эдиб, айладим ўзумга ятоқ.

Бу — ғоят ажойиб бадий кашфиёт.

Ўзбек классик поэзиясининг шеърӣ силсиласида Турдидан кейинги кўзанақлардан бири бўлмиш шоир Фурқат афсус-надомат билан:

Эсизким, бизни(нг) ўтмуш хону беглар Кечиб ишратда зойиъ субҳу шоми, —

деган эди.

Хонлар бир-бирининг ўрнини талашиб, эгаллаб, дунёдан ўтаверди. Кўпинча улар ҳақида ёзмада бўлган адиблар, нима дейишни билмай қийналиб қолдилар. Чунки уларнинг асосий иши ейишу ичишу сулув кучишдан иборат эди. XVII аср адиби Абулғози «Шажараи турк»да шундай деб ёзади:

«Менглихон тақи бир неча йиллар эт еб, қимиз ичиб, ойдаи, кундай сулувларни кучиб, симобдай йўрғаларни миниб, кўнгли теган ерларга учиб, ул дунёга кетди».

«Урдухон подшоҳ бўлуб, бир неча йиллар арақ ва қимиз ичиб, хитои кимхобни пичиб, сулувларни кучиб, отаси кейинидан кетти» (қаранг: «Ўзбек адабиёти тарихи», III том, Т., «Фан», 1978, 142-бет).

Хонлик, подшоҳлик мазмуни ўз қорнини, нафсини қондириш даражасида тубанлашиб кетганлигини Абулғози, Турди каби сўз усталарининг англаб етиши ва бадий зикр этиши диққатга сазавор ҳодиса.

Шоир зикр этган куллар ижтимоий иллат — чириган, наҳс босган феодал жамиятнинг жонли илллати. Улар — феодал бошбошдоқлик, зулм, адолатсизлик, тенгсизлик амрини бажо келтирувчи — ёвузлик тимсолига айланган куллар... Ҳар даврда янги бир қиёфага кирадиган, ўзига бошқа ном топадиган — тусланиб турадиган мазкур қора кучларни Турди куллар деб атайди. Александр Пушкин арақчевчилик деб номлайди. Антон Чехов унтер Пришибеев деб кўрсатади, Гарсиа Лорка испан жандармерияси сифатида тасвирлайди. Халқ эса «Алпомиш» достонида Ултонтоз деб, унинг юзига қора суртади... Бу куллар — XVII аср ултонтозлари, арақчевлари, пришибеевлари, жандармлари.

Шоир уларнинг ишига қараб, хатти-ҳаракатлари, жангу жадаллари моҳиятини бадий тадқиқ этиб, ҳеч биридан заррача инсонийлик, одамийлик хусусиятларини топмайди ва шундай ҳақли саволни ўртага қўяди:

Одамизодалари қадрини қайдин билгай!

Бинобарин, шоирнинг бадий тафаккури ғоят фаол, миқёсли — фикр қутбларини чақмоқдай ёритади ва қамраб олади. У бундайин ярамасликларни, маънавий разолатни фош этар экан,

мусулмон деб аталувчи бу кулларнинг қарама-қарши қутби — рофизини унутмайди, бу қаршилантиришдан ғоят таъсирли бадий хулоса чиқаради. Айни пайтда ўз кўнглидаги кечинмаларни ҳам яшириб ўтирмайди; таъкидлаш жоизки, бу кечинмалар шоирнинг бадий хулосасини кучайтириб юборади, чунки асарнинг ғоявий мақсадини ўткирлаштиришга хизмат қилади.

Маълумки, Субҳонқули даврида етти йиллик солиқ аҳолидан аввалдан ундириб олинадиган бўлди, порахўрлик, мансабдан фойдаланиш, суистеъмол қилиш меҳнаткаш халқни янада хонавайрон қилди, ишлаб чиқариш кучлари хароб бўлди.

Шуларни назарда тутган ҳолда, шоир бундай деб ёзади:

Бу аламдин кетайин бош олиб мулки Ироқ.

Бош олиб кетиш — мақсади ҳосил бўлмасликнинг оқибати, яъни исёнкорлик далили. Кейинги мухаммас лирик қаҳрамон нега бундай охириги чорани қўллашга мажбур бўлаётганлигининг сабабини янада яққолроқ очади:

**Бу шаҳи асрида кўп сифлаву бангилар бек,
Турку аймоқу араб, ғалчаву тоқчилар бек,
Ҳоямол, кайдию қуллуқчию сўзчилар бек,
Беғу бегзода қолиб, илқичи, қўйчилар бек...**

Бешинчи — якунловчи мисра юқоридаги тўрт мисрага бадий ойна тутади:

Дутди тўпор ҳама, кетти эшиқдин тўбичоқ.

Турди асарлари, жумладан, мазкур; ҳажвий мухаммаси мисраларда мазмун тифизлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Айтиш мумкинки, мисра мазмуни тифизлигини ишлаш нуқтаи назаридан ҳам Турди ижоди ўзбек классик адабиёти тарихида янги — навбатдаги юксак босқични ташкил этади.

Турдининг шоирона нигоҳи синчков ва ўткир, унинг ҳар бир мисраси, байтида тугал ижтимоий манзара мавжуд. Қуйидаги байтда, шоир таъбири бўйича, куллар — бекларнинг характерини бадий жиҳатдан жуда жонли гавдалантириб берилган ҳажвий сурат — характер кулгуси мужассам; энг муҳими, бу ўринда саҳнага чиққанлар шоҳликнинг асосий таянчи ҳарбийлар — сарбозлар; қаранг, улар қандай ҳолга тушган:

**Тинмай итдак юрулар дарбадару кўй ба кў,
Очлиғидин қидириб ҳафтада гоҳи кумалоқ.**

Кўзи очлик, тўймағурликни бундан ўтказиб тасвирлаб бўладими?

«Ит» классик шеърятда садоқат тимсоли бўлмиш шеърый образ эди. Турди эса, ит шеърый образини бу талқинга қарама-қарши планда — феодал бошбошдоқлиги, зўравонлиги, қонхўрлигини умумлаштирувчи ҳажвий образга айлантиради.

Турдининг масалага ёндашуви ҳақида мулоҳаза юритганда, унутмаслик керакки, у феодал зулмни, фуқаронинг азобларини тасвирлаш билан чекланмайди, балки ўз объектига истиқбол нуқтаи назаридан ҳам қарайди. Мана шу нуқтада шоир оптимизми, ҳаётнинг абадийлигига, феодал зулмининг ўткинчилигига, халқнинг даҳоси ва қудратига, пировардида у энгиб чиқишига бўлган ишонч яққол намоён бўлади.

**Сизга даркор бу юрт, эй гала занғар беклар,
Бу қадим нақл эрур: «Эл работу тўра кўноқ».**

Яъни шоҳлар, тўралар — ўткинчи, эл эса абадийдир. Ажойиб, ҳаққоний, ҳаётий, некбин хулоса! Турди феодал эксплуатациясининг бадий ҳаққоний манзараларини чизар экан, шоҳлиғ ҳақида беихтиёр ўйлайди. Шоир таъкидлайдики:

Шоҳлиғ улдур: они ҳукму сўзи бир керак.

Ҳукм билан сўз бир-биридан фарқ қилган ерда ижтимоий адолат барқарор бўлмайди, балки унинг барбод қилинишига йўл қўйиб берилади. Шунинг учун шоир-гражданин ўз сўзини давом эттира туриб, уқтирадики: шоҳлиғ учун —

**Адл ёйини қуруб, рост нишон тир керак,
Рострав, дини дуруст, пешаси тадбир керак...**

Турди ўзи орзу қилган шоҳлиғни таърифлаш билан кифояланмайди, «қолва», деган билан оғиз чучимади». Бу исёнкор шоир ижодининг хусусиятларидан бири шуки, у бир лаҳза ҳам ҳаётдан узила олмайди, ҳавойи бўлмайди, у жон-қони билан ҳаётга узвий, эмукдош шеърятдир. Модомики, шундай экан, орзудаги шоҳлиғ ҳақидаги ўй-кечинмалари Субҳонқулихон шоҳлиғи — реал замин билан учрашмаслиги, уни рад этмаслиги мумкин эмас. Субҳонқулихон шоҳлиғи ва унинг шоҳ сифатидаги шахси Турди орзусидаги шоҳлиғ ва шоғнинг мутлақо инкоридан иборат:

На муҳаннас сифати, сурати тағйир керак;

Субҳонқулихон шоҳлиғи ва шахси расман мавжуд бўлса ҳам, амалда йўқдир, ёйинки шоҳлик ва шоҳга мазах, карикатурадир; шоир бунини кучли дард ва ғазаб билан шундай ифодалайди:

Сурати марду хотундек ясатиб қошу қабоқ.

Турди (Фароғий) орзу билан воқелик ўртасидаги мутлақ қарама-қаршилиқни шу тариқа бадий очиб беради. Ҳукму сўзи бир шох ўрнида маханнас (хунаса) сифатли кўғирчоқ-ҳукмдор. Мард, эл отаси ўрнида хотиндек қошу қоғоғини бўяган кимса... Чунки бу шох тарқаган палакнинг ўзи айниган. Шоир Субҳонқулихонни лўлизой — лўлидан туғилган, яъни ҳароми деб атайди.

Меҳнаткаш халқнинг аҳволи тўғрисида қайғуриш, мамлакат ободонлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган тадбирларни жорий қилиш хоннинг етти ухлаб тушига кирмайди; бунинг ўрнига, унинг иши фақат ёмонлик қилиш бўлиб қолади.

Шоир, Субҳонқулихон, унинг аъёнлари замонасининг асл моҳиятини фош этувчи мисралар сўнггида қуйидагича лўнда, сиқик ва мазмунан бепоён фикрни ҳаққоний тарзда айтади:

Бидъату зулм ани хилқату асли зоти.

Шу ерда бутун масала тўласича бадий ечилади, феодализм муҳити ва у майдонга чиқарган хонлар, беклар, хожасаролар ўртасидаги узвийлик, бугунги кун таъбири билан айтганда, диалектик бирлик зоҳир бўлади. Хон, унинг амалдорлари ҳақсизликка замин — «хилқату асли зоти» бидъату зулм бўлганлиги учун ҳам золим. Бу жуда улўф фикр, академик Н. И. Конрад таъбири билан айтганда, юракда мажор янграётган фикр. Агар бидъату зулм замини Субҳонқулихон, унинг беклари, иноқларини — зулм дарахтларини кўкартириб турмаса, бу «лўлизойлар» ўз-ўзидан қуриб қолар эди, ахир.

Шоир, Субҳонқулихон ва унинг сарой муҳити вакилларини фош этар экан, кўз олдида юрт, фуқаро туради, таъбир жоиз бўлса, хон ва бекларни, аъёнларни юрт ва фуқаро манфаати нуктаи назаридан ҳажв қилади, бу Турди шеъриятининг кучли гражданик фазилатларидан ҳисобланиши зарур; назаримизда, ўзбек классик шеърияти Турдигача воқеликни бу қадар аниқ ҳаётийлик воситасида танқид остига олмаган эди; айтиш мумкинки, Турди ижодида тенденциозлик шаклланган куч сифатида кўзга ташланади ва кейинги даврлар адабиётида тобора ўз имкониятларини очаверади. Тенденциозлик яққол намоён бўлишининг сабабларидан бири шундаки, Турди ижодида воқеликка, жамиятга синфий муносабат мавжуд эди. Синфийлик тенденциозликни вужудга келтиради ва унга йўналиш беради.

Шоир Субҳонқулихон бидъату зулми ҳақида сўзлайди ва бу бидъату зулмнинг аниқ ҳаётий оқибатини кўрсатади, шу тариқа Турди шеърияти социал адолатга муҳтож юрт ва фуқаро манфаатларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади:

Юртни бузди ҳавола била таклифоти.

Қадимдан қушнинг уясини бузиш ҳам ўта кетган ёмонлик деб ҳисобланади. Диана маъбадини ёққан Геростратни бутун олам лаънатлайди. Лекин ўзи бош бўлган юртни бузиш — мисли кўрилмаган ҳодиса, кечириб бўлмайдиган ваҳшийликдир. Шоир ўз мақсадини тарихий равишда бадий теранлаштира боради, Субҳонқулихон юртни ғайриихтиёрий тарзда эмас, балки онгли тарзда бузганлигини далиллаб кўрсатади.

Турди, шеъриятни, маддоҳлик, шахсий манфаат кўриш воситасига айлантормоқчи бўлганларга қарама-қарши ўлароқ, юрт, халқ манфаатларининг ифодачиси ва курашчиси сифатида адабиёт майдонига олиб чиқди. Шу қадарли улкан ижтимоий бурчни ўз зиммасига олган шеърият туғилиш келаётган Ўзбекистон деган мамлакатда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий, маънавий, маъмурий ҳодисаларни ўз қалби аърофидан ўтказмаслиги, улар мағзини қақиб, коллизияга тушмаслиги, демак, уни бадий тасвирламаслиги мумкин эмас эди. Шундай қилиб, ўзбек классик шеъриятида феодализм тузумининг таназзулга юз тутганлиги яққол акс этди, қасида ҳажв билан алмашди. Субҳонқулихон ва унинг асри, беклари, иноқларини биргаликда ҳажв қилишга бағишланган бу мухаммас-достон инқирозга юз тутган феодал воқелигининг манзарасини яхлит тарзда ифодалаб берди.

Достонларда билинади шоирларнинг аълоси,—

дейди Шота Руставели «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»да. Турди янгича достон яратаётган янгича шоирларнинг аълосидир. Унинг ҳажвий достонини салафлари достонлари сирасига кўшиш асло мумкин эмас. Бу ҳажвий достон шоир «мен»ида ёки лирик қаҳрамон шахсида марказлашади, уни композицион жиҳатдан тутиб турган ўқ ҳам мана шу «мен». Ваҳоланки, Турдигача бўлган Шарқ достончилигига сертармоқ сюжет, эпик кўлам, идеал қаҳрамон каби жуда кўп хусусиятлар хос эди.

Турди реалистик тарзда феодализм таназзулини, амалдорларнинг ўз мартабасига нолойиқлигини фош қилишда давом этади ва ҳажв қилинаётган салбий қаҳрамонларнинг характер белгиларини аниқ кўрсатиб беради. Бу мансабдорлар, аввало, ўз ҳолини, кучини, лаёқатини билмайди.

Турди новаторона ҳажв этган феодал жамиятининг сиёсий ва маънавий таназзулини шу нарса ҳам аниқ намоён қилар эдики, унда порахўрлик қонуний куч касб этган эди. Порахўрлик шундай бир иллатки, у амал қилган муҳитда сиёсий, иқтисодий, маънавий муваффақият бўлиши мумкин эмас. Доҳиймиз В. И. Ленин социализмнинг уч душманини кўрсатганда, порахўрликнинг ижтимоий моҳиятини фош этиб, шундай деган эди: «Ниҳоят, порахўрлик каби ҳоллар бор экан, модомики, шундай ҳолнинг бўлиши мумкин экан, сиёсат ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунда ҳаттоки ҳали сиёсатга яқинлашиш ҳам йўқ, бундан сиёсат чиқариб бўлмайди, чунки кўриладиган чораларнинг ҳаммаси ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади ва ҳеч қандай натижа бермайди. Порахўрликка йўл қўйилган ва бу ҳол расм бўлиб кетган бир шароитда амалда қўлланиладиган қонуннинг оқибати ёмон бўлади. Бундай шароитда ҳеч қандай сиёсат юргизиш мумкин эмас, бу ерда сиёсат билан машғул бўлмоқ учун зарур асосий шарт йўқ» (ТАТ, 44-том, Т. «Ўзбекистон» нашриёти, 200-бет).

Дарҳақиқат, пора Субҳонқулихон муҳитида хондан кучли эди. Шунинг учун бу хон маълум сиёсатни юргиза олгани ҳам йўқ. Пора туфайли хонлик хоинларининг бир тукига ҳам зарар етмайди. Масалан, Хива хони Анушахон Самарқандни босиб олганида, қози Бадеъ Субҳонқулихонга хиёнат қилади. Лекин Анушахон Самарқанддан қувилган, қози Бадеъ пора бериб, жонини сақлаб қолиш

у ёқда турсин, қозиликка ҳам сайланди, ўзи ҳам пора олишда давом этаверади (Қаранг: «Дастур ал-мулук», 12-бет).

Турди порахўрлик амалдорлар учун луқмаи ҳалол бўлиб қолганлигини кўрсатади, уларнинг руҳиятини очувчи ҳолатларни тасвирлайди.

Турди (Фароғий) кўз ўнгига феодал жамиятини порахўрлик тегирмони тарзида келтиради, бу дўлидан тинмай олтин қуюлиб турса ҳам, ҳампаси сира тўлмайдиган тегирмондир; шунинг учун ҳам, унинг тегирмончилари — феодаллар, беклар, иноқлар, хожасаролар доимо шундай яшаيدилар:

Осиё новасидек рост эдиб бўғзини...

Осиё (тегирмон) новаси, буқаламун айёрлари каби шеърӣ образлар воситасида порахўрликнинг жирканч башарасини чизиб берган шоир, энди ижтимоӣ кўргулик — порахўрликнинг ҳажвий портретини тағин ҳам қабарик тарзда жонлантиради:

Аждаҳодек пораға турмиш очиб оғзини...

Аввал ҳам айтганимиздек, Турди (Фароғий) юрт, эл манфаатларини ёқлаб, улар номидан сўзлаётганлигини асло эсидан чиқармайди; пораға бўғзини тегирмон новидек тутган, оғзини аждаҳодек очган порахўрлар, аслида, мамлакат ободлиги, фуқаро ҳаётининг фаровонлигини ўйлаб қайғуриши зарур бўлган амалдорлардир.

Турди (Фароғий) кучли бадий ҳаёт ва граждонлик мардлиги билан тасвирлаган порахўрлик балоси тафсилотларини, — Малеҳо Самарқандийнинг «Музақкирул-асҳоб»идан ташқари, — XVII асрда яшаб ижод этган бошқа адиблар, тарихчилар асарларида ҳам учратамиз. Шу тариқа ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат ўртасидаги мутаносибликни ўрганиш имконияти туғилади. Масалан, Хожа Самандар Термизий «Дастур ал-мулук» асарида қози Бадеънинг порахўрлигини тасдиқловчи бир нечта воқеаларни келтириб тўрт сатр шеър айтадики, унинг мазмуни қуйидагичадир: «Улуғ қозилар шароитга мувофиқ тарзда қилган ишлар эзгуликни қўллаб, ёмонлик танобини тортар эди. Қози Бадеъ аксинча иш тутади: ёмонликни маъқуллайди, эзгуликни қатағон этади» («Дастур ал-мулук», 173-175-бетлар).

Турдининг кучи шундаки, Бадеъ каби порахўр қозиларнинг умумлашма образини яратади, академик адиб Ойбек таъбири билан айтганда, «жамият норозилигини ифода қилади»¹, аини пайтда, унинг ҳажвида ижтимоӣ ва шахсий манфаатлар табиӣ равишида уйғунлашади.

Турди (Фароғий) ижтимоӣ иллатларни, феодал тузум таназзулини бадий ҳаққоний ифодалагани, Субҳонқулихон ва унинг ҳамтовоқларини фош этгани, уларга нисбатан жамиятнинг ҳақли нафратини тасвир этгани ҳолда, Абдулазизхонни ҳўсни таважжўх билан эслайди, бу эса шоир дунёқарашидagi чекланганликни зоҳир этади. У Абдулазизхонга «инсоф, каримпешалик», «расми доду равишойини мусулмонлиг» хос деб талқин қиладики, аини фикрларнинг тўғри эмаслигини тарихий далиллар аққол исботлайди.

Шоир Раҳим деган феодалга ҳам умид кўзи билан қарайди, «ўлма кўп суст» деб, ўнга далда беради. Аини пайтда, феодалларнинг буқаламунликларини кўравериб кўзи пишган Турди Раҳимга ҳам сидқидилдан ишонмаётганлиги сезилиб туради. Шоир шундай деб насиҳат қилади:

**Бир умид сандин, ўз ҳақ йўлига юрғайсан,
Аҳдинга росих ўлуб, бир сўзунга турғайсан:
Бу замонда борининг бир кўз ила кўрғайсан:
Турдини ҳолини сан лутф била сўрғайсан:
Қадрдон, мири писандида, каримул-ахлос.**

Турдининг кейинги тақдири Раҳимга бўлган ишончи тўғри чиқмаганлигини, балки шубҳалари ўринли бўлганлигини кўрсатди. Раҳим ҳоқимият тепасига келмади, ҳаммани «бир кўз ила» кўра билмади, қадрдон Турдини паноҳига ҳам олмади. Шоир ўз умрини сарсон-саргардонликда, ғарибликда ниҳоялагани шуни кўрсатади...

Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ал-мулук» асарида ҳам Турди умид боғлаган Раҳимбий юз билан боғлиқ шундай бир воқеа бор: Субҳонқулихонга қарши кўтарилган исённинг йўлбошчиларидан бўлмиш Туғмабий ёбу тор-мор бўлгач, Уратепа ва Хўжандда, Раҳимбий юз юртида жон сақлади ва Раҳимбий юзни хонга қарши бош кўтаришга даъват этади. Аммо Раҳимбий исён йўлига кирмайди. Ниҳоят, Туғмабий, Раҳимбийдан умидини узгач, Нодирбий паноҳига сифиниб боради (157-бет).

Шундай қилиб, феодализм зулматида Турди кўзига милтираб шам бўлиб кўринган нарса ағдарилиб қолса ўзини ўнглаб ололмайдиган йилтироқ кўнғиз бўлиб чиқди...

Буни Турди қалбан сезади. Ижтимоӣ тенгсизлик, адолатсизлик, феодал бошбошдоқлик, сиёсий-маънавий таназзул — порахўрликни тасвирлаб келиб, мазкур иллатларни ва ваҳшийларни барбод қилишга қодир эр йўқлигини ҳис қилади, кўради ва буни бор овози билан айтади:

**Фуқаро бошина етди бу қалин шум қўллар,
Қани бир эр(ки) чиқиб, айласа маъдум қўллар!**

Ижтимоӣ адолат ҳимоячиси ўлароқ майдонга чиқиши лозим бўлган эр — курашчига сиёсий, социал, маънавий эҳтиёж туғилганини шоир гоё ҳаққоний тарзда бадий ифодалайди:

**Ҳамдами шоҳ ўлуб, аҳли таҳаккум қўллар,
Отларин лавҳи қаламравдин эдиб гум қўллар,
Солса бу [пасткашу] кўҳдамлари бўйнига ажок.**

¹ Ойбек. Асарлар. IX том. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 175-бет.

Золаги бўйнига сиртмоқ солувчи ва номларини тарих саҳифасидан ўчирувчи адолат кураш-чиси — эр ҳақидаги халқ орзусини адабиётга олиб киргани Турдиннинг граждандлик шеърятигадаги юксалиш нуқталаридан биридир. Турди ижодида Шарқ классик шеърятигадаги шох, шоҳлик ҳақидаги қарашларни якунловчи занжир мавжуд, деб айтиш мумкин.

Турдиннинг ҳажвий дoston-мухаммаси асрлар давомида адабиёт ва фольклор диққат марказида бўлиб келган яна бир муҳим ижтимоий масалага янгича ва ҳаётий жавоб беради; бу классик шеърят ва халқ оғзаки ижоди аъналарини якунловчи, айна пайтда инқилобий янгиллик ҳосил қилувчи жавобдир. Турдиннинг ғарази яқка Субҳонқулихон эмас, у барча феодал синфига қарши, феодал синфининг энг онгли, энг илғор вакили, шароит тақозоси билан бир отга зор бўлган — оддий фуқаро даражасига келтирилган намояндаси — тузумни рад қилади, маълум бир «золим» феодални бошқа бир «одил» феодал билан алмаштиришни мақсад қилиб қўймайди. «Эл — рабботу тўра — кўноқ» деган ижтимоий истиқболдан далолат берувчи улўф хулосага келади. Элнинг абадийлигини ва енгилмаслигини бадий тасдиқлайди. Туралар, беклар, хонлар келиб кета беришини, уларнинг ўткинчилигини уқтиради. Мақсад — эл, деб билади. Юртга зулм қилаётган бир хонни ёки бекни эмас, аниқ бир эксплуатация шакли бўлмиш феодал эксплуатацияни, зўрлик эксплуатациясини қоралайди, рад этади, мужмал, мавҳум, хаёлий — умумий тарзда эмас, аниқ ҳаётий мисоллар воситасида яратилган бадий ҳаққоният асосида — аниқ, равшан тарзда инкор қилади, унга қарши исён кўтаради:

**Едингиз барчангиз итдак фуқаронинг этини,
Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини;
Қамчилар доғи солиб бўйни, қанотиб бетини,
Ердингиз захрасини, [ич]идин олиб ўтини,
Бўлмади кам бу раият бошидин ҳеч таёқ.**

«Хисрави одил йўқ»лигини, ижтимоий адолат тимсоли бўлмиш шох ва шоҳлик йўқлигини, унинг ўрнида феодал эксплуатацияси мавжудлигини бор овози билан эълон қилади:

**Қани бир хисрави одилки, анга дод этсам,
Сўрса аҳволими, ғам хирманини бод этсам,
Доми меҳнатқададан кўнглими озод этсам,
Ким бузулган дили вайронани обод этсам,
Айласам бўси адаб, — шох қўюб қайда аёқ.**

Мана шу улўф ҳақиқатни бадий тасдиқлашининг ўзиёқ Турдини буюклар даврасига киритиш учун кифоя қилиши мумкин эди. Аммо бу жон ришталари билан халқ қалбига туташган шоир феодал эксплуатациясини фoш этади, инкор этиш, феодализм таназули далили — тоғу тахтнинг ижтимоий адолат воситаси сифатида мавжуд эмаслигини, «хисрави одил»нинг йўқлигини бадий исботлаш билан чекланмайди. У ижтимоий ва бадий тафаккурнинг янги босқичига кўтарилади. Мазкур феодал эксплуатациясига қарама-қарши кучлар ва уларнинг ғоясини ифодалайди. Юртни бирлаштиришни, ўз-ўзини англай бошлаган — шаклланиш босқичига етиб келган миллатни ягона бир моддий, маънавий, сиёсий бирлигини таъминлаш заруратини англаб этади ва шу улўф ғоянинг жарчиси сифатида майдонга чиқади. Бинобарин, мана шундай мураккаб, оғир шароитда халққа раҳнамолар керак эди ва Ватан, эл бундай ўзига сарвар бўлувчи фарзандларни камолга етказа олди. Турдиннинг замондоши — умри афсонага қоришиб кетган шоир Машраб шундай деб ёзганида ҳақ эди:

**Этагимни елпишидин юз худо пайдо бўлур,
Бу дилимни кавламанг, оташкадо пайдо бўлур,
Ҳар тарафдин наъран «воҳасрато» пайдо бўлур,
Зухд элига ғулгула «ҳой-ҳу» нидо пайдо бўлур,
Аҳли тақволар аро «вовайлато» пайдо бўлур.**

**Дил туташди куфр ўтига шайх ғавғосин кўруб,
Ул ситамгар ришвахўрлар зухд тақвосин кўруб,
Фақр элидин музд олур муфти таманносин кўруб,
Шармсор зухҳод элини халқни яғмосин кўруб,
Бу тилимдин найлайин аччиқ садо пайдо бўлур.**

**Хўжа, сайид бегу хон, сардорлар бадкор эса,
Зулм тигин тез этурда ҳар бири номдор эса,
Косалес каззоб шайхлар бу ватанда бор эса,
Мазлум эллар инграшубким, парча нонга зор эса,
Куфр элига Машрабидек раҳнамо пайдо бўлур!**

Бу мухаммас Турди ва Машраб каби исёнкор шоирлар шеърятга ўша давр ижтимоий ҳаётининг табиий ҳосиласи сифатида яратилганини бадий тушунтириб бериши билан характерлидир.

Шундай қилиб, Турди асарларини, унинг Машраб каби замондошлари ижодини узвийликда ўрганилса, улар асосини ташкил этган ғоявий-бадий негиз маълум бўлади; бир қарашда ҳар бири алоҳида, муайян маънога молик асарлар изчил, барқарор, тадрижий равишда ўсиб, давом этиб борувчи ғоявий-бадий силсилани ҳосил қилиши, шоирнинг ҳар бир асари бу силсилада бир кўзанақ каби ўз жойи ва мавқеига эга эканлиги билиниб қолади. Адабиётшуносларимиз кўп вақт бирон ижодкорнинг муайян асарини, бу асарда ишланган мавзунинг маълум қиррасини чиройли таҳлил

¹ Машраб. Девон. Т., 1980, 308-бет.

қилиб берадилар. Албатта, бу жуда яхши иш, лекин умумадабиёт нуқтаи назаридан қараганда, жузъий иш. Адабиётшунослик ҳар бир адибнинг ижодини бўлакларга бўлиб ўргангани ҳолда, бу бўлакларни уйғунликда ҳам текшириши, ижодкорни адабий сиймо сифатида тасаввурга тўғри ва аниқ келтириши, унинг ижодини яхлит, ибтидоси ва иқтидоси мавжуд ягона адабий ҳодиса тарзида — ижтимоий заминдан узиб олмаган ҳолда ҳаққоний баҳолаши, бу баҳо ҳаракатсиз, ўз ҳолича қолиб кетмаслиги, балки адабиётшуносликни янги ғоя билан — адабий меросни бугуннинг ва истиқболнинг хизматиغا яна ҳам тўлароқ тарзда қўйишга восита бўладиган ғоя билан қуроллантириши талаб этилади.

Турди шеърий дарёсининг тирсак — бурилиш жойларидан бири — «Бир сари азм айла...» деб бошланувчи ғазали ҳам, назаримизда; ҳозирча классик шеъриятимизни мана шу эҳтиёжга жавоб берадиган даражада таҳлил қилиб бериш адабиётшунослигимиз зиммасида турганлигини кўрсатади.

Мазкур ғазал хусусида фикр юритар экан, аввало, шуни таъкидлаш керакки, шоир бу асариди бутун мулкни кўз ўнгига келтиради ва унинг умумлашган образини яратади, бутун мамлакат, бутун бир халқ тақдирини уйлайди, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Турди бадий тасвирлаётган бу мулк — аниқ, реал, феодал эксплуатация зулми остида инграётган XVII аср Ўзбекистонидир. Шоирнинг мана шу граждонлик ва шоирлик камолоти — эндигина шаклланиш белгиларини намоён қилаётган миллат номидан сўзлаши ва ўз реал мамлакатининг реал манзарасини бадий ҳаққоний гавдалантириб бергани кишини ҳайратга солади. Турди, асар ғоясини бирлаштирувчи, тўғривоғи, асар ғоясини ташкил этувчи мамлакат-мулк шеърий образини диққат марказига қўяди, уни — «мулк» шеърий образини ўз ғазалининг рафиқи қилиб олади. Катта ғоявий мақсадга муносиб бундай гўзал бадий ечимни топгани юксак маҳоратнинг ёрқин тасдиғи бўла олади.

Шоир ғазалини ғоявий-бадий фикрнинг энг авж — кульминацион нуқтасидан бошлайди. Матлаъ Турдининг ёки лирик қаҳрамоннинг изтиробли ўйлари, иккиланишлари, оининг ўн беши қоронғию ўн беши ёруғ деб хомтама бўлганлари, ҳақиқатни ахтаришлари — ибтидосию интиҳосию йўқ азобли, машаққатли руҳий меҳнатининг пировард натижаси: унда ўз эзгу мақсадлари амалга ошмаган, амалга ошиши мумкин ҳам бўлмаган туққан диёрдан бош олиб кетиш қарори қатъий ифодаланган. Қанчалик фожей тақдир, фожей ҳолат! Ақл ва ҳис тўғонга дуч келган дарё каби ўзини тўсиққа ураётган, уни итқитиб, сидириб юборишга интилаётган, гирдоблар, пўртаналар ҳосил қилаётган ҳолат... Тўлқинлар ўз рақибига ташланаётган шернинг ёллари янглиғ тошиб-кўпириб, офтоб нурида ёнаётган дақиқалар... Қурашлари зоё кетган, орзу-умидлари пайҳон бўлган исёнкор шоир юракларидан қон сирқиб, ярадор арслон каби наъра тортаётган, мол-дунё ҳирси, майда-чўйда гаплар, гина-қудуратлар тўпигига ҳам чиқмай, кўзига фақат Ватан, Ватан, Ватан кўринаётган лаҳза. Инсоннинг инсонлигини намоён қилаётган фасл. Бадий асарнинг қони ва жонига айланадиган Ҳаёт. Аланга бўлиб гурлаб ёнаётган Ҳаёт. Оламни ҳам, одамни ҳам ўз муқаддас алангаси билан шарт иккига бўлаётган ҳаёт... Ғазал матласигача бўлган руҳий ривож музтоғнинг сув остида қолган қирралари сингари — кўзга кўринмас ҳам — мазмунан маълум. Зеро, бу ривож Турди руҳида, қатъиятида, ишончида ва биз билган бошқа асарларида яққол аён...

Феодал зулми, бошбошдоқликлари, халқнинг оғир аҳволини, яхшилик енгизишга имкон йўқлигини кўрган, бунга амин бўлган, шоир ёруғ жаҳонда энг фожей қарорга — Ватани тарк этиш қарорига келади:

Бир сари азм айла...

Турди ўз даврининг фарзанди сифатида мусулмон деган сўзни «яхши одам» маъносиди қўллади. У динга ишонади ва дин ёрдамида эзгуликни қарор топтиришни орзу қилади. Шунинг учун у ўз элини ўзи қираётган, мамлакатни хароб қилаётган феодалларни номусулмон деб ҳисоблайди. Бинобарин, бош олиб кетишга чоғланар экан, бунинг сабабини тушунтиришга киришади, аввало қуйидаги ақидасини очиқ айтади:

...жойи номусулмондир бу мулк.

Феодализм тушкунликка юз тутган, жамиятда янги қатлам ҳосил бўлаётган, янги дунё туғилаётган, миллатнинг шаклланиш жараёни бошланаётган давр эди. Бу хусусиятларни Турди шуурий ёки ғайришуурий тарзда сезади ва бадий акс эттиради. У туғилиб келаётган янги дунёнинг бутун силкинишларини, миллат шаклланаётган муҳит тўлғоқлари азобларини, жони ҳиқилдоғига келиб турган феодализмнинг сўнгги уринишлари, ғарғараларини аниқ кўради ва ифодалайди: **Фитнайи авбoшy зулму кyфрy тyғендир бу мулк.**

Фитна. Бевошлик, бошбошдоқлик. Кyфр. Тyғен... Бу мулкнинг ҳаётини белгилаётган айни ижтимоий ҳодисаларнинг мураккаб тўқимасига эътибор беринг... Шоир XVII аср «мулк» образини шундай ҳаққоний — бутун мураккаблиги билан жонлантиради.

Айни мулк тўғрисидаги фикри аниқ тўхтама келган. Шунинг учун шоир мисли кўрилмаган тафаккур жасоратини намоён қилади. Барча хонлар, шайхлар, авлиёлар бир оғиздан мусулмонобод деб атайдиган мулкни кофиристон деб эълон этади ва тўғри қилади. Мусулмонобод ва кофиристон — Турди талқинида динийдан кўра, ижтимоий мазмуни кўпроқ. Аниқроғи, динийлик пўсту ижтимоийлик — мағиз.

Бир калима ҳурматидин лек ислом оти бор, Мутлақо кирдори хайли кофиристондур бу мулк.

Ўзбек классик адабиёти тарихидагина эмас, янглишмасак, бутун Шарқ адабиёти тарихида биринчи марта муайян мулк, мамлакат, феодализмнинг яшаш тарзларидан бўлиши — хонлик, Субхонқулихон асри хонлиги сатира объекти қилиб олинмоқда; бу адабиёт Турди шеърияти мисолида аниқ мақсадга, йўналишга эга бўлган ижтимоий сулуқ сифатида майдонга чиққанлигини

кўрсатади ва мазкур ҳодиса ўз даври ва кейинги асрлар бадий тафаккури, умуман, ижтимоий онг тараққийсига ижобий таъсир эта олувчи омил эди.

Мажозий, имо-ишоралар билан адолатсизликни, подшолар золимлигини уқтириш, ға-залларнинг ўрни келган мисраларида исёнкор луқмалар ташлаш даври ўтди. Бутун бир феодал давлатни сатира асосида бадий фош этиш ва инкор қилиш даври келди. Шеърят халқнинг адолат минбарига айланди. Бу улуғ ва шарафли ишни биринчи бўлиб Турди ижодий ҳал қилди, Субҳонқули-хон хонлигини адолатсизликнинг мавжуд мисоли сифатида бадий таъсирлади ва ижтимоий жиҳатдан ноқобиллигини, меҳнаткашлар манфаатларига номувофиқлигини ошкора айтди:

Даври аҳди тангчашму бесару яъжужвазь...

Инсоният жуда кўп буюк ҳаёлпараст фарзандларни яратди, бахтли, фаровон мамлакатларни ўйлаб топди. Аммо орзу қила билиш ҳам керак эди, бу орзуларни амалга ошириш учун мавжуд разолат билан тўла, эрксизлик, ҳақсизлик, қашшоқлик муҳитига, воқелигига тик қарай оладиган, уни кўрқмай инкор эта биладиган ва чинакамига бахтли жамият барпо этиш йўлларини ахтаришга мажбур қиладиган — мушти тугилган, лекин кафтлари иссиқ, юрагида ёли бор фарзандлар ҳам керак эди. Субҳонқулихон хонлиги ҳажви, «Бир сари азм айла...» ғазали муаллифи ўз халқининг ана шундай фарзанди эди. «Ўлик жонлар» ва «Ревизор» муаллифи Николай Гоголь, «Россияда ким яхши яшайди» муаллифи Николай Некрасов ана шундай ўғиллар эди. Иван-тентак ва Насриддин афанди ана шундай қахрамонлар эди. Улар сатира тиғи билан ёвузликни, зулмни томир-томиригача куйдиришни, айна пайтда улар соясида қурий-қурий деб турган келажак куртакларини асраб қолишга ҳам қодир эдилар. Чунончи, Турди (Фароғий), замонавий тарзда ифодаладиган бўлсак, феодал базисида турган устқурма — Субҳонқулихон хонлигини мавжуд воқелиқдан реал мамлакат сифатида — адолатсизлик, ноинсонийлик мажмуи сифатида фош этар экан, ижтимоий жараёндаги объектив тарзда рўй берган ижобий аҳамиятга молик ҳодисаларни кўриб кўрмасликка олмайди.

Турди даврида рўй берган маълум этник, сиёсий жараёнлар муҳитида мафкура кураши ҳам жонлангани ва янги даврга хос оқимларнинг пешталқинлари майдонга чиққани табиийдир. Турди феодал-сарой гуруҳидан ажралиб чиқди ва ўз ғоявий муҳолифларини «мухталиф мазҳаб» — мазҳаби ноаниқ деб атади, уларнинг давр талабига жавоб бермаслигини таъкидлади. XVII асрнинг яна бир исёнкор сиймоси Бобораҳим Машраб эса диний-мистик гуруҳдан юз ўғирди ва «на малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин» деб эълон қилди, «ҳар таги деворларга дору саргардона», «ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхона» эканлигини айтди, «дили тиғи ситамдин пора бўлгон халқ»нинг исёнкор шоири бўлди:

**Дили тиғи ситамдин пора бўлгон халқни кўрдум,
Тани дарди аламдин ёра бўлгон халқни кўрдум,
Кўзи вақти сахар сайёра бўлгон халқни кўрдум,
Мухаббат даштида овора бўлгон халқни кўрдим,
Жунун туғён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо.**

Машраб шеъриятида «миллат» истилоҳи пайдо бўлади.

**Йўл — хатар, манзил — узоқ тушти, бу умрум кам мани,
Гоҳ мўмин, гоҳ ориф, гоҳ тарсоман букун.
Ҳеч билмасман ўзумни: қайси миллат халқиман,
Гоҳ восил, гоҳ маҳжур, гоҳ гумроҳман букун!**

Бинобарин, XVII асрга келиб, Ўрта Осиёда содир бўлаётган этник ва сиёсий жараёнлар муайян шаклга кирган, равшанлашган, ўзбеклар — этник-сиёсий гуруҳдан миллатга айлана бошлаган ва уларнинг ўз территорияси — Ўзбекистоннинг тахминий чегаралари маълум бўлиб қолган эди. Турди мана шу ижтимоий белгиларни ҳисобга олган ҳолда, «ўзбек» «ўзбек ўғли», «ўзбек юрти» истилоҳларини қўллайди ва «Ўзбекистон» атамасини бадий таъсирлади киритади. Тўғри, Содиқий (тахминан 1553—1607 йилларда яшаган)нинг «Мажмаул-хавос» тазкирасида «Ўзбекия» атамаси мавжуд: «Ўзбекияда ул подшоҳдек дилор биров бўлмабдур». Абдуллахон ўзбек (Аваз Ғози) — Ўзбакия подшоҳларининг ажжаи...³. Бу эса Турди истифода этган «Ўзбекистон» терминига тасодиф сифатида қарамаслик кераклигини, балки бу атама ўзбеклар юртининг этник-сиёсий номи сифатида тан олинганлигини кўрсатади. Турдининг тарихий хизмати шундаки, у ўз даври жамияти ҳаётидаги бу ижтимоий-сиёсий янгиликни яққол идрок этди ва биринчи бўлиб туғилиб келаётган Ўзбекистоннинг бадий таъсирини яратди. Феодализм таназзулга юз тутган бўлса ҳам, ҳали ғоятда кучли эди. Туғилиб келаётган миллат ва унинг илк белгилари намён бўлаётган территориал бирлиги жуда ҳам кучсиз эди ва мислсиз азоблар ичра, кучли тазйиқларга дош беролмай майиб бўлган ҳолда, хунук, бадбашара, нимжон тарзда туғилмоқда эди... Шунинг учун бу туғилишни шоирнинг ўткир нигоҳигана илғай олди холос.

Турдининг муваффақияти шундаки, у эл манфаатларига зид жамиятни инкор этиш билан чекланиб қолмади. У мавжуд зулмни таг-томири билан қўпориб ташлаши мумкин бўлган кучни, воситани ахтарди. Лекин у айна кучни самодан ёки ҳаёлот олаmidан эмас, реал ҳаётдан, феодал

¹ Уша манба, 136-бет.

² Дилор — юракли, жасур, мард. қаранг: М. Шайхзода. Асарлар. IV том, Т., 1972, 335-бет.

³ ажжа — ҳаддан ташқари шижоатли

бошбошдоқликлари авж олган, бидъати зулм, порахўрлик, ноҳақлик, тенгсизлик рўдаполари эл елкасида ўтирган муҳитдан ахтарди.

Исёнкор шоир излаганини топди: бу — бирлашув ғояси эди. Албатта марказлашган давлат ғоясини илгари сурувчи асарлар Турдигача ҳам мавжуд эди. Турди олға сурган бирлашув ғояси марказлашган давлат ғоясидан фарқ қилар эди. Аввало, кўп ҳолларда мазкур ғоя феодал давлатини мустаҳкамлаш ниятидан келиб чиққан ва шу воситада феодализмнинг гуллаб-яшнаши, шу тариқа ҳаётнинг фаровон бўлиши назарда тутилар эди. Яъни, бу ҳарбий йўл билан амалга оширилиши лозим бўлган ғоя эди. Феодализм манфаатларини назарда тутган ва қилич билан бунёд этилган империяларнинг умри узоқ бўлмади. Амир Темур империяси ҳам шаробга тўла, лекин маст паҳлавон кўлидан тошга тушиб, чил-чил бўлган чинни коса каби майда-майда бўлиб сочилиб кетди. Феодализм тушкунлиги даврида яшаётган ва ҳарбий бошбошдоқликлар оқибатларини ўз кўзи билан кўриб турган Турди масалани бу тарзда — эскича қўйиши, бинобарин, феодализм камолини қайтариш ҳақида ўйлаши мумкин эмас эди. Унинг ҳажвиёти айни фикрни тўласича исботлай олади. Лекин, айни пайтда, иккинчи Қазба — Бухородан ислому мусулмонликни кундузи чироқ ёқиб юриб ҳам топиб бўлмастлигини баралла айтган ва шу воситада таназзулга юз тутган феодализмни яна кучайтиришга, унинг аввалги мавқеи, қудратини тиклашга қаттиқ ҳаракат этаётган, ўз мақсадига қарши кучларни шафқатсиз равишда еру яксон қилиб ташлаётган — аламзада диний реакцияга қақшатқич зарба берган шоир ўзи ўртага ташлаётган бирлашув ғояси марказига диний шиорларни қўйиши ҳам мантиқли бўлмас эди. Дарҳақиқат, ижтимоий дастуриламал аҳамиятига молик «Тор кўнгуллик» беклар...» деб бошланувчи ғазалда бирон диний бўёқни учратмаймиз. Бу ғоят прогрессив, фавқуллоҳда ўсишни кўрсатувчи ҳодисадир.

«Тор кўнгуллик беклар...» ғазалини таҳлил назаридан ўтказар эканмиз, унга хос бир хусусиятни сезмаслигимиз мумкин эмас. Бу — ғазал руҳига ва маъзига сингиб кетган сатира алаңаси; эҳтимолки, бу ғазалини «Ловуллаб турган сатира-аланга» деб баҳолаш тўғрироқ бўлар. Дарҳақиқат, Турди — туғма сатирик. Унинг шеърый овозидан сатира олови ёйилади ва бидъат, разолатга тўла феодал жамиятини ёндиради; айни пайтда, таралаётган аланга-сатира шуълалари бу ғазал бадииятлари тубидаги, мағзидаги улуғ маънони — бирлашув ғоясини ёритиб юборади ва киши кўз унгига яққол қилиб келтириб қўяди.

Турдининг ушбу асариде ижобий идеал энг яққол тарзда кўринди; у тор кўнгуллик бекларнинг дунёқарашини, амалий фаолиятини, шулар оқибати ўлароқ тобора урчиб бораётган зулму бидъатни фош этаётган ва халқнинг истиқболдаги камолотини таъмин қиладиган, унинг миллатга айланишига омил бахш этадиган бирлашув ғоясини — XVII асрнинг энг буюк ғоясини ўртага ташлаётган, демак, уни амалга ошириш учун бел боғлаган шоир ёки лирик қаҳрамон шахсида мужассам.

Бу, ўз замонасини олға бошланган шахс — ижобий идеал жарчиси беклар ҳақидаги хулоса-фикрини, ҳукминин баралла айтади, уларни энг олий жазога: «эя тамизи» (Муқимий ибораси)га — халқ кулгисига дучор қилади, «майдон чеккан мардлар» олдиде улар шармандаи шармисор ҳолга тушиб, қолганлигини бадий тасвир этади:

Сизга йўқ ул жавҳаре, юзга упо-энглик қилинг.

Турдининг улуғ нияти — бирлашув ғоясини ҳалафлари қўллаб-қувватладилар. «Ўзбек адабиёти тарихи» III жилдининг 211-саҳифасида тўғри таъкидланганидек, «Тўқсон икки бори ўзбек юрти» бўлиб (Турди) тенглик қилиш, «Агар барлос, агар тархон, агар арлат, агар сулдуз» бўлсалар ҳам (Навоийга Роқим мухаммаси) бир назар билан қараш, «на суд ондинки, агар у кўнғиротлиғ ё қиётлиғдур» (Мунис) — ҳаммани ўртада кўришлик каби фикрларнинг кўтарилиб чиқиши эса, адабиётнинг ижтимоий функциясини оширар эди».

* * *

Ҳар куни ишга кетаётиб, Навоий кўчасидаги Шоирлар хиёбонидан ўтман. У ерда, Алишер Навоий даврасида, Александр Пушкин ва Максим Горький, Лутфий ва Бобур, Муқимий ва Фурқат, Нодира, Ҳамза ва Абдулла Қодирий, Фафур Ғулом ва Ойбек, Ҳамид Олимжон абадий мушоира устидалар. Ушбу буюк мушоирада Турди ва Машраб, Махмур, Гулҳаний ҳам иштирок этишга муносиб шоирлардир, улар руҳан шу ерда ҳозир. Шоирлар хиёбонида Турди ва Машраб сиймоларини ҳам кўришни, улар пойига ҳам гул қўйиб ўтишни орзу қиламан.

Турди ва Машрабнинг улуғ ўзбек шоирлари даврасидаги ҳақли ўрни тикланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бинобарин, бу ҳар икки исёнкор шоир ўзбек классик адабиётидаги даврий ҳодисалардир. Демак, уларнинг ҳукмдорлар, ислом маддоҳлари: унутилишга маҳкум этмоқчи бўлган обрўйини биз яхши биламиз ва керакли даражада қадрлай оламиз.

Турди ижоди тўғрисидаги мулоҳазаларни яқунлар эканмиз, баъзи хулосаларни баён қилишни хоҳлар эдик.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, феодал истибдодига қарши XVII аср «революцион оппозиция»си демократик йўналишдаги шеърятда, Турди ижодида, сатирасида яққол намоён бўлди. Бинобарин, феодализм таназзулга юз тутган бир шароитда халқнинг феодал истибдодига нисбатан маънавий қаршилиги кучайди, адабий-фалсафий оқимлар ўртасидаги кураш кескинлашди (Турди, Вафой — Сўфи Оллоёр), маънавий ҳаётда вужудга келган ўзига хос «революцион оппозиция» ўткир тарзда намоён бўлди, демократик йўналишдаги сатирик шеърят феодал истибдодга қарши жамият нафратининг ёрқин ифодачисига айланди.

«Революцион оппозиция» ўз позицияларини мустаҳкамлаганини шу нарса ҳам кўрсатадики, айни даврда феодал-сарой муҳитидан Турди Фароғий, диний-мистик муҳитдан Бобораҳим Машраб ажралиб чиқдилар ва халқнинг маънавий раҳнамоларига айландилар. Айтиш мумкинки, улар сиймосида XVII асрдаги Урта Осиё хонликлари чегараларидаги адабий, фалсафий, сиёсий тафаккурнинг илгор оқимлари мужассам топди. Бу эса Турди ва Машраб ижодини комплекс ўрганиш заруриятини тақозо этади.

XVII асрда, Турди шеърлятида ишқий шеърдан гражданик поэзиясига ўтиш ҳодисаси содир бўлди. Турди гражданик шеърлятининг асосчиси сифатида кўринди; эндиликда, М. Шайхзода таъбири билан айтганда, «қаландарона ғазалларда ишқий ва фалсафий бирон фикрни ёхуд орифона бир ғазалнинг истаган байтида шоир ўзи истаган ижтимоий, сиёсий репликасини бермоқ имконияти» ўрнига мана шундай луқмаларни бутун бошли шеърлий йўл, шеърлятга айлантириш имконияти вужудга келди. Бу адабий жиҳатдан ҳам, ижтимоий нуқтаи назардан ҳам улуғ ҳодиса эди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, уқтириш жоизки, Турди ва Машраб шеърляти мазмун ва шакл бирлигининг янги ҳосиласи сифатида кўринди. Турди ғазални даврнинг билвосита эмас, бевосита минбарига айлантирди. Унинг шеърляти аниқ мақсадга бўйсундирилган; энг баркамол ғазаллари: ўз даврининг энг улуғвор ғоялари — мавжуд адолатсиз жамиятни рад этиш, бирлашиш мақсадини олға суриш омили бўлди. Исёнкор шоир дostonни маснавийдан мухаммас шаклига олди. Бунинг боиси, Турди дostonининг сюжетли бўлмаганидадир. Шоир ғоявий мақсади мағзини ягона фикр, туйғу — Субҳонқулихон асри зулму бидъатларини фoш, инқор қилиш ташкил этадики, бунинг учун Шарқ анъанавий дostonларига хос сюжет таомилидаги қахрамонлар шарт бўлмаган, Асарнинг мазмуни шаклни белгиланган. Бинобарин, Турди мутлақ янгича дoston яратган. Мухаммаснинг маснавийга нисбатан фикрий сиқиклики талаб қилиши, қофиялар тартибининг қатъийлиги шоир ғоявий мақсадини бир нафасда, ўткир тарзда, бадий ўзига хос равишда ифодалаш имконини берган. Турдининг мазкур ҳажвий дostonи, — Алишер Навоийнинг «Ҳасби хол»дан кейин, — эпик жанрни янгича йўлга буриб юборган асардир. Бу йўл Муқимийнинг «Саёҳатнома»лари, ҳажвий маснавий-ҳикоялари, Фурқатнинг маснавийлари, Қорийнинг Виктор ҳажвига бағишланган мухаммас-дostonи, Завқийнинг «Қаҳатчилик» дostonи орқали ўтиб, ўзбек совет поэмачилиги яралиши учун замин яратди.

Худди шу даврда шоирнинг янги типи — халқ шоири типи Турди ва Машраб сиймоларида яралди. Тўғри, Имоиддин Насимий, Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий сингари тасаввуф оқимининг ўз давридаги раҳнамосига айланган устод шоирлар, Алишер Навоий каби ҳокимият сиёсатидан нуфузлироқ адабий сиёсат олиб бора олган улуғ шоирлар мавжуд эдилар. Аммо, Имоиддин Насимий ва Алишер Навоийни истисно этганда, улар маънавий раҳнамо эмас эдилар. Турди юз қабиласи кўзғолонлари — раҳбарларидан бири бўлди. Унинг шеърляти жанрлар, эътиқод курашлари, кувғинларда, ижтимоий курашнинг қайнаган ерларида яратилди. Улуғ Алишер Навоий халқнинг оғирини енгил қилиш сиёсатини тутган бўлса, Турди умуман Субҳонқулихон хонлигига қарши курашга, хонни, унинг амалдорларини йўқ қилишга очикдан-очик чақирди:

**Қани бир эр(ки) чиқиб, айласа маъдум қуллар...
Отларин лавҳи қаламравдин эдиб гум қуллар.
Солса бу (пасткашу) кўҳдамлари бўйнига амоқ.**

Турди кўзғолонлар жараёнида халққа яқинлашди. Хонликка, унинг амалдорларига, «кофирис-тон»га — Бухоро хонлиги воқелигига танқидий муносабати натижаси ўлароқ қуйидагича умумлаш-ма фикрга: 1) бу сўзнинг том маъносидаги шoҳ ҳам; 2) бу сўзнинг том маъносидаги мусулмонлик, ислом ҳам йўқ, деган бадий ҳулосага келди.

Бу ўз даври учун инқилобий аҳамиятга молик бадий ҳукмдир.

Турди тафаккур жасоратини намоён эта олган, бадий фикр оламида инқилоб қила олган новатор. У — зиддиятлар шоири. Шарқ шеърлятига хос «шоҳу гадо» зиддиятини «тафаккур вартаси (гирдоби)» зиддияти қадар муайянлаштирди. Танаъум (роҳатда бўлиш)ни надоматсиз, тамошони тасарруфсиз, бирор тан (инсоний вужуд)ни таассуфсиз кўрмади, «ҳаёт ҳодисалари, инсон тушунчалари фақат зиддиятда тажаллий этиши»¹ни бадий тасдиқлади.

Бу зиддият шоир шеърлятида ниҳоятда яққол инъикос этди. Автор — ҳикоячи позициясида ижобий идеал ўз мужассамини топди. У муносабат билдираётган конкрет воқелик — салбий кутб бадий ҳаққонийлик ва гражданик жасорати билан фoш ва инқор қилинди.

Шу зиддият натижаси ўлароқ Турди ижоди мисолида ўзбек классик адабиётида демократик тенденция кучайди.

Айни шу сабабга ҳамда Турди шеърлятга олиб кирган янги қахрамон — учинчи табак, фуқаро руҳияти, дунёқарашига кўра, тенденциозлик аниқ йўлни ташкил этди.


Синфий муносабат шакллана бошлади.

Шеърлят ижтимоий ҳодиса сифатида ўз мавқеини оширди.

Омма ва шоир масаласи янгича тарзда ҳал этилди. Шоирнинг янгича талқини (денгизга пўртана берувчи мавж, қатра) ҳосил бўлди.

Умри ягона эҳтиросдан иборат, ижоди қаърларида сатирик машъала нур сочиб турган бу шоир, хисрави одил, дин, адолат йўқлигини бадий ифодалади, халқ кўнглида ҳақиқат, умид, муҳаббат, эътиқод тириклигини англаб етди, шу буюк ҳаётий кучлар жарчиси ўлароқ бирлашиш ғоясини ўртага ташлади. Бу хизматларининг ҳар бири улуғ ва ҳар бири ҳар қандай шоирга шараф тожини кийдира олувчи ғоявий-бадий кашфиётлардир.

¹ Қаранг: «Ўзбек адабиёти тарихи». III том, Т., «Фан», 1978, 221-бет.



Машраб

ҒАЗАЛЛАР

* * *

*Етти дарёга қўшилди об-и чашм-и ҳимматим,
Неча Мажнунга сабақ берди дилимда ҳайратим.*

*Доманимни тортти, дунёни кўрунг дун-и дағал,
Варна аршининг устида эрди камол-и миннатим.*

*Хун-и гарқ бирла адо қилдим баса, Мансурман,
Оҳ-и сардим бўлди савмижким фиғоним тоатим.*

*Гарчи зоҳир хушк хоку бибизоатман, букун
Мусову Йисони давронига бордур нисбатим.*

*Эй сафбахш, нафс-и Фиръавнимга бир шамшир ур,
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсин мени бу хислатим.*

*Умр-и азал дору-л-бақо, дайр-и фанога турғали
Лоладек бир соате йўқдур мени ҳеч фурсатим.*

*Покбозам, хориж-и дунё-йи уқбодин жудо,
Сувратим гарчи башар келди, малакдур сийратим.*

Ҳаттот ва машрабшунос Жалолиддин Юсупов кўп йиллардан бери Машраб ижодини ўрганиб, унинг аслига яқин девонини вужудга келтириш устида меҳнат қилмоқда. Натижада, у, Машраб девонининг мукамал ва имконият доирасида аниқлаштирилган текстини тузишга муваффақ бўлган. Олдинги нашрларда йўл қўйилган сон-саноксиз хатолар бу текстда учрамайди. Шуни ҳам айтиш керакки, Машраб поэтикаси руҳини, бу шоир текстларига хос нозик нуқталарни, теран маъноларни бугунги кунда Жалолиддин Юсуповчалик биладигани йўқ. Баъзи олимларимиз биладиган даражага етишиши мумкин. Аммо бунинг учун улар бир неча йил ҳалол меҳнат қилишлари керак. Машраб ғазалларидан берилаётган мазкур намуналар Жалолиддин Юсупов тайёрлаган текстдан олинди.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

Неча Мансур ўлди иршод-и муҳаббат йўлида,
Менга ҳам дори қурулганда етар бу қисматим.

Ҳеч билолмайман ўзимни қайси қавмийман букун,
Лекин арш устида Жибрилдир менинг ҳамсуҳбатим.

Маширабо, охир сенга неча биёбон тай уруб
Бўлмади бир пашша-йи лоғарча акнун хизматим.

* * *

Мавж-и дарё-йи талотум шўриш-и маҳшарча бор,
Ерга тўйса қатра ашким, бахшиш-и гавҳарча бор.

Гавҳар-и ноёбни ҳар кимга зойиъ қилмағил,
Ҳақ суҳан, бил, беҳабарнинг кўнглига наштағарча бор.

Мен тасаддуқ-и ўшандоқ олий ҳимматлар бўлай,
Зикр-и оллоҳ зулфиқори чопиши Ҳайдарча бор.

Ҳар хасу чўбини кўрдум, зикрини бисёр дер,
Ҳар пир-и комилки ўз қавмига пайғамбарча бор.

Гар ўзи бир лутф қилса мўр-и лангни шер қилур,
Пашша-йи лоғарни кўр йўлида Искандарча бор.

Маширабо, қилма суҳан сен ҳар нечук нодонга, ҳайф,
Қадрини билган кишига ёқут-и аҳмарча бор.

* * *

Бу оламда ўзумдек сийнаси афғор топмадим
Қи, розим айтғали бир маҳрам-и асрор топмадим.

Фироқ даштида ташна лаб юруб зору саргардон,
Лабинг зулолидин бир паймона-йи саршор топмадим.

Қи, ишқи ғамнинг мени охир юрагим айлади сад чок,
Висол завқини бир лаҳзае бир бор топмадим.

Тамоми роз-и дилим демакка изладим маҳрам,
Бу дашт-и Хўтан кезибон бир дили ҳушёр топмадим.

Биёбон бўлбулидек, Маширабо, ҳеч йўқтур оромим,
Кўнай десам чаманда бир гул-и бехор топмадим.

* * *

Бўлмасам Мажнун, биёбондин нечук айлай суҳан,
Чашма бўлсам менки, уммондин нечук айлай суҳан.

Етканим йўқ ранг-баранг оламни бўйи, маънига,
Бир гадодурманки, султондин нечук айлай суҳан.

Сад ҳазорон илм ўқуб мен бир алифга лолман,
Билмасам, тафсир-и қуръондин нечук айлай суҳан.

Ҳазрат-и Нуҳ кеттилар, мен айрилиб қолдим, дариғ,
Кишти кўрмабманки, тўфондин нечук айлай суҳан.

Ҳазрат-и Одам сотиптур жаннату-л фирдавсни,
Чун етар бир дона, ризвондин нечук айлай суҳан.

Ҳимматим бор эрди, захмат босди, нобуд айлади,
Мўр бўлмабман, Сулаймондин нечук айлай суҳан.

Кимки кишти дармаҳал қилди, кўкарди ҳосили,
Экканим йўқ дона, борондин нечук айлай суҳан.

Маширабо, соҳиб талабларға гапургин дардни,
Улганим йўқ, ақиқи мужгондин нечук айлай суҳан.

* * *

Онадин бўлдим, жаҳонда бўлмадим шод оқибат,
Ииққаним бўлди фано мулкида барбод оқибат.

Дона деб дом-и муҳаббат тушди бошимга менинг,
Дом-и меҳнатни қўюб йўлимга сайёд оқибат.

Тўлди паймонам менинг кўйингда жон бермак ишим,
Тий-ғи ҳасратни қўйиб ҳалқумга жаллод оқибат.

Устухоним суда бўлгунча сенинг дардинг билан,
Шоҳсан, арзимга ет, қилсам керак дод оқибат.

Суфилик осон эмасдур, ҳар киши рост англаса,
Қўйди йўлдин халқни ҳолок-и ношод оқибат.

Қолмади Жамшид, Искандар, қани Афросиёб?
Топмади даст-и ажалдин хона обод оқибат.

Маширабо, нуқсон ўзунгда, шоҳ ҳидоятли, вале
Нафс ҳам мардуд, ҳам Фиръавн, Шаддод оқибат.

* * *

Булбул эрдим қилди ғам охир гулистондин жудо,
Ҳар сў мотам бирла юрдум шаққаристондин жудо.

Сийна чок эттим менинг айбимни қилманг, дўстлар,
Қилди Яъқубни фалак хуршид-и Канъондин жудо.

Неча савдоларни кўрди бу менинг ғамлик сарим,
Бўлмадим бир соате зулф-и паришондин жудо.

Норасонинг дастига, ёраб, бу гавҳар тушмасун,
Қадр топмас ул нигин даст-и Сулаймондин жудо.

Шодмоний изладим, бошимга ғам келди ҳама,
Бир замоне бўлмадим бу оҳу афгондин жудо.

Маширабо, ўлгунча даргоҳида мақсудинг будур,
Хотирингни қилмагил мундоқ пушаймондин жудо.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи
Жалолиддин ЮСУПОВ.



ҚАЛБИМНИНГ БИР ПАРЧАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ТУРОБ ТЎЛА БИЛАН СУХБАТ

— Адабиёт тарихи — бу жамият тарихи, халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёт тарихидир. Табиийки, ҳар бир авлод адабиётга ўзи билан бирга янги мавзу, янги ранг, янги оҳанг олиб киради. Ҳамза, Айний, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Авлонийлардан кейин вога етган Ойбек, Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор ижодида ҳам шундай бўлди. Бу адибларнинг ижоди классик адабиёт, халқ ижоди ва илгор рус совет адабиётининг таъсири ва тарбиясида камол топди.

Сиз мансуб бўлган авлод — Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шухрат, Раҳмат Файзий, Ҳақим Назирларнинг ижодлари дастлаб ана шу инерция ёлқинида туғилди. Албатта, бу йўл ҳамisha ҳам тўғри ва равон бўлмади...

Бу адабий жараёни қандай изоҳлайсиз? Ана шу адибларнинг сеҳрли таъсири, ижодингизнинг илк даври, бевосита Сизга туртки ва тарбия берган устоз адиблар ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Ҳар бир адабий жараён ўз муҳитида ўзининг муносиб авлодини саралайди, бир-бирига ўхшамаган ёрқин шахсларни кашф этади, ўзигача бўлган мураккаб муҳит ва авлод услубларини ўрганади, давом эттиради, бойитади, янгилайди. Мен янги адабиётимизнинг асосчиларини (Ҳамзадан бошқа) ҳаммаларини кўриш, улар билан ҳамсухбат бўлиш бахтига муяссар бўлганман. Улар ораларида кимларгадир эргашганман, кимларнидир устоз санаганман. Бу, адабиёт муҳитига кириб келган илк қадам эгалари учун табиий ҳолдир. Бу устозлар бизнинг авлодни ўзларидан узоқ тутишмасди. Муҳтарам Фафур Ғуломнинг уйи — бизнинг ҳам уйимиз эди. Унинг деярли ҳамма асарлари яралиш онларига гувоҳимиз десам хато қилмасман. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Ойдин, Усмон Носир ҳам бизни яхши кўришарди. Бу санъаткорларнинг ижодий мулоқотларига ҳамisha ташна эдик. Мен шахсан Абдулла Қаҳҳор билан салкам йигирма йил бир ҳовлида ака-укадек яшадим. У кишининг дўстлари, ҳамдардлари, ҳамдамлари, самимий қалам аҳллари, ҳақиқий шогирдлари кимлар бўлганини яхши биламан. Бу одамнинг мактабидек қаттиқ мактаб бўлмаган.

Бир томонда Фафур Ғулом, бир томонда Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ойдин назарида бўлдик. Уларнинг биз ёшларга самимий, ниҳоятда яқин муносабатлари сабаб Мухтор Авезов, Собит Муқонов суҳбатларига, Николай Тихонов, Константин Симонов, Якуб Колос, Корней Чуковский, Алексей Толстой, Николай Погодин, Владимир Луговский, Анна Ахматова, Нозим Ҳикмат сингари бетақдор, забардаст адабий бузрукворлар талъатларига, Самад Вурғун, Пабло Неруда, Мирзо Иброҳимов, Мирзо Турсунзода, Берди Кербобоев мулоқотларига гувоҳимиз, уларнинг ҳавас қилгулик дўстликлари, ижодий яқинликлари ана шу унутилмас мактабнинг дарсларидан эди. Бу муҳит бизнинг авлод вакиллари теран миллий — интернационалистик руҳда, ёйилиб келаётган янги дунё адабиёти силсилалари руҳида шакллантирди. Кимлардир бу давр адабиётига турли-туман тамғалар тақади, билармонлик қилади, менинг назаримда, бирон адабий муҳитни кўрмай-билмай туриб у ҳақда, кечирасиз, валақлаш одобдан эмас, балки унинг бевосита қатнашчиси гапирса бошқа гап. Бизда эса, у кишининг ёнига йўламаганлар ҳам «хотира» ёзадилар. У давр шундай давр эдики, баъзи кишилар айб деб ҳисоблаган дидактика (панди-насиҳат) жанри етакчи эди, маънавият шуни талаб этарди. Дидактика бугун ё кеча туғилган эмас, у бутун-бутун даврларда, ҳар биримизни адабиётга етаклаб кирган, халқ ижодиётида шаклланган ва адабиётимизнинг бир бутун бўлагига айланган адабий, санъат тури. Бу турда адабиёт ва санъатнинг қанча-қанча билимдонлари из қолдирганлар. Агар модомики, бугунга келиб бу тур «ғаш» кўриниб, кераксиз туюлган экан, юзига қора бўёқ тортиш шарт эмас. Янги авлод янги адабиёт яратади, табиий-ки, у кечагидан кўра мукамалроқ бўлиб боради. Материалистик диалектика қонунияти шуни тақозо этади. Мен нима учун бу гапга урғу беряпман? Ҳали сиз биз кирган йўлнинг «ҳамиша ҳам тўғри ва равон» бўлмаганини айтдингиз, дарҳақиқат, бу йўлларда мавзу, бадиий образ, шеърӣ шакл, насрий услубда дадил изланишлар керак эди. Қирқ-эллик йил аввалги у мураккаб шароитда дадил изланишнинг ўзи ҳам осон бўлмасди, даврнинг жуда кўп проблемалари, сиёсий муаммолари, ниҳоятда муҳим ва чалкаш масалалари бундай изланишлардан манфаат кўрмасди. Ундан ташқари адабий «умуртқа»миз шарқона шеърӣ услуб ва шакл билан қотган эдикки, янги адабий оқимга қўшилиш учун тўғри ва муҳим йўл изланди. Устозлар ана шу янги йўл бошидаги йўлбошловчилар буни топдилар, энди уни мустаҳкамлаш керак эди! Бу наинки улар зиммаларида эди, улар орқаларидан келаётган бизларнинг ҳам зиммамизга тушди. Назаримда, бу даврда майдонга келган «Уста Ғиёс», «Дарёлар туташган жойда» сингари қатор дostonлар «Кўкан батрак», «Зайнаб ва Омон», «Онамга хат», «Жонтемир», «Темирчи Жўра кофир», «Наҳшон», «Бруно» каби асарларнинг давоми эди. Дарҳақиқат, улар адабиётимиз тарихининг муҳим бир саҳифаси бўлиб қолдилар. Мана шу нуқтаи назардан дадил айтмоқ керакдирки, бизнинг устозларимиз янги революцион, адабиётнинг қаҳрамонлари эдилар, улар ниҳоятда оғир ва мураккаб бу доvonларни чекинмай, янгилишмай босиб ўтдилар, улар янги тузумнинг, унинг авангард кучи бўлган Коммунистик партиянинг чиниққан

ҳақиқий солдатлари эдилар. Уша кунлар, ўша даврлардаги ҳар бир машқимда Ғафур Ғулом нафаси ва услубининг кўтаринки руҳининг, Уйғун ва Ҳамид Олимжоннинг, Усмон Носирнинг ҳам таъсири бор.

Биз устозларни, тенгдошларни, ўзимиздан кейин келаётганларни ҳам қолдирмай ўқирдик. Тенгқурлар машқларини ўқиб қувониб ва муборакбод этиш устозлардан яхши мерос эди. Ҳаммага маъқул бўлганларини ёд билардик, ёд ўқирдик. Уйғуннинг лирик асарлари, Усмоннинг ўтла шеърлари, ҳатто дostonлари ёд бўлиб қоларди. Абдулла Қаҳҳорнинг шоир бўлмаса ҳам, ҳаммани тенг ўқиб боришини билар эдик. Унинг танбеҳларидан чўчирдик. У шеърни, ғазалиётни, умуман классик адабиётимизни ҳаммадан яхши биларди десам адашмайман. Аруз санъатини мукаммал эгаллаган Чустийнинг ғазаллари таҳлил қилинган анжумани яхши эслайман. Уша куни Чустий домлага жуда қийин бўлди, Абдулла ака унинг ғазалларидаги сохталикларнигина эмас, ҳатто классик шоирлардан, Бедилдан тортиб Ҳофиз, Навоий, Муқимий, Фурқат сингари буюклар асарларидан ўзлаштирилган иборалар, мисралар ва образларгача кўрсатиб берди. Айниқса, прозаларнинг «Шўри» эди. Агар адабиётда адашиб юрган бўлса тўғри юзига айтар эди. Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романи муҳокамаси кечагидек ёдимда. Абдулла ака бу асарнинг ҳали роман даражасига етмаганини чўқур таҳлил қилиб кўрсатиб бердилар. Парда Турсун асарини бир неча бор қайта ишлади, ана шундан кейингина нашр қилинди. Устоз Саид Аҳмаднинг, Саидахоннинг асарларини қандай муҳаббат билан кузатганлари, муҳокама қилганлари, қайтариб берганлари эсимда. Ҳақиқатан ҳам у адабиётимизнинг ҳақиқий ҳомийси эди! Бугун илмимизнинг етакчи олимларидан бири ўша вақтлари шеърлар ва ҳикоялар тўплами кўтариб келиб, Абдулла аканинг «сиз бошқа иш қилинг» деган гапидан сўнг қайтариб олиб кетгани ҳам ёдимда. Тўғри айтган эканлар, у бугун ниҳоятда билимдон, ниҳоятда севимли ҳурматли алломамиз! Бир куни «Кизил Ўзбекистон» газетаси тенгқурларим қатори менга ҳам бир саҳифа берди. Унда янги шеърларим, янги кўшиқларим, ижодиёт ҳақида мулоҳазаларим бор эди. Абдулла ака эрталаб сим қоқдилар, муборакбод эдилар. Саҳифада берилган ҳар бир шеърим, адабий мулоҳазаларим ҳақида тўхталиб-тўхталиб гапирдилар. Устозлар адабиётимизни, меҳнатимизни шундай яхши кўришарди, қадрлашарди.

Мен тенгқурларимни жуда-жуда ҳурмат қиламан, китобларини қолдирмай ўқиб бораман, китобхонларга танилиб қолганликларига, устозларимиз ардоқларига муносиб бўлиб қолганларидан қувонаман.

Саволингиз фақат менинг адабий авлодим ҳақида бўлганидан адабиётимизнинг Одил, Пиримқул, Озод, Норбой, Ўткир, Шукур, Уктам, Улмас, Темур, Жуманӣёз, Эркин, Барот, Худойберди, Абдулла, Омон, Ҳалима, Гулчехралар, Ойдин, Мурод, Усмон, Рауф, Мирза, Шавкат, Муҳаммад сингари мен севган авлоди ҳақида ҳеч нарса деёлмадим. Бундай қуюлиш, бундай ижодий кўтарилиш адабиётимиз тарихида бўлмаган!

Союзга анча эрта қабул қилинганман. Умримда бир мақтаниб қўйсам айбмасдирки, менга Уйғун, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, ҳатто шу кезлари ўлкамизда яшаб турган Якуб Коласлар гувоҳлик берганлар. Мени қабул қилаётганларида Алексей Толстой, Ойбек, Шайхзода, Анна Ахматова, Корней Чуковскийлар бор эди президиумда. Якуб Коласнинг юбилей кунлари эди, мен у кишининг бир неча шеърларини таржима қилган эдим. Ўқиб беришимни сўраб қолди, ўқиб бердим. Шунда Ҳамид Олимжонга қараб: (У киши раислик қилмоқда эдилар) «Мени ҳам қўшиб қўйинг, гувоҳлар ичига» дедилар. Уша кунлари Ленинград қамали тугаб, Анна Ахматова Тошкент билан хайрлашаётган эди. У турган уйни менга беришди (Жуковский, 54). Ҳамид Олимжон бу уйни менга топшираётиб, кузатишга ҳам чиққин, деди. Уша вақтда бу ҳовлида Абдулла Қаҳҳор билан Темур Фағтоҳ ҳам туришарди. Кузатиб қайтганимиздан кейин Абдулла ака Анна Ахматова турган хонага бирга кириб келдилар, «Ҳамид бу хонани сизга бериб яхши қилди. Лекин яхши шоирнинг уйида ёмон шеър ёзиб бўлмайди» деб кулиб қўйдилар. Бу қаттиққўл адибнинг тўғри таъкиди эди, ҳазиломуз айтилган бўлса ҳам. Бу авлоднинг ҳар бир гапи, ҳар бир ўгити, ҳар бир ишораси қалам чегарасида ҳўшёр туришни тақозо қиларди!

— Дарвоже, Абдулла Орипов ҳам 60 йиллик тўйингиз кунлари: «Туроб Тўла ижодида Ҳамид Олимжон созининг аллақайси пардаларини илғаб олиш қийин эмас», деб ёзган эди. Устоз шоир Миртемир ҳам 1970 йилда нашр этилган «Танланган асарлар»нингизда ёзган сўзбошида бунга ишора қилиб: «Устоз шоирлар Туроб Тўла ижодини кузатиб боришар, унинг қаломат босқичларидан хўшвақт, ҳаммаса маслаҳатчи ва хайрихоҳ бўлганлари ёдимда. Туроб Тўланинг кўзи устоз шоирлар кўзига кўп тушган ва ўша кўзлардан нўр олган кўзлардир. Бу жиҳатдан Туроб Тўлани назаркарда шоир десам ҳам ошириб юбормаган бўламан», деган эди.

Бу устоз шоирларнинг қайси жиҳатлари кўпроқ эйтиборингизни тортган!

— Мен айтдим шекилли, биз Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун, Усмон Носирлар этагини тутиб катта бўлганмиз деб. «Зайнаб ва Омон», «Наҳшон» дostonларини, Ғафур Ғулом, Уйғун шеърларини ёд ўқигувчидик. Ҳамид Олимжоннинг нурли, халқона, теран шеърлари қулоғимдан кетмасди, шеърй мисраларга, бадий образларга беихтиёр унинг муносиқаси тортқилаб кетарди. Усмон Носир айтганидай «ҳали бойлама бўш» шеърларим унинг шеърларидан озиқ олгувчиди. Бир куни чақириб Якуб Коласнинг 1912 йилги шеърларини қўлимга тутди, ўн иккита шеър, у кишининг юбилейини бу йил, Тошкентда ўтказамиз, таржима қилинг, деди. Мухлат қисқа эди. Мен бу шеърларни муккамдан тушиб таржима қилдим, уч кунга ҳам бормади. Ҳамид Олимжондек шоирнинг, Якуб Коласдек буюк шоир шеърларини менга ишонганидан маст эдим. Олиб келиб бердим. Ҳамид Олимжон хайрон варақлади-да, «ухладингми» деди. Ўқиб туриб «яхши» деб чўзиб қўйди кейин. Қани ўқи-чи, деди, ўқидим. Унинг ўзига ўхшаброқ ўқидим шекилли, кулиб тинглади. У кам кулгувчи эди, кулганида тилла тиши ярқираб кетарди. У жуда чиройли ўқирди шеърни, «қуёшни» «қуёш» деб, «қорани» «қаро» деб. Жуда мусиқий ўқир эди.

Ойбек акани кўп ўқирдик. «Қутлуғ қон»ини «Навоий» дан бери қўйишни ҳеч истамасдим. Унинг образлари, персонажларнинг тиллари, табиатлари, хусусиятларини бошқа бирон роман фазилатларига алмаштиролмадим. Охири уни опера либреттосига айлантириб, ёзиб чиқдим. Опера премьераси куни театрга олиб келдим, спектакль тугагандан кейин саҳнага бошлаб чиқдим. Либретто муаллифи деб чорлашсалар ҳам чиқмадим саҳнага. У киши халққа қараб самимий

мамнунликларини билдирдилар. Артистларни бир-бир муборакбод этдилар, кейин кулисада мени қидириб қолдилар, олдиларига бордим, бағрига босиб, «яxши, яxши» дедилар кўзларида ёш айланиб. У вақтда фақат шу сўзнигина айта олар эдилар. Шундай бўлса ҳам унинг дилида қанча-қанча яxши гаплар қалашиб ётганини ҳис қилдим.

Бу шоирларнинг санъатларида аллақандай сеҳр, мафтункорлик, самимий учкунлар ўйнаб турарди, уларнинг қаламларидан томган ҳар бир сўз, назаримда, ярқираб тушарди, ўз оҳанги бўларди, мен уларни яxши ажратардим. Шунданмикин, Ғафур ака, Собир ака шеърларини менга ўқитиб тинглашни яxши кўришарди. Бу шеърларнинг сеҳри тингловчини мафтун этиб қўйган онларини кўп кўрганман. Кейинчалик Ҳиндистонда ҳинд шоирларининг шеърларни куйлаб ўқишларини кўриб ҳайратландим, айниқса Амрита Притамнинг уйидаги мушоира шеърнинг нақадар қудратини бир умрга хаёлимда қолдирди, Панжоб, ҳинд, ўзбек шоир-шоираларининг овозлари... Дарҳақиқат, шеър бу — музика, оҳанг, куй... Уни ёзгандан кейин ўқий билиш ҳам керак. Уни аллақандай сарбаст, сочма шеърларга алмаштириш шаккоклик бўлар экан. Сарбастда ўзларини синаб кўраётган таланти ёшларимиз мени кечирсинлару, лекин мен шеърят қонуниятидан ҳеч қачон чиқмаслик керак демоқчиман, чиқсам китобхонни чалғитаётганга ўхшайман. Устозларнинг ҳам бу қонуниятга шак келтирганликларини кам биламан. Борлари ҳам ўша қонуният мусиқасини ўз ҳолича сақлаганлар, ўқиганда мазмунига мувофиқ музикани тингларди киши. «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмассан», «Мен яҳудийман» шеърлари бунинг ёрқин мисоли деб ўйлайман.

Бизнинг адабий меросимизни яратган валлолатларимиз ўз адабиётинигина эмас, Шарқ адабиётини, дунё адабиётини ўқиган. Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода кўп тилни билган, кўп тилда ўқий олган, бедилхон, навоийхонлар ўртасида тенг баҳслаша олган, ҳатто ўша тилларда ёза билганлар. Ғафур Ғулум билан Мақсуд Шайхзода сўхбатларига тенг келиш мушкул эди. 1949 йили — биринчи пушкинхонликда иштирок этганман, Зулфия билан Иззат Султон ҳам бор эдилар. Бутун дунё қалам аҳллари иттифоқимизга келишди. Сафаримиз СССР Большой театридан бошланиб, ўн беш вагонлик бир поезда ўн беш кун Пушкин ўтган жойларда юрдик. Ленинград ҳам, Царское село ҳам, Псков ҳам, Михайловский ўрмонлари ҳам қолмади. Шунда мен Ғафур ака тушган вагонда эдим. Унда Мартен, Андерсон Нексе, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, Мирзо Турсунзода, Самад Вурғун, Гурбахш Сингх, Арагон, Қора Сентлиев, тагин жуда кўп урларнинг вакиллари бор эди. Устоз ҳамма билан-баробар гаплаша оларди. Бу жиҳатдан ҳам у адабиётимизнинг ҳақиқий алломаси ва фахри эди. Буюклик — ҳар қандай оғир даврда ҳам ўз сўзини айта олиш, ҳақиқий шеърини ёза олиш дегим келади. 1948 йили Фултонда Черчил яна бизга қарши навбатдаги хуружини бошлади. Бундай вақтларда Ғафур Ғулум жавоб қилар, навбатдаги сиёсий лирика намунасини яратарди. Бу гал мен ҳам жавоб қилгим келди. Ўша пайтда радиога диктор бўлиб ишлардим. Ўша куни тунда уйга қайтар эканман «Ит хуради, қарвон ўтади» шеърим туғилди, уни «Қизил Ўзбекистон» газетаси босиб чиқарди. Эртасига газетанинг ўша сонини кўтариб Ғафур ака кириб келдилар. «Яxши айтибсан, бола, зўр айтибсан» дедилар.

Мен ҳам ёшлар асарини ўқишга эринмайман. Билъакс, ўқимай туролмайман, ўқисам ёшлигим ёдимга келади, қайта яшараман. Чунки у асарларда ёшлик сабоси эсим туради. Ёзда Шукур Қурбоннинг яxши достонини ўқидим, ёқмади, дедим. Кутмаган экан, бирдан юзи-кўзини ҳайрат босди. Асар муҳим мавзуда, ҳозирги кунимизнинг долзарб масаласи — ошқоралик ҳақида, кичик бир қишлоқдан чиққан кичик бир шоирнинг катта бир шаҳарга келиб чеккан катта азоблари, бераҳм, манман одамларнинг, бепарво раҳбарларнинг адолатсиз муносабатлари туфайли аламини майдан олабослагани, ниҳоят ўзи яшаётган замонга, одамларга ишончсизлиги ҳақида. Асар бошдан-оёқ йўғи, алам, изтироб, алдамчиликларга, жаҳолатга, жоҳилларга, манфаатпарастларга нафрат билан тўлган. Аммо булар ёш қаламқашнинг тушкун ҳолати орқали берилади. Авторнинг граждонлик нуқтаи назари «кўзёш» билан ифодаланади. Менинг назаримда, автор қаҳрамони кечирган ҳолатлар китобхонни ишонтиролмайдми. Муаллиф бу мулоҳазаларимни тан олмади. Назаримда, ошқораликни баъзан нотўғри тушунаётганга ўхшаймиз.

— Сиз асосан шоирсиз. Шеърят бўстонида ўз боғингиз, ўз овозингиз, созингиз, ўрнингиз бор. Қирқ йилдан ошиқ ижодингиз давомида замондошлар кураши, орзу-ўйини жўшиб куйладингиз. Сизнинг бу соҳада муттасил ижодий изланишда эканингиз, туркум шеърларингиз, қўшиқларингиз, эпик асарларингиздан кўриниб турибди. Аммо илҳом гаши билан драма, опера либреттоси, киносценария жанрларида ҳам қалам тебратиб келдингиз.

Туроб ака, бошқа жанрлар билан «уралашиб қолиш» шеърят бобидаги изланишлар, поэтик нафсиётлар қилиш йўлидаги ташвиш ва уринишларга ҳалақит берган ҳоллари ҳам бўладими! — Бўлади, жуда бўлади, Ғафуржон. Шундай мавзулар зўрлаб келадики, ундан қочиб қутулолмайсан. Шеърятни ташлаб драмага, кинодраматургияга ўтиб кетган йилларимда ким билсин, қанча-қанча сўлим шеърлар, туркумлар, достонлар нобуд бўлгандир, аммо дўстларимнинг роман қиссалари сингари менинг ҳам бу орада сахна асарларим, кинофильмларим пайдо бўлган: «Қариқиз», «Қизбулоқ», «Момо ер», «Зулматдан зиё», «Нодирабегим» («Қувваи қаҳқаҳа»), «Қабул кунини», «Маликаи айёр», «Муҳаббат ҳукми», «Қаҳр», «Мафтунингман», «Фурқат», «Шашмаком»... Қизиги шундаки, барибир, уларнинг кўпи назмда ёзилган. Демак, шеърни ҳам бир томондан «хаффа» қилмабман. Лекин айтганингиздай, шеър — бу шеър, у қон билан кирган, у ҳамиша хумор қилиб туради. Масалан, сўнгги асарим мавзуи фожиавий достон бўлиши керак эди: «Муҳаббат ҳукми». Буни мен хаёлимда жуда узоқ кутариб юрдим. Қаҳрамонларим бор одамлар эдилар. Ғоят юксак, пок, самимий, қаттиқ севги қурбонлари Собитхон билан Муаззамхонлар фожиаси эди! Хаёлимда бир неча жанрга солиб кўрдим, бўлавермади. Ниҳоят вақт етди, насрда қоғозга тушди, шеър мисраларининг қурби етмади. «Нодирабегим» фожиаси эса, шеърга туша қолган эди. Ким билсин, бу ҳам ўзи қизиқ нарса, ўнг келмагандан кейин бўлавермади. Тенгдошларим орасида шеърга «ланд» бермаганлари қолмади, назаримда. Ҳатто Рамз ҳам драматургияга ўтиб қайтди. Тажрибалардан қараганда шеър бошқа жанрларнинг олтин кўприги.

— Атоқли Литва шоири, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эдуардс Межелайтис: «Енишсиз ва ҳаяжонсиз ҳеч қачон том маънодаги ижод бўлган эмас. Изланишлар бу — нигилизм ҳам, энг яxши аъёналарни назар-писанд қилмаслик ҳам эмас. Изланишлар бу —

космик таъбир билан айтганда, янги кенгликларни, уфқларни, инсон ва тарих, инсон ва давр ўртасидаги янги-янги алоқаларни излаш демакдир. Шу изланишлар туфайли «шеърятда синтетик воситалар, аллегоризм — мажозийлик, муболағадорлик, йирик умумлашмалар ва аналитик фикрлар кўпайди. Эндиликда ёзувчи оддий турмуш икир-чикирларидан кўз кўрмаган ва қўлоқ эшитмаган, одатдан ташқари ва романтик нарсаларни кўпроқ изламоқда, шоир эса кундалик воқеа-ҳодисалар моҳиятидан ўзига хос алоҳида гўзаллиги билан тасаввуримизни ҳаяжонга солувчи поэтик шакллар яратмоқда» — деб ёзади. Бу ҳол ўз навбатида ёзувчини жуда бой бадиий ҳазина бўлмиш халқ оғзаки ижодиға, классикларға, қардош адабиётларға ҳар қачонгидан ҳам қунт ва эътиқод билан мурожаат этишға даъват этмоқда.

Тўғри, бу борада ҳам анча мураккаб босқичлар босиб ўтилди. Фольклорга қуруқ сунъий тақлид қилиш, стилизация йўлидан борилган пайтлар ҳам бўлди. Аммо ёзувчиларимизнинг фольклорга мурожаати, улар ижодиға халқ ижоди элементларининг сингиб бориши, фольклор сюжетиға, унинг поэтик элементларига янги мазмун, янгича сайқал бериш натижасида шундай ажойиб, юксак бадиий асарлар пайдо бўлдики, эндиликда булар адабиётимизнинг бой ҳазинаси бўлиб қолди.

Ҳамзанинг машҳур «Майсаранинг иши» асари, Ҳамид Олимжоннинг фольклор сюжетида яратилган дostonлари, Фафур Ғуломнинг «Шум бола»си, Миртемирнинг халқ шеърятини йўлида ёзган қўшиқлари бу борада ибрат бўла олади.

Сизнинг драматик асарларингиз «Қиз булоқ», «Қари қиз»даги романтик тасвирлар, шартлилик, янги воқеликни таъсирчан бир усулда кўрсатиш учун танланган ижодий приёmlар халқ ижоди услубига ҳам яқин туради. Қўшиқларингизнинг аксарияти эса халқ қўшиқлари оҳангига яратилган, ундаги поэтик образлар янги бир мазмун берилган ҳолда таъсирли манзаралар яратилади. «Янги ер алласи», «Сабо», «Омонёр», «Ойдинмидинг», «Олтин сандиқ», «Йўлларим», «Ленин шарофати», «Уч дугона» қўшиқларингизда айниқса халқ шеърятини руҳи аниқ кўринади. Бу борада «Янгра созиём», «Қанотлан қўшиқларим», «Оромижон», «Гулёр», «Хаёлим сенда», «Куйлатиб қўйдинг мени», «Жигаргўшам» сингари китобларингиз ўзи бир ҳазина.

Шу маънода ана шу қўшиқларнинг яратилиши ва умуман ёзувчининг халқ шеърятига бўлган муносабати хусусида сўзлаб берсангиз.

— Сиз бу саволингиз билан менинг дардимни яхши топдингиз. Менинг ижодий ўсишимда халқ оғзаки адабиётининг таъсири катта бўлган. Мен бувам билан бувимнинг қўлларида катта бўлганман. Бувим Офтобхон оймнинг хаёллари тўла чўпчак, эртақ бўларди, Гўрўғли эртақларини назаримда, ҳаммасини билгувчи эдилар. Уларни шундай айтардиларки, ёлғиз менмас, бувам Шарофхўжа бова ҳам ҳамма юмушларини ташлаб тинглардилар. Бувам бўлсалар яхши қўшиқ айтардилар, отда, мени орқаларига мингаштириб олиб Тошкент билан Турбатнинг узоқ Етти Ҷоғора сойини қўшиқ билан қисқартар эдилар. У кишининг талаффузлари мажозий, рамзий (буғун ўйласам албатта), образли сўзларға тўла бўларди. Бунинг устиға дадам саводли, Бедилхон эдилар. Булар ҳаммаси ҳамон хаёлимда. Балки шунданми, биров нотўғри талаффуз қилса, нотўғри ўқиса, оҳангни бузса ғашим келади. Ҳатто аруз оҳанглари ҳам ўшандан қолган бўлиши керак менда. Шеърларимдаги халқчиллик, халқ ижодиға мойиллик мана шундан бўлса ажаб эмас. Миртемир домла бетоб вақтлари эди. Кўргани борсам «Ойбулоқни яхши айтибсан, ўзингникими ё Турбатникими» деб илжайдилар, кейин «Турбатнинг шиқбулоғини жуда айтибсан» деб қўшиб қўйдилар. Турбатнинг кираверишида бир булоғи бор эди, қозоқлар «Шиқбулоқ», биз «Чиқбулоқ» деб қўшиқ айтардик унинг атрофида. Уни ўқиб беришимни сўрадилар. Уқидим:

Оймўма чўмилган Ойбулоқ,
Ойбулоқ, кўнглимни ёй, булоқ.
Куйлаган тилинган ўргилай,
Анвойи куйларға бой булоқ!..

Тағин мақтовға сўз қидирдилар чоғи, жим бўлиб қолдилар. Кейин чуқур нафас олиб, «ҳар нечук, Турбатники» деб жилмайдилар. Бу — мақтовми ёки танқидми — тушунмадим. Аҳволимни сездилар шекилли, «йўқ» дедилар, қўшиқ шунақа бўлиши керак, сеникимми, халқникими, билимай кетиши керак. «Танавор»ни биласан-а, кимники? Лекин у кимнингдир шеъри. Халқники бўлиб кетган...»

Миртемир домланинг билгани-билган. Ёзувчи ўз халқининг мулкини — оғзаки ижодини яхши билиши керак. Бу уни китобхонға яқинлаштиради, халқ — китобхон ўз тили, талаффузини эшитиши билан унга ўгирилиб қарайди, тўхтайтиди, ўқимасдан ё тингламасдан ўтмайди. Фафур Ғуломнинг, Ҳамид Олимжоннинг, Усмон Носирнинг, Абдулла Қаҳҳорнинг халқ орасидаги шуҳрати кўп жиҳатдан шу билан боғлиқ. Пушкин энагаси Арина Радионовнанинг эртақларини тинглаб тонг оттирар экан, «Эсиз, нега мен буларни аввалроқ билмаган эканман» дейди. Арина Радионовнанинг дафн маросимида Пушкиннинг ҳамма дўстлари келади ва гапларида «минг бор шуқрлар бўлсин-ким, Радионовна пинжида Пушкин бор экан. Унинг эртақлари буюк асарлар ёзишиға сабаб бўлди», дейишади. Аксаков: «Буюк рус китобхонлари номидан Арина Радионовна шаъниға сабаб бўлди», дейди қаттиқ ҳаяжонда. Ҳақиқатан ҳам халқ оғзаки адабиёти халқ донишмандлиги хаёлларға бой, битмас-туғунмас.

1978 йили «Суюк Момо» дostonи нашрдан чиқди. Мен бу дostonға халқ оғзаки адабиётининг жуда кўп турларини ўқиб, ўрганиб етиб келдим, адабий қаҳрамоним Норчучук Бозорбой қизи воқеасини 1924-жанговар йиллар тўфонидан, уни машҳур баҳши Фозил Йўлдош ўғли бошлаб тугатолмай кетган дostonлари орасидан топдим ва унинг дўмбираси оҳангига давом эттирдим. Унинг ҳар бир воқеаси — боби учун халқ дostonларининг энг халқчил вазнларини, туроқларини, қофияларини тандадим. Ҳар бир бобини бирон халқ афсонаси билан бошлаб, романтик йўналишда тугаллаб бордим. Тўғри, тарихимизда бундай жасоратли аёллар кўп бўлган. Кайхусрав лашкарини гўрға тикқан Тумариснинг жасорати маълум. Мен Норчучук-Бозорбой қизининг таржимаи ҳолини ўрганигим сайин кўз ўнгимдан ана шу сингари аёлларимиз жасорати жонланаверди.

— Қалбингизнинг бир парчасига айлиниб қолган ана шу асар — «Суюк момо»нинг ёзилиш тарихи ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Ростини айтсам, Фафуржон, менинг жуда узоқ битмай ётган ярамға туз сепдингиз. Мен бу

асаримнинг ҳамкасбаларимда аллақандай хурсандлик уйғотар деб кутган эдим. Бироқ, бу орзумни ўқувчиларимдан топдиму касбдошларимдан топмадим. Чунки бу асаримни (атайлаб «асаримни» деган сўзга урғу бериб айтаётиман) алоҳида илҳом, алоҳида завқ билан ёзганман, ҳеч ким қалам урмаган услубда — халқ бахшилари услубида бир дунё ҳавас, ҳафсала билан ёзганман. Эътибор берган бўлсангиз, ўқиганингизда, халқ дostonларининг деярли, барча услуб ва йўлларини қўллаб кўрганман, ўзимча, (ҳа, ўзимча) воқеаларни драматик воқеаларни анъанавий тасвирлардан ташқариқроқ, узоқроқ туриб, Сиз кўрган тасвир, янгича тасвир усулида ҳикоя қилувчи қатнашчилар тилидан ҳикоя қилганман. Даста-даста хатлар олдим, лекин адабий «махаллалардан»мас.»

Фозил Бахшнинг Самарқанд, Ойқор, Қўйтош тизма тоғлари дараларидаги босмачи тўдаларининг сўнги қўйқалари билан тўбалашган бир Аёл тўғрисида бошлаб тугатолмай қолган достони ёдимдан чиқавермади. Йиллар ўтди. Самарқандга ўтсам хаёлимга келаверарди. Ниҳоят бир сафар Жомбойда тушиб қолдим, Ғаллаорол районидан эски комсомол, босмачиларга қарши курашган, ер ислоҳоти олағовурининг гувоҳи, Абдусаттор Мирзакаримовни топдим. Икки от олиб йўлга чиқдик, бизни Навқабулқода Норчучук аянинг ўғли билан бир неча мўйсафидлар кўтиб олишди. Абдусаттор ака мўйсафидлар — аянинг сафдошлари билан таништирди. Улар шундай қувноқ, дилқаш, азамат оқоқоллар эдиларки, дostonнинг услуби ўша куниеқ туғилди. Етти қария билан етти оқшом суҳбат кўрдим. Кундузлари улар ҳикоя қилган жойларни айландим. Воқеа содир бўлган дараларни, ниҳоят, ая дафн этилган қабристонни зиёрат қилдим. Қабр устида тунукадан қирқиб ўрнатилган Қизил Юлдуз, тагида «Бу ерда 1924-йили босмачиларга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган Норчучук Бозорбой қизи дафн этилган» деб араб алифбосида ёзиб қўйилган. Шу икки жумлани ўқиганимдаёқ мен излаган нарсамни топганимни сездим, қаттиқ хаяжонландим.

Асарнинг биринчи варианты ҳам, иккинчиси ҳам, учинчиси ҳам бориб етти мўйсафидга ўқиб бериб турдим. Сўнги варианты олиб борганимда улاردан уч киши қолган эдилар, холос. Муғолик қувноқ мўйсафид Умар ота Жайноқов, ўсмадлиқ Неъматилла бобо Қаршибоев ва қорақишлоқлик Ашурали бобо Бегимов.

Асар-ку битди. Журналга берарман, китоб бўлиб чиқар. Аммо уни қадрига етадиган бирон киши ўқишини истардим, аввал. Бирдан кўз ўнгимга синчков, билимдон, устоз бир олим келди. Ва унга кўтариб бордим. Бироқ у қўлимдан қандай совуққонлик билан олган бўлса, шундай совуққонлик билан қайтариб берди икки кундан кейин. Ҳеч нарса демади, лоқал шундай афсонавий қаҳрамон аёлимизни топганимга ҳам қизиқмади. Асарнинг фольклор услубида ёзилганига ҳам, етти қаҳрамоним бу аёлни етти рангда тасвирлаб берганига ҳам қизиқмади. Мана сизга адабиётшунослик илмининг, адабий танқиднинг ҳозирги адабиётимизда кучли бир йўналиш тусини олган адабиёт ва фольклор муаммосига муносабати!

Фақат самимий муносабатларгина ривожлантиради адабиётни, санъатни, маданиятни!

— Сиз Ўзбекистон Ёзувчиларининг IX съездида сўзлаган нутқингизда яратилаётган кўпчилик қўшиқларнинг умри қисқа бўлаётганини, халқимиз дилига бориб етмаётгани ҳақида гапирдингиз. Бугунги айрим шоирларимиз, композиторларимиз халқ қўшиқлари текстига, унинг оҳангига энгил-елпи, сунъий тақлид қилаётганликлари ҳам сабаб бўлаётганмикан!

— Менимча, қўшиқнинг муваффақиятли чиқишига асосан тўртта сабаб бор, биринчиси — қўшиқчи шоирнинг ёзгани композиторга, уни ижро этадиган хонандага маъқул тушиши керак. Иккинчиси — композитор у шеърга мос музика ёза билиши керак. Учинчиси — уни ижро этадиган хонанда тўғри танланиши керак, тўртинчиси — бу хонанда уни қиёмига етказиб ижро этиши керак! Биласизми, Ғаффоржон, қўшиқ ўзи адабиётда алоҳида жанр. Уни баъзилар тан олишмайди. Шеърнинг бир шакли дейишарди. Шунинг учун унинг «уруғи»; «бемаза»лари кўпайиб, эглаб бўлмапти. Ана шу «уруғ»лар қўшиғимизнинг обрўсига халал берапти. Агар қўшиқ ҳақиқий қаламда бўлса, халқона бўлса, теран, рангин, самимий, дилбар бўлса тан олишади, албатта. Унинг ниҳоятда мавзун шакли, вазни ўз аломати бор, унинг мисраларида ана шу мавзунлик титраб туради. Мён буни ҳис қилганимда биламанки, шоирлик менга машғулот ҳам, касб ҳам эмас экан, шоирлик менинг қисматимга тушган «бало» экан. Одамлар буни ҳис қилмаганларида, тушунмаганларида, мавзуи муҳуму, бадиий даражаси ночор, новаторноя саёз «асарлар» ёзиб, қўшиғимиз ғалладонини тўлдириб ташлаганларида, бундай муҳим соҳага нақадар бепарволик билан қараганларида ҳайратдан бетиб юраман! Шунда Норбойнинг «Ёшлик»да баъзи ночор шоирларга тўғридан тўғри «нега шеър ёзасан» деб китобларини «йиртиб», уни нашр этган муҳаррирларни «тошбўрон»га олганига қўшилиб кетаман, Умаралининг Усмон Азимов хатига қаттиқ азоб билан ёзган жавобига қўшилиб кетаман! «Сунъий тақлидга» келганимизда, тақлиднинг сунъий — носунъийси бўлмайди. У тақлидми, демак, ёмон. Бироқ, бундай «қўшиқ»ларнинг ҳозир «канал»лари кўпайиб кетган. Тутиб бўлмапти. Телевидение билан радионинг ўзида бир неча «канал», концерт ташкилотларига-ку тараф йўқ. Бу ҳол қўшиқ санъатимизнинг ривожини учун катта фалокат. Илгарилари Ҳамроқулқори, Ҳожи Абдулазиз, Тўйчи ҳофиз, Домла Ҳалим Ибодов, Абдулла тароқ, Шерозий вақтларида бундай ёмон, «сунъий тақлид» қўшиқлар бўлмаган. Бунга ҳофизларнинг ўзлари йўл қўйишмаган. Шунинг учун уларнинг қўшиқлари бизгача етиб келган. Албатта бизнинг давримизга келиб қўшиқ санъати илгарилаб, ҳатто унинг қабул қиладиган Бадиий советлари ҳам кўпайиб кетди. Назаримда, ана шу бадиий советларни марказлаштирмоқ керак. Телерадионинг ҳам, театр, концерт ташкилотларининг ҳам, грамзапис студияларининг бадиий советини ҳам бир жойга, менинг назаримда, композиторлар союзи теваарига марказлаштириш зарур. Шундагина қўшиқ санъати тартибга тушади, унга сон киради. Саёз, жўн, нурсиз, бачкана «шеър ва музикалар», оз бўлса ҳам, барҳам топади. Бунинг учун юқорида номи мубораклари қайд этилган ташкилотларнинг раҳбарлари кўпроқ қизиқишлари лозим.

— 1981 йилда прозада биринчи тажриба — «Етти зоғора ҳангомалари» номли қиссангиз эълон қилинди. Асарда она диёр, аждоқларимизнинг эзгу орзулари, уларнинг беғубор қалби, халқ донишмандлиги, табиат ва унга муносабат ҳақида нақл этилади. Асар жанр ва услуб эътибори билан янги кўринишга эга. Унда халқ ижоди жанрлари ва ёзма адабиётнинг синтезлашган намунаси намойён бўлган. 1965 йил нашр этилган «Шеърлар» китобингизга ёзган «Саҳро сандиғидаги

забаржад» сарлавҳали автобиографик йўналишдаги сўзбошингизда болаликда кўрган-кечирганларингиз, сиз туғилиб ўсган Турбат қишлоғи, унинг баланд тоғу қирлари, машҳур Еттисойдаги етти булоқ, унинг Етти зоғора деб аталиб кетгани ҳақидаги ривоятлар баёни берилган эди. Қисса ҳам ана шу воқеалар тасвири билан бошланади. Аслида «Болалик», «Ўтмишдан эртаклар», «Кўрган-кечирганларим» сингари автобиографик асарлар ёзишни мўлжал қилган эдингизми?

— Асарни менинг «Болагим» деса ҳам бўлавереди, Гаффоржон. Чунки, ундаги ҳикоянинг даярли ҳаммаси бошимдан кечган гаплар ёки кўрган-билганларим.

Мен узоқ вақт насрга ўтолмадим, нима бошласам шеърий мисралар келаверди. Мақолаларимни, очеркларимни, публицистикаларимни кўрган дўстларим: «Тенгдошларинг ҳаммаси прозага ўтиб кетишди, олдингалари бир-икки қисса, романлар ҳам ёзиб қўйишди, сен қачон ўтасан», дейдиган бўлишди. Хусусан Пўлат Мўмин, Латиф Маҳмудов, Носир Фозил сингари ҳамфикрларим «ўт қўйиб» ичимни қиздиришарди. Бир куни Пўлат: «Бўлмасам анави айтганларингизни менга беринг, мен ёзаман», деб қолди жиддий. Шу ерда қизганчиқлигим тутди-ю, йўқ, эртадан бошлайман, дедим. Шундай дедиму бошламасам бўлмай қолди. Ўзи ҳам кўпдан бери пишиб юрган экан шекилли, қўйилиб келаверди. 1980 йилнинг охирида бошладиму, келгуси йилнинг ўрталарида тугатиб ўрнимдан турдим.

Турбат, ўзгаларни билмайман-у, менинг дардим, кўзёшларим, қувонч ва беқиёс муҳаббатим. Унинг афсоналари ҳам, эртаклари ҳам, чўпчалари ҳам, ақидалари ҳам, ривоятлари ҳам фақат меникидек! Китобга нима тушган бўлса ҳаммаси тўғри. Чунки, болагимда эшитганларимни ёлгон деяёлмайман. Улар мени тўғри, ҳалол гапга, одамларни севишга ўргатган. Уша «Тешиктошлар» ҳам, «Қайнарбулоқ»лар ҳам, ўша Ҳадянинг аччиқ муҳаббати ҳам, «Гунала тегидаги жилд» ҳам, «Тешиктош сайли», «Қилчкўз бургут» билан «Севиқли зоғча» ҳам, одам сингари кўча четидангина юргувчи дўнан ҳам, ҳамма-ҳаммаси рост, ҳаммаси эсимда. Менда, менинг феълимда қанақаки фазилат рўй берган бўлса ҳаммаси шундан!

— Демак, асардаги Шоди бақирок, Сирвой қарақчи, Бахшилла маҳсум, Хайри, Етим, Тощемирлар реал шахслар, шундай эмасми!?

— Ямоқчибойғача, тухуми зўр бола, ҳатто Бодом бека, Асилбек бувағача! Фақат баъзиларининг номларигина ўзгарган. Буни уларнинг неварачеваралари ранжимасликлари учун қилдим. Баъзиларининг ўзлари ҳам ҳаёт.

— Асарда ибратли ҳаётий воқеалар, халқ донишмандлиги билан йўғрилган афсона, ривоят ва эртакларнинг мазмуни билан қоришиқ ҳолда тасвирланган. Буларда шу куннинг маънавий-ахлоқий масалалари билан боғлиқ бўлган фалсафий манتيқ сизиб чиқарилади. Ҳарҳолда асарда ривоят ва афсона мазмунига кўп мурожаат қилишингиз бежиз бўлмаса керак.

— Албатта. Қаламга олинган мавзу замонга, давр идеалларига хизмат этсагина адиб ўз ижтимоий бурчини ўтаган бўлади. Зотан, адиб бугунги куннинг дастури, бугунги ҳаётнинг фаол иштирокчисигина эмас, унинг курашчиси ҳам. У қаламга олган мавзу қайси даврга тааллуқли бўлмасин — замонавийдир. Масалан, «Тешиктош» афсонасини олайлик. Албатта, у афсона. Лекин унинг келиб чиқиши ва аҳоли наздида мўъжизага айланиши бежиз эмас. Унинг мағзида халқ тўқиган муҳокама, ҳалоллик, эътиқод мавжуд. Ҳар наврўз бутун қишлоқ унга, у пайдо бўлган сойга кўчиб чиқади, «Тешиктош»дан бир-бир ўтади. Йил бўйи бирон бир нопок, носоз иш қилган бўлса у одамни Тешиктош қисиб қолади, жамоат ўртасида шарманда қилади. Шунинг учун у гуноҳкор одам ўзининг нопоклигини, қилган ёмон ишини аввалдан билгани учун Наврўзга чиқмайди, шарманда бўлишдан қочади, қишлоқдан бошини олиб чиқиб кетади. Ҳар йили наврўзда қишлоқ нопоклардан тозаланиб туради. Ҳали айтганимдай бу албатта афсона, аммо ҳақиқий ҳалолликка хизмат қиладиган афсона, кунимизнинг маънавий ва ахлоқий мақсадларини ифода этадиган ривоят, донишманд халқ ривояти.

— Ижодингизда тарихий шахслар тақдирини ҳам муҳим ўрин тутди. Мен бу ўринда Фурак образини талқин этилган киносценарий ва шоира Нодира ҳақидаги драмангизни кўзда тутаман. Нодира ҳақида бир эмас, иккита музикали драма яратилган. Шунга қарамай жуда узоқ вақт сарфлаб «Нодирабегим» драмасини эдингиз. Бунга туртки берган нарса нима! Бу бетакрор сиймо ҳаётининг қайси нуқталари сизни кўпроқ жалб қилган эди!

— Санъатимизнинг нодира санъаткори Сора Эшонтўраева Нодирабегим ҳақида бир пьеса ёзиб беришимни сўрадилар. Мен албатта, бу катта санъаткорнинг бошқа катта драматурглардан ўтиб менга мурожаат қилганларидан қувондим. Бажонидил рози бўлдим, лекин «мен устозларни босиб ўтолмайман» дедим. Опа мендан аввал уларга мурожаат қилганликларини, улар ваъда қилиб, устидан чиқмаётганликларини, шунинг учун менга мурожаат қилганликларини айтдилар. Лекин барибир, бу таклифга кўниш одобдан эмас эди. Ҳамза театри расмий хат билан Маданият министрига коллегиясига мурожаат қилди. Министр бу масалани охирига етказиб, маҳсус қарор чиқарди. Ниҳоят ишга тушдим.

Бироқ, бу масаланинг тағин бир жиддий томони бор эди. Нодирабегим наинки малика, у шоира. Қўқон хони Умархоннинг завжиси эди. Шунинг учун масаланинг барча томонларини синчиклаб ўрганиш керак эди. Албатта бу даврни тадқиқ этган олимлар, адабиётшунослар, тарихчиларимизнинг илмий тадқиқотлари, Нодирабегим даврдошларининг бадиий асарлари, ҳатто шоир Нодир сингари шоира теварагида яшаб, ижод этган, унинг фожиясига гувоҳ бўлган қалам аҳлларининг «Ҳафти гулшан»дек дostonлари бор эди. Ниҳоят, шоирани кўрганлар оламдан ўтган бўлсалар ҳам уларнинг фарзандлари, у ҳақда билган, эшитган одамлар бор эди.

Ниҳоят, бу кунга қадар адабиётимизда пайдо бўлган «Навой», Мирзо Улуғбек сингари асарлар ва бу асарларнинг дунёга келишларида муаллифларнинг бой тажрибалари, тарихга бўлган ҳам илмий, ҳам ижодий муносабатлари бор эди.

Бу аллақачонлар солинган ва кўплар ўтган йўл бўлса ҳам, лекин барибир, Нодирабегим шахси ҳеч қайси тарихий сиймога ўхшамасди, ғоят мураккаб ва ғоят чалкаш эди.

Шоира муҳитини ўрганиш, у давр шоирларини ўқиш, ҳақи айтганимдек, шоира замондошларининг у ҳақдаги фикрларини бугунги илмий тадқиқотлар билан чоғиштириш, ниҳоят, шоира ўтган жойларни пиёда кезиш, бедилхон, навойхонлар орасида оқшомлар ўтказиш Нодирабегимнинг ҳақиқий шахсини аниқлашга катта ёрдам берди. Чархий домла бундай одамларни топиб бердилар,

Қўқондан бутун Фарғона бўйлаб, то Ўзгангача бордим, йўлда дўстларим Шўхрат, Воситлар мени зериктиришмади. Бу кезишларда Нодира шахси, ўғли Мадалихон ва Бухоро амири Насруллохон муносабатлари, Нодирабегимнинг бу ниҳоятда мураккаб муносабатларга қараши тағин ҳам оидинлашди.

Бизнинг тарихимизда, айниқса, сарой муҳити адабиёт билан, санъат билан қоришиқ бўлган. Шоир билан хон, шоира билан малика, тамомила гоёвий жиҳатдан бир-бирига зид бўлган қисматлар яшаганлар. Умархон шоир бўлган, Нодира уни устоз санаган, Умархон ҳам Нодирани наинки малика, шоира сифатида ҳам қадрлаган. Аммо, Умархоннинг давлат юмушлари нуқтаи назаридан тутган йўли, тадбири, халқ манфаатларига нисбатан муносабатлари Нодирабегимга ботмаган, кўп масалаларда халқ билан хон орасига тушган. У Умархонни ёстиқдоши сифатида қаттиқ севади, лекин бу муҳаббат хоннинг халққа зид ишлари, қарашларига норозилигини очиқ билдиришига монелик қилмайди. Бундай мураккаб ҳолат Умархон ҳалокатидан кейин тахтга ўтирган ўғли Мадалихоннинг телба-тесқари ҳаракатларида янада чуқурроқ давом этади. Мана шундай қилиб, буюк шоирамиз бир умр жоҳиллик билан одиллик орасидаги курашларда ёнди, ўртанди, ниҳоят фожиа юз берди.

Буюк шоирани ана шу кукунлар орасидан покдомон қилиб олиб чиқиш керак эди. Мен бу вазифага киришишда, кўз ўнгимда ҳаммиша Хусайн Бойқаро саройи муҳити ва ундан халқи бағрига омон қайтган улуғ Алишер Навоий турди.

Драматургия жанри биринчи навбатда сахнани, унинг қонун-қоидаларига риоя қилишни, томошабиннинг диққатини камида икки соат тута билишни кўзда тутлади. У бошқа жанрлардан ана шу мураккабликлари билан ажралади. Нодирабегим фожияси бу жиҳатдан ёзувчини қийнамайди. Лекин қайси томонини асос қилиб олиш керак, шоиралиги, албатта, биринчи ўринда туради, бироқ, унинг ҳаёти доволари тамомила қарама-қарши курашлар билан тўлиқ. Қайдан бошлаб, қайда тугатилади? Олдинги тарихий драмалар сингари унинг биографиясига суягноқ керакми? Йўқ, мен у аънаданан воз кечдим. Умрининг бир кеча-ю бир кундузини танладим, умрининг охирини, адолат учун кураши фожиясини. Ва тўғри қилдим, назаримда.

Икки сахнани ўзим кўшдим. Нодирабегимни Бухоро амири билан Қўқон қамали вақтида учраштирдим. Шоиранинг қамал ҳолати ва жасорати буни тақозо қилар эди. Бу менга шоиранинг бутун ҳаёти мазмунини мантиқан ифода этиш учун керак эди. Ватанини, халқини ёвузликдан ҳимоя қилишга ёлғиз чиққан жасоратли аёл душман билан юзма-юз келмаслиги мумкин эмас эди. Иккинчи кўшганим, кўзғолончилар сардори Ҳожи Дарға образи ва унинг тоғ сахнаси. Бу ерда ҳам Нодирабегим ҳақ чиқади, амирнинг Қўқонга албатта, кира олишини ҳис қилган Нодира унга, халққа ёрдам сўраб қирмаслиги мумкин эмас эди, боради.

Драматик асар сахнада туғилади, деган гап юради орамизда. Бу нотўғри. Асар ҳамма адабларнинг асарлари сингари ижодхонада туғилади, театрда сахналаштирилади, жуда кўп ажойиб тўқнашувлар санъаткорлар баҳсларида очилади, янги сахналар, янги диалоглар, монологлар... «Нодирабегим» 180 бетда театрға борди. 60 бети сахнага чиқди. Бу кўриш учун. Биринчиси ўқиш учун.

— **Ҳали суҳбатимиз давомида Нодирабегим образини Сора Эшонтўраева яратишни орзу қилганлари ҳақида гапирдингиз. Лекин аслида бундай бўлмади-ку. Бу образни Яйра Абдуллаева яратди. Сабаб!**

— Нодирбегим образини ўзининг аввалги Жамила, Офелия, Дездемона, Гули сингари ажойиб ва суюкли қилиб яратмоққа шошилган Сорахоним орзуларига келганда, бу ушалмади. Асар зудлик билан битган бўлса ҳам, ўн йилдан ортиқроқ маълум «қаватларда» қолиб кетди, узоқ ўқилди, Нодирабегим «қиёфаси» ҳам кўп кишиларни ўйлантирди, унинг хон Умархонга муносабати, Бухоро амири Насруллохон билан ораларидаги қарама-қаршилиқлар, диний ақидаларга муносабатлар ва ҳоказо-ҳоказолар. Асар бахона уларнинг эсларига шоиранинг «шоирлар хиёбони»даги бюсти тушди-ю, «нега бу ерда турибди бу малика» деган масалалар кўтарилди. Асар тағин орқага сурилди. Шундай қилиб, 50 ёшли шоира ролини ўйнашга отланган 60 ёшли санъаткоримиз етмишга бориб қолдилар-да, уни ижро этиш бошқа санъаткорга насиб бўлди.

Бадий асар қисмати албатта муаллифининг ихтиёрида, қандай ёзади, қандай тугаллайди, аммо унинг китобхонага ёки томошабинга етказиши ўзининг қўлида эмас, унинг тақдирини кўп ҳолларда омилиқ, афсуслар бўлсинки, ҳатто свамимият билан носамимият ҳал қилади. Бу сингари «фази-лат»лар ҳукмрон жойда на ватанпарварлик ва на ифтихор тирик. Қайта қуриш, соғломлаштириш даври, ишончимиз юмиллик, бу иллатларга барҳам беради. Бироқ, у ҳамон осонликча жон бераётгани йўқ.

— **Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик кенг қулоч ёйган шу кунларда ижодкорнинг масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда. Бу борадаги барча машаққатли меҳнат, изланишлар ижодкорнинг санъати, маҳорати масаласига келиб тақалади. Фаол ижодкор, айна чоғда драматург сифатида шу кунги театр санъати, драматургиямиз, умуман, маданий ҳаётимизда қайта қуриш қандай кетаётгани ҳақида ўз фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Бошқа тенгдошларимни билмайман-у, лекин менга жуда кўп қўлёзма келади. Ҳаммасини ўқийман, қандай аҳволда бўлмайин албатта ўқийман ва-жавоб ёзаман. Ҳамма ҳам шундай иш тутай деб ўйлайман. Улар менга халал бермайди, билъакс ёрдам беради, бу ҳатларда, қўлёмаларда мен одамларнинг нимагадир интилишларини кўраман. Китобхон ҳозир зукко, билимли. Қўлёмалар орасида драматик асарлар ҳам кам бўлмайди. Мен уларни тез варақлайман. Чунки театрларимиз асарга чанқоқ. Репертуар папкалари қўп-қуруқ. Уттизта театр бир йилда лоақал тўқсонга асар қўйиши, шундан лоақал ярмиси, ярмиси бўлмаса ҳам чораги янги бўлиши керак. Афсуски, қўлёмаларнинг камдан кам «тирик» чиқади. Уни меъёрига етказиш нақадар мушкул. Ҳўш, меъёрини ким билади? Менинг назаримда меъёрни ҳар бир илмий санъаткор ажрата олиши керак, албатта, агар у ҳақиқий санъаткор бўлса, билим туйғуси, билим ҳисси ўлмаган бўлса! Шу ерда шаккоклик қиламан узр сўраб: Ҳамза театри спектаклларининг ҳаммиша меъёрида бўлишига ўрганганмиз. 29 театр мезонини у тутиб туради. Бирдан ана шу театр сахнасида бўш асар қўйилганини кўриб театршуносларимиз ҳам, томошабинлар ҳам ҳайрон қолишади. Агар бу ҳол бир эмас, бир неча марта юз берса нима қилиш керак? Айб кимда бўлмасин, санъат жўнлашиб кетади, жўнлашиб

кетган санъат кошонаси номини қандай қилиб «академик» театр дея олаемиз?.. Бу номни шунга муносиб иш қилган театрга бериш керак. Шунда балки санъат меъёри учун кураш жиддий бўлар. Бу гапни шаккоқлик дейиш мумкин. Лекин ғофил санъаткорларга бошқа қанақа гап айтиб бўлади. Масалан, шу 30 театр орасида бу номга муносиби ҳозир йўқ. Лекин шундай талантли санъаткорларимиз борки, улар билан ишлаш билиш керак. Ҳозир ҳамма областларни музикали драма театри босиб кетди, қайси раҳбарни қараманг ашула эшитишни истайди, драмани эмас. Бу нимадан, маданиятданми? Ҳар бир водийда биттадан музикали театр бўлса камлик қиладимми? Нима учун Фарғона, Андижон, Урганч, Бухоро ва Қўқон театрини музикали театрга айлантириш керак бўлиб қолди? Андижон, Наманган, Фарғона театрларидаги энг яхши хонандалар, хореография санъаткорлари, созандалари бир ерга тўпланса гўзал ва кучли музикали театр пайдо бўлиши мумкин эмасми? Республикамизга тўртта музикали театр ташкил этиб, қолганларини драматик театрга айлантирилса, қандай ажойиб санъат асарлари яратиш мумкин бўлар эди! Мен ҳалиги қўлёзмаларни ўқиганимда ана шуларни ўйлайман-да. Шу нуқтаи назардан улар билан маслаҳатлашаман. Кейин бу асарларнинг қаерда қўйилишини ўйлаб ҳайрон бўламан. Театрларимизнинг бадиий советлари муҳокамаларини тинглаб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, муҳокамалари меъёрига қараб таажжубланасан киши. Бир вақт Ғафур ака айтган гаплар ёдимга келади: «Палончига давлат вафо қилмади, трамвай ҳам, дўстлар, ўтди хотинсиз». Биз ҳайрон бўлиб сўраган эдик, палончига трамвайнинг нима алоқаси бор, трамвай ҳам хотинлик бўлиши кераки, қаёқдаги гапларни айтасиз-а, деб. Шунда Ғафур ака бизга қараб, қани айт-чи, ҳақиқатан ҳам трамвайга хотиннинг нима кераги бор-у, бу одамнинг театрга нима алоқаси бор, деб кулган эдилар. Адабиёт бошида ҳам, санъат бошида ҳам, умуман ҳамма ерда ҳам шу соҳанинг билимдон одамлари ўтириши керак, шунда иш юришади, шунда меъёр ўз ўрнини олади.


Тезкорлик билан қайта куриш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Илгари босилмай қолган кўплаб ёрқин асарлар нашр этилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин қанча вақт ўтди. Баъзи соҳаларимизни ҳеч гап ташрифта эрмайдиган даражада қурум босиб кетган экан. Менинг ҳам «Қабул қуни» деган драматик асарим бор эди, уни театрга тааллуқли бўлган ҳамма масъул раҳбарлар ўқиди, маъқуллашди, аммо иш жойидан жилмади, ўзлариникигина жилди, холос. Асар бугунги қайта куриш мавзуида, розолат чўки ётган муҳит ҳақида эди. Театр танқидчилиги пленумдан кейин пайдо бўлган бу асарни бугуноқ саҳналаштиришни талаб қилдилар. Газета, журналларда ёзишди, партия мажлисларида такрорлашди, лекин ҳеч қанақа эътибор берилмади. Хўш, ёзувчининг, адибнинг бурчи ҳақидаги гаплар қаёқда қолди? Ваъдалар, ваъзхонликлар, «бажарамиз»лар?.. Мана баъзи кишиларнинг адабиётга, санъатга, ўз граждандлик бурчига муносабати! Уларнинг минбардагина қўллари кўксига бўлади, аксарият чўнтақларида. Шахсга сифинишнинг оқибатлари, ҳадиксираб иш куриш ва ҳадиксираб яшаш нақадар сингиб кетган бадан-баданзимизга. Қачон ҳайиқмай яшаймиз, қачон ўзимиздан бошқа одамлар ҳақида ўйлаймиз, қачон вазифамизга сидқидилдан қараймиз, қачон халқ юмушини лоақал озгина сихатимиз ҳисобига, озгина уйқумиз ҳисобига, озгина манфаатимиз ҳисобига қилиб кўрамиз. Биз 30-йиллар болаларимиз. У вақтда, хусусан адабиётда қоматни тиклаш ўзи бўлмасди. Ҳақ гапни айтиш ниҳоятда қийин эди. Ҳақ гапни айтганларнинг аҳволи нима билан тугаганини кўрганмиз. Биз ана шундай чекланиш муҳитида шаклланганмиз. Лекин у вақтда бундай бепарволик йўқ эди. Қилган ишинг кўринарди, оқибат, диёнат сезилиб турарди. Асқад Мухтор айтганидай, маънавият хиралашиб борапти, оқибат, самимият, ички маданият, ўзгалар меҳнатини ҳурмат қилиш фазилатлари камайиб кетяпти. Қаҳри қаттиқлик кучаймоқда. Асқад яна бир муҳим нарсани таъкидлайди. Шеърдан музика узоқлашяпти, буни мен ҳам юқорида айтдим. Бу — шеър йўқ деган сўз.

Муаммоларимиз ниҳоятда кўп, оғир, мураккаб. Уларни идрок билан ечиш керак.

Сўхбатни филология фанлари кандидати
Ғаффор МҮМИНОВ олиб борди

Бизнинг бурчимиз, биздан кейин борадиганларнинг бурчи боболар ва оталаримизнинг мана шу жасоратини эсда тутушдан иборатдир. Уларнинг меҳнати ва беғараз ғайрат-шижоати беҳуда кетмаганлигини ҳар бир киши билиши керак. Улар зиммаларига тушган ҳамма қийинчиликларни енгилар ва Октябрь ғалабаларини мустақамлашга, Ватанимизни ўлим хавфидан ҳимоя қилиб қолиш, Ватанимизни келажак учун, сиз ва биз учун, ўртоқлар, сақлаб қолиш имконини берган куч-қудратимизнинг негизларини яратишга жуда катта ҳисса қўшдилар. Уларга шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг номи мангу яшасин!

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисидаги докладидан.



Абдуқодир Ҳайитметов
Нусратулла Жумаев

КЛАССИКА ВА ЗАМОН

Нусратулла Жумаев: — Абдуқодир Ҳожиметович, мана ўттиз йилдан бери ўзбек адабиёти тарихи илми билан машғулсиз. Шу давр мобайнида кенг қамровли ва мураккаб илмий-адабий жараённинг гувоҳи бўлдингиз. Албатта, бу жараённинг шаклланишида сизнинг ҳам улушингиз бор. Ҳар бир киши умрининг маълум нуқтасига етганда, босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлайди, кўрган-кечирганларини сарҳисоб қилади, олим эса илмий-ижодий изланишлари борасида аниқ тўхтамларга келади. Шубҳасиз, сизнинг ҳам адабиётшунослигимизнинг бугунги даражаси, ютуқ ва камчиликлари, ҳал қилинмаган муаммолари ҳақида ўз фикрларингиз бўлса керак?

Абдуқодир Ҳайитметов: — Ўзбек адабиёти дунёдаги бой тарихга эга бўлган адабиётлардан бўлиб, унинг материаллари шу ўттиз йил давомида турли шаклда системалаштирилди. Бунда беш томлик «Ўзбек адабиёти» хрестоматияси ҳам, олий ўқув юртлари учун ёзилган уч томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» қўлланмаси ва беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» ҳам ўзига хос роль ўйнади. Бир маҳаллар биз X—XII асрларда Ўрта Осиёда форсий тилда адабиёт бўлганини қайд этиш билан чекланар эдик. Кейинги текширишлар шуни кўрсатдики, Ўрта Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон майдонида форсий тилдаги адабиётдан ташқари, туркий ва арабий тилларда ҳам бой адабиёт яратилган. Ижтимоий-сиёсий шароит тақозосига кўра, туркий халқлар вакиллари араб, форс тилларида ҳам ижод қилганлар.

Адабиёт тарихини ўрганиш тобора мукаммаллашиб, илмий характер касб этиб бормоқда. Илгари биз ўтмиш адабиётимизда наср бўлмаган, деб ҳисоблардик. Эндиликда равшанки, бадий-илмий наср тараққиётига Навоий, Яқиний, Амирий, Хожа, Бобур, Гулханий, Анбар Отин ва бошқалар раванқ бахш этганлар. Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Хожанинг «Гулзор», Гулханийнинг «Зарб ул-масал», Анбар Отиннинг «Қаролар фалсафаси» асарлари фақат бадий наср намунасигина эмас, ижтимоий тафаккур тарихининг салмоқли ҳодисалари ҳамдир.

40-50-йилларда адабиёт тарихи юзасидан мақола, китоб ёки диссертация ёзган кишилар узоқ вақт вулгар социологизми таъсирида бўлганлар. Ўз «тадқиқот»ларида бадий асарнинг мазмунини гапириб бериш билан чекланганлар. Текстдан узиб, юлиб олиб талқин этишлар ҳам кўп бўлган. Ҳозирги тадқиқотларда масаланинг моҳияти чуқурроқ очиб берилмоқда. Ўтмиш ўзбек шоирлари ва адiblари ижоди таҳлилида назарий-эстетик, адабий-тарихий аспект, киёсий-типологик метод муҳим ўрин тутмоқда. Партиямизнинг XXVII съезди адабиёт тарихи тадқиқотчилари олдига ҳам янги вазифалар қўяди, янгича ишлашга даъват этади. Олдимизда қисқа муддат ичида юз берган нуқсонларни жадаллик билан тузатиш, тараққиётнинг янги поғонасига кўтарилиш вазифаси турибди. Адабиётшунослик соҳасида ҳам адабий мероснинг туб масалаларини четлаб ўтиш, адабиёт тараққиётидаги зиддиятлардан кўз юмиш, кўпгина масалаларни волонтаризм йўли билан ҳал этиш фанимизга катта зарар келтиргани аниқ. Кейинги пайтларда адабиётшунослигимизда биринчи манбалар устида ишлаш, адабиёт тарихига оид янги далилларни қидириб топиш, айниқса, хорижий мамлакатлардаги қўлёзма фондларни ўрганиш сўсайди. Биз, биринчи навбатда, адабиётимиз тарихини ўрганишнинг илмий методологиясини пухта эгаллашимиз, шу асосда адабиётимиз тарихининг ҳамма даврларини, ҳар бир йирик адиб ижодини бугунги талаблар даражасида ёритишга эришмоғимиз лозим.

Н. Ж.: — Ўзбекистон Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг «Октябрғача бўлган ўзбек адабиёти тарихи» бўлимини бошқариб келаётганингизга яқинда йигирма йил тўлди. Утган салкам чорак аср мобайнида бу бўлим ўзбек совет адабиётшунослиги илмининг жўшқин шахобчасига айланди. Бўлимда яратилган ва яратилаётган тадқиқотларнинг салмоғи ҳамда савияси тўғрисида матбуот саҳифаларида адабиётшунос олимларнинг тақризлари босилиб туради. Айниқса, адабиётимизнинг минг йиллик тарихини ёритувчи беш жилддан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи» тадқиқоти илмий-маданий ҳаётимизда воқеа бўлди. Мазкур бўлим адабиётшунослигимизнинг навоийшунослик каби сермаҳсул тармоғини ҳаракатлантириб турувчи илмий марказ ҳамдир. Унда бир гуруҳ навоийшунос олимлар плейдаси ишлаб турибди. Бўлим томонидан ҳар йили Алишер Навоийнинг таваллуди кунларида ташкил этиладиган навоийшуносларнинг аъъанавий конференциялари илмий жамоатчиликда қамровли ва теран бир китоб даражасида таассурот қолдиради. Бўлимнинг имкониятлари, келажакдаги мақсад-вазифалари кўпчиликини қизиктиради. Жумладан, Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик юбилейи бўсағасида халқимиз қандай янгилликларга муяссар бўларкин?

А. Ҳ.: — «Ўзбек адабиёти тарихи» тадқиқотининг эълон қилиниши, айтганингиздай, илмий-

маданий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлди. Мазкур тадқиқот рус тилида ҳам икки жилд ҳажмида тайёрланди. Унинг биринчи жилди бу йил нашрдан чиқди. Бу фундаментал тадқиқотни яратиш жараёнида илмий коллективимиз янада ўсди, жиқслашди. Шу билан бирга, бу коллектив атрофида адабиётимиз тарихи бўйича республикада ва ундан ташқарида ишловчи кучлар бирлашди. Буни авторлар состави ҳам кўрсатиб турибди. Муаллифларнинг ярмига яқини институтдан ташқарида ишловчи мутахассислардир. Демак, илмий-ижодий кучлар бирлашса, бундан катта ишларни ҳам удалаш мумкин.

Шу аънанани давом эттириб, Алишер Навоий «Хамса»си ёзилганининг 500 йиллиги муносабати билан «Алишер Навоий «Хамса»си» номли коллектив монографияни эълон қилдик. Бунда ҳам Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг профессори Б. Валихўжаев ва С. М. Киров номидаги Ленинобод Давлат педагогика институтининг профессори Э. Шодиев ўз илмий тадқиқотлари билан қатнашдилар. Бу эса тўпلام мундарижасини бойитди.

Бўлимда бажарилган муҳим илмий тадқиқотлар сифатида мен А. Абдуғафуровнинг «Навоий ижодида сатира», «Зокиржон Фурқат», С. Эркиновнинг «Навоийнинг «Фарҳод ва Ширини» ва унинг қиёсий таҳлили», Е. Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси», Т. Аҳмедовнинг «Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони», И. Ҳаққуловнинг «Ўзбек адабиётида рубоий», М. Мирзааҳмедованинг «Ҳожа», В. Мўминованинг «Ўзбек демократик адабиётида яратилган «Лермонтов қомуси», «Шевченко қомуси» ва «Янка Купала қомуси» мактаб ва ибрат вазифасини бажаради: «Пушкин қомусини яратаётган Жаҳон адабиёти институти олимлари билан ҳамкорлик қилиниши аниқ. Бироқ мушкулот шундаки, Шарқ адабиётининг рус ва Ғарбий Европа адабиётидан ўзгача, томонлари бор. Бу, албатта, Навоий қомусини бунёд этиш жараёнида, бошқа тажрибалардан фойдаланиш баробарида, ишга буткул ижодий ва мустақил ёндашишни тақозо этади. Хўш, «Навоий қомуси»нинг умумий қиёфаси, мавжуд адабий қомуслардан тафовутини қандай тасаввур қилиш мумкин?

Н. Ж: — Дарвоқе, Навоий ижодини илмий ўрганиш, кенг тарғиб этиш халқимиз маънавий-руҳий оламининг бойишига, адабий диди ва талабининг юксалишига сабаб бўлди. Эндиликда, омма кайфиятида Навоий ҳақидаги қомусий билимга ташналик сезилаётир. Аммо Навоийдек улкан адиб тўғрисида қомус яратиш ҳали Шарқ олами алломалари тажрибасида қўрилмаган мураккаб муаммо. Бу борада совет адабиётшунослигида яратилган «Лермонтов қомуси», «Шевченко қомуси» ва «Янка Купала қомуси» мактаб ва ибрат вазифасини бажаради: «Пушкин қомусини яратаётган Жаҳон адабиёти институти олимлари билан ҳамкорлик қилиниши аниқ. Бироқ мушкулот шундаки, Шарқ адабиётининг рус ва Ғарбий Европа адабиётидан ўзгача, томонлари бор. Бу, албатта, Навоий қомусини бунёд этиш жараёнида, бошқа тажрибалардан фойдаланиш баробарида, ишга буткул ижодий ва мустақил ёндашишни тақозо этади. Хўш, «Навоий қомуси»нинг умумий қиёфаси, мавжуд адабий қомуслардан тафовутини қандай тасаввур қилиш мумкин?

А. Ҳ: — Ҳар бир фан етуклик даврига қадам қўйганда, ўз ютуқларини турли шаклларда, шу жумладан, қомус формасида умумлаштиради. Совет даврида адабиётшунослигимизнинг навоийшунослик соҳаси ҳам анчагина муваффақиятларни қўлга киритди. Шундан келиб чиқиб, биз кун тартибига «Навоий энциклопедияси»ни яратишни қўйдик. У ўз-ўзидан бошқа энциклопедияларга ўхшамаслиги керак. Чунки Навоий — бундан 500 йил олдин яшаб ижод этган шоир ва мутафаккир. У ўз ижодиётида бундан беш аср олдинги Хуросон ва Мовароуннаҳр маданий ҳаётини гавдалантирган. Бинобарин, бу ўринда гап беш аср бурун феодализм шароитида халқ бахт-саодати учун курашган, халқпарварлик ва инсонпарварлик ғояларини қуйлаган, бадиий адабиётни даврнинг энг прогрессив мақсадларига хизмат қилдирган. Буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби, фан, маданият ва санъат ҳомийси ҳақида боради. Навоий, ижодининг ғоявий-бадиий хусусиятлари энциклопедияда ўзининг тўла аксини топмоғи керак. Маълумки, Навоий шеъриятида аънавий белгилар мавжуд. Навоий 3000 дан ортиқ ғазал, 500 дан ортиқ рубоий, 500 га яқин муаммо, юзларча қитъа ёзган. Биз Лермонтов, Шевченко энциклопедияларидан фарқли равишда, Навоий шеърларининг энг характерлиларига махсус тўхталамиз. Традицион мазмундаги шеърлар ҳақида эса умумлаштирувчи мақолалар бериш билан чекланамиз. Навоий ижодиётининг муҳим проблемаларига ҳам ўнларча илмий мақолалар бағишланади.

Навоийнинг шахсиятига, унинг даврига ҳам қизиқиш кучлилигини назарда тутиб, энциклопедияда Навоий биографиясига, унинг салафлари ва замондошларига оид кўпгина материаллар берилади. Навоий адабий меросининг кейинги тақдирига, хусусан, совет давридаги тақдирига ҳам биз бефарқ қарай олмаемиз. Чунки Навоий ижоди кейинги даврларда фақат ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида эмас, барча туркий ва бошқа халқларнинг маънавий тараққиётида ҳам катта ижобий роль ўйнаган. Бинобарин, Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга ўз хиссасини қўшган барча навоийшуносларнинг хизматлари илмий объективлик билан қайд этилиши табиий. Аммо биз шу типдаги барча энциклопедиялар тажрибасини ўрганиб, шу асосда иш олиб бораемиз. Чунки бировга ўргатмоқ учун аввал ўзимиз ўрганишимиз керак. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да айтганидек:

**Илмдин орий — улуснинг жоҳили худқомаси,
Ўрганурга жидду жаҳд этган — жаҳон алломаси.**

Н. Ж: — КПСС XXVII съезди ҳозирги давримизни «бурилиш даври» деб атади. Съезднинг ўтган беш йилликка оид танқидий позицияси илмий ҳаётга ҳам бевосита дахлдор. Утган йиллар мобайнида адабиётшунослик соҳасида ҳам кўзбўямачиликка йўл қўйилгани сир эмас. Шу маънода, «Литературная газета»да эълон қилинган «Диссертация нимага керак» сарлавҳали баҳсу мунозарани қўллаб-қувватламоқ лозим. Чиндан ҳам, кўпчилик ёшлар илмий даргоҳларга олим бўлиш мўддаоси билан эмас, балки диссертация ёқлаб илмий даража олиш даъвоси билан кириб келади. Уларнинг ёзган ишлари диссертациянависликнинг шаклий талабларига тўла жавоб беради, лекин фанга бирор янгиллик олиб крмайди, муаллифнинг ўзига хос услуби, концепцияси билан ажралиб турмайди. Бундай диссертациялар архив ва кутубхоналарда чанг босиб ётаверишдан нарига ўтмайди, муаллифлари эса илмий ўнвондан соғин сигирдек бахраманд бўлиб юраверади. Бу дискуссия илмий ишларнинг ҳам йўналиши ва савиясида тубдан бурилиш ясашни талаб қилади.

Айрим тадқиқотлардан малакали адабий таҳлил ва чуқур назарий умумлашмаларни топиш қийин. Баъзан бундай ишлар ўта хайрихоҳлик оқибатида муҳокамалардан муваффақиятли ўтиб, кейинчалик нашр ҳам этилаверади.

Умуман, классик адабиёт заминиди ёзилаётган илмий ишларда бугун ва келажак манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш, бундай тадқиқотларнинг услубини ҳам янгилаш, ҳозирги замон нафаси билан йўғириш мақсадга мувофиқ бўларди. Сизнинг фикрингизча, илм-фан ютуқларини ҳаётга, оммага яқинлаштириш учун яна нималар қилиш мумкин?

А. Ҳ: — Адабиёт тарихига бир ёқлама ёндашиб, адабий-тарихий фактларни бир ёқлама изоҳлаётган, айрим ижодкорларнинг фаолиятини ошириб баҳолаётган, унинг асарларидаги тарихий чекланган моментлардан кўз юмаётган тадқиқотчилар ҳам йўқ эмас. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан ёзилган кўпгина мақолаларда шоир шахсияти ва ижодидаги ички зиддиятлар етарлича очиб берилмади. Бундан буён бу хил нуқсонларга қатъий чек қўйишимиз керак.

Адабиёт тарихи бўйича кадидалик диссертацияси ёзган ёки ёзаётган мутахассисларга келсак, шунинг айтиш керакки, улар орасида илмга қизиққанлари, фидойилари ҳам бор. Аммо тажриба кўрсатяптики, кўпгина ёшлар диссертацияни ёқлаб бўлиб, кейин бу соҳада жиддий ишламаётирлар. Йиллар давомида улар матбуотда на бирон яхши мақола билан кўринадилар, на бир салмоқдор китоб эълон қиладилар. Бир четда тинч дарс бериб ёки «илмий иш қилиб» юра берадилар. Бунга тоқат қилиб бўлмайдди. Назаримда, илмий ходимларни, олий мактаб муаллимларини аттестациядан ўтказиш вақтида уларнинг фаолиятидаги пасивлик тегишли баҳосини олиши лозим. Илмий даража, чиндан ҳам, кимларгадир соғин сигир вази фасини бажармаслиги, тирикчилик воситаси бўлмаслиги керак. Ўз устида ишламаётган, паст савияда мақола ва китоблар ёзаётган, жамият олдидаги олимлик бурчини унутган мутахассислар ҳақида ҳам шунинг айтгим келади. Биз адабиёт тарихи бўйича текшириш олиб бораётганимизда ҳам, классикларимиз асарларини халқ орасида тарғиб ва ташвиқ этаётганимизда ҳам, уларнинг асарларини нашрга тайёрлаш жараёнида ҳам ҳамма вақт совет фани юксалигида туришимиз, шу позициядан туриб иш тутишимиз даркор.

Ҳозир бизда, масалан, ўзбек адабиётини Воҳид Зоҳидов сингари фалсафий аспектда ўрганувчи олимлар йўқ даражада. Машҳур тилшунос олим Солиҳ Муталлибовнинг вафоти адабиётшунослар учун ҳам буюк йўқотишдир. Чунки унинг «Девони луғоти турк» асари бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари тилшунослигимизнинггина эмас, адабиётшунослигимизнинг ҳам катта ютуғи бўлган. Бизга янги Боровковлар, янги Ҳоди Зарифлар, янги Порсо Шамсиевлар керак. Ёш олимларни биз масалага кенг ва атрофлича қаровчи ўша алломалар анъаналари руҳида тарбиялашимиз зарур.

Н. Ж: — Адабий меросни ўрганиш муайян даражада сусайганлиги, бу соҳада истеъдодли кадрлар танқислигига бир қатор объектив ва субъектив сабаблар бор, албатта. Классик адабиёт тадқиқотчиларига амалий ғамхўрлик ва хайрихоҳлик кўнгилдагидек эмаслиги шулардан биридир. Адабиёт тарихи илми сермашаққат, аммо каммақсул соҳа. Заҳматлар эвазига яратилган илмий асарлар ўз вақтида муносиб баҳо ва қадрини топса яхши бўларди. Ўзбекистон Фанлар Академиясида минг йиллик адабиётимиз тарихини ўрганиш билан биргина А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг «Октябр»га бўлган ўзбек адабиёти тарихи» бўлими шуғулланади. Алишер Навоийдек улкан адиб ва аллома ижодини ўрганувчи махсус бўлим очиш зарурлигини ҳамма билади, лекин бу хайрли иш бир қанча йиллардан буён пайсалга солиб келинаётир. Ваҳоланки, қўшни — қардош республикаларда аҳвол ўзгача. Адабиёт тарихининг амалий муаммоларини ҳал этишнинг қўлами, суръати ва имкониятлари назарий проблемалар ечимига нисбатан катта. Назариясида амалиётнинг савияси қай даражада бўлиши эса аниқ. Ҳозирги кечиктирилмас вазифа. — классик адабиёт илмининг назарий савиясини кўтаришда қандай омилларга суюнмоғимиз керак?

А. Ҳ: — Адабий мерос бўйича тадқиқотларимизнинг умумий назарий савиясини кўтаришнинг биринчи, энг муҳим омили марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўқиш, улардан ўрганишдир. В. И. Лениннинг маданий меросининг аҳамияти ҳақида Ёшлар союзининг вазибалари, миллий масалалар, Герцен, Лев Толстой ижодий муносабати билан айтган гаплари ҳамма вақт — адабий меросимиз устида қора булутлар пайдо бўлган чоғларда, хусусан, шахсга сифиниш ҳукмрон бўлган даврда бизга қалқон бўлиб келди. Адабий меросимизни менсимовчи жоҳиллар пинҳона иш тутсалар ҳам, ошқора Ленинга қарши бош кўтара олмадилар. Ҳар ҳолда, маданий меросни, шу жумладан, адабий меросни ўрганиш ҳамма вақт турли даражада бўлса ҳам, давом этиб келди ва давом этмоқда.

Лекин биз маданий мерос билан боғлиқ марксизм-ленинизм классиклари асарларини ҳар томонлама тўла ва чуқур ўрганиш, уларнинг фикрларини ўз ишларимизга тўла ижодий татбиқ этдик, деб айта олмаймиз. Шу билан бирга, баъзи вақтларда адабий меросни қадрлаш, ўрганишда бизга ленинча изчиллик етишмайди, юзакликка йўл қўямиз. Масалага назарий қарашимиз билан практик ёндашувимизда катта тафовут кўзга ташланади. Масалан, Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги 1968 йилда Москвада Большой театрда нишонланганда ҳатто юбилей комитетининг раиси ҳам мажлисда қатнашмади. Орадан 17 йил ўтиб, 1985 йили Навоий «Ҳамса»сининг 500 йиллиги ҳам енгил-елпи ўтказилди. Бу нимани кўрсатади? Бу оғизда бир гап айтиб, амалда бошқача иш тутишни билдиради.

Институтимизда ўтмиш адабиётини ўрганишга илмий тематикада катта ўрин бериб юборилган, деган гаплар ҳақиқатга асло тўғри келмайди. Айрим ўртоқлар ўзбек адабиёти тарихи бўйича беш том китоб чиқарганимиздан саросимага тушиб қолдилар. Адабий меросимизнинг бойлиги билан фахрланишимиз керак-ку! Бу меросни ўрганиш билан маълум бир вақтда мутахассисларимиз активроқ шуғулланган бўлсалар, бунинг нимаси ёмон, нимаси хато?!

Ўзи классик адабиётнинг бирон соҳаси ичига кирмаган, адабий мероснинг на ғоявий, на бадийий моҳиятини тўғри тасаввур этмайдиган, лекин шу ҳақда оғзини тўлатиб гапирадиган, турли кўрсатмалар берадиган «мутахассислар», бизда ҳали ҳам топилади. Улар Яссавий, Бобургагина эмас, вақт-вақти билан Навоийга ҳам чанг солишга, уни феодалга чиқариб қўйишга ҳозир ҳам тайёр. Адабий меросимиз ота-боболаримиздан қолган табаррук мулк. Унга самимий муносабатда бўлишимиз, иккиозламачилик қилмаслигимиз, жоҳил одамлар томонидан оёқ ости қилинишига асло йўл қўймаслигимиз керак. КПСС программасида айтилганидек, раҳбар ўртоқлар «Сўз ва иш бирлиги» принципига амал қилиб, ўзлари ҳам ўқишлари, ўрганишлари зарур.

Ўзбекистондаги адабий мерос — бугунда анча мураккаб тушунча. Ўзбек адабиёти деганда биз фақат Ўзбекистон территориясидагина эмас, ундан узоқ — Ҳиндистон, Хитой, Миср, Олтин Ўрда,

Афғонистон каби мамлакатларда ўзбек тилида яратилган адабиётни ҳам тушунамиз. Маҳмуд Қошғарий, Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Бадр Чочий кабилар ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу ижодкорларнинг ўз юртини ташлаб, узоқларга кетиб қолишининг жиддий сабаблари бўлган, албатта.

Н. Ж. — Жамиятимиз қайта қуриш жараёнини бошидан кечираётир. Яқин ўтмиш сабоқлари кўрсатадики, барча соҳалар каби, адабий меросга муносабатни ҳам қайта қуриш зарур. Классик адабиётимизнинг Аҳмад Яссавий каби намоёндалари ижоди хануз ўрганилмай келаётир... Бизда Шарқ адабиётининг фалсафий асосларини ташкил этган фалсафий оқимлар мутлақо тадқиқот доирасига тортилмади. Бунинг сабаби нима? Классик адабиёт илми муаммоларини бугунда ҳал этишининг, янгича муносабатни шакллантиришнинг имконият ва шароитлари борми?

А. Ҳ. — Социалистик жамиятимизнинг ҳамма жабҳаларида, шу жумладан, адабиёт ва адабиётшуносликда ҳам қайта қуриш, жадаллаштириш даврини КПСС XXVII съезди бошлаб берди. Съезддан кейинги даврда адабий меросни ленинча принциплар асосида ҳар томонлама чуқур ўрганишга қулай шароитлар туғилди. Бу биринчи навбатда илмий текшириш соҳаларида ҳам демократиянинг ривожланиши, энди бир одам, ҳар қанча улуғ ва донишманд бўлса ҳам, ўз фикрини бошқаларга зўрлаб ўтказа олмаслигида кўринади. Эндиликда биз адабиётимиз тарихининг ҳар қандай чигал масалаларини баҳамжиҳат, демократик асосда ҳал қилишимиз мумкин. Бундан 5—10 йил бурун бундай шароитни тасаввур этиш қийин эди. Юқоридан Аҳмад Яссавий бўйича тадқиқотларнинг тўхтатиб қўйилиши илм фойдасига бўлгани йўқ.

Ўзбек адабиёти ўтмишда биз тасаввур қилганимиздан ҳам мураккаб йўллар билан ривожланган. Унинг асарлари фоят зиддиятли тарихий муҳит ва шароитлар маҳсули. Улар бизнинг буюртмамиз билан эмас, ўз даври, шароити тақозоси билан юзага келган. Шунинг учун улар ҳозирги хоҳишларимизга тўла мос келиши шарт эмас ва биз буни талаб қилмаслигимиз керак. Маълумки, бутун ўрта аср давомида дин Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам тўла ҳукмронлик қилган, ўз таъсирини Ф. Энгельс айтганидай, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига ўтказган. Шундай экан, биз классикларимиздан атеист бўлишни талаб олмаймиз. Аҳмад Яссавий яшаган шароит ҳам шундай эди. XI—XII асрларда аҳволнинг бошқача бўлишини тасаввур этиш қийин. Биз Аҳмад Яссавийни бутунлай реакцион шоирлар қаторига қўшиб қўйдик. Бу тўғри эмас. Унинг асарларида камбағалларга, мазлумларга қайишиш, мансабдор, амалдорнинг қора кирдикорларини, пора-хўриқларини фош этиш кучли. Шу билан бирга, Аҳмад Яссавийда реакционерлар томонидан дорга осилган, ўз вақтида фалсафада янгича тафаккур юритган Мансур Ҳаллолжа нисбатан таважжуҳ кучли. У дейди:

**Билмадилар муллолар «Анал-ҳақ»нинг маънисин,
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб.**

Аҳмад Яссавий ўз ватанини, ватандошларини, ўз она тилини севган ва ўзбек тилида адабиёт яратишга, адабий тилимиз тараққиётига ҳисса қўшган. Биз унинг мистиклигини, ижодидаги бошқа маҳдудликларни объектив тан олган ҳолда прогрессив томонларига тўғри баҳо беришимиз даркор.

Н. Ж. — «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида бошқа ижодкорлар ҳақида ҳам бир ёқлама муносабат мавжуд. Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асари ҳақида ўқиймиз: «Рабғузий ислом динини тарғиб этиш, пайғамбарлар ҳақидаги афсонавий ҳикоялар билан кишиларнинг онгини заҳарлаш, «худоба банда» ва «пайғамбарга умматлик» этикоддини кучайтириш мақсадини ўз олдига қўяди» (169). Мана, «Қиссаи Рабғузий» «Ўзбек адабиёти бўстони» сериясида «Мангу булоқлар» китобида босилиб чиқди. Асарни ўқиган китобхон юқоридagi гапларга ишонмайди. Чунки асар китобхоннинг онгини заҳарламайди, аксинча, унинг онгини эзгулик, олижаноблик, одамийлик нурлари билан ёритади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йилги 12 июнь сонидида «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги муҳокамаси ёритилган «Илмий теран — амалий таъсирчан» мақоласини ўқиб қолдим. Мақолада қайта қуриш даврига ҳамоҳанг жиддий танқидий мулоҳазалар йўқ. Афтдан, дарслик яна катта ўзгаришларсиз нашр этилганига ўхшайди. Назаримда, нашрдан аввал, ҳеч бўлмаста, Яссавий ва Рабғузий каби адиблар портрети тубдан янгиланмоғи лозим.

Бундан тўрт йил муқаддам «Матншунослик муаммолари» сарлавҳали мақолангиз билан катта баҳсни бошлаган эдингиз. Мен яна диққатингизни адабиётшунослигимизнинг нисбатан оқсаб қолаётган шу тармоғига тортмоқчиман. Матншунослигимизнинг аҳволи баҳсдан кейин ҳам яхшиланмаётгани кишини ташвишлантиради. Ҳамон классик асарларимиз матни юқори савияда нашр этилмаётир, баҳсда танқид қилинган нуқсон ва камчиликлар хануз китобдан-китобга кўчиб келаётир...

Матншунослигимиз ривожланмаётганлигининг асосий сабабларидан бири бу соҳада ҳозиргача бирор назарий иш қилинмаганлигидир. Бу соҳада ҳам назария билан амалиёт ўртасида катта узлиш бор. Сабаблардан яна бири шундаки, кўпчилик адабиётшуносларимиз текстологияни қандайдир сўнгги даражали иш деб ўйлайдилар. Матншуносликни фан эмас деб ҳисоблайдилар ҳам топилади. Ваҳоланки, матншунослик адабиётшуносликнинг асосидир. Адабиётшунос ўрганадиган асар тексти саводли ва мукамал бўлмас экан, унинг тадқиқоти ҳам чала бўлади. Ҳар қандай адабиётшунос яхши матншунос ҳам бўлмоғи шарт. Чунки адабиётшунослик тадқиқоти бадиий асар текстини тўғри талқин этишдан ташқари, келтирилган парчалар орқали асар нафосатини-намоийиш ва тарғиб ҳам қилади.

А. Ҳ. — Чиндан ҳам, бундан тўрт йил олдин ташкил этилган баҳсда матншунослик юзасидан муҳим илмий фикрлар билдирилди, мутахассисларимиз матншуносликни ривожлантирмай туриб, филология фанини тараққий эттириш мумкин эмаслигини яқдиллик билан таъкидладилар. Аммо, минг афсуски, кейинчалик бу соҳада жиддий ўзгариш юз бермади. Шу соҳа учун кадрлар тайёрлаш мақсадида аспирантурага бирон ўрин ҳам берилмади. Классик асарлар тексти устда махсус иш олиб борадиган текстология бўлими очилиши кўзда тутилган эди. Бу ҳам амалга ошмади. Бу матншунослик соҳасида ҳеч иш қилинмаётир деган гап эмас. Ўтмиш адабиёти мутахассислари йўл-


йўлакай бу масала билан шуғулланмоқдалар ва шуғулланишга мажбурлар ҳам. Бироқ гап шу соҳани махсус ривожлантириш ҳақида, уни республика бўйича координация қилиш устида бормоқда. Бу проблемага А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти дирекцияси, Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти раҳбарлиги яна қайтиши керакка ўхшайди. Бунда иш асосан, ташкилий масалага келганда тўхтаб қолган.

Н. Ж: — Матншуносликнинг истиқболи учун қандай ишларни амалга ошириш керак? Бу кишини анча ўйлантиради. Фикримча, матншуносликнинг назарий асосларини ёритувчи кўламли тадқиқотлар яратиб зарур. Республикада ўтмиш адабиётни ўрганишга оид бир неча бўлим ва кафедралар ишлаб турибди. Лекин улар ишлаб чиқариш корхоналарига ўхшаб, нуқул нашр ишлари билан шуғулланадилар. Текстологиянинг назарий проблемаларини ҳал қилиш кимнинг вазифасига кираркин?

Матншунос олимларнинг камлиги ойдай равшан. Борларининг ҳам ёшлари улғайиб борапти. Уларнинг ишларини давом эттиргулик ёшларни тайёрлаб етиштириш учун эса камида ўн йилча фурсат ўтади. КПСС Марказий Комитетининг «Олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида ҳам илмий кадрлар борасидаги аҳволнинг жиддийлиги алоҳида таъкидланган. Янги матншунослар авлодини шакллантириш учун олий таълим жараёнида ўзгартишлар қилиш керакка ўхшайди. Бўлғуси матншунос форс, араб тилларини мукамал ўрганиши, араб ёзувидаги дастхатларни эркин ўқий олиши, хаттотлик санъатидан хабардор бўлиши талаб қилинади. Аммо унда юксак адабий фаросат бўлмаса, булар бари бекор. Тўғри, филология факультетларида форс, араб тиллари кўпдан бери ўқитилади. Таассуфки, бу фанлар, биринчидан, расмият учун ўқитилади, иккинчидан, ёшларга уларни кўп ҳолларда илмий-адабий савияси нотугал, адабиётдан узоқ кишилар ўргатади. Ахир, форс тили муаллими талаба онгига грамматикани сингдириш билан бирга, Ҳофиз Шерозийнинг «Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро, Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро» матлали ғазалини ҳам чуқур таҳлил қилиб бера олиши керак-да! Филология факультетларида форс, араб тили ўқитиш методикаси пухта ишлаб чиқилса, матншунослик бўйича назарий ва амалий курслар жорий қилинса, ёмон бўлмасди.

А. Ҳ: — Матншуносликни тараққий эттириш учун олий ўқув юртлари программасига ўзгартишлар киритиш, филология факультетларида, Шарқ факультетида эски ёзувни, тилларни ўргатишни яхши йўлга қўйиш ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан. Бу мутахассисликлар ҳозирча олий ўқув юртларида яхши ўқитилмаётир. Олий мактабни битириб келган ёш мутахассисларимиз Навоий, Огаҳий, Машраб, Муқимий асарлари текстларини раvon ўқиб бера олишмайди. Уларни аспирантурада қайтадан ўқитишга тўғри келаётир. Менинчга, бу соҳада илмий ташкилотлар билан олий ўқув юртлари орасида кадрлар тайёрлаш бўйича яқиндан алоқа ўрнатишга зарурат бор. Баъзи ёшлар эски ёзувни, тилни дуруст билган ҳолда адабиётни, адабиёт назариясини, тарихини яхши билмайди. Булар ҳаммаса адабиётшуносликни, навоийшуносликни кенг кўламда ривожлантиришга халақит бермоқда. Бизбунга яна бир марта кенг жамоатчиликнинг диққатини торттиришга мажбурмиз. Совет ёзувчилари олдида Иттифоқ миқёсига, жаҳон миқёсига чиқиш вазифаси қўйилгани каби, ўз юксак илмий тадқиқотлари билан шарқшунос, адабиётшунос олимларимиз ҳам шундай бандликларга кўтарилишлари керак. Партия ва ҳукуматимиз биздан шундай талаб қилмоқда.

Н. Ж: — Истеъдодли кадрлар танқислиги фақат матншуносликда эмас, умуман, адабиётшуносликда ҳам долзарб муаммо. Илмий даргоҳларнинг олий ўқув юртлари билан яқиндан алоқа ўрнатиши, кадрлар тайёрлашда яхши самара бериши ҳақидаги фикрингиз ўринли А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ёш олимлар совети бу хайрли ишга киришди. Икки йилдан буён институтда ўтказилаётган республика ёш олимларининг аънавий илмий конференциясида турли област олий ўқув юртлари, қўшни республикалардан келган аспирант ва стажёрлар билан бирга, студентлар ҳам ўз докладлари билан иштирок этмоқдалар. Бу тажрибани изчил йўлга қўйиш ва кенгайтириш университет курсида ўтирган студентларнинг илмий жамоатчиликка яқинлашувига сабаб бўлади, уларда илмий ишга рағбат ҳам сафарбарлик туйғуларини уйғотади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида қилган сиёсий докладида илмий кадрлар тайёрлашнинг бу ҳаётбахш йўлини қуйидагича таъкидлаган эди: «Олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан ҳам янада самарали фойдаланиш лозим... Ниҳолсиз гуркираб ўсадиган ўрмон бўлмаганидек, чин олимни ҳам шогирдларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Гап, фаннинг, бинобарин, мамлакатимизнинг ҳам келажаги тўғрисида бермоқда. Таълимнинг дастлабки йилларидан бошлаб студентлар тадқиқот ишига жалб этилиши, бу ишнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда қатнашиши зарур. Ҳақиқий олимларни, ижодий фикрловчи мутахассисларни фақат шу йўл билангина тарбиялаб етиштириш мумкин».



УСМОН НОСИРНИ ИЗЛАБ

Усмон Носир! Бу ном эсимни таниган кунимдан менга ҳамроҳ. Ҳамроҳ бўлибгина қолмай — дардимга, армонимга, фахримга айланган. Оилада у ҳақда гапирилмаган кунни эслолмайман. Айниқса, унинг онаси, бувим Холам-бибининг Усмон Носир ҳақидаги хотиралари дилимни кўп ўртаган эди.

Ёшлигимдан бу номнинг эгаси ғаройиб нурларга бурканган ҳолда кўз олдимда намоён бўларди. Бу одамнинг умри боқийлигини гўдакликдан гўё ҳис қилардим.

Балоғатга етиб, унинг катта Шоир эканлигини билдим. Лекин номини оиладан ташқарида айтиш ман этилганлигидан ҳайрон эдим. Унинг сўзлари, сатрлари, у яратган жўшқин баҳрлари бор, саррин еллари бор, бўруну тўфонлари, севгию армонлари бор, ажиб боғлари бор олам ичра фарқ бўлдим. Йиллар ўтган сари туйғуларим уйғунлаша борди. Дўст-ёр, таниш-билишлардан эшитган хотиралар Усмоннинг тақдирига бўлган интилишларимни янада кучайтирди. Мен унинг изларини ахтара бошладим.

Наманганнинг Чуқуркўча даҳасида Маматхўжа домлани танимаган киши йўқ эди. У ўзининг меҳрибонлиги, инсонпарварлиги билан обрў қозонган кенг билимли, илмли одам эди. Қирқ ёшлар атрофида бўлган Маматхўжа домла хотинининг вафотидан сўнг 1905 йилда маҳалланинг обрўли кишиларидан бири Мулла Охун қизи — 16 яшар Холам-бибига уйланади. Холам-бибининг илмига чанқоқлигини кўрган эри унга кўп китоблар мутолла қилдиради, у билан биргаликда Лутфий, Навоий, Бедел ва бошқа шоирларнинг асарларини ўрганайди. Шу сабабдан 1912 йилнинг 13 ноябрида ўғли Усмон туғилганига қадар Холам-биби маҳаллада «отинча», яъни илмли аёл сифатида танилади. Усмон уч ёшга тўлиб-тўлмаётаси Маматхўжа оғир касалланиб вафот этади. Бева синглисини ҳовлида ёлғиз яшашини истамаган Усмоннинг тоғаси Абдурахмон Холам-бибини ўз уйига кўчириб олиб келади. Ва ўртадан бир йил ўтгач, ён қўшниси бўлмиш Тошбувининг жияни Носир Масодиқовга узатади.

Носир Масодиқов асли қўқонлик бўлиб, 1902 йилда хотини билан бир сабабга кўра Андижонга боради ва зилзила оқибатида хотинидан айрилади. Хотинининг фожиали ўлиmidан сўнг у Наманганга, холаси Тошбувиникига келиб, пахта тозалаш заводида ҳисобчи бўлиб ишлаётган Салимхўжа ўғли Омонхўжага шогирдликка тушади. Бир оз вақт ўтгач Омонхўжа Носирни ўзи билан 14 йиллик сафарга — ҳаж қилгани олиб кетади. Бошқа мамлакатлар — Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Эрон, Мисрда кезиб, оддий халқнинг аянчли аҳволига гувоҳ бўлади. Заводга қайтиб келгач, Носир инқилобий кайфиятдаги ишчилар билан яқинлашади, у рус-тузем мактабда ўқигани учун рус тилини яхши биларди. Шунинг учун Наманганда тузилган деҳқон ва солдат депутатлари Шўроси уни 3-ўқчи бригадасининг 2-дивизиясига таржимон қилиб тайинлайди.

Шу орада холаси Тошбуви унга Абдурахмон домланинг синглисини кўришни маслаҳат беради ва беванинг тўрт яшар ўғли борлигини айтади. Зилзиладан ҳомиласи билан ҳалок бўлган хотинининг ёди ярасини янгилайди. Лекин ўша туғилмай нобуд бўлган фарзандига беролмаган ота меҳрини Носир шу ёш гўдакка — Усмонга бағишлайди ва кейинчалик умрининг охиригача шу меҳрни қалбда сақлаб келади. Усмон қоралангандан кейинги машаққатли йилларда ҳам Носир ота ўғлидан воз кечмади, унинг номини ҳамма ерда ёқлади. У 1975 йилнинг 18 декабрида 103 ёшида вафот этди. Охириги айтгани: «Усмонжон, болам, ёнингга кетяпман», — деган сўзлар бўлди...

Носир Масодиқов 1918 йилда қизи Равзахон туғилгач, оиласини Қўқонга, онаси Нодирахон аянинг даргоҳига кўчириб олиб боради. Лекин ўзи хизматини Наманганда давом эттиради ва фақатгина 1922 йилнинг август ойида қаттиқ ярадор бўлган акаси Носирга болани албатта ўқитиш кераклигини айтади. Қўқонда етим-есир болалар учун интернат очилган эди. Унда бошқа мактабларга қараганда анча яхшироқ билим берилганидан кўпчилик ўз фарзандларини шу интернатга жойлаётган эди. Ибоджон Усмонни ҳам ана шу интернатга бериш учун акасидан розилик олади.

Масодиқовлар оиласи катта бўлса-да, аҳил яшарди. Уларнинг ичида айниқса Ибоджон Масодиқов ўқимишли, билимдон одам эди. У Усмонда эрта уймонган қизиқувчанликни кўриб, кўмондонлик ишлари билан ҳаммаша банд, уйга кам келадиган акаси Носирга болани албатта ўқитиш кераклигини айтади. Қўқонда етим-есир болалар учун интернат очилган эди. Унда бошқа мактабларга қараганда анча яхшироқ билим берилганидан кўпчилик ўз фарзандларини шу интернатга жойлаётган эди. Ибоджон Усмонни ҳам ана шу интернатга бериш учун акасидан розилик олади.

Кейинчалик Усмон Носир ўз шеърларида бу интернатни илик меҳр билан кўп тилга олади. Ибоджон Масодиқовнинг (у Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган) рафиқаси Ҳошияхон аянинг айтишларича, Усмон ҳар жума (интернатда дам олиш кuni) эрталаб Амин Умарий, Ҳасан Пўлат ва бошқа ўртоқлари билан уйга келар экан, бир зумда ҳовли уларнинг ўйинлари билан қий-чувга тўлар ва Усмоннинг янгрёқ овози кечгача тинмас экан. У шеър ўқир, бир ҳафта ичида йиғилган янгиликларни айтиб берар, ҳаммани бир ерга тўплаб, қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб кулдириккан. У вақт анча кеч бўлиб қолса ҳамки, уйда ётиб қолмасди, интернатга шошарди.

Бир кунни қариндошлардан бири: «Усмонжон, нега сиз чап қўлингиз билан ҳат ёзасиз», деб сўрса, у: «юрагимнинг гапларини чап қўлим яхшироқ билади-да» деб жавоб берган экан.

Бизга Усмон Носирнинг 1937 йилгача бўлган ижодий фаолияти маълум, холос. Шоир шахсга сиғиниш йилларининг қурбони бўлиб, «халқ душмани» тамғаси билан сиёсий маҳбуслар қаторига қўшилди. Ушанда у ҳали йигирма беш ёшга тўлмаган йигит эди. 1937 йилда чиқиши керак бўлган китобига йиққан шеърлари, қўлёзмалари — барчаси муаллифи билан бирга бедарак кетди.

1944 йилда Усмоннинг онаси, отаси, сингилларига, узоқ Магадандан шоир Ўзбекистон Ёзувчилар союзига ўзининг қўлёзмаларини юборибди, деган хабар келди. Бу 13 минг мисралик «В. И. Ленин» ва «Шаҳло» номли дostonлар эди. Усмоннинг онаси дарҳол Ёзувчилар союзининг раҳбарларига мурожаат қилди, лекин қўлёзмаларни ололмади. Шундай қилиб бу асарларнинг ҳам тақдирини номаълум қолди... яна армонларга янги армон қўшилди. Бу бир одам ёки бир оиланинг армони эмас, бутун ўзбек халқининг армонига айланди.

Тоғам Усмон Носир ҳақида менга отам-шоир Уткир Рашид ҳам кўп сўзлаб берган. Дадам 15 яшар ўсмирлигида у билан Қўқонда шеърят орқали танишган экан. Шеърларини республикада донғи кетиб бўлган Усмон Носирга кўрсатган дадам Қўқон газетасида ўз шеърларини «Уткир» деган имзо билан кўради. Дадам хафа бўлиб Усмон Носирга учрабди. «Ахир мен Маҳмуд Рашидовман, бу менинг шеърларим-ку, сиз эса қайси бир Уткир билан адаштирибсиз» деса, у киши: «Бундан буён энди сизнинг адабий тахаллусингиз шу бўлади» дебди табуссум билан. Дадам шу воқеани эсларкан: «Ҳеч бўлмаса Рашид номини қўшиб қўяй, акс ҳолда бу шеърларни мен ёзганлигимга ҳеч ким ишонмайди. Шу «Рашид»ни зўрға қўшиб қўйганман», — деб кулади дадам.

1968 йилда мен Магадан областининг ички ишлар бошқармаси билан хат орқали боғланиб, Усмон Носир 1952 йилда Магаданда эмас, Кемерово областининг Мариинск шаҳри яқинидаги Суслово қишлоғида 1944 йилнинг 24 мартида вафот этганлигини аниқладим. Лекин турмуш тақозоси билан у ерларга боришга қурбим етмади.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раҳбарлари кўмагида бу ният яқинда амалга ошди. 1986 йилнинг октябрь ойида ёзувчи Исфандиёр Маткаримов билан биргаликда Усмон Носирнинг излари бўйлаб сафарга чиқдик. Кемерово области партия ташкилоти, ёзувчилари, ички ишлар органларининг ходимлари бизга кўп ёрдам бердилар. Эрта қор ёққани туфайли Мариинск томон кетган трасса бекилиб, биз Суслово қишлоғига боролмай қолдик. Бизга баҳор охирида яна келишимизни маслаҳат қилдилар. Май ойида юртимизни, Усмон Носирнинг туғилган, яшаган жойларни кўрсатиш ниятида, Кемеровода истиқомат қилувчи рус шоирлари Валентин Махалов, Виталий Зубарев ва Борис Бурмистровлар Ўзбекистонга таклиф қилинди.

Шу йилнинг июль ойида биз шоира Мукаррама Муродова билан Усмон Носирнинг қабрини зиёрат қилиш ва ёдгорлик ўрнатиш ниятида сафарга чиқдик.

Самолёт Кемеровога тунда соат тўртларда кўнди. Валентин Зубарев ва Борис Бурмистровлар кутиб туришган экан. Улар бир ҳафталик сафаримизда ҳамроҳ бўлдилар.

Усмон Носирни билган, таниган, у билан мулоқотда бўлган одамларни аниқлаб қўйишган экан, уларни излаб топдик. Кемерово области ички ишлар бошқармасининг бошлиғи генерал В. И. Руньшиков, подполковниклар В. Красильников, В. М. Випрёллар бизга самимий кўмаклашдилар.

Ёзувчи Борис Бурмистров ёрдамида пўлатдан катта китоб шақлида ёдгорлик ясаттирдик. 16 июль куни Мариинска йўл олдик. Ёдгорликда «Усмон Носир. Таниқли шоир, 1912—1944» деган сўзлар ўйиб ёзилганди. Биз кетаётган трасса, инқилобгача «кандальная дорога» яъни «кишан йўли» деб аталаркан. Бу йўлдан сиёсий маҳбуслар олиб ўтилган. Беш соатлардан кейин Мариинск шаҳрига кириб бордик. Бизларни шаҳар ички ишлар бошқармасининг раҳбарларидан бири, ишларимиздан қарийб бир йилдан бери хабардор бўлган В. М. Трушин кутиб олди. Мариинск район партия комитети секретари Л. В. Колишева қабулида бўлдик. Улар билан биргаликда Усмон Носир дафн этилган Суслово қишлоғига бордик. Бир вақтлар Сиблаг (Сибир лагерлари) деган умумий ном билан аталмиш бу жойларга ҳозир янги номлар берилган. Эндиликда бу қишлоқ «Первомайск», унда жойлашган совхоз эса «Победитель» деб аталаркан. Совхоз директори Вальтер Августович Арак (эстон), қишлоқ правлениеси раиси Ирина Казимировна Межаева, тракторчи Камо Гароян (арман)лар билан биргаликда ҳаммамиз қабристонга келдик. Гуллар барқ уриб, очилиб ётибди. Ёдгорлик қаерга қўйилади? Бу савол ҳаммани ўйлатиб қўйди. 100—150 квадрат метр ерни секин айланаб чиқдик. Кўзимиз ўт-ўланлар, ранго-ранг гуллар ичра икки томчи қонга ўхшаб турган қип-қизил земляникага тушди. Борис Бурмистров тўхтаб: «Шу жойга қўяйлик» деб менга қаради. Назаримда, Усмон Носир мен шу ердан дегандек, икки дона мевага айланаб, бизни дараклаётгандек бўлди. Ерга бағримни бериб тўйиб-тўйиб йиғлагим келди. Камо Гароян қўлига белкурак олиб биз мўлжал қилган жойни кавлай бошлади. Мукаррама Муродова иккимиз у билан суҳбатлашдик. Еревандан отаси билан келган экан. Ёши йигирма учда. Унга, арман халқининг Егише Чаренцига ўхшаган шоирни зиёрат қилгани келди, дедим. Унинг кўзи чарақлаб кетди. Бу шоир арман халқининг ҳаёти ҳақида ажойиб дoston яратган, номи «Нахшон» дедим. Сўзнинг маъносини сўрадим. «Гулчеҳра», «Гулрухсор»га тўғри келаркан...

Ёдгорлик ўрнатилди. Ботаётган қуёш нурларида тилла билан ёзилган сўзлар порлаб кетди. Бизнинг қадамимизни, овозимизни сезган, тинглаган, шоирни бағрида олиб ётган ер ҳам «Ҳайрият!» деб чуқур тин олгандай бўлди. Ёдгорлик олдидан шеърхонлик қилдик. Мукаррама Муродова шевр ўқиркан, мен хаёлан шоир билан сўзлашардим: «Тингла, шоир, сенга бағишлаб шеър ўқиямиз. Сен билан сўзлашиш учун мен қирқ йиллик масофани босиб ўтиб келдим», Қуёш эса фалакда қотгандек эди.

Уша дамда қалбимда кучли дард, ғалаён, букилмас, синмас ҳақиқатга ишонч, чексиз фахр ва ғурур бор эди.

Бу ишончни менга Усмон Носирнинг оташин шеърляти, ўлмас руҳи бағишлаётган эди.

Нодира РАШИДОВА



Қайсин Қулиев

ХАЛҚ АЙЛАР МУКАРРАМ...

* * *

Умр ўзи кам берилган одамзод учун,
Кексайганда сенсиз асло яшамайин мен.
Ҳаётимни армон билан қилмайин яқун,
Кексайганда сенсиз асло яшамайин мен.

Сен бўлмасанг, бўю бастинг, кўзинг бўлмаса,
Кексайганда сенсиз асло яшамайин мен.
Майин, маъсум ва меҳрибон сўзинг бўлмаса,
Кексайганда сенсиз асло яшамайин мен.

Хушёр кўздан бекинаман қай тоғ бағрига,
Сенсиз қолсам қандоқ енгай ажал аламин.
Майли, тезроқ дучор бўлай ўлим қаҳрига,
Кексайганда сенсиз асло яшамайин мен.

* * *

Баъзан мардлик қилдим, баъзан қўрқоқлик,
Тилим гоҳо болу, гоҳ тўқди заҳар.
Баъзан равон йўлда қоқилдим-у, лек
Баъзан тоғдан дадил ўтдим кўп сафар.

Меҳнат керак жойда ишладим отдай,
Баъзан кун ўтказдим ялқовлик қилиб.
Баъзан қаҳ-қаҳ урдим бахтиёр зотдай,
Баъзан қон йиғладим бағрим эзилиб.

Кўпмиллатли совет адабиётининг таниқли намояндаси Қайсин Қулиев ҳаёт бўлганида 70 ёшга туларди. Шоир асарларининг асосий мазмунини Ватан ва табиат, севги ва меҳр-шафқат, тинчлик ва дўстликка ишонч, урушга нафрат мотивлари ташкил этади. Халқлар дўстлигининг толмас куйчиси Қайсин Қулиев СССР ва РСФСР Давлат мукофотларига сазовор бўлган. У 1967 йилда «Кабардин-Болқар АССР халқ шоири» унвони билан тақдирланган.

Истеъдодли санъаткор бизнинг диёримизда ҳам кўп маротаба меҳмон бўлган эди. У ўзбек адабиётининг содиқ дўсти эди. Қайсин Қулиев бир қатор ўзбек шоирларининг асарларини болқар тилига таржима қилган. Шоирнинг кўпгина шеърлари ва мақолалари ўзбек тилига ўгирилган.

О ҳаёт! Сен менинг барча яхши ва
Ёмон ишларимни биласан, ахир.
Ҳа деб қусуримга қилма кўп таъна,
Яратган ўзинг-ку, сен ўзинг кечир.

* * *

Доно зотга, ботир зотга ҳамиша,
Шоир, битаверма мадҳу шараф-шон.
Фақат доно эмас матонатпеша,
Фақат ботир эмас юртга фидо жон.

Офарин — донога, ботирга — раҳмат!
Бироқ арзимасми мақтаб ёзишга
Ер ҳайдаб, кўй боқиб, чекиб минг захмат,
Умрин бахш этганлар энг оддий ишга?!


Ахир, ҳар меҳнаткаш Прометей янглиғ, —
Бир қарашда кичик ишлар қилса ҳам,
Меҳнати-ла бўлур худодан улуг,
Халқ ҳам уни сийлаб, айлар мукаррам.

Ҳаёт ҳиммат қилсин, куёш ўз нурин
Сочаверсин барча меҳнаткашларга!
Доно ечиб берсин мушкулот сирин,
Ботир қалқон бўлсин эзгу ишларга!

• Русчадан **Асрор МҶМИНОВ** таржималари.

Мамлакатимидаги миллий муносабатлар — жонли ҳаётнинг жонли масала-сидир. Биз одамларнинг миллий манфаатлари ёки миллий ҳис-туйғуларига даҳлдор барча нарсаларда ниҳоят даражада эътиборли ва назокатли бўлишимиз, кўп миллатли жамиятимиз турмушидаги ғоят хилма-хил вазифаларни ҳал этишда барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари жуда фаол қатнашишларини таъминлашимиз лозим.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 70 йиллигига бағишланган кўшма тантанали мажлисидаги докладидан.



Қуддус Муҳаммадий 80 ёшда

БЕҒУБОРЛИК

Ҳозир Қуддус Муҳаммадийни ўйласам, ота-она бағрида эркаланиб, юзларидан нур ёғилиб, қарамагани ўзига қаратадиган болаларимизни кўргандай, уларнинг қувноқ ва шўх овозларини эшитгандай бўламан. Уларни учратганда эса буғдойранг юзли, болалардай беғубор, самимий, зийрак, қарашлари ёқимли, чаққон Қуддус ака кўриниб, овози жаранглаб туради. Ахир, элимизда ким Қуддус Муҳаммадийни болаларсиз, дўмбоқларимиз севинчини эса Қуддус Муҳаммадийсиз тасаввур этади?!

Нега шўхрати шунчалар баланд? Нега унинг сўхбатлари ҳамиша файзли? Катта йиғин ва давраларга тез-тез таклиф этилиб турилса ҳам, ҳамиша орамизда бўлса ҳам уни нега доим соғинч ва иштиёқ билан кутамиз? Бунинг сиру синоати нимада? Ана шу ҳаяжонли саволларга жавоб излаб, шоирнинг китобларини варақлайман, ихлосмандларининг кўнглига қўл соламан, машҳур кишиларнинг у ҳақдаги фикрларини қидираман. Ҳаёт йўли саҳифаларини варақлашга тушаман ва жавоб топгандек бўламан: унинг омади оламни, одамни севганиданмикан, яшаш ва курашга иштиёқиданмикан?

Ҳаёт уни жуда ёшлигидан, ҳали она сути оғзидан кетмасидан, оқу қорани танимасидан ана шу кураш қаърига отди. Тошкентда камбағал оилада таваллуд топган кунлар (1907 йил), шафқатсиз фожиалар — эрки, тенглиги, ор-номуси, меҳнати оёқ ости бўлган, халқимизнинг оқу фиғони кўкни тутган, хоризмнинг мустамлакачилик ва камситиш сиёсати суяк-суякларига бориб етган кунлар эди. Йўқчилик зуғуми билан отадан эрта айрилиб, амакининг қўлида қолди.

Унинг йўлига шўъла туша бошлади, бора-бора нур тўкилди. Бу — Октябрь инқилобининг, улў Лениннинг меҳр зиёси! Бу офтоб уни болалар уйига етаклаб келди, етти йиллик маълумот берди, ўқишни кишлоқ хўжалиги техникумида давом эттиришга йўллади, муаллимлар қаторига қўшди, Мана у нима учун Октябрни шарафлайди, жонажон Коммунистик партиямизга, сеvimли дохиймиз Ленинга, ҳамма-ҳамма одамларга, она-Ватанга ўз садоқатини тўлиб-тўлиб, қайнаб-қайнаб, тошиб-тошиб изҳор этади. Ана шу қарздорлик ҳисси, эзгу ниятлар, истаклар, орзулар унинг қўлига қалам тутқазди. 1927 йили «Ёш ленинчи», «Шарқ ҳақиқати» газеталарида, «Ер юзи» журналарида чоп этилган илк шеърлари — кўнгил ҳуши, шунчаки ҳавас ё эрмак меваси эмас, йўқ, адабиёт остонасини муқаддас билиб бел боғлаганлигининг нишонаси эди. Уша. «Тонг ўйини»да ёшларни меҳнатга чорлаб, «Паранжи» шеъри билан ўтмишнинг аянчли сарқитларига ўт очди. «Селекция станцияси», «Трактор»да келажакни олқишлади.

Меҳнатнинг қадри, дўстлик ва аҳиллик қувончи қуйланган «Аҳмад ва асалари» поэмаси (1933 йил) эскилик ва янгилик курашига бағишланган «Сандал ва печка», самимийлик ва умидбахшлик ифодаланган «Ўз-ўзини танқид» шеърлари (1936—1937 йиллар) ўзбек болалар адабиётининг безаги.

Улў Ватан уруши давридаги шеърларининг томир-томиридаги қон кичкинтойлар ва ўсмирлар туғени эди. Булунғурда Ислом шоир этагини тутиб, унга мирзалик қилиб, халқ бадиий ижоди чашмасини чанқоқлик билан симирганининг самараси — шеърларидаги мусаффоликда, табиийликда, равлонликда, соддаликда, қайноқликда, шўх ва қувноқликда кўриниб туради. Илк китоби — «Уқувчига эсдалик»дан тортиб, «Шеър ва эртақлар», «Орзу», «Синов», «Баҳор келди», «Қирқ ўғил, қирқ қиз», «Дунёда энг кучли нима?», «Бизнинг дўстларимиз», «Сен туғилган кун», «Жуда қизиқ, жуда чиройли», «Она-бола меҳри», «Доно бобо ва унинг неварачеваралари», «Очил дастурхон», «Табиат алифбеси» ва бошқа тўпламларининг бари-бари ҳаяжон билан кутиб олинишининг, қўлдан-қўлга ўтишининг, машғулотларда ва йиғинларда янграшининг боиси нима? Бой ҳаётий тажриба, қувонч, қайғуси, ўйлари ва орзуларининг кўксига уриб туришида!

У ҳамиша болалар адабиёти — партиявий, юксак гоъвий халқчил адабиёт учун курашганлар қаторида. Болаларни қизиқтирадиган, тўлқинлантирадиган янгиликларни, воқеаларни тез пайқашдаги илдамлиги, ҳамиша катта ва муҳим проблемаларга қўл уриши, шеърларидаги ёркин ахлоқий мазмун, аниқ, ёқимли, самимий, жозибали табассум, жанговар даъват уни элимизга болалар маънавий оламининг ҳазиначиси сифатида танитди.

Сиз меҳнат, ўқиш, ҳунар ҳақида шундай ёзасизки, ҳар қандай меҳнат худди соғинч билан айтиладиган ашуладай ҳузурбахш туюлади. Шеърларингиз меҳнатдан лаззатланиш ҳиссини уйғотади. Улар — буюртма ёки тезроқ кўриниш учун битилмаган, улар — ҳаёт йўлингиз, бир умр интилган ниятингиз, қалбингиз!

Баъзилар «алдагани бола яхши» дейишади. Наҳотки, шундай бўлса?! Наҳотки, болалар дунёсига, беғуборлик оламига шуни раво кўрилса?! Йўқ! Бу «йўқ» садосида унинг ҳам овози бор. Қуддус Муҳаммадий шеърияти болалар қалбини авайлайди, эзгу офтоб билан тўлдиради. Болаликка — ҳалоллик, тўғрисиўзлик, покизалик, мардлик, тиниқлик, қайноқ меҳргина раво! Қуддус Муҳаммадий шеъриятининг файзи, сирини ва сеҳрини ҳам шунда!

Йўлдош СУЛАЙМОН

БОЛАЛАР УЧУН БАЙРАМ

Бола — ҳаёт кўрки. Сен бажариб улгурмаган ниятларни у амалга оширади. Коммунистик келажакнинг яратувчилари ҳам ёшлардир. Шу тўғайли болаларга эътибор, уларнинг баркамол кишилар бўлиб етишуви тўғрисида партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги чексиз. Адабиётимизнинг катта бир соҳаси — болалар адабиёти — улар ихтиёрида. Ахир, болалар дунёси ўзига хос бир олам. Уларнинг дунёқарши, ҳаёт ва табиат ҳақидаги тасаввурлари ранг-баранг. Уларнинг ҳаёти фантастикага бой, серзавқ ва қувноқ. Бинобарин, улар ҳақида ёзиш ўта мураккаб, масъулиятли. Болалар дидига, ақлига, ёшига яраша маъқул асар яратиш учун фақат уларни севиш ёа ўрганишгина кифоя қилмайди. Севиш билан бирга чуқур ҳис эта билиш лозим. Шоир Қуддус Муҳаммадий асарларининг завқли ва ўқимишли, болаларбоплиги ҳам энг аввало ана шу бир-бирини тушиниш ва англашда бўлса керак. Чиндан ҳам қачон ва қаерда шоирга кўзингиз тушмасин, у доимо тўда-тўда болалар орасида, улар билан қизгин суҳбатда. Болалар билан учрашувларда у шоиргина эмас, балки болага айланиб кетади. Ёзган шеърлари болаларга ёқиб қолса, Қуддус ака олам-олам завққа, чексиз бахтга эгадек ҳис этади ўзини. Шоир бу ҳақда шундай дейди: «Шоирнинг жони асарга ўтиб қолиши керак, акс ҳолда у болалар қалбига етиб бормади. Бола қалбидан жой олган шеър эса, унга доимо ҳамроҳ, дўст бўлиб яшайди. Шеър ўлмаганидек, шоир ҳам ўлмайди».

Шоир яратган қаҳрамонлар орасида жонли ва жонсиз табиат олаmidан тортиб, эсини таниган, ҳаётга эндигина аралашаётган ёшларгача учратса бўлади. Унинг барча асрларини бир тўплам ҳолида оладиган бўлсак, уни болалар энциклопедияси дейиш мумкин. Бинобарин, у қайси мавзуда ёзмасин, болаларни катталардан ажратмайди, мавзулар муштараклиги орқали ҳаётийликни юзага келтиришга ҳаракат қилади. Мақсад ва ғояни кичкинтойларнинг характериға, дунёқаршиға, дидига, психологиясига хос усул ва услубда тасвирлайди. Шоирнинг айтишиға кўра, бир куни «Ҳолва» шеърини катта бир учрашувда ўқиб беради. Шеър ҳаммага манзур бўлади. Шунда тингловчилардан бири: «Хайрият, бизнинг ҳам касбни улўғлаб шеър ёзадиган яхши шоир бор экан. Ҳолвапурушлик касби менга ота мерос. Аммо ҳолванинг ҳолва шаклиға келтиргунча бўлган нозик меҳнат жараёнини сиз ҳайрон қоларли даражада тўғри тасвирлабсиз. Еки ўзингиз ҳам ҳолва пиширганмисиз?» деган экан, «Мен, — дейди шоир, — яхши ва ҳаётий шеърнинг куч-қувватига яна бир бор ишончим ошди. Лекин мен ҳам ана шу «Ҳолва» шеъримни яратгунча ҳолвапурушдан кам меҳнат сарфламаган эдим». Шунинг учун бўлса керак, унинг ҳар бир шеърини болаларгина эмас, ҳатто катталар ҳам қониқиш билан қарши оладилар.

«Қуддус Муҳаммадий улкан шоир албатта, — деб ёзган эди совет адабиётининг атоқли вакилларида бири Сергей Михалков, — у фақат болаларнигина эмас, ёзувчиларнинг ҳам муҳаббат ва ҳурматини қозонди. Бунга осонликча эришиб бўлмайди. У жуда образли, ширали, эсда қоладиган қилиб ёзади. Шунинг учун у катта ёшдаги китобхонларға ҳам маъқул бўлиши бутунлай табиийдир». Бинобарин, Қ. Муҳаммадий ўзининг реалистик асарлари билан, жонли педагогик фаолияти ва ёш ижодкорларнинг мураббийси сифатида адабиётимиз тараққиётиға муҳим ва муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У етук шоир, фаол жамаотчи, таржимон, ёш ижодкорлар устози даражасига кўтарилган кўп қиррали фаолият саҳибидир.

Соҳиба ИРИСХУЖАЕВА



Онжей Нефф,
чех адаби

КҮР АВИТОРОДЕО ҚИСМАТЛА

Илмий-фантастик қисса

— Қисқа танаффусдан сўнг, қадрли дўстлар, сизларни автородеомизнинг асосий номери кутади. Тенги йўқ Бобби Яшин пойгачиларимиз барпо этган жаҳаннам янглиф йўлни кўзлари боғлиқ ҳолда қесиб ўтади. Ҳа, ҳурматли томошабинлар! Энди улар ўз машиналарининг двигателларини ишга солаётганини эшитипсизлар...

Устига йирик ҳарфлар билан «АВТОРОДЕО» ва «БОББИ ЯШИН» деб ёзилган фургон олдида баланд бўйли, хушқомат одам пайдо бўлди. Эғнида чарм қоржомма, энглари ва елкаларида чақин тасвири. Йигит тўхтаб, шошилмай юпқа чарм қўлқопларини кийди. Унинг кўзларини жимжима ойнак тўсган, қаёққа қараётганини аниқлаш мумкин эмасди. Қулоғини динг қилганча тек қотган. Чамаси, ишга туширилаётган машиналарнинг моторлари овози уни қизиқтирмас, каллаи саҳардан бери шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисмида ва Фанлар академиясининг кўп қаватли биноси устида узлуксиз айланаётган вертолётларнинг безовта шовқинига зўр бериб қулоқ соларди. У ёқдан эрталабданоқ портлаш овозлари эшитилмоқда.

Фургон ёнига рессоралари энгил силкиниб, биқинига ловуллаб турган олов ва чақмоқ тасвири туширилган катта қора машина келиб тўхтади. Бобби Яшин зиналарни бир-бир босиб ерга тушди. Ҳалиги машинада келган механик — ёш йигитча унга — автородео юлдузига ҳавас билан тикиларди. Бобби Яшин машинасига ўтирди-да, майдонга йўл олди.

— Мен Мартин Данешни излаяпман, — мурожаат қилди механикка қаёқдандир пайдо бўлган кўримсизгина бир одам.

— Ҳалиги йигит Мартин Данеш эди-да!

— Йў-ғэ...

Механик елкасини қисди-да, тўда ичига сингиб кетди.

Бу сафар томоша кўнгилдагидек бўлмади. Тўғри, каскадерларнинг рағбати жуда зўр, ҳаммаси ўз навбати билан борди: ёнаётган машинада умбалоқ ошилди, катта тезликда тўқинишлар бўлди, яқка чўплардан ёнлама филдиракларда ўтилди...

Лекин томошабинлар озчилик, улар ҳам майдондаги ўйин кўрсатаётганларга эмас, кўпроқ уфқдаги вертолётларга эътибор қилишар эди.

Баковул томошабинларни қизиқтириш учун беҳуда уринмоқда:

— Майдонга ўнта талабгорни таклиф қиламиз. Ердамчи — тилласоч Сильва уларнинг ҳар бирига ағдарма қалпоқ беради. Жуда соз, ана чиқишмоқда. Дадилроқ бўлинг, дўстлар! Азизим Сильва, уларга қалпоқларни улашинг! Ҳа, шоввозлар, қалпоқларингизни яхшилаб кўздан кечиринглар, ўзидан нур ўтказмаслигига имонингиз комил бўлсин. Аслида улар сув ҳам ўтказмайди!.. Бобби Яшин рулда кутяпти!

Талабгорлар чиндан ҳам қалпоқларини диққат билан текширишар, ҳамма томошабинлар қатори улар ҳам аср товламачилиги программанинг асосини ташкил қилишини билишар ва зўр бериб найрағ сирини аниқлашга уринишарди. Тилласоч Сильва майдондагиларга нозли жилмайиш билан қалпоқларини кийишларини сўрайди.

Талабгорлар эса қўлгили тарзда ҳавода қўлларини чўзиб бир-бирларига урилишади. Кеча томошанинг худди шу қисми майдондагиларнинг кучли қаҳ-қаҳасига сабаб бўлганди. Бугун тўсиқ ёнидаги болакайлардан ташқари деярли ҳеч ким қўлмади.

— Қалпоқларнинг сув ўтказмаслигига ишончингиз комил бўлдимиз? Ҳеч қандай ҳийла, ҳеч қандай товламачилик йўқ! Нима дедингизлар, қадрли дўстлар?

Талабгорлар қалпоқларини ечиб, у ёқ-бу ёғини ағдариб қўришдида, ичида ҳеч нарса йўқлигини имо-ишоралар билан тушунтиришди.

— Энди эса, Бобби Яшин ўнта қалпоқнинг... ҳаммасини кияди! Сильва, қаҳрамони-мизга ёрдам беринг!

Қора лимузин оҳиста майдон ўртасига келиб тўхтади. Пойгачи машинадан тушгач, қиз қалпоқларни унинг бошига кийдирди.

Бобби Яшин рулда... У газни кескин босган эди, атрофда бурқсиган тугун пайдо бўлди-ю, машина ўкирганича олдинга интилди. Шу заҳоти саккизта автомобиль унинг изидан тушди. Қора лимузин ағдарилганча ёнаётган машиналар оралаб борарди. Тасаввурга сиғмайдиган аҳмоқона бир ўйин ўн дақиқа давом этди. Томошабинлар чиндан ҳам бу сафар ҳаяжонга тушгандай эдилар. Ниҳоят, сирена овози янгради?— томоша тугаганди. Қора лимузин фургон ёнига қайтди. Ҳалиги кўримсиз одам ҳамон ўша ерда турарди.

— Мартин Данеш сизмисиз?

— Ҳа.

— Кечирасиз, лекин, менга маълум бўлишича, сиз...

— Ҳа, мен кўрман, — жавоб берди пойгачи совуққонлик билан ва кўзойнагини олди. Тиришиб кетган қовоқлари бўш кўз чаноқларини яшириб турарди. — Нима, сизнингча, мен пианинони созлаш билан шуғулланишим керакми?

— Асло, — эътироз билдирди нотаниш одам. — Биз сиз билан гаплашиб олишимиз керак.

— Биз деганингиз ким?

— Давлат хавфсизлик хизмати.

Кўкда учта вертолёт учиб борарди.

«Заря—6» космик зонди ўн йилдан бери парвозда. У қирқ йил аввал очилган Кўхна йўл (мутахассислар трассани шундай деб аташарди) бўйлаб учади. Бу йўл Юпитер ва Сатурнга олиб борар, сўнгра Уран ва Нептун ёнидан ўтиб, Қуёш системасининг номаълум чегарасига туташарди. Оламнинг у ёғи ҳақида одамзод ҳали ҳеч нарсани билмайди. «Заря—6» Қуёш системаси чегарасидан ўтгач, бошқа автомат станциялар, шу жумладан «Интеркосмос»нинг халқаро программаси бўйича учирилган бешта зонд сингари ғойиб бўлиши керак эди.

«Заря—6» картографик — муҳит ва мавжудот ҳақида маълумот тўплайдиган зонд. Унинг биокомпьютерлар билан кучайтирилган телекўзлари «Вояджерлар»нинг фотокамераларидан миллион мартадан зиёдроқ кўраолади. Станция Нептунга яқинлашаётганди. Фаолиятининг илк натижалари жамоатчилик мулки сифатида Москва, Чикаго ва Токиода «Юпитер йўлдошларининг атласи» аталмиш 15 жилдлик илмий мажмуада эълон қилинди. Айрим шарҳловчиларнинг таъбири билан айтганда, «мазкур ажойиб қўлланма биргина қўсурса эга бўлиб, унда электромобилларга зарядқа берувчи мотель ва станциялар кўрсатилмаганда, холос.»

«Заря—6» яқин ўртада ўз фаолиятини тугатмайди. Унинг сергак кўзлари аввал Нептунни, кейин Плутонни диққат билан кузатиши лозим. Шундан сўнг мажхуллик дунёсига йўл олади. Унда Ер ва ерликлар ҳақида маълумотлар бор. Агар бу маълумотлар китобларга кўчганида борми, уларни сақлаш учун бир неча минг куб метр ҳажмдаги омбор керак бўларди.

Зонддаги маълумотлар — энг қимматбаҳо нарса. Кўпгина олимлар мавжуд ҳаёт сирларини бу тарзда кўкка созуришни танқид қилишар, «коинотда биз ёлғизмиз» дейдиганлар тобора кўпайиб бораётган эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки, Ердан ташқаридаги тириклик садоларини эшитиш бўйича қилинган барча уринишлар натижа бермаганди.

Эркак ва аёл тасвири туширилган металл тунукача ва Қуёш системасининг аниқ координатлари билан таъминланган бизнинг илк космик зондларимиз ниҳоят ўз эгаларининг қўлларига бориб текканини эшитган скептикларнинг юзларидаги ифодани кузатиш нақадар мароқли иш бўлар эди!

Келинг, ҳаммаси навбати билан...

Ўз траекториясини чамалаб олган «Заря-6» Нептун юзасини суратга ола бошлади. Камера ва узатгичлар яна уч кун ишлайди. Сўнгра энергия манбалари автоматик тарзда ўчади ва зонд Плутон яқинида «уйғонгунига» қадар «уйқуга» кетади.

Орада уч кун бор.

Агар бу уч кун «Интеркосмос» мутахассислари ишлаб чиққан режа бўйича ўтганида автородео пойгачиси Мартин Данеш давлат хавфсизлик хизматининг эътиборини ўзига тортмаган бўларди.

Бироқ картографик суратга олиш дақиқасида, вақтнинг йигирма тўққизинчи соати ўттиз биринчи минутда қутилмаган ҳодиса юз берди. «Заря—6»нинг металл биқинларини қандайдир сурбет ва қизиқувчан нурлар пайпаслай бошлади. Станция булардан беҳабар. Чунки нурлар гравитацион локаторлардан чиқаётганди. Ер фани ва техникасининг юксак тараққий этганлигига қарамай, гравитация ҳали ҳам инсон тафаккурига бўйсунмасди. «Заря—6» Кема бортидаги қурилмалар назоратидаги кўринмас тўрға илинган эди.

Станция Кемага нисбатан мисоли бургут ёнидаги пашшадай. Техникавий мукамаллик масаласига келсак, бундай таққослаш инсон заковати маҳсулининг обрўсини анча-мунча тушириб қўяди. Тош болтани компьютер билан қандай таққослаш мумкин? Космик бўшлиқда мабодо бирор холис кузатувчи бўлса Кеманинг «Заря—6»га нисбатан қизиқишидан ҳайратга тушуви аниқ эди. Қадимий мақолда айтилганидек, бургут пашша овламайди. Аммо Кема «Заря»ни қўлга олишни чамаси ҳали ўйламасди. У траекториясини озгина ўзгартириб (космик масштабда) Кўҳна йўл бўйлаб зондни таъқиб этарди. Гравитацион нурлар «Заря—6»ни пайпаслаб, унинг ичини ҳам тинтув қилмоқда.

Кеманинг сезгир антенналари орқали маълумотлар қайтарди. Бегона куёш мавжудодлари тадқиқотлар натижаларини ўйчан таҳлил қилиш билан банд. Кўп ўтмай улар ҳаммасига тушунишди. Уларнинг детекторлари худди Патруллари топган автомат сингари ўлик механизмни қайд этди. Уша автоматнинг бортида ҳам уни ясаган жонзодларнинг адреси ёзилган тунукача мавжуд эди.

«Бу—автомат, холос,— мулоҳаза юритишарди мавжудодлар.— Тўғри, у биринчисига нисбатан анча мураккаброқ ва маънилироқ. Лекин ўзининг мураккаблиги ва маънилироқлигига қарамасдан у Вақт дарёсининг ўлик соҳилида жойлашган...» Уларни бошқа— Ҳаёт соҳили қизиқтирарди.

Ўлик автоматга вақт сарфлашдан маъни чиқармикин?

Бегона Куёш мавжудодлари иккиланишарди. Лекин детекторлар ўз ишини давом эттирар, маълумотлар оқими тугамасди. Экранларда янгидан-янги тасвирлар пайдо бўлар, борт компьютерлари тўла қувват билан ишлаётганди. Мавжудодларнинг нигоҳлари проекцион экранларга қадалди. Ўзгача усулда фикрлашга одатланган мия ҳамма «мусбат» ва «манфий» дастурларни тарозига солаётганди.

Дисплейларда «Заря—6»нинг телекамералари кўринди. Мавжудодлар объективлар, камераларнинг компьютерлари ва узатувчи тармоқларини узоқ ўрганишди. Кеманинг борт компютери ҳам зўр бериб ўйларди. Мавжудодлар унга оддий саволни беришди: «Ҳа»ми, «йўқ»ми? Маълумотлар оқими тўхтаб, компьютер чўчқачани ютиб юборган бўғма илондай дастурларга тўйгач, Мавжудодлар: «Ҳа»,— деган жавобни олишди.

Бу «ҳа» — тадқиқ этилаётган аппаратнинг объектлари етарли даражада сезгир ва Мавжудодларнинг мақсадларига тўғри келади, деган маънони англатарди. Агар компьютер «йўқ», деганида, Кема «Заря—6»ни холи қолдириб, бошқа йўл қидиргани Қуёшга яқинроқ Учинчи Сайёрага отланган бўларди. Жавоб ижобий, демак Кема Нептун орбитасида қолади. Биринчи босқичда «Заря»га яқин келади ва қўлга киритади: унинг объективлари Мавжудодларни одамлар дунёсига олиб кировчи дарвозаларга айланади.

— Уртоқ полковник, мен Мартин Данешни бошлаб келдим.

— Кетишингиз мумкин, ўртоқ капитан. Ҳа, айтгандай, бизга қаҳва келтиришларини айтсангиз, — у Мартинга қўлини узатди. — Полковник Яролимек. Утиринг, мана курси...

У меҳмонни курси томон бошлаётган эди, Мартин ажиб бир ҳаракат билан ёрдамни рад этди. Полковникнинг қўли бир дақиқагина унинг елкасига тегди-ю, лекин шу заҳоти мушакларида пайдо бўлган қудратни сезди. Мартин қатъият билан курсига келиб ўтирди. Лоқайдроқ одам, уни кўради деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Мартиннинг ҳаракатларида кўрларга хос чорасизлик ва бўшашганлик сезилмас, у ишонч билан эркин одим отарди. Лекин полковник Данешнинг фазода кескин ҳаракат қилишига имкон берувчи бир неча усулларини пайқашга улгурди. Бу, биринчи навбатда унинг юришида, матросчасига енгил ва кенг одим ташлашида кўринарди. Мартин ҳар дақиқада йўналишини ўзгартиришга шай қоплондай ҳушёр қадам ташларди. Қўлларини қадимги вестернлардаги ковбойлар каби танасидан бир оз орқада олиб юрарди. У кафти билан аввал курсининг ёндорига тегиниб, бир зум ўриндик қаердалиги ҳақида ўйланиб тургач, ишонч билан оёқларини чалиштирганча ўтириб олди.

Қаҳва олиб киришди. Полковник ўзининг ёзув столига ўтириб, жойланиб олди-да, ҳозиргина ҳисоблаш марказининг кўпайтириш аппарати тайёрлаб берган қоғозларни ўйчан варақлашга тушди. У гапни нимадан бошлашни билмасди. Аксарият кўзи соғ одамлар кўрлар олдида шундай юз кўришганларидан уялаётгандек саросимага тушишади.

— Сиз мендан нима истайсиз? — сўради йигит.

— Ёрдам, — жавоб берди полковник. Данешнинг гапни биринчи бўлиб бошлагани унга қўл келган эди.

— Ёрдам?

«Чиндан ҳам бақувват йигит», — ўйлади полковник. У истехзоли саволдан ҳайратда эди: «Кўр одамдан қандай ёрдам бўлиши мумкин?»

— Узингиз ҳақингизда пича гапириб берсангиз, — илтимос қилди у. — Эшитишимча, автородео каскадери бўлиб ишларкансиз.

— Гапириб ўтиришнинг нима ҳожати бор, — жавоб қилди Мартин. — Олдингизда қоғозлар турибди, уларда ҳаммаси ёзилган. Қора сиёҳ билан.

— Менга қаранг, сиз ҳамма нарсани кўриб турибсиз! Чамамда, товламачисиз!..

— Кузойнагимни ечишимни истайсизми? Огоҳлантираман, ёқимли манзарага дуч келмайсиз, — мийғида кулимсиради Мартин. — Йўқ, мен кўрмайман, лекин эшитаман.

— Шу сизни боқадими? — қўшимча қилди полковник.

— Ҳа. Эшитув аъзоларим орқали атрофни чамалайман. Бошимга ўнча қора қалпоқ кийдириб кўйсангиз ҳам барибир қулоқларим ёрдамида ҳар қандай йўлни топаман. Албатта, буларнинг ҳаммаси машқдан. Ўз вақтида анча-мунча машиналарнинг абжағини чиқарганмиз. Лекин энди зарурат бўлгандагина уларни пачақ қиламиз.

— Сиз отишни биласизми?

Кўр курсининг ёндорини чангаллаганча қотиб қолди.

— Ҳужжатларимни ўқиб чиқинг, сизнинг кўзларингиз жойида-ку!

— Уларда отишингиз ҳақида ҳеч қандай гап йўқ.

— Отам Вьетнамда бўлган, анча илгари, унда мен ҳали дунёга ҳам келмагандим. Вьетнамликлардан ҳарбий шифокорлар тайёрларди. Америкаликлар ўз ҳаракатларини Шимолга кўчиришганида отам ҳарбий зонани ташлаб чиқишга рози бўлмаган. Эксперимент, яъни газ-қуролини синаш вақтида кўр бўлиб қолган. Америкаликларнинг баҳонаси одатдагидай уйдирма: навигацион хатога йўл қўйилган, учувчи ўзини Жанубда деб ўйлаган!..

Кўр суддаги айбловчилардек дона-дона қилиб, бир маромда сўзларди. Унинг мушталари қисилган, юзи бўздай оқаргану яноқларига изтиробли қизиллик тепган. «У қирқ икки ёшда, — мулоҳаза юритарди полковник. — Лекин йигирма беш ёш берасиз. Жисмоний етишмовчилик одамни яшартирарканми...»

— Отам уйга кўр бўлиб қайтди, — сўзида давом этди Мартин. — Уйланди. Тўғри, олдин турли-туман медицина текширувларидан ҳам ўтган: фарзандлик бўлиши мумкин экан... Кейин, мен туғилдим.

— Отангиз урушдан нафратланишга ўргатибди, — деди полковник. — Сиз қотилликдан нафратланасиз. Қуролдан нафратланасиз...

— Ҳа, — деди кўр. — Нима бўпти, менинг бунга ҳаққим йўқми?

— Билмадим, — шошилмай гапирди полковник. — Томошабинлар сизнинг кўрлигингизни билишмайди ҳам, тўғрими?

— Одамларга кўзларим боғлиқ ҳолда юришим ёқади. Агар улар менинг кўрлигимдан хабар топишса... Ногиронларни ким ёқтиради дейсиз.

— Лекин барибир отишни ўрганишингиз биз учун жуда зарур, Данеш!

Мартиннинг қони қайнаб кетди.

— Нега менга бу гапларни айтаясиз! Шахсий деломни ўқидингизми ўзи? Охиригача ўқиб чиқинг! Ов қуроллари сотиладиган магазиннинг витринасини қандай синдирганимни, қаҳвахонада икки мақтанчоқ жангчи билан уришганимни билсангиз керак, ахир?!

У курсини ағдариб юборгудай ирғиб ўрнидан турди-да, эшикка интилди.

— Данеш, сиз бизга зўр мерган сифатида кераксиз. Душманларимиз — одамлар эмас. Тушунинг, улар одамлар эмас...

Кўр эшик тутқичини қўйиб юборди-да, полковникка ўгирилди.

Экранда яна турфа ранглар жилваланди. Бу ғаройиб томоша йигирма саккиз соатдан бери давом этаётир. Хонада саккиз киши. Беш соат олдин улар навбатчиликка туришганди. Муддат уч соат. Икки соат ўтиб кетди. Лекин уларнинг ҳар бири кўтаринки кайфиятда: янги бир оламни кўришаётир. Агентликлар тез орада бутун оламга сайёра суратининг мағнит нусхаларини тарқатишади.

Ҳамма сукутда. Ўзларини сайёра устидан учиб ўтаётгандай ҳис қиладилар. Нептунни аввалги зондлар ёрдамида олинган фотосуратлар ва тўқис хариталар орқали яхши билишарди. Лекин у сирли дунё-ку! «Заря—6»нинг кемалари шундай мўкамал эдики, экранда илгари ҳеч ким тасаввурига келтирмаган энг майда ўзгаришларни ҳам пайқаб олиш мумкин эди. Бу ердан маданий ҳаёт излари топилармикин? Ҳеч ким бу саволни ўртага ташламади, лекин у ҳамманинг калласида айланиб юрарди. Саккиз йил аввал «Заря—6» Юпитер системасини кесиб ўтаётганида уларнинг ўтмишдошлари ҳам қаршиларидаги экранга худди шундай умид билан тикилишганди...

Кутилмаганда экраннинг чеккалари қорайди, унинг ўртасига икки томондан ёруғлик ўтказмайдиган парда тортилди.

— Нима бўлди ўзи, жин урсин! — хитоб қилди смена бошлиғи Мисарж. — Чамаси, кимдир парда тортиб қўйди!

Ҳамманинг эътибори назорат пульталарида. Ҳар бир дақиқа ғанимат, имкон борича

тезроқ кутилмаган ҳодиса сабабларини аниқлаш керак. Қаердан узилдийкин? «Тепадми?» ёки шу ерда, бошқариш марказининг бункеридамикин?

— Менда ҳамма иш жойида, — ахборот берди навбатчи-алоқачи.

— Менда ҳам, — қўшилди унга инженер-энергетик.

— Жойида... жойида...

«Заря» бунинг яхлит системани ташкил қилувчи жамаи саккизта қисми мўътадил ишлаётганди. Асосий қисмлар шу ерда — чуқур ер остида қурилган бетон ва пўлат бинога жойлашган эди. Фақат унча катта бўлмаган, лекин дунё жамоатчилиги учун анча машхур блоккина «тепада» — Нептун яқинида эди.

— Нима бўлаяпти?

— Билмадим, — деди алоқачи. — Чамамда...

— Давом эт.

— Бемаънилик, албатта. Лекин, чамамда сиз ҳақсиз, кимдир чинданам объективга парда тортиб қўйди.

Мисарж жаҳл билан пишиллади, лекин алоқачи бўш келмасди:

— Сиз экрандаги аксининг икки томонидан ўчганини ҳеч кўрганмисиз? Ахир, бу техник жиҳатдан мумкин эмас! Уртоқлар, синтетик химоя қордалари тушиб кетмаганмикин? Ёки, айталик, қуёш батареялари жойидан жилиб қолган бўлса-чи?...

— Ҳеч нарса тушмаган ва ҳеч нарса жойидан жилмаган, — деди инженер хафа бўлиб. — Мен ахборот бергандим, сен бўлсанг, эшитмабсан.

— Эшитдим, эшитдим, — минғирлади алоқачи. — Лекин, ниманидир, эътиборингдан четда қолдирган бўлишинг ҳам мумкин-ку?

— Бас қилинглар, — жанжални босиш учун Мисарж орага тушди. — Бойқонурни улаймиз. Назорат маркази бирор маслаҳат берар.

Қўққисдан экран яна ёришиб кетди. Бўш зал: нишаб стол, ясси шип ва деворлар... Тасвир шу даражада тиниқ эдики, Мисарж дастлабки дақиқаларда марказ экранига қайсидир телевизион программа адашиб тушиб қолган бўлса керак, деб тахмин қилди. Лекин бу бемаъни фикрни дарров миясидан ҳайдади. Мумкин эмас, негаки, экран ахборот қабул қиладиган электрон система билан яхлит тармоқни ташкил этади. Демак, экрандаги тасвирнинг Ер телевидениесига ҳеч алоқаси йўқ. Зал жуда ғалати кўринаяпти: металл деворлар, нишаб полга қўйилган рельслар, орқа планда икки табақали дарвоза... Саккиз кузатувчининг назари ҳар томонда. Масалан, Мисарж, рельсларни кузатмоқда. Қизиқ, рельслар конструкторлар лойиҳаси бўйича залнинг ўртасидан ўтмаган, ғалати бурилишлар ҳосил қилган. Эшиклар... Нега уларнинг тавақалари тўғри бурчакли ва симметрик эмас? Остоналари эса ғайриоддий бурчаклар остида туташган, йўғонлиги ҳам турлича? Полни ўта силлиқ дейиш қийин... Аслида мазкур зал техника тараққиётининг юккак намунаси сифатида қурилган. Писта пўчоғидан барпо қилинганга ўхшайди...

Кулгили! Лекин кулгининг мавриди эмас эди.

— Залнинг бўйи ўн беш метр, баландлиги тўрт, — ахборот берди Дана Мразкова.

— Буни қандай ҳисобладинг? — ҳайрон бўлди Мисарж.

— Обьективимизнинг экспозицион параметрлари бўйича. Равшанлик даражаси тўрт метр, диафрагма иккию саккиз.

— Нима?!.. Равшанлик даражасини ким ўзгартирди?

Мразкова жавоб бермади. Алоқачи гапга аралашди:

— Демак, бу парда ҳам эмас, кунқайтаргич ҳам эмас. Аини ўша эшиклар...

— «Заря»ни аллақандай космик кема ўз бортига ортиб олибдими?! — хитоб қилди аллаким. — Биродарлар, мен ҳозир ақлдан озаман!

Мисарж ҳозир раҳбар сифатида қандайдир жиддий сўзлар айтиши лозимлигини ҳис қилди. «Одамзоднинг кичкинагина қадами — башариятнинг улкан довондан ошувидир» ёки шу қабилда бир нима дейиши керак. Аммо, аксига олиб, калласида бир фикр айланарди: «Ёпирай! Буни укам кўрганида борми!»

— Ана улар!... — қичқирди Мразкова.

Чапда, уларнинг кўзлари олдида иккита баланд гавда кўринди. Бири тўхтаб, иккинчиси залнинг тасвир тиниқроқ бўлган марказига қараб юрди. Агар Мразкованинг ҳисоб-китоблари тўғри чиқиб, хонанинг баландлиги чиндан ҳам тўрт метр бўлса, ўзга сайёраликларнинг бўйларини ерликларники билан баравар дейиш мумкин эди.

Мразкованинг кўзлари ёшга тўлди.

— Одамлардай... худди одамлардай... — деди у ҳиқиллаб.

Ўзга сайёралик зондга яқинлашди. Гўё у эҳтиётсизлик билан нимагадир теккандай тасвир титраб кетди. Кимдир равшанликни маромига етказиш учун объективни айлантира бошлади. Лекин удда қилолмади. Тасвир ғира-шира, ўзга сайёраликнинг ярми кўринар, юзини аниқроқ томоша қилишининг иложи йўқ эди.

— Қандай қилиб ёритсак экан?..

Мразкова жавоб берадиган аҳволда эмасди.

— Ҳиқиллашни бас қил! — бақирди Мисарж. «Менинг ҳам асабларим бўшашибди», шу заҳоти ҳаёлидан ўтказди у. — Кечир, Дана... Хўш, ўзингни бос.

— Қандай телбаман-а! — деди қиз ғижиниб. — Равшанлатгич ўз жойида, уни ўзгартириш мумкин эмас. Уларнинг нима қилганларига ақлим етмаяпти.

Мразкова юзини қўллари билан беркитди. Унга энди ҳеч ким эътибор қилмай қўйганди.

— Улар нурни жиловлашган!

«Объективни, объективни... — хаёлидан ўтказди Мразкова. — Мен бўлсам, пушиб олган товукдай ҳеч нарсани кўрмаяпман. Шунақаям ҳовлиқма бўладими одам, нозик пайтда ўзимни йўқотиб ўтирсам-а!..»

— У бир кўзли девга ўхшайди-я! — қичқирди алоқачи.

Мразкованинг қулоғига Мисаржнинг овози чалинди:

— У тўғри бизларга қараяпти, кўряписизларми? Кўзи ич-ичидан нур таратаётгандай. Унда аланга, тўфон...

Алангали кўз бутун экранни қоплаб олди.

Улар туси оловранг, томирлари чигал тўр янглиғ кўзга тикилиб қолишганди. Унинг қорачиғи кўринмас, узоқ-узоқларга ястаниб олган бегона ҳаёт уммонига ўхшарди. Аланганинг қизил, оқ ва кўм-кўк тиллари атрофни ялаб-юлқамокчи бўлаётгандай. Уртада яна бир ўтли нигоҳ пайдо бўлди. Нақ илон ўргатувчининг қўлдаги машъаласи!.. Махлуқ унга мос равишда чайқалади: чапдан ўнгга, ўнгдан чапга... Унинг қочиб кетгиси ёки ўргатувчисига ҳужум қилгиси келади, лекин бунинг уддасидан чиқолмайди, чунки мана шу ҳаракатларини такрорлаши лозим, бошидан қандай савдолар кечаётганлигини тушуниб етмайди...

Дана Мразкованинг ўкраб йиғлаётганлигига энди ҳеч ким эътибор ҳам бермасди.

Даҳшат ҳисси бутун вужудини қамраб олганди.

— Бас... Манавини ўчиринг!.. — деди Мисарж хириллаб.

«Нималар бўляпти ўзи?!..» — тушунишга ҳаракат қиларди Дана Мразкова. Унинг ёш тўла кўзлари қинидан чиққудек аҳволда эди.

Мартин Данеш эшик бўсағасидан қайтиб, курсига ўтирди. Полковник Яролимик энгил нафас олди, стол юзасини силар экан, жилмайиб қўйди. Улар хонада ёлғиз эдилар. Лекин яширин телекамера ва сезгир микрофонлар суҳбатларининг гувоҳи эди. Данеш ўзини кимдир тузатиб, гапларини тинглаётганини хаёлига ҳам келтиролмасди. Давлат ҳавфсизлиги хизмати биносининг иккинчи қаватида штаб жойлашган. Телемонитор ва компьютерлар ўртасида фотосурат, схема ва ҳужжатлар ёйиб қўйилган узун стол. Стол атрофида авиация ва ер қўшинлари турларининг генераллари ва полковниклари ўтиришибди. Генерал-лейтенант Малина ахборот бераётганди.

— Бизнинг музокара олиб бериш юзасидан қилган барча уринишларимиз душман томонидан йўққа чиқарилди, — деди у сўзини якунлаб. — Уларнинг тажовузкор ниятда эканликлари маълум бўлгач куч ишлатишга жазм этдик, лекин бундан натижа чиқмади. Номмаълум табиатли майдон... Хуллас, маълум усуллар бу ерда фойда бермайди.

Хонага жимлик чўкди. Ҳамма ҳужум ҳақида хабар келган кечаги тонгни хаёлан кўнглидан ўтказарди. Нега бундай бўлди? Ҳушёрликни қўлдан бой берганлари учунми? Йўқ. Кеча содир бўлган ҳодисаларни олдиндан кўриш мумкинмасди. Агар бахтли тасодиф юз бермаганда, бир қиз матонат кўрсатмаганида, тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйилиши аниқ эди.

Экрандаги кўз олтинсимон тусда ҳам яллиғланар, ҳам порларди. Ҳаммининг нигоҳи унга қадалган. Фақат Дана Мразковагина йиғисини босиш учун беҳуда уринарди. Инсоний онг сўнмоқда, ўрнига бегона, ўзга қонуниятларга изн бергучи шуур хуружга келган. Чекинмас ва хираҳандон бу фалокат Ер кишиларининг сўнги тўқималарини ҳам ямлай бошлаган эди. Боягина «Заря»нинг объективларига тикилиб ўтирган, энди бўлса номмаълум келгиндилар сингари чинакам мавжудодларга айланиб улгурмаган, аммо инсонликдан аллақачон маҳрум этилган етти қурбон — тез трансформация бўлаётган етти организм ҳеч қандай оғриқсиз, муқаррар қайта туғилиш жараёнини бошдан кечиришар экан, қимир этмай ўтиришарди. Экрандаги кўз бу ғайриоддий биологик жараёнга ёвузлик ва шафқатсизлик билан керакли йўналиш бераётганди. Бунда у ўзининг генетик ахборотини ўлжаларининг ҳужайраларига узатиб, ўта қисқа фурсат ичида уларни ўз турларининг вирусларига айлантирувчи бактериофаг сингари иш тутарди. Мавжудодлар ўз генетик ахборотлари билан етти одамнинг онгини заҳарлаб улгуришганди. Ҳужум «Заря—6»нинг ўта мукамал камералари ва инсон кўзлари воситасида амалга оширилганди. Уни қайтариш мумкин эмас, мия инқирозидан кейин кетма-кет асаб тармоқларида тубдан ўзгаришлар бошланар ва бу бошқа аъзоларга ўтар эди.

Мавжудодларга тўла айланиш учун бир юз йигирма дақиқа кифоя бўлди. Роппароса икки минут.

— Нима гап? Нега жимсизлар? — бақирди Мразкова.

Ҳеч ким жавоб бермади.

У ўрнидан туриб, кўзларини пирпиратганча ёш пардаларини йиртишга уринаркан, эшик тарафга чекинди-ю, ўзининг ҳамкасблари, дўстларини кўрди... Йўқ, булар энди

хамкасаба ҳам, дўстлар ҳам эмасдилар. Оқ коржомаларнинг ёқалари орқали узун, сертомир бўйинлар... тақир каллалар, шалпанг қулоқлар кўринарди. Енглиридан эса олти бармоқли сертирноқ панжалари чиқиб турибди.

Қизнинг димоғига бадбўй ҳид урилди. Мавжудодларнинг танасини елимшиқ масса — инсон ҳужайраларининг ўзгаришидан кейин содир бўлган чиқитлар қоплаганди. Экранны беўхшов гавдалар тўсиб қўйган. У ўзини эшикка отди. Утирганлар баравар ўгирилишди: Қиз ялт этиб қаради-ю, пешоналаридаги ёлғиз кўзлари йилтираб турган совуқ башараларни кўрди... У даҳшатдан оёқдан қолиб, яна орқасига ўгирилмоқчи бўлди. Мавжудодлар таъқиб қилардилар. Қизни тўхтатишлари керак! Лекин ҳаракатларида мутаносиблик етишмас, маълум маънода янги туғилган чақалоқлардай ўз ниятларини аниқлашга қодир эмас эдилар. Улар душманни қўлга олиш кераклигини тушунишдан кўра кўпроқ ҳис қилишарди. Мавжудодлар қаҳр-ғазаб нималигини ҳам билишмасди: вирус ўзи ямлаётган ҳужайрадан нафратланишга қодир эмас.

Қиз бошини ярим ўгирди ҳам. Қолган-қутган матонати тажовузор бегона иродага қаршилиқ кўрсатаётганди. Унинг бошқа ҳеч қандай имконияти йўқ эди. Эшик очилди-ю, Дана Мразкова қўшни хонага отилиб кирди. Қулфлади.

— Мразкова... Ҳа, Мразкова, ўртоқ академик. Тревога! Дарҳол еттинчи қаватни муҳофаза қилинглар!

Муштар зарбидан эшик гумбирлар эди.

— Тезроқ! — бақирди қиз.

Марказ раҳбари академик Мациух трубкани столга қўйди. У кўрсатмалар берарди. «Тилла, тилла бобо, — хаёлидан ўтказди Дана Мразкова мамнуният билан, — бекордан бекорга бечорани койинтирардик...»

— Нима гап ўзи? — сўради академик Мациух.

— Ўзим ҳам билмайман... Тушунтириб беролмайман! Афтидан, «Заря—6»га бегона космик кема ҳужум қилганга ўхшайди. «У ишонмайди», — ўйлади қиз, мўйсафиднинг пишиллаб нафас олишига қулоқ соларкан.

— Давом этинг. Қулоғим сизда.

— Ўзга сайёраликлар пайдо бўлишди. Уларнинг кўзлари жуда ғалати. Таърифлай олмайман, яши кўролмадим. Мен, хўш, умуман, шу заҳоти талвасага тушдим. Лекин бошқалар қарашди. Ўртоқ академик, уларнинг таналари трансформацияга учради. Улар энди одам эмас... мавжудодлар!..

— Аниқроқ гапиринг, қизим. Нима шовқин эшитилипти?

— Улар эшикни очишга уринишяпти.

— Нима бало, жинни бўлишдими?

— Йўқ! Улар бошқача бўлиб қолишди. Ўзгариб қолишди, тушунаёспизми?

— Ё телетрансляция йўли билан заҳарланишдими?

— Шунақароқ.

— Ҳозир, назорат мониторинги кўздан кечирай-чи.

— Керакмас! Сиз ҳам заҳарланасиз! Илтимос, бундай қила кўрманг!

Академик жавоб бермади.

— Отахон!..

— Мен саккиз диоптрияга (ёруғлики синдириш кучи) эгаман, — шошилмай гапирди олим. — Мониторингнинг эса, сози бузилган, — у бир дақиқа жим қолди. — Дана, узр. Мен ўйловдимки... Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Мен уларни кўряпман, эшикка ҳужум қилишяпти. Бировининг қўлида қандайдир таёқ. Сиз қоча оласизми?

— Йўқ. Мен запас қисмлар омборидаман. Бу ерда бошқа йўл йўқ. Гапимни эшитяпсизми? Уларнинг юзлари курсин! Кимки кўзларига қараса, ҳалок бўлади. Нигоҳини узолмай қолади. Бу...

Қиз мўйсафиднинг телефондан олислаб, кимгадир Ҳавога Қарши Ҳимоя штабини улашни буюрганини эшитди.

— Мен телефондаман, Дана. Уларни мониторда кўряпман. Мудҳиш махлуқлар! Улар скамейкани судраб келишяпти.

Кетма-ет урилган зарбалардан эшик қирсиллаб кетди. Мразкова атрофга аланглади: қурол вазифасини ўтовчи ҳеч нима кўринмасди. Фақат столда... мармар пойдеворчада бронза ҳайкалча... Қўлини теккизган эди, муздай.

Эшик қия очилди. Атрофни қўланса ҳид тутиб кетди. Ана, буралиб эшилаётганди шилимшиқ тана... Қизнинг аҳволи танг эди. Ҳозир у ўзида кучли нафрат ҳиссини туйди. Бу иблислар етита ҳамроҳини гумдон қилишди ахир! У ҳайкалчани кескин юқорига кўтарган эди, зарба тақир суякка келиб тушди. Мавжудод шу заҳоти шалпайиб қолди. Қиз телефонга отилди:

— Мен уни ўлдирдим! Даф қила олдим! Улар ўлар экан, эшитяпсизми? Ўлар экан!..

Қиз ўлик тананинг бир уюм кулранг чангга айланаётганини даҳшатга тушиб кузатарди.

— Жуда соз, Дана! Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Десантчилардан иборат учта вертолёт келяпти, сизни албатта қутқарамиз. Эшитяпсизми?!

Мўйсафид экран орқали эшик олдида «тилла кўз» пайдо бўлганлигини кўрди.
— Дана?! Худо ҳаққи, Дана, жавоб беринг!

Академик трубкадан қизнинг оғир нафас ола бошлаганини эшитди, У пасая-пасая бутунлай тинчиди.

— Дана!.. — бақириб юборди мўйсафид. У трубкани тирик мавжудод ушлаб турганини билар, ҳис қилар эди. Лекин энди унинг ўзида инсонлик асари қолганмикин?.. Трубкани жойига кўйди. Қўллари қандайдир ялтироқ нарсага айланиб қолганди.

Жанубий-шарқий район аҳолиси бу кунни узоқ эслаб қолади. Куз фаслининг очик, иссиқ-илиқ кунларидан бири эди. Хиёбондаги «Орзу» кинотеатри ёнида болалар уймалашади. Одамлар сабзавот дўконидан тарвуз харид қилишмоқда. Шу пайт йўл назоратчиларидан бири электромобилни тўхтатди. Кўкда учта кумушсимон нуқта кўринарди. Улар ярмаркадаги пуфакфурушнинг пуфлаётган шарларидай катталаша бошлади. Атрофни қулоқни қоматга келтирувчи овоз тутди.

Вертолётлар томлар узра учиб ўтиб, Фанлар академияси биноси устида бир зум муаллақ қотиб туришди-да, сўнгра кираверишдаги асфальт майдонга қўнишди. Филдираклар ерга тегиб улгурмасиданоқ люклар очилиб, автоматлар билан қуролланган одамлар сакраб туша бошладилар. Вертолётлар қандай қўққисдан келишган бўлса, шундай тез ғойиб бўлишди. Жимлик чўқди, лекин бу узоқ чўзилмади: вертолётлар шовқин-сурони милиция автомобилларининг сиреналари билан алмашинди. Кўча қондасини бузган электромобиль ҳайдовчиси назоратчи милиционернинг кутилмаганда ташқарига отилиб чиққанини, ҳамроҳини ичкарига олганча машинани учириб кетганини кўриб, кўзларига ишонмай қолди. Ҳайдовчилик гувоҳномаси унинг кўлида эди.

Фан майдонида олиб борадиган ҳамма йўллар беркитилди. Академияни эвакуация қилиш бошланди. Бу ишларга академик Мазиуханинг муовини, профессор Янда раҳбарлик қиларди. Кўпчилик лабораторияларни қўлқопларию резина фартукларини ечмаёқ тарк этар, шу алфозда автобусга чиқарди. Гап-сўз йўқ: даҳшатли воқеа юз бергани аниқ эди.

Кўшни кўчада ғалати колонна: икки милиция машинаси, олтита бетон аралаштирувчи қурилма ва икки бетон-насос пайдо бўлганида автобуслар секин жойидан жилди. Колонна Академияга кираверишда тўхтаганида йўловчилар сариқ коржомга кийган одамларнинг бино ичкарисига шланг тортишаётганини кўришди. Еттинчи ер ости қавати муҳофаза қилинганини билишар, лекин унга олиб борувчи ҳамма кириш йўллари бетонланади, деб ҳеч ким ўйламаганди. Утса бўладиган биргина йўл — лифт шахтаси очик қолдирилган эди, холос. Уз капитанлари ва оддий кийимдаги икки одам раҳбарлигида десантчилар қаватдаги хонани мустаҳкамлашди, сўнгра деворларига танка қарши мина ўрнатиш учун пўлат арқонларга осилиб шахтага тушишди. Нима юз берганини ҳатто улар ҳам билишмасди.

Ниҳоят, музокаралар олиб боришга уришиб кўришди. Бироқ кўп ўтмай, Мавжудолларнинг мақсади бошқа нарсада эканлиги аён бўлди.

Мудофаа министри сўз олди:

— Уртоқлар, бизнинг жиддий хавф қаршисида турганлигимизга шубҳа йўқ. Мана Бойқонур, Хьюстон, Вумера, шунингдек Ниццадаги ғарбий-европа марказидан олинган маълумотлар. Нептун орбитасида ўзга оламдан келган космик жисм пайдо бўлган. У бизнинг автомат зондизмизни қўлга киритиб, унинг ёрдамида узлуксиз трансляция олиб боряпти. Телесигналлар хавфдан холи бўлган компьютерлар ёрдамида қабул қилиняпти. Ўзга сайёраликлар деярли бир дақиқадаёқ инсон аъзоларини трансформация қилувчи генетик код узатишяпти. Уларнинг айтайин ва уйғун тарздаги хатти-ҳаракатларига ҳужум деб айнан баҳо бериш мумкин. Сиз ҳозиргина генерал Малинадан классик ҳарбий воситалар ёрдамида душманни йўқ қилиш борасидаги уринишларнинг натижаси ҳақида ахборот эшитдингиз. Академик Мазиухани қизиқарли таклиф киритяпти. Уни амалга оширса бўлади. Ўзга сайёраликлар бизга ўз кодларини инсон аъзоларига кўриш органлари орқали киритиш йўли билан ҳужум қияптилар. Бу ҳодисанинг психофизиологик моҳияти ҳозирча қоронғи. Аммо бизга шу нарса маълумки; улар худди одамлар каби ўққа учиб яраланишлари мумкин. Фақат улар барпо этган муҳофаза майдонини қандайдир куч билан босиб ўтишга тўғри келади.

— Савол берсам майлими?

— Марҳамат, ўртоқ генерал.

— Агар ўқ отувчининг кўзи тушса ўзи ҳам ўша Мавжудодга айланиб қоладими?
— Худди шундай, — тасдиқлади Мудофаа министри. — Бизга шундай мерган керакки, у душманга қарай олмасин. Бошқача айтганда, бизга кўр одам керак.

— Кўр одам?

— Ҳа, бундай одам ҳозир шу ерда, ўртоқлар, — эълон қилди министр. — Уртоқ Яролимек билан суҳбатлашяпти.

У қаршисидаги тугмани босган эди, монитор экранларида Яролимекнинг хонаси кўринди.

— Биз бир неча одамни текшириб чиқдик, ўртоқ Данеш, — дерди Яролимек суҳбатдошига. — Ҳар жиҳатдан улардан устунсиз. Отангиз сизни қандай тарбиялаганини, кўп машқ қилганингизни биз биламиз.

— Мен ўлдиришим керакми? — сўради Данеш.

— Маъзур тутасиз, мен сизга баъзи гапларни айтиб берай, — полковник Яролимек Мавжудодлар «Заря—6»ни қўлга киритиб, ўзларининг ўлим ёғдирувчи трансляцияларини бошлаган дақиқалардан буён юз берган ҳодисалар ҳақида ахборот берди.

Узун стол атрофида ўтирган одамлар суҳбатга диққат билан қулоқ солишарди. Министр овозини пасайтириб сўзида давом этди:

— Ўртоқлар, шу дамда мен масалани ҳал қилишнинг бошқа йўлини кўрмаяпман. Академик Мациухнинг таъкидлашича, Мавжудодлар ҳимоя майдонини истаган дақиқада йиғиштириб олишлари мумкин. Афтидан, кимларнингдир келишини кутишяпти, тушуналспизларми? Генетик ахборот — уларнинг асосий қуроли. Улар жами етти киши, ҳозирча ҳужум қилишга журъат қилишмаяпти. Образли қилиб айтганда, биз томон эшик очишларига академик Мациухнинг ишончи комил.

— Академик янглишаётган бўлса-чи?

— У ҳолда кутишга тўғри келади. Зарурат туғилса... ноанъанавий воситалардан фойдаланилади.

У регуляторни буради ва хонада полковникнинг овози янгради:

— Олимлар алоқа ўрнатишга уриниб кўришди, лекин натижа бўлмади. Биз «Мавжудодлар» деб атаётганимиз — ўзга сайёраликларнинг бутун планетамизни забт этишга тайёр эканликларига шубҳа йўқ. Бу ўта ҳалокатли. Чунки, бу заҳарланиш, оддий уруш бўлмайди. Ҳар қандай ажал микробларининг ҳаво, сув, озиқ-овқат, беморлар орқали ўтишини биламиз. Лекин бу — алоҳида мараз, кўриш органлари орқали ўтади. Ахборот марказида оғир дақиқаларда саккизта одам бор эди. Еттитаси заҳарланди, биттаси четда бўлганлиги учун қутулиб қолди. Юз берган воқеа ҳақидаги хабарни шу кишидан олдик. Улардан бирини ўлдирган ҳам ўша!

— Ўлдирди?! — хитоб қилди Данеш.

— Ҳа. У ердагиларни касалга чалинган деб ўйламанг. Улар инсонлик сиёқларини йўқотганлар, ўша Мавжудодларга айланганлар! Ҳаммаси кўз орқали бўлаётир! Тушуналспизми? Уларнинг биронтаси бинодан чиққудек бўлса, тамом, занжирли реакция бошланади — инсоният қисқа вақт ичида йўқ қилинади. Шунинг учун ҳам ёрдамнингизга муҳтожмиз. Агар сиз рози бўлмасангиз...

— Унда нима бўлади?

— Ҳамма қурооллардан фойдаланиб ҳаракат бошлашимизга тўғри келади. Ҳамма қурооллардан, Мартин! Армия қарамоғида нима мавжуд бўлса, ҳаммаси ишга солинади.

— Тушунаман... — деди Данеш ўйчан ҳолда. У ялтироқ ойнагини ечди-да, кафтининг орқаси билан бўш ўра янглиғ қизарган кўз чаноқларини силади.

— Сизни уруш бахтсиз қилган, Мартин, — деди полковник. — Ҳали туғилмаган гўдакларнинг қисматингизга шерик бўлишларини хоҳлайсизми?

— Менинг отам... — Данеш гап бошлаган эди, полковник уни тўхтатди:

— Отангиз жанг қилган! У шифокор эди, лекин ҳарбий шифокор эди, тушунсангиз-чи, ахир! У воқеаларни тушунар, қайси томон учун жанг қилаётганини билар, ёрдам бераётган одамларининг ҳақлигига ишонарди.

— Агар бу иш... қўлимдан келмаса-чи?

— Сиз, розимисиз?!

— Саволимга жавоб беринг?

— Қўлингиздан келади, Мартин, — деди полковник ва ўрнидан турди.

Нозик микрофонлар овозни шундай аниқлик билан узатар эдики, суҳбат шу ерда, штабда кечаётгандай таассурот қолдиради. Аммо-лекин буларнинг иккаласи ҳам жуда олисда эдилар.

— Розимисиз, ўртоқ Данеш?

— Ҳа... — жавоб берди йигит.

Министр енгил нафас олди. Столда ғала-ғовур бошланди.

— Баракалла, — деди кимдир.

— Хона тайёрланганми? — сўради министр.

— Тайёр. Машқларни ҳозироқ бошлаш мумкин.

— Яхши, — деди министр ва телефон трубкасини кўтарди.

— Нишонга тегди! Жуда соз, Мартин! Энди ўқдонни алмаштир. Бу сафар вақтдан 1,3 секунд ютдинг.

Инструктор микрофонни кафтида қисганча монитор устига энгашди. Қисқа вақт ичида еттинчи қаватнинг худди ўзига ўхшатиб қайта қурилган кенг тирнинг шипига телекамера ўрнатилган. Назорат асбоблари, мониторлар, пульталарнинг ёғоч макетлари... Деворда Мавжудодлар кўринган экран нусхаси: оддий қора тўртбурчак.

Мартин Данеш стволни калта милтиқ ушлаганича хона ўртасида ковбойчасига оёқларини кериб турарди. Атрофда қандайдир буюм, қутилар, арқон ва латта-путталар

сочилиб ётибди. Бўйи баробар келадиған еттита манекен чала-ярим доира ҳосил қилган. Кутилмаганда уларнинг бири — уч рақами ёзилгани қимирлаб қолди. Мартин яшиндай кескин ҳаракат қилиб, ўқ узди. Манекен чироғи ёнди, ўқ нишонга теккан эди. Қетма-кет бир, олти рақамлари ёзилган манекенлар ҳам қимирлаб қолди. Тасир-тусур ўқ овозлари эшитилди.

— Ишлар қалай?

— Аъло, ўртоқ полковник. Йигит фавқулодда ноёб қобилиятга эга.

Полковник инструкторнинг ёнига ўтирди-да, сигарета тутатди.

— Наҳотки у автородео каскадери бўлса? — сўради инструктор.

— Чиндан ҳам кишининг ишонгиси келмайди. Лекин, ҳақиқат. Отаси йигитни болагидан машқ қилдирган. Данеш антиқа эшитиш қобилияти-ю, ажойиб фазовий хотирага эга... Ўзининг айтишича, бу олтинчи туйғу. Интуиция ёки шу қабилдаги алланималар.

— Модомики шундай экан, унга кўзнинг ҳеч ҳожати йўқ, — хулоса қилди инструктор. Кейин микрофонга деди: — Танаффусл! Беш минут ҳордиқ ол, Мартин!

Данеш ташқарига йўналди. Унинг ағдарилиб ётган стулларни эпчиллик билан айланиб ўтаётганини кўрган полковник ҳайратда эди. Кўр улар турган жойни ёддан биларди. Фақат осилиб турган тўргина уни бир дақиқа йўлдан чалғитди: юзи тегиб кетгач, дарҳол орқага чекинди-да, ишонч билан ҳеч қандай тўсиқ йўқ тарафга юриб кетди.

Полковник кийиниш хонасига чиқди. Мартин Данешни бир неча одамлар гуруҳи кутиб турарди. Йигит саросимага тушди. У таниш овозни илғашга уриниб, бошини у ёқдан-бу ёққа бурар экан, бўшашибгина жилмайди.

— Мен шу ерданман, Мартин! — хитоб қилди полковник. Бирдан аёл кишининг бақиргани эшитилди:

— Шу ерда экансан-да, қотил?!

Данеш михлангандай қотиб қолди. Бир неча киши жунуни кўзиган аёлни тинчителишга уриниб кўрдию бўлмади. Уни бир амаллаб олиб кетишди.

— Мартин, — полковник унинг елкасидан тутди. — Ўтибор қилма. Бахтсиз аёл... Мисаржнинг хотини.

— Лекин...

— Худди шундай, Мартин. Эри аслида ўлган, лекин буни у тушунадиган аҳволда эмас. Назарида эри касал бўлгану тузалиб кетиши мумкиндай. Қора чечак, қизамиқ, мохов кишини бадбашара қилиб юборади. Бундайларни йўқ қилиб юборишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аммо Мисарж касал эмас эди. Келгинди Мавжудод Мисарж танасида ўз танасини бунёд этиш учун уни ўлдирди.

Ҳеч ким гапга аралашмади. Министр Данеш билан мулоқотни полковник Яролимекка ишониб топширган ва унинг ваколатини ҳамма тан оларди.

— Танаффусл тугади! Ўртоқ Данеш, машқларга киришинг! — инструкторнинг овози янгради.

Ўқ қарсиллаши эшитилар, лекин полковникка Мартиннинг хатти-ҳаракатлари аввалгидай қатъиятли туюлмасди. У инструкторга мурожаат қилди:

— Операцияни эртага эрталаб бошлаймиз. Сен нима деб ўйлайсан, у формадами?

— Буларнинг бари унинг учун фавқулодда ҳол, — жавоб берди инструктор. — Чамаси машққа ортиқча зўр бериб юбордик. Тугатиш керак. Асабларини хотиржам қилувчи дори ичсин-да, уйига кетсин, ухласин.

— Академик Мацух вафот этди, — деди министр.

Операция штаби аъзодари сукут ичида столдаги қоғозларни варақлашарди. Кондиционерлар бир маромда ғириллар, даҳлизда кимнингдир кулгани эшитиларди. Шу пайт кўчадан электромобилнинг сигнали кулоққа чалинди.

— Рақ касаллигининг шу пайтгача номаълум бўлган кўриниши, — давом этди муҳофаа министри. — Мурдани текшириш ҳали тугагани йўқ, лекин миёда ва нерв тармоқларида жалалаш жараёни кечгани аниқ. Профессор Кочабнинг фикрича, Мацухни Мавжудодларнинг телеэкрандаги қиёфаси ҳалок этган.

— Агар мен тўғри тушунган бўлсам, қабул сифати пастлиги сабабли Мавжудодлар Мацухни трансформация қилишнинг уддасидан чиқишолмаган. Канал ўта торлик қилган, бунинг устига атмосфера шовқини халал берган. Улар генетик аҳборотни Мацух организмидан қисман, ишдан чиқаришга қодир қисминигина узатишга муваффақ бўлишган, — деди Илмий-тадқиқотлар министрлигининг тавсияси билан штабга аъзо бўлган аёл.

— Сиз тўғри тушунибсиз, — гапни бўлди министр. Сезиларли даражада унинг қўллари титрарди. У жуда чарчаган, уйқусизликдан кўзлари қизариб кетганди. Ташқарига аллақачон зулмат чўккан. Эвакуация давом этаётган жанубий-ғарбий райондан ташқари бутун шаҳар осуда уйку оғушида эди. «Одамларга нима дейишди экан? Улар қандай муносабат билдиришди экан? Эртага эрталаб текшираман. Эртага

эрталаб... Эртага эрталаб ҳаммаси тугармикин? Ё Данеш топшириқни бажаради, ё... мен буйруқ беришим керак!..»

— Ҳа, сиз тўғри тушунибсиз, — деди у яна такроран. — Мациухнинг бир неча ёрдамчилари ҳам оғир аҳволда. Бизда ва бошқа назорат пунктларида жами олтимиш саккизта психофизиологик чекиниш қайд этилган. Бахтимизга, улар Мациух томоша қилган ва мағнит лентасига ёзилган кўрсатув устидагина ишлашган, холос. Ҳамма заҳарланганлар карантин муддатини ўташяпти. Улар бир гуруҳ кўнгиллилар назоратида. Шу сабабли, шахсан мен, ҳарбий ҳужум қилишдан воз кечиш ҳақидаги қароримизнинг тўғрилигига яна бир карра амин бўлдим. Десантчилар, эҳтимол бир неча Мавжудодни йўқ қилишлари мумкин эди, лекин айна пайтда ўзлари ҳам трансформацияга чалинишарди.

— Сайёрамиздаги жами аҳолининг Мавжудодларга айланиши учун қанча вақт кетишини ҳеч ким ҳисоб-китоб қилмадими?

— Ҳар хил фикрлар бор... — Министр қўллари билан ҳорғин ҳолда кўзларини уқаларкан, овозини пасайтириб қўшимча қилди: — Дўстларим, Мартин Данеш ҳақида ўйлайлик. У хайрли тушлар кўриб ухласин.

Қоронғуда ўқ овозлари гумбурлар, ярадорларнинг оҳ-воҳи эшитиларди. Порох, тер ва қон ҳиди анқирди.

— Йўқ! — Мартин тун қарига ҳайқирди. — Йўқ!..

У узоқ ухлай олмади. Алоғ-чалоғ тушлар кўриб чиқди. Вужудини чарчоқ элитган, оёқларининг томири тортишиб, қўллари кўрғошиндай оғирлашиб кетганди. «Мен чарчадим», — ўзини овутишга уринарди у, лекин руҳий тушкўнлигининг чарчоққа ҳеч қандай дахли йўқлигини ҳам сезиб турарди. «Мисархнинг хотини... қотиллик!..» Юраги орқасига тортиб кетди. Йигит отасининг ҳикоясини эслади.

Учувчи кўрғон — Б-52 осмоннинг ўн иккинчи километрга ўқдай учиб чиқади. Йигитлар ҳушчақчақлик билан гап сотишади, яқинда Токиода ўтказилган отпускарини эсलाди. Улар астойдил соқол олишган, ювинишган. Тўйиб нонушта қилишган. Бошқарув пультадаги асбобларнинг миллари одатдагидай титраб турибди.

Ноль!..

Тугмани босишга ҳожат йўқ, бомба ўз йўналишини электрон буйруқ асосида бошлайди. Ун тонна. Самолёт гоҳо ёқимсиз чайқалади, лекин автоматлар уни шу заҳоти керакли вазиятга қайтарди. Штурвал ҳаракати билан ҳаво гиганти тескари йўналишига, Гуамга қараб бурилди. Қаердамиз? Бомбалар қаёққа қулаяпти? Бу бизнинг ишимиз эмас! Кимдир кинопроекторни ишга соляпти. Ресторан, аёллар... Ярим ёй ҳосил қилиб тушаётган бомбалар чинқирганча пастга интилади...

Бамбукдан ясалган кўрпачада уч-яшар қизалоқ ухлаяпти. Партизанлар инструктори мўйсафидлару ўн яшар болаларга танкларга қарши зовурлар қазишни ўргатаяпти. Осмон сукунатда. Ун икки километр масофадан моторлар овози эшитилмайди. Бомбалар чинқирғи қулоққа чалинганда, кеч бўлади.

Бомбалар чинқирғи...

— Йўқ!.. — қичқирди кўр.

«Борди-ю, у ерда касал одамлар бўлса-чи? Ҳатто Мавжудодлар бўлиб чиққанда ҳам... Уларни ўлдиришга бизга ким ҳуқуқ берди? Гаплашиб кўрса бўлмасмиди? Яролимекнинг айтишича — бу мумкин. Борди-ю, улар билан тил топишолмаган бўлсак-чи?!»

Мартин радио орқали илмий-фантастик ҳикоялар тинглашни яхши кўрарди. Уларда шу ҳақда ҳам гапирларди. Энг муҳим маълумотлар билан ўзаро алмашилиш, Пифагор формуласи... Мутахассислар, олимлар... Элчилар илк мулоқотга киришишади...

«Мен — элчман. Та-та-та... Гумбурлатади Ер сайёрасининг элчиси. Кўрғошин бўрони... Мана, бизнинг саломимиз! Ҳалиги инструктор ўргатганидай...»

Телефон жириглади. Трубкада полковникнинг овози:

— Вақт бўлди, Мартин!

Кўр ўрнидан турди. Гимнастика: энгашиш, сакраш, ўтириб туриш... бу чор-атрофингдаги паст-баландликни тез пайқашга имкон беради. «Сенинг бошинг айланиши мумкин эмас, Мартин, — дерди ҳамиша отаси. — Мутлақо. Чунки сен кўрмайсан, бошқалар эса, кўришади. Шунинг учун ҳар жиҳатдан олдинда бўлишинг керак...»

Отаси олти йил аввал вафот этди. Вьетнамликларга ёрдамлашган. Узи ҳеч кимга ўқ отмаган, ўқ отганларни даволаган. «Нега менга бу ҳақда батафсилроқ гапириб бермагансан, дада? Улгурмаганмисан ёки қачонлардир менинг ҳам бировларни отишимни хаёлингга келтирмаганмисан?...»

— Вақт бўлди, Мартин!

У ваннахонада юзини ойнага қаратганича эринмай сочини таради. Ойна нималигини билади — отаси тушунтириб берган. Кўпинча сезгир бармоқларини ойнанинг силлиқ юзаси бўйлаб юргизар, ўз киёфасини тахмин қиларди. Кўпинча унга шундай дейишарди, «Чиройлисиз. Кўзойнакда ҳечам кўрга ўхшамайсиз, Мартин...»

«Сен кимга ўхшайсан ўзи, Мартин? Бугун... элчи!..» Бутун дунёда ҳеч ким унга ўхшаб «табрик сўзини» айта олмайди. Та-та-та... У майдончага чиқиб, лифтни чақирди.

Хонада телефон жиринглади.

Лифт кабинаси тарақлаганича Мартиннинг қаршисида тўхтади. Хонада жиринг-жиринг... «Полковник, мен қурол эмасман. Бошқача йўлини қилиб кўринг, ахир бирор йўли бўлиши керак-ку! Мисол учун сувга тўлдириш, у ерга газ қўйиб юборинг, хоҳлаган ишингизни қилинг, лекин мени бу ишга аралаштирманг... Кўрларни тинч қўйинг!..»

Яна телефон жиринглади. Яна бир марта...

«Операцияни бирдан қолдиришган бўлса-я? Балки улар билан, Мавжудодлар билан... бирор йўлини қилиб келишишгандир? Албатта, келишишган!..»

У ўзини хонага отди.

— Алло!.. Ким бу?..

Кимнингдир ҳаяжонли нафас олгани, кейин қисқа-қисқа гудок овозлари эшитилди. У ҳафсаласи пир бўлиб, трубкани жойига осди. Янглишди. Бир дақиқа унда эшикни ичкаридан танбалаб олиб, телефонни ўчириб қўйиш истаги пайдо бўлди. Узини енгиб у яна хонасидан чиқди ва лифтнинг эшигини очди. Полковник пастда кутаяпти... «Тўхта!..» У пастга энгашганича қотиб қолди. Қадам ташлашига унга нима ҳалақит берди? Олтинчи ҳиссиётими? «Оёқларим остида кабина мавжуд эмаслигини пайқадим, — дея тушунтиради у кейин полковникка. — Мен эшик орти бўшлиқ эканини билардим, вассалом...»

Бу ҳол бир зумгина давом этди. Йигитнинг шундай ёнида аёл киши чинқириб юборди. Кимдир куч билан орқасидан итарганини ҳис қилди-ю, эшик табақаларига ёпишди...

— Ҳеч қаеринг лат емадим, Мартин? — сўради полковник ундан хавотир ичида. Давлат «Татра»си бўм-бўш кўчалар бўйлаб ўқдай учиб борарди. — Яна икки одам ўлди. Мациух бу ҳисобга кирмайди. Мавжудодларга қиё боқишнинг ўзи — ўлим. Бутун умидимиз фақат сендан. Ёки...

— Ёки?

— Сўнги чораларни кўришга тўғри келади, Мартин.

— Уртоқ полковник, биз ҳаммасини аниқладик, — жимликни бўлди олдинги ўриндиқда ўтирган одам. — Мисаржева қўшни уйга кириб олиб, Данешнинг лифтни чақиршини кутган. Кейин, кўнғироқ қилган. У хонасига қайтганида бир этаж юқорида бўлган. Лифтнинг эшиклари қулфини тўқув кегайи ёрдамида ишдан чиқарган. Данеш уни очиб...

— Ҳозир бунинг маврида эмас, — тоқатсизлик билан унинг гапини бўлди полковник. «Татра» кабинасига яна жимлик чўкди.

Мартин жароҳатланган бармоқларини уқалай бошлади. Фикран яқиндагина бўлиб ўтган даҳшатни тасаввур қилмоқчи бўларди. У шунақанги кўрқиб кетдики! Лекин шахтага қулаб тушишдан эмас, йўқ. Мисаржнинг хотини совуққонлик билан ҳужум қилишини, кўрлигидан фойдаланиб ёвузларча иш тутиши мумкинлигини у сира ақлига сиғдира олмасди. Кеча, кийиниш хонасида ҳам у йигитга кўр-кўрона ташланди. «Кўр-кўрона... Бу аёл мендан баттар кўрроқ кўринади. Нега у мен билан гаплашиб кўришга уринмайди?» У қутурган ва ашаддий нафрат тазъийкида иш тутганди. Кеча у алам-аччик сўзлар билан, бугун эса, куч воситасида ҳужум қилганди.

«Б—52»дан ташланган бомба ҳам гўё кўр-кўрона бўлган, пастдагиларга ҳеч қандай умид қолдирмаган. Мавжудодлар-чи? Улар ахборот марказидаги бахтиқароларга озгина бўлса ҳам умид қолдиришдимикан? Икки кун ичида ҳалок бўлган бошқа одамларга-чи? Пифагорнинг қайси формуласини юборишди экан? Уларнинг саломни қандай янграйди?..

Уша ажойиб қиз — Дана Мразкова академик Мациухга: «Уларнинг кўзлари фалати... Улар одамларни ўзгартириб юборишди!» — дебди. Мавжудодлар ўлим ёғдирувчи нигоҳлари билан одамларни «ўққа» тутишган ва уларни янги Мавжудодларга айлантиришган. Бу дегани: бомба партлагач, одамларни ўлдирибгина қолмай, уларни янги бомбаларга айлантиришган, дегани...»

— Бир нарсага ақлим етмаяпти, — минғирлади полковник.

— Нимага?

— Уларнинг нима иш билан шуғулланаётганини билгим келяпти.

— Кимларнинг?

— Мавжудодларнинг-да! Биз хона чироғини, вентиляцияни ўчириб қўйдик. Улар эса, ташқарига чиқишга уринишмаяпти ҳам. Қандайдир хавфли ниятлари бор.

— Биз бунга яқинда аниқлаймиз, — деди Мартин қатъият билан.

Полковник унинг қўлини қисди:

— Раҳмат, Мартин. Сўнги дақиқагача сен рад этасан деб кўрқиб тургандим.

— Мен бошқача қарорга келдим.

— Қандай?

— Кўрлик — энг ёмон ёвузлик. Бунга энди англаб етдим. Одамларнинг, ёки истасангиз Мавжудодларнинг маънавий кўрлигини назарда тутаяпман. Ҳа, ҳа кўзларнинг

бунга дахли йўк. Худди шу кўрликка қарши курашиш керак. Менинг отам унга қарши қўлига қурол олиб курашган одамларга ёрдам берган.

— Унчалик тушунмадим.

Кўр кулимсиради.

— Ҳаётда ҳар ким ўз йўлини топиб олиши керак. Биров ўзини узоқ қидиради — топади, бошқаси умуман тополмайди. Каминадан ҳам баттар кўрроқ одам мени йўк қилмоқчи бўлган дақиқада, буни қаранг, ўз йўлимни топиб олдим...

— Уртоқ министр, биз тайёрмиз.

— Жуда соз, уртоқ полковник. Аҳволинг қалай, Мартин? Бармоқларинг тузукми?

— Бир оз оғриаяпти. Лекин, ўйлашимча, бу... ишга халақит бермайди.

Ундаги иккиланишни министр сезмаганликка олди. «Бу қалтис ҳаракатдан ҳаммамизнинг ҳам ташвиш ва шубҳаларимиз бор, — ўйлади у. — Лекин сенга қийинроқ, Мартин. Чунки, бу ишга сени биз ундаётирмиз.»

— Уртоқ министр, шахта минадан тозаланди! Лифт тайёр қилинди.

— Кетдик, биродарлар. Қуролларни назардан ўтказдингларми?

— Ҳар бир патронни нур билан текширдик, уртоқ министр.

— Яхши, яхши...

Даҳлизда кирза этикларнинг гусур-гусури эшитилди. «Нима бало, кўрмисан?» — қичқирди кимдир. «Ҳа, бу менинг ҳақимда, — ўйлади Мартин. — Шунинг учун ҳам бу ердман».

Бу сафар Мартин лифтга киришга шошилмади. Қачонлардир яна лифтда юриш насиб қилармикин?

— Омадингизни берсин, — деди министр. Мартин қўлини узатди. Министрнинг қўллари катта, бақувват эди.

— Маҳкам бўл, дўстим, — полковник унинг елкасига қоқди.

Мартин жилмайиб қўйди. У полковникка ўрганиб қолган, унга ишонарди. Мана, лифт эшиклари ёпилди, энди тугмани босиши керак. Унга шундай тайинлашган: «Шошилма. Узингни руҳан тайёрлаб олганингдан кейингина бу ишни қил. Ҳатто бир, икки соат кутишинг ҳам мумкин. Вужудингда кўрқув сезсанг, орқага қайт. Ҳеч-ким сенга таъна қилмайди...»

У тугмани босди. Мотор гувиллаб, лифт пастга туша бошлади. Шу пайт ташқарида нимадир тарақлади. Бу ерда миналар кўп. Агар портласа, бутун бинонинг кули кўкка совурилади. Кабина қийшайган арматурага ишқалганча секин пастга жиларди. Саёёрлар, йўл очиқ дейишганди. Аслида... Лифт тикилиб қолса нима бўлади? Унда нима юз беради? Нима бўларди, чамаси, кўтариб олишади. Полковник: нимаям қилардик, уйингга бор, Мартин, дейди. «Жин урсин! Арқонда туширишасям бўларкан...»

Шитоб билан кетаётган лифт тўхтади. Чамаси сиймон тўзиди шекилли, Мартиннинг бурни қичиди, қаттиқ акса урди. Жанг майдонидаги биринчи одим... Оёқлари ости бетон. Бу ерда снарядлар портлаб, ўт ловуллаган, лекин Мавжудодлар қайноқ газ тўфони-ю, пўлат осколкалар дўлини қайтаришга муваффақ бўлишган...

Мартин қўлига милтигини шай тутганича секин олдинга юрди. Ҳа, чорраҳа жой: полдаги ёриқлар, яланғоч арматуралар оёққа урилади. Атроф жим-жит. У силлиқ ва қалин деворга яқинлашаётганини пайқайди. Чап қўлининг олдида, ярим метр нарида девор борлигини кўнгли сезиб турибди. Ҳа, бу ўша — улар қурган девор. Унинг ортида Мавжудодлар ҳужум тарадудини кўришаётир. Яна бир қадам... Энди у деворни бармоқлари билан ҳис қилаётир...

Юзига қўланса ҳид урилди. Мавжудодлар эшикни очиб, уни кутишаётир. Бу ерда пол силлиқ эди. Мартин одамзод дунёсини Мавжудодлар дунёсидан ажратиб турган чегарани ҳатлаб ўтди. Яна икки қадам жилди. Юзига қайноқ ҳаво урилди. Демак, Мавжудодлар унга еб қўйгудек тикилишаяпти. Мартин Мавжудодга айланиши керак — шу мақсадда улар эшикни очишган.

Чапда нимадир шитирлади. Мартин милтиқ тепкисини босди: та-та-та... Кимдир гуп этиб ағдарилди. Уларнинг биримикин? Шубҳасиз, бу ерда бошқа ҳеч ким йўк. Азбаройи хурсандлигидан унинг юраги қинидан чиққудек ура бошлади. Лекин шу ондаёқ дилида ўзига нисбатан нафрат ҳисси уйғонди. «Қотиллик... Йўк, мен юқумли маразни йўқ қилувчи антибиотикман, холос. Пенициллиннинг виждон азобини ҳис қилиши мумкин эмас-ку!...»

Мартин кўр кўзларининг қинида қандайдир кучли ҳарорат сезаркан, қалбида шундай бир ҳайвоний нафрат туйдики, зумда боши айланиб кетди. Аммо ҳаракатлари ҳамон қатъиятли эди. Курсилар, мониторлар турган жойлар ёдида. Та-та-та... Та-та-та... «Янги ўқдонни олиш керак, тезроқ!...» Мавжудодлар ўзларига қандай хавф таҳдид солаётганини англаб етишганди. Йигит уларнинг бештасини бир ёқлик қилганига қасам ичishi мумкин. Демак, ҳали иккитаси бор.

Тезкор одимлар, дўпир-дўпир, ҳаво тўлқини... Мавжудод шундоқ рўпарасида. Мартин тиззалаб ўтирганича яна тепкени босди. Оғир тана секин устига ағдарила бошлади. Йигит орқага тисланди. Та-та-та... Қандай қўланса ҳид!.. Агар кўнгил ағдарили-

шидан ҳалок бўлиш мумкин бўлса, у ҳозироқ ўлиб қўя қоларди. Яна ўқ овози... Оғир тана тарашадай қотади, енгиллашади, кейин тешилган қопдан ун тўкилаётганга ўхшаб товуш эшитилади.

Мартин бўш кўли билан чор-атрофини пайпаслаб кўрди: қизиқ, қандайдир кукун уюми устида ётибди. Ирғиб ўрнидан турди. Бу, демак, олтинчиси. Еттинчи, сўнгги душман беркинган. У хавфдан қутулиш йўли нимадалигини пайқаб, сукут ва ҳара-катсизлик пардаси ортига яширинган. Ҳозирча қимирламас экан, Мартин унинг қаердалигини билолмайди. Ноилжликдан йигитнинг қичқиргиси келади: душман ёнгинасида, лекин қаерда?

Мавжудод шундоқ бурнининг остида: қўланса ҳид анқиб турибди. «Мавжудодларда қон бўлармикин? Бўлмаса керак, чунки ўлганларидан кейин улар кулга, бир уюм қуруқ чангга айланишади-ку! Одамнинг эса, учдан икки қисми сувдан иборат. Мавжудодлар — одамлар эмас, йўқ!» Мартин милтиқ нилини пастга қаратганича, атрофга аланг-жаланг юз тутади. Юзи қизигандай бўлади. Мавжудод бор кучини нигоҳига жамлаб унга тикилмоқда. «Фавқуллод у... кўра олиш қобилиятини пайдо қилса-я?» Миясида яшиндай чақнаган фикр бутун вужудини чулғайди, тиззалари зирқираб кетади. Нега бўлиши мумкин эмас? Мартинда бириктирувчи тўқималар, нерв тугунлари етишмайди. Врачлар буларни тиклашга ожиз, лекин Мавжудодлар...

Шитирлаган овоз... Чапдами? Чапда! У ерда бошқарув пульти. Лекин қаерда? Мартин кутишни билади. Ёруғлик оламида яшаб қолиши учун кўр одам мана шу санъатдан бохабар бўлиши керак.

Тугманинг «шиқ» этиб босилгани эшитилади.

Та-та-та...

Бир дақиқа ўтмай Мартиннинг бармоқлари орасидан қуруқ чанг тўкилди.

Бу еттинчиси эди. Сўнггиси.

Мартин полга ўтириб, милтиқни ёнига қўйди. Жимжитлик. Бу қаватда битта ҳам тирик жон қолмаган. Жангда ғолиб келган Мартиндан ташқари, албатта...

Лекин, нима гап? У бошини кўтарди. Шивирлашга ўхшатиш бир нима қўлоғига чалинмоқда. Гўё ёш қайин барглари ни шабадада силкитаётгандай, ирмоқ тошлар оша жилдираб оқаётгандай, яна гўдак гўвранаётгандай, мушук миёвлаб, трамвай бурилаётгандай... Балки магнитофон ёзуви: ТИЛИЛИХУМ ААУХУМ... Қанақа музика ўзи? Бу ғалати товушлар нимани англатади?... Нима бўлганда ҳам бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, у топшириқни бажарди. Мартин ўрнидан туриб, эшикка юрди. Ҳамон ғалати музика янграб эди.

У текис, кўзга кўринмас деворга бориб урилди. Демак, Мавжудодлар яна ҳимоя тўсиқлари ўрнатишган. «Нима бўпти? Улар ўзларининг ҳаёт-момот ўйинларини ўйнаб бўлишди. Тузоқ ҳам қўйишган бўлишсин, лекин ўзлари етти аянчли тўзон уюмига айланишди-ку!»

Мартин елкасидаги қопчиқни олиб, ичига қўл тиқди-да, рация тугмасини босди.

— Мартин! — хитоб қилди Яролимек шодонлик билан. — Омонмисан?

— Ҳа, ҳаммаси тугади. Келаверинглр...

Девор ортида металл жаранги эшитилди. Техниклар лифт кабинасини кўтаришаётганди. Ҳозироқ одамлар пайдо бўлишади.

«Тилилихум ааухум... Ғалати музика...»

— Сени кўряпман, Мартин, лекин ёнингга ўтиш мумкин эмас! — қичқирди полковник Яролимек.

— Бу ерда қандайдир девор бор, — жавоб берди Мартин.

— Маҳкам бўл, Мартин, ҳозир биз уни ёриб ўтамиз!

«Тилилихум ааухум... Ғалати музика...»

«Уларнинг нима иш билан бандлигини жуда билгим келяпти», — деган эди полковник бу ерга келишаётганларида. Мартин хаёлга толди: «Демак, кўриш аъзолари орқали улар нерв тармоқларига кириб олишади. Атиги битта хужайра ҳам керакли «кўрсатма»ни олса — бас, бу ёғи хамирдан қил суғургандек кечади. Зарарланган хужайра қўшни хужайраларни ишдан чиқаради. Қарабсизки, улар юзлаб, минглаб, миллионлаб тўқималарни инқирозга юзтубан этади. Бу жараён қандай тезликда кечади? Олимларнинг фикрича, секунднинг миллиондан бир улуши мобайнида. Бунинг нур тезлиги билан ҳам қандайдир боғлиқлик жойи бор...»

Қизиқ, эшитиш аъзолари ҳам ахборот каналлари-ку! Кўз ахборотни анча тезроқ ва кўп марта яхшироқ қабул қилади. Бу вақт билан боғлиқ масала. Кўриш аъзолари учун икки минутлик телетрансляция кифоя бўлади. Эшитиш органлари учун эса...»

«Тилилихум ааухум...»

Мартин гандираклаганича бошқарув пульти ёнига қайтди. Гўдакнинг гувраниши ва мушукнинг миёв-миёви... «Кимдир янглишиб, плёнкани тескарисига қўйган... Худди мана шу жойда мен уларнинг сўнггисини нишонга олдим, — ўйлади у қуруқ чанг уюмини кўли билан пайпаслар экан. — Бу ким бўлди? Аввал Мавжудодга, сўнг ҳокка айланган Мисаржми? Йўқ, ўйлашимча, Дана Мразкова — одамларни хавф таҳдид солаётганидан хабардор қилиб, охиригача курашган жасур қиз. У Мавжудодга айланганидан кейин

Ўзини қандай мақсад йўлида... қурбон қилди экан? Агар Мавжудод тугмани босмаганида, мен уни ҳеч қачон тополмаган бўлардим. Олдига яқинлашганимга қадар кутиб туриши, ҳушёрликни сал камайтирсам, бўлди, милтиғимни қўлимдан уриб тушириб юбориши ҳам ҳеч гап эмасди. Лекин у бундай қилмади, магнитофонни ишга солди-да, ўз ўлимига юзма-юз чиқди...»

Йигит пультага отилди. Қўлларини югуртирди: тугма йўқ!..

«Тилилихум ааухум...»

— Нима қиляпсан, Мартин? — қичқириб юборди полковник Яролимек. — Ҳозир сени чиқариб оламиз, хотиржам бўл!

Мартин ўзини у ёқдан-бу ёққа отарди. «Тилилихум ааухум...»

«Топдим!!!» Мартиннинг қўли бир текис айланаётган дискларга урилди. Бунга ошиб-тошган ғазаби йўл топди. У плёнкани сўғуриб олди-да, полга ташлаб, оёқлари билан топтай бошлади. Кейин кулиб юборди: бунинг нима кераги бор, одамлар келишиб, қандайдир «тилилихум ааухум»нинг сўнгги изларини ҳам ўчиришади..

Бирдан яшириниши кераклигини ҳис қилди.

— Қаёққа, Мартин? — чақирди полковник Яролимек.

У жавоб беришга ожиз ва бунинг сабабини ҳам билмасди. Қатъиятсиз одимлар билан Дана Мразкова ўзининг сўнгги жангини ўтказган омбор эшиги тарафга қараб юрди. «Улар мени кўрмасликлари керак! Лекин нима учун, нима учун!»

Гандираклаганича хонага кирди-да, деворга суркалиб, секин полга ўтирди. Яна ўша қўланса ҳид димоғига урилди. «Тилилихум ааухум...»

— Нега доим бу мараз ҳақида ўйлаяпман? — сўради у ўзидан бор овозда.

Шунда нимадир юз берди. Мартин Данеш ҳаётида биринчи марта ёруғликни кўрди. У даҳшат ва илгари ўзига қоронғи бўлган шодиёна бир ҳис туфайли қичқириб юборди. Мангу зулмат чекинди. Қоронғилиқдан ранг-баранг манзаралар сузиб чиқиб, онгини чулғади. Ғалати чатишмалар, турли рангларда товланаётган томирлар... «Бу оддий ёруғлик эмас, — ўйлади Мартин. — Бу — Мавжудоднинг кўзи...»

Мен тезда Мавжудодга айланаман, заҳарланиб улгурибман. Лекин, ҳали қаршилик кўрсатаман, кулоқ орқали бу жараён секинроқ кечади. Сиз хоҳлаганингиздан секинроқ, шундай эмасми? Ким сизларни бу ерга юборди? Ҳафсала билан соқол олган, ювинган ва тўйиб нонушта қилган аллакимларми?...»

У қолган-қутган иродасини тўплади-да, ўзи учун азиз бўлган қоронғуликни ямлай бошлаган олтинсимон оловга бор кучи билан эътибор бермасликка интилиб, милтиғининг нилини кўксига тўғрилади. Тепки босилди-ю, Мартин дунёга якка кўз билан қараётганини англаб етишга улгурмади.

Кема бортида Мавжудодлар бир йилдан кўпроқ кутишди. Учинчи Сайёрадан ҳамон хабар йўқ эди. Уларнинг сабр-тоқатлари битмас-туганмас: ҳа, планетани забт этиш узоқ, жуда узбқ давом этади. Улар бой тажрибага эга эдилар.

Кейин... Кеманинг детекторлари эҳтиёткор ва таъқиб қилувчи нурни пайқади. Қидирув экранида булутсимон алланима пайдо бўлди. Синчиклаб қаралганида, унинг бир неча минг космик аппаратдан иборатлиги маълум бўлди.

Учинчи сайёра қарши ҳужумга ўтганди.

Кема командири борт компютерига савол назари билан қаради: операцияни давом эттиришнинг маъниси борми? Компьютер «мусбат» ва «манфий» томонларни тарозига солиб кўрди-да, «йўқ», — деб жавоб берди.

Бир неча фурсатдан кейин Мавжудодлар учиб кетдилар. Қизиғи шундаки, ғалати тасодиф туфайли ҳафсала билан ювинган ва тўйиб нонушта қилган ҳолда.

Улар соқол олишмаган, чунки бесоқол эдилар.

Рус тилидан Ҳожиакбар ШАЙХОВ таржимаси.



НАВОЙГА ТАРЖИМОН КЕРАКМИ?

Мен бу саволни ўзимга кўпдан бери бериб кўраман ва ҳар сафар «ҳа» деган тўхтамга келаман. Совет замонида Ҳамид Олимжондан тортиб Азиз Қаюмов ва Абдуқодир Ҳайитметовларгача навоийшуносликда жуда катта иш қилдилар.

Биз аслида Навойнинг фақат ҳаётини биларканмиз-у, бевосита ижодининг ўзидан бебаҳра эканмиз. Бу қуруқ даъво эмас. Характерли мисол: бир неча йиллар муқаддам Наманган Давлат Педагогика Институтини ўқитувчиси Одилжон Носиров тил ва адабиёт факультетини студентларига лекция пайтида «Фарҳод ва Ширин»ни ким ўқиган, деб савол берди. Икки группа студентдан дostonни тўла ўқиган киши чиқмади. Достоннинг айрим шеърини парчаларини ёддан билсам-да, уни мен ҳам тўла ўқимаганман. «Фарҳод ва Ширин» ҳақида билганларимиз мактаб программасида олган сабоқларимиз билан чекланади. Бу фақат бизнинг қўнтсизлигимизга боғлиқ бўлмай, Навой яшаган даврдаги тил билан ҳозирги ўзбек тили орасида катта фарқда ҳамдир. Уша вақтда кенг ишлатилган сўзларнинг аксари ҳозир муомаладан чиқиб кетди. Шунинг учун Навойнинг тили ҳозирги китобхонга оғирлик қилади. Мирза Абдуқодир Бедил дейди: — «Юз доно айшини бузган битта нодон шум эрур. Англашилмас мисра, чун бир сўз агар мавҳум эрур». Навой асарларида биз учун «мавҳум» сўзлар ҳар мисрада бир эмас, бир нечтагача учрайди. Натижада гениал шоир асарларидаги нозик жиҳатларга тишимиз ўтмайди.

Эл оғзида севилиб айтилиб юриладиган «Қора кўзим...» шеърининг тилини ҳозирги тилимизга энг яқинларидан бири деб қабул қилишимиз мумкин. Лекин ўшанда ҳам «мисрани англашга» ҳалақит берадиган анчагина «мавҳум» сўзлар бор.

Биз мана шу ўтган давр ичида Навой ижодини чуқурроқ англаш ўрнига ундан узоқлашдики, мутафаккир шоирнинг муборак каломлари тобора мавҳумлашиб, йироқдан эшитила бошлади. Тўғри Навой ижоди чуқур ўрганиляпти, луғатлар босилиб чиқяпти, аммо бу ҳаракатлар ҳам тузукроқ натижа берганича йўқ. Чунки маданий меросимизни ўрганишимиз учун муттасил маъмулотлар жорий қилинмаган. Ваҳоланки, мактабларда ўтиладиган чет тилларини (уларни камситмаган ва улардан фойдаланишга бир умр эҳтиёж туғилмаган ҳолатда) араб ёки форс тилларига алмаштириш ва ўтмиш адабиётимизга яқинлашиш имкони бор эди. Ахир классик адабиёт шу соҳаннинг мутахассислари, араб графикасидан хабардор бир ҳовуч толеи баланд кишилар учун мўлжалланмаган-ку! Қачонгача биз уларнинг нима дейишаркин, деб оғзига қараб туришимиз керак!

Агар мактабларда эски ўзбек графикаси ўрганилиб, араб ёки форс тиллари ўқитилганида боболаримиз ижодини таржимонсиз тушунган, сеvimли ёзувчимиз Одил Екубовнинг («Шарқ юлдузи», 1987 йил 8-сон) Навой асарларига «унчалик тиши ўтмаслиги»га гувоҳ бўлмаган бўлардик.

Ортиқ ДАДАБАЕВ,
Наманган область, Чортоқ райони.


УМИДИМИЗ ТОПМАЙДИ ЗАВОЛ

Сўнги икки-уч йил ичида «Шарқ юлдузи» биз адабиёт ўқитувчилари учун энг сеvimли журналга айланиб қолди. Унда халқ дарди ва қувончларини ҳаққоний ифодаловчи, жамиятимиз тараққиётга тўсқинлик қилаётган иллатларни кескин фош этувчи, давр даъватига баралла жавоб бераётган материаллар кўпроқ ёритилляпти. Болаларга бадий адабиётнинг туб вазифаларини чуқурроқ тушунтиришда, уларни ана шу ёруғ бадийёт оламига олиб киришда бу материаллар бизга, шубҳасиз, катта ёрдам беради.

Журнал ҳар бир сонда етук сўз санъаткорларининг суратини бериб, адабиёт ўқитувчилари учун яна бир хайрли ишни қиляпти. Мактабларда адабиёт кабинетини жиҳозлаш учун бирор ўзбек адбининг портретини китоб магазинларидан топиш амри маҳол. Ахир бу ҳақда ўқитувчилар матбуотда неча-неча марталаб мурожаат этишди, натижасини кўрмадик. Кўргазмалли материаллар, айниқса, бизнинг республикамизга, умуман етиб келмайди.

Журналнинг келгуси йил сонларида ўзбек классикларининг суратлари ҳам бериб борилса, нур устига нур бўларди. Бундай олижаноб ишни сеvimли журналимиз амалга оширишига ишончимиз комил.

Ғ. РАҲМОНОВ, Қ. ҲАЙДАРОВ, Ф. ҲУСАИНОВ,
М. ЙЎЛДОШЕВА, М. ҲАМРОЕВА, М. МИРАШУРОВА,
Р. ДИАМИНОВА, Ҳ. АББОСОВА, М. ОДИЛОВА,
Ҳ. ЮСУПОВ ва бошқалар.
Душанба шаҳридаги ўрта мактабларнинг ўзбек тили
ва адабиёти ўқитувчилари.



САВОЛЛАРГА МУНОСИБ ЖАВОБ

Муҳаммад Раҳмон. «Асраганим, авайлаганим». Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1987.

...Муаммолар, муаммолар, муаммолар.
Мен боламга қолдираман барчасини.
Асқад Мухтор

Инсоннинг умри савол-жавоблардан иборат. Оддий, кундалик савол-алиқнинг ўзи бунга мисол. Одам боласининг барчаси бир умр бири бири билан шу тахлит савол-жавоб қилиб яшаб ўтади. Унинг ўз-ўзи билан қиладиган мунозараси, ўзига савол бериб, бунга жавоб излаши, бунга ўзини мажбур қилиши умумий ҳодиса эмас. Баъзилар бу «имтиҳон»га бир умр дуч келмай ўтиб кетиши ҳам мумкин. Бундайлар қанчалик тузсиз умр кечирсалар, ўз ҳаётларига қанчалар бефарқ қарасалар, атрофдагилар ҳам бундай қисмат эгаларига нисбатан шунчалар бефарқ қарайдилар. Бундай зотлар орамизда соядек яшаб, соядек йўқ бўлиб кетишади. Шоирлар ана шундай маҳдудликка, инсоний бурчини ангашга уринмаганларга нисбатан бефарқ бўлолмайдилар, жим туролмайдилар. Шоир Муҳаммад Раҳмоннинг «Асраганим, авайлаганим» китобидаги шеърлар ана шу фикрни ёрқин исботи десак янглишмаймиз.

Қуёш — танҳо.

Ой — танҳо.

Умр — танҳо.

Изла,

Топ!

Ажрим қилиб ол: нима — ўткинчи,

нима — муҳим, —

деб ўзига савол беради шоир. Биз ва сиз учун ҳам бу савол бегона эмас.

Бешафқат саволларга

Бўлгин муносиб жавоб.

Моҳиятга киришдан

Чўчимагин, бас, руҳим!

Қумлар аро улоқиб

Ҳалок бўлар ёв тайин.

Тақдир ҳукми бешафқат:

Ўзи ҳам қайтмас бироқ.

Саҳро ичкарисига

Одимлагани сайин,

Абадиятга шунча

Яқин борган мард Широқ!

Шоир ўзига берган саволларига тарихдан

мисол олиб, осонгина жавоб бераётгандек. Хўш, афсонавий Широқ умуман бўлмаган ҳам дейлик, шоир унда қандай жавоб тайёрларди? Широқдан бошқа яна қандай «шпаргалка» қўл келарди — ҳамма гап ана шунда! Шоир умри азалий «бешафқат саволлар»га бетақрор «Муносиб жавоб», «Асраганим, авайлаганим» лирик тўпламини ана шундай шафқатсиз саволларга шоир топган озми-кўпми жавоблари сифатида қабул қиламиз ва бу жавоблар унинг ўзигагина аён юрак сирлари.

Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар
Бўғзимга тикилган ҳаяжонимни
Қутилардим айтиб бир йўла,
Қийнамасдим бунча жонимни.

Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар,
Турналар ўтганда бошимдан сузиб,
Югурмас эдим, йўқ, телба-девона —
Мен улар ортидан қўлимни чўзиб.

Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар,
Кўзимни узолмай лол қолган чоғлар,
Титратмасди қалбни ҳайқириқ бўлиб
Шу пурвиқор тоғлар, шу баланд тоғлар...

Бу шеърни шоир қачон, умрининг қайси фаслида ёзган экан? Ва ҳозир ҳам «бошидан турналар сузиб» ўтганида қўлларини чўзиб югурармикан? Ва ҳозир ҳам «пурвиқор тоғлар» унинг кўксини «ҳайқириқ бўлиб» титратармикан?! Буларнинг бари аввалгича қолган бўлиши, шоирнинг ҳайрати ҳамон «тилсиз» қолмоғи керак, йўқса, шоир тўпламини «Асраганим, авайлаганим» деб атамасди...

Талвасада эди талваса,

Чанг соларди ютоқиб истак:

Пайти эмас мулоҳазанинг

Юлиб қолиш керак,

Олиб қолиш керак!

Тафаккур бир совуқ жилмайди:

Бўлмасалар бунча ҳам содда,

Ҳаракат ҳам асли жилмаслик.

Собит турмоқ бир эътиқодда!

Бир эътиқодда собит турмоқни шоир қилиб олган шоирнинг дунёқараши ўтган вақт ичида ўзгардимикан?! Бундай эътиқод, бундай дунёқараши ўзгармаган, аксинча, янада собитлашган, йўқса, шоир китобини бундай деб атамасди...

Йигирманчи аср жуда кўплаб одатдаги тушунчаларни ўзгартириб юборди. Йигирманчи асрнинг тўғри сўз шоирлари урушнинг бутун даҳшатини рўй-роби хатладилар. Фафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Эркин Воҳидовнинг «Оқсоқол», Абдулла Ориповнинг «Аёл», Рауф Парфининг «Ватан ҳақида Бернд Иенцшга мактубим» шеърлари қаторига Муҳаммад Раҳмоннинг «Хотира» номли шеърини ҳам қўша оламиз.

Мени қушдек кўтарадиган
 Уктам кифтлар керак бўлди ўша кун:
 Дадам фронтда эди —
 Қизғалдоқлар томда қолди!
 Бир бурда нон. керак бўлди
 Деворга опичиб олишим учун.
 Лекин
 Донқоп ўзи ўша кун бўм-бўш,
 Кулаб ётар эди тоқча пойида —
 Қизғалдоқлар томда қолди.
 Ва аксига олиб ўша йил
 Қиш жудаям қаттиқ келганди —
 Нарвонларни «еб» қўйганди ўчоқлар.
 Алвон армонлари болалигимнинг —
 Қизғалдоқлар томда қолди...

Ўзининг «пойқадами» етган ерларда кулхона-лар кушхоналар қолдирувчи уруш умрларни қисқартиради. Унинг шарпаси олис-олис ўлка-ларда ҳам қувончларга соя ташлайди. Шундай олис бир қишлоқда, отасини фронтга кузатган болакай яшайди. Кетган эркаклар ҳали қайтмай туриб, қишлоққа баҳор қайтди, қизғалдоқларини лойсувоқ томларга сахийлик билан сочиб ташлади. Катталарнинг бу қизғалдоқлар билан ишлари йўқ. Отасини фронтга кузатган болакайнинг хотираси кучли, у қизғалдоқларни кўриб бир пайтлар дадаси унинг ёнгинасида бўлганини, дадаси уйдалигида ўзининг қорни тўқ юришини хотирлайди. Энди эса болакайнинг узун, узатса ҳар жойга етадиган дастини уруш, очлик қисқа қилиб қўйган. Муҳаммад Раҳмоннинг «Хотира» шеърисидаги болакайнинг томдаги қизғалдоқларга етиша олмаган имкони ҳам урушга боғланади. Биз урушдан узоқлашган сари унинг моддий асоратларига эмас, маънавий асоратларига ҳам кўпроқ эътибор бера бошлаётганимизнинг ифодаси бу шеър. Шеърдаги фронтга кетган ота — очлик — ёқилган нарвон — бола етишолмай қолган қизғалдоқларнинг тимсолий занжири уруш ва қувонч бир-бири билан келишолмайдиган тушунчалар эканлигини исботлайди!..

Шоирнинг ушбу тўпламидаги кучсиз шеърлар тўғрисида нима дейиш мумкин? Ҳар бир шоирнинг ютуқлари ўзига хос бўлгани каби, камчиликларида ҳам ўзига хослик бўлади. Баъзида бу камчиликларни шоирнинг ижод лабораториясидангина эмас, шеърхонларининг савиясидан ҳам излаш керакка ўхшайди. Шоир шеърлари билан бевосита шеърхонни тарбиялайди. Бир вақтда яшаган шоир ва унинг мухлиси камолотида мутаносиблик бор. Бу камолотни шоир қайта-қайта, ҳар бир янги шеърхонлар авлоди билан янгидан бошлаши мумкин. Сўзининг, сўз устасининг абадий навқиронлиги ва кексалигининг сир шунда. Ўз шеърхонларининг бадий дидини тарбиялай олмаган ёки бундан қўрққан шоир ўзи ўтирган шохни арралаган одамнинг ҳолига тушади, яъни, ўз замонининг дарахтидан кулаб тушади, унутилади.

Муҳаммад Раҳмоннинг умри узун шеърларини санаганимизда бу саноққа «Ҳайратимнинг тили бўлсайди...», «Пантомима учун сюжет», «Нима гап шаббода...», «Ҳамма бало шундаки...», «Қолгани йўқ, жой қўриб...» деб бошланувчи ўнлаб шеърларни ишонч билан киритяшимиз мумкин. Лекин тўплами варақлаб кўрганимизда «Қиёфа», «Ҳамлет», «Тутлар» каби санокли шеърлар ечими осонлиги билан шеърхонларни ўзига ром этолмайди. Унинг баъзи шеърларида эса ўқилган китобларнинг, қардош шоирларнинг образлар олами такрорлиб қолади. Хусусан, «Латвия қарағайлари» шеърисида дарахтларни «улкан шам-

лар»га ўхшатилиши болтиқбўйи ижодкорлари, айниқса, Имант Зиедониснинг образларига уйқаш. «Тик қирғоқда, скамейкада...» деб бошланадиган шеър менга Паустовскийнинг руҳини эслатди. Бундан қатъи назар шоир Муҳаммад Раҳмоннинг «Асраганим, авайлаганим» тўплами кейинги пайтда «лирика» сериясида чиқаётган китоблар орасида ўзига хослиги билан ажралиб турадигани эмас, ўқувчиларнинг ҳам «асраб-авайлаган»ларини бот-бот эслатиб, узоқ вақт ўйга, тўшоҳадага толдиради. Қалбидаги чертилмаган турларига тегилиб, Ватан, муҳаббат, қўйингки, тирикликнинг бор фазилатлари ҳақидаги инсоннинг ҳали уйғонмаган туйғуларини жунбушга келтиради. Кишиларнинг маънавийтини узлуксиз бойитишга хизмат қилади.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ,

Ёхуд қинғир ишнинг қийғи

Урозбой Абдураҳмонов, Чангалзор «пайғамбар»нинг ҳалокати. Эссе. «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1987.

Кўп минг йиллик тажрибамиздан аёнки, камолотга интилган ҳар бир шахс ўз салафларини ҳушёрликка даъват этиб келган. Даъват маъносининг кўлами ва йўналишини давр, тузум, жамият — ҳуллас, мавжуд шарт-шароитлар белгилайди.

Бизнинг замонамизда ҳам бу маслак ўз мавқеини йўқотгани йўқ. Фақат бугунга келиб даъват болаади. Ҳатто, ҳушёрликка даъватнинг ўзи ҳам бир неча турга бўлиниб қолди. Сарлавҳани қўйиб бўлгач ҳам кўпчилик буни қайси маъносида қабул қилар экан деб ўйланиб қолдим. Ҳар қалай оптимизм устун келди-да, сарлавҳадан воз кечмадим.

«Мазкур китоб Вильнюс шаҳрида оғир жиноят қилиб қўлга тушган Абай Бўрибоев, Мирза Қимбатбоев ва уларнинг ҳамтовоқлари ҳақида. Бу газандалар одамларни алдашнинг, дин ниқобида меҳнатсиз даромаднинг турли йўлларини ўйлаб топдилар, гадоилик, дарвишлик, сеҳргарлик ҳамда табиичиликнинг ғайрииллий воситаларини, яъни одамларга экстрасенсорик биотаъсир этиш мумкинлигини жорий қилиб, Москва, Ленинград, Вильнюс, Рига, Тбилиси, Тошкент, Олма-ота, Фрунзе шаҳарларида ўзларига хайрихоҳлар топишга муваффақ бўлдилар.

Ёзувчи Урозбой Абдураҳмонов ана шу газандаларнинг кирдикорларига алоқадор воқеаларни ўрганиб, «Чангалзор «пайғамбар»нинг ҳалокати» деган очерклар туркумини яратди» дейилади китобга берилган нашриёт аннотациясида. Мана ўша туркум бугун биз китобхонларнинг қўлимизда.

«Бўлар иш бўлди, бўёғи сингди» деган нақл бор элимизда. Жиноят содир бўлди. Айбдорлар жазосини олди. Жабрланувчилар ҳукуматдан рози. Ҳукм одил. Бу биринчи ёки охириги воқеа эмас. Шундай экан, бир ёзувчининг Москваю Вильнюсга қатнаб, вақтини йўқотиб, оворай сарсон бўлиб юришининг боиси не?

Боис шулки, ёзувчи ҳар қадамда фирибга, ҳар дамда ёлгонга дуч келиб қолиши мумкин бўлган замондошининг тақдирига бефарқ эмас. У бўлиб ўтган фожиани бизга баён этиб беришининг ёз олдига мақсад қилиб қўйган десак, муаллиф меҳнатини камситган бўламиз. Ёзувчи учун ўқувчининг хулосаси муҳим.

Асарнинг асосий ғоясини даъват — ҳушёрликка даъват ташкил этади. Бу даъват фақат жабрдийдаларга эмас, балки жабр тортиши мумкин бўлган одамларга ҳам қаратилган. Ёзувчи содда одамларни эҳтиёт бўлишга чорлаш билан бирга жиноят оstonасида турганларга ҳам «қинғир ишининг қийғи...»ни эслатиб қўймоқда.

«Чангалзор «пайғамбар»нинг ҳалоқати» бизга эссе деб тақдим этилган. Лекин, асар эсседан ҳам кўра кўпроқ ҳужжатли қисса. Воқеалар тизимида тўпланган ҳужжатларнинг «вазни» сезилиб туради. Бу табиий.

«Сахар пайти Қоратоғ ёнбағирларида сайр қилсанг, оппоқ ҳарир туман орасидан унинг чўққилари гўё ожиздек кичрайиб кўринади, пешинга бориб, туман тарқагач, чўққилар гўё қаддини ростлагандай туюлади. Ростдан ҳам тоғ чўққилари ҳар сонияда ўзини ҳар муқомга солиб, товланиб туриш табиати эга. Бу ҳолат кенг дала-ларга, жазирама қумликларга кўзи ўрганиб қолган одамларга, айниқса, ғалати бўлиб туюлади, тоғлар ортида нималар борлигини кўргиси келади. Бориб қарасанг, тоғлар ортида фақат тоғларнинггина кўрасан...»

Асар шу манзарани чизиш билан бошланади. Тасвирдаги рамزلарнинг ўзи китобхонни воқеаларга олиб киради.

Китоб сарлавҳаларга ажратилган. Уларнинг бир нечтаси асар қаҳрамонларининг ҳақиқий башарасини яққолроқ кўрсатиш мақсадида ва персонажларнинг таржимаи ҳолини шарҳлашга хизмат қилдирилган. Бу усул умумий маънода янглик эмас, лекин, моҳиятга тезроқ ва қисқароқ йўлдан боришда ижобий роль ўйнаган. Қисмлар бири-биридан ўсиб чиқади. Мирзанинг таржимаи ҳолига бағишланган «Мирзанинг излари» қисми туғана жойдан Абайнинг таржимаи ҳоли бошланади.

Ҳар бир танланган эпиграф асарнинг маълум бир қисмига безак ўрнида эмас, балки оқчи сифатида хизмат қилган. Персонажлар фикридаги чалкашликлар ёзувчи изоҳи ёки маълумоти орқали аниқланиб ва тўлдирилиб борилганки, бу ўқувчини чалғишдан сақлангани ҳолда асар қаҳрамонларининг фикрий даражасини, савиясини билдиради.

Ёзувчи кирдикорларни фoш этишдан кўра асосий эътиборни улар етилган шароитни тасвирлаб беришга, яъни илдизларни очишга қаратган. Бу ўз ўрнида ижобий натижалар берган.

«Мирзабой муштдайлтигидан кўни-қўшилларнинг болалари билан ўйнамас, сал нарсага аразлаб қоладиган, ўзини кўпчилик бор жойдан олиб қочадиган, тўнд ва индамас бўлиб ўсди. Уй ишлари билан банд онасининг ёнидан бир қарич ҳам нари силжймай ўсди. Ҳатто улғайиб, биринчи синфга ўқишга борганида ҳам бу одатини ташламади. Мабодо онаси тўйга борса, Мир-

забой унинг этагидан маҳкам тутиб, орқасидан эргашадиган бўлди. Онаси уни еру кўкка ишонмай, «айланайин»ни қанда қилмай ўстирди».

«Абайни отаси ҳам, онаси ҳам ниҳоятда яхши кўрар эди. Айниқса, отаси бошқа болалари орасида уни алоҳида севиб, ардоқлаб, совуқ сувга қўл урдиртирмай ўстирди. Абай ўзига нисбатан билдирилган муҳаббатни кўтаролмади...»

Муаллиф шу каби умумий баёнлар ва деталлар орқали абайлар ва мирзабойлар шаклланишидаги омилларни кўрсатишга ҳаракат қилган. Одатда ўғрига ҳам, киссавурга ҳам битта ёрлик ёпиштирилмайди. Муаллиф ўз иқтидори имкониятларидан келиб чиқиб шу ўринда назарни янада чуқурлаштира бўларди. Унинг ўз феълларидаги кенглик шу ерда жуда асқотарди.

Мажмуада халқимизнинг сеvimли фарзандларидан — таниқли актёр ва режиссёр Талъат Нейматуллин ҳам каттагина ўрин берилган. Т. Нейматуллин шу фожианинг энг катта қурбони, эл учун, санъатимиз учун катта йўқотиш.

Шу ўринда унча аҳамиятга молик бўлмаса-да, айтиб ўтиш жойизки, китобда фамилия гоҳ Нейматуллин, гоҳ Нейматуллин бўлиб кетган ва бу ўз навбатида ўқувчининг ғашига тегади. Бугина эмас, асарнинг тилида сохталик бор, қайтариқлар (юқорида келтирилган мисолларда ҳам кўрдингиз) учрайди. Гоҳида фактлар керагидан ортиқроқ келтирилган.

Билдирилган эътирозлар фақатгина муаллифнинг «насибаси» эмас. Таржимон ва ноширлар ҳам ўз «улушларини ажратиб оладилар» деган умиддамиз.

Ёзувчи позицияси, асар ғояси ва мавзу муҳимлиги олдида биз санаб ўтган қусурлар кўзга ташланмаслиги ҳам мумкин, лекин расмиятчилик деган гаплар бор. Таъбир сийқароқ бўлса ҳам, ҳар қалай булар бари жуъзий камчиликлардир.


Асарнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, муаллиф туйғуларга берилиб кетмай, ҳар бир воқеа ва ҳодисага муносабатини холисанил-ло билдирган. «Чангалзор «пайғамбар»нинг ҳалоқати»ни ўзбек тилига ўғирган Носир Фозиловнинг хизмати ҳам таҳсинга лойиқ. Таржимон тиришқоқлигининг самараси ўлароқ, асар ўз моҳиятини ўзбек тилида ҳам сақлаб қолган.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, айти пайта ўз ўқувчиларини топиб кетди. Муҳими китоб дўконларининг расталарини йиллаб банд этиб ётган қатор нашрларга «тақдирдош» бўлмади. Буни одатдагидай, китобга берилган катта баҳо деб қаралмаслиги керак. Биз билдираётган муносабат ҳам баҳо эмас. Бахони китобхоннинг ўзи, ёлғиз ўзи қўяди.

Асарга Юлиус Фучикнинг «фашизм дори тагида туриб айтган гаплари» билан нуқта қўйилади. «Одамлар, мен сизларни севар эдим. Ҳушёр бўлинглар!»

Биз ҳам шу даъватга қўшилган ҳолда элимизнинг Урозбой оғадай чуқур билимли, кенг фикрли, эътиқодли, мард ва танти фарзандларига омонлик ва баркамоллик тилаб қоламиз.


Яҳё ТОВА



БЎЛИМГА ҒАФУР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН

Саид Аҳмад,
Худойберди Тўхтабоев,
Неъмат Аминов,
Саъдулла Сиёев,
Анвар Обиджон,

Саид Аҳмад



Ҳашар қисса¹

VI боб

Имоми Зайнобиддин Тўхтамиш Ирмоқнинг «Сулаймон пайғамбар ҳайвонлар тилини қайси мадрасада ўрганганлар?» деган саволига жавоб тополмай минг бир кўчага кириб-чиқаётганида Сирож Маҳсум, ассалому алайкум, деб кириб келди. Унинг келиши аини муддао эди. Тўхтамиш Ирмоқ савол бермай мен ўлай, Имомий Зайнобиддин эса, саволинг бошингда қолсин, деб бир-бирини ичида саннаб турган пайт эди.

— Э, Маҳсумжон, кесинлар, бахайр, жума намозига ҳали пича вақт бор эди-ку, — деди мутавалли Тўхтамиш Ирмоқ.

— Кўпдан бери бир хайрли ишга чоғланиб юргандим. Шунини жамоат ўртасига ташласам, деган ўй билан ҳузурингизга келдим.

Имоми Зайнобиддин, хўш, қандоқ гап экан, дея олдинга сал энгашди.

Сирож Маҳсум яхшилаб ўрнашиб ўтириб олгандан кейин гапира бошлади:

— Шу, ўзингизга маълум, Модархон ота мазорлари жуда оёқости бўлиб кетди. Горочистка худди ўша ерга ахлат тўкяпти. Шу кунни жума намозидан кейин қавмларга иона эълон қилсак. Тўпланган пулдан Модархон отага сағана кўтарсак. Мана, гап шу. Ҳазрат нима десалар шу бўлади.

Тўхтамиш Ирмоқ билан Сирож Маҳсум Имоми Зайнобиддинга қарашди. У икки қошининг ўртасини силаб ўйга толди.

Имоми Зайнобиддин бу ерлик эмасди. Шунинг учун ҳам Тошкент атрофларидаги муқаддас жойларни унчалик билмасди. У асли Андижондан бўлиб, отаси Ғупромиддин сўфи иккала ўғлини ҳам дини ислом йўлига бошламоқчи эди. Каттаси шу Зайнобиддин ота сўзини икки қилмай Бухоройи шарифга таҳсил олгани кетди. Аммо укаси Чирмашвой бошқачароқ чиққанди. Бухорога бормайман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди. Ота уни уриб ҳам кўрди, сўкиб ҳам кўрди, бўлмади. Охири тесқари фотиҳага қўл очиб, у дунё-бу дунё косанг оқармасин, деб қарғади. Чирмашвой мана йўмасам, деб Чирмаш отини Отелло қилиб ПТУга ўқишга кирди. Шундай қилиб асакалик машҳур Довудхон эшоннинг сўнги авлоди муслмончиликдан чиқиб кетди.

Имоми Зайнобиддин бармоғидаги феруза кўз узугига тикилиб хижолатнамо бир овозда сўради:

- Модархон тўрам аслида ким бўганлар? Қандоқ қароматлар кўрсатганлар?
- У киши кўп табаррук зот бўлган эмишлар, — деди Сирож Маҳсум.

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

— Нечун у зотнинг исми шарифлари заифлар номи билан аталмиш? Ахир модар дегани форсийда она дегани-ку. Нечун Падархон деб атамаганлар?

Махсум худди шу саволни кутган эди. Жағи очилиб сайраб кетди:

— Модархон тўрам асли намонганлик эканлар. У киши тарки дунё қилиб, юртларидан чиқиб кетиб, мана шу тақир жойда макон тиклаганлар. Падали бузрукворимизнинг шоҳидлик беришларига кўра, у киши Намонгандан пиёда йўлга чиқиб, бир ою етти кунда Тошкентга кириб келадилар. Шу ерда бир бева билан қовушадилар. Аёлларининг ой-кунлари яқинлаша бошлайди. Доя ҳам чақирмайдилар. Одам боласининг юзини кўрмай деб, ўзлари доялик қиладилар. Икки бола туғилади. Аёллари оламдан ўтади. Модархон тўрам худого нола қиладилар. Шунда бирдан икки кўкракларидан тизиллаб сут отилади. Шу икки болани ўзлари эмизиб вояга етказадилар. Шу-шу бўладю у кишининг отлари Модархон, яъни онахон бўлиб кетади. У кишининг асли номлари қандоқ бўлган, ҳеч ким билмайди. Вақтики келиб у Модархон тўрам бу бевафо дунёдан кўз юмадилар. Ихлосмандлар у кишини шу тақирга дафн қиладилар.

Дунёда кўп ғалати тасодифлар бўларкан. Ур-ур, бос-бос қилмаса туролмайдиган Амир Темурнинг қабрини очган кунда уруш бошланган эди. Модархон тўрамнинг аллақачонларда йўқ бўлиб кетган фарзандлари йўқлаб келиб қабрларини ремонт қиლაётган кунда колхознинг трактори йўқолади. Раис сал динсизроқ одам эди. Шу мазорни бузаман, деб неча марта хезланган эди. Мана, нима бўлди, азиз одамларнинг мазорига тил теккизиб бўлармишми! Унга қарғиш тегди. Трактор йўқолди. Мутлақо топилмайдиган бўлиб йўқолди. Ишдан олинган раис Модархон тўрамнинг пойида жонлиқ сўйди. Мавлуди шариф ўқитди, бўлмади. Трактор топилмади.

Имоми Зайнобиддин бу гапларни эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Албатта сағана тикламоқ даркор. У киши авлиё эканлар. Бугунги жума намозида иона йиғамиз. Махсум, шу ишга ўзингиз бош бўлинг.

Жума намозида одам ҳаддан ташқари кўп бўларди. Масжид айвонлари торлик қилиб, кўчага жойнамоз ташлаб саждага бош қўядиганлар ҳам бўлиб турарди. Кўча тор бўлганидан машина қатнови ҳам вақтинча тўхтарди.

Бу кунги намозда икки мурдага жаноза ўқилди. Имоми Зайнобиддин Сирож Махсумдан ҳам ўтказиб Модархон тўрамни таърифлаб ваъз айтди. Йиғлаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам. Пул демагани ёғилиб кетди. Биров ўн, биров йигирма беш, ҳатто элликтиликларни ташлаганлар ҳам бўлди. Йиғилган пул селлофан қопнинг ярим белига чиқди. Сирож Махсум кўлтигини қашламоқчи бўлиб қўйнига ташлаган пуллар бу ҳисобга кирмайди.

Масжид овлоқроқ жойда бўлгани учун бегим кунлари унчалик намозхон келмасди. Тўрт-беш диндор билан юмароқ-ястиқ қилиб намоз ўқиб қўяқолишарди. Имом билан мутаваллининг даромади асосан тўй билан ўлимдан тушарди.

Масжидда кассир ҳам, пўлат сандиқ ҳам йўқ эди. Бугун тушган пулларини санаб, сизда турсин, деб берасписка Сирож Махсумга беришди. Сирож Махсум деганимиз анойилардан эмас. Ҳужрага киришгач, селлофан қопга қўл тиқиб, тақсир, бу сизга, мутавалли, бу сизга, деб бир сиқим бир сиқим пулни уларнинг олдига ташлади. Қопнинг йирик пуллар тўпланиб қолган жойини мўлжаллаб, бу менга деб, бир сиқим олиб қўйнига солди. Ҳеч ким нега ундоқ қиляпсан, қанча қолди, деб сўрамади.

Бугун Сирож Махсумнинг иши ўнгидан келди. Ярим қоп пулни орқалаб уйга қайтаркан, қўйнимдаги қанча бўлди экан, тезроқ уйга етақолсаму, санаб кўрақолсам, деб ўйларди. Йўқ, уйига етиш унга насиб қилмаган экан. Эшигига етай деганда теракка суяниб турган қиморбоз лўлига кўзи тушдию оёқларидан дармон кетиб, тиззалари қалтирай бошлади.

Бу хув ўша — Бухоройи шарифга, ҳазрати Баҳоваддинга кетаётганда поездда қимор ўйнаб пулини ютқизган Лўли эди. Кўчанинг нариги бетида эски бир «Запорожец» турарди. Рулда ўтирган шоп мўйловли лўли тилла тишларини алтирати унга салом берди.

— Э, ошна, қаёқларга юрибсез? Қане, кетдик. Фармон оқсоқолникига катта ўйин бор. Бир ташлашайлек.

Махсум ундоқ деб кўрди, бундоқ деб кўрди, бўлмади. Лўли унинг билагидан ушлаб, машина томон судрай бошлади.

— Сиз бизди ютдингез. Омадингез келса боз яна ютасез. Сиз қимор кўчасига кирдингизме, энди шу йўлдан юрасез.

Махсум, уйга бир кириб, бола-чақадан хабар олиб қўяй, дейишига қарамай уни лўли судраб машинага олиб чиқди. Машинанинг орқа ўриндиғида саксовулдек қотиб кетган, бақбақаси тошбаканинг бўйнига ўхшаб тўр ташлаган яна бир лўли ўтирарди. Машина катта кўчаларни ортда қолдириб, Ачавот томонга йўл олди.

Сув кўрмаганидан ўтлари қовжираб қолган, кўпдан супурги тегмаган файзсиз бир ҳовлига киришди. Айвонда пашшага таланиб бир қоп-қора бола қовун еб ўтирарди. Йўлақда устига эски қопдан соянов қилинган эшак арава шотиси юқорига қаратиб қўйилган. Айвонда бир машинага бемалол юк бўладиган шиша банкалар. Водопровод крани олдида ниҳоятда семиз бир лўли хотин олдига ғарамлаб қўйилган бутилкаларни ичига латта бойланган сим тиқиб ювмоқда.

Бир четда қутилар тахлаб ташланган. Уларда лой ҳуштак, болалар чаладиган тунука сурнайчалар, ҳар хил ранга бўялган қоғоз елпиғичлар, туфли қўтичаларида арзон жевачкалар, ҳали пуфланмаган шарлар.

Уйга киришди. Офтобда келган Сирож Махсумнинг кўзлари қоронғида ҳеч нарсага кўрмади. Кейин секин-секин қорачиги кенгайиб унча-мунчани кўра бошлади. Икки тахмон оралиғидаги кир токчага Раж Капурнинг «Жаноб 420» фильмида тушган суврати. Унг томондаги деворда «Ромен» театрининг афишалари ёпиштириб ташланган. Сирож Махсумни ваҳм боса бошлади. Юраги дукиллаб урарди. У билан бирга келган уч кишидан бошқа яна тўрт киши хонага кирди.

Сирож Махсум қопдаги пулни тагига босиб ўрнашиб ўтириб олдию, нима бўлса пешонмандан, деб ўзини овута бошлади.

Ўйин бошлангандан бошланиб кетди. Тўрт ошиқ тинмай ўртага отилади. Ошиқни ким ташласа ҳам омад Махсумга келаверди. Икки соат ичида Махсум лўлиларни шип-шийдон қилди. Пули қолмаган лўлилар бири этигини, бири шимини тикди. Махсум ҳаммасини ютди.

— Энди бўлдимиз? — деди Махсум.

— Йўқ, — деди лўлиларнинг тиллатишлиги. — Ғирром ўйнадинг. Биласанми, қиморга ғирромлик қилган қандоқ жазо оладе? Қани, юткан пулларни чўзиб қўй!

Махсумнинг ёнида ўтиргани уни бўғиб олди. Бошқаси келиб орқасига тепди. Ана шундан кейин мушт устига мушт тушаверди. Махсумнинг оғзи-бурни қоп-қора қонга беланди. Уни судраб айвонга олиб чиққанларида қош қорайиб қолган, кампир ҳамон водопроводда шиша юварди. Махсумда қайдан куч пайдо бўлди, ўзи ҳам билмайди. Уларнинг қўлидан юлқиниб чиқиб кампир олдига бордию дуч келганини шиша билан ураверди. Улар ҳам қонга беланди. Шовқин-сурон билан бир-бирини кувиб кўчага чиқишди. Одам йиғилди. Аллақайдан пайдо бўлган милиционер Махсумнинг қўлини бураб, жангдан тўхтатди. Бу пайт лўлилар қаергадир ғойиб бўлишган эди.

Хуллас, Махсум шу оқшом, масжиднинг ярим қоп пулию қўйни тўла ўз пулидан айрилиб, ёқавайрон бир аллозда ўн беш суткага кетди.

Орадан ўн икки кун ўтиб, Ёкутойнинг уйини бир киши тақиллатди. Чиқиб қараса, нотаниш бу киши бедарак йўқолган Махсумдан хат олиб келибди. Ёкутой шошиб ўқиди.

«Бону, мен Қўйлиқ томондаман. Уч кундан кейин бўшатишади. Эртага етиб келинг, маслаҳатли иш бор. Махсум».

Ёкутой уйга қириб то хумордан чиққунча Махсумни қарғади. Кейин, маслаҳатли гап бор, дегани нима дегани экан, деб ўйлаиб қолди.

Эртасига ош қилиб эрини кўргани борди. Махсум ҳовли супуриб юрган экан. Хотинига бўлган воқеани гапириб берди. Шу кетган бойликни қайтарадиган бир тадбир ўйлаб қўйганини айтди.

— Индинга бўшатишади. Менга янги уст-бош олиб келинг. Иккита янги канистр ҳам керак. Бозордан ярим кило яхши зира олиб келинг, у ҳам зарур. Аммо илло-билло бировга мени бу ерда эканлигимни айтмакўрманг, мабодо сўраб қолишса Маккага кетганлар, деб айтинг, хўпми?

Сирож Махсум бўшайдиган кунни Ёкутой айтган нарсаларни муҳайё қилиб борди. Бир машинани кира қилиб Ёкутой олиб келган иккала канистрини сувга тўлатиб олишди.

Ёкутой уйларни йиғштириб ораста қилиб қўйган экан. Эшик олдида Сирож Махсум ҳаждан келяпти, деб кутиб турганлар анчагина экан. Навбатма-навбат этагидан ўлиб, тавоб қилишди. Аммо нечүкким, ҳаж қилган кишининг юзлари мўматалоқ, пешоналари ғурра, ҳайрон эдилар.

— Э, биродарлар, ҳаж қилиш осон эмас. Қанча саҳролардан ўтилади. Қанча чангалзорлар оралаб ўтилади. Қанчадан-қанча бадавий қароқчиларга дуч келинади. Икки бор қароқчилар билан жанг қилдик. Бор буд-шудимиздан ажрадик. Хайрли йўлга отланганга худо ёр дейдилар. Ҳамма нарсамдан айрилдик. Саҳрода ташналиқдан ҳолдан тойдим. Аммо мана бу икки идиш обизамзани оқизмай-томизмай етказиб келдим.

Ёкутой гапга аралашди.

— Ҳа, айланайлар, олишни билган худойим беришни ҳам билади. Махсумжон ҳаж қилсинлар, деб бор-йўғимни сарф қилдим. Марваридимни сотдим, тилла тақинчоқларимни сотиб белларига чатиб қўйдим. Ҳаммаси қароқчиларга буюрипти. Мана, худойимдан ўргилай, — у иккита канистрга ишора қилди, — обизамзам шу харжларимизни бемалол кўтариб кетади.

Ўттиз чоғли одам пиёла кўтариб Махсум томон кела бошлади. Махсум пиёлаларга бир хўпламдан қўйиб берар, улар ажиб бир ихлос билан уни хўплашарди. Бирпасда сўри устидаги дастурхон пулга тўлиб кетди.

Шу кунни кечгача, эртаси ҳам, индини ҳам, хулласи, ўн кунгача бу уй остонасидан одам узилмади. Бир кунда иккала канистр ҳам бўшаб қолар, кечаси Ёкутой уларни яна водопровод суви билан тўлдириб қўярди.

Обизамзамнинг дарагини топган Абай бозор томонлардан ҳам ихлосандлар ёпирилиб кела бошладилар. Йўқолган пуллар қайтиб келди. Тушган пуллардан етти юзини қарзни узиш учун масжидга топширди. Қавмларнинг илтимоси билан Сирож Махсум ҳожи Модархон тўрамнинг қабрларига сағана тиклаш ҳаракатига тушди. Сирож Махсум бир иш қилса сопини ўзидан чиқармай қўймасди. Сағана тиклаш ҳам қавмларнинг бўйнига тушди. Бир ихлосанд икки минг фишт тушириб кетди. Бир ихлосанд, каттароқ ишда ишласа керак, кечаси эл ухлаганда йиғирма қоп семон ташлаб кетибди. Усталар ҳам қавмлардан чиқди. Лекин улар энди иш бошлайман, деб туришганда водаканалдан одам келиб ишнинг белига тепди.

— Бу ердан канализация ўтади, эртага экскаватор иш бошлайди, бекорга уринманглар, — деди.

Шу гап рост экан. Айтганидек икки экскаватор икки томондан ер қовлашга тушиб кетди. Қавмлар нафасларини ичларига ютиб мозорга экскаватор қовши тушишини ҳаяжон билан кутишарди. Аксига олиб бу жойни қазишга шундоқ азамат экскаваторнинг қурби етмасди. Ҳар гал тишини ботириб юқорига торганди қалдираб мотори даҳшатли гуриллардию бир кафтгина тупроқни узиб чиқолмасди. Диндорлар фарёд уриб юборишди. Модархон пирум бу девсифат машинанинг пўлат чангаллини итариб ташлаяптилар, деб хўнг-хўнг йиғлашарди.

— Ҳой бола, — деди Сирож Махсум. — Бу шахтингдан қайт. Ё кўр, ё шал бўлиб қолма тагин. Азиз жойни вайрон қилма. Кўряпсан-ку, нималар бўляпти.

Экскаваторчи бола ҳам қайсаргина экан. Нариги экскаваторни ҳам чақирди. Энди икки экскаватор қабр тагига икки томондан қовш солишди. Иккови бир кучанганда қовшлар аллақандай бир нарсани тупроқ аралаш тортиб чиқа бошлади. Бу нарса то юқорига кўтарилгунча тупроқлар шувиллаб тўкилди-ю занглаган каттакон «ЧТЗ» трактори ҳавода муаллақ лапанглаб туриб қолди. Ҳамма ҳайрон. Узи нима гап? Мозорда трактор нима қилади?

Экскаваторчи бола одамлар кўриб, яхшилаб томоша қилсин деб моторни ўчирди. Трактор ҳавода лапангланганча қолди. Шунда у бор овозини ишга солиб қичқирди:

— Бу ерда Модархон отам ётибдилар десам, Моторхон отам ётган эканлар-ку!

Кўзларида ёш билан фарёд уриб турган диндорлар ханг-манг бўлиб оғзиларини очганларича туриб қолишди. Сирож Махсум ҳожи аллақеъқақ жуфтакни ростлаб қолган эди.

Эртаси саҳарлаб Сирож Махсум ҳожи икки грузовойни кира қилиб, тўртта мардикор билан фишларни, қоп-қоп семонларни уйига ташиб олди. Юзи шувит бўлганидан бирон ой масжидга чиқмай қўйди.

Раҳматулло бўлса ўтирган ўрнини ҳўл қилиб унинг жонига теғди. Кўнига уч-тўрт мартадан туван тўкади. Раҳматуллони уйда қолдириб, устидан қўлғаб, хотинига передача ташийди. Нашалардан хабар олгани Жингонтёпага елдек бориб, елдек қайтиб келади. Уйда қозон қайнатадиган одам йўқ. Раҳматулло умрида қозон яқинига бормаган. Ундан ташқари, бу телбага гугуртни ишониб бўладими? Махсум аранг бир марта чой дамлайди. Қори бола кўнига уч мартадан перожка еб, кекириб тураверади.

Ўқутойнинг тергови чўзилиб кетди. Бу орада милициядан одам келиб уйни тинтиб ҳеч нарса тополмади.

Нашалар етилиб ўримга кириб қолганди. Шў ишлар билан бўлиб Махсум Ўқутойдан хабар ололмай қолди.

Нашага кўтара оладиган харидор топиш қийин эди. Уни майдалаб пулламаса қайси бир нашаванднинг яхлит пули бор дейсиз. Бошқа юртларга бориб пулласа бўларди, аммо уйни, телба қорини ташлаб қаёққа боради? Кечаси билан резина қўлқоп кийиб наша уруғини ийлаб данакдек-данақдек зувалачалар ясаб, қоғозга ўрайди. Бу ишларни саранжом қилиб бўлган Махсум Жингонтёпани ташлаб кетган нашавандларни суриштиради. Сўраб-суриштириб охири топади.

Кайковус анҳорининг этағида кулларнинг тўртта хумдонни бўларди. Атрофида аҳоли яшамасди. Ўнқир-чўнқир жой бўлгани учун бирон одам иморат қилмаган. Атроф чакалак. Куллар лой қорғандан кейин шундоққина ёнгинасида оқиб ўтадиган Кайковусда чўмилиб оларди. Бу жимжит гўша ҳам нотинч бўлиб қолди. Ҳайдаров деган министрға дача қуриш учун шў жойни танлашпти. Зудлик билан кулларни кўчириб, экскаватор билан ерни текислашди. Битта хумдон четрокда бўлгани учун мунгайиб қолди. Дачага фундамент қўйилди. Икки-уч машина пишиқ ёшт тўкилдию фундамент фундаментлигича, ёшт ёштлигича қолиб кетаверди. Ҳайдаров қамалибди, деган гап чиқдию бу жимжит маскан бомба тушгандай вайроналигича қолди. Жингонтёпадан қочган нашавандлар четдаги хилват хумдонни эгаллаб олишди.

Атроф жимжит. Сув шалоплаб оқиб турипти. Бу хилватдан бурқсиган наша ҳидини сезадиган бирон хонадон йўқ.

Сирож Махсум тиззасигача тупроққа ботиб, ўнқир-чўнқирлардан ҳатлаб ўтиб хумдон томонга бурилганда кўзи кўм-кўк экинзорга тушди. Бир одам кетмон билан экинга сув тараб юрарди. Махсум унга яқинлашиб салом берди.

Тахминан икки сотихча ерга болгар қалампири экилган экан. Сирож Махсум бир экинларга, бир деҳқонга қараб раҳми келди. Э, нодон, эсинг бўлса қалампир экармидинг. Ҳозир бозорда нима арзон, болгар қалампери арзон. Жами ҳосилингни бозорга солганингда ҳам саксон сўмдан ортиқ даромад қилолмайсан, деб дилидан ўтказиб қўйди. Бу ерга сув чиқаришнинг қийинлигини айтмайсизми?

Махсум ўзини билмаганга солди. Ҳавони ҳидлаб ўсмоқчилаб сўради.

— Зап жой эканми? Наша ҳиди келаётганга ўхшайди-я!

Деҳқон хумдон томонга ишора қилди.

— Ҳў, ўша ерда нашавандлар базм қилишяпти.

Махсум, ҳосилга барака, дедию хумдон томонга қараб кетди. Борса ҳамма эски танишлари. Бири ётиб, бири тик туриб, бири ёнбослаб ўй сурапти. Бири ўзидан ўзи ҳиринглаб кулади. Бири учмоқчи бўлган қушга ўхшаб икки қўлини кенг ёзиб, қанотга ўхшаб силкитади.

Ташқарида қумғон қайнатаётган чол ўрнидан туриб, уни, келинг, махсумчахон, дея қаршилади.

Шў кўни улфатлар уй-уйига тарқаладиган пайтгача Махсум кутиб ўтирди. Чунки ҳаммасининг ҳам кайфи кенга томон тарқаб эси жойига кела бошлаган эди.

Қумғон қайнатаётган чол нашанинг камайиб кетганидан нолиди.

— Шў дейман, ҳукумат попирис ўрнига наша чиқазса бўлмайдимми? Ўзига ҳам, фуқарога ҳам фойда. Бир кунлик наша қолди. Эртага халта қоқ бўлади. Ундан кейин манаву мусичайи паррихталарга нашани қайдан топаман. Бошим қотган, ошман.

Махсумга жон кирди.

— Э, биродар. Ҳозир бир чеким наша отлиққа ҳам йўқ, биз пиёдаларга қайдан бўларди. Аммо бир ошман бор, унча-мунча нашага айланишарди. Уни суриштириб топиб келаман. Сиз унақа диққат бўлмаг. Умуман, мен бировларнинг ҳожатини чиқаришни савоб иш деб биламан. Эртагаёқ топиб келаман.

У эрталаб бир халта нашани ичидан боғлаб хумдонга йўл олди. Яна ўша деҳқонга дуч келди. Деҳқон бир қоп болгар қалампирини орқалаб келаётган эди.

— Ҳа, йўл бўлсин, деҳқон бобо, — деди Сирож Махсум.

— Шў нарсани сотиб, бир рўзгорга харжлаб келай.

— Бозорингизнинг ривожини берсин, — деб унинг орқасидан қараб қолди Махсум.

Кечаги чол хумдон остонасида ҳақ деб уни кутиб ўтирган экан.

— Э, келдингизми? Шў десангиз учтасига дори етмай мени жуда гаранг қилиб юборди. Қани, олинг.

Сирож Махсум халтани унга тутқазди. Чол халтани салмоқлаб кўриб «етмиш сўмлик матоҳ» деди.

— Йўғ-э, отахон. Юздан камига кўнмайман. Биламан, сиз буни майдалаб юз элликка урасиз. Чол айёрона илжайиб:

— Кўпни кўрган одамсан-да. Майли, сен айтганинг ҳам, мен айтганим ҳам бўлмасин. Тўқсон сўм. Бўлди, энди совдалашма, — деб ичкарига кириб кетди. Бироздан кейин у кир ҳамёнидан эзилиб, ҳилвираб кетган бир сўмлик, уч сўмликларни тиззасига тўкиб санашга тушди. Ҳисоб тўқсонга етгандан кейин Махсумга узатди.

— Ўзинг ҳам бир санаб кўр. Ердан топсанг ҳам санаб ол, дейдилар.

Махсум санамай чўнтағига солди. Чунки у пулни қалин-юпқалигига қараб аниқ биларди. Бир вақтлар у гаров ўйнаб чанғалидаги пулнинг қанчалигини аниқ айтиб ютиб чиққан эди.

Чол унинг олдига кир дастурхон ёзиб суви қочган иккита кулча қўйди. Махсумнинг бу ирkit чолнинг қўли теккан қонни ейиш нияти йўқ эди. Чол узатган пиёладан ижирғаниб аранг битта хўплади.

— Бу опкелганнинг икки кунга ҳам етмайди. Кунора олиб келавер.

Махсумнинг бу жимжит жойдан ҳеч кетгиси келмасди. Чол билан то тушгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Қориночар пайт бўлгандан кейингина ўрнидан турди. Қайтишда яна бояғи деҳқонга йўлиқди. Энди у қора бир эшакка халачўп уриб келарди.

— Э, қуллуқ бўлсин. Жуда зўр-ку! — деди Махсум уни масҳара қилгандек.

— Бозор чаққон бўлиб кетди. Ярим соатда бир қоп болгарскийни сотиб бўлдим. Пулига манаву жонворни харид қилиб миниб келяпман.

— Ия, урғочи-ку! — деди Махсум.

— Менга эркакми, урғочими, фарқи йўқ. Устига миндирса, юк ортсанг кўтарса бас. Битта жигулини хизматини қилади, жонивор.

Чолнинг илтимосига кўра Махсум орадан уч кун ўтказиб яна бир халта наша билан хумдон томонга йўл олди. Келдию донг қотиб қолди. Ўттизга яқин эшак деҳқоннинг поллизини пайҳон қилиб у ёқдан-бу ёққа югурар, тинмай бири олиб бири қўйиб ханграб эди. Деҳқон қўлида калтак билан уларни тиркиратиб қувлаб юрарди. Махсум ҳайрон бўлиб хумдон олдига келди. Ўттизга яқин нашаванд бири минғирлаб, бири овозининг борича бақириб деҳқонни ҳам, эшакни ҳам қарғарди. Махсум чолга қаради.

— Нима гап, тинчликми, отахон?

— Э, болам. Тинчимиз бузилди. Шу вайронани ҳам худо бизга кўп кўрди.

Махсум ҳайрон бўлиб яна сўради:

— Узи ним гап?

— Э, болам, тинчгина кайф суриб ўтирган эдик. Анаву ярамас аллақайдан моча эшак топиб келдию тинчимизни бузди. Бу мочағарнинг ҳидини сезган бир томони Чиғатой, бир томони Ачавот, бир томони Аллон эшаклари арқонини узиб келаверди, келаверди. Икки кундан бери ханграб шунча пуллик нашанинг кайфини бир тийин қилди. Кўчиб кетмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Бу нокас деҳқон бирам қайсар, бирам қайсарки, эшагининг пулини тўлаймиз, йўқот уни, десак қани кўнса.

Махсумнинг кўзи олдида ўттиз чоқли нашаванд жулдир кўрпачаларини қўлтиқлаб узун-қисқа бўлиб йўлга тушишди.

Махсумнинг бозори яна касод бўладиганга ўхшаб қолди. Чол унинг жонига оро кирди:

— Адресинг ўша-ўшамми? Бирон жойга макон тиксак, ўзим сени сўроқлаб топиб оламан. Бегона мижоз қидириб юрма. Ўзим харидор топиб пуллаб бераман.

Чол айтганини қилди. Орадан беш кун ўтиб биратўла етти юз сўмлик наша харид қилиб кетди...

Ёқутой қамалганидан бери уйнинг мўрисида тугун чиққани йўқ. Махсум эрта билан намозга чиқиб, қайтишида бозор бошидаги чойхонада бир коса қаймоқни иссиқ нон билан тушириб олади. Раҳматулло қорига эса бир елим халтани тўлдириб пирожки олиб келади. Раҳматулло овқатнинг яхши-ёмонини билмасди. Чайнашга яраса, ютишга яраса, бўлди. Уёғи билан иши йўқ. Эрталаб бешта, тушликда бешта, кечқурунга бешта пирожкини пок-покиза тушириб оларди. Яна тун ярмида иккитагинасини еб олса онасини тўйиб эмган гўдакдек миқ-миқ ухлайверарди.

Раҳматулло шимини тиззасига тушириб гаршоқда ўтирганча пирожки ковшарди. Кўча эшиги тарақлаб очилиб қўшнинг боласи ҳаллослаб кириб келди. Чўчиб кетган Сирож Махсум ёқасини кўтариб кўксига туфлади.

— Махсум почча, тез юринг, телевизорда пошшойимни кўрсатяпти.

Бола шундай дедю қандай ҳовлиқиб кирган бўлса ўшандай шитоб билан орқасига қайтди.

Сирож Махсум қавшини оёқ учига илганча сакраб-сакраб эшикка етгунча кийиб олди.

У қўшни ҳовлига кирганда бир айвон одам телевизорга тикилиб «Инсон ва Қонун»ни кўриб ўтиришарди. Рангли экранда бир милиция полковниги Ёқутойни тергов қиларди. Унинг ёнидаги столда кўкнори солинган халта. Ҳар бири муштдек-муштдек келадиган олти зувала наша.

Кўрсатув охирлаб қолган экан. Ёқутой мунғайиб ўтирипти. Терговчи сўнгги гапларини айтарди:

— ...мана шундай бир тўда чайқовчилар инсон саломатлигини емирувчи, инсон боласини одамликдан ҳайвон шаклига айлантирувчи оғу бўлмиш кўкнори, наша каби...

Шу пайт кўчадан самосвал ўтиб экран бети вижир-вижир нурили чиқиқларга тўлди. Самосвал узоқлашиб кетгандан кейингина экран бети тиниқлашди. Терговчи гапини давом эттирарди:

— ...бундай шахслар қонун олдида жавоб берадилар. Уларга мутлақо шафқат йўқ. Манаву чайқовчи эса бугун-эрта одил суд олдида жавоб беради. Тергов тугади. Иш судга оширилди. Унинг Жингонтёпага эккан кўкнор ва нашалари ҳам, савдога олиб чиққани ҳам куйдириб ташланди.

Экранда Раҳматуллонинг хотини «келин»нинг суврати пайдо бўлди.

— Ҳурматли телетомошабин ўртоқлар. Милиция органлари суратдаги аёлни қидирмоқда. Луиза, Жонон, Балдоқхон, Жанна, Атласхон, Келинчак, Сувсархон, Лаъли-бадахшон лақабли бу аёл товламачилик билан шуғулланиб келган. Қалбаки никоҳ йўли билан эрга тегиб «келин» бўлиб тушган бир неча хонадонлардан мол-мулкларни ўғирлаб қочган. Унинг ўнг билагида «Тўйлар муборак» деган ёзув бор. Узи ўрта буй, икки қоши бир-бирига туташ. Кўккўз, томоғининг тагида данакдек тиртиғи бор. Гапирганда «с» ҳарфини босиб айтади. Оғзидаги қоплама тишларини тез-тез алмаштириб туради. Битта қопламада иккита тилла, битта қопламада тўртта кумуш тиши бор. Уни кўрган, билган ёки бирон жойда учратиб қолганлар яқин ўртадаги милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.

Ана шундан кейин экран лип этиб ўчиб, яна ёнди. Ёши ўтинқираб қолган диқтор аёл: хонадонларда тўпланиб қолган гўнглари далага олиб чиқиш ҳамда жўякларга оқизиладиган шарбатларни қандай тайёрлаш тўғрисидаги кўрсатувни эълон қилди.

Сирож Махсум қўшнилар олдида ер ёрилмадию ерга кириб кетмади. Қандай қилиб уйга қайтиб чиққанини билмайди. Сўрига ўтириб бошини икки панжасига олиб қанча ўтирди, буни ҳам билмайди. Бир маҳал бош кўтариб қараса Раҳматулло ҳали ҳам гаршоқда ўтирганча пирожки қавшаяпти.

Хар қандай расво одамнинг ҳам юрагида одамгарчилик ғалаба қилиб қоладиган пайтлар бўлади. Шу топда Сирож Махсум Раҳматуллога қараб кўнгли алланечук бўлиб кетди.

Бу мусичайи паррихтада нима айб? Ота-онаси, бувиси, қолаверса менинг ўзим ҳам не кўйларга солдик. Пул дардида етаклаб борманган жойимиз қолмади. У-ку, девона, ҳеч нарсага ақли етмайди. Қаёққа етакланган бузоқдек кетаверади. Утиришини қаранг! Қўйиб берса шу ўтиришда ҳафталаб ўтиравериши мумкин.

Унга раҳми келган Махсум салфетка қоғозни ғижимлаб тепасига борди. Билагидан ушлаб энгаштириб артиб-суртди. Раҳматулло шу аснода, кўрсатган кунингга, етказган неъматингга шукр, деб шмининг тугмаларини қадай бошлади. Махсум унга термосдан чой қўйиб берди. У, «оби раҳматингга ҳазори бор шукр» деб чойни симирди.

Сирож Махсум шу кеча илон чаққандек тўлғаниб чиқди. Хаёли минг бир кўчага кириб чиқди. Энди нима қилсин? Шу оиллага қўшилиб сира иши юришмади. Жонини ҳовучлаб, не-не балоларга чап бериб пул топди. Топдию олдириди. Мўмайгина топганини лўлиларга олдириди. Яна ер тимдалаб пул топди. Бунисини келин ўмариб кетди. Нашадан тушган тўрт-беш тангаси бор пайтида, Махсум, эсинг борида этагингни ёп, деб Раҳматуллони жиннихонага топшириб кетворсинми? Ёқутой қамочдан чиқса топиб олар. Е бўлмаса Қўқонга обориб ота-онасига топширсинми?

Хар қандай қийинчиликка тушиб қолганда ҳам ўйлаб-ўйлаб, ўйига етадиган Махсум бу гал ўйига етолмай, халта кўчага кириб қолганди.

У азбаройи диққат бўлганидан биронта эски жазманлардан топиб ишрат қилсам зора дилим ёзилса, деган хаёл билан Раҳматуллони устидан қўлқлаб кўчага кетди. Чамаси икки соатлардан кейин бир ойдеккина жувонни бошлаб келди. Бу пайт Раҳматулло қори белкуракни от қилиб миниб ҳовлида айланиб юрарди. Ким келди, деб қайрилиб қарамади ҳам.

Сирож Махсум курак минган «чавандоз»ни этагидан тортиб тўхтатди.

— Қорижон, тўхтанг. Отингизга бироз дам беринг. Манаву опойни яхшилаб бир ўқиб кўясиз. Эрталаб тонготар пайтида яна бир ўқийсиз. Хўпми? Перашкани еб олдингизми, бўтам?

Раҳматуллога анчадан бери мижозлар келмай қўйган, шунинг учун ҳам қироатни соғиниб дарактми, замбарми, газ балоними — олдига бориб тиз чўкиб тиловат қиларди.

— Қани, Қорижон, саллани ўраб, чопонни кийиб чиқинг.

Раҳматулло зинғиллаганча уйга кириб кетдию ҳаялламай дўппига елимлаб ёпиштирилган саллани бошига қўндириб, олабайроқ тўнининг бир енгини кийиб, бир енгини киймай чиқди. Сирож Махсумнинг кўрсатмаса билан жувон сўрига тўшалган кўрпачага ёнбошлади. Раҳматулло табу-реткани сўри яқинига суриб ўтирди. Раҳматуллодан қўланса бир ҳид бурқсиб жувоннинг кўнглини беҳузур қилди. Раҳматулло бувиси қамалгандан буён чўмилмаган. Уни доимо бувиси чўмилтирарди. Махсум, иллимни хор қилиб шу исқиртни чўмилтираманми, деб уни ўз ҳолига ташлаб қўйган эди.

— Қорижон, бу кишига фарзандталаблар дуосини ўқинг. Ихлос билан ўқинг. Бўйларида бўлиб қолса то қиёматгача сизни дуо қиладилар.

Раҳматулло қироат билан дуо ўқигунча Сирож Махсум газ плитага бир челақ сув қўйиб келди. Жувон Раҳматуллодан келаётган ҳидга икки-уч марта куруқ ўқчиди.

— Мана — деди Сирож Махсум. — Дуойингиз ижобат бўлди. Опой бошқоронғу бўлганларидан ўқияптилар. Нафасингиздан ўргилай, Қорижон. — У жувонга юзланди, — фарзанд муборак, синглим.

Жувон, қуллуқ-қуллуқ, деб икки қўлини кўксига босди.

Аслида бу жувоннинг бешта боласи бўлиб туғавериб зерикиб кетгандан докторларга қатнаб туғмайдиган бўлиб олган эди.

— Энди, мундоқ қилайлик, Қорижон. Сиз кириб ётинг. Бу опойга ичкарига жой қилиб берай. Менинг қиладиган ишларим кўп.

Махсум шундай деярлик қоғозга ўроғлик иккита пирожкини унга узатди.

— Еб ётинг. Ётиб таом еган кишининг оғзини фаришталар ялайди. Бунни ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку, Қорижон.

Раҳматулло, биламиз, дегандек бош ирғаб ичкарига кириб кетди.

Махсум билан жувон икковлари ҳиринглашиб уйга кириб кетишди. Чироқ ўчди. Айвондаги газ плитага қўйилган челақдаги сувдан аста ҳовур кўтариларди.

Махсум кечаси икки марта чопон ёпиниб ташқарига чиқиб, кириб кетди.

Хар кунги одатига кўра Махсум тонг отар-отмас уйғонди. Ҳовлини бир айланиб Раҳматуллодан хабар олди. Қори пиш-пиш ухлаяпти. Жувон ҳам уйғониб кетиб дераза олдида соч тараётган эди, кўча эшиги орқасида машина ғийқиллаб тормоз бериб тўхтади. Ғовур-ғувур товушлар эшитила бошлади. Махсумнинг кўнгли бир нарсани сезиб, сўридаги кўрпачани айвонга тўшаб юқори томонга ёстуқ ташлади. Жувонни судрагандек қилиб обориб ётқишиб қўйди. Эшик тақиллаётганда у Раҳматуллони уйку аралаш етаклаб айвондаги гаршокка ўтқазди.

— Қани, айланай, Қорижон, эрталабки дуони ўқинг.

Раҳматулло гаршокка ўрнашиб ўтириб олгач, қироат билан дуо ўқишга тушди. Ҳали уйкуси обдан қочмаганидан адашиб кетар, гоҳ минғирлаб, гоҳ қичқириб қироат қиларди.

Махсум, ҳозер, деб эшик зулфинини туширди. Қаршисида Нукраой билан Асадулло турарди. Махсум шошиб кўришдию чамадонни кўтариб ичкарига бошлади.

Нукраой айвонда ётган жувонни кўриб тўхтаб қолди. Махсумга шубҳали назар ташлади. Махсум унинг қулоғига яқин келиб, бемор, бемор, деди.

Раҳматулло қироатга шунчалик берилиб кетган эдики, ким келди деб ўгирилиб қарамади ҳам. Нукраойнинг этига эт қўшилиб гумбаздекина хотин бўпти. Кўкраклари сўлқиллаб сонлари йўғон тортибди. Махсум тамшаниб унга бошдан-оёқ қараб қўйди.

Аммо Асадулла адоий тамом бўпти. Худди тузланмай қуритилган ғўштининг ўзгинаси. Ундан оғир юк тортиб терлаган от ҳиди келарди. Соцлари тўкилиб янгитдан худди ғурракнинг қўлтиғидаги патига ўйшаган сочнамо бир нима чиқаётгандек. Бутун вужудида бирдан бир юмшоқ жойи икки кўзи тагида ҳосил бўлган халта. Ичига сув йиғилиб қолганидан қимирласа лиқиллаб кетади.

Махсум айвонга чиқиб Раҳматуллонинг елкасига аста қўл ташлади.

— Бўлди, етар, Қорижон. Дадангиз билан аянгиз келдилар. Бориб кўришинг. — У шундай деб жувонга қаради. — Синглим, энди бир ҳафтадан кейин келинг. Шу вақт ичида нордон нарса егингиз келади. Биз бунга қафилмиз. Уч кунгача юк кўтарманг. Музлатилган гўшт еманг. Тонготар маҳали хўроз қичқирган томонга қараб салом беринг. Илло-билло телевизорга қараб эснаманг. Мана шу айтганларимни қилсангиз, соғлом, чиройли, ақлли ўғил бола туғасиз. Энди сизга жавоб.

Жувон Махсумнинг гапларини аранг эшитди. Қулиб юборишига оз қолди. Дастрўмолини оғзига босиб кулгисини қайтариб турди.

У кетгандан кейин Нуқраой ўзини сўрига отиб, хўнграб йиғлаб юборди.

— Вой сиз қанақа эркаксиз! Мусичадек беозор онагинам қамоқда ётсалару сиз бу ерда таралла-бедод қилиб ўтирсангиз. Бунга қандоқ чидайман. Уртага одам бўлиб тешигини топиб пул тикмайсизми? Қанақа ношуд эркаксиз. — Нуқраой шундай деб туриб атрофга аланглади. — Келин қани? Келингинамни бир кўрай! Ойим бечора келинчакни қирқ кокил қилиб тўй-хашамларга обориб юрсалар бўлмасмиди. Уйғотинг келинпошшани!

Махсумнинг дами ичига тушиб кетди. Асадулло ҳам гинахонликка ўтди.

— Агар телевизор кўрсатмаганда ойимни шунақа бўлганларини мутлақо билмас эканмиз. Ахир шундоқ-шундоқ бўлди; деб тўрт энликкина хат ёзиб юборсанглар бўлмасмиди?

Нуқраой кўзида ёш билан чамадон очиб келинга олиб келган кўрманга сарполарни оларкан, чақиринг, чақиринг деди.

Махсум кафтига йўталиб бироз чайналиб турди-да, журъатсизлик билан бор гапни айтиб қўяқолди:

— Кеча телевизорни кўрган бўлсанглар, мелиса битта сувратни ҳам кўрсатди-я! Уша товламачи келинимиз эди. Ёқутой қамалгандан уч кун ўтиб ўша ярамас уйимизни шип-шийдон қилиб кетган. На отини биламиз, на насли насабини. Қаерда туришини ҳам айтмаганди. Доғда қолиб ўтирибмиз.

Раҳматулло ҳамон гаршокда ўтирар, бўлаётган гапларга парво ҳам қилмас эди. Бир маҳал у:

— Бўлдем! — деб қичқирди.

Махсум Нуқраойга қаради.

— Мен чарчадим. Сиз онасисиз, энди ўзингиз қаранг.

Нуқраой унинг тепасига келган эди, оёқларини тапиллатиб ерга уриб, бувам келсин, деб тихрилик қилди. Махсум ноилж уни турғизиб нима иш қилиниши керак бўлса барини бажариб гаршокни кўтарганча ҳовли этагига қараб кетди. Қайтиб келиб кўрларини водапровод кранида юваркан, сув томиб турган бармоғини кекиртагига теккизиб, жоним мана шу еримга келди, мен жиннихонанинг галаврачи эмасман, энди боланглар ҳам, ҳовлинглар ҳам ўзларингга буюрсин, деди. Кейин битта тугунни кўлтиклаб, чопонини елкасига ташлаганча кўчага чиқди-кетди.

Эр-хотин унинг орқасидан серрайганча қараб қолишди. Раҳматулло эса белкуракни от қилиб миниб у ёқдан-бу ёққа чу-чулаб югура бошлади...

Орадан тўрт кун ўтиб Нуқраой онаси билан юз кўришишга рухсат олди. Раҳматуллони ювиб-тараб, Қўқондан олиб келган сарполарни кийдириб олиб борди. Асадулло кўчага чиқолмасди. Ҳали ҳам қидиришаётган бўлса керак, деган гумон билан уйда қолди.

Куз келган. Эрталаб чиннидек супурилган йўлкалар яна сап-сарик барглар билан қопланган. Хазон резги пайт... Айтганча, руҳий касалларнинг дарди қўзғайдиган тўрт фасл бор дейишади. Тол човқар, тош қизғи, хазон резги ва қиш чилласи.

Раҳматулло қори учун мана шу тўрт фасл ниҳоятда оғир кўчарди. Чирт этиб барг узилиб тушдию Раҳматуллонинг ичида аллақандай ғалаён бошланди. У ҳар куни, хотинини топиб бер, деб хархаша қиларди. Тинчиб қолди. Бувимни топиб берасан, деб эшикларни тепарди. Бу ҳам эсидан чиқди. Энди унинг калласида бошқа савдо. Раҳматулло қори учишни машқ қила бошлаганди. Аввал супадан сакради. Кейин қулочини ёзиб деразадан сакраб қорни билан ариққа шалоплаб тушди. Сирож Махсум, бу бола бирон фалокат бошламасин, деб ошхонанинг томига тираб қўйилган нарвонни қўшнисиникига олчиқиб қўйганди.

Тол човқарда ҳам Раҳматулло си тушмагур кўп ғалати қилиқлар қилган эди. Мен Сулаймон пайғамбарман, деб ҳовлига тушган мусичалар билан, тандир ичида бола очиб ётган мушук билан, қўшнининг девор ошиб тушган товўқлари билан гаплашарди.

Айниқса тош қизғида бўлса, яқинда туғаман, деб чақалоққа латта қийқимларидан қўйлакчалар тикмоқчи бўлиб неча марта қўлига игна санчиб олди.

Мана, ҳозир у Нуқраой билан йўлкадаги сап-сарик хазонларни шитир-шитир босиб бувисини кўргани кетяпти. Хазон ҳиди таъсир қилдими ё бироннима эсига келиб қолдими, отга ўхшаб бир кишнадио ё Али, ё Соҳибқирон, деб қичқирди. Нуқраой кўрқиб кетди.

— Болам, сенга нима бўлди? — деди унинг бошини силаб.

— Ҳозир тилпонда Муҳаммад пайғамбар билан гаплашдим. Саййидимиз айтдиларки, бу йил тухумнинг нархи тушиб, тариқнинг нархи кўтарилди. Муҳаммад алайхивассал яна шундоқ дедиларки, Довуд пайғамбарим ҳозир кийим-бошини ўзгартириб алайский бозорида қоғоз пакет сотиб юрибди. У кишига айт, мен тайинлаган жинси шимнинг кераклик размерини топдимикан. Мабод топган бўлса, почта орқали тезда жўнатсин.

Нуқраойни ғам босди. Бола энди айниятти. Унинг кўзлари бежо. Қўқонда қўшнисининг ўғли шунақа дардга чалинган эди, қўйдек ювош бўлиб юрарди. Онаси бозор қилиб қайтиб келса ўғли синглисини сўйиб қўйиб тепасида ашула айтиб ўтирганмиш.

Нуқраойни ташвиш босди. Бу бола ҳам бирон фалокатни бошлаб қўймасин, докторларга кўрсатиб даволатиш керакмикан? Майли, бугун бувисини бир кўрсатай-да, докторга кўрсатиш тадоригини кўрай, деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

Раҳматулло барибир бувисини танимади. Бағрига босиб тарбия қилган, емай едирган бувисини, гоҳ биби Марям, гоҳ биби Фотима, деб унинг этакларини кўзига суртарди.

Қамоқхонанинг зах учрашув хонасидан чиқишгач, димоғига яна хазон ҳиди кириб Раҳматулло жазавога тушди. Ким кўринса, Сирож Махсумнинг жанозаси қачон деб суриштира бошлади.

Бир «жигули»ни юк машинаси уриб кетган экан, милиция текин томошага йиғилганларни тарқатишга уринарди. Раҳматулло онасининг қўлидан юлқиниб чиқдио пачоқ машина олдига келиб

асфальтга тиз чўкканича тиловат қила бошлади. Ҳамма ҳайрон, биров кулади, биров бу бола артист бўлса керак, деб ўйлайди. Раҳматулло тиловатни тугатиб «Ушбуни шу ердан ўтган унинг ота-оналарига, авлод-аждодларига бағишладим» деб аста этагини қоқиб ўрнидан турди.

Нима бўлса ҳам она эмасми, юраклари пора-пора бўлиб кетди. Энди бу болага ундан бошқа меҳрибон йўқ. Отаси-ку бир шиша арақ учун бола-чақадан ҳам кечиб кетади.

Бугун роппа-роса беш кун бўлди Сирож Махсумнинг кетганига. Нуқраой жаҳл устида шундай қилди, келиб қолар, деб тик этса кўчага қараб кутди, барибир келмади. Кетиши астойдил эканига энди ишониб ўтирибди. Бу орада Раҳматулло жуда-жуда қийнаб юборди. Ун еттидан ошган кап-катта йигитни ечинтириб-қийинтириш осонми? Ҳожати-ку, ҳали ҳам тувакда. Угай бўлса ҳам даданг бўлсин экан. Сирож Махсум уни эплаб-сеплаб турган экан. Асадуллони у дада демайди. Нимасидир унга ёқмай ёнига йўлатмай қўйди. Унга кўзи тушди дегунча жини кўзгаб ҳамла қилишга чоғланади.

Нуқраой жуда-жуда сиқилиб кетди. Раҳматуллони бирон ҳожат билан кўчага чиқариб бўлмаса, Асадулло кўча у ёқда турсин, ҳатто ҳовлига чиққани ҳам жўнмайди. Назарида ҳали ҳам милиция қидириб юргандек. Кўча иши ҳам, уй иши ҳам Нуқраойнинг ўзига қолган. Унинг устига ота-бола бир-бирига ёвқараш қилади. Раҳматулло дадасини бир оғизгина «жинни» деганига дўппослаб, оғзи-бурнини қоп-қора қон қилди.

Нуқраой бугун эрталаб ўғлининг тўшагини янгилаётганда ёстуғи тагидан болта топиб олдию дунё кўзига зимистон бўлиб кетди.

Бундан беш кун олдин Нуқраой Қўқондан келганда серпардоз, лўмбиллаган ойдек жувон эди. Шу беш кун ичида юз-кўзлари пардоз кўрмаганиданми, ё манаву кўргиликларданми анча ўзини олдириб, сўлиб қолди. Кўзга яқин бўламан деган аёл ўзига қараши керак. Нуқраойнинг бунақа ишларга қўли тегмасди.

Раҳматулло Нуқраойни онам демасди. Уни мутлақо бегона аёл деб биларди. Бир хунук воқеа бўлдию Нуқраой қатъий қарорга келди.

У кечкурун Раҳматуллога ўрин солиб бериш учун ичкарига кирганда боласиннинг кўзлари бежо эди. Модасига эргашган эркак мусичага ўхшаб бўйинини чўзиб бошини гоҳ олдинга, гоҳ орқасига силтаб гур-гур қилиб у ёқдан-бу ёққа юрарди. Нуқраой, бу девона нимани билади, деган ўй билан ичкўйлақда кирганди. Энгашиб энди ёстўқни тўғрилайман деганда Раҳматулло унга даф қилиб қолди. Билагидан ушлаб бир силтаганда Нуқраой унинг бағрига келиб тушди. Юзларидан, кўкракларидан чўлп-чўлп ўпа бошлади. Нуқраой додлаб унинг чангалидан қутилмоқчи бўлар, боланинг темир панжалари монъелик қиларди. Асадулла югуриб кирди. Қўлидаги сўйил билан Раҳматуллонинг гарданига бор кучи билан бир туширган эди, вой-войлаб йиқилди.

Нуқраойнинг додлаганини эшитган қўшнилари югуриб чиқишди. Асадулло ўтинхонага бекиниб олган; Раҳматулло ичкарида бўрига ўхшаб увларди.

Кимдир телефон қилган шекилли, сал ўтмай сирена бериб «Тез ёрдам» етиб келди. Икки азамат санитар йигит Раҳматуллони уйдан судраб опчиқиб кетишди. Скорий врач кетар олдида Нуқраойга, вокзал орқасидаги касалхонадан хабар олинлар, деб тайинлади.

Нуқраой катта ҳовлида бир ўзи қолди. Она қамоқда, ўғил хастахонанинг жазавога тушганлар бўлмасида. Угай ота сиганларга қўшилиб поездларда қимор ўйнаб юрипти. Эр золим отанинг қизидек остона ҳатламай уйда қамалиб ўтирипти.

Толган-тутгани қўлидан учиб кетган, рўзғори ҳам, хонадон соҳиблари ҳам пароканда бўлиб кетган бу оиланинг аҳволи танг эди...

Тамом

● Мундарижа ●

ИНҚИЛОБНОМА	
Ҳамид Олимжон. Янги турмушга	3
НАСР	
Машраб Бобоев. Номсиз юлдузлар. Қисса	4
Асқад Мухтор. Кумуш тола. Қисса	51
ШЕЪРИЯТ	
Александр Твардовский. Хотира ҳуқуқи. Достон	43
Тоҳир Қаҳҳор. Кўзимдан унар гуллар	103
ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР	
Убайдулла Ғалатов. Тўти момонинг ўғли. Ҳикоя	110
МУШОИРА	
Ҳаётда орзулар тирик экан то... Ж. Сувонқулов, Д. Файзий, Х. Сеитов, Б. Турובה, Т. Қобулов, И. Али, А. Брбоёров	116
ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР	
Николай Шмелев. Аванслар ва қарзлар	122
НОДИР САҲИФАЛАР	
Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон. Шеърлар	135
Машраб. Ғазаллар	152
МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ	
Мухамадали Қўшмоқов. Зоти қулзум Турди. Эссе	141
ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ	
Туроб Тўла, Ғаффор Мўминов. Қалбимнинг бир парчаси	155
ДИЛЛАРДАН ДИЛЛАРГА	
Абдуқодир Ҳайитметов, Нусрат Жумаев. Классика ва замон	163
БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ	
Нодира Рашидова. Усмон Носирни излаб	168
Қайси Қулиев. Халқ айлар мукааррам	170
ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ	
Йўлдош Сулаймон. Беғуборлик	172
Соҳиба Ирисхўжаева. Болалар учун байрам	173
САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА	
Онжей Нефф. Кўр мерганнинг қисмати. Илмий-фантастик қисса	174
АКС-САДО	189
ТАҚРИЗЛАР	
Оллоёр Бегалиев. Саволларга муносиб жавоб	190
Яҳё Тоға. Хушёрликка даъват, ёхуд қинғир ишнинг қийиғи	191
ГУЛҚАЙЧИ	
Саид Аҳмад. Пиримнинг саргузаштлари. Ҳашар-қисса	193
«Шарқ юлдузи» журнали 1987 сонларининг умумий мундарижаси	203

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ 1987 ЙИЛ СОНЛАРИНИНГ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

ИНҚИЛОБНОМА

А. Авлоний. Қизил байроқ	8—3
С. Аяний. Ғалаба марши	5—3
Боту. Биз ким?	7—3
Мўтриба. Буюк инқилоб	3—3
Ҳ. Олимжон. Янги турмушга	12—3
Сўфизода. Октябрь таронаси	4—3
С. Хондайлиқий. Саодатлу хурриятимиз учун табрик	6—3
Чокар. Хуррият	10—3
Элбек. Пролетар марши	9—3
Аваз Утар. Хуррият	2—3
Ғ. Ғулом. Қизил байроқ	11—3
Ҳамза. Яша шўро!	1—3

НАСР

Ч. Айтматов. Кунда. Роман	8—8, 9—44, 10—49
А. Асилов. Икки ҳикоя	11—80
М. Бобоев. Номсиз юлдузлар. Қисса	12—4
Ш. Бўтаев. Кунботардаги боғ. Қисса	4—10
Қ. Кенжа. Солиевнинг ташвиши. Ҳикоя	9—106
Қ. Мирзо. Арвоҳ қўлга тушди. Воқеий ҳикоя	3—130
Ф. Мусажонов. Боғ кўчамни кўмсайман. Қисса	6—25, 7—13
А. Мўхтор. Кумуш тола. Қисса	11—13, 12—151
С. Муқимов. Қирол. Ҳикоя	9—115
У. Назаров. Тўзондаги шарпалар. Қисса	10—14
А. Обиджон. Ялтироқ тугма. Қисса—ҳангома	4—106, 5—111
Н. Отахонов. Оқ бино оқшомлари. Ҳикоя	1—81
Т. Пўлатов. Жалолиддиннинг сўнги суҳбатдоши. Ҳикоя	5—66
Д. Саъдуллаев. Суюнчи. Ҳикоя	7—122
М. Салом. Мўхораба. Ҳикоя	4—81
С. Сирожиддинов. Улуғбекнинг акаси. Ҳикоя	7—113
И. Султонов. Саҳродаги йўловчи. Ҳикоя	11—93
Қ. Собиров. Булутли кунлар. Публицистик қисса	8—86
Н. Тилолов. Қарз. Ҳикоя	11—70
А. Турсун. Чорсудаги чойхона. Қисса	7—86
Ш. Холмирзаев. Йўловчи. Роман	1—13, 2—4, 3—11
Ж. Эргашева. Маломат. Ҳикоя	3—121
А. Эшонев. Жоноқи олма. Ҳикоя	6—133
У. Ғалатов. Тўти момонинг уғли. Ҳикоя	12—110
А. Ҳасан. Қоплон. Ҳикоя	4—94
А. Ҳатамов. Қайтиш. Ҳикоя	10—110
У. Ҳошимов. Икки карра икки — беш. Сатирик қисса	2—59, 3—63
О. Ҳусанов. Юракка тушган чўғ. Воқеий ҳикоя	8—78

ШЕЪРИЯТ

Ч. Аваз. Ерга тўкма нигоҳларингни	7—119
У. Азимов. Элингга бергил шонни	1—98
М. Аъзам. Муқаддасдир мен учун ҳақ	8—82
С. Аҳмад. Сен кўнглимга назар сол	2—118
Т. Аҳмад. Ғурурим — элим бор	9—112
М. Аҳмедов. Хотирам сеники, эй мумтоз поклик	11—86
О. Бегалиев. Ҳали йўл кўп олдимда	7—83
М. Бекжон. Кундалик эхтирослар	4—103
Б. Бойқобиллов. Янги даврон дэъвати барқ урсин қонимизда	2—147
Э. Воҳидов. Киприкда томчидек қалқиб турган ер	11—4
Х. Даврон. Сўнги дўстим бўлди мунгли ой	3—7
Ж. Жабборов. Ҳаёт — оқиб ётган буюк бир дарё	4—38
М. Жалил. Куч беради ишонч офтоби	2—114
Ю. Жумаев. Илдизларни бошингга кўтар	4—88
Г. Жўраева. Тақдирим чирогин ёқди инқилоб	3—134
И. Маҳмуд. Она тупроқ тафти	10—113
О. Мўхтор. Кечиккан кўшиқлар	9—39
З. Мўминова. Ҳайрат кўнрагимда уриб турибди	4—56
И. Нормуродова. Қайдадир чинқириб поездлар елар	7—124
А. Носиров. Меҳрдан шафақлар ёйганда алвон	1—116
Г. Нуруллаева. Сигинаман ҳаққоний сўзга	10—40
З. Обидов. Янги кўшиқлар.	5—76

Н. Остонов. Галаба нони. Баллада	4—99
У. Пўлкан ўгли. Термалар	5—154
Г. Раҳимова. Юрагимда улғаяр орзу	3—61
С. Раҳмон. Ватандай бир чаман барпо қилурман	8—109
Ш. Раҳмон. Туйғулар қуйилар теран ўзанга	6—18
Қ. Саидмуродов. Ҳақиқатга, юракка ишон	4—91
С. Саидов. Тўполондарё билан хайрлашув. Достон	2—49
С. Салимов. Кошинларнинг гулидан унди инқилоб	11—67
Э. Самандар. Юракдан-юракка	9—107
М. Солих. Менинг Ватанимсан, севгилим!	5—64
Т. Сулаймон. Йўлинг бўлса, оқ бўлсин	8—73
А. Суюн. Оламни тўлдирсин сир тўла овоз	8—142
А. Твардовский. Хотира ҳуқуқи. Достон	12—143
З. Туманова. Садо берар олис-олислар	4—156
Уйғун. Сен билан ҳаётим гуллар абадий	1—4
А. Шер. Бизни чорлар жанговар ҳаёт	4—76
А. Широнина. Мурувват	7—147
Шўхрат. Ҳақиқат измида	8—4
М. Юсуф. Сочлари оппоқ онам — Ўзбекистоним менинг	11—76
Т. Қаҳдор. Кўзимдан унар гуллар	12—103
Ш. Қурбон. Муҳими заминга муҳаббат қуймоқ	5—106
А. Қутбиддинов. Мен сени баҳордай севаверамам	7—109
У. Қўчқор. Асад боғларида дарахтлар вазмин	5—147

ДРАМАТУРГИЯ

М. Авезов. Абай. Пьеса	8—114
------------------------	-------

ЛЕНИН ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

А. Л. Гума. Меҳмонхонадаги портрет. Б. Иллеш. Мате Залка. Дождорж. Утовимнинг бойлиги	4—4
---	-----

МУШОИРА

Мен сени ўйлайман. А. Каримов, И. Ризо, О. Бўриев, А. Хўжамова, Ш. Дадаш, А. Алиев	2—157
Кенгликлар зангори шеърга айланар. М. Мирзаева, С. Ҳасанова, О. Сўюндикова, З. Усмонова, С. Фахриддинова, Р. Баҳромова, З. Рўзиева, О. Юсупова	3—115
Ҳар бир инсон — жаҳон тақдири. З. Эгамбердиева, С. Воҳидов, Р. Каримов, Н. Олимов, И. Тўхтамишев	5—161
Кўзларингда кулсин Ватан. Э. Абдуллаев, А. Шукруллаев, С. Ҳакимова, Ҳ. Асқар, Ҳ. Норқулов, А. Маҳкамов, Р. Саломова, Фахриёр, М. Ойдинова, З. Қўзиев, Р. Йўлдошев, И. Эшмўродов, А. Қўшбоқов, А. Қосимов, З. Нейматов, Н. Жалолов, Б. Исомов, А. Нурбоев	7—158
Ҳаётда орзулар тирик экан то... Ж. Сувонқулов, Д. Файзий, Х. Сеитов, Б. Туробова, Т. Қобулов, Э. Али, А. Бобоёров	12—116

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ.

И. Нишонов. Муаллим. Ҳикоя	5—150
С. Пўлканова. Менинг йўлим баҳорга туташ шеърлар	1—163
А. Саид. Шамоллар қалбимнинг тийсиз тўлқини. Шеърлар	6—130

БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Нотаниш юрак бахтдан энтик, кул. Е. Евтушенко, Р. Ҳамзатов, А. Вознесенский, Б. Ахмадуллина, В. Соколов шеърлари	1—120
Менга бахш эт ўзингни. Г. Эмин, С. Капутикян, И. Абашидзе, Ж. Чарквиани, П. Боцу, Г. Виеру шеърлари	4—140

ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

В. Шекспир. Ҳамлет	9—117, 10—138
Ҳомер. Илиада	3—146

ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

Л. Арагон. Кўр одам	11—134
А. Моруа. Қайтиш	2—154
В. Шукшн. Куёвим бир машина ўтин ўғирлади	3—138

НОДИР САҲИФАЛАР

Абдулла шоир дейдики...	3—127
Машраб. Ҳазаллар	12—152

Чўлпон. Шеърлар	12—135
А. Қаҳҳор. Яхши асар қандай ёзилади	7—80
А. Қаҳҳор. Қотилнинг тугилиши	10—4
А. Қаҳҳор. Зилзила	10—4
А. Қаҳҳор. Мақолалар	10—155
Қодир бахшя. Норуғул	6—141

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИН АДАБИЯТИ ВА САДАТИ КУНИДА

О. Гончар. Бондаривна Хикма	10—116
Е. Гуцало. Боқон. Хикоя	10—122
Фикрдош бир дўстни юрибди деб	Б. Савинин, В. Карелин, В. Риндзевский, И. Драч,
Д. Павличко, П. Мовчан, Ш. Бондар	10—128

«САДОИ ШАРҚ» МЕХМОРИМИЗ

Ж. Икромий. Қора-қузғунлар. Романдан босқун	11—95
Бирлашади бунда турфа калом вакиллари	В. Шайхон, М. Мирзаев, Н. Исроил, Лойик,
Б. Собир, Гулруҳсор, М. Қалимова, Гулнора, М. Маъмур, В. Қасимов, Ш. Мурадов	11—103

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ТАРАҚҚИЯТЛАРИ ЭЗУВЧАЛАРИНИНГ УЎН КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Ш. Варма, Х. Баччай шеърлари	6—166
Б. Саҳний, Хаёл тутқун	7—149
А. Жасинто, В. Кабрал, С. М. Кабрал, Ж. М. Кабрал, В. Ларк, Т. Абрамо, М. Мунис	8—162

ОКтябрь — 70

Ф. Абдуллаева. Эл фароғиди	1—105, 2—120
М. Алавия. Шарофатим	3—4
С. Аҳмедов. Бадрдек тилди	6—179
А. Ершов. Профессор Шабатаев Шер	9—145
А. Иванов. Мангу дарваз	4—42, 5—79
А. Каримуллин. Маърифат халқароли	11—196
Т. Малик. Қалдирғон тўси	5—4, 6—59
А. Эгамназаров. Октябр тақдирини	11—163
М. Хидиров, А. Хидиров. Неприятная встреча	3—159
А. Ҳасан. Қумбосди қалдиришлари	11—110
Р. Қодиров. Қаҳрамон қалдиришлари	3—182

ИНҚИЛОБ ЧАВАНДОЗЛАРИ

Ҳ. Содиков. Тўқнашув. Очерклар	6—147, 7—186
Ҳ. Содиков. Фидойидар	11—141

САРГУЗАШТ. ФАНТАСТИКА

Онжей Нефр. Кўр мерганнинг чўли	12—173
---------------------------------	--------

ПУБЛИЦИСТИКА

А. Акрамов. Миллий маданиятнинг тарқоли	11—137
Ш. Бўтаев. Яшил дароҳт	8—166
И. Гамаюнов. Сароб	1—167
Д. Нурий, М. Мирзаев. Болларга қиз	3—165
М. Нурматов. Конституция ва эстабл	4—167
Х. Султонов. Мовий нуғул	10—131
И. Гафуров. Қашқарда	5—179
Ҳ. Ғулум. Етмишинчи баҳар	1—8
М. Ҳазратқулов. Инсон ва тарих	3—154

САНЪАТ

Ч. Аҳмаров. Нафосат муллари да	11—171
Р. Тоқтош. Фахриддинов танлаган кўл	3—174
Т. Ёқубова. Олдиндан оққан сув	2—163
Т. Маҳмудов. Ошкоралик — ҳақиқат кўзгун	10—167

ОЧЕРК

О. Жуманазаров. Симонов ҳақида оғин	5—156
М. Маҳмудов. Бугун ва эрта	4—144, 5—166
Отаёр. Чўпон дорилфунунидан репортаж	1—134

О. Усанов. Пахтакор Гаврилов	7—179
БОЛАЛАР ДУНЕСИ	
Т. Адашбоев. Шуҳрат кўрки. Баллада	1—150
Севинчга тўлган борлиқ. Ш. Саттор, К. Турдиева, О. Пўлатов, Ғ. Абдуллаев, А. Акбаров, С. Тожи, Б. Уринов, Э. Рўзиматов шеърлари	6—155
ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР	
Орол яшамоғи керак. Давра суҳбати	10—4
Мактаб ва адабиёт. Давра суҳбати	6—4
Ж. Саъдуллаев. Далалардаги оқ доғлар	9—139
А. Нурпеисов. Мовий Орол тақдири	8—153
П. Шермухамедов. Асов дарёнинг ёшли кўзлари	8—148
Н. Шмелев. Аванслар ва қарзлар	12—122
ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ	
Қ. Собиров. Ургимчак уяси	6—181
М. Мамадазимов. Ядро ўруши — телбалиқдир	2—186
А. Эгамназаров. Тириклигида жудо бўлган...	8—176
МАФКУРАВИЙ КУРАШ	
Ғ. Ҳидоят, И. Жабборов. Тарих ҳақиқати, сохталик ва бўҳтонлар	6—159
Ҳ. Узоқов. Бўҳтон ҳам эви билан!	11—177
А. ҚАҲҲОР ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА	
Э. Воҳидов. Қарздорлик. Ғ. Нуруллаева. Унутилмас беш лавҳа. Н. Комилов. Темирчининг заргар ўғли	9—165
Навоийхонлик	
А. Рустамо. Шоирнинг биринчи ғазали	2—176
У. Каримов. Навоий ҳаётининг сўнгги кунлари	2—180
О. Сафаров. Болаларимизнинг ўз Навоийси бўлсин	3—195
М. Муродов. Қамал кунларида ҳам	4—176
Л. Арагон. Навоий	4—180
Ю. Турсунов. Навоий муншоотлари	4—180
ҲАМЗАХОНЛИК	
Ниҳоний. Ғазаллар	3—125
ПУШКИНХОНЛИК	
А. Пушкин ёзишмалари	2—184
Д. Қамбарова. Пушкин ва Ойбек	6—169
А. Пушкин. Шеърлар	6—172
ДИЛЛАРДАН-ДИЛЛАРГА	
Ч. Айтматов, А. Жўрабоев. Шундай бир адабиёт яратайликки...	7—4
Б. Аҳмедов, Ш. Отабоев. Тарих — авлодлар тақдирида	9—171
А. Ҳайитметов, Н. Жумаев. Классика ва замон	12—163
ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ	
С. Аҳмад, А. Обиджон. Икки кишилик курсида уювон	10—160
О. Еқубов, У. Утаев. Ижодкорнинг бош манбаи — ҳаёт!	8—157
Зулфия, Қ. Раҳимбоева. Ишончим, имоним, олқишим — ҳақиқат!	3—176
Мирмуҳсин, О. Абдуллаев. Покланиш — тафаккурдан, юракдан бошланади	7—170
А. Мухтор, Т. Қаҳҳор. Инсоният биноси	4—158
А. Орипов, Б. Назаров. Севинч — дардим — бари Ватаним	11—154
Т. Тўла, Ғ. Мўминов. Қалбимнинг бир парчаси	12—155
Уйғун, Т. Тўла. Утмишни эслаганда	2—167
Шуҳрат, У. Улжабоев. Виждонга садоқат	5—176
Ҳ. Ғулом, А. Отабоев. Замон билан ҳамнафас	6—173
К. Яшин, Э. Носиров. Маънавият чўққиси	1—154
МАҲОРАТ МАКТАБИ	
Ҳ. Назир. Устоз ўғитлари	1—194

Ш. Ботирова. «Юракларни сўз билан ёндир...»	8—189
Ш. Норматова. Сехрли қалам қудрати	8—185
Й. Солимонов. «Бошсиз одам»нинг такомиллашуви	9—169
О. Шарфиддинов. Иккинчи чўққи	3—197, 4—183

ЮБИЛЛАРИМИЗ

Й. Сулаймон. Беғуборлик	12—171
С. Ирисхўжаева. Болалар учун байрам	12—172

АДАБИЯТ ТАНҚИДИ

Ҳ. Абдусаматов. Маҳорат — бош мезон	9—177
М. Жуманов. Табиат — туйғулар манбаи	5—119
Н. Каримов. Янгиланиш йўлида	10—181
А. Каттабеков. Адабиётимизнинг бош мавзуси	11—179
У. Норматов. Достон ва замон	10—173
В. Осқоқий. «Тарих — инсоният хотирасидир...»	11—182
С. Очил. Қовун қовундан ранг, олади-ю...	2—195
А. Расулов. Танқид масъулияти	9—182
Д. Раҳматуллаева. Таржима — изланиш меваси	7—197
А. Улуғов. Зиддиятлар талқини	10—185
Н. Худойберганов. Фош қилиш маҳорати	6—197
Б. Қосимов. Йўл бошида	2—149
М. Қўшжонов. Савия — ижоднинг бош талаби	6—190

ТАНҚИДНИ ТАНҚИД

У. Қосимов, О. Абдуллаев. Қаҳр эмас, меҳр керак	11—187
---	--------

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

М. Аъламова. Ҳамза — рус тили тарғиботчиси	1—198
Р. Воҳидов. Қардошликнинг нурли саҳифалари	5—144
М. Қўшмоқов. Зоти қулзум Турди. Эссе	12—141

ИИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

М. Мурсалов. Чақмоқдек чақнаган умр	10—187
Хуршуд. Абдулла Қодирий ва тарихчи Ҳакимхон	4—118
Р. Қосимова, Д. Расулова. Фурқат Еркентда	8—193

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

А. Абдураззоқ. Туркларнинг энг буюкларидан эди	1—133
А. Мухтор. «Мен ёнмасам, сен ёнмасанг...»	1—123
Н. Ҳикмат. Шеърлар, ҳикоялар	1—125
Н. Рашидова. Усмон Носирни излаб	12—167
Ш. Турдиев. Теран томирлар	5—198
Қ. Қулиев. Халқ айлар мукаррам...	12—169

БАҲС

О. Отахонов. «Борса-келмас»даги хазина	4—201
--	-------

БИР АСАР БАҲСИ

«Ҳақиқат учун курашиш керак...» У. Норматов, М. Маҳмудов, С. Содиқ, О. Абдуллаев	2—198
--	-------

ТАҚРИЗ

Б. Акрамов. Моҳият ва руҳият образлари	9—189
С. Аҳмедов, Ч. Аваз. «Еруғлик» зиёси	5—202
О. Бегалиев. Саволларга муносиб жавоб	12—189
Б. Дўстқороев. Хотирада адиб сиймоси	2—204
Н. Каримов. Бедорлик	3—202
Ҳ. Каримов. Таниш гул	8—196
Н. Комилов. Достоевский даҳосига сифиниб	9—187
Я. Тоға. Ҳушёрликка даъват, ёхуд қинғир ишнинг қийиғи	12—190
Ш. Турдимов. Халқ ҳаётининг кўзгуси	7—195
И. Тўлаков. Уйғоқ қалб	9—192
Б. Тўхлиев. «Чечак тер боққа кирсанг...»	10—190
Н. Холлиев. Танқид санъати	9—197
Е. Яқвалхўжаев. Чорраҳадаги ўйлар	1—201
У. Қўчқор. Тафаккур тасвири	10—144

ГУЛҚАЙЧИ

М. Абдусаломов. Пародия	6—206
Турсунбой Адашбоев «Бойчечак» ансамбли	12—201
С. Аҳмад, Х. Тўхтабоев, Н. Аминов, С. Сиёев, А. Обиджон, С. Аҳмад. Пиримнинг саргу- заштлари. Ҳашар қисса	7—199, 8—202, 9—201, 10—202, 11—201, 12—192
О. Бегалиев. Грипп	5—205
Ж. Алимардон. Масал — эпиграммалар	4—206
Ҳ. Жўраев. Имзозозлик	3—206
Конвертларни қайчилаганда	6—207
М. Низанов. Чархпалак шоир	7—205
М. Пирриев. Орқатоғ	3—205
У. Саидов. Пародиялар	4—207
Ҳ. Сиддиқов. Илҳом париси билан суҳбат	2—206
О. Тожибоева. Икки шеър	7—204
А. Хайт. Ҳажвиялар	1—203
Холис. Эй, замон бузруклари	6—207
А. Юнусов. Таҳрир	4—206
А. Юнусов. Ҳажвиялар	11—205
Юсуфжон қизиқ ҳангомаларидан	2—205, 6—205
А. Қаҳҳор. Мухаммас будур	9—200

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
 {Звезда Востока}

№ 12

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана
 Ташкент — 1987

Техник редактор **А. Ҳайдаров**

Рассом **Ф. Алимов**

Корректор **М. Имомов**

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
 Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
 Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 08.10.87 й. Босишга рухсат этилди 27.11.87 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
 Р-09171. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55.
 Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 172032. Буюртма 1895.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
 босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти, 41.

© «Шарқ Юлдузи», 1987.

Ғафур Фулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти.